

С
с 34

Назир Сафаров

2



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАТИ
АДБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1975


ТҶҰРТ ТОМЛИК

НАЗИР САФАРОВ

АСАРЛАР

ИККИНЧИ ТОМ

НАЗИР САФАРОВ



ҚИССАЛАР,
ҲИКОЯЛАР,
ОЧЕРКЛАР

Уа
C 34

C $\frac{70303-000-135}{352 (06)-75}$ 132—75



1. The first part of the report deals with the general situation of the country and the progress of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the general situation of the country and the progress of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

2. The second part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

3. The third part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

4. The fourth part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

5. The fifth part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

6. The sixth part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

7. The seventh part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

8. The eighth part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

9. The ninth part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

10. The tenth part of the report deals with the results of the work during the year. It is divided into two main sections: the first section deals with the results of the work during the year, and the second section deals with the results of the work during the year.

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ҚИЗ

Бу қиссанинڭ қаҳрамонлари ҳаммалари бор кишилар. Улардан адашган ва хатога йўл қўйганларнигина ўз номлари билан айтмадим. Бу менга ҳаёттий фактларни бадиий умумлаштириш имконини берди.

Муаллиф

А Л Қ И С С А

Башорат холанинг бошига оғир мусибат тушди. Май ойининг орази гулгун бўлган кунларининг бирида Маҳмуд ака ўз оёғи билан юриб «Пахта» станциясига чиқса-ю, орадан бирон соат ўтар-ўтмай унинг мажақланган танасини кишилар замбарга солиб олиб келсалар!

Етти ухлаб ёдга келмаган фалокат юз берди. Маҳмуд акани экспресс поезд босиб ўлдирган эди. Ёши бир ерга бориб қолган бўлса-да, Маҳмуд ака ўз рўзгорининг боши, унинг суяб турган асосий устунни эди.

Маҳмуд ака гоҳо дунё ташвишидан сиқилиб хотинига қаттиқ тегиб қолган чоқларида, Башорат хола:

— Бақироқ туянинг бори яхши, бақириб юргани яна яхши, — дейиши ҳам ҳикматсиз эмас эди.

Отанинг фожиали ўлими оила аъзоларини оғир аҳволга солиб қўйган эди. Азалдан касалманд бўлган Башорат хола эрининг ўлиmidан сўнг ўзини жуда олдириб қўйди. Бунинг устига уч ёш болани едириб-кийдириш осон гапми? Башорат хола кунлар ўтган сари кўникиб, дунё ташвиши билан қоришиб қолди. Ўртанча қизи Инобат ҳали ёш бўлгани учун оила ташвишидан «четда» юрарди. Кенжатоё Хайри бўлса ҳали она кўкрагидан ажратилганича йўқ. У оч қолса, йиғлашни, уйқуси келса, ухлашни биларди, холос. Аммо Турсунойнинг юраги чироқ ёқса ёримасди. У зоҳирда тишининг оқини кўрсатгани билан ботинида азоб, руҳида эса фавқулодда бир ташвиш санқиб юрарди. Қизининг сиқилиб, ичиндан «зил» кетиб юришини онаизор билмас эди, дейсизми? Бундай ҳолатни фақат она бўла олган аёлгина тушунади, холос.

Айни еттинчи синфни битириш арафасида отасининг ўлими Турсунойни ҳардамхаёл қилиб қўйган эди. Ўқинишни битириб, ўн йилликка кираман, ундан кейин институтда ўқийман деб юрган Турсунойнинг бирдан қол-

хозда ишлайман, деб қолиши Башорат хола учун енгил эмас эди, албатта. Она:

— Оппоқ қизим, ўқишингни жувонмарг қилма! Қолхозда ишлашинг қочмас эди,— деса:

— Ўқишни ҳам қолдирмасман. Ёлғиз қийналиб қолдингиз, кўриб турибман, ҳали укаларим жуда ёш,— деб жавоб берар эди Турсуной.

Турсуной ёш бўлса-да бир сўзлик қиз эди. У, мактабда ҳам, онла аъзолари орасида ҳам бирон нарсага қўл урса, унинг охирига етказмагунча тиниб-тинчимасди. Турсуной баъзи бировларга ухшаб таваккалчи ҳам эмасди. У етти ўлчаб бир кес мақолига амал қиларди. Бу мақолга амал қилган ёшдир, қаридир ҳеч қачон дард қолган эмас. Турсуной колхозга кириб ишлаш тўғрисида бош қотириб юрган кезларида ўз тенгқурлари Муборак, Азиза, Мингсулувлар ишлаётган бригадага боришни ўйлаб қўйган эди.

Кўм-кўк зумрад водий. Поёнсиз пайкалларда гўёки, шафтоли чаман-чаман гулга кирган. Турсуной бригаданинг шийпони томон йўл олди. Шийпон гир атрофи тол билан ўралиб олинган катта ҳовузнинг кунчиқиш томонида эди. Шийпон орқасида «универсал» тариллай бошлади.

Куннинг кўзи кўринди. Қуёш гўё келинчак сингари мўралаб, секин-аста кўтарилиб, оқибат жамолини барала кўрсатди. Шунда олам ёришиб, тонг шабадасида қулф уриб ётган дарахтлар тепасида қуёш ёғдуси қанот қоқа-қоқа секин қўйилиб зумрад водийга зардан нур таратиб юборгандек кўринарди.

Қуёш билан бирга бутун коинот уйғонганди. Тиниқ дала кўкида қушлар учишиб, сайрашар, кеча шабнамида нам тортган патларини қуёш нурига силкитиб-силкитиб увишган таналарини ёзар, саҳий қуёш ҳақиға мадҳия айтадишадигандек басма-басига сайрашардилар.

Турсунойнинг диққатини ёқимли қушлар сайрашидан кўра, тракторнинг «пат-пати» тортган эди. Унинг кетмони ҳамон елкасида. У Азиза ва Мингсулувлар билан мусобақалашмоқчи.

Турсуной катта ҳовуз ёнида ариқда тўлқинланиб оқаётган сув олдиға бориб, шийпон томон мўралаб қаради. Кекса бир аёл катта самоварга тараша ташлаб карнайини қўндиради, «универсал» эса шийпон орқасида ҳамон гуруллаб тонг сукунатини бузиб турар эди.

— Тракторнинг эгаси қаерда бўлса экан.— ўзича ўйларди Турсуной.

Тракторчи худди Турсуной турган тепа тагидаги ариқ нчидан бет-қўлини арта-арта Турсуной томон чиқиб кетларди.

— Салом, қизча,— тракторчи нотаниш Турсунойга қўл чўзди.

Турсуной елкасидаги кетмон дастасини ўнг қўл билан туғиб тургани учунми ёки шошиб қолибми, тракторчига чап қўлини узатди.

— Амаки, трактор сизникими?— сўради Турсуной.

— Ҳа.

— Қайси бригадада ишлайсиз?

— Юсуфали Аҳмедов бригадасида. Сен-чи?— сўради тракторчи.

— Мен энди ишламоқчиман.

— Мактабда ўқишинг йўқми?

— Йўқ. Етти йилликни битирганман.

— Бундан кейин нима қилмоқчисан?.. Колхозда ишласанг ўқишинг нима бўлади?

Турсуной тракторчининг саволларига жавоб бермасдан тек турарди. Унинг қовоғи солиниб пешанаси тиришди. Тракторчи комбинезонни чўнтагидан папирос олиб чекар экан, деди:

— Қиз бола бўлмаганингда ўзим шогирд қилиб олар эканман...

Турсуной қизариб кетди. Қиз бола бўлсам нима бўпти! Қиз шогирдликка ярамас эканми?— ўзича ўйлади Турсуной.

Тракторчининг гапи қизнинг ориятига теккан эди. У, амаки, мени шогирдликка олсангиз, сизни уялтирмайман. Ўғил болача иш қиламан дегиси келди-ю, яна аллақандай андишаларга бориб жим қолганди. Тракторчининг гапи туриб-туриб қизга наша қила бошлади.

Шу вақт карта бошида бригада аъзолари кўриниб қолди. Турсуной тракторчига нимадир айтишни хоҳлар эди.

— Амаки! Ҳозирча хайр. Сиз қиз боладан тракторчи чиқмайди деб ўйладингиз! Шу гапингиз эсингизда турсин!— деди-да, елкасида кетмони билан карта бошида тўплана бошлаган колхозчилар томон чоғиб кетди.

Турсуной Юсуфали Аҳмедов бригадасида ишлаб юрган кезларида, Сергей Богдасаров тракторига сув ташиб ёрдамлашадиган бўлиб қолди. Турсуной «универсал» тракторининг маҳоратидан мамнун бўлиб айтарди:

— Сергей амаки! «Универсал»ингизнинг баҳоси йўқда, эгат олса, чопиқ қилса, дори солса, чигит экса... қани энди пахтани терадиган шунақа эпчил машина ҳам бўлсайди.

— Пахта терадиган машиналар ҳам бор.

— Қани ўша машиналар?

— МТС паркида бўлганинг йўқми? Нах, уларнинг савлат тукиб туришларини бир кўрсанг эди.

— Нима учун у билан пахта термайдилар?

— Раисимиз, бригадирларимиз хоҳламайдилар.

— Нима учун хоҳламайдилар?..

— Нима учун?.. Нима учун?.. Нима учун бўларди!!!

Колхозчилар тушликка чиққандилар. Дам олиш чоғида МТС партия бюросининг секретари Халил Турсунов келиб Юсуфали Аҳмедов бригадасида бир группа қизлар билан суҳбат ўтказарди:

— Бир йил ўтади кетади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда механизатор кадрларнинг роли нақадар буюк эканлигини ўзларингиз яхши биласизлар. Партия Марказкоми сентябрь Пленуми қароридан хабардор бўлсаларингиз керак, албатта.

— Ҳа, хабарим бор.

— Сиз, Турсуной Охунова эмасмисиз?— сўради Турсунов.— Пахтачиликнинг бундан кейинги тараққиёти техникага, моҳир техника кадрларини қунт билан тайёрлашга боғлиқ эканлиги ўзларингизга маълум-ку. Қани ўзларингиз айтинглар-чи,— деди қизларга мурожаат қилиб Халил Турсунов,— пахтани машинада теришга ўтмасдан колхозчи ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз, ака-укаларимизнинг оғир меҳнатларини енгиллаштириб бўладими?

— Ҳа, ўртоқ Охунова, бир нарсая айтмоқчимисиз?— сўради Турсунов.

— Ҳа, айтмоқчиман. Терим машинаси тўғрисида бирон сўз эшитсам, ҳам севиниб, ҳам хафа бўладиган бўлиб қолдим.

— Ия, нега ундоқ?— таажжубланиб Турсунойга қаради партбюро секретари.

— Терим машинаси ишлатилмасдан МТС паркида ётармиш. Терим машинасини ҳайдашга омил бўлган кадрлар сарсон-саргардон бўлиб юрганлари сизга маълумми? Агар шу гаплар рост бўлса, бир йил курсда ўқиб механик-ҳайдовчи бўлиб келишимиздан кимга фойда бўлади-ю, кимга зарар келтирилади? Курсни битириб яна биз ҳам сазойи бўлиб юрмасак яхши эди!

Берилган савол ҳам, қилинган талаб ҳам дангал эди. МТС партбюросининг секретари Халил Турсунов аҳволни ётиги билан тушунтирди.

Шунда биринчи бўлиб Турсуной:

— Партия бизни чақирган экан, биз ёшлар «лаббай!» деб жавоб берамиз. Ўртоқ Турсунов механизаторлар курсига мени ёзинг!— деди.

— Мени ҳам ёзинг,— деб ўрнидан турди иккинчи бир қиз. Шундан сўнг Муборак Комилжонова, Азиза Тўхтарова, Менгсулов Менгалиевалар ҳам бирин-кетин ёзила бошладилар.

* * *

МТС директори Александр Васильевич Коломейцев Турсунойнинг шаҳодатномасига кўз югуртириб «отлично» сўзини баланд овоз билан такрор айтди-да, негадир ҳайрон бўлгандек қизнинг бошидан оёғигача қараб чиқди. Жуссаси ушоқ, нозиккина бу қиз, байрам кийимида ясанган, унинг ташқи кўриниши сира ҳам механик-ҳайдовчига ўхшамасди.

— Мастерскойда ишлайверасан бўлмаса!

— Майли.

— Баракалла! Слесарликка қўйсам розимисан?

— Мен ҳам пахта тераманми?— уялинқираб сўради Турсуной.

— Ўзинг нима дейсан? Пахта теришга хоҳишинг борми ахир?

— Хоҳишим бўлмаса нима учун ўқидим!

— Отлично,— деди директор.— Шошилма, ҳали теримга анча вақт бор.

— Терим машинасига мосланиб экилган майдонлар тайёрми?— қошларини чимириб сўради Турсуной.

— Мослаб экилган майдон дейсанми?— иккиланибганин чайнаб айтди директор,— борр... Бундан кейинги гап ҳайдовчига, ўзларингга боғлиқ. Ҳозир, мастерскойга

чиқ! «СХМ—48М» машинаси турибди. Ўзинг учун шунинг тайёрлайсан. Шунда пахта терарсан,

Сентябрь ойи ҳам келиб етди. Механик-ҳайдовчи Турсуной Охунова ўзи ремонтдан чиқарган «қўлбола» «СХМ—48М» машинасини боғлиқдан чиққан асов отдек гинжинглатиб Чинознинг катта кўчасида виқор билан ҳайдаб борарди. Ҳамма йўловчиларнинг кўзи унда.

Турсуной машинадан тушиб колхозчилар билан саломлашиб кўришди. Йигитлар уни табрикладилар, қизлар қучоқлашиб кўришар экан:

— Вой уртоқжоней, мақсадинг терим машинасини ҳайдаш эди. Хуллас, муродингга етибсан-да!— дейишарди.

— Машинанг яхшими, ғўзани пайҳон қилади дейишадилар, ростми?— сўради бир аёл.

Турсуной бошини чайқаб, бош бармоғини «вох» деб кўрсатди. Колхозчилар ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

Ўша йили «СХМ—48М» машинаси билан Турсуной ўттиз тоннадан ортиқ пахта терган эди.

1955 йилда икки колхоз бирлашди. Раис алмашиб, бирлашган колхозга Ғани Далибоев раис бўлиб келди. Бу, Турсуной униб-ўсган колхоз эди. МТС директорининг гапига қараганда — Далибоевнинг терим машинасида пахта тергуси йўқ. Директор ўзининг машинасига ўтқазиб Турсунойни Киров номли колхозга олиб борди. Бу колхознинг иккинчи бригадасига Ким Борис бошчилик қилар экан. Бу хушмуомала, ишчан бригадир механик-ҳайдовчи Турсуной Охуновани секинлик билан қарши олди. Ким Борис хўжакўрсин учун иш қилмаган эди. Ўзида мавжуд бўлган имкониятларни ишга солиб бир бўлак ерини машина теримига мослаб, ғўзага тарбия берганди. 1957 йилда Турсуной Ким Борис бригадасида муваффақиятли ишлаб туқсон тонна пахта териб берди. Ҳукуматимиз бу ватанпарвар қизни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаб, унинг бу олижаноб ташаббусини тақдирлаган эди.

Турсуной VII жаҳон ёшлар фестивалидан қайтиш билан Ўзбекистон Ленинчи Ёшлар Союзи Марказий Комитети томонидан чақирилган механик-ҳайдовчилар республика слётига қатнашган эди. Слётда сўзга чиқиб 1958 йил мавсумида машина билан бир юз ўн тонна пахта теришга сўз бериб, бошқа механик-ҳайдовчиларни социалистик мусобақага чақирганди.

Олдин келишилган планга мувофиқ, 1958 йилда Турсуной Гаппи Далибоев раислик қилаётган колхозда пахта териши керак эди. 26 сентябрда Турсуной терим машинасини ҳайдаб колхозга келди-ю, у ўз кўзларига ишонмади. Машина терими учун ажратилган пахта қўлда тердирилиб қўйилганди. Турсуной райкомга борди. Секретарь:

— Бўлар иш бўпти. Бошқа ердан терарсан!— деди-да Турсунойни «Коммунизм» колхозига юборди. Колхоздагилар ҳам:

— Аттанг, бир-икки кун илгарироқ келмабсиз-да, ҳамма карталаримизга теримчиларни тушириб қўйган эдик!— деб шакаргуфторлик қилдилар.

Шундан кейин Турсуной Охунова 4-«Боёвут» совхозига кетди. Турсуной икки кун овора-ю сарсон бўлиб 4-«Боёвут» совхозини топиб борди. Совхоз директори ўртоқ Усмон Юсуповга бутун воқеани ҳикоя қилар экан, у бошини чайқаб қўяр, ортиқ асабийлашганидан кабинетда у ёқдан-бу ёққа кезарди.

— Кўп овора бўлибсан, қизим. Бўлмаса вақтни ўтказмайлик. Мен ҳозир ёрдамчи механикни чақирай.

Совхоз машинаси ҳам ремонт талаб экан. Энг қимматли кунлар ўтиб борарди. Лекин нима қилиб бўлса-да наъданнинг устидан чиқиш керак. Турсуной ҳар куни тўрт тоннага етказиб пахта терар экан,— эсиз-эсиз кунларим, сарсон-саргардонликда самарасиз ўтди!— деб аламини кимдан олишни билмасди. Ўша йили куз ҳам ўчакишгандай вақтдан бурун кўз ёши тўкди. Совхоз ери шўрхок бўлганидан майдонга терим машинасини киритиб бўлмади. Турсуной қирқ тонна пахта териб яна ўз колхозига, туғилган қишлоғига қайтди.

* * *

1959 йил. Октябрнинг йигирма олтинчи куни. Айниқса куз қуёши кулиб кўз очган кун эди. У ўзининг баракали пурларини сахийлик билан ер юзига сочар. Пахтакорлар бошидан саргардон, кўнгилларини чарогон қилиб турган бир чоғда биз Турсунойни «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг пахта даласида учратиб, саломлашдик.

— Хирмонишгизга барака.

— Умрингизга барака!— деди мулойим жилмайиб Турсуной. У баҳайбат «ХВС—1,2» терим машинаси ёни-

да икки қўли биллагига қадар ёғ, шприцга солидор гўл-
дирарди

— Машинамнинг томоғи қақраб қолибди,— деди шприцдаги солидорни машина аппарати оғизларига то-
мизар экан. Буни «технический уход» деб атаймиз. Ҳар
икки кунда профилактика қилиб турмасангиз машина
ҳам «дод» деб юборар экан. Шунга ишонасизларми?

— Сизга ишонмасак, кимга ишонамиз,— деди снгил
кулиб ҳамроҳим.

— «ХВС—1,2» машинаси қалай ишляпти?— сўра-
дим мен.

— Ажойиб, бебаҳо машина. Газеталарда ўқиган бўл-
саларингиз керак. Мен ўтган йили Тошкентда бўлган
слётда юз ўн тонна пахта теришга сўз берган эдим. Киров
номли колхозда «СХМ—48М» машинасида 137 тонна
пахта тердим. У биринчи терим эди. Бу янги машина
билан фақат иккинчи теримга тушдим. «XXI партсъезд»
колхозидан пахта териб, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»
колхозига ўтдим. «ХВС—1,2» машинаси билан биринчи
теримда ҳар куни 12 тоннага етказиб бемалол пахта
терса бўлади.

— Ҳозиргача қанча пахта тердингиз?

— 206 тонна. Агар,— деди афсусланиб Турсуной,—
бу машина терим бошида қўлимизга тегармиди! Хайр,
майли, бу ҳам ёмон эмас. Москва ҳам бирдан қурилма-
ган-ку, ахир. Энди пахтачиликдаги теримдек оғир меҳ-
натдан қутулиш кунлари яқин деб ишонч билан айта-
версак бўлади. Бутун гап мана шунда,— деб қўйди
қўлидаги ёғни бармоқлари билан сийириб Турсуной.
Турсунойнинг оғзи гапда бўлса-да қўли ишдан бўша-
масди. У машина қисмларини ўтириб қолган хашак,
чайгдан тозалаб, уни яна юргйзиб кетди.

Аёз пайтларда осмон гучбазида ярақлаб ётган ҳисоб-
сиз юлдузлар сингари кенг пахтажордаги гўза тупларида
оппоқ чаноқлар нуқрадек товланиб ётар. Жилови моҳир
қиз қўлида бўлган ажойиб «ХВС—1,2» денгизда чайқа-
лаётган кема сингари бепоён пахтажорда сузарди.
У очилган чаноқдаги пахталарни ҳўплаб олиб, бункерга
ҳайдар, тўқилган пахталарни ерда қолдирмай териб
борарди.

1959 йил, ноябрь.

Мен асосий мақсадга кўчишдан олдин газеталарда эълон қилинган мақола ва нутқлардан, баъзи бир доклад ва ахборотлардан бир неча фактларни кўрсатиб ўтмоқчи эдим.

Мана газеталардан олинган сатрлар:

Турсуной Охунова:

— Мен, «ХВС—1,2» машинасида юз тонна пахта териш мажбуриятини олган эдим, икки юз ўн тоннага етказдим. Ҳар куни олти-саккиз тоннадан пахта тердим. Илгари бунча пахтани юз киши терарди.

— Бир киши юз кишининг ишини қилибди. Офарин!

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Турсуной Охуновага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

...Молдавиялик машҳур бригадир тракторчи Бранислава Вершкова етти йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун Турсуной Охунова билан мусобақалашади.

...Иваново областидаги Савинский фабрикасининг тўқувчиси Юлия Вечерова Турсуной Охуновани социалистик мусобақага чақиради.

...Қирғизистондаги «Қизил меҳнат» колхозининг зveno бошлиғи дугонаси Турсуной Охунова йўлидан бориб машинада пахта теришга қарор қилди.

...Ўзбекистонда олти юз қиз-жувон пахта териш машинасини ўрганиш курсида ўқимоқда. Булар Турсунойдан намуна олиб пахта термоқчилар.

...СССР Олий Советининг депутати Ойим Камолова (Қорақалпоғистон АССР) қўл билан пахта теришдан воз кечди. У ҳар гектар ердан саксон центнердан ҳосил етиштиришга, Турсуной Охуновадан намуна олиб, бир мавсумда машина билан икки юз эллик тонна пахта теришга ваъда берди.

Шароф Рашидов:

— Бу йил биз беш юз минг тонна пахтани машинада териб олишимиз керак. Буни сузсиз ошириб бажарамиз.

Ҳозир пахтачиликда ҳал қилувчи куч комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаларидир. Улар саккиз юз эллик минг гектардан ортиқроқ ерга квадрат-уялаб чигит экди. Бу бригадаларнинг кўпчилиги ҳозирданоқ янги-янги муваффақиятларга эришмоқда. Бироқ бизда ҳали комплекс механизациялаштирилган

кўпгина бригадалар борки, буларнинг фаолиятлари оддий бригадалардан кўп жиҳатдан фарқ қилмайди.

Турсуной Охунованинг ўзи ким?

Содда ва хушчақчақ, жонсарак ва серҳаракат бу қиз ўғил болаларни эслатади...

Турсуной қиссасига ўтишдан олдин ўз кўрган-кечирганларимдан баъзи бир нарсаларни эслаб ўтмоқчиман.

ЗАХМАТКАШ ҚўЛЛАР

Бундан бир неча йил бурун «Қизил Ўзбекистон» гаветасининг топшириғи билан Фарғона водийсига борган эдим.

Июнь ойининг охирлари. Ғўзалар айни гулга кирган вақт. Жазирама иссиқ пахтага ҳузур бағишласа, одамни беҳузур қиларди. Кун тигида ишлаётганларнинг аъзойи баданидан қуйилиб оқаётган тердан елкаларда, енгларда сарғиш доғлар пайдо бўларди. Ер-кўкка шафқатсиз аланга сочаётган қуёш қандайдир рангсиз бўғиқ ҳаводан соябон ясаб, коинотни тўсиб қўйгандек... Мана шу оғир ва ёқимсиз ҳарорат табиатда бўлган барча ғўзалликларни одамлар кўзидан пинҳон тутиш учун гўё табиатнинг ўзи томонидан атайлаб қилинаётган бахилликка ўхшарди.

Далалар гавжум. Одамларнинг қўлларида кетмон, чопиқ қилмоқдалар. Ҳамма аёллар бошларига рўмол ёки камзул ташлаб олганлар. Одатда бу қуёшдан сақланиш учун қилинарди.

Мен далага райком секретари билан бирга бордим. Кейинчалик бизга колхоз правлениесининг раиси, икки бригадир ва қўлидаги қамчисини доим ўйнатиб юрган омбор мудирини ҳамроҳ бўлишди.

Одамлар билан учрашиб, суҳбат қилиб юрарканман, аёлларнинг бошларига ташлаб олган камзуллари мени ҳайратга солди.

— Айтинглар-чи, нега аёллар камзул ёпиниб олишган?

— Қуёшдан пана қилиш учун ёпинишса керак,— деб жавоб берди райком секретари.

— Ҳа-да, доим кун тигида, офтобда ишлашади. Бошларига ёпиниб олган камзуллари соябонлик хизматини ўтайди, албатта,— деди секретарининг гапини маъқуллаб раис.

— Ёпинчиқлар фақат соябонлик хизматини ўтайдими?— яна сўрадим мен.

— Ҳа-да... Булар ташқари одат деган парадмиз ҳам бор,— деди ёшнинг хизматини келтириб изоҳлаган бўлиб райком секретари.

— Ҳа, дарвоқе одат ҳам бор,— деди колхоз раиси.

Райком секретарининг қовоқ уюб ер тагидан назар ташлаганини кўриб, бирдан унинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Далада эркаклар кўринмайдими?

— Одатда эркаклар оғирроқ ишларга юборилади,— изоҳ бера бошлади райком секретари.— Шундай бўлса керак?— савол назари билан раисга қаради.

Раис бўлса, бошини қимирлатиб, буни маъқуллаган бўлди.

— Оғир ишлар дейсиз... Масалан, қандай оғир ишлар?

— Колхозда нима кўп, оғир иш кўп. Масалан, арава ҳайдаш... Далага ўт чиқариш, гўнг ташиш.

Бу орада биз кетмон билан чопиқ қилаётган хотин-қизлар тўдасига яқин бориб қолган эдик. Деярли ҳаммаларининг эғнида ранг-баранг шойи кўйлак. Салом бердик. Ҳеч ким жавоб қайтармади. Улар гўё эшитмагандек, чурқ этмай ишлари билан машгул эдилар.

— Ҳорманглар,— яна мурожаат қилдим кетмончи қизларга.

Яна ҳеч ким жавоб бермади... Орадан бир оз вақт ўтгач, ўрта ёшли бир аёл бизга томон ер остидан қараб: «Келинглар!»— деди-да, яна кетмонини чопаверди.

Мен уларга савол бера бошладим, лекин аёлларнинг биронтаси ҳам менинг саволларимга жавоб бермас эди. Оқибатда иш шунга бориб етдики, қизларнинг ҳаммаси бизга орқа ўгириб, юзларини кўрсатмасликка ҳаракат қила бошладилар.

— Ҳа,— дедим секингина мен,— маълум бўлдики, қизларнинг бошларидагӣ камзуллар фақат қуёшдан юзларини пана қилиш учунгина эмас экан.

— Ёш қизлар, уялишса керак,— деди ўзи ҳам уялгандек жилмайиб райком секретари. Сўнгра қизларга мурожаат қилди:— Ёзувчи ўртоғимиз сизлар билан гаплашиш учун атайлаб Тошкентдан келибди.

Қизлар яна индамай ишларини қилаверишди.

— Ҳа, сизларга нима бўлди, қизлар?— чопиқчилар томон бир-икки қадам ташлаб яна гап бошлади райком

секретари.— Бу одобдан эмас-ку, ахир. Меҳмоннинг саволларига жавоб бермайсизларми... Қани, ишларинг-ни қўйиб, бирпас дам олинглар-чи...

Қизлар бирин-кетин чолиқдан тўхтаб, бизга орқа ўгириб давра олишди.

Қўлидаги қамчисини уйнаётган омбор мудир и уларга таъсир кўрсатмоқчи бўлди, қизлар доираси томон бориб, ҳарчанд имо-ишора қилса ҳам, иш чиқмади.

Мен ҳам ниманидир сўрадим, қизлар ҳамон жим. Мен уларнинг кунлик иш нормаларини билишга қизиқардим. Саволлар бериб жавоб олишим қийин бўлавергач, ниҳоят, гапни қисқа қилиб охирги саволни бердим:

— Ҳайр, афсус... Сизлар билан гаплашиш бу қадар мушкул эканлигини ҳозиргача билмас эканман. Бу меннинг айбим. Бўлмаса охирги бир саволимга жавоб беришларингизни илтимос қиламан. Айтинглар-чи, қизлар, нега далада эркаклардан ҳеч ким кўринмайди?

Гўё қизлар команда кутиб тургандек, бир огиздан жавоб беришди:

— Билмасак... Раис бувам биладилар.

Раис, афтидан, бундай масалага биринчи дуч келатган бўлмаса керак. У одати бўйича қизларга қаттиқ тегиб:

— Ҳа, ҳа,— деди,— раис бувалари билармиш! Сизлар-чи? Гўё сизлар ҳеч нимани билмайсизлар!

У бизга мурожаат қилиб, бармоқларини бука-бука сайрай кетди: фалонча эркак пичан ўряпти, фалонча эркак арпа янчяпти, фалончаси комбайн ҳайдаяпти, фалончаси яйловдаги чорва билан овора. У рақамларни шу қадар ёддан шариллатардики, гапига ишонмасдан иложингиз йўқ эди.

— Шунча туёқ молимиз бўлган билан ўз яйловимиз йўқ,— деб зорланди раис.— Эркакларимиз сурувларимизни Қирғизистон ерларига ёйишади...

Қизлар юзларини яширганларича, яна кетмонларини чопа кетдилар.

Кеч кирди. Мен колхоз қишлоғини айланиб юрарканман, кундузи далада кўринмагач эркакларнинг ҳаммасини қишлоқ чойхонасида чойхўрлик қилиб ўтирганларини кўриб ҳайрон қолдим.

Мен ўша галги сафаримда Фарғона водийсининг кўпгина шаҳар ва районларида бўлдим. Кўпгина бозорлар, гузарлар, чойхоналарни кўрдим: ҳамма ерда эркак-

лар. Даладаги ишчи асосан хотин-қизлар бажараётгани ўз-ўзидан равшан эди.

Мен бўлган колхозларнинг кўпи ўша вақтларда ҳам миллионер эди. Ҳатто бир колхозда миллионер бригада ҳам бор эди.

Райком секретари шу бригадани мақтаб, мени бориб кўришга қистади. Секретарнинг гапига қараганда, бу бригаданинг аъзолари коллектив бўлиб ишлашдан ташқари коллектив бўлиб овқатланар, дам олар ва коллектив бўлиб маданий турмуш кечирар эканлар. Бундай бригада, аввало, ёзувчини қизиқтирмаса, кимни қизиқтиради?

Биз бригаданинг дала шийпони томон йўл олдик. Ҳақиқатда ҳам шийпон оддий, лекин жуда зебо экан. Бу ердаги ҳамма нарса келинларнинг уйидагидек саранжом-саришта. Соя-салқин супа ва сўрилардаги палосларга кўрпачалар солинган. Шийпон атрофидаги гулзорда кўк, қора сада райҳонларнинг хушбўй атри анқимоқда. Сарик, пушти, оқ, қизил гуллар гўёки ранго-ранг гилам. Гулхайрилар бўлса қуёш томон бўй чўзиб, гулбеорларга юқоридан мағрур боқиб тургандек. Бир эмас, бир неча ерда умивальниклар. Ёнида совуи, оппоқ сочиқлар. Шийпон ёнидаги хоналарда шикелланган пўлат каравотга оппоқ чойшап, гулдор одеяллар тўшалган. Шийпон ва хоналарнинг деворларига ўрнаштирилган қўлбола шкафларга чойнак, пиёла, коса, товоқ, вилка ва қошиқлар терилиб, дока билан тўсиб қўйилган эди. Биз бригаданинг болалар боқчаси ва ялсисида ҳам бўлдик. Дўмбоқ-дўмбоқ гўдакларнинг баъзилари ширин уйқуда, баъзилари оёқ-қўлчаларини типирлатиб ўйнаб ётишарди. Қум устида ўйнаб ўтирган болалар орасидан қорамағиз, қопқора кўзи жавдираб турган, кўйлаги бўлса-да, иштон киймаган, сочи олиниб, орқасида калта кокил қолдирилган беш ёшлар чамасидаги бир бола чопиб келиб, менга осилди. Мен уни эркалаб, бошини силар эканман, бўйнидаги туморга кўзим тушиб қолди.

— Маъсум гўдакнинг бўйнига бу лаънати туморни ким тақиб қўйди экан? — ўз-ўзимга савол бердим. — Ўғлим, сен агар кўп бахтсизликлар иблис домла-имомлар туфайли содир бўлишини тушунганингда, бундай қўллик белгисини бўйнингга сира ҳам тақмас эдинг. Шундай эмасми, қўзичоғим? — атрофдаги катталар қолиб, гўдакка мурожаат қилдим мен.

Бола ганимга тушунмаётган бўлса-да, бу далил шайнинг гувоҳи бўлиб турган ҳамроҳларимнинг ноқулай аҳволга тушиб қолганларини сезиб турардим.

— Отингиз нима, ўғлим?— сўрадим боладан.

— Мўминшжон.

— Ойингиз, дадангиз қаердалар?

— Ойим далада, ишдалар.

— Дадангиз-чи?

— Дадам ҳам ишга кетганлар.

— Бўйингиздаги нима?

— Тумор...— деди чузиб бола. Сўнг бир менга, бир атрофидагиларга қараб, безовта бўла бошлади.

— Буни сизга ким берди?

— Домла поччам битиб берганлар.

— Домла поччангиз ким?

— Билмайман...— деди менинг қўлимдан қутулишга ҳаракат қилиб бола.

— Туморни ким берганини биласизу, домла поччангизнинг отини билмайсизми? Ана холос... Сиз билмасангиз, бу ерда биладиганлар бордир? Айтгандек, бу ерда агитатор бўлса керак?

— Бор,— деди раис кинояни тушунмаган бўлиб.

— Қамзул ёпиниш-ку офтоб ўтмаслиги учун экан. Бу-чи?

— Эскиликнинг сарқити... Ҳамма бало маҳаллий шароитимиз қургурда,— деди секретарь.

Кечқурун колхоз клубида ҳаётимизда ҳали мавжуд бўлган эскилик қолдиқларига, зарарли ўрф-одатларга қарши мурасасиз кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида, аввал баҳордан қиш чилласига қадар пахтачиликнинг деярли ҳамма оғирлигини ўз зиммаларига олиб, республикамиз шонига шон, шуҳратига шуҳрат қўшиб келаётган ўзбек аёллари тўғрисида, уларнинг мураккаб ҳаёт ва турмуш шароитлари ҳақида қизгин суҳбат бўлди...

Эртасига бу ҳақдаги суҳбатимиз область марказида давом этди.

— Эркакларни ишга чиқмайди деб бўлмайди. Лекин уларнинг далада кам кўринишлари рост. Улар орасида сояпарвар, чойхонанишинлар ҳам йўқ эмас, албатта. Дастурхон, паранжи масаласига келганда,— деди обком секретари. Бир оз ўйлаб тургач, қўли билан столи тақ этиб ўрди-да:

— Буни эътироф қилишга мажбурмиз. Бундай камчиликлар қисман бўлса ҳам бор. Улар билан курашиш қийин бўляпти. Адабиёт, санъат, мағбуот ходимлари бу соҳада бизга кўмаклашишлари керак!— деди.

Обком секретарининг гапидан суҳбатимизга мавзу бўлган жиддий масалалар ҳужалик масалалари соясида қолиб кетиб, уларга етарли аҳамият берилмаётгани маълум бўлди.

Гап яна айланиб техникадан унумли фойдаланиш масаласига келиб тақалди. Биз механизацияни кенг қўллаб, аёлларимизни йил ўн икки ой банд қилаётган меҳнатларини енгиллаштиришимиз, ҳужалик масалалари билан бирга, тарбия масаларига ҳам жиддий эътибор беришимиз кераклиги тўғрисида қизгин гаплашдик.

Техника ёрдами билан қилиниши мумкин бўлган кўпгина ишларни қўл кучи билан бажаришга одатланиб қолганмиз. Кетмонга сажда қилиб, аёлларимизнинг кетмончишига ихтисослаб келишимиз кўп мисоллардан биридир. Механизациялаштириш муаммоси давлат иши бўлганидек, онла, тарбия масаласи ҳам давлат ва жамоат ишининг муҳим бир қисмидир.

Кимдир менга, Турсунойнинг онаси ҳам қизининг трактор ҳайдашига рози бўлмаган экан, деган эди. Мен Турсуной билан қилган суҳбатларимдан бирида бу гапнинг тагига етиб олдим.

«Ойим бунга сира қаршилиқ қилмаган,— деди Турсуной.— У пахтани қўлда теришдан кўра машинада териш минг марта осон эканлигини тушунадди. Бироқ механизаторлар мактабига кетаётганимда кўзига ёш олгани рост... Балки у фалончининг қизи чолвор кийиб, қора мойга беланиб юрибди, деган таънани эшитишдан қўрқиб ёш тўккандир, ёки... Ҳарқалай механизатор бўлишимга ойим ҳеч қачон қарши бўлган эмас!»

— Менинг мақсадим шуки, давлатимиз жорий қилаётган техникалар аёлларимизга, жумладан, ўзбек аёлларига ёрдам берсин. Улар бошқалар сингари маданий ҳаёт кечириш, мириқиб дам олиш, китоб ўқиш, кундалик театр-киноларни бемалол томоша қилиш, энг муҳими, ўз болаларини коммунизм руҳида тарбия қила олиш имкониятларига кўпроқ эга бўлишлари керак.

Темирчилик қилиб юрган ёшлик йилларимда сизил иш ҳам, оғир иш ҳам қўл кучи билан қилинар эди. Ме-

нинг ҳам кўп қатори пахта терган вақтларим бўлган. Мен темирчининг босқонидан кўра пахта териш оғирроқ эканлигини шунда билганиман.

Бир йили шаҳар аҳолиси қаторида биз ёзувчилар ҳам пахта теримига сафарбар қилинган эдик. Ўшанда жўяк ичида гоҳ энкайиб, гоҳ чўнқайиб, гоҳ таёқдек қотиб роса хижолат бўлганим эсимда. Бир мен шундайми, деб орқа-олдимдаги ўртоқларимга назар ташласам, уларнинг ҳоли ҳам меникидан яхши эмас эди. Кўлларимиз нозиклашиб қолган экан, ўша куни нормаларимизни амал-тақал қилиб тўлдирдик. Иккинчи куни эрта билан теримга тушганимизда бармоқларимизни кўракка тегизолмай роса қийналган эдик.

Ана ўша кунларда пахта теришнинг оғир машаққатлари мени қаттиқ ўйлантириб қўйган эди. Бундай оғир меҳнатнинг узоқ давом этиши мумкин эмаслиги тўғрисида жуда кўп ўйлардим. У вақтларда самарасиз «турманвакуум» машинаси аллақачон эътибордан қолган, ҳали янги терим машиналари ихтиро қилинмаган эди. Қимирлаган жон пахтани териб олиш ташвиши билан банд эди.

Мен, ўлимдан бошқа ҳамма нарсага даво топилса-ю, бутун бир республика ҳукумати, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган аҳолини ташвишга солиб келаётган пахта теримидек оғир машаққатга, наҳотки даво топилмаса, деб ўйлардим.

Кунлардан бир кун шу масалалар тўғрисида кўпроқ гапириб, куйиб-ёниб юрадиган кекса раҳбар ходим билан суҳбатлашиб қолдим. Биз пахтани иложи борича тезроқ йиғиб олиб, кузги шудгорни май ойигача чўзмаслик тўғрисида гаплашдик.

«Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда!» Бу ақида амалга ошмагунча ерда нам сақланмайди, бегона ўт томир ёйди, чигит етилмаган ерга экилади, баҳор иши орқага сурилади, буларнинг ҳаммаси оқибатда ҳосилга таъсир қилади, пахтачилик тараққий қилмай, тургунликка учрайди. Кейинги йилларгача шундай ҳоллар ҳам бўлдики, энг сўнгги кўраккача қолдирмасдан териб олиш шиорини янграшиб, январь ойигача пахта терардик. Пахтани қор босиб қолган чоғларда арқон тортишиб тупларидаги қорларни тўкардик, қор, лой кечиби теришни давом эттирардик. Лекин булар ҳосилни кутариш ўрнига пасайтира борарди. Ҳозир эса

шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, бу ташвишларнинг кўпини бартараф қилдик. Квадрат-уялаб чигит экиш, ғўзага икки томонлама ишлов бериш қўл меҳнатини мислсиз даражада қисқартирди, ҳосил қарийб учдан бир баробар кўпайтирилди.

Бу ерда ҳам суҳбатимиз хотин-қизлар масаласига келиб тақалди.

— Биласизми,— деб сўзида давом этди суҳбатдошим,— илгари эркак киши бирон аёлнинг қулоқ боғлаб турганини кўрса, қўлидаги кетмонини олиб қулоқни боғлаб берарди. Ёки бирон кекса аёл эшикдан пақир кўтариб сувга чиққудек бўлса, унга учраган эркак дарҳол қўлидан пақир ёки кўзани олиб, сув тўлдириб эшигига қадар элтиб берарди. Ҳозир бизда деярли ҳамма аёллар далада, завод-фабрикада, давлатнинг идора ва муассасаларида ишлашади. Бу, албатта, ўз-ўзидан маълум. Биз инги, коммунизм жамияти қурмоқчимиз. Коммунизмни ёлғиз эркаклар қурмайди. Коммунизмнинг ақидаси ҳам шундаки, ҳар бир ишга яроқли одам ўз қобилиятига яраша ишни танлаб олиши керак. Бироқ ҳамма баробар ишлаши керак бўлган бир вақтда энг огир меҳнат — яғана, чопиқ, пахта териш, рўзгор бошқариш, бола боқиш каби ишларининг ҳаммасини аёлларга ташлаб, енгил-елпи ишларни эркакларга топшириш инсофдан эмас, албатта. Аёлларни, қолаверса, бутун халқни қўл меҳнати машаққатидан қутқозишнинг бирдан-бир йўли қишлоқ хўжалигидаги ишларни мумкин қадар механизациялаштиришдир,— деди кабинетда кезар экан кекса раҳбар.— Афсуски, бизда машинага қарши кайфиятда бўлган одамлар ҳали ҳам бор. Ҳамжиҳатсизлик, ҳамма бир ёқадан бош чиқармаслик, бири бошлаган ишни иккинчиси саёз тушуниши каби баъзан учраб турадиган қарама-қаршиликлар бизда ана шундай пуқсонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётир.

Унинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Аёлларнинг бола боқиш, рўзгор ташвишидан қутулиб далада ишлай бошлаши яхши гап, албатта. Ота-боболаримизнинг аёлларга ёрдам қилишдек олижаноб одатларини биз эркаклар тарк эта бошлаганимиз, мени яна ҳам нотинч қила бошлаган эди...

Уша суҳбатдаги фикрлар ҳозир менинг эсимга яна баъзи нарсаларни туширди.

Яқинда мен «Ўзбекистон халқ хўжалиги» журналида

инженер Л. Голишовнинг мақоласини ўқидим. Бу мақолада ҳамма учун қизиқ ва фойдали бўлган фактлар бор.

Чигит квадрат-уялаб экилган тақдирда ҳозиргача экилиб келаётган чигит миқдори уч-тўрт баробар иқтисод қилинади. Яна бунинг устига ғузани яганалашга сарф қилинаётган меҳнатдан етти миллион меҳнат кунни қисқартирилади. Бу йил шу метод билан олтмиш минг гектар ерга чигит экилмоқда. Лекин чигит экишни механизациялаштириш бу билан тугалланмайди. Ҳозир ҳар уяга беш-олти чигит ташланади, кўкариб чиққандан кейин шундан икки-уч ниҳол қолдирилади. Биргина шу операциянинг ўзида ҳам қанча бойлик нобуд қилинади.

Машиналар тўғрисида қанчадан-қанча гап бўлади, машина яратиш ва уни фойдаланишга топшириш бир хўжайини қўлида бўлсин деган гапни қайта-қайта эшитамиз. Бироқ бахтга қарши ана шу бир хўжайини ўрнига масъулиятни ҳис қилмайдиган ўйлаб хўжайинлар ўз ҳолларича ишламоқдалар. Масалан, илмий-тадқиқот институти технологик схема берса, конструкторлик бюрolari ўз проектларини яратадилар. Заводда чиқарилган машина эса, кўп ҳолларда нуқсонлар билан дала-ларга жўнатилади. Бу машиналар иш бериш ўрнига лардисар бўлиб ётаверади. Бундай мисоллар бизда оз эмас. Илдизларни суғуриб бориб қилувчи машинанинг тайёрланишидаги масъулиятсизликни олайлик. Бу машина механизация-электрофикация институтининг тажрибадан ўтказган нусхаси бўйича конструкторлик бюроси томонидан тайёрланди. Оқибатда бу брак қилинди, вақт, сарф-харажат ҳайф кетди, биронта жавобгарликка тортиладиган шахс топилмади, иш босди-босди бўлиб кетди.

Одатда шундай бўлади: машина заводдан чиқдими, бас, унинг бундан кейинги тақдири учун завод жавоб бермайди. Бунга нима деб баҳо бериш керак?! Чунончи, ПР-5 маркали ер текислаш машинасининг конструкциясида нуқсон борлиги тўғрисида сигнал берилган эди. Институт, завод ва Тошкент халқ хўжалиги кенгаши раҳбарлари бу ҳақда хабардор қилинди. Лекин завод ПР-5 машинасидаги нуқсонни тузатмасдан кўп нусха-лаб чиқариб тарқатишда давом этди.

Шундай ҳоллар ҳам бўладик, машина ишлаб чиқариш учун берилади, шундан кейингина институт уни

ўрганишга киришиб, эксплуатация қилиш қоидаларини ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқанинг заифлигини, олимлар билан заводлар ва колхоз-совхозлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг бениҳоят сустлигини кўрсатиб турган хунук далиллардир.

Қўпдан маълумки, илмий-тадқиқот институтлари машиналар конструкция қилиш билан овора бўлмоқдалар. Улар конструкторлар учун илмий проблемалар ишлаб бериш ўрнига, ўзлари конструкторлик қилмоқдалар. Бу эса қанчадан-қанча исрофларга сабабчи бўлмоқда.

Ҳақли бир талаб туғилади: бу ишлар ягона бир хўжайиннинг қўлида бўлганда, ўнг қўли бажараётган юмушни чап қўли сезмай қолишдек ярамас ҳол рўй бермас эди. Қани энди шундай бир ягона ташкилот, ягона бир бошчи бўлсаки, пахтачиликнинг комплекс механизациясини бир ўзи бошқарса! Бу иш кимга топширилар экан, қишлоқ хўжалик министрлигигами, халқ хўжалик кенгашигами? Ким бўлмасин, институтлар, конструкторлик бюрolari ва заводларнинг ишларини мувофиқлаштириши, машиналарнинг ишини ҳаёт талабига, колхоз-совхозлар талабига мослаштириши лозим.

Ҳар бир ишга мослашиб яратилган машина ўз вазифасини қойил қилиб бажаргудек бўлса, колхозларда ундай машиналардан тўғри ва унумли фойдаланилса, колхозчилар, шу жумладан, аёллар меҳнати нақадар енгиллашган бўлар эди!

Яна аёллар масаласи. Турмушнинг энг оғир юкни аёллар зиммасида: уй-рўзғор ишлари, болага қараш, уни едириш, кийдириш, ювиш-тараш, сигир соғиш, non ёпиш, бунинг устига далада ишлаш!

Тағин улардан кино-театрларга боришларини, китоб ўқишларини талаб қиламиз...

Мен очиқ ва ачитиб гапирмоқдаман. Тўқсон процент майдон икки томондан машина билан ишланаётгани менга маълум. Саккиз юз эллик минг гектар ерга квадрат-уялаб пахта экаётган комплекс механизацияланган бригадаларнинг сони саккиз минг беш юзга етганини ҳам яхши биламан. Бизда уч мингга яқин аёллар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреатлари, СССР ва миллий республика Олий Советларининг депутатларидирлар. Турсуной Охунова ҳам мана шу қаҳрамон аёллардан

бири. Унинг меҳнат жасорати ҳақида мулоҳаза юритар эканман, ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан қаҳрамон ва ватанпарвар аёллар кўз олдимда гавдаланади ва Турсуной улар орасида истисно эмаслигига ишонч ҳосил қиламан. Ҳа, чиндан ҳам ажойиб аёлларимиз бор!

Олияхон Султоновани ким танимайди! Ҳалол меҳнати туфайли унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати унвонлари берилди. Олияхон методи билан пилла тутган минглаб колхозчилар мисли кўрилмаган юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Бу ажойиб қишлоқ ўқитувчиси қурт боқиш соҳасида янги метод яратиш учун озмунча меҳнат қилдими? Натижада, пилла ҳосилини ошириш йўлида янгилик кашф этиб, халқ фаровонлигига бебаҳо ҳисса қўшди.

Мен қарийб ўн беш йилдан бери Пардаой Азимова-нинг ишини кузатиб бораман. У бундан ўн тўққиз йил бурун ўн гулидан бир гули очилмаган бир вақтида бева қолган эди. Севган ёри урушда ҳалок бўлди. У ана шу ўтган йиллар ичида етим қолган икки боласини тарбиялаб катта қилди. Улар оталарини яхши танимайдилар, бироқ унинг жанг майдонидан туриб ёзган охириги хатини кўз қорачиқларидек сақлаб келмоқдалар, унинг ҳар бир жумласини муқаддас билиб оталарига, оналарига муносиб ўғил-қиз бўлиб етишмоқдалар.

Бу аччиқ жудалик Пардаойнинг белини букиб, иродасини синдиrolмади. Пардаой ўз ёнига сингил ва дугоналарини олиб, Жиззахнинг Тоштепа чўлига чиқди, қизлар бригадаси ташкил қилди. У Тоштепа чўлидан эллик гектар ер очди. Сувсиз чўлга сув олиб борди. Саҳрода ҳаёт бошланди. Ҳозир у бир юз эллик гектардан ортиқ майдонга пахта экиб, ҳар йили гектари-дан ўттиз беш-қирқ центнерга етказиб «оқ олтин» кўтармоқда. Ўтган ўн беш йил ичида Тоштепа чўли бўстонга айланди. Пардаойдан намуна олган йигит-қизлар янги ерлар очдилар, янги бригадалар тузмоқдалар.

Мен Хадича Аҳророва звеносида бўлган йилим у эндигина турмушга чиққан ёш жувон эди. У ўз звеносидаги қизлар билан қаҳрамонона меҳнат қилиб, ҳали техника кучи кам бўлган урушдан кейинги йилларда юқори ҳосил учун фидокорона меҳнат қилиб, гектари-дан етмиш беш центнердан ошириб пахта олган ва ўз тажрибасини республикамизда кенг ёйган эди.

Яқингача Олтиной Очиловани ўз қишлоғидан таш-

қарида ҳеч ким танимас эди. Энди бўлса, ёш бўлишига қарамай, қишлоқ советига раис қилиб сайланган бу серҳаракат ва тадбирли жувонни ҳамма билади! У қишлоқ советига қарашли колхоздаги икки бригада колхозни орқага тортиб келаётганига тоқат қилиб туролмади. Шу қолоқ бригадаларни талаб қилиб олиб уларни бирлаштирди. Бир йилнинг ичидаёқ бу иккала қолоқ бригадани оёққа турғазди. Бир юз қирқ беш гектар майдоннинг ҳар гектарида қирқ саккиз центнердан пахта ҳосили олди.

Шарофат Баракаеванинг тақдири Пардаой Лазимованикига ўхшаброқ кетади. Тўйлари бўлиб ўтганига икки ҳафта ўтар-ўтмас уруш бошланиб қолди. Шарофатхоннинг эри ҳам қайтиб келмади. Бу ёш жувон ҳам кампир онасини ёнига олиб далага чиқиб кетди. Ўша йили у фарзанд кўрди. Гўзал ва пок севгисининг ёдгори бу ўғилча унинг овунчоғи бўлиб қолган эди. Шарофатхоннинг бирдан-бир муроди бу қоракўз ўғлонини отаси каби жасур ва мард қилиб тарбиялаш эди. Бироқ бола энди тилга кириб «ая, ада» дея бошлаган чоғда шафқатсиз ажал уни она бағридан узиб олиб кетди... Аммо Ватан бошига тушган кулфат барча кулфатдан зўрроқ эди. Фронтга мадад бериш, фашизм устидан ғалаба қозониш учун фронт орқасида ишлаш, сўнгги нафасгача жанг қилиш ўша вақтнинг муқаддас талаби эди.

Шонли армиямиз чуқур окоплар қазиб қутурган душман йўлини тўсиб, энди унинг ҳужумини қайтарган чоғларида Шарофатнинг қизлар бригадаси «Шаҳри Ҳайбар» даштини ўзлаштириш учун янги ариқ қазимоқда эди. Ана шу вақтда ер тагидан занг босиб, чириб кетган бир нечта қилич чиқди. Кейин маълум бўлишича, қадим замонларда бу ерда катта бир шаҳар бўлиб, унда яшаган одамлар араб босқинчиларининг қиличи дамидан ўтказилиб, уй-жойлари хокитуроб қилиб юборилган экан. Ёвуз Қутайбанинг вабо сингари даҳшатли лашкари билан мардона жанг қилган боболарининг қутлуғ қони тўкилган тупроққа яна ҳаёт келтириш, боболарнинг эзгу ҳаёлларини рўёбга чиқариш учун унинг неvara, эvara, чеваралари «Шаҳри Ҳайбар»га сув олиб чиқиш учун ариқ қазидилар, бу харобазор саҳрони бўстонга айлантириш ниятида ер очдилар. Шарофат Баракаевалар меҳнат билан урушни енгди. Асрлар мобайнида воғ ҳам учмай қолган даштни боғ-бўстонга айлантирди.

Бухоро водийсида энг юқори ҳосилли Шарофат Баракаева бригадаси гектаридан етмиш центнерга етказиб ҳосил олмақда. У — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Мен самарқандлик қаҳрамон она Шарофат хола Ҳамидовани яхши танийман. Мен бу ҳурматли она туғри-сида ўйлар эканман, меҳнат фронтидаги хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олиш шарафига муяссар бўлган Олтин Юлдузли оналар кўз олдимга келади.

Ҳақиқатан ҳам, Шарофат холанинг меҳнати зўр қаҳрамонликдир. Сиз, барча қиз-ўғил, невара, эвара, чевараларини бу қаҳрамон она атрофида парвона бўлишиб турган чоғларини бир тасаввур қилиб кўринг-а...

Октябрь революциясигача тўрт девор орасида сиқилиб, «ожиза», «зайфа» номи билан зулмат чодир ичида пурсиз, зиёсиз, ҳуқуқсиз яшаган ўзбек аёллари бугун ўзлари одамларга маърифатнинг пур-зиёсини бағишламоқдалар. Бу мисолларсиз ҳам совет тузумининг ўзбек аёлларига берган бахт-саодатлари оламшумулдир. Оғизга тушган минглаб қаҳрамонлар қаторида завод-фабрикаларда, колхоз-совхозларда, илмий муассасаларда шовқин-суронсиз меҳнат қилиб коммунизм қурилиши ишларига ўз ҳиссаларини қўшаётган аёлларимиз сон-саноксиз.

Турсунойгача ҳам терим машинасида кўпгина аёл ва эркаклар ишлаган эди. Лекин уларнинг кўнчилиги турли баҳоналар билан машинага қарши кураш олиб борган консерватив «рахбар»ларнинг тазйиқига бардош беролмасдан жанг майдонидан чекинган эдилар. Терим машинаси яроқсизга чиқарилиб, ҳатто завод ҳам ўз ишини тўхтатиб қўйгани ҳеч кимнинг хотиридан чиқмаган бўлса керак! Бизнинг Турсуной ана шунда ҳам жанг майдонини ташлаб чиқиб кетмади. Қаршиликка қатъият билан қаршилиқ кўрсатди. У номи ёмонга чиқарилган машинанинг ишга ярашини, ҳозир ҳам баъзи бировлар тушунини истамасдан турган терим машинаси ишга тушиб кетса, халқ учун моддий ва маданий бойликлар келтирувчи янги бир революция бўлишини тушунди ва бунинг амалда исботлашга ҳаракат қилди.

Пахта теримини машиналаштирмасдан туриб, бир неча йиллар мобайнида теримда қатнашиб, анчагина билимдан маҳрум бўлиб қолаётган студентлар масаласини ҳал қилиш қийин. Ўйлайманки, теримга сафарбар қилин-

гаи ишчи, хизматчи, турли касбдаги олимларнинг пахта теримига қатнашиб етказган фойдаларидан кўра кузда бир печа ойлаб ўз ишларини бажарганликларидан куриладиган фойда кўпроқ бўлса керак.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин! Пахтакорлик ишидан узоқ бўлган ва нормани тўлдириш баҳонаси билан пахтани юлиб-юлқиб терадиган шахарликларнинг қанчадан-қанча ҳосилни нобуд қилишларини айтмайсизми?

Мен яқинда Турсуной Охунова бригадасининг иши билан танишмоқчи бўлиб Чинозга борганимда, район партия комитетида бўлдим. Йил бошида бўлиб ўтган район иқтисодий конференцияси материаллари билан батафсил танишиб чиқдим. Конференцияда доклад қилганлардан бири Чиноз район партия комитетининг биринчи секретарининг далилларидан бир шингил келтириб ўтаман. Район колхозларида қилинадиган меҳнатнинг ярмидан кўпи пахта теримига кетади. 1959 йилда пахта теримига қатнашиш учун Тошкентдан Чиноз районига икки минг икки юз одам келган эди. Улар район бўйича мавжуд пахтанинг ўн саккиз процентини териб бердилар. Колхозлар уларга беш миллион беш юз минг сўм ҳақ тўлади. Биз ҳисоблаб кўрсак, ҳашарчиларга берилган шу сармояга колхозлар бир юз эллик олти та пахта терадиган машина сотиб олса, шу машиналар билан райондаги ҳамма пахтани териб олса, ёки бир минг икки юз сигир сотиб олса булар экан, ёки бўлмаса, бешта ўрта мактаб биноси қуриб олиши мумкин экан...

Ноиложликдан қилиниб келинаётган бундай ишларга халқ лоқайд қарай олмас эди. Халқнинг ана шу ҳаяжони Турсунойда жасорат уйғотди. У майдонга мардона отилиб чиқди. Янги бир давр бошланиб кетди. Бу камтар, позик қизчанинг фазилати ва мардлиги шундаки, у машинага ишонди ва уни ишлата билди. Турсунойнинг бу соҳада кўрсатган жасорати меҳнат умумдорлигини кўтариш ва таъналарини камайитиришдан ташқари, аёлларимизни энг оғир меҳнатдан озод қилади, маданиятларини оширишларига ҳалал бериб турган нарсаларни емириб ташлайди.

Ўз олижаноб мақсадини амалга ошириш учун қийинчиликлардан тап тортмай, уларни енгиб, доим олға интилган ватанпарвар қиз Турсуной ўз жасорати ва матонати билан қишлоқ хўжалигимизда янги давр бошлаб берди.

Гӯшт тахтанинг тақ-туқи қўни-қўшнига озор бермасин деган мулоҳаза билан Башорат хола ёз кунларининг нафасин бўғувчи ҳавосида ҳам ошхона эшикларини беркитиб олиб гӯшт қийма қилар, яна шу ердан жилмасдан манти учун хамир қорар эди.

Башорат холанинг мантиси «Пахта» станциясида жуда таърифли, шунинг учун ҳам манти савдоси Маҳмуд аканинг «монополья»си бўлиб қолган эди. Унинг лаззатли мантисига ўрганиб қолган мижозлар йўлига кўз тикиб кутар эдилар. Бундан ташқари «Пахта» станциясидан деярли ҳар кун Москва, Тошкент, Фрунзе, Ашхобод, Душанбага ўтиб турадиган поездларнинг йўловчилари орасидаги доимий қатновчилар, айниқса, кондукторлар Маҳмуд аканинг мантисига мазахўрак бўлиб қолган эдилар. Поезд тўхташи билан улар Маҳмуд аканинг олдига югурадилар.

Поезд жўнаб кетгач, Маҳмуд ака пуллариини санаб қўлтиқ чўнтагига яхшилаб жойлар, елкасидаги оғир юки енгиллашгандек чаққон-чаққон қадам ташлаб ўзини буфетга урар, у ердаги улфатлари уни қувонишиб қарши олишар, Маҳмуд ака бўлса, атайлаб закуска учун олиб қолган бир неча мантини ўртага қўйиб, улфатчиликни яна янгида давом эттирар эди. Навбатдаги поезд ҳали-вери келмайди. Манти пишаверсин-чи. Харидори йўлда. Поезд келгунча қизи мактабдан қайтарди. Борди-ю, у мактабида тутилиб қоладиган бўлса, мантини хотини олиб келади.

Башорат хола унча кекса бўлмаса-да, анча уриниб қолган, доим ҳоргин кўринар эди. Кечалари гӯшт чопиб, манти учун қийма тайёрлайди, хамир ёяди. Манти тайёр бўлгач, станцияга — эри Маҳмуд охунга етказиб туради. Бу орада уй-рўзғор ишларини ҳам қилади, ёш болаларига қарайди. Фақат, катта қизи Турсуной унга онда-сонда кўмаклашади, отасига манти элтиб беради, унда ҳам ҳар кун эмас, сабаби, у мактабда. Бу ёш дастёрнинг онасига кўмаклашишдан ташқари ҳам ўзига яраша ташвиши бор — дарс тайёрлаш, пионерлар иши...

Турсуной манти кўтариб станцияга чиққан чоғларида фронтга кетаётган ҳарбий эшелонда кўрганларини сира унуттолмайди. Кунларнинг бирида бир солдат дадасининг олдига чопиб келиб манти олаётганда эшелон жилиб

колди. Мантига юз сўм берган солдат қолган пулини олмасдан юра бошлаган поездга қараб югурди.

Шунда дадаси:

— Ҳой, аскар ўғлим! Пулингни ол!— деб солдатнинг оркасидан чопганча қолган эди.

Уша куни кечқурун дадаси тебрана-тебрана ҳайтиб келди. Зўрға-зўрға қадам ташлайди, кўзини очарга мажоли йўқ. Ундан ароқнинг беҳузур қилувчи қўланса ҳиди анқирди.

«Пахта» станциясида Маҳмуд акага ўхшаганлардан яна бор эди. Улар чайқовчилик билан кун кўрар, ичкиликсиз туролмас эдилар. Улардан ҳеч қайсилари на колхозда ва на темир йўл хўжалигида ишлар. ўз турмушларидан бошқа ҳаёт уларни қизиқтирмас ҳам эди. Ширасиз ерда пашша нима қилсин? Чайқовчининг на худоси бор ва на виждони! Касби юлиб-юлқиш, иложини топса, ўндан тўққизини уриш!.. Сигир боқиб сутини пуллайди, товуқ боқиб тухумини, чўчқа сўйиб гўштини... Фақат, Маҳмуд ака манти сотиб кун кўради, бола-чақа боқади. Даромаддан ўмариб, ароқ ичади.

Станцияга чиқиш зарур бўлса, Турсуной безиллаб туради. Негаки, отасининг улфатлари орасидаги маст-аласт одамларнинг гапларини эшитиш у ёқда турсин, юзларини кўришдан ҳам жирканар эди. Начора? У ҳали ёш, отасининг измидан чиқишга ҳақи йўқ. Мантини дадасига топшириб тезда изига қайтиши керак. Зарра бўлсин, станцияда қолишга тоқати йўқ! Баъзан дадаси уни қарашиб юборишга мажбур қилганда кўнмас, шунда дадасининг жаҳли чиқиб койир эди-ю, лекин урмасди. Турсуной мактабдан қайтиб дарс тайёрлаб ўтирган чогларини кўрганда, қувониб:

— Ўқи, қизим, ўқиганинг фойда... Мулла бўлдинг — тилла бўлдинг, дейдилар. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл! Тушундингми?.. Одам боласи бўл!— деб уқтирарди ўз тақдиридан нолигандек Маҳмуд ака.

Одобни одобсиздан ўргандим дегандек, балки ота ҳаётининг баъзи бадҳазм, бадбўй томонлари қизни узоқларга назар ташлашга мажбур қилгандир. Фойдали меҳнат билан шуғулланиб ҳалол кун кечираётган кишиларнинг юриш-туриши унинг диққатини ўзига тортгандир.

Ҳарна бўлса ҳам Турсуной отасини яхши кўради. Айниқса, ҳушёр чогларида Маҳмуд ака Турсунойни эр-

калар, унинг қулогига нималариндир шивирлар эди. Нималар дер экан?.. «Даданининг бўлган-тургани шу!.. Сут билан кирган жон билан чиқади!.. Оппоқ қизим, эрка-тойим, боғим-чорвогим... Қизим ҳам, ўғлим ҳам сен. Барча орзу-умидларим сендан... укаларинг вояга етгунча борманми-йўқманми?.. Мактабининг тарк қила кўрма!.. Мантини бўлса, оининг олиб борар. Бир кунимиз ўтмай қолармиди, қул ўлмас, ризқи камимас!..» деганмикан?..

Аммо у эзгу ниятларига етолмади.

Баҳор кушларининг бирида Маҳмуд акани экспресс поезд босиб кетди. Башорат холаининг бошига оғир мусибат тушди. Эрининг жонсиз жасадини замбарда кўтариб уйига олиб келдилар. Етти ухлаб тушга кирмаган фалокат юз берган эди. Ёши бир ерга бориб, манти сотиб юрган бўлса ҳам, ҳарқалай, рўзгор боши эди.

Азалдан касалманд Башорат хола эрининг ўлиmidан кейин яна ҳам қийналиб қолди. Учта ёш болани едириб, кийдириш осон гаими, ахир? Аммо вақт ўтган сари дунё ташвишларига кўника борди. Уртанча қизи Инобат ёш бўлгани учун ҳали онла ташвишидан «чет»да эди. Кенжатойи Хайри бўлса, ҳали гўдак. Аммо Турсуноининг юраги чироқ ёқса ҳам ёримасди. Қизининг сиқилиб ичидан зил кетиб юришини онаизор англамасди дейсизми?

Мантини тайёрлашдан сотишгача бўлган оворагарчилик энди Башорат холаининг зиммасида эди. Бир қўлида Хайри, бир қўлида тоғора тўла манти, орқасида Инобатини эргаштирган Башорат хола ҳар кунги станция билан ҳовлиси ўртасида югургани-югурган. Турсуной бўлса, еттинчи синфни битириш имтиҳонлари билан банд бўлгани учун оинисига унча ёрдамлашолмас эди.

Бундан кейин оиланинг кунини нима бўлади, буни ўйлашга онанинг вақти ҳам йўқ эди. Бутун фикри-ёди нима қилса ҳам болаларини бир бурда нонга зориқтирмаслик!

Турсуноининг имтиҳондан қутулиши билан колхозга чиқиш тараддудига тушиб қолганидан хабар топган она қизига пасиҳат қилди:

— Оппоқ қизим, ўйламасдан иш қилма. Илминг жувонмарг бўлмасин. Унингчини битир, институтда ўқисам, деб орзу қилардинг...

— Ўқиниш ҳам қолдирмасман. Укаларим катта бўлаверсин-чи...— дерди Турсуной...

Башорат хола кунини бўйи елиб-югуриб, кечаси ёстиққа

бош қўйини билан ухлаб қоларди. Турсуной бўлса, отасининг ўлимидан сўнг кам уйқу бўлиб қолган эди. Кўзи илинар-илинмас туш кўриб, уйғониб кетарди.

Бир кун тушида колхозга аъзо бўлиб кирганмиш... Тенгқур дугоналари Азиза, Муборак, Мингсулувлар билан баҳс бойлашиб чопиқ қилармиш. Мингсулувни орқада қолдириб, Азизага етиб олмагани алам қилармиш. «Азизадан уюлмасам нима қилиб бу колхозга келдим!» деб чарчаганга ҳам қарамай, қора терга тушиб, кетмон чопармиш... Азиза гоз юрини қилиб, пингитчасига кетмон чопармиш, чопиқ қилиб ўтган жўяклари худди таралган сочдек текис бўлиб қолармиш... Хижолат тортган Турсуной: «Азиза стахановчи бўлгунча, у ҳам уста чопиқчи бўлмагандир, ахир! Мен ҳам Мингсулувдан ўздим-ку! Ҳаракат қилаверсам Азизадан ҳам ўзиб кетарман...» дермиш... Бирдан кўзини очса — туши! Аъзойи бадани терга ботган. Осмон тўла булут. Жимжитлик. Дим. Дарахтларнинг барги ҳам қимирламайди. Ёнидаги укалари «пиш-пиш» ухламоқда. Ойиси ҳам қаттиқ уйқуда.

Товуқнинг тушига бир кафт дон киргандек, менинг тушимдан колхоз чиқмай қолди, деб кўнглидан ўтказди Турсуной.

Тонг отини билан дадасининг катта кетмонини елкасига ташлаб, дала томон йўл олди. Йўлда ҳеч кимни учратмади. Икки томони тут дарахти билан қопланган пахта майдони ўртисидagi йўлдан борар экан, дадасидан қолган катта қилини «шалоп-шалоп» қилиб, атрофга тупроқ чапгитар эди.

Турсуной колхоз даласига етиб борганда дугоналари ишлайдиган майдонда ҳеч ким кўринмас эди. У уйқусизликдан гувиллаётган бошини маҳкам ушлаб, теварак-атрофга назар ташлади.

Қирғоғи тол, тут дарахтлари билан ўралган ариқнинг кун ботиш томонидаги шийпонга қараб йўл олди. Шийпон орқасида ерин ларзага солиб «Универсал» гурилларди.

Турсуной кўприкдан ўтиб чанга бурилди, дала шийпони олдида «пат-пат» қилиб турган тракторга маҳлиё бўлиб, тикилиб қолди. «Универсал» эса ҳалқа-ҳалқа кўк тутун чиқариб, гулдурос билан тонг сукутини бузар, кўкиш тутун эса ҳавога кўтарилиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлар эди.

Шу вақт ариқ ичидан тракторчи чиқиб, бет-қўлини арта-арта Турсуной томон қараб юрди.

— Салом, қизча! Кимнинг қизисан?

— Ассалому алайкум, амаки. Мен Маҳмуд аканинг қизи бўламан,— тортинибгина жавоб берди Турсуной.

— Қайси Маҳмуд, Маҳмуд охунни айтяпсанми?

— Ҳа.

— Танийман. Бу атрофда дадангни танимайдиган киши оз,— деди тракторчи, энди унинг юзидаги табассумдан асар ҳам қолмаган эди.— Укаларинг кўп эди, қийналиб қолгандирсизлар?

— Йўқ,— негадир сир бой бергиси келмади Турсуной.— Ойим борлар-ку... Кичик бўлса ҳам саккиз яшар синглим ойимга боқиниб туради.

— Сен нима қилиб кетмон кўтариб юрибсан?.. Даданнинг ҳунари ёмонмиди?.. Ҳа, нега индамайсан, жиян?.. Колхозда ишламоқчи бўлсанг, бу ҳам чакки эмас... Ёш экансан, қолаверса, колхозда даромаднинг ҳам мазаси йўқроқ, қийналиб қолмасмикапсизлар?..

— Ундай бўлса ўзингиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?— таъна қилгандек сўради Турсуной, тракторчининг жавобини кутмаёқ орқасига бурилди-да, худди биров қувлаётгандек калишини шалолатганча ғўза оралаб чопиб кетди. Ариқ ёқасига чиқиб, марзага ўтириб олди-да, кимнидир кута бошлади.

Нима сабабдан Турсуной колхозга борди? Нима, ота-она касби ёқмадими унга?.. Тракторчи, колхозда тирикчилик ўтиши қийин, дегандек гап қилди. Урушгача «колхоз, колхоз» деб ҳамманинг оғзидан мой томарди-ку! Ҳатто бирда дадаси: «Куч-қувватинг бўлса колхозда ишлашга нима етсин!» демаганмиди... Уруш тамом бўлди. Колхоз ҳам яхшиланиб кетар...

Балки шу ўй-хаёллар уни колхозга бошлаб келмади-микан?

МЕҲНАТ

Ҳали квадрат-уялаб экиш жорий қилинмаган, ғўзага икки томонлама ишлов бериш қўлланилмаган йилларда кетмон чопиғи ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди.

«Пахтадан мўл ҳосил олишни умид қилган ҳар бир деҳқон ғўзани чуқур чошиқ қилишдан, унга вақтида сув, озиқ беришдан зерикмаслиги керак!» дейди деҳқонлар.

Чуқур чопиқ! Яна кетмон билан! Кетмон иши, айниқса, чуқур чопиқ нақадар оғир эканлигини, табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб деганларидек, мен ўз тажрибамдан жуда яхши биламан. Катта Фарғона канали қурилишида кетмон чопганман. Деҳқончилик қилиб пахта ҳам экканман. Ўтоқ қилганман, ғўза чопганман, пахта терганман. Мен ғўза чопиғида минутага неча бор кетмон уриш мумкинлигининг ҳисобини ҳам олиб қўйганман. Яхши кетмончи ғўза чопиғида бир минут мобайнида 38 марта кетмонни кутариб уриш ва ўлдирилган ўтларнинг томирини тупроқдан ажратиб ташлаши мумкин. Агар бегона ўт кўп бўлса, ҳар кетмон урганда ерга энгашиб, ўтларни тупроқдан ажратиб, бир ерга тўплаб борилади. Бундай вақтларда минутага 38 марта кетмон уриш мумкин бўлмай қолади.

Турсуной чопиқ ишига ҳали унчалик омил бўлмаганида тенгқур дугоналаридан орқада қолмаслик учун барвақтроқ иш бошлар, бошқалар келгунча анчагина ерни чопиб қўяр эди. Бундан ташқари эрта тонгда даланинг гашти ҳам ўзгача: баҳри сеҳрли, табиати кишини мафтун қилар даражада жозибадор бўлади. Зумрад водий, поёнсиз пайкаллардаги ғўзаларнинг шоналари оқ ва лола шойи гулга айланиб, ажиб бир манзара касб этади. Даланинг поёни кўринмайди, фақат кўм-кўк дарахтлар орқасида буралиб оқаётган Чирчиқ дарёсининг малла ранг сувигина икки район чегарасида лентадек чўзилиб кўринади.

Илк тонг шабадасида секин тебранишиб, майин япроқлар ҳазин бир мусиқий оҳанг асносида қарсак чалаётгандек...

Кутарилиб келаётган қуёшнинг ёғдуси дарахтлар тепасида қанот қоқа-қоқа зумрад водийни зарга кўма бошлайди.

Ложувард кўкда сайрашиб учаётган қушлар дарахтларга қўниб, кеча шабнамида нам тортган патларини силкита-силкита увишган таналарини ёзиб, сахий қуёшга мадҳия айтаётгандек, басма-басига чуғурлашадилар.

... Юнус ака бригадасининг бир звеносида ишлаётган тўрт дугонадан ҳар бирининг ўзига хос табиати, ўзига хос ажойиб ўтмиши бор. Мен уларнинг ҳар бири тўғрисида қисқача бўлса ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Буларнинг ичида энг сўзамол, ўктами — звено бошлиғи Дилбар. Қотмадан келган, лочиндек чаққон бу қизнинг ўсма

қўйилган қайрилма қора қоши тагида ёниб турган чарос кўзи, қора қуюқ мужғони, сеҳргар нигоҳи бир боқишдаёқ ҳар қандай одамни довдиратиб қўяди. Қалдирғоч қанотидек қошини чимириб, узоқ сукутга чўмган чоғларида дугоналари унинг имосига маҳтал бўлишади. Дилбар бўлгани билан шундай аччиқ сўзлари ҳам бўладики, «Худо қарғаган бада бу қизнинг газабига дуч келсин», дейсиз.

Қизлардан бирининг исми Муборак. У отасининг бирдан-бир эрка қизи. Шунга қарамасдан жуда меҳнатсевар, серғайрат, камсухан қиз. Дилбар билан баҳслашишнинг хоҳламагани учунми, ҳарқалай, ҳамма вақт гапга қулоқ солар, борди-ю, Дилбар захрини сочиб қолгудек бўлса, уни қаҳ-қаҳ уриб кулиш билан енгар эди.

Мингсулув бўлса, на Дилбарга ўхшайди ва на Муборакка. У ҳар донм кўзларини сузиб, жилмайиб туради. Сени звеномизга аъзо қилиб оламиз, деб Турсуноини биринчи бўлиб даъват қилган ҳам худди шу Мингсулув эди. У Турсуноиникига тез-тез бориб турар, керак бўлиб қолганда укаларига боқишиб қайтар эди. Бу қиз нима иш қилмасин, ими-жимида бажарар, бўлар-бўлмас нарса учун дунёга доврўқ солиб юришни ёқтирмас эди.

Қизлар тонг саҳардан то кун ботиб қоронғи тушгунча далада бўладилар. Кун тигида, тинча-тик туриб кетмон чопиш осон эмас. Кишининг баданидан тер қўйилиб туради. Тер кўзингга тушгудек бўлса, туз сепгандек ачиताди, тирқираб чиққан ёш терга қўшилиб лаб-даҳанингга оқиб тушавергач, ғашинг келади. Минут сари рўмол билан тер артиб туриш имконияти бўлмайди, вақтнинг қизганасан. Шунинг учун ҳам қизлар қўллари ишда бўлгани ҳолда бошларини бир ёнга энгаштириб, шу йўсинда терларини силкиб-силкиб ерга тўкиб борадилар.

Дастлабки кунларда Турсуной бениҳоят қийналди. Қизлар у билан бир қаторда чопиқ қилиб секин-секин гаплашиб борардилар. Булар қиз бола бўлганлари билан азамат полвонларнинг ишини бажарардилар. Бу қадар кучни қаёқдан олганларига таажжубланасан... Улар на чарчашни билишар ва на дам олишсин!

— Дам олсанг-чи, ҳой Турсуной! — дейишди Муборак билан Мингсулув.

Дилбар бўлса, қовоғини уюб, рўмолни билан юз-кўзини артди, ниманидир ўйлаб қолди. Унинг иссиқдан бўртиб

кетган юзи яна ҳам жозибадор, кнприклари орасида ёниб турган жоду кузлари бир боқишда кишини мафтун қилар даражада сулим эди.

Турсуной ишдан тўхтаб, камзулининг барига юз-кўзини артди. Қизлар гап-сўзсиз дам олишарди. Теварак-атрофларида ишлаётган кетмончиларни кўздан кечириб, ниманингдир хаёлини суришарди улар.

— Дунёда аёл уруғи шунча кўп эканими-а, қизлар?— узоқ-узоқлардан кўзини узмасдан ўртага савол ташлади Дилбар. Ҳеч ким жавоб бермагач:— Нима бало, нафасларингиз ичларингизга тушиб кетди? Тилларингизни ари чақдим, ёки биров оғзиларингизга талқон солиб кетди-ми?— деди қошларини чимириб Дилбар.

— Аёл уруғи кўплигини энди билдингми?— гапга биринчи бўлиб аралашди Муборак.— Чопиқда ким кўп — аёллар! Теримда ким кўп — аёллар!.. Шунини айтмоқчимидинг, бунинг нимасига таажжубланасан?

— Дугоналарнинг бекорга Мубор писмиқ дейишмайди,— уни чақиб олди Дилбар.— Бу писмиқ балони биласан, қизлар!

Унча-мунча гапга Муборакнинг аччиғи чиқмайди. Бу гал ҳам далаги бошига кўтариб қаҳ-қаҳ уриб кулди. Бундай кулгидан ҳордиги чиқарди...

— Худо биз шўрликларни қўйдек ювош қилиб яратган бўлса нима ҳам қилардик... Эрлар ҳам аравани баравар тортишсин деб кўр-чи, нима қилар экан сени!

— Мингсулув, эшитяпсанми писмигининг гапларини?

Дилбарнинг бу гапига Муборак яна хандон уриб кулди ва узини кулгидан зўрга тўхтатгач, деди:

— Сен бундай гапни Мингсулув билан мендан кутма. Ана у Турсунойни ишга сол. «Эркаклар ҳам аравани баравар тортишсин!»— деган гапни балки у айта олар?

Дилбар Турсунойга бир қараб қўйди-да, индамасдан кетмонини қўлига олди:

— Қани, бошланглар, гап қорин туйғизмайди, — деди-да, қўлочкашлаб кетмонини ура кетди.

Турсуной қўли совугач, кетмон дастасини ушлай олмади. Бармоқлари қотиб қолгандек букилмас, дастани ушласа оғрирди. Бармоқларининг қаршилигидан номус кучли чиқди. У дугоналаридан орқада қолишни асло хоҳламасди.

Ручкани кетмон билан алмаштирган киши кетмоннинг нима эканини биледи. Турсуной ўқишни тамомлаб ручкасини кетмонга алмаштирган биринчи кундаёқ буни тушуниб олган эди. Чопиқ қилар экан, унинг ихтиёри ўзида эмасди. Гарчи Турсуной ёки унинг дугоналари басма-басига ишлашни ўйламаган бўлсалар-да, унинг ўзи буни расм қилиб қўйган эди. Турсуной дугоналаридан орқада қолишни нистамаганидек, улар билан баробар юриш эмас, олдинда юриш ҳаёлида ёнар, минут-секундларни ҳисобга олиб ишлар эди. У чарчашга, бел, биллак толишига бардош беролса-да, ҳар бир бармоғининг бўғин-бўғини зирқираши, иккала кафтининг пуфакча-пуфакча бўлиб қавариб чиқиши кетмон дастасини ушлашга имкон бермасди. Турсуной кечираётган бу азобдан Мингсулув хабардор эди. У кечқурун Турсунойларникига борди, бир коса сувга туз солиб, номакоб қилиб берди.

— Мана, энди икки қўлингни шу номакобга соласан. Қавариб ёрилган чақа жойлари ачишса ҳам чидайсан. Бирон соат ўтгач, қўлингни номакобдан оласан. Лекин ювмайсан. Ётар чоғингда номакоб сувини тўкиб ташлаб, тузини қўлингга چاپийсан, панжангни юмиб, латта билан боғлаб ётасан. Эрта билан чақалари битиб, қаварган ерларни қотиб қолади. Беш-тўрт кун эринмасдан шундай қилсанг, кейин бир кеча-кундуз кетмон чопсанг ҳам қўлинг қавармайди. Қўли қадоқ пролетарнинг ўзи бўласан-қоласан,— деб дугонасини кулдирган эди Мингсулув.

Турсуной Мингсулув айтган нарсаларнинг ҳаммасини ихлос билан бажарди. Бармоқлари кечаси билан қақшаб, уйқу бермади. Номакоб қилди-ю, ҳаммасини унутди. Чақалари секин-аста битиб қадоққа айланди. Унинг момик қўллари тарашадек қотиб, анча-мунча қизлар билан қўлсиқишар ўйнаганда додлатадиган бўлиб қолди.

Колхоз даласида меҳнат қилувчи кишилар бир кун эмас, ҳар кун ишлайдилар. Турсуной энди бунга кўникиб қолган эди. У ҳам худди дугоналари сингари юзи, кўзи ва манглайдаги терни артиб ўтирмасдан, уни силкиб-силкиб туширар, чопиқнинг ҳадисини олиб қолган эди.

— Сен ҳам, Турсуной, позандек ишнинг кўзини топиб олдинг,— деб гап отди Дилбар,— юз кўзингдан терларингни сачратиб ғўзаларингни суғоряпсан.

Муборак шу гапга ҳам хандон уриб кулди. Турсуной Дилбарнинг бу гапи қочиримми ё мақташми — тушунмас эди.

— Биз ҳам бошда Турсундан кам қийналмаган эдик, — деди қаддини ростлаб кетмонига суянар экан Муборак.

— Нима, бошда қийналиб ҳозир роҳатдамисан? — ишдан бош кўтармай сўради Дилбар.

— Роҳатда бўлмаганда нима чоранг бор! Ишлашинг керак, вассалом. Кун чиқиши билан кун ботишини биламиз. Учрашамиз, ажралишамиз. Шунинг ўзи керак. Бошқасининг нима қизиғи бор бизга?

Бу гапларни оқкўнгил Муборак гапирар эди. Дилбар бўлса, Турсунойни гапга солиш учун атайлаб сўз отар эди. Турсуной эса жимгина ўз иши билан машғул эди. У минутига ўттиз саккиз мартадан кам кетмон урмасликка ҳаракат қиларди, унинг бутун фикри-зикри шу билан банд эди.

Турсуной эгат бошига чиқиб олгач, кетмонни енгилгина улоқтирди-да, ўзини ерга ташлади ва рўмоли билан юз-кўзи, бўйни ва гарданини артиб, елпина бошлади.

Дилбар эгат бошига етиб келганда қизлар дам олиб ўтиришарди. Дилбар ўтирмай, Турсуной чопган эгатда қадамлаб юриб, ерда қапишиб ётган бир дона ўтни юлиб олди. У ўтни бармоқлари билан авайлаб юқори кўтарди-да: «Думингни тозалаб юрадиган малайинг борми?» дегандек уни қизларга кўрсатди. Турсуной хомуш ўтирар эди.

— Балки бу пахтадир-а? — тегажаклик қила бошлади Дилбар.

Дилбарнинг бу гапи Турсунойга қаттиқ тегди. Унинг «пахта» дейишининг тагида бошқа маъно бор эди. Дилбар «пахта» сўзи билан Турсунойнинг отаси ҳалок бўлган «Пахта» станциясини эслатмоқчи эди. Ўз гапи билан «Бу «Пахта» станцияси эмас, манти сотиб нўмай-нўмай червон билан чўнтак тўлдирсанг!» деган маънода таъна қилган эди Дилбар.

Дилбар бу гапларнинг ноўрин ва дилозорлик эканини била туриб гапирар эди. Айтилган сўз — отилган ўқ!

У қўлидаги ўтни зарда билан четга улоқтириб ўзи қизлар тўдасига келиб ўтирди. Ҳамманинг боши ҳам, Муборак ҳам кулмас эди.

— Нуқсонсиз иш бўлармиди? Ажирвақи ўтни кўрмасдан қолган экан, шунга паст-баланд гапми?— деди қовоғини солиб Мингсулув.

— Тўғри-да,— деди Дилбарга қараб Муборак.

Ҳаддан ташқари ҳориб бир оғиз сўз айтиш ҳам маллолигиданми, ё алланарсалар ёдига тушиб кетганиданми, Турсуной негадир дугоналарининг тортишувига қўшилмай, ўзини чарчаганга солиб елпиниб ўтирарди.

— Худосини айтиб, бердисини айтгунча бошимни уриб ёрмасаларинг-чи!— деди Дилбар.— Гўё мен бир нарса қилиб қўйгандек. Қоринлар ҳам пиёз бўлиб кетди. Нон бўлганда тамадди қилиб олсак ёмон бўлмас эди, қизлар, — сўнг гапни бошқа томонга бурди.

Аслида эса, нон-чой томоқдан ўтадиган гап қилмаган эди Дилбар.

Турсуной кечқурун даладан қайтди-ю, ўзини ёстиққа ташлади. Шу ондаёқ қотиб ухлаб қолди. Бир вақт чўчиб уйғонди-да, ўрнидан сакраб туриб, бет-қўлини ювди. Овқатланди. Ойини билан нималар тўғрисидадир сўзлашиб ўтирди. Эртаси ҳам далага биринчи бўлиб чиқди.

Қизлар эрталаб барвақт ишга чиқсалар ҳам, кечқурун уйга унча шошилмасдилар. Иш охирида табелчи келиб қизларнинг чопган пайкаллариини ўлчаб, қабул қилиб оларди. Табелчи ўлчов ёғочини ҳаққалатганча эгат ичидан юриб борар, дафтарчасига ёзар, Турсуной эса уни кутмасдан кетиб қолар, қизлар бўлса, бажарган ишларини табелга ўтказдиргандан сўнггина уйларига қайтишар эди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас колхоз бухгалтерияси Турсунойга бир оз пул, буғдой берди. Ўша куни унинг оиласи учун унутилмас кун бўлган эди. Гап Турсунойнинг уйига пул ёки буғдой олиб келишида эмас, балки унинг биринчи қадамиёқ тўғри йўлга ташланганида эди.

Бир куни Турсуной колхозда биринчи кунни учратган тракторчини қора мойга беланган ҳолда яна учратиб қолди. Илгари унинг номини ҳам билиб олмаган эди. Турсуной ҳаётининг ўзгариб боришида қисман бўлса-да, бу одамнинг ҳам ҳиссаси бор эди.

— Ҳа, қалай, ишляяпсанми?— қизиқиб сўради тракторчи.

Турсуной бошини қимирлатиб қўйди. Тракторчи уни яна гапга тутди. Қиз жавоб берар экан, ўйларди: «Қи-

зиқ, кап-катта киши нима учун мени ҳадеб гапга солаверади?»

Турсуной кундалик чопиқ нормасини бажариш жуда қийин бўлаётганини айтганда, тракторчининг аччиғи чиққандек бўлди. «Нормани бажариш ҳар кимнинг сабр-тоқатиға боғлиқ!»— деб қўйди.

Унинг бу гапини эшитар экан, Турсуной мийиғида кулиб сўради:

— Амаки, сиздан сўрамоқчи бўлиб юрган бир гапим бор эди, сўрасам майлими?..

— Майли, сўра, нима гап экан?

— Қатор ораларини фақат бўйига ҳайдамасдан энига ҳам ҳайдаса бўлмасмикан?

— А? Эҳа!.. Бу гапни ўзинг ўйлаб топдингми?.. ушоққина қизча-я!.. Шогирдбоп экансан-у, ўғил бола бўлмаганинг ишнинг белига тепади-да, — деди тракторчи бир қизга, бир қилаётган ишига қараб.

У қизчага тикиларкан, энига ҳайдаш тўғрисидаги таклифни ўйларди. Турсуной эса тракторнинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, чироққа айланишган парвона сингари нари кетмас эди.

Бу тракторчининг фамилияси Ашур Бакиров. Унинг тўғрисида кейинроқ гаппирамиз.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Қишлоқ хўжалигимизда қатъий бурилиш ясалган 1953 йили қийинчиликлар бўлишига қарамай, коллектив меҳнат самараси зўр бўлди. Меҳнати бадалига колхоз омборидан бугдой олган Турсуной, айниқса, унинг онаси Башорат хола хурсанд эди. Башорат хола илгарилари ҳам қизига ишонарди, унинг умидлари рўёбга чиқаётганини кўриб яна ҳам мамнун бўлди. Энди қизи меҳнат қилиб топган ундан нон ёпиши, туппа пишириб болаларини тўйдириши мумкин. Эндиги нон ва туппа аввалгиларидан ширин ва тотли бўлади.

Бир куни Турсуной колхоз омборидан янги олган бугдойни уйига олиб кетаётиб, ярим йўлда ўйланиб қолди: «Бугдойни уйга олиб бориб от арава, эшак овора қилиб юрганимдан кўра бир йўла тортдириб бора қолганим яхши эмасми?»

У елкасида икки пуд юк билан колхоз тегирмони то-

мон йўл олди. Тегирмон бўш экан, навбат кутиб ўтиришга тўғри келмади. Тездан торттириб, ҳовлисига жўнади. Ҳовли билан тегирмон ораси яқин эмасди. Ўз кучига суянишга одатланган Турсуной ўткинчи уловни кутиб ўтирмади. Терга пишганича елкасида юк билан одамсиз кўчада оғир қадам ташлаб борар, руҳи тетик, кайфи чоғ эди. Авваллари ҳовлисига буғдой олиб борган бўлса, бу гал ун олиб кетмоқда. Фахрланишга ҳақи бор.

— Турсуной, ҳорманг?

Қиз ўгирилиб ёнига қаради.

— Салом. Ҳорманг. Мен кўтаришиб бора қолай?

Турсунойнинг ёнида келаётган киши яқиндан бери алоқа контораси бошлиғи бўлиб ишлаётган Султон Шерматов деган ёш йигит эди.

— Раҳмат, Султонжон ака, етиб қолдим.

Қиз бир оз эгилиб, юкни бир силташ билан юқори-роқ кўтариб олди-да, қадамни тезлатди. Султонжон ҳам бўш келмади. Қизнинг эътирозига қарамасдан унинг елкасидаги юкни олиб ерга қўйди. Қизнинг нақш олмадек қип-қизил юзидан маржон-маржон тер оқар, ҳаё тўла кўзлари аллақандай жозибадорлик касб этиб ёнар эди. Султонжоннинг кўзига Турсуной жуда уятчанг, тортинчоқ кўринди. Йигит унга тикилиб қолди. Қиз уялиб ерга қаради. Рўмолчаси билан шоша-пиша юзини артди, сўнг унни кўтармоқчи бўлиб қопга қўл чўзди. Қизнинг бу ҳаракатлари йигитнинг кўзига шу қадар чиройли ва нафис кўриндики, булар ҳаммаси унда қандайдир илиқ бир туйғу уйғотар эди.

Бундай ҳолларда ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракат ўзига хос бир маъно касб этиши табиий. Аввал Турсуной қопни кўтармоқчи бўлди, Султонжон унинг қўлини тутиб тўхтатди. Бу қизга бир томондан ёқса, бир томондан кўнглини хижил қилмоқда эди.

— Кечирасиз, ўзим,— деди қизнинг қўли устига қўлини қўйиб Султонжон.

Турсуной ҳеч нарса деёлмади. Фақат қўлини Султонжоннинг қўли тагидан тезда тортиб олди-да, яна қопга чўзди.

Ниҳоят, қопни йигит орқалаб йўлга тушди. Турсуной билан ёнма-ён юришга ҳаракат қиларди-ю, гапни нимадан бошлашни билмасди.

Келинг, биз ҳам қулоқ солайлик-чи, бу иккала ёш нималар тўғрисида гаплашар эканлар? Гарчи вақти ке-

либ бирга умр кечириш уларнинг қисматларида бўлса-да, ҳали бу нарса ҳаёлларига ҳам келмасди.

— Костюмингиз ун бўлди...— деди ниҳоят, ачинган бир оҳангда Турсуной.

— Ҳечқиси йўқ. Қоқса кетади, — деб жавоб берди Султонжон.

— Сизга оғир-ку, ахир бу...

— Сизга оғир бўлмай, менга оғир бўптими?.. Сизнинг ёнингизда юрсам менга... бундан беш баробар кўп юк ҳам оғирлик қилмайди.

Бу қадар очиқ гапни эшитган Турсуной хижолат тортди, нима дейишини ва нима қилишини билмасдан қадамини секинлатиб Султонжондан орқароқда қолди...

Мана, Турсунойларнинг ҳовлисига юз қадамча масофа қолганда, ниҳоят, Турсуной Султонжонга деди:

— Раҳмат. Етдик. Бу ёғига ўзим олиб кетаман.

Султонжон ҳеч нарса эшитмаган бўлиб, юришини яна ҳам тезлатди. Қиз юкни сўраб зорлана бошлади. Ёигитнинг бўлса сира қулоқ солгиси йўқ. Ниҳоят, қиз фурсатни бой бермаслик учун ёигитнинг олдига ўтиб йўлини тўсди ва унинг елкасидаги қопни маҳкам ушлаб, тортқилаб ерга туширди.

Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада. Қизининг кечикканидан ташвиш тортаётган Башорат хола дамба-дам эшик ёнига келиб, кўчадан хабар оларди. Бирдан кўчада юк талашиб турган Султонжон билан Турсунойга кўзи тушиб қолди.

Султонжон қизга нима дейишини ва қандай муомала қилишини билмай серрайиб қолган эди. Қиз ёигитнинг елкасидан юкни ололмагач:

— Мен сизни хафа қилдим шекилли?— деди унинг билагидан ушлаб Султонжон.

— Тушунмаяпсиз, — деди билагини ёигитнинг қўлидан ажратиб, — Эшигимиз кўриниб турибди. Ойим билиб қолсалар нима деб ўйлайдилар?— яна юкка қўл чўзди қиз.

— Хафа бўлмаган бўлсангиз, менга шу,— деди Султонжон ва қопни кўтариш учун қўл чўзган эди, муюлишдан Дилбар чиқиб қолди.

«Кераксиз ерда кўз оғриқдек қаёқдан пайдо бўлди у?»— ўйлади Турсуной. Шў топда дугонасини сира кўргиси йўқ эди. Аммо Дилбар ҳеч нарса билмаган ва кўрмаган бўлиб:

— Костюмингиз химчисткабоп бўлибдими?— айёро-на қараш билан Султонжонга мурожаат қилди.

«Э-ҳа... булар таниш экан-ку!»— кўнглидан ўтказди Турсуной.

«Нега бу қиз мен билан эски қадрдонлардек сўзлаш-япти?»— деб ўйлади Султонжон.

«Қизиқ... икковлари ҳам жимиб қолишди! Ораларида бирон гап бўлса керак?»— шубҳали хулосаларга кела бошлади Дилбар.

— Ҳа, одам билан гаплашгингиз ҳам келмайди-я! Ундай бўлса, хайр!

Дилбар этиги билан жўрттага тупроқни тепиб, кўча-ни чангитди-да, кетиб қолди.

Бўлиб ўтган бир нафаслик бу учрашув, иккала ёш орасида қандайдир бир сир бор экан, деган шубҳа туғ-дирган эди.

— Ўйланингизда радио борми?— сўради Султонжон.

— Приёмник бор эди... Қариндошимизга берган-миз.

«Қариндошларига бериб юборишлари бежиз эмас-дир. Муҳтожлик мажбур қилмадимикин?»— деб кўнгли-дан ўтказди йигит.

— Рози бўлсангиз, мен радио сими тортиб берардим. Бу кварталда яна икки юз саккизта точка ўрнатмоқчи-миз. Бу ўтган йилгидан қарийб бир ярим баробар кўп. Сим ҳам сероб.

Султонжон зимдан Турсунойнинг руҳини кузатиб бо-рарди. Қиз лабларининг таноби тортилди, юзида кулги-га мойил аллақандай бир аломат пайдо бўлди. Бўйга етган бу қиз Султонжоннинг дил розини эшитаётгандек. «Шундай бўлмаганда: «Қанча янги точка ўрнатамиз, дедингиз?» деб қайта савол бермаган бўлар эди», дея ўзича ўйлар эди Султонжон.

— Икки юз саккизта!— такрор жавоб берди йигит. У гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлиб турганда Турсу-ной сўраб қолди.

— Сиз Дилбар билан қачондан бери танишсиз?

— Мен?.. Дилбар... мен, албатта...

— Ёрдамингиз учун катта раҳмат!— деди Турсуной ва юкни ердан азот кўтарди-да, кифтига қўйиб жўнаб қолди.

Султонжон анча жойгача унинг орқасидан эргашиб борди ва эшик очилиб ичкаридан Башорат хола кўрин-

гач, таққа тўхтади. Турсуной бўлса, ақалли қайрилиб ҳам қарамасдан эшикдан кирди-кетди.

Қиз ҳозир нималар тўғрисида ўйлаётган экан? Бу унинг ҳаётида биринчи марта рўй берган ҳодиса эди-ку? Бу туйғу негадир севинч бағишлаш ўрнига ваҳимали кўринарди. Султонжоннинг аҳволи қизникидан кўра огирроқ. Негаки, унинг туйғуси аниқ... Қизнинг бош буриб юз ўгириб кетиши унинг учун тушуниб бўлмайдиган жумбоқ эди. «Сиз қачондан бери Дилбар билан танишсиз?» Нима учун Турсуной унга бундай савол берди? Саволни беришга берди-ю, жавобини эшитгиси ҳам келмади... Тавба... У нега ўзини йўқотиб қўйди?.. Қизнинг юрагида шубҳами, рашкми? Қани энди рашк бўлса!..

АШУРМАРД БАКИРОВ

Баъзиларнинг ривоят қилишларича, Ашурмарднинг колхоздан кетиб қолишига бир қизни севиб қолгани сабаб бўлган эмиш. Айниқса, Ашурмардни эслаб, унинг саргузашти тўғрисида сўзлашиб ўтирадиган чоллар: «Муҳаббат бир бало шайдир, гирифтор ўлмаган билмас, зимистон кўрмаган булбул баҳорнинг қадрини билмас» дейишар, уларнинг назарида, тракторчи Ашурмарднинг колхоздан кетиб қолиши фақат севги важидан бўлган. «Раис ёки бригадир билан гап-сўзга бориб қолиши севганининг орқасидан бориши учун бир баҳона эди» деб нақл тўқишарди. Кексалардан бири:

— Севги дардига мубтало бўлган кишининг кўзига на уй ва на мол-дунё кўринади,— деса, бошқаси унинг гапини бўларди:

— Қўйсангиз-чи. Муталлибой, аслини айтганда, Ашурмард мард эмас, номард экан! Бўлмаса шунча дўстларини юз-хотир қилмай, униб-ўсган колхозини ташлаб бир аёлни деб Мирзачўл деган бетайин шаҳарда мусофир бўлиб юрармиди?!

Хуллас, эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Тракторчи Ашурмарднинг бир кечада колхоздан ғойиб бўлиб қолишини ҳар ким ўзича талқин қиларди.

Ашурмард билан яқиндан таниш бўлган кишилар доим унинг феълини ҳисобга олиб муомала қилардилар.

Ашурмард озғиндан келган бўлишига қарамай, лўппи юз, лаблари кулимсираб турадиган, гапни сабр билан

тинглаб, жавобини жуда аниқ ифодалар билан баён қилишга одатланган, бир сўзли, ўрни келиб қолганда отасини ҳам аямайдиган йигит эди. Ҳа, баъзан унинг мулоҳазалари гарчи тўғри бўлса-да, баъзилардек сўзга пардоз бериб, тўн кийгиза олмаганидан гапи қўполроқ кўринарди. Баъзилар: «Бу одам ёшлигидан қийинчиликни кўп кўриб асабий бўлиб қолган» деса, баъзи бировлар: «Сут билан кирган жон билан чиқади, аслида феъли шунақа» дерди.

Ашурмарднинг отаси Ватан урушининг биринчи йилларида Ленинград фронтида ҳалок бўлган. Ун етти бола туғиб ҳаммасини тупроққа қўйган онанинг ўн саккизинчи боласи шу Ашурмард эди. Уруш бошланганда Ашурмард ўн олти ёшда эди. У еттинчи синфни тугатган вақтдаёқ трактор ҳайдашни биларди. Мактабда ўқиб, ўқитувчиси физикадан амалий машғулот ўтказган чоғларида, ўзинча бирои нарсани «кашф» этишга қизиқиб, ўришиб-суришиб юрадиган болалар кам эмас. Шунга ўхшаш машинага, техникага бўлган ҳавас Ашурмардда балки ўша вақтларда бошлангандир.

Тенгқурларининг айтишларига кўра, Ашурмард ёшлигида жуда шўх экан. Қаерда болалар ўртасида уриш-жанжал чиқмасин унинг бошида Ашурмард тураркан. Ўқитувчи ёки мактаб директори болаларни сиқиб, бош айбдорини ахтара бошлаганда ҳамма айбни ўз гарданига олиб, бошқаларни оқлаб юборадиган ҳам шу Ашурмард экан. Ашурмарднинг асл исми Ашурмат бўлиб, кейинчалик унинг мардлигини таъкидлаш учун ўртоқлари «Ашурмард» деб атайдиган бўлиб қолган эдилар.

Ашурмард Бакиров мактабни тамомлагач, МТС га ишга кириб гоҳо слесарлик қилди, тўғри келиб қолганда дурадгорлик ва уй оқлаш юмушларини ҳам бажариб юраверди. У мардгина эмас, қўли гул фаранг ҳам эди.

У колхозда МТС тракторини ҳайдаб юрган кезларида шундай ҳодиса рўй берган эди:

Чигит униб чиққандан кейин одатда қўл билан яғана қилинарди. Колхознинг МТС билан тузган шартномасига кўра эса, кўндалангига культивация қилиш йўли билан яғана қилиниши керак эди. Бригадир бундай қилишга рози бўлмади.

— Чигит ола чиқди. Культивация билан энига кес-дирсам, керакли ниҳоллар ҳам кесилиб кетади. Яхшиси,

меҳнати ортиқроқ бўлса ҳам яганани қўлда қилдираман!— деб туриб олди.

— Яганани қўлда қилгандан кўра машинада қилган маъқул, чунки меҳнат камайиб, ортиқча ҳаракат йўқолади!— деди Бакиров.

— Меҳнатсиз роҳат, ҳосил қаерда бор? Бир оз ортиқча ҳаракат бўлса ҳечқиси йўқ. Худо бераридан қисмасин. Биз учун ҳозир энг муҳим нарсаси — кўчати сақлаб қолиш!— деб кўнмади бригадир.

— Бўлиш-туришингиз шу бўлса, сиз худони ҳам хижолат қиладиганга ўхшайсиз,— кулди тракторчи.— Хўп, МТС берган бу наряд нима бўлади?— қўлидаги қоғозни кўрсатди Ашурмард.

— Қани, бу ёққа бер-чи.— қўлини чўзди бригадир.

Ашурмард нарядни узатди. Бригадир бўлса чўнтагидан қалам олиб ниманидир ёзди-да, нарядни Бакировга қайтарди:

— Мана шу билан хурсанд бўлсанг бўла қол. «Культивация қилди» деб ёзиб бердим. Хурсандмисан?

— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз?— жилмайиб сўради Ашурмард.

Сенлар учун така бўлсини, сут берсин. Колхоз ўладими, қоладими, МТСнинг нима иши бор!

Ашурмард тутақиб кетди. Бу бригадир авваллари ҳам бошқа тракторчилар билан шундай муомала қилиб юрарди. Аммо Ашурмард Бакировни яхши билмас эди. Синамаган тракторчига сохта ҳужжат бериб қўлга тушди. Икки орада жанжал кўтарилди. Бу жанжал МТС директорининг қўлоғигача етди. У Бакировнинг бу ишини унчалик маъқул кўрмади. «Бригадир ҳам ҳар хил бўлади. Бири ундоқ, бири бундоқ. Одамига қара. Енг ичида иш битиришга ўрган. Кўндалангига культивация солдиришни хоҳламабди, баттар бўлсин! Лўлининг эшагини суғор, пулини ол!» деган маънода гап қилди.

Бакиров мурасасиз эди. У бу жанжални кўтариб районга борди. Ана шундан кейингина бригада ғўзасига кўндалангига культивация сола олди.

Бакиров МТС директори ва колхоз раиси билан келиша олмай қолди. Бакиров бу вақтда отасидан қолган кичик япасқи уйда ёлғиз ўзи турарди. Онаси бўлса ғалаба йилига етмасдан вафот қилган эди. У сўққабош бўлиб, мол-дунёга қизиқмас, ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришинигина хоҳларди.

Колхозда рўй берган кўнгилсиз ҳодисадан кейин Бакиров бирмунча вақт МТС устахонасида токаръ бўлиб, сўнграқ сайёр механик бўлиб ишлади. У қисқа вақт ичида бу ерда ҳам бир эмас, иккита бригадир билан санманга бориб қолди. Бунга бригадирларнинг трактор жорий ремонтини ўз вақтида сифатли қилиб бажармасликлари сабаб бўлган эди. Одамларини ҳалол ишлашга чақириб, тўғри гапидан кишиларга ёмон кўриниб қолиши унинг қўққисдан ғойиб бўлишининг бирдан-бир сабаби эмас эди, албатта. Унинг қалбини ўзига мафтун қилган сир бор эди. Бу сир ўз ошиғидан жуда узоққа кетиб қолган бир гўзалнинг ситами эди. Маъшуқанинг ҳам ихтиёри ўзида эмаслигини ошиқ яхши биларди. Маъшуқанинг ота-оналари кўч-қўрони билан қизларини олиб Мирзачўлга кўчиб кетганларидан бери ошиқнинг тоқати тоқ бўлиб, сабр-қарори йўқола бошлаган эди.

Ашурмарднинг бир кечада ғойиб бўлишига сабаб бўлган нарсаларнинг жамулжами шулар эди.

У ўз севгилис тўғрисида ўйлар, тўй-томоша кўриш орзусида ёнарди-ю, тўй сарф-харажатига қўлининг қисқалиги умидларини пучга чиқаргандек бўларди. Унинг топган-тутгани тўйга бўладими, келинчакнинг сарпосигами? «Борди-ю, қиз: «Чўнтагингизда чақангиз йўғу, ҳавасингиз дунёга сиғмайди, йўлингиздан қолманг! Туёғингизини шикиллатинг!» деб қолса нима деган одам бўламан?». Унга бутун борлиги, жон-дилини бағишлаган, унинг хаёлида ёниб сарҳисобидан адашган, эл-юрт олдида маломатга қолган бир йигитга офатижон ёри, наҳотки, шу хилда жавоб қилса?!

Ашурмард янглишмади. Йигитнинг юрагини пайқаган ҳушёр қиз у билан учрашар экан, баъзи бир қизлар сингари крепдешин, файдешин, панбархит кўйлак, яна алланима балолар тўғрисида оғиз ҳам очмади.

— Ҳечқиси йўқ... Қўй бир тери ичида неча озиб, неча семиради... Тан-жонимиз соғ бўлса, мол-дунё топилади. Хоҳланг, бизнинг колхозга киринг, хоҳланг, МТСга. Шундай қилсангиз дадам билан ойимлар олдида менинг ҳам юзим ёруғ бўлади, яна ўзингиз ўйлаб кўринг,— деган эди қиз.

Ашурмарднинг иши унгидан келди: қизнинг ҳам йигит дардида ёниб юргани маълум бўлиб қолди. Эрни эр қиладиган ҳам хотин, ер қиладиган ҳам. Мирзачўлда пахта йиғим-терими тугалланиши билан уларнинг тўйи бўлди.

Бу саодатдан бениҳоят шодланган Ашурмард маъшуқаси билан бирга меҳнат қилиб, бахтиёр турмуш кечира бошлади. У МТС тракторчиларининг энг илгорлари сафида борар, сурати ҳурмат тахтасидан тушмас, келажак техниканики эканлигига чуқур ишонарди.

Бироқ бегона жойда қанчалик бахтиёр бўлмасин, туғилиб ўсган ерини соғинарди. Қишда отпуска олиб юртига келди-да, япасқи уйини ремонт қилиб кетди. Хизматдан бушатишни сўраб, МТС директорига ариза берди.

Директор аризани хурсандчилик билан қабул қилмади:

— Биздан нима ёмонлик кўрдингиз, йигит? МТСга келган вақтингизни ҳам бир эслаб кўрдингизми? Ўттиз икки тишингиздан бўлак ҳеч нарсангиз йўқ эди, яқин орада бир бошингиз учта бўлади... Биз сизни мажбуран тутиб туролмаймиз. Лекин дарахт ҳам бир жойда кўкаради...

Бу таъналар Ашурмард учун енгил эмасди. Лекин у бир сўзли йигит. Бирон қарорга келдими, ҳеч ким уни бу йўлдан қайтара олмайди, айтганини қилади. Тракторчисини директор ҳам билиб қолган эди. Шунга яраша муомала қилди.

— Қелганингизда МТС эшигини очиқ эди. Қайтмоқчи экансиз, ёпиб қўймаймиз. Биз сиздан ёмонлик кўрмадик. Сиз ҳам бизга ёмонлик қилмадингиз. Поезд деб овора бўлманг. Мен ҳозир шофёрга тайинлайман. Юкларингиз тайёрми?

— Раҳмат, ўртоқ директор. Мени деб давлатнинг машинасини овора қилманг.

— Сиз ҳам давлатнинг кишиси бўласиз!— деди ўтирган еридан ирғиб туриб директор ва секретарга шофёр чақиришни тайинлади.

Директорнинг бу олижаноблиги Бакиров учун унутилмас иш бўлган эди. У МТС ходимлари билан хайрлашгач, кўнгли бузилиб йўл олар экан, кета туриб ҳурмат тахтасидаги ўз суратини кўриб тўхтади. «Кетиб буларни ранжитяпман. Суратим ҳурмат тахтасида... «Сиз ҳам давлатнинг кишиси!..» Қани энди бу гапларини Жалилов билан у ердаги директор ҳам эшитса!» деган ўй-хаёллар билан МТС ҳовлисидан чиқиб кетди.

Орадан унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, колхозда анчагина ўзгаришлар рўй берган эди. Янги уйлар қурилибди, тор кўчалар ўрнига кенг, текис кўча очилиб, йўл

атрофига дарахтлар ўтқазилибди. Ўзун столбага қўн-
рилган радио карнайидан музика садолари янграб тур-
ган вақтда Бакировнинг кўчини ортган машина қишлоқ-
қа кириб борди. Гуё бутун колхозчилар Бакиров ва унинг
қаллиғини музика билан кутиб олаётгандилар.

Орадан кўп вақт ўтмасдан Бакиров оиласида янги
меҳмон пайдо бўлди. Қани энди шу бахтли айёмда Бакир
амаки, Ҳидоят хола бўлсалару, невараларининг «инга-
инга»сини эшитсалар! Ўғил-келиннинг обод дастурхони
атрофида ўтириб, болаларининг бахтларидан қувонсалар,
дўмбоқ неварачаларини бағриларига босиб колхоз қиш-
лоғининг гулбоғларида сайр-томоша қилсалар!..

Турсуной Юнус ака бригадасида ишлай бошлаган
чоқда: «Ушоққина қиз экансан, ўғил бола бўлганингда
ўзим шогирд қилиб олардим» деган тракторчи худди
шу Бакиров эди. Кунлардан бир кун колхозчилар дала
шийпониди дам олиб ўтирганларида бригадир келиб:

— Эртага тракторга сув бериб туриш учун бир киши
керак. Талабгорлар борми?— деб аъзоларига мурожаат
қилди.

— Тракторга сув беришингиз нимаси? Тракторнинг
чанқашига бало борми?— деди ўзича кулиб бир аёл.

— Қанақа иш бўлди яна?— ҳеч нарса тушунмагандек
атрофга аланглади Мингсулув.

— Балки Турсуной боришни хоҳлар?— луқма ташла-
ди Дилбар.

— Ҳа, нима бўпти, борсам боравераман-да,—
деди Турсуной.— Тракторга сувчи бўлиш айб бўптими?
Мени юборинг, Юнус ака. Ўзим ҳам тракторни яхши
кўраман.

— Ана, Турсуной тракторни яхши кўрармиш, эши-
тиб қўйинглар!— яна тегажаклик қилди Дилбар.

— Йигит-яланг «ғиқ» этмаса нима қилсин, юрагида
ўти бор қиз-да, баракалла!— деди бир аёл.

— Хола,— деди чўзиб бир қиз,— ҳаммалари Турсу-
нойни кичкинтой деб масхара қилишади. Ишга келганда
мана мен деган азамат йигитлардан қолишмайди. Норми
бажариш жуссага қарамас экан.

— Эшитмаганмисан, туя ҳам гавдасига мағрур бўлиб
мучалга кирмасдан қолган экан.

Шийпонда гур кулги кўтарилди.

— Кулишнинг ҳожати йўқ!— деди бироз овозини ба-
ланд қилиб Юнус ака.— Қизнинг ўзи хоҳлар экан, сиз-

ларга нима? Турсуной, эртага тўғри Ашурмат акангининг тракторига чиқавер!

...Сув ташиш учун от-арава миниб керак эди. Бу кунгача эркаклар иши бўлиб келган бу хизматга Турсунойнинг бориши ҳаммадан кўра Дилбарни ҳайратда қолдирган эди. От эгарлаш, арава қўшиш, сув ташиш, тракторга сурканиб қора мойга беланиш Турсунойнинг асосий иши бўлиб қолди. Ҳар кун ийига юз-кўзи қоп-қора мой, чанг босиб қайтарди. Унинг мой-чанг босган юзида фақат ялтираган кўзи-ю, оқариб турган тиши кўринарди, холос.

— Эҳ, аттанг, аттанг, онанг сени янглишиб қиз туғиб қўйган экан-да, Турсуной. Ўғил бола бўлганинда бир жаҳон тракторчи бўлар экансан-да!— деб қолди Бакиров.

— Онам мени қиз туғиб адашган эмас, Ашурмард ака! Сиз ўзингиз янглишиб юрибсиз!— деди қовоғини уюб Турсуной.— Мен сиздан бу таънани иккинчи марта эшитяпман. Эсингизда борми?..

— Нега эсимда бўлмасин,— Турсунойнинг сўзини бўлди тракторчи.— Қиз бола деганимга аччигинг чиқмасин. умуман айтганда, трактор иши хотин-қизларга тўғри келмайди. Оғир иш!

— Ёўза сугориш сизча осон ишми?— бир оз тажаниб савол берди Турсуной.— Бизда ёўза сугориш ҳам аёлларнинг зиммасига тушиб қоляпти-ку! Далада, куннинг тигида эртадан кечгача кетмон чопиш, пахта териш хотин-қизларнинг асосий ишлари бўлиб қоляпти-ку! Нега у ишларни эркакларнинг иши, аёлларни ундай оғир ишлардан озод қилиш керак, демайсиз! Қим бу тўғрида бош қотирыпти, қани айтинг-чи!..

...Теримчилар пахта майдонига тушганда тракторчилар йўнғичқа ўриш, пичан йиғиш, силос қирқиш ишлари билан машғул бўлишди.

Авваллари тракторга сув ташиган Турсуной энди дала шийпониغا, теримчиларга ҳам сув етказиб бериб турадиган бўлди.

Теримнинг айна қизиган чоғида пахта териб юрган бир аёл бирданига касал бўлиб қолиб, тез ёрдам зуррияти туғилди. Касалхонага олиб бориш лозим эди. Машина йўқ. Нима қилиш керак? Турсуной сув тўлдирилган бочкани аравадан думалатиб ерга туширди-да, хаста аёлни аравага ётқизиб касалхонага олиб жўнади.

— Қўрқманг, аяжон. Ҳозир етамиз. Доктор ҳуриб

дори беради. Тездан тузалиб қоласиз,— деб аёлга тасалли беради Турсуной.

Шу воқеадан сўнг Турсуной кўринганда «Скорая помощь келяпти!» деб ҳазиллашадиган бўлиб қолишди.

— Ҳа, тез ёрдам бўлса менчалик булар-да, ҳар куни аравамга сув ортиб дала айлансам, ташна ҳашарчиларнинг ҳовурини боссам, тракторнинг юрагига ўт тушганда, сув қуйиб чанқоғини боссам, мен «скорая помощь» бўлмай, ким бўлсин!— деб қизларни кулдирадди Турсуной.

Кечқурун Ашурмард Бакиров Турсунойдан аёлнинг аҳволи тўғрисида сўраганда:

— Эсон-омон қутулгандир,— деди.

— Бирон огир юк кўтармаганмикин?— деб сўради Бакиров.

— Шунақага ўхшайди,— деб гапга аралашди қорувул Али ота.

Буларнинг учаласи ариқ лабида чой ичиб ўтиришарди.

— Пахтани қўл билан териш ҳам барҳам еб қолар. Яқин икки йил ичида уни машина билан тера бошлаймиз.

— Бояқиш аёлларга жавр бўлиб кетди,— деди афсусланган бир оҳангда Али ота,— кошки эди шундай машина тезроқ чиқа қолса.

— Пахта терадиган машина аллақачон чиққан,— отани ишонтиришга уринарди Бакиров.

— У машина қанча турар экан?— қизиқиб сўради чол.

— У қадар ҳам арзон эмас,— деди бир оз жаҳли чиқиб Бакиров.

— Миллион сўмлаб харж қилиб бўлса ҳам ҳукуматимиз терим машинаси чиқаряпти. Кўзингиз тушмаган экан-да, Али ота, МТСда қатъор саф тортишиб турибдику. МТС ҳар йили сотиб олишга олади-ю, ҳеч ишлатмайди. Ҳаммаси хўжа кўрсинга...

— Наҳотки,— таажжубланиб унинг юзига тикилиб қолди Али ота.

— Қизиқ...— деди чўзиб Турсуной.— Нима учун тайёр машина турганда, у билан пахта теришмайди?

— Нима учун бўларди? Жумбоқни биласанми?— жиддий бир оҳангда сўради Ашурмард.

Али бобо жилмайиб қўйди, қиз ҳамон таажжубда эди:

— Жумбогингиз нимаси?

— Терим машинаси тўғрисидаги саволларингга берадиган жавобим ҳам худди жумбоққа ўхшайди,— деб кулди Бакиров.— Агар сен гапнинг тагига етмоқчи бўлсанг, қулоқ сол: терим машинасини чиқарадиган заводларимиз бор, у ерда қанча инженер, техник, ишчилар ишлайди. Давлатимиз бунинг учун ҳар йили неча миллион сўмлаб маблағ ажратади. Яқинда эълон қилинган бир маълумотга қараганда, «СХМ—48М» терим машинасидан йигирма мингтаси МТС паркларида қантариглик турган эмиш.

— Йигирма мингта машина?!— яна таажжубланди Турсуной.

— Ростдан йигирма мингта машина ишлатилмасдан ётибдими?!— такрор савол берди Али ота.

— Ҳар ҳолда шундан кам бўлмаса керак...— деди Ашурмард ўзи айтган рақамга ўзи ишонқирамагандек. Сўнгра:— Бу машиналарнинг ҳар бири давлатга неча минг сўмдан тушаётганини биласизларми?— деб саволмиз қушиб қўйди.

— Қасқдан билайлик, балки, Турсуной, сен биларсан, қизим?— деди мулойим жилмайиб чол.

— Қайдам, бирон ўн минг сўм бордир-а?

— Мактабингда математикадан нима баҳо олар эдинг?— сўради Ашурмард.

— Нима эди?... Тўрт-беш баҳо билан ўқиганман.

— Ундай бўлса, қани уша унингги бешга купайтириб кўр-чи!

— Вой, ўнни бешга купайтирсак эллик бўлади-да!

— Баракалла, ҳар бир «СХМ—48М» давлатга эллик минг сўмдан тушар экан.

— Вой-бў!..— деб юборди Али ота.— Давлат пулининг шўри бор экан. Айб кимда, нимага бунча сармоя сарф қилиб, машина чиқаришади-ю, фойдаланишмайди?— ҳорғин кўзларини аланг-жалаг қилиб Бакировга қаради Али ота.

— Демак, жунбоқни ечолмадиларингми? Гап ана шунақа, ота! Гап ошдамн, тошда? Ҳозирча буни суриштирадиган киши бўлмаяпти! Ҳар йили пахта майдонига юз мингларча одам чиқиб, қўлда пахта теради. Улар кун чиққандан то кун ботгунча миялари офтобда қайнаб, қўллари шилиниб пахта терадилар. Ҳатто кейинги кунларда, ойдин кечалардан фойдаланиб пахта териш ке-

рак, деган маслаҳатгўй «донишманд»лар ҳам чиқиб қолди.

— Қолхозчи машина эмас-ку! Тракторингга ҳам дам берасан-ку, ўғлим!— деди ажин босган бетини тириштириб Али бобо.— Шунақа калтафаҳмлар ҳам бор экан-да, а? Тавба!— деб қўйди чол.

— Аҳвол ана шунақа, отахон,— деди оғир хўрсиниб Ашурмард,— колхозчилар кундузи пахта териб, кечаси кўрак чувишлари керакмиш! Ваҳоланки минглаб терим машиналари МТС паркларида қантарилиб ётибди, бир жойда қарасангиз — терим машинасининг мотори йўқ, бошқа бир ерда устига бир гала болалар миниб олиб, ҳалака чуко ўйнашяпти. Гўё бу машина бир чақага арзимасмиш, ғилдираклари ғўзаларни пайҳон қилиб, хом пишиқ кўракларни юлқиб-юлқиб, эзиб, пахтанинг толаларини узармиш, аъло навга ўтадиган пахтага ғўзанинг барг шохлари қоришиб пахта эмас, алланима балога ўхшаб қолармиш... Яна бировларнинг гапига қараганда, бу машина пахтани теришдан кўра кўпроқ тўкармиш, машина тўккан пахтани тердириб одамларни овора қилгунча покиза қилиб қўлда териб олган минг марта аъло эмиш. Бу тариқа муҳокама юритаётган кишиларнинг фикрлари, ҳақ билан ноҳақ ўртасида қанча фарқ бўлса, шунчалик бемаънидир. Ҳар қандай машина тўғрисида ҳам шу хилдаги гапларни айтиш мумкин-ку, ахир! Автомобиль учун текис тош йўл керак бўлгани каби, терим машинаси учун ҳам яхлит ва текис, қатор оралари ҳам текис, пахта тўла-тўкис очилган, барглари тўкилган пахта майдони керак. Бу шарт-шароитлар бўлмасдан туриб, машинани ярамайдига чиқариш — бориб турган бемаънилик!

Бакировнинг пахта терадиган машинани қаттиқ туриб ёқлаши ўз-ўзидан маълум бўлса-да, ўзи ҳимоя қилаётган бу машинада баъзи бир нуқсонлар борлигини ҳам билар эди. Ҳозирча бу ҳақда атайлаб оғиз очмади. Турсуной билан Али отага бу нуқсонларни айтиб, уларда ҳам машинага нисбатан қинғир қараш уйғониб қолишидан хавотир олиб айтмади шекилли.

— Дунёда турли-туман машинаки бор, уларнинг ҳаммаси одам ақли билан бунёдга келади,— деб гапида давом этди Бакиров.— Ғалла ўриб янчадиган, картошка кавлайдиган, шоли экадиган машиналар бор. Терим машинаси ҳам худди шунақа. Бирини яхши ишлайди, бирини

ҳали такомиллашиши керак. Яхши машина ўйлаб чиқарган олим билан уни ясаган ишчи пуқсонини ҳам тугатишга қодир. Пахта теримини машиналаштиришни фақат конструктор ёки заводга боғлиқ деб тушуниш хато. Теримни машиналаштириш оддий колхозчидан тортиб агрономгача, конструктордан тортиб селекционер олимгача, колхоз раисидан тортиб партия ходимларигача — ҳамма-ҳаммага боғлиқ умумхалқ иши, давлат ишидир!

Али ота ўз нуқтаи назарида қаттиқ туриб олди:

— Биз ахир, қулаб тушиши олдиндан маълум бўлган самолётда учмаймиз-ку! Дарҳақиқат, терим машинаси анча-мунча пахтани нобудга чиқарар экан, бу ҳар қандай пахтакорни ўйлатиб қўйиши турган гап! Бу ажабланишли нарса эмас!

— Урушгача оз бўлса ҳам терим машиналари ишлаганидан хабарингиз бўлса керак. Сиз ҳам, отахон, гапни айлантиришни яхши кўрар экансиз?— деди бир оз диққати ошиб Бакиров.

— Менинг хабардор бўлишимдан неча пуллик фойда бор?— мунозарадан ўзини четга олишга ҳаракат қилди чол.

Турсуной бўлса «гиқ» этмасдан гап тинглаб ўтирарди. Бўлиб ўтган бу гаплар бир неча кунгача унинг миясини чулғаб юрди...

Турсуной билан дугоналари Дилбар, Муборак, Мингсулов, Азизалар бир куни МТС партия комитетининг секретари Халиловнинг кабинетига унинг сўзини тинглардилар.

— МТС раҳбарлиги,— деди Халилов,— қизлардан бир нечасини терим машинасини ҳайдовчилар курсига юборишни лозим кўрди. Ўқиш муддати — бир йил. Бир йил нима деган гап, ўтади-кетади.

Сизлар КПСС Марказий Комитети Сентябрь пленумининг қарорларини ўқиб чиққан бўлсаларингиз керак?

— Хўш, нега илдамай қолдинглар? Курсга боришга талабгорлар борми?— такрор сўради партком секретари.

— Ота-оналаримиз билан маслаҳатлашишимиз керак,— деди Дилбар.

Турсуной қўлини кўтарди.

— Ўртоқ Охунова бир нарса демоқчи, эшитайлик-а,— деди жонланиб Халилов.

— Терим машиналари МТС паркларида ишлатилмасдан бекор ётган эмиш. Шу машиналарни ҳайдашга омил кадрлар сарсон бўлиб юргани сизга маълумми?— деб сўради Турсуной.— Биз курсда ўқиб, механик-ҳайдовчи бўлиб ҳам келамиз. Бундан мурод нима? Ўқиб-ўқиб келиб биз ҳам саргардон бўлиб юрадиган бўлсак, ҳозир қилиб турган ишимиздан қўлимизни совутмаганимиз маъқул эмасми?

Берилган савол ҳам, қилинган талаб ҳам дадил эди. Халилов аҳволни ётиғи билан тушунтирди-да, сўнг деди:

— Эндиги гап сизларда, истасаларингиз, ота-оналарингиз билан ўзим гаплашай, истасаларингиз ўзларингиз билан биргаликда гаплашайлик.

— Ота-оналаримиз билан ўзингиз гаплашсангиз яхшироқ бўларди,— деди Дилбар.

— Дилбарнинг гапи тўғри. Менимча ҳам шундай қилинса,— деди Муборак.

— Сен нима дейсан, Турсуной?— деди қошларини чиқариб Дилбар.

— Мен курсга бораман!— қатъий жавоб берди Турсуной.

— Сиз нима дейсиз?— Мингсулувга мурожаат қилди секретарь.

— Шу қизлар нима бўлса, мен ҳам шу-да!— дея қолди даңгал Мингсулув.

— Бўлмаса, биз ота-оналарингиз билан сузлашайлик. Уйлайманки, натижаси сиз билан бизнинг фойдамизга ҳал бўлади. Аввало, рози бўлишлари турган гап. Жуда кўнавермасалар, ташвиқотни ҳам ишга соламизда, қайтамыз? Биз сизларга қаттиқ суянамиз, пахта теримида революция қилиб берарсизлар, деган умидда шундай қиляпмиз. Ишонаманки, бу улуг мақсадни юзага чиқаришда сизлар биринчи қалдиргочлар бўласиз. Бизда кишини улуғлайдиган, шон-шараф билан чулғайдиган нарса — ҳалол меҳнатдир.

— Бу революцияни қайси биримиз қилиб, қайси биримиз қаҳрамон бўлар эканмиз?— қизларга қараб жилмайди Дилбар.

— Бизда ҳалол меҳнат қилиб қаҳрамон бўлган одамлар оз эмас. Сиз бекорга куляпсиз!— деди Дилбарга танбеҳ бергандек Халилов.

— Мени ёзинг. Отим Турсуной, фамилиям Охунова.

Ҳар бир янги ҳаракат дастлаб қийин ва эришроқ кўринса-да, бора-бора кишилар унга кўнишибгина қолмасдан, уни қўллаб-қувватлайдилар, ривожлантирадилар, такомиллаштира борадилар. Гап ана шу янгиликни пайқай билишда. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўладиган нарсас эмас. Кимдир бошқалардан бурунроқ ўйлайди, истиқболга йўл очиб беради, майли, завод ҳали ҳар жиҳатдан мукамал бўлган терим машинаси чиқармаётган бўлсин, ҳозирданоқ шу машинани бошқара биладиган кадрлар тайёрлаш курси иш бошлаб юборди. Бизда бундай курслар оз эмас. Бу янги йўл бизларни қаёққа олиб бораётгани ҳозирданоқ равшан кўриниб қолди. Шундай бўлмаганда ҳеч ким: «Йўқолсин кетмон!» демаган бўларди. Ахир минг-минг йиллар давомида деҳқонни тўйдириб келган бирдан-бир қурол шу кетмон эмасмиди? Мана ҳозир вақти келиб, бу жафокаш кетмон олға боришимизга тўсқинлик қилмоқда. Агар пахта териш машиналари ва уни идора қилувчи моҳир механик-ҳайдовчилар бўлмаганда, партия: «Йўқолсин кетмон!» деган шорни майдонга отмаган бўлар эди. Паранжи хотин-қизлар озодлиги учун қандай тўсиқ бўлиб келган бўлса, эндиликда кетмон ҳам ишлаб чиқариш ривожини ва жамиятимиз тарққиёти учун худди шундай тўсиқ бўлиб қолди.

Бу давримиз тақозоси эди. Доно партиямиз чизиб берган истиқбол режаларини бутун қишлоқ хўжалигимизнинг комплекс механизациялаш режаларини эди.

... Унча катта бўлмаган бир хонада тўрттала қиз яшарди. Дилбарнинг ёстиғи тагида қўш-қўш конвертлар, тумбочкасида эса қўшиқ ва шеърлар ёзилган альбом. У ўзига ёққан биронта шеър ёки қўшиқни кўчириб олмасдан қўймасди. Кўчирганда ҳам уларнинг мазмунига қараб баъзисига капалак, баъзисига эса қизил қаламда юрак шаклини ҳам солиб қўярди. Бу ишларнинг ҳаммаси иштиёқ билан бажарилиб, бирон ерига заррача доғ тегмасдан қилинарди.

Муборак бўлса, деярли ҳар куни кинога борар, унинг бутун завқи шавқи шундан иборат деса бўларди.

Мингсулув ҳар куни уйига хат ёзиш билан овора. Қун бўйи нималар кўрди, қандай воқеа юз берди — аҳамияти бор-йўқлигига қарамасдан батафсил ёзиш унга одат бўлиб қолган эди.

Турсуной камдан-кам хат ёзар, унинг тумбочкаси кун сайин китоблар билан тўлиб борарди. У гулдор откриткалар йиғиш, альбом тутиб, чиройли шеърларни кўчириб олишга унча қизиқмас. Булар-бўлмасга кинога ҳам боравермасди. Дидига маъқул китоб бўлса бас! Фақат бир нарса тўғрисида ўйлаб, ҳаётдаги бошқа нарсаларни унутиш ҳар тарафдан хайриятликка олиб борса яхшику-я! Ҳаёт неъматларидан киши ўзини сунъий равишда чеклаб қўйиши керакми? Турсуной тўғрисида шуларни ўйларканман, дарҳол хотиримга буюк мақсади йўлида, революция йўлида ўз ҳузур-ҳаловати ва жонидан кечиб, босмачиларга қарши жанг қилганлар, муштумзўрларни тугатиб, колхоз қурганлар образи келади.

Турсуной ҳам шундай революцияларнинг бирига тайёрланарди. У терим машинасига, унинг беқиёс фойдасига ишониб, бу йўлдаги тўсиқларни кўриб тургани ҳолда, ўн минг, юз мингларча қиз-йигитларнинг эргашишларига умид боғлаб жангга отланган эди.

Турсунойни ўраб олган ҳаётнинг завқ-шавқи, табиатнинг гўзал манзаралари, станция майдонидан эшитилиб турадиган ёқимли музика оҳанги, кўнгил очишга чорловчи дилкаш дамлар — буларнинг ҳамма-ҳаммаси унинг мақсади олдида унча қизиқарли эмасдек кўринса-да, қандайдир бир нарса унинг қалбида ғашлик қўзғаётгандек, тинчлигини бузаётгандек... У ўзида бирданига пайдо бўлган бу ҳолатга тушунолмас, нима қилишини ҳам билмас, юрак садосига бепарвогина қулоқ соларди. Юраги нималар деяпти? Уни қаёқларга бошламоқчи? Турсуной ўз туйғусига тутқич бермаслик учун кураша бошлади, лекин туйғудан ғолиб чиқиши қийиндек кўринарди.

Бирга истиқомат қилувчи қизлар орасида энг кичиги Турсуной эди. Шунинг учун ҳам тун кирганда ҳамма ором ёстиғига бош қўйиб чироқ ўчирилгач, бўй етган қизлар шивир-шивир қилиб ўз севги саргузаштларини бошлардилар. Турсуной бир томондан ёш, иккинчи томондан қалбининг розига қулоқ беришдан бўйин товлаб келаётгани учун дугоналари ишқ-муҳаббат тўғрисида гап бошлашлари билан ўзини уйқуга солиб, терим машинасини бошқаришдаги энг муҳим, энг нозик томонларни хотиридан ўтказишга, Султонжон тўғрисидаги туйғуларини сир сақлашга ҳаракат қиларди...

Турсуной билан механик-ҳайдовчилик курсини битириб чиққан қизлар куёвга чиқишга шошилдилар. Учала дугонаси ҳам ўз бахтини топиб, ҳадемай болалик ҳам бўлиб қолишди. Рўзгор билан овора бўлиб, терим машинасини бирон марта ҳам ҳайдаёлмадилар.

... Машина-трактор станциясининг директори Александр Васильевич Коломейцов Турсунойнинг шаҳодатномасига кўз югуртириб, «соз» деб қўйди. У шаҳодатномани стол устига қўйди-да, зимдан Турсунойни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Ушоқ, нозиккина бу қиз байрамдагидек ясанган, унинг ташқи қиёфаси сира ҳам механик-ҳайдовчига ўхшамас эди.

— Ўғил бола бўлганингда бошқа гап эди. Ушоқкина қиз бола экансан.— Ўйга толиброқ гапирди МТС директори.

— Бу гапни бошқалардан ҳам эшитганман!— деди бир оз аччиқланган Турсуной.

— Ҳа, шунақами, ҳарқалай менинг гапим сен учун янгилик эмас экан, зарари йўқ. Устахонада слесарь бўлиб ишлаб турсанг қалай бўларкин?

Турсуной жавоб бермагач, директор яна савол берди.

— Дугоналаринг қани?

— Улар ҳалигача келишмабди-да!— Турсуной гапни бошқа ёққа буриб юборди.— Терим машинасига мосланиб экилган майдонлар тайёрми?

Директор хўмрайинқиради.

— Мосланиб экилган майдонлар дейсанми?— чайналиброқ гапирди у.— Бундай майдонлар йўқ эмас, бор... Бироқ ишнинг бу томони ўзларингизга ҳам боғлиқ... Қани юр, устахонага борайлик-чи.

Устахонадаги «СХМ—48 М» машиналаридан бирини ремонт қилиш Турсунойга топширилди. Кўпдан бери ишлатилмай ётган бу машинанинг анчагина иши бор эди. МТСнинг янги слесари ремонт ишига муккасидан кетган одам эди.

... Ана-мана дегунча сентябрь ҳам етиб келди. Механик-ҳайдовчи Турсуной Охунова ўзи ремонт қилган «СХМ—48 М» машинасини боқувдан чиққан отдек гижинглатиб, Чинознинг катта кўчасида виқор билан ҳайдаб борарди. Ҳамма йўловчиларнинг кўзлари унда. Йўлкада кетаётган чол кампирига нималарнидир маъқуллар, кампири бўлса, ёқасини ушлаб қўяр эди. Эҳтимол у, машина ҳайдаб боровчинини «қиз бола эмас» деб чолини енгаётгандир,

Ана магазин олдида турган бир тўда ёшлар машинага ҳанг-манг бўлиб қараб туришибди. Нималарнидир гапириб, хаҳолаб кулишади.

Ажабо, одамлар нега бу қадар таажжубланаётган эканлар? Механик-ҳайдовчи қиз бола бўлгани, комбinezон кийгани, ёки ушоққина бир қизча, шу қадар баҳайбат машинани ҳайдаб бораётгани учунмики? Уларнинг кулгисига Турсуной эътибор ҳам бермади. Бу қишлоқ аҳолиси орасида ҳамон ҳукм суриб келаётган қолоқ қарашларнинг ифодаси эди. Ҳали ҳам модага мувофиқ кийинган ёки зонтик тутган колхозчи қизни кўриб, ундан кулувчилар учраб қолади. Осмон-фалакда овоздан ҳам тез учадиган реактив самолёт қайси чолни таажжубга солади? Ёки Ер йўлдошининг парвози қайси мўйсафидини ёқасини ушлаб «Ё қудратингдан!» дейишга мажбур қилмоқда? Бундай ҳикматларга бизнинг кишиларимиз жуда тез кушқадилар. Лекин ёш қизни комбinezонда кўрар экан, буни ҳар ким ҳам ҳазм қилади, деб бўлмайди. Қим биледи, ҳали масҳараомиз кулиб ёқаларини ушлаган чол-камышр нималар демадиларкин? «Бунақанги келиндан худо сақласин, юриш-туришини қара-я!» деган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Турсуной ўзи тўғрисида бўлаётган гапларнинг ҳаммасини билар, тушунар эди. Бегоналар у ёқда турсин, ҳатто қизини қора мойга ботган комбinezонда кўрган Башорат хола ҳам бошини чайқаб кўзига ёш олган эди-да! Турсунойга кишилар кўзига шу важохатда кўринишдан кура машина бошқаришни ўрганиб олиш осонроқ туюлган эди.

Турсунойнинг юрагидаги дардни ўзидан булак ҳеч ким билмасди. Баъзан кечалари йиғлаб чиқарди. Бундан онаизоргина хабардор эди, холос.

«Ҳаммасини улоқтириб, яна колхозга қайтсам нима бўлар экан?» деган хаёлларга борган вақтлари ҳам бўлган эди. Лекин бундай иккиланган чоғларида ўзини қўлга олишга ҳаракат қилар, узоқ-узоқларга кўз ташлар, йўлидан қайтмасликка ўз-ўзига ваъда берар эди.

Чинозининг катта кўчасидан ўтиб, пахта даласига йўл оларкан, колхозда қандай кутиб олишлари ва бригада бошлиғи Юнус аканинг нималар дейишини ҳали аниқ тасаввур қила олмасди.

Мана энди бу бригадир тўғрисида сўзлашга вақт етди. Колхоз ҳали бирлашганга қадар Юнус ака юз эллик

гектар ерга пахта экиб келган қишлоқ хўжалик артелида партия ячейкасининг секретари бўлиб ишларди.

Етти пушти пахтакор ўтган тоза қалб, соф виждон эгаси бўлган бу одам бора-бора кичикларнинг каттаси, боши бўлиб қолди. У ажабтовур потиқ эди.

Кейинчалик у, нутқларни «Партия ва ҳукумат талаб қилади» деган гап билан бошлайдиган бўлди. Бу, албатта, ёмон эмас, чунки партия-ҳукумат олдида ўзини жавобгар ҳис қилиш билан колхозчиларнинг эътиборини жалб этарди.

Вақт ўтиши билан Юнус ака колхозга ранс муовини қилиб сайланди. Бу колхозга камқувват бир колхоз қўшилгандан сўнг Юнус ака яна бригада бошлиғи бўлиб қолди. Унинг бригадаси бир йил ичида кўтарилгач, колхозда обрўси яна ошиб кетди. У қурдирган дала шийпони шундай шинам, кўркам, баҳавоки, кўрсангиз, ҳавасангиз келади. Ёнидан бир тегирмон сув шовиллаб оқиб турибди, ариқ атрофи кўм-кўк қалли дарахтлар билан қопланган, сояси шундай қуюқки, тагига тангадек офтоб тушмайди. Утириб дам олсангиз ҳузур қиласиз.

Турсуной келмасдан бурунроқ шийпонга, яқинида қисқа муддатли ҳайдовчи-механиклар курсини битирган Ашурмард Бакиров мотоциклида келиб қолди. Улар Юнус ака бригадасининг пахтазорларини айланиб бўлгач, Юнус ака:

— Партия-ҳукумат талабига мувофиқ, ҳаммадан олдин сен ўзинг ишлов берган ерингда машина билан пахта терасан,— деди. Бу билан, менинг бригадам юқори ҳосилли бригада, менинг майдонимга бу машинанинг кириши қийин, демаса ҳамки, шунга шама қилган эди. Лекин журъат қилиб, бу гапларни ҳам қўшиб қўйган эди:— У еринг меникидан текис экан, ғўзаси ҳам унча ўсиқ эмас. Менинг майдоним ҳар жиҳатдан машина билан теришга номувофиқ...

МТС директориға қўшилиб, Турсуной билан МТСда бирга ишлаган бир неча ёш слесарь Юнус ака бригадасига етиб келди. Бригадир буларни чой билан меҳмон қилди, табелчисини икки марта югуртириб, тандирдан янги узилган иссиқ нон олдириб келди. Шунда негадир партия ташкилотчиси бўлиб юрган чоғларида бир неча бор район партия конференциясида, бир марта эса область партия конференциясида сўзлаган нутқини эслаб кетди. Чунки у вақтларда колхознинг аксари аъзолари

Юнус аканинг сўзларини эътибор билан тинглар, унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди.

Турсуной терим машинаси билан дала шийпонига етиб келганда Юнус ака уни биринчи бўлиб кутиб олди:

— Машинада териш учун йигирма гектар ер ажратганмиз. Мана энди ҳунарингни кўрсатаверасан, қизим! Унинг юзидаги — табассумми, қайғуми, билиб бўлмас эди. У мамнуи бир қиёфада Турсунойни дастурхонга таклиф қилди. Дастурхон атрофида МТС директори, механик, слесарь, табелчи, бригада аравакаши, бир-икки кекса сувчилар гурунглашиб чой ичиб ўтиришарди. Хотин-халаж бўлса, дарахтларнинг соясида дам олмоқда, бировлар тушлик қилаётган бўлса, бировлар узала тушиб ҳордиқ чиқармоқда эди.

— Партия, ҳукуматимиз шуни талаб қилар экан, сен шўрванга қарасанг-чи! — деди бригадир ошпазига хўмрайиб.

Турсунойнинг хурсанд ё хафалигини билиш қийин эди. Машинадан тушиши билан уни колхозчилар ўраб олишди. Йигитлар табриклашди, қиз-жувонлар қучоқлашиб кўришишди. Турсунойнинг машина билан келгани ёқмаганданми, баъзи бир кишиларнинг чехраларидан табассум учиб кетгандек эди. Нима учун шундай? Бу ҳаммадан кўра ҳам Турсунойга маълум эди. Улар механик-ҳайдовчи ҳамжонсларига ачинишдан кўра ҳам пахтанинг пайҳон қилинишидан хавотирда бўлсалар керак. Чунки улар «Терим машинаси машина эмас, пахтанинг бошига битган бир бало!» деган совуқ гапни неча марталаб эшитган эдилар. Шунинг учун ҳам баъзи бир колхозчиларнинг юзларидаги табассум ўрнини ташвиш эгаллаб олгани бежиз эмасди. Уларнинг кўнгилларига гулгула солаётган нарсани тезда англаб олиш мушкул эди.

Аёллар ичида бир ёш қиз Турсунойни бошдан-оёқ кўздан кечираркан:

— Вой, ўртоқжон-эй, мақсаднинг терим машинасига миниб эди, муродинга етибсан-да, а? — деб қўйди.

— Ҳа, энди ўзларингиз ёрдамлашасизларда, — деб аёлларга мулоим табассум билан боқди Турсуной.

— Машина ўзани пайҳон қилади, дейишади, шу гап ростми? — сўради бир аёл.

Турсуной бошини чайқади.

— Пўконида ел ўтмаганларнинг гапи-да бу, — деди аёлнинг гапига жавобан кекса бир сувчи. — Подадан бу-

рун чанг чиқарманглар. Мана, машина келди, ишласин, ўз кўзларингиз билан кўринглар! Ундан кейин гапиринглар.

Ашурмард Бакиров ҳам шу ерда эди. У Турсунойга машина билан теришга мўлжалланган майдонни кўздан кечиришни маслаҳат кўрди.

— Карталар кўнгилдагидек текис эмас. Ёўзанинг ғовлаган ерлари анчагина бор. Барги ҳам дуруст тўкилмаган. Бу нуқсонларга қараб ўтириш керакмас. Нима бўлса ҳам, буларнинг «саловати»дан фойдаланиш керак. Яхшиси, кечаси машинангни картадан чиқарма, иложи бўлса, ўзинг шу ерда ёт. Кеча бўлса ойдин. Йўқса, булар пахтага теримчилар тушириб юборишдан ҳам тойишмайди.

Бакиров Турсунойга қараб ҳайрон бўлди:

— Нега қалтираяпсан? Безгак тутаётгани йўқми?— секин сўради.

Турсуной бир нарсадан — майдоннинг машина теримига мувофиқ тайёрланмаганлигидан кўрқарди. Нотекис жойлари жуда кўп эди. Бир ерда бўлмаса, бир ерда машина ёўзани пайҳон қилиши, очилган пахтани ололмай, кўракларни узиб кетиши эҳтимолдан узоқ эмасди. Бу эса машина «кушанда»лари учун дастак бўлиши турган гап. Ана унда кўринг уларни! «Шамол бўлмаса дарахтнинг боши қимирлармиди? Машина пахта теришга яраганда қандай аҳмоқ фойдаланишдан бош тортарди? Эрмаган-тикмаган бу ношуд қизни топиб машинага ўтқазганларини қаранглар-а!» деб айюҳаннос тортсалар, ким деган одам бўлдим. Менинг номим пўноққа чиқса гўрга-я, терим машинасининг номи ёмонга чиқмаса эди!..»

Турсунойнинг бошидан шу ўй-хаёллар бир зум аримагани ҳолда қўли машина штурвалини бошқарарди. Кечга бориб машина мотори бирдан тўхтаб қолди. Аксига олиб, Ашурмард ҳам ўз ишига кетиб қолган эди. Турсуной ҳарчанд уриниб моторни юргизолмагач, машинага чиқиб олиб, китоб ўқишга тушди. Кечга томон Ашурмард келди. Ҳамон китобга тикилиб ўтирган Турсуной, атрофида нима бўлаётганидан хабарсиз эди. Кўнгли тинчимай хабар олишга келган Ашурмард Турсунойнинг кўзида ёш қатраларини кўрди.

— Қанақа китоб ўқияпсан? Севги тўғрисидаги китобми?— кулиб сўради Бакиров.

Гарчи ўқиётгани механика дарслиги бўлса-да, Турсуной «ҳа» деган маънода бош қимирлатди.

Турсуной дастлаб машинасини картага киритган вақтида ғилдиракни эгат ариғига тўғрилаб туширди. Бункер секин-аста пахтага тўлиб борар экан, Турсуной орқасига қараб бир тўп одамларга кўзи тушди. Улардан кўпларининг чеҳраларида қандайдир ташвиш ва бесаранжомлик изларини кўрди. Баъзи бир чаноқларда пахтани қолдириб кетаётгани одамларнинг ғашини келтирган бўлса керак. Номин пахта териш машинаси бўлса-ю, пахталарини тукиб, чаноқларда қолдириб кетса?! Одамлар бункер пахтага тўлиб боришига негадир кам эътибор берардилар. Улар чаноқларда қолдирмасдан тозалаб теришга одатланиб қолганларидан машинадан ҳам чевар теримчилардек тоза теришни талаб қилаётган бўлсалар керак. МТС директори колхозчиларга тушунтирарди:

— Машина етилиб очилган қуруқ пахтанигина теради, ҳали тўла очилмаган кўракларни қолдириб кетаверади.

Одамлар директор кўрсатаётган сабабларга унчалик ишонмасдилар. Улар пахта побудгарчилигига мурасасиз бўлганларидан машина ҳам одам сингари иш қилиши керак, деб тушунардилар шекилли.

Турсуной бўлса, ғала-ғовурга ортиқча аҳамият бермади, машинасини бурди-да, яна ҳайдаб кетаверди. У териб ўтган ғўзаларига кўз қирини ташлаб борарди. Одамлар ҳамон машина орқасида югуриб юрардилар. Ҳар бир тупни қўл билан ушлаб, чаноқларини кўздан кечириб, ҳатто санаб ҳам кўра бошладилар. Шунда бу машина ҳақидаги олди-қочди гаплар унчалик тўғри эмаслигига ишонинқирай бошладилар. Ҳақиқатда ҳам киши машина орқасидан юрганда машина пахтани қолдириб бораётгандек кўринади. Агар борди-ю, кузатувчи машина олдига назар ташлаб боргудек бўлса, машинанинг қанчалик кўп ва тоза териб бораётганини дарҳол пайқайди.

Бункер тўлишни билан Турсуной машинасини тоштарози қурилган хирмон томон олиб борди. Шунда, пахта теримида бир ишни ўн иш қилиб юрган теримчиларнинг юзларида табассум пайдо бўлган эди.

Машинанинг ёмон томонига қараганда яхши жиҳатлари кўп экан. «Темир этагига тўрт юз килограмм пахта сиғса, яна бу пахтани хирмонга олиб бориб ағдарса!

Бундан ҳам эпчил дастёр, чевар теримчи бўладими?» деб қоллишди одамлар.

Хаво тиниқ. Қуёшнинг ҳарорати август ойидагидек олов нафасли бўлмаса-да, кун анча иссиқ эди. Одамлар хийла вақтгача машина орқасидан эргашиб, чувиллашиб юришди. Машинадан хурсанд одамлар бўлганидек, унинг ишидан қаноатланмаганлар ҳам йўқ эмас эди.

Турсуной ишлай бошлаганининг иккинчи ҳафтасида ҳаво айниб ёмғирлар бошланиб кетди-да, у ўттиз тонна пахта терганича қолаверди. Шундан сўнг кўрак чувиш машинасида ишлади. Турсуной энди бригадир билан тап тортмай гаплашадиган бўлиб қолган эди. Вақтида кўрак етказиб берилмаса, машина, одамлар ишсиз қолгудек бўлса, мутасаддиларнинг жиғига тегарди. Бригада бошлиғи Юнус акага ҳам қаттиқ теккан вақтлари бўлди. Мана шундай ҳолларда Юнус акага «Партия-ҳукумат талаб қилади!» деган сўзни Турсуной айтарди.

...Келгуси йили ҳам Турсуной шу бригадада пахта терадиган бўлди. У машинасини карта олдида қолдириб, ўзи дала шийпонида ётгани кетди. Тонг отиб, машинасини картага олиб кирмоқчи бўлсаки, пахта майдонини сўн босиб ётибди! Дала сиеҳ бўлди.

Бу лўттибозлик кимнинг иши бўлди экан?..

ИКРОМ ЖАЛИЛОВ

— Бу лўттибозлик кимнинг иши бўлди экан? Бу иш-ни қилган одамнинг ўзи қаерда?— фиғони фалакка чиқиб тутақарди колхоз раиси Жалилов. У бригада бошлиғи Юнус акага хўмрайиб қаради. Бу найранг-бозлик кимдан чиқди? Наҳотки, бригадир бўлиб билмасангиз?

Бригада бошлиғи ва табелчи Жалиловнинг юзига қараёлмасдан хомуш қўл қовуштириб турардилар. Раиснинг борган сари ғазаби ошарди.

— Машина терими барбод қилинди! Биласизми, таёқ кимнинг бошида синади? Мана энди то сувини тортиб майдон етилгунча пахталар тўкилиб бўлади. Қўйиб беринг эди, тўкса ҳам машина тўксин эди! У вақтда на сиз гап эшитардингиз, на мен!

Бригадир ҳам, табелчи ҳам бошларини кўтаролмай этикларининг тумшуғи билан ер чизиншарди.

Мана колхоз раиси Икром Жалилов тўғрисида сўз бошлаш учун ҳам навбат келди.

Доим ўзини оғир тутиб, бўлар-бўлмасга ҳовлиқавер-майдиган баланд бўйли, унча семиз ҳам, ориқ ҳам эмас, турган-битгани пай бўлган бу одамни ҳаминша бир қиёмда кўришингиз мумкин. Бирон кўнгилсиз воқеадан ҳаяжонлана бошласа, дарҳол бошидан дўпписини олади-да, топ-тоза қирилганидан тепаси ялтираб қолган бошини гулдор рўмолчаси билан артиб кўяди. Мана, ҳозир ҳам машинада келаётган Бакировга кўзи тушиши билан дўпписини бошидан олиб гулдор рўмоли билан терларини арта бошлади. Шунда нарида келаётган МТС директори билан райком секретарига кўзи тушиб қолди.

«Начора? Юнус ака бригадасида машина билан пахта териш иши барбод бўлди, бахтга қарши, бошқа тайёр участкамиз йўқ. Балки қўшни колхозларнинг биронтасида тайёр майдон бордир?» деб ўйларкан, ҳаракатларини кузатиб турган механик-ҳайдовчи қизга кўзи тушиб, гўё унга ачингандек:— Қиз болага увол!— деб қўйди.

— Бу лўттибозликни сиздан бўлак ҳеч ким қилолмайди!— деди раисга тик қараб Ашурмард. У ғазабини босолмас эди.

— Менми?— ўзини босиб савол берди Жалилов.— Мен-а?— бирдан қичқириб юборди. Афтидан Ашурмарднинг гапи раиснинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетган эди.— Сен ҳали бу гапнинг учун жавоб берасан! Сен... сенинг ўзинг бемаъни одамсан... Мен сенга кўрсатиб...— деди-да бирдан босилиб қолди.— Сиз янглишяпсиз, ўртоқ Бакиров...

Ашурмард раисдаги бу ўзгаришдан ҳайрон эди. У атрофдагиларга аланглаб олди. Бу вақт МТС директори етиб келган эди. Раис ҳаяжонини зўрга босаётган киши бўлиб, икки қўлини қулочкашлаганча сув қуйилиб юборилган пахта майдонини кўрсатарди:

— Аҳвол шунақа!.. Шармандалик!..

... Икром Жалилов шу колхоз теварагидаги қишлоқларнинг бирида туғилиб, ўсиб ишлаб келаётган бир одам, уни ҳамма танийди, унинг ҳам танимаган одами камдан-кам.

Икром ака колхоз тузилган йилларда бригада бошлиғи, кейинроқ раис бўлиб ишлаган. У бригада бошлиғи, колхоз раиси бўлиб ишлай бошлаган йилларда ҳозирги

боғлар йўқ, пахтазорларнинг ўрни қиёқзор, қуруқ ерлар эди.

Шу ўтган йиллар мобайнида минг-минг гектарлаб ерлар ўзлаштирилди. Йўнғичқа, қовун-тарвуз экилди. Узумзор, олмазор боғлар барпо этилди. У вақтлар трактор кам эди. Ер от, хўкиз билан ҳайдалиб, кетмон билан чопиларди. Икром Жалилов раис бўлиб ишлаган бир йили ер очаётган тракторнинг фараси йўқ эди. Кеча-кундуз ер ҳайдалмаса баҳорги ишлар орқага суриларди. Нима қилиш керак? Жалилов нима ўйлаб топди денг? У тупроқни қора мойга қориб, устидан керосин қуйди; шундан машъал ясади, қоронғи кечада ўзи тракторнинг олдига тушиб олиб ерни ёритиб борди. Унинг ана шу «метод» билан чироқсиз тракторни кечалари ҳам ишлатиб, қолган ишларни кетмон билан бажариб, чигитни ўз вақтида экиб рапорт бергани ҳали-ҳали кекса колхозчиларнинг хотирида. У раис бўлиб янги очилган ерлардан ҳозиргидек мўл ҳосил ололмаган эди, албатта. Лекин аксарият ерни кетмон билан ишлаб, бошқалардан орттириб ҳосил кўтаргани ҳам ҳақиқат.

Ватан уруши галаба билан тугагач, Жалилов раислик қилаётган колхозга «СТЗ — НАТИ» трактори кириб келди. Колхозчилар учун бу, тўй устига тўй, шодлик устига шодлик бўлди. Шунда барча колхозчилар, янги тракторни олиб келган Жалилов деб уни кўкларга кўтариб табрикларди. Янги ер очиш, уни тўқай илдиэларидан тозалаш учун бу трактор колхозчиларга сув, ҳаводек зарур эди.

Ўша йили колхоз ҳосил кўтариш юзасидан районда биринчи, областда иккинчи ўринга чиқиб олган эди. Ҳатто колхознинг бир участкасидаги бригада ўттиз центнердан ҳосил кўтарди. 1949 йилга келиб, колхоз юз эллик гектар майдонидан 41 центнердан ҳосил кўтариб, ўн икки киши орден ва медаллар билан мукофотланди.

Шундан кейин бир неча камқувват колхоз бу колхозга қўшилди. Йириклашган колхозга Жалиловни раис муовини қилиб сайлашди. Орадан кўп вақт ўтмай, колхозчилар умумий йиғилишда: «Жалиловнинг ўзи раис бўлгани маъқул. Янги раисдан кўра хўжаликни у яхшироқ биледи» деб туриб олишди. Шундай қилиб, Жалилов раис бўлди. Натижада мўл ҳосил олиниб, даромад иккинчи ярим баробар ошди.

Икром Жалилов бир вақтлар мана шундай раҳбар

эди. Гарчанд у раислик қилиб келган колхозда ҳамма иш меъёрида бўлмаса-да, хўжалик йилдан-йилга ўсиб, йириклашиб борарди.

Мана шундай раҳбарнинг машинада пахта теришга монелик қилиши ҳурматли ўқувчиларга қизиқ туюлмасдан мумкинмас. Бу монелик натижасида Турсуной ўз колхозида машина билан пахта теришдан маҳрум бўлди. У қиз боши билан колхозма-колхоз кезди, машина теримбоп майдон қидириб, сарсон-саргардон бўлди.

Пахта теримидек оғир меҳнатни машиналаштиришга қаратилган бу муҳим ишни барбод қилган бош айбдор Жалилов эканлиги энди аниқ бўлган эди. Бундан ташқари бир вақтлар камтар ва куйди-пишди бўлган Жалилов манманлик касалига мубтало бўлиб, колхознинг барча ютуқларини ўз номига ёпиштириши дўстлари учун жуда ачинарли, жамият учун жуда хавфли тусга кириб борар эди.

Партия ва ҳукуматимиз барча колхозларни тезроқ мумкин қадар кўпроқ техника билан қурооллантириш, муҳтож артелларга молиявий ёрдам қилиш, уларни билимдон, эпчил кадрлар: агроном ва зоотехниклар билан мустаҳкамлаш тўғрисида бир қанча доно тадбирларни амалга оширди.

Мамлакат кучга кириб, қудратига қудрат қўшила борган сари колхозлар ҳам ўсиб мустаҳкамлана борди, бу ўсиш колхозчиларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини яна ҳам оширди. Жалилов бўлса, бу ўзгаришнинг асл сабабларини билгиси, тушунгиси келмас эди. У «менинг колхозим» дейишни ва бошқаларнинг ҳам «Жалиловнинг колхози» деб гапиришларини хуш кўрадиган бўлиб қолган эди. Унинг атрофидаги лаганбардорлар беҳаёларча «Жалиловнинг колхози», «хўжайиннинг колхози» дейдиган бўлиб, уни бунга ўргатиб қўйишди. Жалилов колхоз — коллектив хўжалик эканини, у қандайдир биров шахсга эмас, кўпчиликка тобе эканини унута бошлади.

У кейинги чоқларда ҳаддан ташқари ҳукмрон, айтганини қилдирадиган, сўзини икки қиладиганлардан эса ошкора ўч оладиган ҳам бўлиб қолди. Бу ишларни колхоз фойдаси учун қиляпман, деб ўйларди. Ҳаммадан ачинарлиси шу эдики, унинг барча хатти-ҳаракатлари район раҳбарларининг назаридан четда бўлмади: қиляётган ишидан колхоз партия ташкилоти олдида, райком бюро-

ида, ижроком президиумида вақт-вақти билан ҳисоб бериб турарди.

Мен жуда кўп раисларни биламан. Икки томчи сув бир-бирига ўхшагандек, уларнинг ораларида Жалиловга ўхшаганлар ҳам бор. Улар қандай фармон беришмасин — колхоз уставига хилофми, хилоф эмасми, бош тортмасдан бажарган одам уларнинг жон-дили! Озгина пайсалласа борми!.. Бу хилдаги раислар билан орани бузишни хоҳламайдиган, ўз ҳузурини бузмайдиган муротасозлар «Ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан», «Оч қорним — тинч қулоғим» қабилида иш кўрадилар. Бу гапларнинг коммунистик жамият қураётган совет кишиларига дастур бўладиган гап эмаслиги ўз-ўзидан равшан!

Баъзан шундай ҳолларни ҳам учратиб қоламиз: бирон колхозчи қизини узатмоқчи ёки ўғлини уйлантирмоқчи. Қўли қисқароқ келиб қолади. Ўз меҳнати ҳисобидан вақтинча қарз-қавола тариқасида кўмаклашиб туришни раисдан илтимос қилади. Бундай илтимосни оталарча ғамхўрлик билан ўринлатувчи раислар бор. Лекин Жалиловга ўхшаганлар: «Қолхоз уставини бузишга ҳаққим йўқ! Кўп қатори оларининг олдингми, туёғининг шикиллат!» — дейдилар. Ҳатто бундай колхозчиларининг тўйларида иштирок қилишни ўзларига муносиб ҳам кўрмайдилар. Шунақа тўйларнинг бирида мана бундай гапларни ҳам эшитганман.

— Тўйда раис ота кўринмайдиларми?

— Раис ота ҳар қандай тўйга бориб юрувдими?

— Суннат тўйига бормасалар ҳам никоҳга келишларин керак-ку!

— Кўпам ўзининг гўлликка солавермасангчи, Орзикул! Раис отамиз никоҳ билан суннат тўйининг фарқига бориб юрувдими? Кимнинг тўйига боришу кимникига бормаслигининг фарқига боради, десанг ҳам бир нав эди...

Қаёқдан пайдо бўлиб қолди экан бу хилдаги «улуғ» одамлар? Гуё бундайлар амалда турмасалар, дунё ҳаракатдан тўхтаб қолаётгандек!.. Баъзан «кетса ўрни биллиб қолади» деган андиша билан бундайларни иссиқ ўриндан қўзғатишни хоҳламаслигимиз уларнинг димоғларида эшак қурт урчишига ёрдам бермаётганмикан?

Ана шундай «арбоб»лар ҳатто партия-ҳукумат қарорларини менсимасдан: «Кетмон қиладиган ишни машина бажаролмайди!» деган баҳона билан кетмонга эркинлик

бериб, колхозчиларни қийнаб келмоқдалар. Унинг ўзига қўйиб берсангиз вақт, замон тақозосини тушунмайди ёки тушунгиси келмайди. Ҳатто правление мажлисида ҳам: «Энди менга ақл ўргатмаган сен қолувдинг!» деган сўзларни Жалиловни оғзидан бир эмас, бир неча марта эшитганлар бор.

Жалилов нимага орқа қилиб бу қадар кеккайиб кетди? У колхозга раис сифатидан бош бўлгани билан, уни шу колхозчилар раис қилиб сайлаган-ку! Мана шу оддий ҳақиқатни, ҳар бир колхозчининг гапини эътибор билан тинглаши, улар ўртага ташлаган соғлом фикр ва таклифларга ҳурмат билан қараб, амалга ошириш кераклигини нега унутиб қўймоқда?

Баъзан шундай ҳам бўладики, правление аъзолигига сайланидиганларнинг номзодлари раисга ёқиши, правленийнинг ҳар бир аъзоси раиснинг хоҳишига бўйсунishi, унинг бир гапини икки қилмасдан, «бажараман, хўжайин», деб туриши керак. Оқибатда шундай бир вазият юзага келадики, колхоз правление эмас, ёлғиз раисгина раҳбар, тўғрироғи, хўжайин бўлиб қолади. Ана шу лоқайд вазият натижасида колхозчиларнинг мақсадлари бир ёқда қолиб, у ўзи учун «мухторият» кашф этади ва мустақил ҳаракат қила бошлайди.

Колхоз раиси лавозими тўғрисида яна бир гап: раис зиммасидаги ишлар, жавобгарлик шубҳасиз катта! Мингларча одам билан ҳисоблашши колхоз мулки, хилма-хил машиналар ишинга кўз қулоқ бўлиб туриш, мингминг гектар ердаги пахта ва бошқа экинлар учун жавобгарлик, турли-туман мажбуриятларни ўз муддатида адо этиб, планини бажариш, чорва-ферма ташвиши, пичан ғамлаш, қурт боқтириш, ғалла ўрдириш, бинолар қуриш, хуллас, раис иш соҳасининг ҳажми ва жавобгарлик миқёси ниҳоятда кенг ва хилма-хил.

Иши шу қадар оғир, жавобгарлиги зўр бўлишига қарамасдан, Жалиловга ўхшаган кишиларнинг раислик лавозимига ширага ёпишган оч аридек ёпишиб олишларини нима деб тушуниш керак? Чинакам қули ҳалол, меҳнаткашнинг отахони бўлган раислар билан бир қаторда шундай раислар ҳам борки, улар бу лавозимдан шахсий манфаатлар йўлида кўпроқ фойдаланадилар. Сиз шундай раислар бошчилик қиладиган колхоздаги қишлоқни оралаб, оддий колхозчиларнинг уй жойлари, яшаш шароитлари билан раисникини таққосланг, унинг

нка ёки укаси, ҳатто узоқ қариндош-уруғларигача қандай лавозимларда ишлаётганини суриштириб, уларнинг ҳам турмуш шароитлари билан бир қизиқиб кўринг-а, нималарни кўрар экансиз!

Нима кўп, баъзи раисларнинг келди-кетдиси кўп. Раис ўзининг таъбига ёқмайдиган ҳар қандай жойга боравермаганидек, унинг эшигидан ҳам ҳар қандай одам кириб келавермайди! Эшигидан кириб келишга ҳақи бор одамлар бўлар экан, Жалилов ундайларни бош устига қабул қилиб олади. Бундай меҳмонлар истанг колхоз меҳмонхонасида қабул қилинсин, истанг раиснинг уйида, барибир мезбоннинг пешана тери жамғармаси сарфланмайди. Бу ишларни қилаётган раис қачон, қайси бир вақт правление ижозати ёки артель пайчиларининг розилигини олиб, сўнгра қилаётган экан? Бундай ишларнинг ҳаммаси ёлғиз Жалиловга ўхшаш раисларнинг «ҳиммати», ўта «меҳмондўст»лиги билан қилинаётган ғайриқонуний ишлардир. Наҳотки, районда Жалиловга одат бўлиб қолган, совет кишисига муносиб бўлмаган бундай бойваччаликларни ўз вақтида тийиб-тергаб қўядиган одам топилмаса?

Жалиловнинг ўз сайловчилари — колхозчилар олдида ҳисоб беришдек жавобгарлиқни унутиб юбориш бундай фалокатнинг бошидир. Бунга сабаб бўлаётган, жиддий эътибор берилиши керак бўлган бир муҳим гап бор. Масалан, район раҳбарлари кўп ҳолларда раисдан фақат план бажарилишини талаб қиладилар. План қандай бул билан бажарилаётганига қизиқиб қарамайдилар. Гап фақат плани бажаришдагина эмас-ку, ахир! Жалиловга ўхшаган раислар: «Мендан фақат бошлиқларгина ҳисоб сўрашлари мумкин!» деб ўйласалар керак. Қолаверса шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, Жалилов сингарилар баъзан колхозчиларнинг хоҳишини ҳисобга олмасдан туриб, раислик лавозимига тавсия қилинадилар.

Иўқ, камдан-кам бўлса ҳам бундай ҳолнинг рўй беришига хотима бериш керак. Район партия комитетларининг бюро аъзолари, биринчи навбатда, райком секретари гулистонимиздаги бу «шумғия»ни томири билан қўпориб ташлаш учун колхозчиларга ёрдам беришлари керак.

Правление мажлисида бўлиб ўтган бир эпизод Жалиловнинг колхозчилар билан қиладиган муомаласини кўрсатиб берадиган жуда ҳам характерли мисолдир. Ўша

Мажлисда бригада бошлиғининг механизацияга қарши кайфияти муҳокама қилинар эди.

Икром Жалилов одати бўйича дўпписини олиб, тарашлаб қирилган бошини гулдор рўмолчаси билан артди-да:

— Кимдир ғаразгўйлик билан машина теримига ажратилган майдонга сув қуйиб юборибди,— деб сўз бошлади.— Шундайми?— Овозига жиддий оҳанг бериб бригадирга термилди Жалилов.

— Шундай, хўжайин,— кўзини ердан олмасдан жавоб берди бригадир.

— Менда шундай таклиф бор, бригада бошлиғини қаттиқ жавобгарликка тортиш керак!— жиддий ҳолатини бузмасдан правление аъзоларига кўз югуртириб чиқди Жалилов.— Бу — давлат иши, Жалилов ёки фалончи акамнинг иши эмас. Яна қайтариб айтаман: машинада пахта териш — бу давлат иши!

— Биз бепарво бўлиб гафлатда қолибмиз.. Биринчи марта кечирим сўрайман...

— Жим! Кечирим сўрармиш!.. Бепарво бўлиб гафлатда қолганмиш! Қайтариб айтаман: давлат ишига ҳеч биримизнинг бепарво қарашга ҳаққимиз йўқ!

— Шундай. Хўжайин тўғри айтадилар,— деди аъзолардан бири.

— Бошқа қандай таклифлар бор?— синамол назар билан аъзоларга қараб олди Жалилов. Сўнг хўмайиб секретарга мурожаат қилди:— Ёзинг! Терим иши барбод қилинган, деиш! Бирламчи, антимеханизатор бригада бошлиғи жавобгарликка тортилсин! Иккиламчи, бу ҳол такрорланса, бундан ҳам қаттиқроқ чора кўрилсин! Мажлис қарорини тезлик билан райкомга етказинг!

Чорвачилик бўйича раис муовини ўрнидан туриб, икки қўлини қовуштириб, хиёл эгилганча, Жалиловга бир қоғоз узатди:

— Ғўшт мажбурияти учун бозордан сотиб олинган моллар актини правление тасдиғидан ўтказсак девдим...

— Мажбуриятга четдан мол сотиб олишга қачон барҳам берасиз!— Жавоб олмагач, бир оз ҳовридан тушди,— пахтадан келаётган фойдани қачонгача ғўшга, тухумга, жунга, ёққа тўлаймиз? Бас, энди менга гап тегизяпсиз! Бу галча майли... Акт қабул қилинсин!

Правление аъзолари актни бир оғиздан қабул қилгач, қарор чиқарилди. Мажлис ёпилди.

Биз Жалилов ҳақида ҳали яна гапирармиз. Дунёда донғи кетган Турсуной Охунова билан «унинг» колхозида бўлиб ўтган яна бир қанча ҳангомалар бор. Турсунойнинг ҳақли талабларини ноҳаққа чиқариб, машина теримининг барбод бўлишига йўл кўрсатган ҳам шу Жалилов эди. У ўз тажрибаларидан шу нарсага кўзи етиб қолган эдики, бундан кейин Турсуной билан ҳазиллашиб бўлмайди. Колхоз аъзолари ўртасида Турсунойдек ёш қизнинг обрў қозониб кетиши ҳамма колхозчиларни Жалиловга қарши кўтараётгандек ҳис қилар эди. Мажлисларда правление адресига айтилган жиддий танқидлар раисни яна ҳам бесаранжом қила бошлади. Борди-ю, биров колхозчини ноўрин хафа қилиб қўйгудек бўлса, у бунини Турсунойга бориб айтса, у райкомга, обкомга, марказ комитетига етказса, ёки колхозчининг ўзини эргаштириб олиб борса — унда нима бўлади? Раис ўз хаёлларидан ўзи чўчиб кетарди.

Жалилов Турсунойнинг оёғидан чалди, лекин йиқилмади. Турсуной ўз колхозини қолдириб, бошқа колхозга бориб пахта теришга мажбур бўлди.

МТС директори Турсунойни машинасига ўтқазиб, Чинпоз кўчасидан олиб кетмоқда эди.

— Мен сени Борис Ким бригадасига олиб бораман, — деб гап бошлади директор. — Сен директор, Жалилов хоҳишига қарши ҳеч нарса демади, деб ўйларсан. Шундай деб ўйлашга ҳақинг ҳам бор. Вақти келар, у билан қаттиқроқ гаплашармиз. Лекин ҳозир гап бошқа ёқда. Сени ўтган йилги аҳвол бу йил ҳам такрорланмасин деган ўй билан Борис Ким бригадасига олиб кетаялман. Кўрасан, жуда ажойиб одам. Ўзи ҳам худди сенга ўхшаш куйди-пишди, машинага ихлоси баланд. Унақа одамлар билан ишлаш яхши-да, мақсадга етиш осонроқ бўлади.

— Раҳмат, Александр Васильевич, — бошини буриб орқасига қараган директорга жилмайди Турсуной, кўзидан чиққан севинч ёшини арта туриб.

— Бу йил бир қойил қилишинг керак, нима дединг? — сўради Турсунойга ҳамон меҳрибонларча кўз тикиб директор.

— Ишончингизни оқлаш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Аммо раиснинг кўрсатган ҳунарини ўлгуимча унутмайман!

Пахта даласини кесиб ўтиб, Борис Ким бригадасига

етиб бордилар. Ҳушмуомала Борис Ким механик-ҳайдовчи қизни очиқ чеҳра билан қарши олди.

Бу бригада баъзиларга ўхшаб «хўжа кўрсинга» иш тутмаган эди. Ғўза пайкалларига назар ташлаган ҳар бир киши бунини дарҳол пайқарди.

Кафтдек қилиб текисланган карталар, кечаги яшил квадратлар гўё қор остида қолгандек... Оқ олтин киши кўзини қамаштиради.

— Мана паловни биз дамладик. Сузиш энди сиздан, ўртоқ механизатор,— деди ҳазилкашлик қилиб бригадир.

— Раҳмат, пазанда эканлигингиз кўришиб турибди. Келинг, бундай «палов» мухлислари номидан сизни қутлаб қўяй!— деб Борис Кимга қўлини узатди Турсуной.

— Раҳмат. Александр Васильевичнинг олдида сизга шуни ҳам эслатиб қўяй, ўзбекнинг ҳақиқий паловхўри дастурхонга бир дона ҳам гуруч тўкмайди.

— Биладан. Агар паловхўр битта-яримта гуруч тўкилмаслигини билганда дастурхон ҳам ёзмаган бўларди. Бунини ҳисобга олиб қўйишингиз керак,— деди ҳозиржавоблик билан ҳамсуҳбатларини кулдириб Турсуной.

— Тўғри, энг чевар теримчининг қўли теккан чаноқда ҳам чигит қолади-ку,— деб гап қўшди директор.— Машинанинг нуқсони ҳам шунда-да.

— Ҳар тўқисда бир айб бор, дейди ўзбеклар, шундайку-я, лекин бизнинг гашимизга тегаётган бу нуқсон машина ижодкорларининг ҳам гашига тегаётганмикин-а?— деди Турсуной.

— Конструкторларимизга балли!— деди бригадир.— Бу машинанинг келажаги порлоқ. Вақти билан подборчиклар ҳам керак бўлмайди. Машина териб ўтган эгатларга тўкилган пахталарни териб олиш учун ана, иккита чеварни ажратганмиз.— Белига этак тутиб, ёқимли жилмайиб турган қизларни кўрсатди у.

— Қани, энди марҳамат!— деди оқ олтин чаманига қўл чўзиб Борис Ким.

Шу хилдаги ҳазил-мутоибалардан сўнг Турсуной «СХМ—48М» машинасига мишида, жиловини оқ олтин денгизига бурди. Моҳир механик-ҳайдовчи Турсунойимизнинг машинаси ошпоқ пахта даласи бағрида елкандек сузиб, бункерни тўлдирарди. Турсунойнинг оқ олтиндан тепа-тепа хирмонлар ясаётганини кўрган кишиларнинг кўзларида шодлик учқунлари порлаб, диллари чексиз қувончларга тўлган эди.

Кеч кузда Турсуной теримни тугаллаб колхозчилар билан хайрлашаётганида, улар келгуси йилда ҳам машинаси билан теримга келишини илтимос қилишди. Лекин Турсуной келгуси йилда Жалилов хоҳласа ҳам, хоҳлама-са ҳам ўзининг жонажон колхозида пахта теришга сўз бериб қўйган эди.

Турсуной биринчи йили Юнус ака бригадасида ўттиз тонна пахта терган бўлса, Борис Ким бригадасида тўқсон тонна пахта терди. Ҳукуматимиз бу ватанпарвар қизни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаб, унинг бу олижаноб ташаббусига юксак баҳо берди.

СУЛТОНЖОН

Кишининг иши ошиб-тошиб, бош қашигани қули тегмай турган чоғларда ҳам асосий ишига дахли бўлмаган қандайдир бир нарса кўнглини ғаш қилиб юради. Сўнгги ойларида Турсунойнинг кўнглида шундай ғашлик пайдо бўлган эди.

Қуёш энди уфққа бош қўйган пайт. Турсуной ишлаётган далада ўзидан бўлак ҳеч ким кўринмади. Бункер пахта билан лиммо-лим тўлган. Машинани хирмонга ҳайдаб бориб бункерни бўшатиши керак. Бироқ пахта тўла бункер ёнбошига оғиб, машина филдираги эгатдан четга чиқиб, мотор ишламай қўйди. Машинани ёлғиз ўзи қимирлатишдан ожиз Турсуной газетага бежирим қилиб ўралган бир китобни очиб кўздан кечира бошлади.

Горизонтал шпинделлик, бир йўла икки эгатнинг пахтасини нобуд қилмасдан тера оладиган «ХВС — 1,2» машинаси ихтиро қилинди, деган хабар тарқалиши билан, Турсуной бу машина ҳақида ёзилган қўлланма китобчани сотиб олган эди. Қули ишдан бўшаган вақтларда дарҳол уни очиб варақлар, яқин орада очилиши кутилаётган икки ойлик курсга боргунча бу янги машинанинг асосий хусусиятларини ўрганиб олишга астойдил бел боғлаган эди.

«ХВС — 1,2» машина хусусиятларини мустақил ўргана-р экан, ҳозиргача ўзи ишлатиб келган вертикал шпинделлик терим машинасининг нуқсонлари тўғрисида ҳам ўйлар эди. «Шундай ажойиб машинани ўйлаб чиқарган конструкторлар, наҳотки, шу оддий нуқсонларини кўра олмаган бўлсалар?.. Бундай мураккаб машинани мен-

дек увоққина бир қиз бошқаришини қаёқдан билар эди улар... Ундай десам, машинанинг ички апаратини қўл билан кўтариб қўйиш забардаст йигит учун ҳам огирлик қилади-ку...» «Йигит» сўзи хаёлидан ўтаркан, Султонжон эсига тушиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди.

«Тавба, менга бир гап бўлдимиди?— деди ўзидан-ўзи сўрагандек қиз.— Бошимга етти ухлаб тушимга кирмаган савдо тушди. Бу «дард» менга ўша кунни тегирмондан қайтаётганимда теккан бўлиши керак... Ўша вақтгача эс-ҳушим жойида, бунақа ишларни ҳеч ўйламас эдим-ку...»

Эшигин оstonасига яқин ерда Турсуной билан биринчи учрашиб, радио ўрнатиш тўғрисида Султонжон томонидан кўрсатилган ташаббус ҳурматли ўқувчиларнинг хотираларидан чиқмагандир. Ҳар қалай ташаббускор Султонжон бўлса-да, гойибдан қалбига кириб қолган аллақандай бир ҳис, бир туйғу Турсунойнинг тишчилигини бузиб қўйган эди.

Тирикчилик ғамидан бошқа ташвишим йўқ эди, буниси энди... «Қайданам босдим тиканни, тортадирман захрини, кўрсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим дардини» деган қўшиқни эслади Турсуной.

Агар монтер бирор уйга кирмоқчи бўлса, одатда аввал кўчада тортилган симларга қараб, шундан сўнггина кирадиган ҳовлисининг эшигини тақиллатади. Ишга киришини билан нарвон сўрайди ёки алебастр қориш учун идиш кераклигини айтади. Бир неча минут ичида худди шу оила аъзосидек эл бўлиб кетади. Монтерларнинг кўпчилигида бўладиган бу хусусият уй эгасининг кўнглини эритади ва у монтернинг кўнглини чоғ қилишга уринади. Бироқ Турсунойларнинг эшиги олдида келиб тўхтаган монтер ўзини бошқачароқ тутди. У аввал атрофга назар ташлаб олгач, эшикни енгилгина тақиллатди. Эшик очилиб, Турсунойнинг ойиси Башорат ҳола кўриниши билан томдан тараша тушгандек:

— Радио ўрнатиш керак!— деди.

Салом-аликсиз, дафъатан айтилган бу сўздан Башорат ҳола гарансиб қолди. Уларга радио керакми-йўқми — бу тўғрида бирон огиз ҳам сўз очмай, монтер ичкари кирди. Ҳовлининг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, қўлидаги сумка билан чамбарак қилиб ўралган симни ерга қўйди-да, гап йўқ, сўз йўқ ишга киришиб кетди.

Нима деганда ҳам она-да. Шундай пайтлар ҳам бўладики, кўзи билан кўролмаган нарсасини юраги билан кўради. Бу ерда ҳам монтернинг хоҳишига қарши ўлароқ Башорат холанинг кўзи синчковроқ бўлиб чиқди.

— Кўзимга иссиққина кўриняпсиз,— деди Башорат хола.— ҳов бирда Турсунойнинг унини кўтаришиб келган йигит эмасмисиз?

— Тўғриси айтсам, хола, бугун менинг дам олиш куним эди,— деб жавоб қилди Султонжон.

— Мен боғдан гапирсам, сиз тоғдан келасиз-а, болам?— деди бир оз таажжубланиб Башорат хола.

— Йўқ, сизга тушунтиролмадим шекилли. Техник бугун дам олиб, бу ишни мен қиладиган бўлдим.

— Ҳа, ўзим монтер эмасман, денг?— унга тикилиб қолди Башорат хола.

— Йўқ, мен алоқа конторасининг бошлиғиман. Сиз отамни танисангиз керак, хола. Район ипакчилик бошқармасида агроном бўлиб ишлардилар. Ўзим Тошкент Алоқа политехникумини битирганман. Яқинда яна радиотехниклар малакасини ошириш курсини тамомладим.

— Ҳа, яхши, болам, бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз. Сизнинг беш қўлингиз ҳунар экан. Ҳунар, ҳунардан-унар деганлар. Зарёи йигит экансиз,— деди Башорат хола. «Йигит ҳамма гапни айтяпти-ю, лекин уни бу ерга ким судраб келди экан, муддаоми нима? Ана шу нарсани сир тутаётгани бўлмаяпти-да» деб кўнглидан ўтказди у.

Бир соат ўтар-ўтмас Султонжоннинг иши битди.

— Қўшнимизникига ҳам радио қуриб берасизми?— сўради Башорат хола.

— Ҳа, албатта,— деди Султонжон, сўнг қўшиб қўйди.— Киришим керак эди-ю, ҳозир кун исиб кетди. Ўзим ҳам чарчадим...

... Ана шу воқеадан бир неча кун кейин Турсуной пахта териб юрган майдонда бирданига Султонжон пайдо бўлиб қолган эди.

Кун ботиш олдида Турсунойнинг эгатдан чиққан машинаси бункер тўла пахтаси билан юки оғиб кетган аравадек қийшайганча турарди. Бу биринчи рўй бераётган ҳодиса эмасди. Бункер пахтага лиммо-лим тўлган чоғларда мувозанати йўқолиб ёнбошига оғарди-ю, машина эгатдан чиқиб кетарди. Уни қайтадан эгатга тушириш учун бункердаги пахтани ўша ерга тўкиб, эгатга тегиб қолган аппаратни қўл билан кўтариш, шундан кейингина

машинани эгатга тушириш мумкин бўларди. Бундай кунгилсиз ташвишдан қочиб Турсуной кўп вақт бункерни унча тўлдирмасдан тез-тез хирмонга қатнар, бу иш учун анча-мунча вақти кетганига ич-ичидан ачинар эди.

Нима қилиш керак? Пахтани бункердан тўкиш осон нарса, чулки бу ишни машинанинг ўзи бажаради. Аммо аппаратни юқори кўтаришни эса ҳайдовчининг ўзи бажариши керак. Бу Турсуной учун оғир эди. Кўпинча атрофда пахта териб юрган йигитларни илтимос қилиб ёрдамга чақирарди. Аксига олиб, ўша кун кечқурун яқин орада ҳеч ким кўринмади, ҳамма кетиб бўлган эди. Вақт ўтмоқда. Терган пахтаси ҳали мўлжалга етгани йўқ. Кун ботиб, қоронғи тушиб келмоқда.

— Ҳорманг!

Қиз ўгрилиб қаради-ю, хаёлини ўғирлаган йигитга кўзи тушиб, юраги «жиғ» этиб кетди. Ўзини йўқотиб қўйганидан, нима деб жавоб қилишини билмасдан:

— Вой, ким экан дебман-а!— дея олди, холос.

Йигит бўлса, унга кутилмаган саволни берди:

— Кимни кутаётган эдингиз?

Турсуной «сизни» демоқчи бўлди-ю, лекин қизлик гурури йўл қўймади. У машинанинг устида икки букилиб аппаратни юқори кўтариш учун уринар экан, сўради:

— Қандай шамол учирди?

— Сизнинг шамолингиз-да? — деди ҳозиржавоблик билан Султонжон.

Қиз ҳам бўш келмади:

— Менинг унақа дайди шамолим йўқ эди-ку?..— деди кўрслик билан Турсуной. Буни айтишга айтди-ю, сўнг ўзи пушаймон еди. У йигитга секин нигоҳ ташлади, унинг чеҳрасида изтироб изларини кўриб, «хафа қилдим шекилли, кетиб қолмаса яхши эди» деган ваҳима қиз қалбини тимдалади ва ўзини жилмайишга мажбур қилди:

— Шундай денг?.. Менинг шамолим-а? Шундай йигитни учира олса, жуда зўр эканда?..

Қизнинг бу сўзлари йигитга жон бағишлади, ниҳоят, ўз қалбини ҳаяжонлантираётган юрак сирларини айтиб, ёрилиш чоғи етганини пайқади шекилли, бирданига тетикланиб, журъат билан гап бошлади:

— Сизнинг шамолингиз баъзан бурондан қам зўр, баъзан эса тонг шабадасидек роҳатбахш... Кун ботар

чоғида келганим сизни ранжитмас деб ўйлайман. Чунки кундан кура равшанроқ ой бор...

— Ҳали-бери ой чиқмайди,— деди аппаратга энгашиб нима биландир машғул бўлиб турган Турсуной, бепарволик билан.

— Сиз мавлоно Муқимийнинг бир шеърини ўқимаганга ўхшайсиз.

— Қанақа шеър экан у?— қизиқиб сўради Турсуной.

Йигит нашъадор қилиб ўқиди:

— «Ўз жамолини кўролмасдан адодир кўзларинг....» Тўлини ой аллақачонлар чиқибди-ю, сиз бўлсангиз уни ҳалигача кўрмабсиз...

— Вой, қани?— Қиз қаддини ростлаб осмонга қаради.

— Менинг ойим ҳар кунни қуёшдан ҳам олдинроқ чиқади ва ҳаммани уйқусидан бедор қилиб, далага чорлайди.

— Қанақа ой экан у сизнинг ойингиз?— яна осмонга қараб кенг фазога кўз югуртира бошлади қиз.— Қани, кўринмайди-ку?

— Муқимийнинг сўзига сиз бовар қилмасангиз, мен бовар қиламан.

— «Бовар қиламан» деган сўзингизга тушунмадим,— деди соғдадиллик билан Турсуной:

— Яъни, ишонаман, деганим.

— Нимага ишонасиз?

— Шоир Муқимийнинг сўзларига-да: «Ўз жамолини кўролмасдан адодир кўзларинг....»

— Мен боғдан гапирсам, сиз тоғдан гапирасиз-а. Кўзнинг ойга нима алоқаси бор? Боринг-э, қайтага ишдан қолдирдингиз,— деди Турсуной ўзини гўлликка солиб.— Ой чиқса-ку, яхши бўларди-я. Ойдинда пахта теришнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлади. Қани эди, ўша айтган ойингиз ҳозир чиқа қолса!

— Ана, чиқиб турибди-ку! Машина устида туриб ошиқизорининг кўнглини ёритиб турган тўлинг ой наҳотки сизга кўринмаётган бўлса?— деди машинага ирғиб чиқиб йигит.

Шундан сўнг қизнинг ороми баттарроқ бузилди. Танаси бошқа дард билармиди? Қиз бошига тушган сир-савдодан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. «Сеҳргар» йигитнинг севгиси қизнинг ёш қалбига ўрнашиб қолиб, унга асло тинчлик бермасди. Қиз юрагида гоҳо баҳор ғамзаси

жилва қилар, чаман-чаман гуллар нафасидан маъшуқанинг қалби севинчларга тўлар, севгисининг султони билан бахт-қанотида учар, шодлигини ёш қалбига сира-сира сигдирмасдан беқарор эди.

Севгининг ширин хаёллари баъзан ваҳима билан ал-машиб, унинг ёш юрагига қандайдир бир қўрқинч солар, муҳаббатдан панд еган баъзи бир бахтсиз келинларнинг кўргиликлари тўғрисида ўйланиб кетар эди:

Тарк этма назокатни, хулқингга жафо қилма.

Иззатни бериб елга, беҳуда сафо қилма.

Умрингни хароб этма, ўтгувчи ҳавас бирлан,

Ишқ бошқа, ҳавас бошқа — бу йўлда хато қилма.

Турсуной Султонжонга ҳайрат билан қараб тураркан: — Қўйинг у беҳуда гапларни, яхшиси менга ёрдам қилинг, аппаратни кутаришворинг! — деди.

Шу кундан бошлаб Султонжон Турсунойга кўмаклашадиган бўлиб қолди.

... Район алоқа конторасининг бошлиғи Султонжон Шерматов икки кун идорада бўлмади. Бир почта ходими устидан тушган шикоятни текшириш учун райондан олисдаги бир колхозга кетган эди. У колхозга шу иш билан бориб, бошқа чатоқликларга ҳам дуч келди. «Қизил Ўзбекистон» газетасига обуна бўлган бир колхозчи баъзан «Ёш ленинчи», баъзан эса «Правда Востока» газетасини олса, бошқа обуначиларнинг газета-журналлари эгаларига тегмасдан колхоз идорасида тахланиб ётар экан. Обуначиларнинг баъзилари йил охирига бориб бухгалтер ҳисоб-китоб қилган вақтидагина газета ёки журналга ёзилганликларини билиб қолар эканлар! Газета учун пул тўласа-ю, уни олмаса, кундалик янгиликлардан беҳабар қолса, колхозчига алам қилмайдими, ахир?

Шерматов шунга ўхшаш чатоқликларни ўз ерида текшириб, керакли чоралар кўргач, 2 март кuni кечаси уйига қайтаётган эди, бир йўловчи ҳамроҳидан «Турсуной Охунова Ҳиндистон сафарига кетармиш» деган гапни эшитиб, тиширчилаб қолди.

У районга етиб келганда, хонадонларнинг аксариятида чироқлар ўчган, ҳамма ширин уйқуда эди. Султонжон ўз уйи олдига келиб тўхтади-да, эшикни тақиллатмоқчи бўлди. Кейин ўйланиб: «Вақт кеч, улар ҳам ётиб қолишгандир» деб кўнглидан ўтказди. Сўнгра ўйлаб-не-

тиб турмасдан юрагига — ғулғула — солган кимсанинг! ҳовлиси томон йўл олди. У ўзига-ўзи тасалли бериб; «Ҳиндистонга кетадиган бўлса аввалроқ маълум қилмасмиди» дерди.

Бир томони чуқиб қолган бостирма тагида хўроз чузиб-чузиб қичқирарди. Теварак-атроф эса жимжит. Ҳаво очиқ. Кўк юзи мусаффо. Юлдузлар чарақлайди. «Қолхозда кўп туриб қолмаганимда кўриб қолган бўлармидим? Икки кун мен учун икки йилдан ҳам узоқ бўлиб кетганини билса эди!...»

Султонжон эшик олдига бориб қоронғи ҳовлига мўралади. Негадир ўзини дарҳол том панасига олди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ, ҳамма уй ичида ширин уйқуда эди. Султонжон қизни кўргиси келган пайтларда, ҳар вақт унинг йўлини пойлар, бирон нарсани баҳона қилиб уларникига кирарди-да, юрак ҳовурини пасайтириб чиқар эди. Аммо бугун ундай эмас, маҳбубаси уйдами, Ҳиндистон сафаридами — ҳозирча унга гумон эди. Йигитнинг юраги ҳувиллаб қолган ҳовлидек бўлиб, уйига қайтди ва ўша кечани уйқусиз ўтказди. Ўйлар экан, хаёлига ҳар хил нарсалар келарди... «Ҳиндистон сафарида унга ким ҳамроҳ бўлган экан?.. Кеча мунча чузилди? Тонг ота қолса эди... заб қизиқ феъли бор эканми бу қизгинанинг! Кўнглини бундоқ очиб гапирмаса, даромад қилиб келиб, гапни яна бирдан бошқа ёққа буриб юборади. Ўзи ушоқ бўлса ҳам, юраги хўп кенг экан-а! Мендек одам Ҳиндистонга сафар қиладиган бўлса борми, аллақачон бутун Чиноз эшитган бўларди. Ҳаммадан ҳам бу ишни мендан сир тутиши қизиқ! Мени калта тушовлаб юришининг ҳам сабаби бор экан-да...»

Султонжон тонг ёриша бошлаши биланоқ ўрнидан туриб ойнага қаради. Қафти билан энгагини силар экан: «Вой-бу!» деб юборди. Тўрт кундан бери қирилмаган соқол қўлига тикандек ботган эди. Бутун хаёли нариги ҳовлида. Шу топда соқол олиш малол келсада, олиши керак эди, чунки унга шу алфозда рўпара бўлгиси йўқ.

«Бахтимдан бўлиб, кеча кетгани ёлғон бўлса эди! Ўзим кузатиб қўйсаму, фурсатдан фойдаланиб «юрагимни ўзингиз билан бирга олиб кетяпсиз, жоним» десам, нима жавоб қилар экан?»

Султонжон соқол ола туриб, шуларни уйларди. Кун унча совуқ бўлмаса ҳам, негадир безгак тутаетган кишидек қалтирарди. Соқол қира туриб лабининг устини

кесиb ҳам олди. Кесилган ерига одеколон суртди-да, сакраб ўрнидан турди. Сўнг апил-тапил кийиниб, ўзини яна катта ойнага солди. Шифонер тортмасидан янги чуст дўпписини олиб авайлаб бошига кийди-да, ўсиқ қора қошларини бармоқлари билан секин силаб қўйди. Чаросдек қора кўзлари ўсиқ киприклари қуршовида ҳор-гин кўринар эди.

Кийиниб ҳовлига чиққанда синглиси Уктамхон рўпара келди. У, Турсунойнинг кеча Ҳиндистонга жўнаш олдида «Акангиз қаёқдалар?» деб сўраганини ва «мендан салом айтиб қўясиз» деганини айтди. Ўша кундан кейин Султонжоннинг бир дардига ўн дард қўшилган, бутун хаёли Ҳиндистон сафарига кетган қизда бўлиб қолган эди. «Хайрият. Турсуной ҳам мени ўйлар экан-а! Синглимдан «Акангиз қаёқдалар!» деб сўраганига қараганда, у мени кўп кутган. Дарак бўлавермагач, ноилож юрак сирини очишга мажбур бўлган. Яна келиб-келиб синглимга! Қиз болалар бир-бирига ишонади-да!.. Агар улар бирор нарсани, айниқса севгини сир тутмоқчи бўлишса, юракларини суғуриб олсангиз ҳам сир ололмай-сиз...»

Султонжон қиз хаёли билан яшар, унинг қайтишини зориқиб кутар эди. Дам олиш кунни қаттиқ уйқуда ётганида уй эшигини биров тақиллатиб, қичқирди:

— Ўртоқ Шерматов! Сизга телеграмма!..

У иргиб ўрнидан турди. Эшикни очиб телеграммани олди. «Ажаб, телеграмма Москвадан. Демак, институтга қабул қилинбман...»

Султонжон ўтган йили Москвадаги қисқа муддатли практикант-инженерлар курсига бориб имтиҳон бериб қайтган эди. У ўйлаганидек, ҳозирги телеграмма институтдан эмас, Турсунойдан эди. У ўз кўзига ишонмас, телеграммани қайта-қайта ўқирди... «Эртага... эртага... 17 апрель!— деб энтикарди Султонжон.— Демак, эртага, скорий поездда келади. Кутиб олишимни сўрабди. Ўзимнинг ўйлаганим чиқди. Агар уни кузатиб қўйганимда, албатта: «Султонжон ака! Юрагинини сизга қолдириб кетяпман»— деб айтган бўлармиди!»

Апрель... Қиш уйқусидан карахт бўлиб уйғонган табиат оламига жон бағишлаб баҳор нафаси эсмоқда. Асаларилар хиргойи қилгандек, ғувиллашиб қанот қоқишар, баҳор келинчаклари — гулларнинг тоза ёноқларидан бўса олишарди.

Бугун Султонжоннинг ҳам кўнгли баҳор гулларидек очилган, ўзида йўқ хурсанд. Кўпдан бери вужудини қийнаб келган ва ечилиши мушкул бўлган ҳаёт жумбоғи ниҳоят ечилаёзгандек.

«Қизиқ,— деди йигит ўзича кулиб,— ойнисига ҳам телеграмма берганмикан? Ёки мен, қизингиз эртага келар экан, деб хабар қилсаммикан?.. Йўқ, йўқ! Яхшиси, мен телеграммага амал қилаверганим дуруст. Уйдагилар телеграмма олган бўлсалар, Чиноз станциясига чиқиб кутиб олишар. Мен уни Тошкентда кутиб оламан. У, Чинозда кутиб олишади, деб ўйласа керак. Мен кутмаган ерида пайдо бўлиб, қўлига бир даста гул тутқазаман. У гулни қучади, гулга гул қўшилиб, севганим бағрида баҳор чечак очади...»

ҲИНДИСТОНДА

Мен бу бобда Турсунойнинг ён дафтарига ёзилган йўл хотираларидан алоҳида парчалар келтирмоқчиман. Бу парчаларда сиз Турсуной орттирган янги дўстлар, шаҳарлар, ёдгорликлар, гўзал манзаралар тасвирланган хотиралар билан танишасиз.

...Чоп станцияси. Прага поездига минаятирмиз. Бу ер анчагина салқин экан, яхши ҳамки кузги пальтомни олганим. Ажаб гўзал жойлар, тоғ бағри ва сойлар ўрмон билан қопланган. Баланд-баланд кўприклардан қуйига қараш бирам ваҳималики, гўё киши темир йўлда эмас, дарё устидан самолётда учиб ўтаётгандек.

Маршрутимизни синчиклаб ўрганмоқдамиз. Анатолий Иванович ҳикоя қилмоқда. Бўмбай шаҳри катталик жиҳатидан иккинчи ўрнида бўлиб, Ҳиндистоннинг порти экан. У материк билан дамба ва кўприклар орқали туташган кичикроқ оролчага жойлашган экан. Бу оролчани португалияликлар босиб олгандан сўнг, унинг ўрнида шаҳар пайдо бўлган. Бўмбай уч юз йил бурун Англия қироли Карл Иккинчига теккан Португалия маликаси Екатеринанинг сепи сифатида инглизлар қўлига ўтган.

Қандай қилиб бутун бир шаҳарни аҳолиси билан қўшиб ҳада қилиш мумкин? Бу барча ҳамроҳларимизни таажжублантирди

Мен Анатолий Ивановичдан Ҳиндистонда энг охирги марта қачон бўлганини сўрасам, кулиб, биринчи марта кетаётганини айтди. У институтда ўқиган вақтларида Ҳиндистон тўғрисидаги материалларни ўрганган экан. Бундан ташқари, инглиз ва ҳинд тилларини биларкан. Унинг хотини врач экан, эмизикли боласи бўлгани учун эри билан саёҳатга чиқолмабди.

...Прага қандай гўзал шаҳар. Биз «Прага» меҳмонхонасидамиз. Праганинг кечаси жуда ҳам сўлим.

...Ҳиндистон самолётида Рим орқали Бўмбайга учмоқдамиз. Альп тоғлари. Ер-у кўк — қор...

Байрутда кечаси бўлди. Бир неча араб билан учрашдик. Улар билан суҳбатлашмоқчи бўлдим, баъзи сўзлардан бошқа ҳеч нарсани тушунолмадим.

...Бўмбай. Ёзишга вақт йўқ. Қизлар бўлса: «Чироқни ўчир!» деб тиқилинч қилишади. Мен эса осмабоғлар ва сукут минораси ҳақида ёзгим келади...

Ҳинд қопқасини кўрдим. Ҳиндларнинг айтишича, бу дарвозадан биринчи инглиз солдати кириб, охирги солдат ҳам шу дарвозадан чиқиб кетган экан. Ҳиндларнинг инглизларни қандай нафрат ва ғазаб билан тилга олишларини кўрсангиз эди!

...Нонуштадан сўнг аэропортга юшилдик. Анжомларимиз меҳмонхонада қолган эди. Биз самолётга чиқишимиз билан: «Меҳмонлар, чамадонларингиз шу ерда!» деб эълон қилишди. Биз Эрон кўрфазидан учиб ўтиб, саҳро тепасида кетаётгирмиз. Бу саҳрони гулистонга айлантирса бўлади. Фақат сув керак. Бироқ сув ҳозирча баъзи капиталистлар ва компанияларнинг қўлида.

Анатолий Иванович Аврангобод тўғрисида ҳикоя қилиб берди. У ерда Аврангзеб хотинининг мақбараси бор.

Бир неча моғораларда бўлдик. У ерларда икки минг йиллик тарихга эга бўлган ибодатхоналарни кўрдик.

Бизнинг эрамиздан икки аср бурун будда роҳиблари қояларни ўйиб, ибодатхона ва монастырлар қурганлар. Уларнинг деворларига лавҳалар чизиб, ҳайкаллар билан безатганлар. Будданинг портретлари ва ҳайвонларнинг суратлари жуда мароқли.

Ҳар куни қанчадан-қанча моғора ва саройларга борамиз. Ёзиш учун вақт топиш қийин. Майсор шаҳрида

булдик. Бу шаҳар Чамунди деган худонинг номи билан юритилар экан. У ерда Чамунди ибодатхонаси бор. Ундаги фонтанлар шу қадар чиройлики, беихтиёр, «Минг бир кеча» эртакларини эслатади.

...Калькуттага учиб бордик. Бу ғоят катта саноат маркази бўлиб, Ҳиндистоннинг деярли бутун жут ишлаб чиқариш саноати шу ерда тўпланган.

Катта йўлдан ўтиб бормоқдамиз. Биз Тошкентдан чиққанимизда қор ёғиб турган бўлса, бу ерда кун ёнмоқда. Қуёш ҳинд далаларига нур эмас, гуё аланга пуркаётгандек. Куннинг шундай ёнган пайтида ҳинд далаларида қуш учмайди, қурт-қумурсқа ўрмаламайди. Аммо деҳқонлар ишлашга мажбур, қушчи ер ҳайдаса, уроқчи ғалла, шоли ўради, иқлим иссиқ бўлганидан бу ерда бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш мумкин. Вужудни ёндирувчи бундай ҳароратга бардош бера оладиган пўлатдек қаттиқ тана ва меҳнаткаш қўллар керак. Бундай қўллар бу ерда истаганча топилади. Оғир меҳнатни ҳам ана шу қўллар бажаради. Ярим яланғоч, аъзойи баданлари қозондек қорайиб кетган деҳқонлар қуёш оташида қоврилиб меҳнат қиладилар.

Биз бу йўл ёқасида қуш ҳайдаётган бир деҳқоннинг олдида тўхтадик. У шу қадар озғинки, эти суягига ёпишган. Соч-соқоли оқлигидангина кексалиги билиниб туради. Йўқса, оғир меҳнат билан кун кечирувчи аксари ҳинд ёшлари ҳам кўринишда кексалардан оз фарқ қиладилар. Улар ҳам, ниҳоятда озғин, танларидек қоп-қора соч-соқолларигина уларнинг ёши етмай барвақт қариганидан далолат беради.

Қуш ҳайдаётган чол ҳинд фильмларида кўрган им дарбадар кексаларга ўхшаб кетади. Беш ёшлар чамасидаги гўдак марза устида, офтобда бўйини эгиб ўтирибди. Унинг катта қора кўзлари озғин, чўзиқ юзи ҳорғин ва ғамгин кўринади.

Ҳукиз омовчи зўрга тортади; чол эса ҳукизга кўмаклашгандек пайларини чўза-чўза «хўп-хўп», деб қўяр, қотиб кетган ер омовча бўйсунмай суст кўчар, қушчининг иши унмас эди.

Қушчи чол билан гаплашгим келди. Бизни бошлаб юрувчи таржимондан илтимос қилган эдим, у мамнунийат билан:

— Марҳамат,— деди.

Биз қушчи олдига бордик.

— Ассалому алайкум, ота.

— Ваалайкум ассалом,— чол икки панжасини жуфтлаб, бизга таъзим қилди.

— Ҳорманг!

— Кўп яшанг, қизим. Ҳинд тупроғида меҳмон кўринасизлар. Хуш келибсизлар!

— Хушвақт бўлинг, отахон.

Чол менга зеҳн солиб, бир дам жаёл сурди-да, иссиқдан қовжираган лабини тили билан ҳўллаб, қандайдир ўзига хос жонланиш билан жилмайиб, ёқимли бир оҳангни хиргойи қилгандек сўради:

— Фариштанг улуғ кўринади, қай чаманнинг гулисан, қизим?

— Ўзбек элиданман, «Киров» колхозида ишлайман, отахон!

Чол «колхоз» сўзини таржимасиз ҳам тушунди шекилли, бурро қилиб «Колхоз! Колхоз!» деб қўйди. Сўнг бизни ўтиришга таклиф қилмоқчи бўлиб, бопроқ жой излади, лекин бошини чайқаб «аттанг» деган маънода пастки лабини тишлади:

— Уйимга таклиф қилсам, борасизларми?

— Раҳмат, отахон. Биз билан ҳол-аҳвол сўрашиб, эътибор билан суҳбатлашганингизнинг ўзи ҳам катта меҳмондўстлик.

Чол таржимоннинг сўзларини диққат билан тинглар экан, бизларга қайта-қайта таъвим қиларди.

— Бу гўдак набирам бўлади,— деди менинг бўйинимни кучиб турган болага қўл чўзиб чол.— Қел, пастга туша қол, ўғлим. Опангнинг қўли толди.

Эътирозимга қарамасдан болани кўтариб олиб ерга қўйди. Бола озғин, ямоқ иштондан бошқа нарсаси йўқ эди.

— Хув анави ерга бориб ўйнаб тур-чи, қўзичоғим. Мен ҳозир бораман,— деди марзани кўрсатиб чол. Бола бобосининг сўзини икки қилмасдан чопқиллаб бориб ўша ерга ўтириб олди ва бизга маъюс боқиб жилмайдди.

— Баҳорда қизимни шафқатсиз ўлим олиб кетди-ю, мана шу ёлғиз ўғилчаси ғариб бобо қўлида қолаверди. Тонг отмасдан далага чиқамиз, кун ботганда уйга қайтамиз. Тирикчилик, шунинг бориға ҳам шукур. Мана, менинг ҳам умрим ўтиб қолди, йўлдан кўра гўрим яқин. Набирам бўлса, ҳали жуда ёш...

Чолнинг кўзларида ёш пайдо бўлганда бизлар ҳам кўз ёшларимизни тия олмадик.

— Сизларда омов барҳам топиб кетганмиш, шу ростми?— сўраб қолди чол.

— Омовнинг барҳам топгани рост. Битта-яримта бори ҳам тарих учун музейларда сақланади. Сизларда ерлар ҳалигача ҳукиз билан ҳайдалар экан. Бизнинг далаларимизда ерларни машина ҳайдаб, машина экиб, машина йиғиб, янчиб, донни ҳам ўзи қошлайди, омовларга ҳам элтиб тўқади.

Чол бошини чайқар экан, «Бахтли деҳқон экансизлар!» деб қўйди.

— Сенинг касбинг нима ўзи, қизим?— сўради чол мендан.

— Тракторчиман. Машина билан пахта тераман.

— Сизларда пахтани ҳам машинада терадиларми?— ҳайрат билан менга тикилди чол.

— Ҳа, ўтган кузда машина билан тўқсон минг килограмм, яъни, тўқсон тонна пахта тердим.

— Тўқсон тонна дейсанми? Сенинг бу ишнинг эртаклардаги девининг ишига ухшаб кетади-ку, қизим!— деб таажжубланди чол.

Қани энди ҳозир узоқ масофанинг таноби тортилса-ю, мен ўз тракторимни миниб келиб ҳинд деҳқонининг мушкулини осон қилсам! Шарқ афсоналарида девлар билан ҳал этилган мушкулларни осон қилиб, гариб чолнинг дуосини олсам! Йўқ, афсуски, бу билан иш битмайди.

Қалькуттага мамлакатнинг турли бурчакларидан ҳар йили сон-сановсиз ишчилар оммаси оқиб келиб туради. Шунинг учун ҳам бу ерда эрлар сони аёлларга нисбатан икки баробар кўп. Қалькутта энг йирик темир йўл маркази ва халқаро ҳаво йўлининг «кўприги», Ҳиндистондаги энг йирик портлардан бири.

...Биз, 1787 йилда барпо қилинган машҳур Ботаника боғида бўлдик. У ерда бир юз саксон тўрт ёшга кирган, ҳавога саккиз юз элликта томир ёйиб, бир неча квадрат километр жойни эгаллаб ётган баньян дарахтини кўрдик.

...Улуғ ҳинд шоири Рабиндранат Тагор яшаган ва ижод қилган уйни зиёрат қилдик.

...Банорасда бўлдик. Бу, ҳиндларнинг муқаддас

шаҳри, дин маркази. Ажойиб ибодатхоналари билан машҳур.

...Деҳли. Етти империянинг пойтахти бўлган бу шаҳар иккинчи асрдан бошлаб бунёдга кела бошлаган. Ҳозирда шаҳар эски ва янги Деҳлига бўлинган. Эски Деҳли қадимий шарқ шаҳри бўлиб, янгиси замонавийдир. Уни 1911 йилда инглизлар барпо қилганлар.

... Машҳур Тож Маҳал. Уни йигирма минг ишчи ўн етти йил мобайнида қурган.

Анатолий Ивановичнинг айтишича, Тож Маҳал ҳинд архитектурасининг дурдонаси. Унинг ажойиб оқ мармар тоши, айниқса, ойдаин кечаларда ажойиб товланади. Шоҳ Жаҳон Тож Маҳал қаршисида мармардан ўзи учун мақбара қурдирмоқчи бўлган. Унинг ўғли отасини жиннига чиқариб, Агра портидаги зиндонга ташлаттирган ва ўзи отасининг тахтини эгаллаган.

...Рупия Ҳиндистоннинг энг йирик тангаси. Бир рупия — ўн олти анна. Икки пайса — ярим анна. Тож Маҳалда бўлганимизда мен тиланчиларга бир неча пайса бердим. Улар мени ўраб олишди. Хайр-эҳсон сўраб ёлборишди. Мен бор майда пулимни уларга улашдим.

... Ажиб бир мамлакат! У ерда шундай одамлар ҳам борки, ҳеч қачон бошпаналари бўлмаган, улар бутун умрларини очиқ ҳавода ўтказадилар.

Одамлар бизнинг Совет Иттифоқидан келганимизни эшитиб, қувонишарди. Улар Советлар Ҳиндистонга ёрдам қилмоқда, ғалла олиб келмоқда, заводлар қуриб бермоқда, деб миннатдорчилик билдиришарди.

Биз бу ердан Москвага қараб учамиз.

Совға учун тароқ, портсигар ва фил суягидан ясалган нақшли муштук олдим.

ТАШВИШЛИ КҮЗ

Турсунойнинг Ҳиндистон сафаридан қайтиши ва Султонжоннинг кутиб олиши тўғрисидаги тафсилотга тўхтаб ўтирмасак ҳам бўлар. Совға учун Ҳиндистондан келтирилган тароқ ва портсигар Султонжонга аталган эди. Султонжон номига «Кутиб олинг!» деб телеграмма берилишининг ўзи ҳам икки орадаги муносабатнинг яқинлигидан, кўнгиллари, дидлари, юлдузлари бир-бирларига тўғри келганидан нишона эди.

Шундай қилиб, эрта баҳорда Турсуной билан Султонжоннинг тўйлари бўлди. Тўй ёмон ўтмади. Унга Турсуной билан Султонжоннинг узоқ-яқин қариндошлари, деярли барча ҳамқишлоқлари келишди. Раис, правление аъзолари таклиф қилинган бўлсалар ҳам келмадилар. Улар: «Биз бормасак саркаш қизнинг тўйи руҳсиз ўтади, фалончиларнинг тўйига раис бормабди, деган сўз унинг учун катта жазо», деб ўйлаган бўлсалар керак. Лекин тўйга йиғилганлар бунга бошқача баҳо беришди. «Яхши эмас, раис колхоз оиласининг боши бўлади! Ота-я, ота! Ота деган тўйнинг бошида туриши керак. Ўз аъзосининг тўйига бош бўлишни муносиб кўрмаган раис, қандай қилиб колхозчиларга бош бўла олади? Икром ака қисқа ўйлабди!» дейишди.

Турсуной механик-ҳайдовчилар малакасини ошириш икки ойлик курсини битириб қайтган вақтда одамлар ўртасида Жалиловга ўхшаганлар фойдасига хизмат қиладиган миш-мишлар юрарди; бундан сўнг пахташи машинада теришга аввалгидек эътибор берилмасмиш... Авваллари ойида беш юз машина чиқаришга мўлжалланган завод илани ўзгариб, энди йилда йиғирма дونا машина чиқараркан, улар ҳам тажриба ўтказиш учун ишлатилармиш... МТСларда мавжуд бўлган терим машиналари акт қилиниб, ҳисобдан чиқарилганмиш...

Шу хилдаги олди-қочди гаплар юрган кезларда мен бир куни Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига бордим. Дарҳақиқат, автоматик линиялар, юзларча станоклар ҳаракатсиз турарди. Ҳар қачон иш қайнаган йиғув цехи жимжит.

Завод директори билан суҳбатлашдим. Унинг гапига қараганда, терим машинасига инсбатан янги, жиддий талаблар қўйилган, конструкторлар янги схемалар устида ишлашаётган экан. Директор, завод ишлаб чиқарган терим машиналарини нуқсонсиз деёлмаса ҳам, заводга янги план берганларнинг фикрларига қўшилолмаслигини айтди.

— Машинанинг анча-мунча нуқсони бор ҳам дейлик, лекин у, нуқсонлари бўлса ҳам ҳозирча пахта териш туриш мумкин эди-ку!— деб қўйди директор. Бунинг учун олдин тайёрлик кўриш, текис майдонлар танлаш, бу мураккаб машина билан муомала қила билладиган кадрлар тайёрлаш лозим эди-ку! Мен шу ма-

шинада дуппа-дуруст пахта териб берган механик-ҳайдовчиларни биламан.— Директор бир неча кишининг помини айтди.

Мен заводдан хурсанд бўлиб қайтмадим, албатта. «Завод машина ишлаб чиқаришни тўхтатган бўлса, Турсунойларни механик-ҳайдовчилар малакасини ошириш курсига юборишнинг нима ҳожати бор экан»,— деб ўйлардим. Кейинчалик эса бунинг сирини билиб олдим, мавжуд машиналарнинг яхши-ёмон томонларини батафсил ўрганиб олгунча заводга дам бериб туриш лозим топилган экан. Балки бу ҳам «бир қадам олға, икки қадам орқага» шнорига ўхшаш ўйлаб қилинган нарсадир, балки бу қадам куч тўплаб олиб, кейин олға қараб ҳамла қилишимизга ёрдам берадиган қадамдир.

...Турсуной, энди алоқа конторасидан бутунлай колхозга ўтиб олган. Султонжон билан ёз бўйи куз тайёрилиги — терим машиналарини ремонт қилиш билан банд бўлди. Улар колхоз устахонасида ишладилар. МТСлар тугатилиши билан колхоз ўн олти та пахта терадиган машина сотиб олган эди. Султонжон билан Турсуной шулардан учтасини ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйдилар.

Пахта йиғим-терими арафасида Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети томонидан чақирилган республика механизаторлари слётида бизнинг Турсуной ҳам нутқ сўзлаб, 1958 йил терим мавсумида машина билан юз тонна пахта теришга ваъда берган эди. Машина теримига мўлжалланган майдонда ёзи билан қилинган барча ишлар ҳақида батафсил гапирди. Бу майдон кузда шудгор қилиниб, баҳорда чигит квадрат уялаб экилгани, бригада бошлиғи Аҳмад Бекназаров бошчилигида ёз бўйи ғўзага икки томонлама ишлов берилгани, ҳамманинг диққат-эътибори шу бригадага қаратилгани, ҳатто колхоз правлениесига масала қўйилиб, Икром Жалилов механизаторларга алоҳида эътибор ва ёрдам бериш тўғрисида нутқ сўзлаганигача сўзлаб берди. Турсунойнинг нутқини механизаторлар ўқтин-ўқтин қарсақлар билан бўлиб турдилар.

Орадан икки ҳафта ўтгач, Турсуной машинасини ҳайдаб Аҳмад Бекназаров бригадасига борди. Бориб нимани кўрди денг? Ёзи билан ишланиб, фақат машина теримига тайёрланган, оппоқ очилиб ётган пахта майдонига сув қўйиб юборилган эди! Турсуной билан

Султонжон тўрт томонга зир югуриб бригадирни қидирдилар. Бригадир бўлса звено бошлиқларини йиғиб олиб, уларга дағдаға қилмоқда эди. Худди шу ҳодиса устига Бакиров, сўнг Жалилов етиб келди. Айниқса, Жалиловнинг газаби ер-кўкка сиғмас, у ўзидан-ўзи:

— Мен айбдорни топмасдан қўймайман! Менинг қўлимдан осонликча қутулмайди!— дер эди.

Шундан сўнг раис бригада бошлиғи, Турсуной ва Бакировни ёнига олиб, пахта майдонини айланиб чиқди. У Турсунойга тасалли берди:

— Бўлар иш бўпти. Ер намни тортиши билан дарҳол теримга тушавер.

Турсуной ернинг етилишини сабрсизлик билан кутарди. Ҳар куни Султонжон билан бирга майдонни кўриб, ер етилмаганидан қайтиб кетишарди. Пахта шу қадар очилган эдики, гўё чаноқлардан чак-чак томаётгандек.

— Эрта-индин теримга бемалол тушаверса бўлади,— деди ғўза оралаб юрар экан Султонжон.

Турсуной ҳам эрининг фикрига қўшилди.

Орадан бир кун ўтказиб, улар машиналарида бригада майдонига етиб келдилар. Машина теримига мўлжалланган қирқ гектар майдондаги пахта қўл билан териб олинган бўлиб, далада на бригадир бор эди ва на раис!

Колхоз раиси, бригада ва звено бошлиқлари ўртасида яна аввалги кўнгилсизлик бошланди.

Орадан бир неча соат ўтгач, Турсуной билан Султонжон райком секретари ҳузурида бўлишди. Турсуной бўлиб ўтган воқеани сўзлар экан, ҳаяжонини сира боса олмасди. Секретарь механик-ҳайдовчи қизнинг шикоятини эшитгач, совуққонлик билан маслаҳат берди:

— Хунук иш бўлишга бўпти. Ҳозир вақтни ўтказмасдан тезда бошқа жойга бориш керак.

Ўзундан-узоқ гап-сўз ва телефонбозликдан кейин Турсуной дарҳол «Коммунизм» колхозига етиб бориши кераклиги, у ерда етарли миқдорда машинабоп пахта борлиги айtilди. Икки ёш ўша куниёқ «Коммунизм» колхозига етиб борди.

— Аттанг, аттанг,— деб қаршилади уларни колхоз раиси,— агар икки кун олдин келганларингизда, бизни роса хурсанд қилган бўлардиларинг. Ишонмасанглар,

далани айланиб кўрамиз, ҳамма бригадаларда теримчилар бор...

— Нега бўлмаса райком секретари бизни юборди?— деди газабини ичига ютишга ҳаракат қилиб Турсуной.

— Тўғри. Райкомнинг ҳам сизларга айтган сўзида жон бор. Лекин бизнинг ўзимиз ҳам узоқдаги бу бригада пахтасига теримчилар тушганидан хабарсиз эканмиз. Ахир ҳар кун, ҳар соатда шаҳардан ҳашарчилар келиб турган бўлса нима қилайлик? Ишсиз қўйиб бўлмаса! Балки икки-уч кун сабр қилиб турарсизлар, пахта тузукроқ очилиб қолса, машинада териш мумкин бўлар? Шунинини ҳам айтиб қўяй, майдонларимиз унча текис эмас. Яна ихтиёр ўзларингда...

Кутиб туришнинг маъноси йўқ эди. Турсуной машинани эрига топшириб, ўзи Тошкентга жўнади. Турсуной Тошкентга кетиши билан Султонжон телефон қилиб, рўй берган аҳволдан райкомни хабардор қилиб қўйди. Шунда райкомдан Навоий номидаги колхозга боришлари кераклигини, у ерда машина теримибоп майдон борлигини айтдилар.

Турсуной Тошкентга бориб, тўппа-тўғри ЎзЛКСМ Марказий Комитети секретарининг ҳузурига кирди. Иш жиддийлаша борди. Турсуной ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Марказий Комитет секретарининг иши бошидан ошиб ётган пайт эди. У ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, Турсунойнинг ташвиши билан шугулланди. Ниҳоят, Турсуной машинада пахта териш учун 4-«Боёвут» совхозига борадиган бўлди.

Қиз уйига қайтмасдан тўғри «Боёвут» совхозига қараб йўл олди, кун бўйи зир югуриб совхоз идорасини тополмай, темир йўл қоровулининг уйида тунаб қолди. Ярим кечагача ухлаёлмасдан қоровулнинг хотинига ўз саргузаштини ҳикоя қилиб берди. Ниҳоят, тонг отиб, шу кун туш вақтида совхозни топиб борди.

Мана, у совхоз директори Усмон Юсуповнинг кабинетида ўтирибди. Ҳаяжонланганидан мақсадини босиқлик билан баён қилолмас, гоҳ қалтираб, ранги оқариб, тутилиб қолар эди. Юрак уриши ўзига эшитилар, «борди-ю, бу одам ҳам «кечкик келдинг» деб қолса, унда нима қиламан?» деб ўйлар эди. Кекса директор бўлса, бошини чайқай-чайқай, қизининг кўнглини кўтара бошлади:

— Кўп қийналибсиз-ку, она қизим. Бўлмаса, вақтни ўтказмайлик. Хафа бўлма, сен учун майдон топилади.

Директор кимнидир чақириб топшириқ берди. Бу вақт Султонжон эшик олдида Турсунойни кутиб турарди. Тошкентга телефон қилган Султонжон Турсунойнинг изидан совхозга қараб югурган эди.

Иккаласи бир бўлиб, бу ерда ҳам машинани кўздан кечирдилар. Машина ремонт талаб қилар эди. Вақтни ўтказмай ремонтга тушиб кетишди. Султонжон машина ёнидан жилмасдан уч кун муттасил ишлади. Ҳар ҳолда у эркак, ухламаслиги мумкин, лекин Турсуной вақти-вақти билан мизғиб олмаса бўлмайди...

«Бири хотин, бири эр... Хотин деса, кичкинагина қиз... Райондан келишибди. Аёли механик-ҳайдовчи эмиш... эркаги бўлса...»

Бу иккала ёшга кўзи тушган баъзи бир ғийбатчилар шу хилда гаплашар, пичирлашиб қаҳ-қаҳлаганча ўтиб кетишар эди.

Турсуной бу ерда ҳам ҳар куни беш тоннага етказиб пахта тера олди. Ундан кулганлар уялиб қолишди.

Учакинигандек, кутилмаганда ёмғир шаррос қуйиб қолса буладими! Яна ерининг стилишини, пахтанинг қуришини кутиш керак.

Султонжон хотинини аягиси келар, тиниб-тинчимагур Турсуной бўлса, эрининг «огир оёқсан, эҳтиёт бўл!» дейишига қулоқ ҳам солмасди.

— Тетикмисан? Каромат опани ачиниб гапирган эдинг, яна ўз жонингга, болага...

— Хавотир бўлманг!— дерди эрига Турсуной.— Бирон гап бўлса, ўзим айтаман.

— Кейин айтганингдан нима фойда?

— Хавотир қилманг, ўзимни ўзим яхши биламан.

— Жон, Турсуной, туша қол, ўзим ҳайдай қолай,— ялиниб-ёлворарди Султонжон.

— Вой, нима деяпсиз, ҳеч қачон киши ўзига-ўзи душман бўладими?

Турсуной «Боёвут» совхозида қирқ тонна пахта териб, колхозига қайтди. Бу ерда ҳали ҳам терим давом этар эди. Турсуной билан Султонжон қараб туришмади. Қўл билан пахта тера бошлашди. Турсуной огир оёқлигига қарамай, кунига юз килограммга етказиб пахта терар, бу ерда ҳам машинада теришга имкон йўқлигидан афсусланарди.

Ноябрь ойи. Турсуной негадир ўзини лоҳас ҳис қила бошлади. Уни туғруқхонага олиб кетдилар. Иккинчи куни кўзи ёриди.

Султонжон билан Турсуной ўз қизларига Муҳаббат деб ном бердилар.

УЛКАН ДАВРАДА

Турсуной «СХМ — 48М» машинасида бир юз ўн тонна пахта териб бериш мажбуриятини олди. У бригада бошлиғи Юнус ака билан бирликда эрта баҳордан бошлаб машина терими учун махсус майдон тайёрлаб, ғўзани парвартиш қила бошлади.

— Сенга тушунолмайд қолдим, Турсуной, бригадир менми, сенми?— тажаниб буларди Юнус ака.— Агар сен бригадир бўлсанг ол, мана ашқол-даншқол! Мана қамчи, ана от! Ана табелчи, ана ошпаз. Шу бугундан бошлаб план, ҳосил деган нарсалар учун жавобгарликни бўйнимдан соқит қиламан!

Турсуной Юнус аканинг феълига тушуниб қолган, бундай чоқларда сира аччиғи чиқмас, мулоҳим ва ёқимтой кулгиси билан уни йўлдирар эди.

— Бригаданинг хўжайини сиз. Пахтани етиштириб берадиган сиз. Мен бўлсам, фақат териб бераман. Ёки бу йил ҳам ҳов анави йилдагидек...

— Қўйсангчи, нафасингни иссиқроқ қил, қизим,— дерди дарҳол жаҳлидан тушиб бригадир.— Ҳадди борми, қани биронтаси сув қўйиб кўрсин-чи!..

— Ҳа, шундай бўлсин, амакижон!— деб жилмаярди Турсуной.

Янги вазиятни фақат бригада бошлиғи Юнус акагина эмас, ҳатто Икром Жалилов ҳам тушуна бошлаган эди. У бу йил машина теримисиз тинчлик йўқлигини сезарди. Илгари раисдан пахта планини тўлдиришгина талаб қилинарди. Ҳозир эса, олмашлаб экиш, ем-хашак тайёрлаш, ҳамда вақт-вақти билан маҳсулот таннарини арзонлаштириш масалаларини қўйиб, раиснинг энка-тенкасини чиқариб турадиганлар пайдо бўлиб қолган эди. Энди техниканинг хўжайини ҳам колхознинг ўзи. Правление мажлисида Жалиловнинг ўзи янги «ХВС — 1, 2» машинаси сотиб олиш учун заводга киши юборишни таклиф қилган бўлса, бунга ажабланмаса ҳам бўлади.

Раис бу ишларни ҳали ҳам ўз хоҳишидан ташқари қилмоқда эди. Чунки, ҳаёт ундан зўр чиқди. Агар у ҳаёт оқимиға қарши борар экан, ҳалок бўлиши муқаррар эди.

Турсуной бошлаган ишнинг ривожланишиға машина терими участкасида Бакиров билан Султонжоннинг ишлашлари ҳам катта ёрдам бермоқда эди. Турсуной бўлса, даладан кўнгил узолмас, Муҳаббатини кўтариб бригадаға борар, таниш майдонни кўздан кечириб чиқарди.

Курсда ёзган конспектларини яна ўқиб чиқиши, янги машинани синчиклаб ўрганиши учун вақти етарли эди. У янги машина қачон бўлса ҳам колхозға келишиға, унда пахта теришиға ишонарди.

Турсуной энди Жалиловға ишонгиси келса-да, бироқ унинг кўз қарашларидаги бежолик бунга йўл бермасди. Балки у Турсунойнинг қайта-қайта кўрсатган қаршиликларини, райком, обком, ҳатто Марказий Комитетға шикоят қилганларини эслаётгандир. Бўлмаса, беҳудаға дўпписини олиб, бошини гулдор рўмоли билан артмасди-ку!

Пахта терими яқинлашди. Машинаға ажратилган участкадаги ғўза баргларини тўкиш учун дори сепгани самолёт келди. Турсуной махсус ниқоб кийиб, майдонға чиқди. Қўлида байроқча билан самолётға дори сепиш жойларини кўрсатиб юрди. Ундан нарироқдаги дарахт тагида бошиға тўн ёпишиб Султонжон турарди. Уни самолётдан тушаётган заҳарли ёмғирнинг бирон томчиси ниқобдан ўтиб Турсунойға зарар етказмаса эди, деган ваҳима ташвишлантирарди. Бироқ беҳудаға ташвишланарди. Орадан бир неча кун ўтгач, ғўза барглари тўкилиб, кўраклар оппоқ очилиб қолди. Икки-уч кунда машина теримиға тушаверса бўларди.

Шу вақт Тошкентдан бир группа комсомоллар етиб келишди. Булар ЎзЛКСМ Марказий Комитети томонидан Турсунойға ёрдамлашиш учун юборилган активлар эди. Турсуной бу гал Жалиловға ишониш мумкинлигини айтса-да, улар машина терими учун ажратилган участкаларни қўриқлаб, навбатчилик қилишға қарор қилишди.

Жалилов машина билан териладиган майдонни айланиб чиқди. Ўқ ариқлар қандай текисланганини бирма-бир кўздан кечирди.

Пахта пишиб, чаноқлар жуда яхши очилган эди.

Турсуной тонг отиши билан теримга тушажагини айтди. У машинасини бригада майдонига олиб келиб, ўзи дала шийпонида ётгани кетди. Комсомоллар ўз постларини эгаллаб, тонг отишини кута бошладилар. Постлар орасида Султонжон алоқачи эди.

Кеча ойдин. Ярим кечада бир отлиқ майдон ёпидан ўтиб, ҳуштак чалди. Лекин унга ҳеч ким жавоб бермади. Отлиқ назорат қилиб туриш учун қулай марраларда «пистирма» қўйиб ётган постларни кўрмасдан ўтиб кетди. Бу, бригада бошлиғи Юнус ака эди.

Эрта билан колхозчилар дала шийпони олдига тўпландилар. Маълум бўлишича, уларни ҳеч ким чақирмаган. Пахтага қилган меҳнатларига ачиниб, терим машинасининг ишини ўз кўзлари билан кўриш учун келган эканлар. Бирон киши уларга тушунтира бошласа, жимгина тинглаб турардилар-да, сўнг яна ўша эски гапларни такрорлардилар:

- Машина гўза тупларини янчади!
- Пахтани чаноқда қолдириб кетади!
- Тўкиб, нобуд қилади!

Турсуной эрта тонгда машинасини қайдаб карта олдига келганда, колхозчиларнинг кўнчилиги у билан хушхол саломлашиб сўрашди. Буларнинг орасида ўтган йили пахта теришга қатнашган «қароқчи»лар ҳам бўлса ажаб эмасди.

— Турсуной, хирмонингизга барака!

— Умрларингизга барака,— деб жавоб қайтарди Турсуной.

Турсуной ўша йили ўз колхозида бир юз олти тонна пахта терди. Теримни тугаллай деб қолганида заводдан янги «ХВС — 1,2» терим машинаси келиб қолди. Султонжон колхоз устахонасида бу машинани ишга тайёрлади. Турсуной ўз колхозида теримни тугатгач, янги машинаси билан қўшни «Партия ХХІ съезди» ва «Ўзбекистон ХХХ йиллиги» колхозларининг пахтасини териб беришга ўтган эди. Шундай қилиб, Турсуной 1959 йилда икки юз тонна пахта терди.

Биласизми, ёлғиз Турсунойнинг ўзи териб берган пахтадан нималар олиш мумкин? Бир миллион метр газлама, ўн олти тонна ёғ, уч тонна кунжара, ўн уч тонна совун! 1959 йилда республикамизда машина билан терилган уч юз ўттиз минг тонна пахта, ўн миллион ишчи кунини иқтисод қилди!

Бир кун туш вақтида билагигача мойга беланиб, машинасини кўздан кечираётган Турсунойнинг олдида икки киши келиб тўхтади. Булар «ХВС — 1,2» машинасининг конструкторлари Аполлинарий Николаевич Приходько билан Ғойибжон Аҳмедов ўртоқлар эди. Улар «ХВС — 1,2» машинасининг ютуқ ва нуқсонларини билиш учун механик-ҳайдовчи билан суҳбат қилгани атайлаб Турсуной ишлаб турган майдонга келган эдилар.

Турсуной сўзлар, инженерлар унинг сўзларини диққат билан тинглаб, блокнотларига ёзиб боришар эди. Турсуной қўлининг мойини артиб, кўкрак чўнтагидан қоғоз, қалам олди-да, қандайдир бир схема чизиб кўрсатди, конструкторлар унинг фикрига қўшилишди.

— Радиаторнинг ҳажми каттароқ бўлиши керак, буниси ҳадеганда совимай вақтни кўп оляпти. Мен сизларнинг ўрниларингизда бўлсам, моторнинг кучини ортириш устида ҳам ўйлаган бўлардим. Мотор бирпасда қизиб кетиб, ҳар икки-уч соатда сувни янгилаб туришга тўғри келяпти. Бункер уч юз эллик килограмм пахтага мўлжалланган, агар унинг ҳажми бир ярим баробар кенгайтирилса, беш юз килограмм пахта сиғиши мумкин. Энди бир йўла тўрт қаторни тера оладиган машина тўғрисида ўйлашга вақт етди.

Турсунойнинг бу маслаҳатларини конструкторлар мамнуният билан тингладилар. Турсуной ва инженерларни қуршаб олган колхозчилар ўз қизларига ҳурмат ва ифтихор билан тикилиб, жилмайиб турардилар. Улар Турсунойнинг комбинезонда эканлигини ҳам унутишган, ҳеч ким унга «ўғил бола бўлганингда бошқа гап эди» ҳам демас эди. Турсуной энди улариники, ҳаммалари у билан фахрланмоқда эдилар.

Мотоцикл миниб Бакиров келди. Турсуной уни инженерларга таништирар экан:

— Бу киши менинг устозим!— деди.

Инженерлар механизатор Бакировга ҳурмат билан қўл чўздилар.

— Бошқа машиналар қандай ишляпти?— сўрашди ундан инженерлар.

— Ун етти машинанинг ҳаммаси ҳам ишлаб турибди. Лекин уларнинг ҳеч бири ҳозирча Турсунойникича пахта теролгани йўқ,— деб жавоб берди Бакиров.

— Кеча қанча тердингиз?— савол берди Турсуной-га Приходько.

— Ун икки тонна.

— Мен сиз ишлаётган бу машинани конструкция қилишда қатнашганим учун бахтиёрман.

— Мен ҳам!— деб ҳамкасбининг қўлини сиқди Аҳмедов.

Турсуной оғзи гапда бўлса-да, қўли иш билан банд эди. У машина қисмларига қўнган чанг-тўзонларни тозалар, механизмларни кўздан кечирав эди. Шу пайт гўдак кўтарган ун икки-ун уч ёшлар чамасидаги бир қиз келиб машина олдида тўхтади. Гўдак ён-веридagi нотаниш одамлар орасидан кимнидир қидиргандай атрофга жавдиради. У бирдан машинага қараб қийқириб, талпина бошлади.

— Эй, Муҳаббатой, келдингми?— деб юборди Турсуной бирдан.

Ойиси томон талпинаркан, кўтариб турган қизнинг юзига чанг солиб, хархаша қиларди Муҳаббат.

Суҳбат бўлинди. Ҳамманинг диққати «жанжалкаш» Муҳаббатга қаратилган эди.

— Парво қилманглар. Муҳаббатнинг ўзи шунақа жангарироқ,— деди боласидан меҳр тўла кўзларини узмай Турсуной.

— Ойисини жуда севар экан-а!— деди қизчани эркалаб Аҳмедов.

Машина бункери устида нима биландир шуғулланаётган Султонжон кўзини қисиб қўйди.

— Ойисидан ҳам оўраб кўринглар-а, Муҳаббатини қандай севар экан?

— Жонимдан ортиқ севаман! Муҳаббатим, дўмбоғим,— деди бетини қизининг юзига қўйиб Турсуной. Унинг икки қўли автолга беланганидан қизчасини ололмасди. Муҳаббат эса, онасига ўзини отиб, далани бошига кўтарарди.

Бункер устида турган Султонжон рўмолчасини пастга иргитди:

— Ушланг! Қўлингизни артиб, Муҳаббатни олинг.

Турсуной қўлини арта туриб, талпинаётган қизчасини койиган бўлди:

— Ҳа, тўполончи қиз! Уялмайсанми, амакиларга салом қани?

Қизча ялт этиб атрофдаги амакиларга қаради-да,

қулиб қўйди. Унинг кўзидан чиққан ёш, ўсиқ киприклариди марварид сингари тизилиб турарди.

— Салом қани, салом?— деди қўлини қимирлата-қимирлата Султонжон.

Муҳаббат ойисининг бағрига биқинди.

— Ноябрнинг йигирма еттисида бир ёшга тўлади. Туғилган кунни зиёфатга келинлар,— деди Султонжон.

— Умри узоқ бўлсин. Тўй бўлаверсинчи,— дейишди даврадагилар.

Турсуной йўл ёқасида турган машинага қараб юрди. Гавдасини сиқиб турган жемпери ва қора комбинезони, қулоғида яшиндек ёниб турган олтин исирғаси аёл малоҳатини яна ҳам очиб юборган эди.

Турсуной синглиси билан машинага чиқиб ўтирди. Муҳаббат ойисининг тиззасида ўйноқлаб: «Пахтангиздан менинг ишим зарурроқ» дегандек бўйнини чўзиб бизга қаради-да, сўнг онасининг бағрига кириб олди.

Кенг пахтажорда ғўза тулларидаги оппоқ чаноқлар аёз пайтлар осмон гумбазида ярқираб турган ҳисобсиз юлдузлардек товланиб ётарди. Моҳир ҳайдовчи бошқараётган «ХВС — 1,2» денгиздаги кема сингари бепоён пахтажор ичига сузиб кетди. У очилган пахталарни ҳўплаб, бункерини тўлатиб борарди.

...Шундай қилиб, Турсуной бир мавсумнинг ўзида икки юз ўн тонна пахта терди. Бу машина ҳар кун юз кишининг ишини бажарарди. Машина терими Киров помли колхозининг ўзидагина ўн олти минг меҳнат кунини иқтисод қилиб берди!

Комсомоллар ва агитаторлар дала шийпониди колхозчилар билан суҳбат ўтказар эканлар, Турсуной ва унинг колхозга келтирган фойдаси ҳақида сўзлардилар.

Ҳар бир меҳнат кунига машина ўн процентдан фойда қўшиб берди.

Ўн процент қўшимча фойда нима эканлигини колхозчиларнинг ҳаммаси ҳам тушуниб етмас эди. Шунда агитаторлар, агар бир меҳнат кунига йигирма сўмдан пул тушган бўлса, шунинг икки сўми машина теримдан келган фойда, бу фойдани қўлга киритиш учун минг киши пахта териши керак эди, деб тушунтирардилар. Гарчи барча участкаларда пахта машина билан терилмаган бўлса ҳам меҳнат кунига қўшилган ҳар бир икки сўм машинанинг шарофати эди.

— Агар ҳамма ишни машина бажарадиган бўлса,

одамлар нима иш қилади?— сўраб қолди бир кекса колхозчи.

Дарҳақиқат, колхозда ҳамма ишлар тўла механизациялашгудек бўлса, колхозчилар нима иш қиладилар? Буни англаб олиш қийин эмас, машиналарни бошқариш учун ҳам янгидан-янги мутахассис кадрлар керак бўлади, суғориш машиналарини идора қилувчилар, трактор ҳайдовчилар, механик-ҳайдовчилар, бульдозерчилар, ҳатто колхозлар ўз учувчиларига эга бўладилар.

— Йўғ-э, колхозда учувчи нима қилади?— деди таажжубланиб бир аёл.

— Ишонаверинг, чунки колхознинг ўз самолёти бўлади, гўза баргини дори сепиб тўкиш учун самолёт керакмасми?— деб тушунтирди агитатор.

— Колхозда нима кўп, одам кўп. Бир машина минг кишининг ишини бажаргудек бўлса, қолган одамлар нима иш қилади?

— Ҳамма учун иш топилади, турли-туман мевазор боғ-роғлар барпо қилиш, уларга қараш, чорва-парранда фермаларини ривожлантириш... Бундаги ишлар ҳам, албатта машиналаштирила боради. Аёлларимиз кетмон чопиш, қўлда пахта териш каби оғир ишлардан батамом озод бўладилар. Улар ўз вақтларини ёлғиз рўзғор ишлари билан банд қилиб қўймайдилар, маданиятларини, билимларини оширадилар. Тўй-ҳашам, томоша, сайр-саёҳатларга вақт етарли бўлади.

— Шундай кунлар ҳам келармикан, а, эгачи?— деди ўрта ёшли бир аёл.

— Бўлмаса-чи!— дейишди агитаторлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети декабрь Пленумининг мажлислари Кремлда ўтарди. Бу ерга мамлакатимиз ҳаётининг бутун соҳаларига раҳбарлик қилаётган улўф партиямизнинг илғор қисми тўпланган эди. Турсуной Марказий Комитет аъзоларига қайта-қайта тикилар, у ердагиларнинг ҳар бирига назар ташлар экан, кўпчилиги у қадар ёш бўлмаган бу одамлардан ўзи учун ҳалигача номаълум, лекин тушуниб билиб олиши керак бўлган қандайдир аломат ва хусусиятларни қидирав эди. Лекин бу одамларнинг юзларида, юриш-туришларида, муомала ва сўзларида бошқалардан ортиқча бирон аломат тополмас эди. Булар барча совет кишилари сингари оддий одамлар эди. Булар рус ёки украин, грузин ёки қозоқ,

ўзбек ёки озарбайжон ва бошқа миллат кишилари бўлсалар-да, ҳаммалари улуг мамлакатимизга бошчилик қилаётган бир бутун ақл ва ирода эгалари эдилар.

Қани энди Турсуной шу топда ўрнидан турса-ю, ўз саргузашти, келгуси йилда қилмоқчи бўлган ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берса, Султонжон, Муҳаббат, Бакиров, Жалиловлар тўғрисида гапирса!..

Шу хаёллар билан ўтирган вақтида бирданига ўз фамилиясини эшитиб қолди. У ҳовлиқмади. Ҳаяжонини босишга уринди.

Султонжон чиройли қилиб кўчириб берган нутқи қўлида эди. Нутқ текстини ЎзЛҚСМ Марказий Комитетидаги ўртоқларга ҳам кўрсатган, бу уларга ёққан, лекин гапириб бергани маъқулроқ бўлишини айтишган эди.

Мана Турсуной минбарда. У бир оз ҳаяжонланиб, сўзини бошлаёлмасдан турди. Бир неча лаҳзалик сукут пазарида бир неча минутга чўзилиб кетгандек бўлди... У қандай иш бошлагани, икки юз ўн тонна пахтани қандай қилиб тергани, бир машина билан юз теримчи қиладиган ишни бажаргани тўғрисида сўзлаб берди.

У энди қоғозга қарамасдан ҳам гапира олиши мумкин эди. Шу пайт орқа томондан раҳбарлардан бири:

— Бир киши юз кишининг ишини бажарибди! Офарин!— деди.

Турсуной орқасига қайрилиб қаради. Колхоз правлениси юз гектар ер ажратиб бергани, бу ерда комплекс механизациялаштирилган бригада тузиб ишлашга астойдил бел боғлаганини сўзлади. У бу ерга фақат квадрат-уялаб экадиган машина билан чигит экажакларини, ғўзага икки томонлама ишлов бериб, мутлақо кетмон ишлатмасликка аҳд қилганларини сўзлаб берди.

Залда қарсақлар янгради.

У қоғозга қарамай қўйган эди. Турсуной юз гектар ернинг ҳар гектаридан эллик центнердан пахта етказиш учун ўз бригадаси аъзолари билан нималар қилгани ва нималар қилмоқчи эканлигини гапириб, «ХВС — 1,2» машинаси билан икки юз эллик тонна пахта теришга ваъда берди.

— Биз терим машинасидан кўплаб чиқаришларини талаб қиламиз. Теримдек оғир қўл меҳнати машаққатидан қутулган Ўзбекистон хотин-қизлари минг-минг ташаккур айтган бўлар эдилар.

Кучли давомли олқишлар остида Турсуной минбардан тушди.

Танаффус чоғида партия ва ҳукумат раҳбарлари Турсунойни ўраб олдилар. Сон-саноқсиз фотоаппаратларда чақнаган шуълалардан кўз очиш қийин.

Орадан бир неча кун ўтгач, Турсуной Охунова ўзига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилгани тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиди. Олий мукофотни қабул қилиб олиш учун Турсуной Охунова яна Катта Кремль саройига таклиф қилинди. Мукофотлар топширилгандан кейин партия ва ҳукумат раҳбарлари барча мукофотланганлар билан бирга суратга тушдилар.

...Мана унинг қаршисида ўша фотосурат. Кўкрагида «Ўроқ-болга», Олтин Юлдуз медали, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени иорламоқда. Оддий ўзбек қизи бу олий мукофотга ҳалол меҳнати, халққа кўрсатган хизмати тўғайли муяссар бўла олди.

Катта даврадаги бу унутилмас кун 1959 йилнинг 25 декабри эди.

ҲИСОБЛАШМАСДАН ИЛОЖИ ЙЎҚ

Билсакки, уни ҳеч ким сўкмоқчи эмас, балки унга ўргатишмоқчи экан. Жалилов дастлаб ўзи учун чиқариб олган хулоса шу эди.

У бир нарсадан хавотирланарди: район маданият уйига тўпланганлар Жалиловдан қутулиш учунгина келгандек. У ҳаммадан бурун украинча кўйлак кийган ёш йигитни кўз олдига келтирар, минбарга чиқиши билан астар-аврамни ағдармаса эди, деган хавотирда эди. У ўзинча шундай бир қарорга ҳам келиб қўйган эди: ким нима деса, жим ўтириб эшитади, сўнгра қисқа қилиб бўлса ҳам жавоб беради. Қандай қийин шароитларда колхоз тузганини айтади. Унинг бу тарихий хизматларини ҳисобга олмасдан иложлари йўқ. Камчилик кимда бўлмайди? Шаънимга айтилган танқидий мулоҳазаларни ҳисобга оламан, деса қутулиб кетади. Турсуной масаласини у ўзига юқтиргиси йўқ. Дарҳақиқат, икки йил мобайнида анча-мушча бемаънигарчиликлар бўлиб ўтди. Лекин, бу бемаънигарчиликларни шундай қолдирмади-ку! Бригадирларни сиқувга олди, правлениега масала

қўйди, келгуси йилда бундай хунук аҳвол такрорланмаслиги учун сўз берди.

Ўз далилларига залда ўтирганларнинг ишонишлари ёки ишонмасликларини Жалилов аниқ тасаввур эта олмасди. Залда бригадирлар, механизаторлар, район колхозларининг бошқа активлари, обком, қишлоқ хўжалик министрлигининг ходимлари, экономист олимлари ўтирардилар. Жалилов ўйларди: «Ўтиб қолгунча отиб қол. Эҳтимол бу ўтирганлар мен келтирган далилларини инобатга олурлар. Шикоятим ўтар!»

Иқтисодий конференция деб аталган бу ажойиб кешаги давомида Жалиловни бирон киши соққа қилмаганига ўзи ҳайрон бўлиб ўтирарди. У шу нарсага тушуниб олган эдики, бу конференциядан сўнг колхозларда, албатта катта ўзгариш бўлиб беради. Агар шундай ўзгариш бўлиб бермагудек бўлса, Жалиловнинг ҳам ҳолига вайрон бўлишига ҳам маълум бўлиб қолган эди.

Конференцияда бўлаётган гап-сўзлар бир жиҳатдан Жалилов учун янгилик бўлиб кўринмаса-да, нималардир янгидек эди. Масалан, меҳнат унумдорлигини кўтариш тўғрисида доклад қилган киши шундай рақамлар келтирди:

— Киров номидаги колхоздаги механика двигателларининг қуввати икки минг юз қирқ тўрт от кучига баробар бўлиб, яъни 95,3 процентни, ишчи ҳайвонлари учун 4,7 процентнигина ташкил қилади.

Колхоз раҳбари энергетик ресурсларга эҳтибор бермайдми. Ундаги кўпгина одамлар иш ҳайвонларига қарашдек унумсиз ишлар билан банд.

Техника кучи билан пахтага ишлов беришда ўтган йили атиги уч процент ўсишга эришилган.

Конференцияда раислик қилувчи Чиноз райкомининг янги секретари докладчига луқма ташлаб, дедик:

— Киров номидаги колхоз атиги тўрт юз ўттиз бир гектар ерга чигитни квадрат-уялаб эккани ҳолда, бир минг бир юз қирқ гектар ерга эски усулда чигит экди. Агар шу бир минг бир юз қирқ гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экканда колхоз саксон етти тонна уруғликни иқтисод қилган бўларди. Ёлғиз шу уруғнинг ўзидан ўн беш тоннага яқин ёғ олинар эди. Буни пулга чаққудек бўлса, икки юз минг сўмдан ошиб кетади.

Жалилов ўйланиб қолди: колхоз пахта планини бажарган бўлса ҳам унинг йиллик ҳисоботида бу хилдаги

рақамлар кўринмасди. Ишнинг бу томонига қарамас экан, ҳисоб-китобсиз иш юритаркан. Фақат чигитдан шунча иқтисод қилиш мумкин экану, бошқа харажатлардаги фойда билан зиёни чўтга ташлаб кўрсан, нима-лар бўлар экан?

Райком сакретарининг луқмасига жавобан докладчи, булардан ташқари колхоз оддий усулда чигит экиб, ортиқча тўрт минг меҳнат куни йўқотганини айтди.

Шундан сўнг сўзга чиққан бошқа бир нотик Ашурмард Бакировнинг механизациялашган звеноси тўғрисида муфассал гапириб берди. Бу звенонинг ишини Бекназаров бригадасининг иши билан таққослади. Бакиров звеносининг аъзолари кам бўлишига қарамасдан, аъзолари беш баробар ортиқ бўлган Бекназаров бригадасига қараганда кўпроқ маҳсулот етиштирибди.

Жалилов, колхозимда механизациялашган звеном бор, мажлисда мени албатта мақташлари керак, деб ўйлаган эди, бу ишда ҳам шаънига таъналар бўлиб ўтди. Мени Турсуной важдан ҳам сўкарлар, деб ўйлаган эди, ўйлагани бўлди. Бир эмас, олтига терим машинасининг умрини бекорга ўтказиб келгани учун танқид қилишди. Чунки, бу машиналар фойдаланилганда колхозга неча юз минг сўм фойда келтириш муқаррарлиги исбот қилинди.

Жалилов, гап бошқа колхозлар ҳақида ҳам боряпти, деб ўйларди. Чунки районда Жалиловнинг колхозига ўхшаган хўжалик битта эмас эди. Унга алам қиладиган жойи шунда эдики, докладчи салбий мисолларнинг ҳаммасини Жалилов раислик қилаётган колхоздан келтирган эди.

Конференцияда Тошкентдан борган бир иқтисодчи инженер ҳам сўзга чиқди. У бу колхозда икки ҳафта бўлиб, муттасил бригадаларнинг ишларини ўрганган эди. Бу иқтисодчи инженер минбардан нимаки гапирётган бўлса, буларнинг биронтаси ҳам Жалилов учун сир эмасди. Жалилов бу иқтисодчи инженер билан бир эмас, бир неча бор суҳбатлашган, раис билан иқтисодчи ўртасида колхоз ва колхоздаги ишлар ҳақида ҳозиргидан ҳам қуюқроқ суҳбат бўлиб ўтган эди. Уша суҳбатларда ўзаро бўлиб ўтган гапларга, иқтисодчи инженернинг мулоҳазаларига ҳозиргидек эътибор бермагани учун Жалилов ўзидан хафа, негаки, инженернинг бақамти ўтириб айтган мулоҳазалари ҳозир минбардан бошқачароқ эшитилиб, оғирроқ бота бошлаган эди.

— Кунига,— деди нотик,— тегирмон мудирнга ярим меҳнат куни, дурадгорга биру чорак меҳнат, самоварчинга эса бир меҳнат куни ёзилади. Бу одамлар, чунончи, тегирмон мудирни ёки самоварчи колхозга қанча фойда келтирадилар? Ҳақ тўлашининг бундай тартиби кишиларни яхшироқ ишлашга рағбатлантирадими? Самоварчин далада меҳнат қилаётган колхозчидан кўра кўпроқ даромад қилиши ҳеч ким учун сир эмас-ку, ахир!— У жадвалдан мисоллар келтирди:— 11-далачилик бригада аъзоларининг ойлик даромади беш юз эллик олти сўмдан, 7-далачилик бригадасида тўрт юз етмиш сўмдан, 10-бригадада — уч юз олтиш тўққиз сўмдан, 8-бригадада — уч юз саккиз сўмдан, самоварчиники эса — беш юз саксон саккиз сўм тушибди! Мамлакатимиздаги асосий принцип ҳамма жойда битта: ким қанча маҳсулот ишлаб чиқарса, у шунча кўп даромад қилиши керак. Аммо колхозда бу принципга амал қилинмас экан!

Сўз навбати Ашурмард Бакировга келди. У тракторчиларнинг иши тўғрисидагина эмас, чорвачилик масаласига ҳам анча тўхталиб ўтди.

— Бизнинг колхозимиз пахтадан ўн икки миллион сўм даромад қилди. Чорвачиликнинг барча соҳаси колхозга паққос зарар келтирди. Пахтадан олинган фойда-миз чорвадан келган зарарга киришиб кетган бўлса, пахтакорга алам қилмай, кимга алам қилсин!

Бакиров бу сўзларни айтганда, бутун зал ҳайратга келди. Чорвадан даромад қилиб келган колхозларнинг раисларигина эмас, эҳтимолки, чорвачиликдаги ишлари Жалиловникидан яхши бўлмаган раислар ҳам таажжублангандир...

Кейин комплекс механизациялашган далачилик бригадаларининг қандай бўлиши, пахтани алмашлаб экишда йўнғичқазорларни ўзлаштириш, хўжадик ҳисоби бригадалари ҳақида, ем-хашак базаларини вужудга келтириш, боғлар барпо қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш чоралари тўғрисида қизғин гаплар бўлди. Сут соғувчи бир аёл сўзга чиқиб, йирик шохли молларни боқишдаги яроқсиз усулларни қоралади. Қаёқдан била қолишибди бу сирларни? Бу камчиликларни ва уларни тузатиш чораларини ўзи эмас, четдан келган одамлар айтаётгани унга алам қилмоқда эди. Хуллас, энди колхозда ҳеч бир кечиктирилмасдан бажарилиши лозим бўлган ишлар жуда кўпайиб кетган эди.

Райком секретари Қирғизбоев конференцияни якунлаб сўзларкан, бу сўзларни гуё Жалилов ҳақида айтаётган эди:

— Бизда, бахтга қарши, шундай раислар ҳам борки, улар фақат пахта планини бажаришинигина ўйлаб, чорвачилик масаласида заррача қайғурмайдилар. Қолхозни орқага судрайдиган бундай ишлар тўғрисида гапириб қолсангиз, улар уялмай-нетмай қўлларини кўкракларига қўйиб, икки букилишади-ю, сийқаси чиқиб кетган «бажарамиз»ларини такрор-такрор айтишади.

Залда кулги кўтарилди. Биринчи қаторда ўтирган Жалилов теварак-атрофига аланг-жалаң қараб олдида, райком секретарининг таънаси ўзигагина қаратилмаганини тушуниб, таскин топди.

Конференцияда очилган нуқсонлар анча-мунча жиддий эди. Жалилов хаёл суриб кетди. У колхозда мавжуд нуқсонларни ёлғиз ўзи тузата олишига кўзи етмаслигини билди. Шу топдаёқ минбарга чиқиб, иқтисодчи инженерга қараб: «Келинг, оғайни, қўлни-қўлга берайлик, бир-биримиздан ёрдамимизни аямайлик! Кенгашайлик, ҳар нима қилиб бўлса ҳам колхозни илғорлар даражасига етказайлик!» дегиси келди. У энди иқтисодчи инженернинг сўзларига қулоқ солмаслик у ёқда турсин, ҳатто бундан сўнг ҳар бир майда-чуйда масалада ҳам ундан маслаҳатлар сўрашга тайёр эди.

...Чиноз районида ўтказилган иқтисодий конференция Жалилов билан бир қаторда бошқа раислар учун ҳам катта мактаб бўлган эди. «Бундан кейин бу билимимиз билан колхозга раҳбарлик қилишимиз қийин, ўқишимиз керак экан»— деган фикрга келган эди Икром Жалилов сингари раислар.

ОЛТМИШИНЧИ ИИЛ

Турсуной, Султонжон, колхоз агрономи Аҳмаджон Ғаффоров ва мен дала шийпонинда чой ичиб утирардик. Суҳбат жуда кўнгилли эди. Мен ўз ижодий планларимдан гапирсам, улар ўз ишларидан сўзлар эдилар. Мен қизиқиб кетиб, ёзмоқчи бўлган янги пьесам, унинг қаҳрамонлари тўғрисида гапириб қўйибман, гапириб қўйиб кейин пушаймон қилдим. Ҳали ёзилмаган пьеса бўлса, мақтанчоқлик қиляпти, дейишмасмикан,— деган андиша-

да эдим. Лекин, суҳбатдошларим биз драматургларнинг доим конфликт қидиришимизни яхши билишарди.

Суҳбатимиз қизиганда шийпон олдига велосипед минган бир йигит келиб қолди. У катта сумкасида ўн чоғли конвертни олиб Турсунойга узатди.

Бу одатдаги ҳар куни келиб турадиган почта эди. Хатларнинг бир нечтаси газета редакцияларидан, қишлоқ хўжалиги министрлигидан эди. Турсунойнинг ишига тааллуқли хатлар билан бирга лирик характердаги мактублар ҳам бор эди. Мана бир тахта оппоқ қовозга ниҳоят чиройли қилиб ёзилган мактубдаги сўзлар: «Мен... фалончи, техникумни битирганман, фалон жойда ишлаётирман. Сизнинг ажойиб қаҳрамонона ишингизни газетадан ўқиб билдим. Қарангки, икковимизнинг фамилиямиз ҳам бир экан. Бундан ташқари, Турсуной, айниқса исмингиз менга ёқди. Синглимнинг исми ҳам Турсуной...»

Мактубда ишқ-муҳаббат бобида Навоий ғазалларидан бир неча байт ҳам келтирилган эди. Хат шундай тамомланган: «Агар сиз хатимга жавоб ёзсангиз, бундан сўнг ёзишни давом эттирган бўлур эдик... кейинчалик, мен албатта олдингизга борган бўлардим...»

— Бундай хатларни ҳар куни олиб тураман. Бир-биридан кулгил, ўқиб ичакларим узилади, — деди ишга доир уч дона конвертни ажратиб Турсуной.

— Бу хатларга ким жавоб ёзади?

Турсуной жавоб бермасдан эрига қараб жилмайди, Султонжон унга ер остидан қараб қўйди.

— Вақт етармиди? — деди даврадагиларга бир-бир қараб олиб Ғаффоров. — Агар Турсуной ҳамма хатларга жавоб ёзадиган бўлса, куни шу иш билан ўтарди. Унда иши нима бўлади?

Биз хатлар тўғрисида гаплашиб ўтирарканмиз. Султонжон ўзидан ўзи кулиб юборди.

— Нега куласиз?

— Агар хоҳласаларингиз, қизиқ бир воқеани ҳикоя қилиб берардим... Ҳар хил одамлар хат ёзишади. Уларнинг ораларида шундай сабрсизлари ҳам борки, Турсунойдан жавоб ололмасалар колхозга келиб ётиб олишни шама қиладилар. Кунлардан бир кун шундайлардан уч нафар ёш йигит колхозга кириб келди. Буларнинг бири яқинда армия хизматини битирган, иккинчиси Тошкентдаги бир техникумни тамом қилган, учинчиси Чирчиқ район колхозларидан бирининг тракторчиси экан. Мен

уларга идора олдида дуч келиб қолдим. Бу ёғини ҳам айтаверайми?— деб кулиб қараган эди, Турсуной «Ўзингиз биласиз» дегандек кифтини қисди.

Энг олдин улар иш туғрисида гаплашишибди. Султонжон колхозга моторчи ҳам, дурадгор ҳам — ҳамма касб эгалари кераклигини айтган экан, улар Турсуной туғрисида сўз бошлаб қолишибди.

— Ҳа, бизда шундай бир аёл бор, бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Ҳозир терим тайёрлиги билан овора,— дебди Султонжон.

— Турсунойнинг ўзи қандай?— тоқати тоқ бўлиб сўрабди йигитлардан бири.

— Ёмон эмас. Юлдузи иссиққина нарса. Шахсан менга жуда ёқади.

— Эҳа... иштаҳангни қара-я!— дебди тракторчи.

— У билан танишса бўлармикан?— деб сўрабди солдат формали йигит.

— Нега бўлмас экан? Ана ўзи ҳам келяпти!— Султонжон магазиндан чиқиб келаётган ёшгина бир аёлни кўрсатибди.

— Оҳо... ажойиб жонон экан-ку!— дебди ҳаяжон билан тракторчи. Учала йигит ҳам қизга маҳлиё бўлиб, тикилиб қолишибди.

— Тавба... кўрган киши сира ҳам қаҳрамон демайди!— деб қўйибди яна бири.

— Нима, қаҳрамоннинг шохи бўлармиди, у ҳам сизбизга ўхшаган одам-да!— дебди Султонжон.

Шундан сўнг Султонжон уларни кун бўйи кўрмабди. Фақат кечга яқин солдат билан тракторчининг Турсуной билан дала шийпонида сўзлашиб турганларида келиб қолибди. Табиий, улар иш устида сўзлашмоқда эдилар. Султонжон бўлса, узоқдан туриб Турсунойга киши билмас муштини кўрсатибди. Шу пайт дўмбоқ Муҳаббат шийпон айвонига эмаклаб бормоқчи бўлиб: «Ая!» деб талпинган экан, кўйлаги тахтага иллиниб қолибди.

— Ҳозир, ҳозир, оппогим!— дебди Турсуной Муҳаббат томон шошилиб.— Сен дадангга бориб тургин, мен амакиларинг билан гаплашай... Султонжон қизини кўтариб олганда ҳайратдан кўзлари косасидан чиқаёзган иккала йигитча хижолатдан ерга кириб кетай дебди. Султонжон ўзини зўрға кулгидан тўхтатиб, шийпондан узоқлашибди.

Султонжон ҳикоясини тамомларкан, мен: «Мана кичкина бир комедия учун тап-тайёр сюжет!» деб кўнглимдан ўтказдим. Кўз олдимдан хилма-хил саҳналар, репликалар, қизиқарли тўқнашув, воқеалар ўта бошлади. Ният қилиб, хоҳиш билдириш осон нарса, аммо ёзиш қийин.

Кейин биз Турсуной бу йил нималар қилганини, унинг ҳаётида бу йил нималар бўлиб ўтганини эслай бошладик.

Олтмишинчи йил Турсуной учун енгил йил бўлмади, албатта. У ҳаётида биринчи марта бригадага бошчилик қилмоқда. Унинг бригадасида иккита тракторчи ва ўн икки қиз ишлайди. Қизлар қўл билан қилинадиган ишларни бажарадилар. Ҳозир комплекс механизациялашган далачилик бригадаларида қўл билан бажариладиган ишлар ҳам етиб-ортиб турибди. Бу ҳақиқатдан кўз юмиш ўрнига механизациялаштирилмаган бундай ишлар учун машиналар яратиш ёки ҳозирча оз бўлган бундай машиналарни кўплаб чиқаришга эътибор бериш керак!

Мана, чунончи, Турсуной бригадасини олайлик.

Турсуной билан Султонжон Москвадан январнинг бошларидаёқ қайтган эдилар. Шудгорлашда ҳам, далага гўнг чиқаришда ҳам, маданий ўғит ишлатишда ҳам, суғориш тармоқларини қазиниш ва тозалаш ишларида ҳам, афсуски, қўл кучидан фойдаланишга мажбур бўлдилар.

Олди баҳор, энди чигит экишга тайёргарлик кўрила бошлаган вақт колхозга Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг механизациялаш ва электрлаштириш институтидан технологик карта тузиш учун инженерлар келишди. Заводлар учун ишлаб чиқариш — молия плани нақадар аҳамиятга молик бўлса, бундай карта колхоз учун ҳам шу қадар аҳамиятга эга. Бу карта ҳар бир операциянинг сарф-харажати ва меҳнат унумдорлигини кўрсатиб туради.

Баҳордан кузгача қилинадиган операцияларни кўрсатадиган шу хилдаги план Турсуной бригадаси учун ҳам тузилди. План бригада йиғилишида муҳокама қилинди. Колхоз агрономи Аҳмаджон Ғаффоров ягана ва биринчи чопиқни ҳам машинада бажаришни таклиф қилди. Чигит экишда ҳам янги техникадан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Чигитни квадрат-уялаб экадиган машинада экишга қарор қилишди. Бу машина ҳар бир уяга мўлжалланган миқдордан ортиқ чигит ташламайди, айни бир вақтда маданий ўғит ҳам сепиб кетади.

Аммо технологик картада кўрсатилган нарсалар нақадар аниқ ва ўлчанган бўлмасин, ҳамма нарса ҳам мўлжалдагидек бўлиб чиқмади. Масалан, суғориш тармоқларини машина билан тозалаш планлаштирилган бўлса, уларни кетмон билан бажаришга тўғри келди. Суғориш ишларида машина қўлланилиши планлаштирилган бўлса, бундай машина етказиб берилмаслиги натижа-сида ғўзалар эскича суғорилди. Ваҳоланки, пахтачиликда энг сермеҳнат, мураккаб, нозик, серҳаракат, серташвиш ишларнинг бири — ғўзани суғоришдир. Чеканка ҳам шундай. Бир гектар ерда юз, юз ўн минг туп ғўза бўлади. Ҳар бир туп ғўзани чеканка қилиш учун қанча қўл меҳнати ва вақт талаб қилинади? Чеканка қисқа вақт ичида бажарилмаса, ғўзанинг тепа томони ўсиб кетиб, қўйи шохлари эса ўсмайди, ҳосил ривож топмайди, ҳам сон, ҳам сифат томонидан бой берилади. Бундай муҳим ишни енгиллатиш тadbири тўғрисида ҳозиргача ҳеч ким ўйламаётганга ўхшайди. Буларга ўхшаш кўпгина операциялар машина бўлмагани учун қўл билан бажарилиб келинмоқда. Шунга қарамасдан йил сари қишлоқ хўжалигига кириб келаётган турли-туман машиналар, шубҳасиз, пахтакорларнинг оғир меҳнатларини камайтирмоқда. Энг оғир меҳнатларидан бири теримни машина билан бажаришга ўта бошлашнинг ўзи олға қараб босилган зўр қадамдир.

Турсуной учун энг оғир синов баҳор эди. Бу йилги баҳорнинг ҳар қачонгидан кўра ҳам инжиқликлари кўпроқ бўлди. Қор эриши узоққа чўзилди. Баҳор кечикди. Турсуной бригадасида ҳамма нарса тайёр бўлса ҳам чигит экиш учун ердаги иссиқлик етишмасдан турди. Турсуной тупроқ таркибидаги иссиқлик ҳароратини ҳар куни текшириб борарди. Кун исий бошлаши билан қолхозчилар ҳаракатга тушиб қолишар, соат, минутларни ғанимат билиб, чигитни экиб олиш учун шошилишар эди. Экиб бўлишлари билан ёмғир ёғиб, ҳаво совий бошларди. Яна ёмғир, яна қор, совуқ, қатқалоқ...

Апрель ойининг охирларида Турсунойларнинг қолхозига борганимда, аъзоларнинг ҳам, раҳбарларнинг ҳам қовоқлари тушиб кетган эди. Барчанинг чеҳрасида ташвиш кўринарди. Правлениеда биринчи учрашган кишим:

— Аҳвол жуда оғир! Чигит униб чиқишининг мазаси йўқ, — деди.

Турсуной бригадасидаги аҳвол бошқаларникига қараганда яна ҳам огирроқ эди. У мен билан хомуш кўришди:

— Ҳайрон бўлиб турибмиз, қуйи участкани бузиб экмасак бўлмайдиганга ўхшайди...

Турсуной бу гапни ёлғиз менгагина айтмаганини билардим. Бу масалага район, область, республика раҳбарлари қизиқар эди. Апрельнинг охирида чигит экиш таваккалчиликка ўхшаб кетадиган жуда қалтис ўйин эди. Ютишдан кўра ютқазиниш... Энди ҳамма гап кўзнинг қандай келишига боғлиқ. Куз агар икки ҳафта олдинроқ келса ютқизилади, бу — ҳосил йўқотилади, деган гап. Қолхознинг бошқа участкасидаги бригадалар янгидан бузиб экмасликка, чигити униб чиқмаган ерларнинг оласини қўл билан экишга қарор қилган эдилар.

Сиз Турсунойнинг аҳволини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Бу мушкул жумбоқни унинг ёлғиз ўзи ечиши керак эди. У, раҳбарлар ва мутахассисларнинг кенгашларига қулоқ соларкан, ўз қарорини ҳал қилиш ҳаёлида эди.

— Шундай қилиб, маслаҳат, бузиб экишга! — деди афсусланган бир оҳангда бошини чайқаб Турсуной. У елкасидаги огир юки олинган кишидек чаққон қадамлаб, қарорини бригада аъзоларига айтгани дала шийлопонн томон югурди.

Қуйи участкага 27 апрель кун қайтадан чигит экишди. Бошқа карталарда ола чиққан жойларга чигит қўл билан тикиб чиқилди.

Экиш ҳали тамомланмаган кунларнинг бирида далада юрган Турсуной ўз-ўзидан чайқалиб, боши гир-гир айлаганича ерга ўтириб қолди. Султонжон югуриб бориб пешанасини ушлади. Турсунойнинг иситмаси баланд эди. Баҳор кунлари ёмғир остида далада елиб-югуриб бош-оёғидан нам ўтар, кечқурун уйга қайтиб қуритар эди. Тонг отиши билан яна ўша аҳвол.

Турсунойни даладан уйга олиб келишди. У касалхонада бир ҳафта грипп деган лаънати касал билан олишди. Ўрнидан турса боши айланарди. Дармони йўқ...

Турсуной далага чиқмоқчи бўлади. Врач эса розилик бермайди. Икки ўртада «жанжал».

— Мени ушлаб тураверсангиз, баттар бўламан, — деди йиғламоқдан бери бўлиб Турсуной. — Ахир бригаданинг иши менинг касалимдан енгил эмас-ку! Сўз бера-

ман сизга, рухсатингизсиз трактор ҳайдамайман. Фақат, дала ишларини кузатиб турсам бас.

Ноилж қолган врач Турсунойдан яширинча дер эди:

— Медицина нуқтан назаридан қараганда, касалнинг ишлаши учун жавоб бериш — қатъиян мумкин эмас! Лекин бутун ўй-хаёли ишда бўлган касални мажбуран тушакка ётқизиб қўйишдан ҳам фойда йўқ. Биласизларми; медицинада психотерапия деган даволаш методи ҳам бор...

Ўша кунларни Турсунойнинг хотирига солгудек бўлсалар:

— Эсга солманг у кунларни, ўшанда ҳар кун ичимга қор ёғарди,— дейди.

— Ҳа, Турсуной анча-мунча қийналган эди,— деб қўйди агроном.

— Қийналмаса роҳат кўрармиди!— деди Султонжон.

Дарҳақиқат, табиатнинг инжиқликларига қараб, унга умид боғлаб ўтирганларида ҳозирги ғўза, ҳосил қаёқда эди! Уч миллион бир юз етмиш минг тонна оқ олтин етиштириш керак! Баҳорнинг ҳар бир минути кун ўрнига ўтиб турган пайтларда табиатдан марҳамат кутиб ўтириш мумкин эмасди. Республиканинг бутун ёзи меҳнат билан ўтди. Турсуной бригадасининг аъзолари ўсишдан қолган ғўзаларини фидокорона меҳнат билан бошқаларига етказиб олишди. Ғўнг солиш, ерни суперфосфат, сульфатаммиак, селитрага тўйдириш керак эди. Яганалаш, ўтни ўлдириш озмунча вақтни олмادими, айниқса, қўл билан бажариладиган ишларни кеча-кундуз мутасил ишлаганда ҳам пахтакорнинг кўнглидагидек қилиб бажариб бўлмади. Кун тиниб, табиат уйқуга кетарди-ю, лекин Турсуной билан Султонжон тинмасди, Бакиров тракторларининг гулдуриси тўхтамасди.

Яганалиш ва чеканкада қизлардан қайси бири олдинда бораётганини сўрадим. Аммо бригада бошлиғи меннинг саволимга жавоб беришга қийналди:

— Қизлар орасида куним ўтса бас, дейдиганлари йўқ. Бири биридан пишиқ, бири биридан меҳнаткаш.

Турсуной Қаромат Маъдиева туғрисида гапирди. Бу қиз онадан кар-соқов тугилган эди. Бригадага қўшилиб, ишлай бошлаши билан Қароматнинг оз-моз эшитаётгани сезилиб қолди. Унинг гапира олмгани ҳолда алоҳида жумлаларни такрорлашга ҳаракат қилиш, овозга қизиқиши дугоналарининг эътиборини ўзига тортган эди.

Турсуной қизнинг тақдирига қизиқа бошлади. Каромат-да оз бўлса-да, ўзгариш содир бўлмоқда эди. У гапларни хийлагина эшитадиган бўлиб қолди. Қизлар уни гапиришга ўргата бошлашди. Кейин докторга жўнатишди.

Мен бир оз шошилиброқ бўлса-да, илгари кетиб, хурматли ўқувчиларга Кароматнинг ҳозир ўзини аввалгидан кўра яхшироқ ҳис қилаётганини айтсам, ёлғончи бўлмасман, деб ўйлайман. Кароматнинг тилга кириб, овоз эшитиб кетишига жуда-жуда ишонгим келади. Чунки Кароматни ўз мотоциклига миндириб касалхонага олиб борган Бакировнинг айтишига қараганда, доктор унинг тилга кириб, овозни эшитиб кетишига жуда умид боғлармиш.

Бу баҳор Ашурмард Бакировга ҳам анча қимматга тушди. У Султонжон билан бирга озмунча иш қилдими! Культивация қилишди, жўяк олишди, гўзани озиқлантиришди. Меҳнатнинг ниҳоят оғир бу турини машина билан бажаришди.

Пахтакорлар иши билан озгина таниш бўлган ҳар қандай киши бу меҳнат аҳлининг чидами ва сабри тоғдек эканини билади.

Ёлғиз сугоришнинг ўзини олиб кўрайлик. Турсуной бригадасидаги тўртта картанинг ҳар бири йигирма беш гектардан. Бу картанинг ҳар юз метр масофасида белидан ўқариқ олинади, шу ўқариқлардан сон-саноксиз эгатларга сув оқизилади. Сув ҳамма жўякларга бир миқдор, бир тезликда оқиши керак. Ҳар бир эгатдаги гўзалар мириқиб сув ичиши учун ҳамма жўякка бир меъёрда сув оқизилиши шарт. Бу осон иш бўлмай, сувчидан маҳорат, сабр-тоқат талаб қилади. Сувчи ёз бўйи гўза оралаб, кечалари мижжа қоқмасдан сув кечиб, гўза суғоради. Сўнгги вақтларда бу оғир меҳнат ҳам аёллар зиммасига тушиб бормоқда. Афсуски, буларнинг меҳнатлари тўғрисида муфассал ҳикоя қилишнинг имкони йўқ. Қачондир бу заҳматкашларнинг иши тўғрисида ёзиш керак бўлади, албатта.

Мен бригада, гўзани бир неча бор озиқлантирди, дебгина қўя қолдим. Ҳақиқатда эса бу оддий, осон иш эмас. Озиқлантириш гўзани бўйига, ёнига ўстиради, ҳосилга киритади. Лекин ҳар қайси майдоннинг ер тўзилиши, шаронти бир хил бўлавермайди. Бир пайкалнинг ўзида неча хил ер бор. Ҳар бир ерни, гўзани ўз кайфиятига қараб турлича озиқлантириш керак. Та-

биатан болалар бир хил бўлмагани каби уларни тарбиялашда ҳам ҳар қайсисининг феълига қараб муомала қилиш керак бўлади, ғўза парвариши ҳам шуни эслатади. Ҳар бир туп ғўзага йил бўйи бир неча бор қўл уриб, озиқ бериб, боши-кўзини силаб, ҳол-аҳволидан хабар олишга тўғри келади.

Август ойида ғўзага учинчи марта сув берилгач, бригада қизларининг дала ишидан бир оз қўллари бушагандек бўлди. Турсуной қизларни колхоз устахонасига бошлаб келди. Улар машина механизмини ўргана бошладилар. Турсунойнинг синглиси Инобатхон ва унинг дугонаси Турсуной Йўлдошева механизаторлар мактабини тугатиб колхозга қайтишди. Бу қизлар ҳам мактабдан олган билимларини колхоздагилар билан баҳам кўрмоқдалар. Тракторчилар, механик-ҳайдовчи кадрлар тайёрламоқдалар.

Колхоз яна битта терим машинаси сотиб олди. Энди бригадада бир эмас, иккита «ХВС — 1,2» терим машинаси бор. Бирида Турсуной, иккинчисида Султонжон пахта теради. Эр-хотин ҳар бирлари икки юз эллик топшадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Мен охириги марта колхозга борганимда қишлоқда тўйлар устидан чиқиб қолдим. Шундай тўйларнинг бирига мен ҳам таклиф қилинган эдим. Тўй жуда гўмбур ўтди. Еб-ичишдан, ўйнаб-кулишдан камчилик сезилмади. Мен порлоқ меҳнат сурурини, мана шу тўйларнинг завқ-шавқиди, кексаларнинг шукри-неъматиди яққол кўрдим.

Тўйда менинг яқин улфатларим Турсуной ва колхоз раиси Икром Жалилов бўлган эди. Озгина ширакайф бўла бошлагандан сўнг оғир карвон раис ҳиринг-ҳиринг кулиб гап сотишга тушди:

— Келгуси йил, худо хоҳласа, колхознинг ҳамма пахтасини машинада тердираман... Ана.. кўрасиз... Колхоз ишини ёппасига механизациялаштираман. Колхозга қандай машина керак бўлса, ҳаммасини сотиб оламан. Энди кетмон билан иш қилиш йўқ! Биронта аёлни далада кўрсангиз, ана ўшанда юзимга солинг! Нимага куляпсиз? Ишонмаяпсизми?— деб менга тикилиб қолди Икром Жалилов.

Жалиловнинг баҳорда менга айтган бир гапи эсимга тушиб кетди. «Кўрмайсизми,— деган эди мени бир чеккага тортиб у.— Мен бошда Турсунойга, катта кетма,

юз гектар ернинг ташвиши ҳам катта бўлади, тажрибанг оз, эллик гектарни эплаб олсанг ҳам катта гап десам, қайсарлик қилган эди. Ҳатто шу кунгача манман деган пахта усталари экишга ботина олмасдан келаётган туксиз чигитни экди. Мана оқибат нима бўлди? Қолхозни чалқанчасидан йиқитди!»

Бу таъналарни Жалиловнинг ўз оғзидан эшитган эдим. Ўша пайтда Турсунойнинг аҳволи жуда ҳам огир эди. Унинг бригадаси юз гектар майдоннинг эллик гектарига квадрат-уялаб экишга мулжалланган янги сеялка билан туксиз чигит эккан эди. Об-ҳаво нобоп келиб, оддий чигит униб чиқди-ю, туксиз чигитнинг бир қанчаси чириб, кучат ола унди.

Нима қилиш керак? Қозонда бўлса чўмичга чиқади дегандек, кучат қанча бўлса, ҳосил ҳам шунча бўлади. Бундай вақтларда маслаҳатчилар ҳам кўпайиб қолади. Биров, қайтадан бузиб экиш керак, дейди, бошқа биров эса, апрель тугаяпти, энди экилган чигит пишиб етилмайди, дейди. Турсуной қайтадан бузиб экди. Бу «ўзбошимчалик» колхоз раҳбарига ёқмади. Жалиловнинг «колхозни чалқанчасидан йиқитди!» дейишининг бонси шу эди.

Мана, ёз ўтиб, куз келди. Жўжалар саналди. Серҳаракат, ўз ишига ишонган, янгиликни жорий қилишда ҳар қандай қийинчиликлардан қўрқмайдиган Турсуной гектарида 44 центнердан оқ олтин етказиб, ўз колхозигагина эмас, ҳатто Чиноз райони бўйича биринчилар қаторида ўз социалистик мажбуриятини бажарди. У ўз машинасида 322 тонна пахта терди. Қувонч устига қувонч! Турсуной иккинчи фарзанд кўрди. Отини Марҳамат қўйишди.

Ҳақиқатдан ҳам Икром Жалиловнинг аҳволи кулгили эди. У менга хўмрайиб қараркан, саволини яна такрорлади:

— Ишонмаянсизми? Сиз менинг феълимни билмас экансиз! Қиламан деган ишимни, албатта қиламан!

Раиснинг бу гапларини эшитарканман, ўзбекларнинг «мастлик — ростлик», русларнинг «хушёрнинг дилида, мастнинг тилида» деган мақоллари эсимга келди.

Саодатнинг қиссаси

— Қараб тур, даданг келсин! Шундай танобингни тортдирайки... Сен ҳали шунақа ўзбошимча бўлиб қолдингми? Бундай ишни отабезорилар қилади. Тўнғичимдан кўрганним шу бўлсин деганмидим?! Наҳотки бир парча қора қоғози ардоқлаб, вояга етказиб, кўрган куним шу бўлса? Асти рози эмасман. Агар мен она, сен бола бўладиган бўлсанг, остона ҳатлаб кўчага чиқмайсан! Ҳа, кўчага чиқмайсан, эшитдингми? Ҳой бола! У қулоғинг, бу қулоғинг билан эшит. Илгингни синдираману, касалингни боқиб ўтиравераман. Ўқиб туриб кўрсатган кароматинг шу бўладиган бўлса, ўқимай ҳасратда ўт! Сочингни ёзма дедим-ку?! Қулоғингга тош биткур! Соч ювмайсан. Жомдаги сувни тўк! Мени қақшатма, ҳой дилозор, ғазабимни келтирма!

Қиммат холанинг авзойи бузилди, ғазаби ошди. У бир неча минут ичида қизини обориб-олиб келди. Бутун дардини ичига ютиб Саодатхон жомдаги қайноқ сувни тўкиб ташлади.

Соч ювиш учун косага солинган қатиқни товуқлар ўртага олиб чўқимоқда эди.

— Кишт дейман, исқотга қўйилгурлар!

Қиммат хола тешани отди. Товуқлар патирлашиб тўрт тарафга учди-ю, қатиқ солинган коса супадан тушиб чил-чил бўлди.

Саодатхон ўн еттига кириб, ҳалигача ойисидан бунчалик койиш эшитмаган эди. Бу таҳдидлар унинг юрагига ханжар сингари ботди. Лекин у, она юзига тик қараб гап қайтаришга журъат қилолмади. Индамай тураверди. Бу жанжалга сабаб бўлган масалада Саодатхон ўзини ҳақ билса-да, ҳимоячисиз бўлганидан жавоб қилишни фойдасиз билди. Унинг сукути онани туюқтириб юборди. Қиммат хола яна ҳужумга ўтди.

— Сув бермаган кўйдиргига ўхшаб без бўлиб

туришингдан қўрқгулик сен қизнинг. Нима қилиб сер-райиб турибсан?! Ичкари кир. Рўмолингни ўра.

Бутун борлиги руҳий азоб билан қопланган Саодат-хон бўйинини эггани ҳолда, уйга кира туриб синиқ коса парчаларини териб, ерга тўкилган қатиқни теша билан қирди ва хокандозга солиб, тандир супчасига элтиб қуйди-да, ўзи ичкари уйга кириб кетди.

Термиз шаҳридаги Луначарский номидаги тўлиқсиз ўрта мактабни битирган еттинчи синф ўқувчиларининг шу кеч йиғилиши чақирилган эди. Булар қаторида Саодатхон ҳам бор. Етти йил мобайнида, боболар айтганидек, игна билан қудуқ қазиб билимнинг биринчи до-вонини ошганига гоят хурсанд бўлган бу қиз, эндиликда яна юқорига — билим чўққисига интилар эди. У, хаёлига ҳеч қачон келтирмаган ва опаси томонидан йўлига тўсил-ган темир ғов Саодатхоннинг режаларини бузиб юборди. Остона ҳатлаб кўчага чиқиш ва бу ғовни бузиб ўтиш Саодатхоннинг назарида ниҳоят оғир ва мушкул бўлиб кўринар эди. Бу оғир юк унинг елкасидан босди; у, уй остонасини ҳатлаб ичкари кира олмади. У ихтиёрсиз ос-тона ёнига чўкиб, хаёл дарёсига чўмиб кетди, анча вақт-гача тарқоқ фикрини йиғиб ололмади. Жонсиз бир ҳайкал сингари бир нуқтага кўз тикиб, узоқ жим қолди.

«Энди нима қилдим?.. Ойим ёмонликка бел боғлади, Энди уни йўлга солиш қийин. Умидим ёлғиз дадамдан... Фақат дадамгина менинг мақсадимни тушунади. Борди-ю, ойим дадамни ҳам ўз раъйига солиб олса-чи... Унда ни-ма қиламан? Ойим менинг қиз болалигимни пеш қилиб, дадамнинг ориятига ўт қўяди. «Э, сиз қандақа эркаксиз?! Белингизда белбоғингиз борми? Бўй етган қизингизни ўғил болаларга қўшиб Тошкентга юборишга уялмайсиз-ми!» деса борми!.. Эркак киши-да, дадам ҳам лаққа ту-шиб қолса-чи?.. Йўқ-йўқ, булар мени хароб қиладилар... Ҳозир вақт ғанимат, пайт тониб қочиб кетавераман!..» деб ўйлади Саодат. Лекин қилган қароридан ўзи қўрқиб, сесканиб кетди. Йўқ, бу ақлдан эмас.

Кўча эшиги тақиллади. Қиммат хола худди қадамини санаб босаётгандай бориб, эшикни очди.

— Салом, хола!

Қиммат хола жавоб бермади. «Қимда ишинг бор?» дегандек, эшик олдида турган қизга совуқ назар таш-лади.

— Уртоғим уйдаими?

— Йўқ.

— Мактабга кетдими?

— Билмайман.

— Бизни табрикланг, мактабни тугатдик,— деди бир дунё севинач билан қиз,— бугун битириш кечамиз бўлади. Саодатга келган эдим.

— Саодат бормайди.

— Нега, холажон?— таажжубланди Дуся.— Нега бормас экан?

Қиммат хола Дусянинг саволига жавоб бермай, индамай орқага қайтди. Дуся эшик олдида ҳайрон бўлиб қотиб қолаверди.

— Ҳа, Дуся?

Дуся сесканиб ҳушёр тортди, орқасига келиб қолган Зокиржон акани кўриб салом берди.

— Нега бу ерда турибсан?— деди Зокиржон таажжубланиб.

Дуся ўнғайсизланди, чунки Зокиржоннинг сўроғига жавоб қайтариш, Қиммат хола билан бўлиб ўтган можарони айтиб бериш деган сўз эди.

— Ўзим... шундай...

— Саодат уйдадир, юр уйга, қизим!

Саодатхон отасини кўриб, дадил тортди, югуриб уйдан чиқди.

— Нима бўлди сенларга? Бунинг эшикда қаққайиб турибди, сенинг бўлса унинг чиқмайди, мум тишладингми?— Зокиржон соатига қараб олди:— Мактабга бориш эсингдами?

— Ҳа.

— Ана холос, соат 7 бўлибди-ю, у ҳали кийинмабди ҳам, мана Дуся тайёр. Сенинг хамиринг ачимайди. Қани кийин, мен ҳам бораман, мени таклиф қилиб қўйиб ўзининг юришини қара-я!

Саодат қушдай учиб уйга кириб кетди.

— Ойим ҳам борсинлар,— деди қувонч билан Дуся, бундан бир неча минут олдин бўлиб ўтган совуқ муомалани унутиб.

— Кошки эди, у бундай масалаларда жуда мутаассиб, қизим.

Бу гапни эшитиб, Қиммат хола яна тилга кирди.

— Сиз боринг, Саодат ҳеч қаёққа бормайди.

— Нега?

— Негасини кейин биласиз. Қиз онанинг измида бўлади.

— Ҳой, сенга нима бўлди?

— Ота бўладиган бўлсангиз, дуруст бўлинг, бўлмаса қизнинг ихтиёрини ўзимга қўйинг.

— Ҳа, оталик қилолмадикми?

— Ўзингиздан сўранг. Сиз ота экансиз, қизингиз кимдан ихтиёр олиб Тошкентга ёзилибди? Бу шармандалик... Ор-номус, уят...

— Ўқимоқчи, нлм олмоқчи бўлса, бунинг нимаси ор, нимаси шармандалик?

— Ана гап... Вой мени ергина ютмайдими... Айтдим, отадан бўлган эканки, қиз ўлгур бу йўлга кирибди-да. Ҳой, менга қаранг, қиз болани-я?.. Кимга ишониб уни Тошкентга юбормоқчисиз? Йўқ-йўқ, мен она бўладиган бўлсам, ҳеч рози бўлолмайман.

Шу вақт Саодатхон уйдан чиқди. У, чўғдек ясанган: эғнида қизил товар кўйлақ, қора бахмал нимча, бошида Қаршининг сирт янги ироқи дупписи, оёғида дадаси шу ёз Москвадан олиб келган туфли. Туфлисининг гарчи онасининг гашига тегаётганини пайқаб, Саодатхон оёғи учида юриб келди. Лекин у қанчалик эҳтиётлик билан қадам ташламасин, ўчакишгандек туфлининг гарчи тобора баландлашар эди.

— Кўп қизишма, кейин гаплашамиз, кўрамиз дедим-ку, ахир.

— Кўрсангиз-кўрмасангиз гапим битта. Бу замонда зўрлик йўқ. Хатдан ўчиртирасиз. Хоҳлаган ўқийди, хоҳламаган йўқ. Майли ўқийдиган бўлса, шу ерда ўзимнинг бағримда ўқисин. Удирки Термиздан чиқиб кетишига йўл қўймайман.

Зокиржон хотини жаҳлдан тушгандан кейин унга ётиғи билан ўқдиришни лозим топиб, қизларга имо билан куча эшигини кўрсатди, қизлар эшик томон йўл олди...

* * *

1943 йил. Июнь ойи. Ҳаво иссиқдан ҳаракатсиз, дим. Термиздан Тошкент ҳунар мактабларига ўқишга кетаётган элликка яқин қиз-йигитлар вокзалда, поезд кутмоқда эдилар.

Дуся билан Саодатхон югуриб Қиммат холанинг олдига келишди. Дуся уни гап билан овутмоқчи бўлди.

— Буларнинг ҳаммаси болангиз тенги, холажон, сўзлашиб ўтирсангиз кўнглингиз очилади.

— Энди кўнглим очилиб қаёққа борардим.

— Қўйинг, ёмон нафас қилиб нима қиласиз.

— Мени ер билан битта қилиб кетяпти... Майли, қўлоғида бўлсин. Сўнгги пушаймон ўзига душман бўлади.

Паровоз гудогни эшитилди. Унинг узундан-узоқ чўзиб қичқириши вокзални дириллатиб юборди. Қора тутун ва булут сингари буғ билан қопланган паровоз олға чопар ва унинг орқасидан қувлаб кетаётган тўп, танк, от, машиналар ортилган, очиқ ва ёпиқ вагонлар гўё темир излар устида учаётгандек кўринар эди. Машиналар устида, танклар ёнида бараётган қизил аскарлар кўзга чалнару, тезгина гойиб бўлар эди. Вагонларнинг қулоқларини қоматга келтирувчи овозлари борган сари узоқлашиб, ниҳоят шовқин-сурон тинди. Вокзалда эса, бир нафас жимжитлик ҳукм сурди.

— Бекорга йиглаб ўзингизни ҳам, мени ҳам хафа қиляпсиз. Мен ўлим ерга кетаётганим йўқ-ку. Атиги Тошкентга ўқишга боряпман. Уч ой деган нима? Ҳа-ҳув дегунча ўтиб кетади. Яна қайтиб олдингизга келаман. Ўзингиз кўрдирингиз, қанча-қанча одам урушга кетяпти. Фронтларда одам қони дарё бўлиб оқяпти. Қанчадан-қанча йиғитларимиз қурбон бўляпти, фашистларга қирғин соляпти. Ушаларнинг ҳам оналари бор... Сизнинг бунақа қилиб ўтирганингиздан мен жуда хижолат тортяпман. Ҳамманинг кўзи бизда. Қўйинг, уйнаб-кулиб жунатинг...

Саодатнинг титроқ овозида ҳазин жаранглаётган мунг она юрагини эритди... У юмшагандай бўлди. Лекин кўзида яна ёш пайдо бўлди. Бу ҳолатдан таъсирланиб кўзига ёш олган Саодат кўз ёшларини бошқалардан яшириш учун бўлса керак, бошини онасининг кўксига қўйди. Она-бола узоқ вақт жим қолинди... Қиммат хола фақат Саодатнинг кокиллариини силар эди. Ниҳоят, у қизининг кифтига бошини қўйди ва юзидан ўпди. Поезд келиши эълон қилинди.

Саодат дарҳол ўрнидан турди. Унинг икки бети иссиқдан бўриқиб кўпчигандек... Бодом қовоғи гирдобиди, ёноғи атрофида ва нягида пайдо бўлган реза тер худдинга тизилган марварид доналари сингари гўзал эди. Ёш-

дан қизарган қора кўзлари тим қора қошлари тагида ёнар, анор юзи эса жуда-жуда жозибадор эди.

Саодатхон енгига қистириб қўйган қор сингари оппоқ рўмолчасини олиб, шошмасдан юз-кўзини артди, узоқ йиғлаб йиғидан тинган гудак сингари хўрсиниб олди.

Паровознинг чинқириқ овози янгради. У бир зумда станцияда пайдо бўлди.

Станцияда яна ғовур-ғовур кўтарилди.

Қиммат хола қизи Саодатхон чиққан 10-вагон кондукторига ёлборарди:

— Ўргилай эгачи, болаларингизнинг орзусини кўринг. Иложини топганимда ўзим бирга борар эдим.

Кондуктор хотин вагонга чиқиб кетаётган болалик бир йўловчига имо қилиб гапирди:

— Мана бу хотин ҳам Тошкентга борар экан, вагонда хотин-қизлар кўпчилик.

— Она бағридан чиқмаган ёлғизгина қизим эди. Ёнингиздан нари жилитманг, эгачи,— деди икки кўзини вагондан узмай Қиммат хола.

— Хотиржам бўлинг, опа, қоғоздаги қантдай олиб борамиз.

— Қизимни сизга топширдим. Ҳамроҳларини кўрднингизми, ғич-ғич ўғил бола.

— Э, опажон, нима десам экан энди сизга, ўқувчи бўлгандан кейин бири ака, бири ука; кўнглингиз тўқ бўлсин.

Қалдирғоч болалари сингари бир-бирининг елкаларига энгакларини тирашиб вагондан қарашиб чувиллашар эди болалар.

Қизини Тошкент сафаридан олиб қолиш учун кўрсатган ҳамма қаршилиги бир пул бўлганини эндигина пайқаб олган Қиммат хола атрофдаги ҳаёт тўлқинларининг ҳаммасини унутган, ёлғиз Саодат тўғрисида ўйлар эди. Бир оёғини вагоннинг юқориги, бир оёғини пастки пиллапоясига қўйиб турган Саодатнинг кўзи онасида эди. Поезд жилиши билан қўққисдан вагон қаттиқ силкиниб кетди. Агар Давлатёр Саодатхонни елкасидан тутиб қолмаганда, йиқилиб тушиши ҳеч гап эмас эди.

— Вой ўлмасам, чиқ-а, чиқ вагонинга, юрагимни ёрдинг,— деди онаси куйиниб.

— Кўрқдингизми, ая, тегирмонга тушсам бутун чинқаман.

— Қўрқмасим ҳам борми, ўзингга эҳтиёт бўл, хатинггни узма.

— Хайр, Саодат, қизим хат ёз.

— Хайр, дадажон, албатта...

Поезд суръатини тезлатди. Қиммат хола билан Зокиржон ака ҳам поезд кетидан анча ергача бирга-бирга бордилар. Эр-хотин сўзсиз жим юриб, перрондан кўчага чиқишди.

* * *

— Дусяжон, ҳали ҳам ухлаб тўймадингми, а?

— Ухласанг-чи, қўясанми, йўқми. Ҳадемай тонг отади, сифда мудраб ўтирсанг, яхши бўладими?

— Тонг отадиган бўлса ота қолсин, юрагим қон бўлиб кетди. Сен ҳам тур, Дуся.

— Ухла дейман сенга! Ҳали эрта.

— Уйқум келмаса нима қилай?

— Бўлмаса жим ёт.

— Жим ётмайман, сени ҳам ухлатгани қўймайман,— деди Саодат.

Энди Дусянинг ҳам уйқуси ўчиб кетди, моёвий кўзларини чироқдай очиб Саодатга қараб ётди.

— Нима дейсан, қани ганир, уйқимни ўчириб юбординг.

— Ошиқиб кетяпман, менга қолса овқатни ҳам қўйиб, тўғри заводга олиб бориша қолса, ишлаб кета қолсак, дейман.

— Машинада ишлаш учун олдин уни бошқара билиш керак. Бунга осон деб ўйлаяпсанми?

— Жону дилнинг билан киришсанг осон.

— Тўғри айтасан, жону дил билан киришса киши қила олмайдиган иш бўлмайди. Нима десанг ҳам анча мушкул!

Саодатхон ётган ўрнидан туриб, тўшакка чўкка тушиб олди. Сочларини йигиб орқасига ташлади. Кеча сокин... табиат гўё уйқуда. Саодатхон ён атрофида ухлаб ётган қизларни бир сидра кўздан кечирди-ю, яна буларни уйғотиб қўймайлик, майли ухлашсин, деб ўйлади. Чаққон бир ҳаракат билан чалқанчасига ётган Дусянинг ёнига ўтди, уни қучоқлаб ётиб, секин Дусягина эшитадиган қилиб сўзлади, уларнинг юраги бир текис урар эди.

— Одамзод гавдасининг тузилишини мукаммал ўрганмаган табиб сингари қош қўяман, деб кўз чиқазади, демоқчисан-да, Машина тузилишини мукаммал ўрганмаган токарь оғриқ кўзни ит пашшага талатиб «даво»лаб келган нодон табибга ўхшайди, демоқчисан-да?

Дуся ҳузур қилиб кулди. У, қаттиқ, қотиб-қотиб кулди.

— Вой табибинг қурсин, Саодат... Вой, ичагим узила-ёзди.

— Ишонмайсанми, рост, бўлган гап.

— Афсонадир,— деди Дуся кулгидан ўзини тўхтата олмай.

— Ёлгон гапирсам ёрилиб ўлай...

Бирдан берилган гудок қизларининг хаёлини бўлди, Саодат ирғиб ўрнидан турди.

— Энди ҳам турмайсанми, Дуся, тур, табиб ҳикоясини эрта кечаси эшитасан.

Гудок қизларининг ҳаммасини уйғотди. Бу гудок Саодатнинг ёдига «Фабрика» қўшиғини туширди. У, ётоқхонани янградиб қўшиқ бошлади:

Фабриканинг йўлидан
Рўмолча топиб олдим,
Топиб олди деманглар
Меҳнатга сотиб олдим.

Самарқандда ой ботар,
Тошкентингда тонг отар.
Фабриканинг қизини
Первой гудок уйғотар.

Қизлар ҳам унга жўр бўлиб, жойларини йиғиштирдилар. Сафга тизилдилар, куйлай-куйлай йўлга тушдилар. Гуё бундан бурун ҳарбий таълим кўрган солдатлар сингари аскарчасига мағрур қадам ташлаб завод томон юриб кетдилар.

* * *

Мана куз ҳам ўтиб, қиш бошланди. Улуғ Ватан уруши фронтларидан ҳар соатда радио хушхабарлар келтириб турар эди. Қрим ярим оролида бораётган қонли жангларда немис-фашист босқинчиларига қатта талафотлар етказётган қаҳрамон Совет Армияси солдатларининг

қатъияти Саодатхонлар ўқиётган ва ҳунар ўрганаётган завод коллективининг руҳида ҳам яққол кўринар эди. Ишчилар коллективи фронтга, шоили Совет Армиясига кўпроқ мадад бериш, гитлерчиларга «охират ошини» кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳаракат қилар эдилар. Бугун радио яна бир янги хушхабар келтирди. Керчга Совет Армияси десантининг муваффақият билан туширилиши тўғрисидаги Совет информбюросининг ахборотини эшитиш айниқса мароқли бўлди.

Сафга тизилиб бораётган ФЗОчиларнинг олдинги қаторида Саодатхон борар эди. Заводга кира беришдаги катта дарвозанинг тепасида ва ён атрофида, деворларида турли мазмунда шнорлар ёзилган: «Немис босқинчиларига ўлим!», «Кечагидан бугун, бугунгидан эртага яхшироқ ишлайлик!», «Фронтга кўпроқ маҳсулот берайлик!», «Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги!», «Яшасин енгилмас ва қудратли совет қўшинлари!» ва ҳоказо... ФЗОчилар завод эшиги олдида бориб тўхтадилар. Уларни бошлаб бораётган кўк комбинезонлик хотин Анна Ефимовна дарвозабонга рўйхатни берди. Дарвозабон ўқиб, бирма-бир ҳаммани кўздан кечирди, кейин ўнг қўлида ушлаб турган қогозни шамолда ҳилпирашиб сафдагиларни кўздан кечирди-да, Анна Ефимовнага қараб деди:

— Ҳаракатингизни қилинг, эртагача ФЗОчиларингизнинг ҳар қайсиси ўз пропусчасига эга бўлиши керак.

— Пропускалар ёзилган. Иш сувратга тақалиб қолди, холос. Бугун у ҳам тайёр бўлади.

— Дуруст, ундай бўлса, ўта беринг.

Анна Ефимовна команда берди. ФЗОчи қизлар завод дарвозасидан ичкарига киришди. Қизлар цементдан ишланган йўлқадан бора туриб, завод ичида қуюқ тутун чиқазиб кетаётган паровозга дуч келдилар. Саодатхон таажжуб билан Дусядан сўради:

— Бу ер қаер?

— Бу ер завод-да.

— Заводда поезд нима қилиб юрибди?

— Поезд бўлмаса юкларни нима билан ташийди!

— Бунисини ўйламабман.

Дуся индамади.

Деворларига турли-туман плакатлар, фашизмга қарши ҳажвий карикатуралар осилган катта бино олдидан ўтар экан:

— Ҳозир биз,— деди қизларнинг диққатини механика цехи томон тортиб Анна Ефимовна,— цехга кирамиз. Бугунги ишимиз завод билан, ундаги машиналар билан юзаки бўлса-да танишиб чиқиш бўлади... Цехга кирганларингизда,— деб уқдирди Анна Ефимовна,— хаёлларингизни бошқа ёққа қочирманглар, менинг ўзим навбати билан ҳаммасини кўрсатиб, тушунтириб бераман. Интизом сақланглар, станокда ишлаётган ишчиларни гапга солманглар, тушунмаган нарсаларингизнинг ҳаммасини ўзимдан сўранглар.

Қизлар цехга кирдилар. Ҳаракатдаги машиналарнинг турли-туман овози бир бутун оркестр оҳангини ташкил қилгандек кишига мароқли эшитилар эди. Шу минутгача трактор ва автомашинадан бўлак машинани кўрмаган қишлоқ қизлари кўзи ўнгидан қандайдир янги бир дунё пайдо бўлди. Киришда, ўнг қўлда бир қиз темир ранда-ламоқда эди. Анна Ефимовна қизларни чап томонга бошлади. Мана, «ДИП — 200» маркали станок... Қизлар шу станок ёнида тўхташди. Бу станок ҳажми игнадек, ҳатто миллиметрни бир неча бўлакка бўлиб ясаладиган нозик қисмларни ишлаб чиқазар экан. Саодат ҳам бу станокни алоҳида диққат билан кўзата бошлади. Ҳамма шу ажойиб машина атрофига тўпланди.

Анна Ефимовна шу станокнинг ишланиш тарихини сўзлади, қасрда, ким томонидан ихтиро қилинган, нима ишлаб чиқаради, урушдан олдин нима ишлар эди, ҳаммаси ҳақида сўзлаб, бу станокни зўр маҳорат билан бошқариб турган уста токарь Михайлов ҳақида ҳурмат билан гапирди, уни заводнинг илғор стахановчи токарларидан бири эканини таърифлади. Шогирдлар муаллимнинг сўзини тинглар экан, дам Михайловга, дам унинг станогига тикилар эдилар. Михайлов рандалаётган темирдан чиққан қиринди пайраҳага ўхшаб буралиб, кўк-кимтир тусга кириб ерга тушар эди.

Саодатхон заводнинг ана шу стахановчи токарни Михайлов қўлида етти ой шогирд бўлиб ишлади. У, устаси Александр Михайловичнинг кўрсатмаларини кўнгилдагидан кўра ҳам орттириб бажарар, назарий билимини чуқурлатиш, техникани ўзлаштириш устида қунт билан ўқир ва ишлар эди. У, заводдан ташқарида юрган вақтларида, кўпроқ кечалари, техника терминларини ёдлар, ярим кечагача унинг хонасидаги чироғ ўчмас эди. Шу зайлда кечирган 7 ойлик машаққат ажойиб натижа би-

лан тугалланди. Саодатхон ва унинг ўртоқлари мустақил токарь бўлиб ишлай бошладилар.

* * *

Бугун Ўзбекистонда биринчи мартаба қурилаётган металл заводига ФЗОни битирган ёш кучлар келди.

Улар токарлик, слесарлик, механиклик, вальцовщиклик, монтерлик, операторлик ва бошқа касбларга эга бўлган йигит-қизлар эди. Завод ҳали мукамал битмагани учун ФЗОчилар қурилишда ишлашни ўзларининг виждоний бурчлари деб билдилар.

Саодатхон бошлиқ ФЗОчи қизларнинг бир группаси, мана бу кун учинчи кун ишга чиқаётир. Икки кун мутасил давом этиб турган телба шамол айниқса қизларнинг юрагини безиллатиб қўйган эди. Саодатхон билан бир ётоқда ётган қизлардан бештаси механика цехини жиҳозлаш билан банд. Улар эрта-индин етиб келиши керак бўлган станокларга жой ҳозирлар эдилар.

* * *

Бугун металл заводи қурувчиларининг руҳларида ғавқулдда шодлик, юракларида дунё-дунё севинч тароналари...

Мана мартен цехининг кўркем қадди ўз қурувчиларидай ғурурли. Ана — очиқ ва ёпиқ вагонлар тўла машиналар, булар бу ерга Совет Иттифоқининг ҳамма томонидан келтирилган. Ана, бир тўда ишчилар уларни вагонлардан тушираётир. Машиналар мартен цехига ташилмоқда. Монтажчиларнинг бош қашигани вақтлари йўқ, улар кўпдан кутилган машиналарни монтаж қилишлари, уларни тездан ишга солишлари керак.

Бу мураккаб машиналарининг ҳаммаси ўз она юртимизда, ўз совет Ватанимизда тайёрланган, улар беш йилликларнинг ажойиб самараси. Социалистик саноатимизнинг гузал ютуғи.

Бугун механика цехи ишчиларининг оёқлари одатдагидан кўра ҳам енгил кўчмоқда. Бу одамларнинг юраклари қувонч билан тўлиб тошган.

ФЗОчи қизларни айтмайсизми! Уларнинг оёғи олти,

учиб юриб меҳнат қиладилар. Уларнинг чаққон қўллари ҳамма ерга етиб улгуради.

Ўрта бўйли, кулча юзли, буғдой ранг, зуваласи пишиқ, кўзлари доим кулиб турган, ёш бўлишига қарамай ишига омил, ўз қўли остидагиларга нисбатан талабчан мастер Савушкин бир гуруҳ йигитларни ўзи билан эргаштириб цехга кириб келди.

— Машиналарни шу бугун ўрнаштириб бўламизми?— сўради қизлардан бири.

— Шунинг ҳаракатидамиз. Станоклар қуруқ ерга ўрнатилмайди-ку. Ерни қазиб унга жой тайёрлаш керак,— деди қўлидаги чертёжни кўздан кечириб Савушкин.

— Қазиладиган бўлса тезроқ қазилгани яхши эди,— деди кимдир биров.

— Ерни ким қазishi керак?

— Ким қазир эди... Эркаклар.

— Қизлар эркакларни ер қазишини томоша қилади, денг?— кесатди Саодатхон.

— Тўғри... Ўзбекларда: бир йигитга қирқ ҳунар оз, деган мақол бор. Володянинг ер қазишини кўришга орзуманда эдим,— тегинди Дуся.

Яна қизлар кулишди.

— Қизларга қирқ ҳунар кам демаган эканми?— деди Володя.

— Демаган,— деди Саодатхон, ўртоқларига қараб,— лекин қизлар ўша қирқ хил ҳунарли йигитлар билан мусобақада кўрсатади; ер қазийди. Шундайми, қизлар?

— Ҳа, йигитлар ютқазиб қўймасалар яхши эди.

Ҳамма қаҳ-қаҳлаб кулди.

— Хом гап гапириб, пишиқ гап эшитдингиз,— деди Володяга изза бериб Давлатёр.

— Ҳа, қизлар шунақа гапга уста бўлади. Қандай қилайлик. Қизларни севамиз, аяймиз-да, бўлмаса-ку...

— Гап келганда отангни аяма дейдилар, гапираверинг, бизлар аяброқ гапирармиз,— деди бир қиз.

— Ёрдамга олиб келган йигитларингиз ишга қараганда гапга чечан кўринади, Александр Сергеевич,— деди Давлатёрга қочирим қилиб Саодатхон.

— Бизнинг йигитлар ҳаммасига ҳам чечан.

— Тўғри-тўғри... қизлардан бир ҳунари ортиқ экан.

— Қанақа ҳунар экан?

— Сиз айтган ҳунар-да: гапдонлик.

Ишчилар кулишди. Саодатхон жим қолди. Давлатёр-га қарши жавоб қайтармади.

— Саодатхон енгилди...— дея қарсак чалиб қичқиришди йигитлар.

— Гап билганча иш бил, деганлар. Ҳамма нарсани меҳнат ҳал қилади. Тил суяксиз. Биз сизлар билан меҳнатда куч синашамиз. Шунинг биланги, металл заводни деворига эркаклар бир ғишт қўйган бўлса, қизлар ҳам улардан кам қўйгани йўқ. Бугун ер қазий керак экан, ерни ҳам қазийвера-миз.

— Ҳалигача қизлар билан мусобақалашиб кўрган эмас эдим, қандай бўлар экан, қизларни хафа қилиб қўйишга кўнгил бўлмайди.

— Ҳа, сабаб? Ўролда қизлар йўқ эканми?

— Йўғ-э... Кўп эдику-я, лекин...

— Ҳа, буларни енгиб қўйишга кўз қиймайди дейсан-да, аяйсан-а, Давлатёр, хўп де.

— Ҳа.

— Лекин,— деди Савушкин,— сени қизларнинг ўзи мусобақага чақиряпти.

— Ундай бўлса, менга қизларингизнинг бирон вальцовшигини тўғри қилинг.

— Аттанг... Вальцовшикликка ўқимаган эканмиз-да,— деди Саодат.

— Ўқимаганингиз ҳам яхши бўлган экан. Бу ҳунар эркакларга қўл келади... Қизларга эмас: вальцовшик деган сўз, ўт ичида кечиб юриш деган сўз бўлади.

— Ўт ичида?.. Бу маҳоватдир дейман?

— Хўп, яхши қиз,— деди қийғир кўзини Саодатхонга тикиб Давлатёр,— чақирингизни қабул қиламиз.

— Анди шу гапингизни аллақачон айтишингиз керак эди,— деди девор тагида терилиб қўйилган киркалардан бирини ола туриб Саодатхон.

— Кечирасиз,— деди олгароқ юриб бориб Давлатёр,— мусобақадошимизнинг исмлари нима? Танишиб қўяйлик.

— Зокиржонова.

Кимдир қизлардан бири:

— Оти Саодатхон,— деди.

Зокиржонова эса, отини айтган қизга ер тагидан хўмрайиб қўйди.

Қиз-йигитлар ўзлари ишлайдиган янги қурилажак станоклар учун жой ҳозирлашга ғайрат билан киришдилар.

1946 йил, куз кунларидан бири. Мартен цехининг корпуси қаторидан яна бир азамат цех: прокат цехининг корпуси қомат кўтарди. Заводда мартен, прокат цехларидан қолишмайдиган икки-уч қаватли бинолар энди бармоқ билан санагудек эмас. У биноларнинг ҳаммасида машиналар айланмоқда. Чертёжлар чизилмоқда, янги-дан-янги истиқбол режалари ижод қилинмоқда. Маҳаллий ёшлардан малакали ишчи кадрлар тайёрлаш устида рус мутахассислари оғаларча ғамхўрлик кўрсатиб, билим, чиндам ва сабот пайвандини уламоқдалар, тарбияламоқдалар, ўстирмоқдалар.

...Яқин икки соатга чўзилган завком мажлиси тамом бўлди. Коллективнинг бутун эътибори Октябрь байрамини лойиқ совға билан, заводни тўла равишда ишга тушириб юбориш билан нишонлашга қаратилган эди.

Саодатхон Зокиржонова завком мажлисидан чиқиши билан ушш заводнинг бош инженери чақирганини айтдилар.

Бош инженер, Саодатхонни кабинетидан ўриндан туриб кутиб олди.

— Салом, ўртоқ Зокиржонова.

— Салом,— деди мулоимгина, қимтиниб Саодатхон.

— Мажлисларингиз чўзилиб кетди. Октябрь байрамини нима билан нишонлашга қарор қилдиларинг, қани гапириб бериш-чи?

Зокиржонова кресло ёнидаги стулга одоб билан ўтириб жавоб берди:

Қароримиз шундай бўлди. Социалистик мусобақада Ўзбекистон бинокорлари ичида биринчи ўринни эгаллаш учун курашмоқчимиз.

— Ажойиб ташаббус, улуг байрамга лойиқ совға. Нишонлашга арзигудек тўхфа. Ишчилар шу ваъдаларининг устидан чиқадиларми?

— Нега чиқмасин. Бутун коллектив Октябрь байрами шарафига рапорт бериш учун жон куйдириб ишламоқда.

— Жуда соз, жуда соз.

Эшик ярим очилиб, мастер Савушкин кўринди.

— Чақирган экансизми?

— Ҳа, марҳамат, Александр Степанович.

Устози Александр Степанович ҳурмати учун Саодатхон ҳам ўрнидан турди.

— Ўлтиринг! Саодат, ўлтиринг!

Бош инженер ёзув столининг яшигини очиб, бир кўк папка олди ва стол устига ёзди. Чертёж солинган бир қоғозни олиб, Зокиржоновага узатди. Саодат ўрнидан туриб, чертёжни олди ва уни кўздан кечириб Савушкинга, сўнг бош инженерга савол назари билан қаради.

— Форсух Григорьевич чертёжи,— деди бош инженер.— Бу қисм шу ном билан юритилади, анча мураккаб кўринадими?— У Саодатга қаради.

— Мураккаб бўлса керак.

— Сиз «ДИП — 200»да ишлайсизми?

— Ҳа.

— Догнать и перегнать.. Қувлаб етиш ва ўзиб кетиш, деб аталади сизнинг станогингиз. Жуда гўзал. Бу ширини улуғ Ленин майдонга отган эди. Коммунистик партия раҳбарлигида бу тарихий ширин амалга оширилди,— деди қувонч билан бош инженер.

— Хуллас ўртоқ Зокиржоновага «ДИП — 200» маркали машина жуда маъқул.

— Ёлғиз менга эмас, ҳаммага маъқул... Ҳамма мақтайди. Мана Александр Степановичнинг ўзлари айтсинлар.

— Сизни мақтайдиларми, йўқми?

— Мени нега мақтайдилар,— деди лола сингари қизариб Саодатхон.

— Мен сизлар билан,— деди бош инженер,— шу ҳақда гаплашмоқчи эдим... Фақат сиз ишлаётган станокда мана буни ишлаш мумкин экан,— деб чертёжни имо қилиб кўрсатди ва сўзида давом этди.— Прокат цехимиз битди. Кеча қувониб синов ўтказдик. Цех печида муҳим вазифани бажарадиган мана бу деталь ёмон ишлангани сабабли прокат бузилди. Мана шу кичкина, лекин, жуда муҳим бир қисм, катта бир гигантни ҳаракатдан тўхтатиб қўйди. Шуни ишлашни сизга топширмоқчимиз, ўртоқ Зокиржонова.

Бутун икир-чикирларини кўздан кечиргач:

— Удалай олармиканман, Александр Степанович?— деди Саодат устозига қараб.

— Албатта, «ДИП — 200» станогиди бир қисмини ишласа бўлади, сиз унинг уддасидан чиқишингизга шубҳа йўқ.

— Наряд тушпирaveraмизми?

Саодатхон Савушкинга қаради. Савушкин жавоб берди:

— Туширинг. Биз ўртоқ Зокиржонова билан тайёрлик ишларини кўра бошлаймиз.

Зокиржонова ва Савушкин бош инженер билан хайрлашиб кабинетдан чиқишди.

* * *

Ёзининг иссиқ кунларидан бири... Бу кун бутун завод социалистик мусобақасига қўшилган Саодатхоннинг ўз цехида рекорд қўйган куни эди. Унинг галабалар тўла юрагини яна бир нарса тўлқинлантира бошлади. У ўзидаги бу янги ҳолатдан ташвиш тортди. Борган сари вужудини қамраб олаётганини сезиб сесканиб кетди. Ҳеч қачон билмаган бу хаёллар гирдобидан ўзини қутқазиб олиш учун ҳаракат қилса-да, бўлмади. Бу тўлқин ҳам лаззатли, ҳам ташвишли эди.

Саодатхон прокат цехи ўтида кечиб юрган йиғитлардан бирини ҳадеб кўргиси келар, бироқ нимадир унинг хоҳишига халақит берар, прокат цехига бош буриб, кўз ташлай олмас эди. Саодатхон мана шу ҳолатда канал ёқалаб уйига қайтди. Каналнинг тезоқар кўм-кўк суви вилолдай тиниқ... Каналнинг икки ёқаси бўйлаб қурилган икки қаватли бинолар шу қадар кўркем, шу қадар чиройлики, металлурглар шаҳарчасига ҳусн бўлиб тушган эди.

Ўзбекистон кўчасининг икки қаноти бўйлаб ўтқазилган дарахтлар қулф уриб кетган. Майин эсаётган шамол дарахтларнинг кўм-кўк баргларини эриччоқлик билан силкитади. Дарахтлар соясида югуриб бораётган Саодатхоннинг юзини, сочларини силаб ўтади, унинг бетидан марварид доналари сингари тизилиб ётган терларни ялаб кетади. Саодатхон акация ҳиди анқиб ётган маданият ва истироҳат боғига ёндош кўчага бурилди. Акация гули ҳиди билан тўлган ҳаводан тўйиб-яйраб нафас олди. Бундан беш йил муқаддам калтакесаклар макони бўлган ўша сайхонлик, энди афсоналардаги Эрам боғидан гузал бўлиб кетган эди.

Саодатхон эшикдан кириши билан, одати бўйича, почта қутисини очди. «Правда», «Қизил Ўзбекистон» газета-

лари билан «Огонёк» журнаlines олди-да, ичкари уйга кириб уларни стол устига қўйди. Уйнинг боғ томонидаги деразани очди. Диванга келиб ўтириб қўлига газеталарни олди. «Қизил Ўзбекистон» газетасини очган эди, полга конверт тушди. Таниш қўл билан ёзилган конвертнинг дарҳол, шодланиб очди. Хат Термиздан, оёисидан эди.

«...Ойнинг ўргилсин, Москвага етган оёгинг Термизга етмадими?.. Даданг кеча кўчадан газета кўтариб келди. Оғзи қулоғида. «Мана бунни ўқи!» деб менга газета тутди... «Ма, кўр», деди. Вой, нимани кўраман, дейман. «Қизинг», дейди. Қарасам, сен худди ўзинг, суратинг бор экан. Ўргилсин ойинг. Кўзимга суртдим, йиғладим... ўпдим. Қандай қилай, соғиндим, болам. Кўргим келади, юрак-бағрим эзилади».

Саодатхон хатни ортиқча ўқий олмади, кўзи жиққа ёшга тўлди. У ҳаво ранг крепдешин кўйлагининг енгига қистириб қўйган оқ батис румолчасини олиб, кўзини артди. Термиздан биринчи жунаб кетган кунни эсига тушди.

Хатни ўқишда давом қилди: «Дадангнинг ваъдасини олганман, яқинда отпуска олиб олдингга боради, Мени онам дейдиган бўлсанг, бирга келасан! Ўлтирган бўлсанг тур, турган бўлсанг юр! Йўлингга доим термулган ойинг».

«Ҳамон, кел, дейди, онам шўрлик. Агар менинг юрагимдаги орзу-ҳавасларимнинг тушунолса, биз қилаётган ишларнинг моҳиятига ақли етса, сира шундай демас эди. Дадам буткул бошқа бир дунё».

Саодат ўрнидан туриб деразанинг олдига келди. Ҳосили кўплигидан шохи ерга қайрилиб тушган олма дарахтларига узоқ тикилди, нималарнидир ўйлади. «Тўйга тайёргарлик кўряпмиз... Директор, партком, завкомларимизга айтганман. Улар ҳам маъқуллашди. Ҳаммамизнинг кўзимиз сизларнинг йўлларингизда...» деб хат ёзиб юборайми?!— дея хаёл сурди-да, бирдан хушёр тортиб:— Вой ўлмасам... Нималар деяпман! Тўйга тайёргарлик кўряпмиз... Қанақа тўй? Балки у мени хоҳламас, жинниман, эсимни едим чоғи... Йўқ, у ҳам севади. У ҳам фақат дуч келгани ботинолмайди, гаплашай деса менга ўхшаб юраги дов бермайди. Бўлмаса нега мени кўрганда ҳайкалдай қотиб қолади? Менинг ўзим ҳам шундайман-ку?..»

Саодатхон дераза олдида узоқ туриб қолди. Боғдан слган шамол деразадан кириб эшикни очиб юборди. Саодат уни ёпиш учун бора туриб дивандаги хатга кўзи тушди.

«Жавоб қайтариш керак», деб ўйлади.

Саодат онасига бу сафар жуда узун хат ёзди.

Ўзининг саломатлиги, иши ҳақида ёзди. Москвага физкультурачилар парадига боргани ҳақида ёзар экан, завқланиб кетди. Чунки Москвадан, Ватанимиз пойтахтидан олган таассуротларини ёзиб тугатолмас эди. Ленин мавзолейини зиёрат қилганини ҳаяжонланиб ҳикоя қилди, Кремлда бўлгани ҳақида ёзди.

Хатни шундай тамом қилди:

«Ойижон! Дадам билан албатта келинг. Бизнинг ўзиниз яратган шаҳарни, боғ-роғларимизни кўринг».

Саодатхон мактубни тамомлаб, стол яшигидан оқ конверт олиб хатни унга солди. Партия тарихидан конспект оладиган дафтари ичидан марка олиб ёпиштирар экан, унинг хаёлига яна ҳалиги юракни ҳаяжонга солдиган ҳис кириб келди. Ҳамма ёқни илиқ баҳор нафаси тутиб кетгандай бўлди.

Саодатхон ёзги кино-театр биноси олдидан ўтиб, кутубхонага бурилганда, меҳмонхона олдида Давлатёр тўғри кутубхона томон йўл олди.

Саодатхон олдинга юришини ҳам, орқага қайтишини ҳам билмай бир оз тараддудда қолди-да, Давлатёрдан олдинроқ кутубхонага кириб олиш учун қадамини тезлатди. Давлатёр кўприкдан ўтмай, ариқдан ҳатлади, кутубхона эшиги олдида Саодатхон билан тўқнашди.

— Салом!

— Салом!— деди Саодатхон, ўзини йўқотаёзганидан ўзи хижолат тортиб чопиб кутубхонага кириб кетди. Сал ўтмай қайтиб чиқди.

Саодатхон эшик олдида ҳали ҳам кетмай турган Давлатёрни кўрди. Лекин у Давлатёрни кўрмагандек бўлиб қўлидаги ҳозир олгани «Ёш гвардия» китобини очиб, варақлай бошлади, чапга бурилиб, уй томонга йўл олди.

— Саодатхон!— деди ўн-ўн беш қадамча унинг орқасидан борган Давлатёр.

Саодатхон орқасига бурилиб қаради.

— Э... сиз ҳали ҳам шу ерда эдингизми?

— Сизни кутиб...

— Мени нега кутасиз?

— Гапим бор...

Саодатхон индамади.

— Паркка кирайлик, салқинга...

— Иссиқ эмас-ку, гапиринг, шошиб турибман!

— Қачон вақтингиз бўлади.

— Билмадим.

— Кечқурун-чи?

— Айтолмайман... Нима ишингиз бор эди?

— Ишимми... бу ерда айтиб бўлмайди...

— Қизиқ... айтиб бўлмайдиган қандақа иш экан у?

— Ишонинг, айтиб бўлмайди.

Саодатхон кулиб юборди:

— Қизиқ.

— Кечқурун чиқа оласизми?

— Йўқ.

— Кечқурун мен сизни кинонинг олдида кутаман.

— Йўқ, овора бўлманг.

— Қаерда бўласиз?

— Уйда, қаерда бўлардим.

— Бўлмаса мен кечқурун уйингизга бораман.

— Қаёққа?— деди таажжублангандек чўзиб Саода-
хон, кўзларидаги эркаликни Давлатёрдан яшира ол-
мади.

— Уйингизга... Рухсат берсангиз агар...

— Бу, сира мумкин бўлмаган гап.

— Мумкин бўлса-бўлмаса боравераман,— тикилиб
қаради қизга йигит.

— Қизиқ бўпти-да, менда нима ишингиз бор эди?

— Сизни яхши кўраман, сизсиз туролмайман, нима
қилсангиз қилинг, деб айтиб келмоқчиман,— деди Дав-
латёр қизнинг орқасидан тез-тез юриб.

Йигит сўзини эшитар экан, Саодат қадамини тезлат-
ди, чопиб кетди. Нарироққа бориб, орқасига бир қара-
ди-ю, чиройли, жозибадор кулди, бу кулгида унинг
севги, севинч тўла юраги барала акс этган эди. Бу
кулги Давлатёрга ҳаёт билан катта бахт бағишлаган
эди.

* * *

Якка тут танасига орқасини бериб паранжи ёлиниб
ўлтирган Қиммат холанинг икки кўзи йўлда эди. Кўча

эшиги олдида узун занжир билан боглаб қўйилган катта ит олдинги икки оёғига энгагини қўйиб олиб Қиммат холага кўз тикиб ётар эди. Эри Зокиржон аканинг кетганига ярим соатдан кўпроқ вақт бўлса ҳам, ҳамон унинг қораси кўринмас, орадан ўтган ярим соат вақт Қиммат холанинг хаёлида бир кунга чўзилгандек эди. Юраги сиқилганидан диққинафас бўлган Қиммат хола, қизи Саодатхонни қидириб кетган эрини койирди.

Кўчадан ўтиб турган йўловчилар орасидан қизи Саодатни қидириб, уни қора-қурумга бўялган, ёғи чиқиб кетган комбинезон кийган бир ҳолатда тасаввур қиларди. Шунинг учун ҳам кўчадан ўтиб бораётганлар ичидан фақат тассавуридаги аёл кишини қидирав эди.

Ит эса Зокиржон ака кетган тарафга бўйинни чўзиб узоқ тикилиб қолди. Қиммат хола ҳам ўша томонга қаради. Лекин на қизини ва на эрини кўрди. Шу ўртада озода кийинган бир аёлнинг қаердандир келиб итни эркалатиб турганини кўриб қолди.

Аёл итни эркалатиб, цемент билан ишланган зинадан параднийга кўтарилди. Зонтигини ёпти. Ит думини ликиллатар, аёлга эркаланиб, ора-чора тут танасига елкасини бериб турган Қиммат холага қараб ҳурар эди.

Қиммат холани хаёл олиб қочди:

— Ўзим ўйлаганим келиб чиқди. Мен фақат қачон ўлишимни билмайман, холос. Саодат шундай данғиллама уйда бир ўзи турармишми? Ҳаммадан мени лақиллатганига куяман! Бировнинг уйига мени пойлоқчи килиб, ўзи кетди-ворди...

Саодат эшикни очар экан, ҳайрон бўлди. «Бу хотин ким экан?» деб кўнглидан ўтказди.

— Хола, кимни кутиб ўтирибсиз?— сўради, Саодатхон.

— Ҳой... сиз ўзбекмисиз қизим,— деди гўё танасига жон киргандек Қиммат хола.

— Ҳа...

— Вой қоқиндиг-эй, итингиз ўтакамни ёраёзди... Ургилай... Биз қизимизни қидириб келган эдик. Айлансин холанг, балки сиз биларсиз... Нақ сураглари газеталарда чиққан Саодатхон бор-ку,— деди Қиммат хола қўрққанидан кўзини итдан олмай, қизга қарамасди.

— Ойи... Вой, ойижон...— қичқирди Саодатхон қўлидаги зонтигини иргитиб юбориб.

Саодатхон онасини зўр бериб ўпар, Қиммат холанинг юзига юзини қўйиб, бағрига босар эди...

* * *

Зокиржон ака билан Қиммат холанинг меҳмон бўлиб келганига уч кун бўлди. Саодатхон кечки сменада ишлагани учун, бу кеча уйига келмади. Шунинг учун ҳам Қиммат хола кечаси тузук ухломмади. Саодатхоннинг бутун бир кечани мижджа қоқмасдан иш билан ўтказиши Қиммат холани турли-туман хаёлларга олиб борди.

«Тавба. Кундуз туриб кечаси ишлаши нимаси эди... Ахир одамгина эмас, ер юзида жон-жонивор борки, ҳар қанча жавлон урса ҳам кундузи юриб, кечаси фароғат қилади... Йўқ, эрта ишдан келса айтай, ишлайдиган бўлса, кундузи ишласин, удурки кечаси ишлатгани қўймайман. Қиз бола-я... ввол-я...»

Завод гудоги Қиммат холанинг хаёлини бўлди. У сакраб туриб эри Зокиржонни турта бошлади.

— Ҳой туринг, заводга бориб, қизингиздан хабар олмайсизми?

— Ҳа, нима бўлди тагин?

— Ҳалигача қизингиздан дарак йўқ.

— Хавотир олма, ҳозир келиб қолади.

Зокир аканинг гапи тугамасданоқ, Саодат кириб келди. У ечиниб тезгина ювинди-да, дарров ётиб олди. Онаси бир сўз айтолмай доғда қолди. Шу куни эр-хотин эрталабки чойдан сўнг меҳмонга кетишди.

Саодатхон бугун одатдагидан кўра вақтлироқ турди. Бундан мақсади, уйда ўзининг ёлғиз қолишидан фойдаланиб, сиёсий ўқиш билан жиддий шуғулланиш эди. У ҳеч нарсага қарамай мутолаага ўтирди.

Анчадан кейин китобни ёпиб, ўрнидан турди, приёмникнинг қулоғини буради. Гўё Саодатхон қачон машғулотни тугатар экан, деб кутиб тургандай кўча эшигини биров қоқди. Саодат дераза пардасини кўтариб кўчага қараган эди, дераза тагида Давлатёр кўринди. У кулиб деразадан қизга қараб турар эди. Унинг устида ёқасига гул тикилган украинча кўйлак, оқ жүжун шим. У, деразага яқинлашар экан, Саодатхон мулойим табассум билан «ҳозир эшикни очаман» дегандек бош қимириллатди. Эшикка томон юрар экан, кўзи Давлатёрнинг стол

устига турган фото расмига тушди, шошганича олиб кул сумкасига солиб қўйди. Стол устидаги китоб, дафтарларини йиғиштириб этажерка устига қўйди. Каравотни тузатиб, унинг устига оқ тўр чойшабни ёпти. Пар ёстиқларини икки биқинига уриб шиширди-да, бирини иккинчиси устига қўйиб, чумчуқ кўз нафис оқ тўр билан ёпти. Уй йиғиштириқсиз эди, уни йиғиштириб тартибга солгунча анча вақт ўтди. Давлатёрни кўчада кутдириб қўйгани учун ўзи хижолат тортди. Ҳаммадан ҳам унинг гул кўтариб келиши Саодатхонни ўйлантириб қўйди.

«Тавба, бу нима қилгани!»

Саодатхон ўйлаб кўча эшигидан кўра, боғдан келганини ўринли топди-да, дераза пардасини ярим кўтариб чертди:

— Боғ эшигига боринг,— қўли билан боғ томонни кўрсатди. Ўзи унинг истиқболига боққа чиқди.

— Салом, Саодатхон!

— Сизни кутдириб қўйдимми?

— Зарари йўқ... Киритмай қўярсиз, деб қўрққан эдим,— Давлатёр гулни қизга берди.

— Киритмас эдиму, гулни яхши кўраман-да. Бу нимаси эди?

— Сизни олий мукофот билан табриклайман.

— Қандай мукофот,— деди таажжубланиб Саодат.

— Ие, хабарингиз йўқми? Радиодан эшитмадингизми?

— Йўқ, нима гап?

— Ундай бўлса севинчи беришингиз керак.

— Севинчиси нақд, айтинг.

— Нася қилмайсизми?

— Йўқ...

— СССР Олий Советининг Президиуми сизни орден билан мукофотлабди.

— А... Мукофот?— деди энтикиб.— Яхши одам ҳамма вақт яхши хабар билан келади, раҳмат.

— Табриклайман... Қани севинчисини чўзинг энди. Давлатёр Саодатхоннинг икки қўлини маҳкам ушлади.

Олапар ит ҳамон зўр бериб ҳураp эди.

— Давлатёр ака! Уйга киринг, киринг,— деди Саодат Давлатёрни олдинга ундаб.

Давлат қизнинг билагидан енгилгина тутиб, олдин

уни ичкарига киритиб, орқасидан ўзи борар, лекин негадир тортинар эди.

— Келаверинг! Дадамлар меҳмондалар.

— Хабарим бор...

Саодатхон гулни вазага қўйди-да, приёмникнинг қулогини буради. Ўзига таниш фамилиялар, ҳамкасблар номини эшитди, қизнинг кўзлари қувончдан ёнди, у яна ҳам гўзал, ҳусндор кўринди йигитга.

Саодатхон энди, ўзини «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлангани тўғрисидаги хабарни ўз қулоғи билан эшитди.

Давлатёр Саодатхоннинг олдига келди, унинг икки қўлидан маҳкам ушлаб:

— Табриклайман, чин юрагимдан хурсандман. Шу қадар шод ва бахтиёрманки...

— Мен ҳам... яхши келдингиз, биргалашиб қувониш яхшироқ экан,— деди Саодат, йигитнинг қўлини мулоғимгина қисиб.

— Бундан кейин ҳамма вақт шундай бўладч, биргалашиб завқланамиз, шундайми?

— Шундай, Давлатёр ака, шундай... Тўхтанг, эшитинг,— деди Саодат бирдан жимиб.

Иккиси тикка, бир-бирининг қўлини ушлаб турганча приёмникка қарашди.

«...Бизнинг заводимизда илгорлар сафи кун сайин ўсмоқда. Шу кунгача энг илгор вальцовшиклар 17 минутда 15 та гўлани чўзишга муяссар бўлган бўлсалар, старший вальцовшик Давлатёр Турсунқулов 11 минут ичида 15 та пўлат гўлани чўзиб, рекорд қўйди. Турсунқулов прокат цехининг илғор кишисидир. Рекорд бериш учун бошланган социалистик мусобақада ўзиб, рекорд қўйган старший вальцовшик ўртоқ Турсунқуловга «Энг яхши вальцовшик» деган фахрий унвон берилди.

— Шу вақтгача айтмайсиз-а?— гинали эркаланди Саодатхон.— Табриклайман, чин юрагимдан табриклайман.

— Раҳмат, Саодатхон, сизнинг қувончингиз менинг учун нақадар қиммат эканини тасаввур қилсангиз эди...

— Тасаввур қиламан. Менга ҳам шундай.

Эшик тақиллади. Саодат эшик томон дадил юрди.

— Мен кетмайман, дадам, аямларни кўраман,— деди Давлатёр шўхлик қилиб.

Саодат қизариб кетди, бир оз ўйлаб турган:

— Кетманг, улардан севинчи оламиз,— деди.

Эшик очилиб уйга она, сўнгра ота кирди.

— Вой, Саодат, муборак бўлсин орден, нақ ўша ердан эшитиб халлослаб чопдим. Ҳай, анави йигит ким?— Давлатёрга кўзи тушди кампирнинг.

— Кечаги заводда кўрган йигитингиз. Мени табриклагани келибдилар.

Зокиржон ака қизини қутлади, шодлигидан севинди. Унинг табассумида қизининг қалбидаги мурод-мақсади акс этгандек кўринарди.

1948 йил

Ю Л Д У З

Юлдуз аллақачонлардан бери бу тўғрида ўйлаб юрган бўлса-да, ҳеч кимга ёрила олмас эди. Ёрилишни эса ўзига эи ҳам кўрмас эди. Тўғри-да, билган у дейди, билмаган бу! Агар баъзи бировлар ўйлагандек Юлдуз амалпарастликинн яхши кўрадиган бўлса, қишлоқ совети раислиги кичкина амал эмас. Айниқса, қиз бола учун шундай катта бир жамоа ҳукуматига бош бўлиш ҳазилакам жавобгарлик ишми, ахир! Тўғри, Юлдуз қишлоқ Советига ўзи хоҳлаб раис бўлмаган. Уни халқ сайлаган эди. Ҳеч бўлмаганда шуларнинг юз-хотирлари бор-ку. Сайловчининг ишончи депутат учун катта гап!

Юлдуз бир минг тўққиз юз эллигинчи йилдан бери қишлоқ советининг раиси. У ўз сайловчиларига биринчи марта ҳисоб бераётгани йўқ. Қайси жойдаки иш бўлса, ўсин бўлса, ўша ерда камчилик топилаверади.

Қишлоқ Советининг сессияларидан бирида пахта ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида гап кетди. Бу советга қарашли колхознинг ўртача пахта ҳосили яқиндагина йигирма беш центнер бўлиб, у районда энг илғор хўжалик ҳисобланарди. Энди бўлса ҳар гектар ердан йигирма беш центнердан пахта берган бригада, бу колхозда қолоқ ҳисобланиб қолди. Тушунасимни, йигирма беш центнердан-а!

Қишлоқ Советининг бўлиб ўтган бир сессиясида депутатлардан бири шундай деган эди: сессия қатнашчилари куни билан ишлаб чарчаганлариданми ёки андишага борибми, ҳар қалай, аввалига сукутга чўмиб ўтирардилар. Димланиб турган сувнинг бирор еридан озгина очиб юборилса, кейин сувнинг ўзи йўлини топиб шарқираб оққандай, депутатлардан бирининг гапи ҳам шунақа бир туртки бўлди. Ҳалиги депутат йиғилганларга бир разм солиб олди-да, шундай деди:

— Қишлоқ Советимиз ва унинг раиси ўртоқ Юлдуз

Одиловани ёмон ишлади, деёлмайман. Ютуқлардан кўз юмиш кўрлик бўлади. Янги маданий уй-жойлар қурилмоқда. Клуб-қироатхона, мактаб, ясли, болалар боқчаси қурилди. Колхозчиларнинг уйларида электр чироқлари ёнди, хонадонлар радиолаштирилди. Умумий таълим ҳам ёмон эмас. Бу ютуқларимизнинг ҳаммасида советимизнинг қўли — роли бор. Бироқ шу ютуқларимиз қаторида кишининг кунглини хира қилиб келаётган нуқсонимиз ҳам йўқ эмас. Ўттиз-қирқ центнер, ундан ҳам ошириб пахта бераётган бригадаларимиз қаторида йигирма беш центнерга етказиб ҳосил бераётган бригадалар бор экан, бунга қандай чидаб бўлади! Ахир, қишлоқ Совети, айниқса унинг раиси ўртоқ Одилова, депутатлари яхшилаб ишга сола билганида, сайловчилар орасида етарли иш олиб борганида, бизда қолоқ бригадалар бўлмас эди! Ҳали колхозимизда бундай бригада бор экан, бу бригада ва звенолар илғорлар даражасига кўтарилмас экан, маҳаллий советимиз ишини жуда ҳам яхши деб айтолмайман. Депутат ўртоқларга мени айтадиган гапим шу!

Депутат кўтарган бу масала катта шов-шувга сабаб бўлди. Биров: «Қолоқ бригаданинг иши учун правление раиси, колхоз партия ташкилоти жавобгар» деса, бошқа бир музокарага чиққан депутат — «Қишлоқдаги катта-кичик нуқсонларнинг ҳаммасига маҳаллий ҳукуматимиз ҳам жавобгар», деб Одиловани танқид қилди.

Юлдуз «ғинг» демасдан ўтирар эди. Унинг хаёлчан кўзлари залда ўтирган депутатларга ногоҳ тушиб қолганда, гўё улар: «Одилова-ку ажабтовур пахтакор эди. У, аъзо бўлган бригаданинг бошлиғи аллақачон меҳнат қаҳрамони бўлиб олди. Звено бошлиғи бўлиб ишлайверганда, бу қизга бундоқ таъналарнинг нима ҳожати бор эди!» дегандек туюларди.

— Рост-да, йил бўйи елиб-югураман. Бир кун район ижроқўми мажлисида куним ўтса, бошқа кун район активига чақирадилар. Правление мажлисида, колхоз йиғилишида бирон марта қатнашмай кўрайчи! Йил — ун икки ой ўтказиладиган турли-туман кампаниялар, давлат томонидан кўрилаётган қайси бир тадбир қишлоқ Советисиз ҳал қилинипти-а! Буни нега ҳисобга олмайди, бу оғзи ботир маҳмадоналар, — деб ич-ичидан хафа бўларди Одилова. У танқид қилувчиларга қаттиқ зирба бергиси келарди-ю, яна ўйланиб қолиб дерди:

«Йўқ, оғир бўлиш керак. Қишлоқ Советининг иши ҳам рўзгор ишига ўхшаш-да, эртадан кечгача қимирлайсан. баъзан идорада ўралиб қолиб, бир қадам бошқа ёққз жилолмайсан. Барибир қилган ишинг кўзга кўринмайди».

...Ўша кун и сессия жуда кеч тугади. Ётмиш беш яшар Муаззам она не маҳалгача кўз юммасдан, юлдуз санаб, қизини кутиб ётарди. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада! Онанинг хаёлига аллақандай ваҳимали гаплар келарди, у ётган ўрнидан кучана-кучана кўтарилди-да, ҳовли йўлагига кўз тикди. Тун қоронги. Жимжитлик, фақат осмон гумбазида порлаб турган Зухро юлдузи негадир онадан сира нигоҳини олмасди. Она бўлса, нурсиз кўзларини йириб-йиртиб, унга узоқ тикилиб қолганда, гўё Зухро юлдуз:

«Онажон, кўп хавотир бўлаверма. Юлдузинг ойдек чақнаб «Мана мен» деган депутатларни ўз оғзига қаратиб ўтирибди. Сенинг Юлдузинг анойи қизлардан эмас. Тегирмонга тушса бутун чиқади», деяётгандек бўларди.

Осмон маликаси Зухро юлдузининг бу «тасаллиси» ҳам онани юпатолмади. Негадир борган сари ташвишланиб, кўнгли ғаш бўларди. Муаззам она туртина-туртина дарвозахона томонга борди. У жимжит қоронғи кўчага қаради-ю, яна юрагини ваҳима босди. У ажин босган юзини тириштириб, озгин панжасини ўнг қоши устига соябон қилди-да, қизи келадиган томонга кўз ташлади. Онаизор! У, шунақа қилиб қарасам, тун қоронғиси чекиниб, қора булутни ёриб чиққан тулнано сингари Юлдузим ярқириб кўринармиди, кўнглим тинчирмиди, деб ўйларди. Бироқ Она қизи йўлига қанча тикилмасин, қоронғиликдан бошқа нарсани кўролмади. Она кўнглидаги ғашлик қўр олиб кетди. Қандайдир қўрқинчли ваҳима сира унга тинчлик бермасди.

«Отаси ҳам колхоз иши деб чўлда, қўй кўрасида жон берганди. Қизим тушмагурни феъли ҳам худди отасиникига ўхшади. Ҳукумат иши турганда онаси ҳам эсига келмайди. Бўлмаса ҳўроз икки қичқирди, ҳали ҳам дараги йўқ...— Она осмонга қараб, ниманидир қидирди-да, бирданига:— Ўҳ-ҳў,— деб юборди.— Зухро юлдузи ҳам ботай деб қопти-ку. Юлдуз уйига етиб олишга шошилганда, қизим тушмагур, онамни ҳоли нима кечди, деб ҳам ўйламайди».

Она ўй-хаёл суришдан чарчаб, ғувиллаётган бошини икки қўли билан бироз сиқиб турди-да:

— Хайр, ҳар ерда бўлсин, омон бўлсин,— деб қўйди. Муаззам опа худди бир нарсани йўқотгандек ён-верини пайпаслаб, сўнг чўнқайди.

«Ажалга омон бериб, тонг отса, тўғри идорага бораман. Раис гапга тушунадиган бамаъни одам. Юлдузимни советдан бўшатдириб колхозингга ол! дейман. Агар қизим колхозингни бир томонини гуллатмаса, мени Муаззам опа демагин дейман. Ҳа-да, меннинг қизим пахта бригадасида звено бўлиб ҳаммадан бурун планини тўлдириб мукофот олгани кимнинг эсида эмас. Яна урушнинг айни қизиган вақтида-я! Ўшандай қийин кунларда иш кўрсатган Юлдузим, энди шундай маъмурчилик кунда пахтани эплай олмасмишми? Уруш вақтидаги меҳнатига қараганда ҳозирги меҳнати ҳалво деса бўлади. Гап шу: тонг отса раисга бориб айтганим бўлсин; катталаринг билан сузлаш дейман! Юлдузни қишлоқ советидан бўшатдириб, колхозга ол дейман!..»

Она ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, негадир турмади. У ўзини чарчаганини билибми, ёки шу ерда ўтириб кутса, қизи ачиниб, минбад бунчалик интизор қилмасмикин, деган умиддами, ҳар қалай, эшик олдида ўтирганича қолаверган эди.

Кечаси соат учларга яқинлашганда қишлоқ советининг сессияси тугади. Ҳамма уй-уйинга тарқалди. Юлдуз сессия протоколи ва бошқа ҳужжатларни йиғиштириб кўчага чиққанда акаси уни кутиб турганини кўрди.

— Ҳа, ака, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз, тинчликми?— сўради Юлдуз.

— Тинчлик. Бир юмуш билан юқорига ўтган эдим. Одамлар товушини эшитиб қайтдим. Мажлис чўзилса, ёлғиз кетмагин деб сени кутдим.

— Овора бўлибсиз-да...

Улар бир неча қадам жим боришди... ниҳоят акаси:

— Ҳойнаҳой, энам ёлғиздирлар-а?..— деди синглисига.

— Ҳа жуда бошим қотиб қолди. Менга кашол бўлманг, беҳавотир ухлайверинг десам, қаёқда?.. Мўлжалларидан сал кечикиб борсам, кўчага чиқиб олиб, тонг отгунча ҳам ўтираверадилар. Ҳайронман, нима қилсам экан-а?

Онанинг бу ташвиши ўғли Мусонинг эски дардини янгилади.

Бир минг тўққиз юз қирқинчи йилда оила боши Одил ота қўққисдан вафот этди. Оиладаги беш жондан

эркаги Мусо эди. Орадан сал вақт ўтмай, Ватан уруши бошланиб қолди. Ёш йигитча Мусо Ватан мудофааси учун фронтга жўнаб кетди. Кексайиб қолган она эркак-сиз, қизлари билан гангиб қолди.

Улуғ Ватан уруши фронтида Муса ўз бурчини ша- раф билан бажарарди. Она тўрт қизини қаватига олиб, колхозда меҳнат қилар, қизил қўшинга мадад бериб турарди. Муса эса сапёр эди. Ҳужумга отланаётган қисмларимизга йўл очиб бериш учун Муса ўлимни писанд қилмасдан, душман миналарига чанг солар, гит-лерчилар пулемёти очиб турган ўқ бўрони остида ти-канли сим тўсиқларини эпчиллик билан кесарди.

Ленинградни душман қамалидан қутқаришга тайёр-гарлик бошланган кунларнинг бирида Муса Одилов хизмат қилаётган сапёрлар батальони жанговар топ-шириқ олди. Ҳужум олдидаи душман позицияси бўса-галари мина ва ҳар хил тўсиқлардан тозаланиши керак. Миналаштирилган майдон душман мудофаа маррала-рига жуда яқин, шу билан бу майдон доим немис куза-тувчиларининг назоратида. Душман амбразурларидаги пулемёт ва тўплар ҳар минутда ўт очишга ҳозир... Ана шу даҳшатли ўлим қучоғига биринчи бўлиб кириб бор-ган ва шонли Ленинград ҳужумкорларига йўл очиб беришда қаҳрамонлик кўрсатганлардан бири Муса эди. У, бу тенгсиз жангда мардона олишиб, чап қўлидан аж-ралган эди.

Душмanning ўт очиш позицияларига дарвоза очиб, жавлон уриб юрган кезларида ёки госпиталларда даволаниб ётган чоқларида Муса меҳрибон она-сининг юрак қони билан ёзилган хатларини олиб ўқир-ди. Бу мактубларда ёзилган ҳар бир сўз Мусанинг дардига шифо бўлганди, юрагига дармон бўлиб қўйил-ганди.

«Раҳмат болам, берган сутимни оқлабсан. Розиман. Биздан хавотирланма. Сингилларинг соғ-саломат, она-бола колхозда ишлаб юрибмиз. Гоҳ оч, гоҳ тўқ, бир кунимиз ўтапти. Кўп нима бўлса, биз ҳам шу. Қизил аскар ўртоқларингга оналик саломимни айтиб қўй. тезроқ соғай. Рози бўлиб элга қайт...

Йўлларингга кеча-кундуз нитизор бўлган энанг».

Муса бутун борлигини чулғаб олган ўтмиш хотира-ларини эслар экан: «Бечора онам,— деб юборди.— Ҳа-мон уйқусиз... меҳрибон кўзлари кеча-кундуз йўлимизда...

— Ака, мажлисдаги гапларни эшитдингизми? — тўсатдан сўради Юлдуз.

— Ҳа, ҳаммасини эшитмасам ҳам, қисман эшитдим.

— Мени дўппослаганлариними? — шошиб сўради Юлдуз.

— Сени дўппослаганларини кўрмадим-у, лекин танқид қилганларини эшитдим.

— Шундақа танқиддан дўппослаганлари яхши эди. Қолоқ бригадирлар иши учун ҳам қишлоқ совети жавобгарми! Ундай бўлса, колхоз партия ташкилоти нима қилиб ўтирибди? Бригадир иши учун правление зиммасидаги жавобгарлик кифоя қилмас эканми?

— Кифоя қилмабди-ку! — синглисининг сўзини бўлди Муса. Гапингга қараганда, колхоз иши орқада қолса, қишлоқ Совети жавобгар экан. Колхоз, ахир, бригадалардан иборат-ку.

— Сиз ҳам ўшаларнинг томонини оласиз! — деди мунгли бир овозда Юлдуз.

Муса ортиқ баҳслашиб ўтирмади. Ҳозирги ҳар қандай тўғри гап синглисининг ярасига туз санган билан барабар эди. У ётиги билан сўз бошлади.

— Менимча, улар сени ёмон ишлади, деганлари йўқ. Аксинча, колхоз қўли сармояси билан қилинган ишларни ҳам сенинг помингга ёпиштирдилар. Клубни қишлоқ совети солган эмас-ку, ахир. Сенинг ўрнигда мен бўлсам, ҳали ҳам бир йўлини қилиб, колхозга қайтардим. Пахта ишини бошқалардан кам билмайсан-ку, тўғрими?

— Тўғриликка-тўғри-я, аммо жавоб беришармикин? — акасига ёлворгандек мурожаат қилди Юлдуз.

— Сенга қишлоқ Совети раислигини ҳеч ким умрбод хатлаб берган эмас. Ким бўлмасин, давлат ва жамоатга қаерда кўпроқ фойда етказса, ўша ерда ишлаш керак. Партия ҳар қачон шундай деб уқтириб келмоқда. Энди одамларнинг сараси юқоридан пастга келяпти... — Акасингил гап билан бўлиб, уйга яқинлашиб қолганини ҳам сезишмади. Муса қоронғида келаётган аёлга тикилиб қаради-да:

— Ана, айтмовдимми, энанг йўлингни пойлаб ўтирибди деб, — деди.

— Ҳой болам, келяпсанми? Ёнингдаги ким? Мусамисан! Сен ҳам синглинг билан эдингми, болам? Нақ Юлдузининг кута-кута кўзим тешилди.

— Кўча-кўйда довдираб юрганча, уйда дам олсангиз бўлмайдими?— деди Юлдуз.

— Ҳеч бандани она қилиб яратмасин экан... Тонг отсин ҳали, нақ устингдан арз қилмасам!

— Ҳа, нима гуноҳ қилдим, эна?— Сергаклик билан сўради Юлдуз.

— Тушда пиширган ошим қозонда ланж бўлиб ётибди.

— Ошни ўзингиз еяверсангиз бўлмасмиди?

— Сенсиз томоғимдан ош ўтармишми! Ҳали келар дейман, йўқ. Кўчага чиқаман, уйга кираман. Уйга кираман, кўчага чиқаман. Қани энди кўрина қолсанг. Қараб тур-чи, тонг отсин, раисга бориб устингдан арз қилмасам...

— Эна қизиқсиз-а. Ҳукумат тепасидан колхоз раисига арз қиладими киши?— жўрттага шўхлик қилади Муса.

— Синглинг ҳукумат бўлса, бўпти-да. Қолхоз раиси ҳам ўзича ҳукумат. Ҳар қаерда сўзи ўтади.

— Маъқул, эна, маъқул,— деди Муса, она асабини босмоқчи бўлиб.

— Сен-ку, гапимни маъқуллайсан-а... Лекин синглинг...

Она ортиқ гапиролмади. Унинг нафаси қисилди, кўзига ёш олиб, бола сингари йиғлай бошлади.

— Хўп, энажон, бундан кейин гапингизга кираман, айтганингизни қиламан, йиғламанг. Раисга арзга бориб юрманг, хўпми?— деди Юлдуз онасини қучоқлаб, унинг сўлғин ва ажин босган юзларидан ўпди.

— Яраш-яраш қилинглар. Бундан кейин Юлдуз сизни куттирмайди. Хўпми, эна? Хайр, энди менга жавоб, шошиб турибман. Қўриққа боришим керак.

— Қўриққа?— таажжубланиб, ўғлига қаради она.— Шундай бемаҳалда худонинг чўлида, итинг адашди-ми, болам.

— Қўриққа трактор чиқарган эдик. Ҳамма ўша ерда. Тракторчилар ер ағдаряптилар.

— Зим-зиё, сувсиз чўлни ҳайдаб, нима қилмоқчисизлар?— сўради она.

— Обод қилмоқчимиз. Шафоат бригадаси билан чўлга чиқиб, янги ер очиб, чўлни обод қилишмоқчи.

— Кўрдингми! Ишни Шафоат қияпти,— деди ўғлининг сўзини юлиб олиб она.— Гап билгунча иш бил,

леб шуни айтади-да. Мажлисда умр ўтказгандан кўра Шафоатдан ибрат ол. Пахта экиб, у элга танилди. Бригада бўлиб, элини тўйдирыпти. Отасига раҳмат Шафоатнинг. Ўрт обод қилган кишининг икки дунёси обод бўлади. Етти пушти ўтганда ҳам номи унутилмайди. Ўрт обод бўлсин, ўйнаб-кулиб умр кўринглар. Майли, вақт кетди. Бора қол, болам. Ҳой Ўлдуз, жойинг солиглиқ, кирақол. Озгина мизғиб ол. Ана, ҳадемай тонг отади. Ана тонг юлдузи ҳам кўриняпти,— деди осмондаги юлдузларга кўз югуртириб она.

Муса энаси билан хайрлашди-да, тез-тез қадам ташлаб қоронгилик ичида кўздан ғойиб бўлди.

Муаззам она ўрнига кирар экан:

— Кўрсатганингга шукур,— деб қўйди.

* * *

Уша йили бутун мамлакат Улуғ Октябрь революцияси қирқ йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишга тайёрланар эди. Шунинг учун ҳам сўнгги икки ҳафта ичида бу колхознинг ишга яроқли ёш-қари ҳамма аъзолари далага чиққан эдилар. Катта-кичикнинг фикри ёди планни тўлдириб, сўнг яйраб-яшнаб байрам қилиш эди. Колхоз правлениеси билан қишлоқ совети зарур бўлган ҳар бир соатда кенгаш қилар, соат ва кун сайин очилиши кутилган кўракларни хомчўт қилиб, теримчилар сонини белгилаб чиқар, қайси кун, қайси бригадага кўпроқ куч ташлаш чораларини кўрарди. Ўлдуз идорада жуда кам бўлиб, кўп вақтини бригадаларда ўтказарди. Мана ҳозир ҳам олтинчи бригаданинг дала-сида. Бу ерда ҳам ҳурматли қариялар ёшлар қаторига кириб олиб, «Ҳа, азаматларим, ол, ҳа, ол!» қилиши теримчиларга далда берар, уларнинг руҳларини кўтаришарди.

Ўлдуз теримчилар билан саломлашиб «ҳорма — бор бўл» қилишди. У чаноқда қолган пахталарни тера туриб, теримнинг қандай бораётганини Қўчқор бўғолтир номи билан машҳур бўлган мўйсафиддан сўради. Ота кун сайин пахта камайиб бораётгани, пеш очилгани пеш териб олинаётганини айтди.

— Социализм ҳаммадан олдин ҳисоб — деган машҳур гапни оддий кишиларга қараганда бухгалтерлар

яхши билувчи эди,— деб отага ҳазиломиз гап қотди Юлдуз.

Ота бу қочиримининг маъносига тезда тушунқирамай бир оз гангиб тургач, «ҳа, социализмда ҳам, коммунизмда ҳам одамлар ҳисоб-китобсиз яшай олмайдилар... афтидан, сен қизим, чаноқларда қолдирилаётган пахталарга шама қилаётган бўлсанг керак... ҳа-ҳа, танбеҳинг ўринли, ҳақиқатан ҳам ҳар тупда бир граммдан пахта йўқотилгудек бўлса, бир гектар ердан 70-80 килограмм пахта йўқотилади. Мен буни ҳар вақт теримчиларга айтиб келаман. Буларга ҳам айтдим. Минбад бундай хатога йўл қўймасликка сўз беришдилар. Ишонмасанг, ана у томонга қара, биронта чаноқда пахтани кўрармикинсан...» деди.

Юлдуз тупларни кўздан кечирар экан:

— Правление бешинчи ноябрда колхоз пахта планини бажаришга қарор берди, хабарларингиз борми?— деб сўради.

— Хабаримиз бор,— деди чаноқларда қолган пахталарни териб, Қўчқор ота.— Эрта билан бригадир ҳаммага уқтирган эди. Теримчилар кунлик планини бажармасдан уйга қайтмасликка сўз беришганлар. Раис бешинчида бажарамиз деган бўлса бажарамиз, хотиринг жам бўлаверсин, қизим,— деди виқор билан Қўчқор ота.

Колхозининг энг донгдор пахта устаси, тажрибакор бригада бошлиғи Султон ота билан учрашув ва унинг иш тажрибалари билан яқиндан танишув иштиёқида ёниб юрган Юлдуз олтинчи бригада шийпони томон йўл олди. Юлдуз бригада пайкалига кириб борганда музика садоси кенг далада янграрди. Эрта наҳордан тушгача қаддин дол қилиб, камалакдек букилиб, ҳориган киши учун «Роҳат» куйининг дилрабо оҳанги нақада сўлим, оромбахш эканлигини шу шийпонда ҳордиқ чиқариб ўтирган колхозчиларнинг юз-кўзидан, завқланиб тебранишларидан билиб олса бўлар эди. Ажабо, бу қадар дилрабо куйининг ижодкори ким бўлса экан?

Шийпонда тушлик қилаётган колхозчилар куй завқда гўё сархуш эдилар. Юлдуз теримчилар роҳатини бузгиси келмади, уларга кўриниш бермасдан, ариққа тушиб муздек сувга бет-қўлини ювди-да, салқинда концерт тинглаб ўтирди. Концерт тамом бўлди. Юлдуз шийпонга келиб, колхозчилар билан «ҳорма — бор бўл» қил-

гандан сўнг, бригада аъзолари билан суҳбат ўтказди. Суҳбатнинг асосий мазмуни Улуғ Октябрь қирқ йиллигини меҳнат зафарлари билан кутиб олиш эди. Ҳар куни уч юз килограммга етказиб пахта тераётган шу бригада аъзоларидан Баҳри, Гули, Йўлдош, Эркаой, Норгуллар касбдошлари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар...

Бригада бошлиғи Султон ота хирмонда эди. У қури-тилган пахталарни қоплатиб, пешма-пеш пунктга жўнатиш билан банд бўлиб, тушликда ҳам аъзолари билан бирга бўлолмаган эди. Юлдузнинг бу бригадага келишдан яна бир муроди Султон ота билан учрашув эди. Бригада ошпазининг айтишига қараганда, ота ҳозир овқатланишга келар экан.

— Мен қўлбола чой дамлаб берай. Чой ичиб, дам олиб туринг,— деди ошпаз ва каравот устига бир чойнак чой келтириб қўйди. Юлдуз чойни қайтариб, энди бир пиёла ичган эдики, ота от йўрғалатиб келиб қолди. У отни дарахтга боғлаб, ювинди. Ошпаз келтириб тутган оппоқ сочиққа юз-қўлини артар экан, сўради:

— Аъзоларни яхшилаб овқатлантирдингми?

— Ош ширин бўлган экан, мақтаб-мақтаб ейишди.

Юлдуз Султон отанинг ҳурмати учун ўрнидан туриб, уни каравотга таклиф қилди. Ошпаз дастурхон ёзиб, тунука лаганда ош келтирди. Ота пичоғини олиб, тигини дастурхонга артди-да, ошнинг гўштини тўғрар экан, бажариб келган ишлари тўғрисида гапира кетди.

— Ўтган кунги ёмғир ҳаммага иш орттирди. Пахта пунктида бўлса тўполон. Пахта ортган арава, машиналар тикилиб ётибди. Нам экан, деб пахталарни қайтаряпти.

— Эндиги ҳавога ишониб бўлмайди. Олди қиш. Теримга зўр бериш керак,— деди Султон отага чой узатар экан, Юлдуз.

— Қани, ошга қаранг!

— Бемалол. Биз ҳозиргина едик.

— Мен кўрганим йўқ. Қани, бирга олишинг,— деди гўшт тўғраб бўлгач, пичоқ ва қўлини сочиққа артиб Султон ота.

Юлдуз биргалашган бўлиб, қўл учида ош олиб турди.

— Хабарингиз бўлдим, бригадамиз тушгача қанча пахта терибди?

— Табелчингизнинг айтишича,— деб изоҳ берди Юлдуз,— кунлик норманинг етмиш проценти бажарилибди.

— Кечгача яна қирқ-эллик процент териб қўйсалар тузук бўлар экан. Иш шундай бориб турса, бешинчида планимиз юздан ошиб кетади. Икки-уч бригада колхозни орқага тортиб гурибди-да. Бўлмаса-ку...

Юлдуз Султон отанинг сўзини бўлди:

— Мен сиз билан бир гаплашмоқчи эдим.

Ота эшитаман, дегандай ҳамсухбатининг оғзига қаради.

— Энди колхозга қайтсам, деган ўйим бор. Мана, ахир, олти йил раислик қилдим...

— Сабаб?— деди таажжубланган бир вазиятда ота.

— Нима деб тушунтирсам экан сизга... Қишлоқ Советининг иши ўзингизга маълум... У ерга кўпни кўрган оқсоқол одам керак. Менга ўхшаган ёш-яланг учун колхоз маъқул эмасми?

— Колхозда ким бўлиб ишламоқчисиз? Раис билан сўзлашдингизми?— сўради ота.

— Ҳали раисга ҳеч нарса деганимча йўқ. Агар маслаҳат берсангиз, биронта қолоқ бригадани сўрасамми, деган ўйдаман.

— Сўранг, яхши ўйлабсиз,— деди жонланиб Султон ота.— Қишлоқ Советига биронта тишқоқтини қўйса ҳам иш бораверади. Колхозда бўлса, бригадирнинг ўрни катта. Мана, мени олдинг: бир вақтлар колхоз кичиклик вақтида раис бўлиб, кейинчалик ҳосилот бўлиб ҳам ишлаганман. Колхозчилар бирлашиб йириклашгач, иш ҳажми улғайиб кетди. Катта рўзғор учун катта бош, тажриба, билим керак бўлиб қолди. Минг гектардан кўпроқ ерга пахта экиш ҳазил гап эмас. Чорва, ғалла, пилла озмунча ташвишми? Ҳаммадан ҳам қийинроғи одамлар билан муомала қилиш. Бригадирлик ҳам осон иш эмас. Қўлингизда юзта одам бўлса, табиати юз хил бўлади.

Ленин номли колхозда раис бўлиб ишлаган вақтимда бир юз қирқ гектар ерга пахта экардик. Ўша вақтда колхознинг ўртача ҳосили ўн беш центнер эди. Колхоз бирлашгандан сўнг мен саксон гектар ер олиб, бригадирлик

қилдим. Шу йилиёқ ҳар гектаридаан ўттиз центнердан ҳосил олдик. Бир минг тўққиз юз эллик еттинчи йилда ўзим раис бўлиб, ишлаган Ленин участкасини сўраб олдим. Мақсадим раис бўлиб туриб қила олмаган ишимни бригадир бўлиб қилиш эди. Шу йил баҳорда бир юз қирқ тўрт гектар ерга чигит эдик. Мана, ишнинг боришидан ўзингиз хабардорсиз. Айтинг-чи, гектаридаан қанчадан пахта топширибмиз?

Юлдуз ён дафтарчасини очиб қаради-да, колхоз ва бригадаларнинг пахта майдони, кундалик терим, топширилган пахтанинг миқдори ҳақидаги маълумотларни кўздан кечирди.

— Шу кунгача қанча пахта топширибмиз? — такрор сўради Султон ота.

— Қирқ беш центнердан топширибсиз.

— Қирқ беш центнер, бу кечаги сводка-ку. Биз қирқ беш центнердан оширсак оширамиз-ки, кам бермаймиз, — деди ишонч билан Султон ота.

Юлдуз отага ёпишиб олди. У, отадан юқори ҳосил етиштириш йўллариини билиб олишни истар эди. Ота бўлса маслаҳат беришдан бурун, ундан қайси участкада ишлаш ниятида эканлигини сўради. Юлдуз ҳали аниқ фикрга келмагани, агар Султон ота маслаҳат бергудек бўлса, Соҳиб ёки Холиқнинг бригадасини сўраш ниятида эканлигини айтди. Бу бригаданинг бири йигирма беш центнерга етказиб ҳосил бериб келаётган бўлса, иккинчисининг ҳосили ўн олти центнердан ошмаган эди. Бошқа бригадалар қирқ, қирқдан ошириб пахта бераётганда, бу бригадаларнинг қолоқ ҳисобланиб, қишлоқ Совети сессиясида танқид қилиниши, албатта, бежиз эмас эди.

— Сиз Саодатнинг бригадасида ишлаганмидингиз? — уйчан кўзларини Юлдузга тикиб сўради ота.

— Бригадасида эмас, звеносида ишлаган эдим. Бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йилда бухгалтерлар курсини битириб келганимда Саодат звено бошлиғи эди. Уруш бошланиб, опанинг бошига ҳам оғир кулфат тушганди. Урушнинг бошидаёқ куёви фронтда ҳалок бўлди. Орадан кўп ўтмасдан, отаси ҳақида қора хат келди. Бу мусибат етмагандек, қўққисдан боласи касал бўлиб, оз вақт ичида у ҳам нобуд бўлди. Саодат опам бошига тушган бу кулфат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Эри, отаси, якка-ягона овунчоғи — ўғилчасининг алами юра-

гидан ўчмасдан, акаси Ленинград фронтида қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида яна қора хат келиб қолди. Унинг ўлими туғрисидаги шум хабар мактаб ўқувчилари қулоғига етганда йиғламаган бола қолмаганди. Ана ўша огир кунларда мен Саодат опам билан бирга эдим. Бирга ишлаб, ғам-ғуссасига ҳамдам бўлгандим.

Саодат опам иродали аёл. Ёш бошига устма-уст тушган кулфатдан ўзини йўқотмади. Меҳнат билан ўзини овутди... Чидамига, мардлигига қойил бўлганман. Ҳали-ҳали эсимда: қирқ иккинчи йилда Саодат опам звено бошлиғи бўлганда етти гектар ерга пахта эккан эди. Ҳозирги кунда ишлаётган Тўлавой ўша вақтда звеномизнинг энг кенжатоғи эди. У муштдек боши билан қўш ҳайдаганда бизлар ҳайрон қолардик. Звеномиз ҳар гектар ердан етти центнер ўрнига ўн тўрт центнердан ҳосил олганда роса газетада мақталган эдик. Энди бўлса колхозимизда йиғирма беш центнер пахта бераётган бригада қолоқ ҳисобланади. Саодат опам пахтачиликда устозим. Лекин,— деди Юлдуз,— ота узатган пиёлани слиб чой қуяр экан,— сизнинг йўлингиз бошқа. Сиз орқада қолган бригадаларни илғорлар сафига қўшаётган устозсиз.

Султон ота ўзининг янги плани ҳақида сўз очди. У ўзи тарбия қилиб келаётган табелчиси Расулжонни ўз бригадасига бошлиқ қилиб қолдириб, Соё участкасидаги қолоқ бригадалардан бирини сўраб олиш ниятида эканлигини айтди, ҳозирча, бу гап «сир сақланиши керак!» деб огоҳлантириб ҳам қўйди. Султон отанинг айтишига қараганда, бу участкадаги икки бригаданинг қолоқ бўлишига сабаблардан бири аъзоларнинг томорқага берилиб, жийда, қаймоқ сотиш билан свора бўлиб юриши экан. Колхозчи учун тирикчилик манбан бозор эмас, колхоз бўлгандагина колхоз гуллаб, давлат ҳам, аъзолар ҳам хурсанд бўлишлари муқаррар эканлигини қайта-қайта уқтирар эди. Бригада, звено бошлиқларини таплаш энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифадир, ота ўз звено бошлиқлари амалга ошираётган ишлар, юқори ҳосил етиштиришдаги бой тажрибаларини батафсил сўзлаб берди. Ҳосилнинг паст, ўрта, юқори бўлиши кўп жиҳатдан тупроқнинг таркиби, унинг семиз-ориқлиги, ғўзага ишлов берилишига боғлиқдир. У агротехника қондаларига риоя қилиш зарурлиги ҳақида гапириб, машиналарни маҳорат билан ишлата

биладиган тракторчиларни таилаш кераклигини таъкидлади.

Ер бўлса-ю, сув етарли бўлмаса, юқори ҳосил етиштириб бўлмайди. Ҳар бир участканинг шароитини ҳисобга олиб, етишмаган нарсаларни топиш тўғрисида ўйлаш керак. Султон ота бунга мисол қилиб, ўзи қабул қилиб олган қолоқ участкада ер яхши бўлиб, сув етарли бўлмагани учун ҳосил паст бўлиб келганлиги, бригадани қабул қилиб олгандан кейин Зарафшондан мотор билан сув чиқариш натижасида ҳосил икки барабар кўтарилганини ҳикоя қилиб Султон ота билан Юлдуз ота боладек узоқ суҳбатлашдилар.

Мана, орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Колхозда халқ сайили гумбир. Ўз фаслининг сўнгги кунларини кечираётган куз ҳам колхозчилар билан табиатсозлик қилиб, ҳар қачонгидан кўра дили равшан кўринарди. Дарахтлар заррин япроқларини қўшиқ айтишиб, кўча тўлдириб, клуб томон оқаётган қиз-йигитлар бошидан саргардон қиларди. Нуроний мўйсафидлар, оқсоч оналар чорпояларда ноз-неъмат, шира-шарбат тўла дастурхонлар атрофида гурунг қуриб ўтирардилар.

Бир гала қизлар, ўспирин йигитлар қуршовида байроқ кўтаришиб, ўзлари тўқиган газални куйга солиб, қўшиқ айтиб келмоқдалар.

Номимизни улуғлаган октябрь,
Меҳнаткашни қадрлаган октябрь.
Золимларнинг ерга тиқиб бошини,
Бахт йўлини очиб борган октябрь.
Дўстларимиз боши бўлган октябрь,
Тинч-тотувлик посбони октябрь.

Мактаб ўқувчилари чалаётган дўмбира, карнай садолари янграрди.

Донгдор бригадирлар бошлиқ қиз-йигитлар ўз байроқларини кўтариб чорпояларда ўтирган колхоз ветеранлари олдидан тантана билан ўтмоқдалар. Қиз-жувоңлар, йигитларнинг кийимлари турли рангда товланарди. Қалбларда ғурур, лабларда ханда!

Идора айвони томонида жуссаси кичик, қора мунчоқдек кичик кўзларида қувонч порлаб турган, бошига

қизил дуррача ўраб, нима ҳақдадир гап маъқуллаб келаётган Юлдуз билан гавдали, гўштор, кўкрагида олтин юлдуз ва орденлар порлаб турган донгдор бригада бошлиғи Саодат кўринди. Клуб олди майдонда тўпланганларнинг диққати шуларда. Халойиқ орасида шивир-шивир бошланди.

— Юлдуз опа Советдан бўшатилибди. Шу гап ростми?— сўради ўн тўрт ёшлар чамасидаги ўқувчи бола.

Унинг ёнида турган бир қиз, болани жеркиб берди:

— Билиб гапир. Юлдуз опамни ҳеч ким бўшатгани йўқ, ўзлари бўшаганлар, колхозга қайтаман, деб ариза берганлар.

Чорпояда ўтирган чўққи соқол, укки қош, чўзиқ юзли бир чол улфати узатган пиёлани ола туриб, секин сўради:

— Соҳибни бригададан бўшатди дейишадилар, ростми?

— Ҳа,— деди чой қуяётган кекса колхозчи.— Икки бригада қўшилиб битта бўпти. Ҳозирча бу гап пинҳона. Эрта-индин гап арзон бўлиб қолса керак. Миш-мишларга қараганда, Сельсоветимизнинг ранси Юлдузой бригадир бўлармиш.

— Эҳе, сабаб?— қулоқарини динг қилиб улфати томон энгашди чол, чорпоядагиларнинг ҳаммаси бу хиппаки суҳбатни эшитиш учун чўзилишиб, оғизларига талқон солгандек жимжит бўлиб қолдилар.

— Афтидан, бир мажлисда орқада судралиб бораётган ҳалиги бригадалар тўғрисида қалтис бир гап бўлган... у қалтис гапнинг бир учи Юлдузойга ҳам тегиб кетган.

— Қанақа қалтис гап экан?— шивирлаб сўради чол.

— Афтидан, колхоздаги қолоқ бригадалар учун Юлдузойни ҳам чимчилаган бўлсалар керак.

— Уҳў, гап бу ёқда денг?— деди чўзиб, тингловчилардан бири.

— Ҳимм, териси юпқа аёл эмасми, шу гап бақона бўлибти-ю, «Мени Советдан бўшатиб, қолоқ бригадага юборасизлар»— деб туриб олибди.

— Ҳа, Хонбувининг кечаги гапида жон бор эканда,— деб қўйди, ёнидаги колхозчига ниманидир маъқуллашиб, бўйи пакана, ошқовоқдек думалоқ, боши

катта, юзи чўзиқ, соқолсиз энгаги жагига қапишиб кетган ўрта ёшлардаги бир одам.

— Ёш бўлса ҳам серғайрат, ориятли аёл. Агар қо-лоқ бригадага ўзи талаб қилиб бораётган бўлса, мард-лик кўрсатибди.

— Тўғри айтасиз, Юлдуз ёш бўлса ҳам ҳафсала-лик, ҳаваси зўр аёл. Қолоқ бригадага бошлиқ бўлса, ўринлатиши турган гап.

— Ҳар қалай, охири бахайр бўлсин,— деб қўйди чол.

— Кўрасиз, бир йилнинг ўзидаёқ бригадани оёққа турғизади. Балким энг илғор бригадаларга етиб, улар-дан ўтиб ҳам кетади.

— Нимага ишониб бу одам мунча кўпиряп-ти?— пешанасини буриштириб пичинг қилди чорпоя бурчагида биқиниб ўтирган ҳалиги ошқовоқ-тахлит одам.

— Мен айтдим, хўп деяверинг!— деди бепарволик билан колхозчи.— Шу бу йилнинг ўзида қирқ центнер-дан ҳосил берса нима дейсиз? Келинг гаров бойлаша-миз.

— Хўп.

— Нимадан.

— Қўйинг шу бодилигингизини,— деди ўзига узатил-ган қўлни четга суриб, ҳалиги пакана одам.— Пахта иши ҳам об-оташдай гап. Йилнинг қандай келишига боғлиқ.

— Бу бемаъни гап!— деди зарда билан Юлдузнинг ташаббусини қувватлаётган киши.— Бир колхозда, бир хил ер-сувда, бир хил об-ҳавода, ҳатто бир вақт-да чигит экиб, бир нечта бригада қирқ, қирқдан оши-риб пахта берганда, бошқа бригада ўн олти центнер-дан пахта бераётганини кўриб турибмиз. Об-оташ эмиш! Сидқидил билан йиғласа, сўқир кўздан ҳам ёш келар экан. Ҳамма гап астойдил меҳнат қилишда! Ақл-идрокни, техникани, одамларни ишга сола би-лишда...

Даврада ўтирганлар ҳаммаси Юлдузой ташаббуси-ни табрик қилган эдилар.

Ҳаво очиқ. Қуёш чарақлаб, офтоб эртанги совуқ изгиринни бутунлай ҳайдаб юборган эди. Қишлоқ ки-шилари яйрашиб Октябрь қирқ йиллигини байрам қи-лишарди.

Юлдуз ўз сўзининг устидан чиқди. У, қўллаб-қув-

ватлаганларни ерга қаратмади. Жон куйдириб меҳнат қилди. Ўз атрофидаги кишиларга меҳнатда, шахсий ҳаёт кечиришда намуна бўлди, бошқалар ундан ибрат олишди. Оқибатда ўша йилнинг ўзидаёқ юз гектар ернинг ҳар гектарида қирқ центнердан пахта етиштириб ўз аҳдини шараф билан бажарди.

Коммунизм тонгининг серзие бу юлдузи ҳамон нур сочиб порламоқда, унинг меҳнатида эл дастурхони тўкин, зиёсидан кўпнинг дили равшан.

ҲИКОЯЛАР



ОЛТИНОЙ

Ўз хотининг тўғрисида гапириш анча ўнғайсиз. Умуман аёл киши ҳақида гап юритиш осон эмас. «Ўз севгилсининг сирини ошкор қилиш йигит кишига уят» дейилади халқ мақолида. Тўғриси, жим юришим ҳам шунинг учун эди. Энди асло жим юролмайман.

Ахир, Олтиной ўз қилиқлари билан мени қандай аҳволга солиб қўймади! Агар иш арзимас бир нарса устида бўлганда бошқа гап эди. Оилада гоҳо машмашалар бўлиб туради. Буларга чидаса бўлади. Бу ўринда аҳвол бутунлай бошқа. Бу аҳволдан осонгина қутулиш мумкин эмас. Шундай мушкулки, ярашиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Уруш! Гап ҳаёт-мамот устида борарди. Шунинг учун ҳам мен севганимга:

— Ё мен, ёки...— дейишга мажбур бўлгандим.

Эшитворинг-чи, ҳаммасини бирдан айтиб берай. Мен бундай аҳволга тушиб қолганимни англатиш учун батафсил баён қилиб беришим керакка ўхшайди.

Воқеа Олтинойни идорада кўриб қолган кунимдан бошланди. У нозанини кўрдиму, юрагимдан урди. Қандай қилиб унинг шайдоси бўлиб қолганимни билолмай қолдим.

Мен уни қандай севиб қолдим? Бу сир, юрак сири. Ошкор қилиб бўлмайди. Аммо Олтинойнинг тапиш-билишлари менинг аҳволимни тушунади, ҳайрон ҳам бўлмайди.

Олтинойнинг шаҳло кўзлари порлайди. Киприклари юзига соя ташлаб юмилади. Буни кўрган ҳар бир йигит мафтун бўлади қолади. Ҳа, Олтинойнинг сеҳргар жоду кўзлари йигит севгиси сирини сақловчи юрак торларини ҳам чертиб, қўшиқ куйлашга ундайди.

Аммо, гап унинг кўзлари, киприкларидагина эмас. Мен буни шунчаки айтиб ўтдим-да. Гап бутунлай бош-

қа нарасада. Мен Олтинойни яхши кўриб қолдим, гўё атир гул шохида пола қилаётган булбулга ўхшаб қолдим. Қизиқ. Булбул фиғон қилади, мен бўлсам ўхтиш-ўхтин хўрсиниб, йиғлайман. Куйиб-ёниб, кишиларга сездирмай юм-юм йиғлайман. Ахборингиз учун ўша вақтда ҳам мен унча ёш эмас, ўзини тутиб олган йигит, бухгалтер эдим. Шундай бўлса ҳам оҳ тортганим-тортган эди. Бу аҳволимни идорадаги ўртоқларим сезиб қолмаса яхши эди, деб хавотир олардим.

Лекин остопада Олтиной кўриниши билан юрагим ҳовлиқиб, ўзимни унутиб, нима қилишимни билмай қолардим. Бироқ азоб тортган фақат мен эмасдим. Олтинининг дастидан механик Расул, звено бошлиғи Каримларининг ҳам юрак-бағри ўрташиб, жигари кабоб бўлиб юрар эди. Олтинойни кўрганда ҳатто, бош агроном Эргаш ака ҳам саросимага тушиб, юзи лавлагидек қизариб, овози ўзгариб, ўзини йўқотиб қўярди. Мен бўлсам столимда миқ этмай ўтириб, бу манзарани кузатардим. Гарчи счёт доналарини шарақ-шуруқ уриб иш билан банддек кўринсам-да, кўзимни агрономдан узмасдим. Эргаш ака бўлса Олтинойни доим мақтар, унинг ишларига қойил қолган бўлиб, мажлисларда нуқул унинг номини тилга олар эди. Эҳтимол, бунга Олтинойнинг жоду кўзи, мужғони сабаб эмасдир. Олтиной звеноси юқори ҳосиллиғи билан машҳур эди. Шундай бўлгач, шубҳасиз, Олтинойнинг иши бош агроном Эргаш аканинг обрўини кутариб келарди. Эргаш ака кимнинг соясида соялаш, кимнинг ҳароратида исинишни, кимни яхши кўриш, кимга яхши кўринишни тушунадиган, биларган одам эди. Олтиной машъалдек нур сочиб, ўз шуқрати билан колхоз донгини бутун районга ёйган эди.

Қанча уринмасин, Олтиной номини тилдан қўймасин, барибир Эргаш ака Олтиной кўнглини ўзига ром қила олмасди. Олтиной чўлпон кўзларини жавдиратиб, камтар, камгап, камсуқум мендек бир бухгалтерга жуда ёқимтой бир қиёфада юрак ўйнатувчи табассум қилди-ю, бу билан мени тузоққа илинтирганини бошқалар ҳам сезиб қолган эди.

Камтарлик, камгаплик — яхши фазилат. Буларни қадрламай бўладими?.. Ўша вақтда Олтинойга секингина:

— Ҳурматли қахрамон, бу ёққа қаранг!— деган эдим.

Унда Олтиной ҳали, Меҳнат қаҳрамони унвонига эга эмас эди... Лекин мен олдин башорат қилиб, унга ҳисоб-китоб натижасини кўрсатган эдим. Ҳисоб-китобда ёз бўйи қилган меҳнати шундан далолат берарди.

Олтиной ведомостга кўз қирини ташлади. Беш юз меҳнат куни-я!.. Қоғозга кўзи тушди-ю, юз-кўзларида табассум ўйнади, кўзлари кўзимга туқнашганда миннатдорлик порлаб кетди.

Ҳа, мен учун бу унутилмас ажойиб кун эди. Шоирона айтганда, кўз бўлишига қарамай, қувонч кўнглимга баҳор қанотида учиб кирганди.

Менинг олдимда ёйилиб ётган ҳисоб-китобларидан кўз узолмасдим. Чунки у шеърят китобига айланиб, ҳар сатри Олтиной тўғрисида куйларди. Шундай қилиб, бахтим келиб, баҳорим бошланганди.

Мен танлаган ёри қариндошлар ва яқин дўстларим маъқул кўришди. Кексалардан донишманд Султонбобо:

— Пулатдан этик, темирдан ҳасса қилиб дунё кезсанг, эгининг лиёз пўстидек сийқаланиб тешилса, ҳасанг ейилиб игнадек бўлганда ҳам бундай қизни тополмайсан. Бир ўн икки-уч киши ўринга шиласа, ўн кишинга бани экан,— деб мақтаганда, ранс завқланиб:

— Э, сен ўйингга кимни олиб киришингни пайқаясанми!.. У эртани қаҳрамон, район советининг депутати, колхознинг биринчи меҳнаткаши, олтин қўл париваши-я!— деган эди.

Кишининг омади келса шундай булар экан. Буни-ку ўзим ҳам тушунардим-а. Хурсандлигимдан юрагим қиндан чиқиб кетаётгандек бўларди. Бу аҳволимни ҳатто шоир ҳам тасвирлашга ожиздек кўринарди. Энди гул шохда ўтириб фиғон қилаётган булбул сингари эмас эдим. Энди кўнглим равшан, қўшиқ айтар эдим.

Нима ҳақида қўшиқ айтардинг, дерсиз, балки. Мен эришаётган бахт, роҳат ва севги нашъаси тўғрисидадир, албатта. Кеча ва кундуз куйлардим. Қўшиғим тонгдан бошланарди. Ажойиб пайт, тонг шамоли ғир-ғир эсмоқда. Далага кетаётган қизлар олдида тенги йўқ Олтиной борарди. «Тенги йўқ» деб қилган таққосимни севганим гарчи эшитмаса ҳам, у кўнглимдагини тушунади. Кечқурун кун ботган чоғда менинг қўшиғим яна бошланарди. Қоронғи тушганда Олтиной билан сой бўйида учрашардик. У ерда, тоғдан оқиб тушаётган шалоли шабадасида роҳатланиб келажагимиз тўғриси-

да сўзлашардик. Бир куни мен унинг кўзларини, меҳнатсевар қўлларини мақтадим. У бўлса кулиб:

— Э, сиз мени мақтайвериб эсанкиратиб қўймасангиз яхши эди. Мақсад, ахир бу эмас-ку!— деди.

— Мақсадингиз нима, билсак бўладими, Олтиной!— деб сўрадим.

— Ҳо, бу сир!

— Мен сир сақлашни ёқтирмайман.

— Сир сақлашними, сир сақловчиними?— деб қошларини чимириб ер остидан қаради Олтиной.

— Ноаниқ бу сўз мени чўчитарди.

Ўз ниятингизни очиқ-ойдин айтиб қўя қолсангиз яхши эмасми? Мана мендан ибрат олинг, қоғозларни қоралар эканман, дарҳол варақларга рақамлар тушади, ҳамма парса тушунарли ва равшан бўлади. Хўш, шундай қилиб, сирингиз нималигини билсак бўладими?— деб сўрадим қўрқа-писа.

Олтиной кулиб:

— Бир кун эмас, бир кун билиб қоларсиз,— деди.

— Э, бир кун билар эмишман. Шу ҳам ҳазил бўлганими?.. Сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор-да. Олтинойни жонимдан ортиқ яхши кўрсаму, қандай сабр қилар эканман, уни шошилтирмай қандай яшай олар эканман. Ой-кунлар ўтиб борапти, тоқатим тугади! Ўзим идорада, хаёлим эса... ҳужжат ва нарядларни текширишим керак, мен уларни текшира олмайман. Счёт доналари бўлса, интизомсиз, бошқа томонга юргани-юрган... Шундай шаронгда яшаб, ишлаб бўлармиди? — Олтинойнинг олдига қатъий талаб қўйдим:

— Сиз менга сирингизни очишингиз керак! Бир секунд ҳам кечиктирмай очишингиз керак.

— Яхши, яхши,— деб кулди Олтиной.

— Агар шу даражада сабрсиз экансиз, кўпи кетиб ози қолди, эртанинг ўзидаёқ сир очилади.

Олтиной қотиб-қотиб куларди. Менинг кулишга ҳам ҳолим йўқ эди... хайр, сабр туби олтин. Нима ҳам қилардим. Ўзимни босишдан ўзга чорам йўқ.

Майли бир кун қўшилса қўшилар, ахир календарда ойлар ҳар хил бўлади-ку! Ноябрьнинг ўттизига бирини қўшамиз қўямиз. Бу тузатишга юрак кўнар, талашиб-тортишиб ўтирмайман.

Олтинойни бир ўзим кутганим йўқ. Мен билан уни хушфёъл, хушмуомала кекса опаси ҳам сарғайиб ку-

тар эди. У ахир менга қайнана бўлади. Унинг олдида поилож одоб сақлаш, камтар, камгап бўлиш керак. Аммо Мукаррам буви менинг сир-асроримдан хабарсиз эди. Ҳар хил саволлар бериб бошимни қотиришининг сабаби ҳам шу эди. Ўлганнинг устига кўмган деганларидеъқ, у оҳ-воҳ билан хўрсиниб, мени саволларга кўмиб ташларди. Бунга асос ҳам бор эди. Мукаррам бувининг қизи Олтиной кундузи соат бешда Район Ижроия Комитети сессиясига кетгандан бери дараги йўқ эди. Хўрозлар қичқириб, аллақачон вақт ярим кечадан ўтиб кетди, уфқда тонг юлдузи ҳам пайдо бўлса-ю, юрак безовта бўлмасинми? Шунга қарамай мен Мукаррам бувига тасалли бериб, бундай дедим:

— Ойижон! Жуда ҳам хавотир олаверманг. Олтиной тез орада келиб қолади.

— Э, ҳали сиз бу гапни ўн марта қайтарарсиз, аммо Олтиндан дарак бўлмас.

Мен шўрлик кампирни бундай гап билан юпатгандан кўра, идорага бор. Машина кут. Олтинойни машинада олиб келиб қўйишса керак... ҳамма ҳам Олтиной бўлолмайди. Олтиной битта.

Мен машинани кутиб олишим керак эди. Лекин ҳар бир ўтган машинани кузатиш, мендек колхоз бухгалтерига муносиб иш эмасди. Шунинг учун ҳам мен кампирга ёғиғи билан тушунтирдим.

— Тўғри айтасиз, ойижон, Олтинойдақаси райони-мизда битта-ю битта. Уни албатта уйгача машинада келтириб қўйишади.

Онанинг кўнгли болади, боланинг кўнгли... она-нинг хаёлига ҳар хил васвасалар келарди ва қатор ёш дарахт оралиғидаги хиёбонга нигоҳ ташлаб қўярди. Ахир шу қоронғи кечада осмондаги ёруғ юлдуздан бошқа ҳеч нарсани кўриш мумкин бўлмаган чоғда хиёбонда Олтинойни ҳам кўриб бўлмас эди. Қайна-нам қизи ташвишида куйса, мен Олтинойнинг яширин сири ўтида ёнардим. Севғилим бугун нима билан келар экан, яна нима билан мени ҳайратда қолдирар экан?— деган хаёл билан яшардим. Балки, у энди қаҳрамон ҳам бўлгандир. Биз улкан бахтга эришамиз... Хурсанд-лигим ичимга сигмай секин қайнанамнинг елкасини ушлаб:

— Ойижон, хавотирингиз тез орада хурсандчиликка айланадиганга ўхшаб турибди,— дедим.

Қайнанам жавоб қайтаришга улгурмасдан, қандайдир овоз эшитилиб, сўнг Олтинойнинг оқ рўмоли куринди. Олтиной ойиси қучоғига отилиб, севинчи ичига сиймай:

— Ойижон, сизни кутдириб қўйдим, кечиринг, лекин мен учун бугун энг бахтиёр, энг тарихий кун бўлди,— деб кампирнинг сўлғин юзларидан чапиллатиб ўпди.

— Онанинг ташвишини бола яхши билмайди,— деди қизини бағрига босиб Мукаррам буви.— Кутдиридинг. Зориқиб, сарғайиб кутдим. Кечирмасдан иложим қанча, зарур иш бўлмаса қолармидинг... Майли, ҳар ерда бўлсанг ҳам омон бўл, болажоним...

Она-бола гаплашиб олгуларича мен кутиб турдим. Тезроқ сир очилишини истардим. Олтиной:— Ойижон мен учун бугун энг бахтиёр, тарихий кун бўлди,— дедими, бирон муҳим воқеа рўй берган бўлса керак, деб ўйладим.

— Ҳар бир иш яхшилик билан тугаллангани яхши, қани уйга кирайлик, Олтинойни бахтиёр қилган воқеани эшитайлик,— дедим ичкарига йўл олиб.

— Ҳа, ҳа, юра қолинглар, палов ҳам ланж бўлиб кетди,— деб кампир орқамдан эргашди. Олтиной ачингандек қўлларини силкиб:

— Мени деб паловни ланж қилдингизми, вақтида овқатланишларинг керак эди. Яхши бўлмабди,— деб қўйди.

— Сиз бахтиёр бўлсангиз, мен уч кунгача овқат емасликка тайёрман,— деб қўйдим. Менинг бу гапим Олтинойни эритди, у мени табассуми билан сийлади ва севгимиз баҳорида биринчи марта учрашганимиз ширин дамларни эслатувчи меҳр тўла кўз билан менга боқди. Унинг жозибадор чўлпон кўзларидан жўшқин севгимиз нур сочаётгандек туюлди.

Дастурхонга энди палов келтириб қўйилган эди, мен:

— Азизим, интилган мақсадингизга етдингизми?.. Сирингизни очиш вақти келдими?— деб сўрадим.

Олтиной лоладек қизариб:

— Мен бугун ҳаётимда энг қийин ишга бел боғладим. Бу иш нақадар оғир бўлмасин, мен ўзимни дадил ҳис қиляпман. Мен ахир, юрагим амрини бажо келтирдим.

— Тушундим. Сиз яна янги мажбурият олганга ўхшайсиз. Бу албатта қаҳрамонлик унвонини олишга йўл очади. Тоғдек оғир меҳнат сизнинг азмингиз олдида ҳеч нима эмас, азизим!— дедим қувониб.

Олтиной ташвишлангандек бўлди. У бир оз ўйланиб тургач:

— Ҳар қандай чўққига йўл очиш осон бўлмагандек, наstdан юқорига кутарилиш ҳам қийин гап, жоним,— деди.

— Азизим, мақсадни ҳосия қилмоқ учун қўл чўзишингизнинг ўзи кифоя,— деган эдим, бу сўзимни қайнанам маъқуллаб:

— Тўғри гапирдингиз, тўқсон тўққиз қадам босган одам юз қадам босиш учун эндигина эшик очган кишидан маррага яқинроқ туради,— деди.

— Мен бўлсам эшикни фақат бугун очдим,— деди Олтиной.

Гарчи бу ҳазилдан юрагим орзиқиб кетган бўлсада, уни кулги билан ўтказиб юбордим.

— Ўз сирингизни биздан яшириб жуда қийнаб юбордингиз-ку, жоним,— дедим.

— Ўйини, айтганим бўлсин. Мен ўз звеномдан кетдим,— деди Олтиной.

Гапирганидан гапирмагани маъқул эди. Унинг гапи мени ваҳимага солиб қўйди. Қўлимдаги паловни қандай қилиб оғзимга солганимни билмайман. Қўлим қалтираб, лабим титради.

— Кетдим дейдими?— деди қайнанам ҳайрон қолиб.

— Ҳа, бу ҳали бошланиши,— деди сўзини давом эттириб Олтиной.

— Бошланиши эмиш!.. Қаранг-а, бутун районга машҳур бўлган звенони ташлаб кетармишу... Бу бошга қўнган бахт қушини учуриб юборишнинг ўзи-ку!

— Мен Розия Қаримованинг звеносини оляпман,— деди у гўё бизнинг гапимизни эшитмагандек бепарволик билан.

Оғзимдаги ошим оғзимда қолди. Бўлажак ажойиб Меҳнат қаҳрамони сиймоси кўз олдимдан ғойиб бўлди. Ўз қўлим билан ёзилган беш юз меҳнат куни ҳам кўкка совурилгандек туюлди.

— Нега жим қолдинглар?— деди ҳайрон бўлиб Олтиной.— Ёки бу ишим сизларга маъқул бўлмадими?

Қайнанам оғзини очиб қизига тикилганича қотиб

қолганди. Мен ҳам гунг бўлиб қолгандим. Илғор звенони қаёқдаги қолоқ звенога алмашса!.. У шундай қолоқки, ҳатто унга аъзо бўлишга ҳам киши ор қилади.

Бечора Розия опа, гектар бошига ўн уч центнердан пахта олиб уялиб юради. Аҳвол шундайлигини била туриб, яна биздан:

— Бу ишим сизларга маъқул бўлмадими?— деб савол берганига догман.

— Ҳазилингизни қўйинг. Бизни хурсанд қилмоқчи бўлиб шу ишга бел боғладингизми?— деб сўрадим ўзимни босиб олиб.

— Йўқ... ҳазилингиз нимаси, ростдан, жиддий гапиряпман. Менинг бу қароримни депутатлар, раисимиз маъқуллашди.

— Қарорга ҳам ёзиладими?— дедим сувга чўкаётган одам хасга ёпишгандек.

— Қарорга ёзилди!— деб қатъий жавоб берди Олтиной.

«О, шўрим қурсин, хомкалла бўлмасам, «қаҳрамоннинг эри бўламан» деган умидда лақиллаб юрармидим»,— деб уйлаб:

— Турмушда ҳар қандай ҳодиса рўй бериши мумкин экан,— деб қўйдим.

— Рўй бермайди!— деди Олтиной.— Ўзим шундай қилдим.

Олтинойга жавоб қилишга монанд гап тополмай, тортишувда енгилган донишмандек:

— Тил суяксиз, ҳар нима деса бўлади! Агар «хўп» деган экан, «йўқ» дейиши ҳам мумкин эди-ку, ахир,— дедим.

Олтиной жилмайиб қўйди, хира кўнглим ёришиб, умид чироғи ёқилгандек бўлди. Лекин умидим пучга чиқди.

— Ахир, тил сигирнинг думи эмас-ку ҳар томонга тебраниб пашша ҳайдаб турса,— деди Олтиной.— Гапиришдан олдин ўйлаш керак!

Жаҳлим чиқди-ю, гиқ этмай қўя қолдим. Қойилмисиз?

— Гапинг тўғри,— деди кампир.— Дарҳақиқат, ўйлаб гапириш керак. Ўйламай сўзлаган хижолат тортади.

Қайнанам қизининг ёинини олди. Туққан-туққан топишар, ётга бало ёпишар,— деб ўйлаб турган эдим, қайнанам:

— Сизнинг гапингиз ҳам тўғри, «хўн» дейиш ўрнига «йўқ» дейиши ҳам мумкин,— деб қолди.

Кампирнинг ақли жойида, ким нима ўйлаётганини билиб туради. Мен дадилланиб, ҳозир кампир билан бирга Олтинойга ҳужум бошлаймиз,— деб турган эдим, Олтиной дастурхондан нари бориб, шундай деди:

— Ойижон, мен сизнинг насиҳатингиздан чиқиб иш қилган вақтим бўлганми? Керак бўлса, «хўп» дейман, керак бўлмаса, «йўқ» дейман. Ошингиз яхши бўпти, раҳмат, қўлингиз дард кўрмасин, ойижонгинам. Эртага барвақт туришим керак. Раис билан бирга далага чиқамиз.

Камтарлик ўз ўрнида фойдали, камтарлик қилиб бир неча бор қўлга тушганман.

Менинг севгим ажойиб, унда кўп сирли саҳифалар бор. Мен Олтиной билан хайрлашар эканман:

— Севган йигит қизнинг фикрига тушунмоғи керак. Сиз ҳам шунга ҳаракат қилинг,— деди.

Демак мен унинг фикрига тушунишим керак. У менинг фикримга эмас, мен унинг фикрига тушунишим керак эмиш! Мен кимман, ахир? Етти яшардан етмиш яшар ҳурматига сазовор бўлган бухгалтер, колхоз раисидан сўнг иккинчи мансабдор бўлсаму, хотин киши мени аравача қилиб судраса! Йўқ, Олтиной. Ҳаддингиздан ошманг!.. Мен сизни севаман... сиз учун ҳар нарсага тайёрман.

Аммо...

— Кўришгунча хайр,— дедим дилим сиёҳ бўлиб. Кўз олдим қоронғилашиб осмон, ер, ҳатто юлдузлар ҳам қора пардага ўралганди. Мен севган чоғимда ҳамма нарса гўзал, қалбим севги баҳори гулшанида маст эди. Кўзим очиқ, дилим равшан, бахтиёр эдим. Энди бўлса, хафаликдан кўзимга ҳеч нарса кўринмас эди.

Эрта билан ишга борганимда ҳисоб дафтарида нималар ёзилганини ҳам кўролмадим. Наряд ва бошқа ҳужжатларга қарамасданоқ қўл қўйиб юборавердим. Умримда биричи марта шундай қилдим. Ахир, қоғозларда нималар ёзилганини ким билади. Хайрият, **чатоқ** бўлмади. Бахтимга атрофимдаги одамлар тўғри экан.

Тоқатим тоқ бўлиб, эрталаб соат ўнда далага **чиқиб** кетдим. Идорадагиларга:

— Пичан ғарамларини бир кўздан кечирай, аниқлаш зарур бўлиб қолди,— дедим. Ҳақиқатда эса Олтинойни кўрмоқчи эдим.

Борсам, Олтиной ўз учсаткасида йўқ экан. У ерда тракторлар шудгор қиларди. Ўжар одамдан нима ҳам кутиш мумкин. Олтиной ўша куниёқ Розия опанинг звеносига ўтиб бошчилик қилаётган экан. Тўққиз қиз зовур тозалаб, икки йигит аравада ўгит таширди.

Энди Олтиной енг шимариб ишга киришиб кетган, уни орқага қайтариб бўлмасди. У менга рўмолини силкитиб, жилмайиб «бу ёққа келинг!» дегандек имо қиларди. Бориб нима ҳам қилдим? Бу учрашув булут босган қуёшли кундек гап эди.

— Қаранг, биз чуққига йўл олдик,— деб бақирди у.

Йўл олдикмиш! Мақсадга етиш чоғи келганда энди йўл олганмиш. Бу гаплари билан мени қандай азобга солганини билса эди. Бу участкада ҳалигача бирон киши яхши натижага эришмаганини ёки юксакликка кўтарила олмаганини билармикини? Мен ахир бу звенодагиларнинг ҳаммасини беш бармоғимдек биламан-ку. Беш йилдан бери бухгалтер столида бекорга ўтирмагандирман, ахир!

Индамасдан уларнинг ёнларидан ўтиб кетишга аҳд қилдим.

— Вақтим йўқ, пичан гарамларини текшириб келишга шошилиб турибман,— дедим уларнинг чақиригига жавобан.

— Нима бало, наҳордаёқ пичанлаб қолибсиз?— деб кулди Олтиной.— Гарамлар у ёқда-ю, сиз бўлсангиз... ҳа, сизнинг ишингиз ҳам баққол билан савдо қилиб, қассобга қараб турган ғилайга ўхшаб кетди.

Қизлар қаҳқаҳлаб кулдилар. Ёшларга кулги бўлса бас. Олтинойнинг гапидан юрагимга ўт тушди. Гуё ўлаганимни биров билиб олиб унга етказгандек. «Астафурullo... Ёшлар таҳқирланган туйғу фожиасини қаёқдан тушунсинлар. Уларга ҳамма нарса оддий, енгил, муносабатлар беғараз, қизиқ ҳодисалар байрамдагидек».Шунинг учун ҳам мен қовоғимни солиб:

— Баъзи одамларга ўхшаб мақсадга тескари йўл билан бориш ниятида эмасман,— дедим.

Бу гап Олтинойни кулишдан тўхтатди.

— Жасур одамлар тескари йўл билан эмас, қийин йўлдан ҳам бош бурмай бораверадилар,— деб жавоб берди.

Бу чакана жавоб эмасди. Тан беришим керак, Олтиной устаси фаранг, гапга чечан, тили ўткир эди. У би-

лан баҳслашиш хавфли бўлгани учун отга қамчи уриб жунашга мажбур бўлдим. Аммо қочиб қолгунча отиб қол деб:

— Мардлар ғалабага яқинлашганда унга эришмоқ учун атайин қийин йўлдан бормасликлари керак. Гап шундай,— деди.

— Шундай,— деб улардан узоқлашдим. У эса ўзи танлаб олган майдонида қолди.

Энди воқеа ўзингизга ҳам маълум бўлиб қолгандир. Шундай шароитда муҳаббатим гуллаш ўрнига хазон бўлиб кетиши мумкин эди. Аммо уни хазон қилмаслик учун мен Олтинойга яна насиҳат қилмоқчи бўлдим, бошимга:

— Агрономга учрасам қалай бўлар экан?— деган фикр келиб қолди.

Бахтимга колхоз агрономи Эргаш ака йўлимдан чиқиб қолса бўладими. Мен унга гапнинг тўғриси айтдим-қўйдим:

— Қимматли Эргаш ака, Олтинойни бу йўлдан қайтаринг. Колхозимиз остонасига келиб турган шон-шуҳратни бой бериб, шарманда бўлмайлик.

Отларимиз ёнма-ён турганидан Эргаш аканинг юзи менга яхши кўриниб турганди. Гапимни эшитиши билан унинг ранги оқарди, мўйловлари диккайиб, қулоғи, бўйни қизариб:

— Э, бебахт, бечора одам,— деб бошини чайқади,— мен сизга чин юракдан ачинаман. Сиз тинч, осойишта ҳаёт қидирган одамсиз. Бундай хотин билан икки дунёда ҳам осойишта турмуш кечира олмайсиз.

Унинг гапи тўғри эди. Осойишталик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди. Олтиной ўз ҳаракатлари билан мени хафа қилиб келарди. Эргаш акани ўзимга рақиб ҳисоблаб юрган бўлсам-да, унинг гапига қойил бўлиб:

— Ёрдам беринг,— деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Шу оннинг ўзидаёқ унинг қути ўчиб, мўйловлари осилиб:

— Йўқ, сиз мендан ёрдам кутмай қўя қолинг,— деди.

— Нима учун?

— Сўраманг ҳам,— деди жеркиб.

Омади йўқлар ҳасадчи бўладилар ва қасос олишга уринадилар. Эргаш акага шу сўзни айтмоқчи бўлиб:

— Сиз Олтинойни севасизми?— дедим.

У яна қизариб кетди.

— Биринчидан, шунинг учун. Иккинчидан...— Мен сергакландим. Менга ёрдам бериш учун Эргаш акага нима халал бераётган экан?— Иккинчидан, мен унинг ажойиб бу ҳаракатини қўллаб-қувватлайман.

— Э, мана гап қаерда экан. Юракни ўртаб юрган за-
жар бу экан-ку! Рангим шу қадар қўрқинчли тусга
кирган бўлса керакки, Эргаш ака қўрқиб кетиб:

— Ҳа, дўстим, ўзингизни бетоб сезяпсиз шекилли,
отдан тушганингиз маъқулмикин?— деди ташвишла-
ниб.

— Пуқ, йўқ.

Менга фақат отим ёрдам бера олар эди. Жонивор-
га қамчи босдим. Мақсадим бирон тадбир-чора излаш
эди.

Йўлда механик Расул учраб қолди. Шошилиб ўша
томон от бурдим. Ҳатто Расул ҳам рақибим эканини
унутиб:

— Укажон, сен шу ишга аралашсанг бўларди. Унинг
хароб бўлишига йўл қўйма. Энг яхши звено бошлиғи-
мизни йўқотаётимиз-а! Битта-ю битта қаҳрамонликка,
илинадиган номзодимизни шарманда қилиб, томошабин
бўлиб ўтирсак яхши бўлади, деб ўйлайсанми? Олтиной
жар ёқасида, уни қутқариш керак,— дедим.

Расулнинг кайфи учиб, кўзларини катта очиб сер-
райиб қолди. Аммо кейин эсини йигиб олиб, гап нима
тўғрисида эканини пайқаб кула бошлади. У шу қадар
қаттиқ кулдики, гавдаси силкиниб остидаги от ҳуркиб
кетди. Расул қишлоқдаги энг гавдали йигит эди. Унга
тенг келадиган йигит ҳатто районда ҳам топилмасди.
Ўзи унча семиз бўлмаса ҳам тоши оғир эди, бўйи ҳам-
мадан баланд. Колхоз идорасининг эшиги унинг учун
тор ва пастлик қиларди. Миниб юрган оти колхоздаги
қорабайир отларининг энг зўри бўлишига қарамасдан
уриниб, ҳориб қолгани сезилиб турарди. Расулни трак-
торгина писанд қилмасди, холос. Бекорга у механик-
лик касбини танламаган-да, ахир.

— Ха-ха-ха!— у қаттиқ кулиб, от устидан қалқиб
кетганда одамлар ҳайрон бўлиб бизга қараб қолдилар.

— Нега куласан,— дедим ўзимни туютмай. Бутун
бошлиқ одам ўзиши ҳалок қиялти-ю, сен бўлсанг ку-

ласан. Биронга одам Олтинойнинг шарманда бўлишига қизиқмаяпти, ҳали ҳам бўлса кеч эмас. Уни қутқариш керак.

Расул бўлса ҳиринглаб кулиб:

— Ҳа, ҳа, менинг ўзим,— деди.

— Нима сенинг ўзинг?

— Бу йўлга бошлаган мен...

Мени ваҳима босди. Энди ҳамма гап менга аён: бу ердагилар биргалашиб Олтинойни хароб қилишмоқчи эканлар. Мени бахтимдан жудо қилишмоқчилар. Рақибларим мендан ўч олмоқ учун даҳшатли қасос ҳозирлаётганга ўхшайди.

— Бу қанақа шармандалик экан. Бу мардлик, қаҳрамонлик эмасми. У бу йўлдан бориб, шон-шухрат қозонади-ку. Ўйлаб кўринг-а, энг қолоқ звено бир йилда бутунлай ўзгариб, илғор бўлиб олса...

Қулоғим чиппа битиб, Расулнинг сўзларини эшитмай, отнинг жilовини қўйиб юбордим. Ўйладим, нажот қидирим. Нима ҳам қилардим, қайғу тўла косани охиригача шимирдим.

Идорага етай деганимда мени звено бошлиғи Карим чақириб қолди.

— Табриклайман, чин юракдан табриклайман,— дерди у шодланиб, гўё туғилган кунимга қадаҳ кўтараётгандай.— Олтиной олижаноблик, олиҳимматлик қилибди, у сизнинг ҳам юзингизни ёруғ қилади.

Карим ҳам мени мазах қиларди. Бу рақибим ўч олиш учун маккорлик қиларди. Шундай бўлмаса, шу тарзда мақтармиди?.. Лекин, рақибларим, эсингизда бўлсин, сиз ҳозирча тантана қилаверинг. Бироқ, тантанангизнинг умри қисқа. Охири вой!.. Ҳали колхозда ўз ҳалол меҳнати ва соддалиғи билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бош бухгалтер таслим бўлганича йўқ, ҳали кўрасизлар.

Мен Каримнинг олдидан ўтиб, идора ёнидан от чоптириб кетдим. Отимни қайнанам уйи томон бурдим. У менинг фикримга тушунмаса, бошқа одам тушунмайди.

— Нима бўлди, бирон гап бўлганими, болам?— деди у хавотирланиб, тарашадек қўлларини мен томон чўзиб. Жонивор отим кампирга салом бергандек бош силкиб турди.— Юрагимни сиқмай тезроқ гапирсангиз-чи!

— Нима бўлди, бирон гап бўптими эмиш... Ўзингизни ҳеч нарсадан хабарсиз қилиб кўрсатмоқчимисиз?.. Эрталаб Олтинойни қаёққа кузатган эдингиз?

— Қаёққа кузатардим. Ҳар кундагидек далага-да.

— Қайси далага?

— Розиянинг даласига.

Мен хўрсиндим. Кампир эса ўз хонадонини тепасида қандай хатар пайдо бўлганини тушунмас эди.

— Э, сиз у қанақа далалигини биласизми? У ерда янтоқдан бошқа гиёҳ усмайди. Агар бир туп ғузада бир дона кўсак бўлса катта гап. У ерга умид экиб, кўз ёши олинади. Звенодаги қизлар бўлса бир-биридан дангаса. Нон кавшаб, чой ичишдан бошқага ярамайди.

— Вой ўлай,— деб қолди кампир,— ундай бўлса помаъқул уни қилибди!

— Шунинг учун ҳам мен нимага уни юбордингиз, деб сўраяпман-да!

Мукаррам буви кўз ёшини артиб шивирлади:

— Гапинг тўғри, болам. Олтинойга у ордона нега керак бўлди? Ахир унинг меҳнатсевар қўллари колхозга шуҳрат келтирган эди-ку. Шукур, уйимиз бор, қорнимиз туқ, тани-жонимиз соғ. Унга бу бош оғриқнинг нима кераги бор эди!

— Ундай бўлса сиз Олтинойга гапиринг. У сизнинг сўзингизга киради.

— Ҳа, ҳа, тўғри айтасиз, болам.— Агар бола янглиш йўлга кирса, тўғри йўлга бошлаш онанинг вазифаси. Тинчланинг, ўғлим, мен ўзим у беақлни йўлга солиб қўяман.

Қайнанамнинг бу гапларидан кейин гарчи кўнглим таскин топмаган бўлса-да, ҳар қалай умид туғилган эди. Кампирга миннатдорлик билдириб, идора томон йўл олдим. Агар Олтинойнинг даласидан пахта унмай, уни кимдир боқиши керак бўлса, майли менинг меҳнат кунларим оиланинг суянчиги бўлсин.

Шу ҳасратда кеч ҳам бўлди. Яна ўша таниш эшик. Яна кампирнинг оҳ-воҳлари.

— Ўғлим,— деди қайнанам мени кўрпачага ўтқазар экан,— мен сизнинг гапингизни тўғри, деб ўйлаган эдим. Лекин Олтинойнинг гапиди ҳам жон бор. У билан бир гаплашадиган экансан...

Энг сўнгги ҳамфикрим ҳам бошқалар қаторига ўтди.

Оҳ... адолатсизлик, менинг қора тақдирим! Мен ёлғиз қолдим... Энди нима ҳам қила олар эдим.

Уйим томон юрган сарим босган қадамим орқага кетиб, тинка-мадорим қурийверди. Барибир, бир гаплашай, деб қайтиб келиб, кампирга:

— Шу ерда кутаман, Олтиной айвонга чиқсин,— дедим.

Қайнанам бош ирғаб уйга кириб кетди.

Орадан оз фурсат ўтгач, ипак рўмолини ҳилпиратиб Олтиной секингина келиб ўтирди. У менинг олтиним. У қўлини елкамга қўйиб, шивирлаб:

— Мендан хафа бўлманг,— деди.

У гапга чечан, гоҳо шундай сўзларни топиб гап-рардики, лол бўлиб қолардим. Ўшанда ҳам бўш келмай:

— Одамнинг бошига тош тушганда, ким сочининг эзилиши тўғрисида ўйлайди. Бизнинг бахтимиз хавф-хатарда,— дедим.

Биз боққа чиқиб, барглари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолган қайрағоч тагидаги совуқ супага — гиламга ўтирдик. Орқамизга совуқ куз шамоли уриларди. Мен гапира бошладим. Олтиной тинглаб ўтирди. Бутун ташвиш, кўнглимдаги шубҳа, қайгу ва хавотирлигимни бирма-бир айтдим.

— Мана эшитдинг, ўзинг ҳал қил!— деб қўйдим.

Менинг гапим тугагандан кейин у бир неча минут индамасдан ўтирди. Сўнг супага солинган гиламни қўли билан силаб, гўё кўнглимни сийпалаётгандек жавоб қайтарди:

— Сиз меҳнат кунларимни тарозига қўйибсизу, менинг ҳис-туйғуларимни ўлчаб олмабсиз. Сиз менинг фикримга тушунмабсиз...

Буниси дард устига чипқон бўлди. Оилада ким-кимнинг фикрига тушуниши керак, эр хотин фикригами ёки хотин эрининг фикригами? Ахир менинг ундан ёшим катта, тажрибали, узоқни ўйлаб иш қиламан. У бўлса ҳаётга энди қадам ташлаяпти. Гиламга муштум уриб, қўлим шикастланаёзди. Гапим қатъий эди:

— Ё мен, ёки...— дедим.

Олтиной узоқ жим қолди. Мен унинг овозини эшитишга муштоқ эдим...

— Майли, сиз ўйлагандек бўла қолсин,— деди.

Оқибат, айтганим бўлди. Оқил фикр устун чиқди.

Бахтим кулди. Севги яна гуллаши, барқ уриши муқаррар. Мен Олтинойни ўпмоқчи эдим, унинг кўзида ёш кўриб:

— Севгилим, жоним, сизга нима бўлди?— дедим.

— Мени ваҳима босяпти.

— Нимадан ваҳима оляписиз, мен ахир ёнингиздан-ман-ку.

— Сиз кетиб қоласиз...

— Нега, нима учун?

У дард-алам билан чуқур тин олиб:

— Мен сизнинг «ёки» деганингизни танладим,— деди.

Мен ўз қулоғимга ишонмасдим. Олтиной мендан воз кечибди. О, менинг шум тақдирим!

Алам, газаб, қайгу, нафрат гужгон ўйнади.

— Алвидо!— деб қичқириб, мен бу ўтай уйдан чиқиб кетдим. Ўз хотининг тўғрисида гапириш ўнгай эмас. Умуман аёл киши ҳақида гап юритиш осон эмас. Олтиной менинг хотиним... Сиз, нега хотиним деяписиз,— дейишингиз мумкин. Масалан, сиз ўз хотинингиз уйдан кетиб қолган эдингиз, дерсиз... Сабр қилинг, тўғри, ўша пайт Олтиной менинг хотиним эмас эди. Энди-чи? Энди у менинг хотиним. Бизнинг тўйимизга барча колхозчилар қатнашган, ҳатто қўшни қишлоқлардан ҳам кишилар келган эди. Ҳаммалари мени табриклашганда фақат агрономимиз Эргаш ака:

— Бундай хотин билан сиз осойишта яшай олармикинсиз,— деган эди.

Нима ҳам дер эдим. Унинг гапи тўғри чиқди. Мен осойишталик нималигини билмадим. Олтиной бесабр, курашгани-курашган. Нуқул олға интилади. Янги чўққиларни эгаллаш учун шошилади. Мен-чи? Мен ҳаяжонланаман, хуноб бўламан. Майли, деб жим қоламан. Чунки Олтинойни севаман.

ҲАДИЧА АҲРОРОВА

Ўн билан юз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ана шу оддий ҳақиқатни тушунмаган колхозчи пахтанинг халқ хўжалигимизда тутган ўрнини ҳам тушунмайди, десак хато қилган бўлмаймиз. Афсуски, шундай кишилар колхозимизда ҳали бор. Республикаимизда пахта ҳосили йил сайин ошиб бормоқда. Сабаби нимада? Асосий сабаб шундаки, ана шундай кам ҳосилли бригада, звенолар кўп ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Мана ўз колхозимизни олиб кўрайлик: гектаридан тўқсон бир центнердан пахта олган звено борми?— Бор. Гектаридан юз центнердан олганлар-чи?— Бундайлар ҳам бор. Хўш, бунинг сири нимада? Ҳамма гап, агротехника қондаларига тўла амал қилиш-у, меҳнатни тўғри уюштиришда экан. Тажриба шуни кўрсатди. Бу — илғор пахтакорларнинг тажрибаси...

Ҳадичахон, фикрларим ўтирганларга маъқул бўл-япти шекилли, дегандай атрофга бир қараб олди. Очиқ партия мажлисига йиғилиб, келаси йил мўл ҳосил учун мустаҳкам замин ҳозирлашни муҳокама қилаётганлар — правление раисидан тортиб ҳисобчигача бригадирдан тортиб ясли мудирасигача, ҳамма Ҳадичахонга тикилган. Нотиқнинг, пахта устаси бўлган бу аёлнинг сўзлари ҳамманинг дилидаги фикрини ифодалайди.

Унинг сўзлари эҳтимол ўн центнердан ҳосил олган пахтакорга оғирроқ ботгандир, аммо уни ранжитмади. Эҳтимол юз центнерчини қувонтириб юборгандир, аммо кеккайтиргани йўқ. Бунинг ўрнига ҳамманинг фикру хаёлини бир мақсадга — колхозда умумий юксалишга эришиш учун курашга қаратди.

Ҳадичахон ҳосилни оширишнинг барча тадбирларини ўз тажрибасидан, республиканинг уста пахтакорлари тажрибасидан гапириб берди. Ахир у Ўзбекистон пахтакорларининг VIII курултойида кўпгина қим-

матли маслаҳатлар эшитди. Агроном гапирди, уни тажрибакор маъқуллади, механизаторнинг нутқи янгидан-янги имкониятларни очиб ташлади. Олтин кўлликлар республика пахтакорлари қатори қурултойнинг ишларини кузатиб турдилар. Уларнинг вакили Хадичахон Аҳророва ҳам қурултой минбаридан туриб нутқ сўзлади. Вакиллар билан ўз тажрибасини ўртоқлашди. Қурултойнинг ҳар бир вакили муайян мажбурият олиб, ўз колхозига қайтди.

Мана, ҳозир, очиқ партия мажлисида, колхозчилар номидан қурултойда олинган мажбуриятни бажариш тадбирлари муҳокама қилинмоқда. Хадичахон пахта ҳосилини ошириш тадбирларини айтиб, юқори ҳосилли звенолардан юқори ҳосилли бригадаларга кучиш масаласини ўртага ташлади. Колхозчилар Хадичахоннинг бу таклифини маъқул топишди ва Аҳроровани юқори ҳосилли бригадага бошлиқ қилиб беришни правлениедан талаб қилишди. Мажлис колхозчиларнинг бу таклифини амалга оширишни правлениедан сўраб қарор қабул қилди.

* * *

— Пахтачиликда қанчалик барвақт ҳаракат қилсанг, шунчалик тугри иш қилган бўласан. Қураги мул, толаси пишиқ, чигити туқ бўлсин десанг, шундай қил,— деди Сотиболди ота, гуё тингловчиларга ўз сўзини тушунтира олмаётгандек. У оппоқ соқолини тутамлаб қўйди.

— Демак, гап шу, қизлар,— деди Хадичахон қатъий қилиб ва звено бошлиқлари — Қундузхон, Кимёхон, Маърифатхон, Мубораххонларга бирин-кетин кўз қирини ташлади.— Ерни тезлик билан шудгор қилишимиз керак.

— Агроном илми ҳам — ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, дейди,— деди халқ мақолини пеш келтириб Сотиболди ота.

— Шудгорнинг фойдасини ҳозир ёш бола ҳам тушунади,— гап отди бурчакда ўтирган кимдир.

Хадичахон ялт этиб ўша томонга қаради.

— Биз бу ерда шудгор қилиш керакми, йўқми, деган масалани муҳокама қилаётганимиз йўқ,— деди

у.— еримизни шудгор қиламиз, лекин қанақа шудгор? Гап шунинг устида. Биз ахир, ўттиз гектар ернинг,— энтикиб нафас олди Хадичахон,— ҳар бир гектаридан 60 центнердан пахта етиштиришга сўз бердик. Ваъда бериб уни амалга оширмасликдан ҳам хунук гап борми? Ваъдамизни сўзсиз бажаришимиз керак.

— Бажарамиз!— деди ишонч билан Қимёхон.

— Совет кишиларининг сўзи билан иши ҳамоҳанг. Колхозчи деҳқон табиатдан марҳамат тиламайди,— деди Хадичахон ва негадир чолга ер тагидан кўз қирини ташлаб қўйди.

Сотиболди отага яна жон кирди. У Хадичахоннинг сўзига нимадир қўшмоқчи бўлди-да, ҳозир айтиб қолмаса, худди кечикиб қоладигандек шошди.

— Мана мени олиб кўринг, умримнинг ярми алдашиб ўтди. Энди чунон афсус қиламанки, фойдаси йўқ. Золимнинг даврида меҳнаткаш ҳисобда йўқ эди. Хадича тўғри айтди. Ўз кучига ишонмаган кишининг ишида ривож бўлмайди. Ақллашсанг ақл топасан.

— Менинг фикримча,— деди Хадичахон отанинг сўзига қўшимча қилиб,— ҳар бир гектар ерга кам деганда саккиз тошнадан маҳаллий ўғит, 350 килограммдан минерал ўғит солмагунимизча мўлжалдаги ҳосилни ололмаймиз. Сотиболди отам билан ерни кўриб чиқдик. Ер правлениедаги баъзи ўртоқлар айтган даражада семиз эмас. Бултур пахта эккан бригада ернинг намини сақлаш учун зовурни кўмган экан. Менинг фикримча, бу иш тўғри бўлмаган. Ерда ҳали шўр кўп. Сотиболди отам ҳам менинг фикримни тасдиқлаяптилар. Экскаватор қуриқда ишлаяпти. Уни кутиб ўтирсак, фурсатни бой берадиганга ўхшаймиз. Ҳозир зовурни очиб қўймасак, баҳорда шошиб қоламиз. Борди-ю, кўклам серёгир келгудек бўлса, ер тез етилмайди, экиш кечикиб кетади... Кеч деганда мартнинг биринчи ярмида чигитни экиб олсак, марра бизники.

Қимдир бригадирнинг сўзини бўлиб:

— Қорга сеялка солмоқчимисиз?— деди.

— Ҳали,— деди Хадичахон бир оз овозини баланд қилиб,— ёрмаган қор ҳақида баҳслашиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

— Тушуниб турибмиз, таваккал қилмоқчисиз. Вақтдан бурун чигит тикиб, пушаймон қилганларни кўрганым учун гапиряпман-да. Яна ўзингиз биласиз,— деди

бурчакда утирган аёл. У ўз фикрини мулоҳаза тариқасида баён қилган бўлса ҳам, аслида бригадирнинг таклифига эътироз билдиргани маълум бўлиб қолди. Сўзга учинчи звено аъзоси Марям Умарова аралашди. Ўзининг йигирма йиллик тажрибасидан мисоллар келтирди. Яқин йилларгача, баъзи колхоз раҳбарлари агрономлар маслаҳатини менсимай, эски урф-одатларга амал қилардилар, олма гулламасдан ерга чигит ташлашдан қўрқардилар. Агроном маслаҳатига амал қилганлар олма гулнини кутиб ўтирмасданоқ, об-ҳаво қулай келиши билан чигитни ундириб олганлар ҳам борлигини айтди.

— Шунинг учун,— деди сўзини давом этдириб Марям опа,— чигитни барвақт экишга тайёрланишимиз лозим.

— Менинг ҳам муддаом шу. Борди-ю ёгингарчилик бўлиб, баҳор кечикса, ҳаво яхшиланиши биланоқ чигитни экиб юборамиз. Балки баҳор яхши келар... ҳар ҳолда олма гулнини кутиб ўтиролмаймиз. Биз ибратни хурофотдан эмас, фандан олишимиз керак. Биз фан кўрсатмаларига амал қилишимиз керак.

* *
*

Март ойигача муътадил бўлиб турган ҳаво бирданга айнаиди. Табиатнинг бу нотантилиги пахтакорларни ташвишга солиб қўйди. Аҳророва пахтакор колхозчиларнинг VIII қурултойида берган сўзига кўра, мартнинг биринчи ярмида ерга чигит ташлаши керак эди. Ҳаво бир кун тузук бўлса, уч кун бузуқ бўлиб турди. Бригада бошлиғи Аҳророва ва унинг звено бошлиқлари — Қундузхон, Кимёхон, Маърифатхон ва Муборакхонлар ҳар куни эрта билан радио ёнидан жилмай, об-ҳаво станциясининг ахборотини эшитардилар... «Фаргона водийсида ҳаво булут бўлиб, ҳарорат совийди... Баъзи ерларда қор аралаш ёмғир ёғиб ўтади...»

— Энди нима қилдик, Муборакхон ая?— деди Хадичахон кўзларини звено аъзоларига тикиб.

— Сабрсиз бўлманг. Ҳали вақт бор,— деди Умарова ўзидаги ташвишни бригадирдан яшириб.

— Яхши ҳам ерни гўнглаб, шудгорлаган эканмиз. Бунақа ҳавода ер тезда қизимайди. Менинг фикрим—

ча,— деди Хадичахон,— агар сизлар рози бўлсаларингиз, правленига масала қўйсак.

— Қанақа масала?— деди Маърифатхон бригадир томон энгашиб, бу ёш, юзлари қип-қизил, кўзлари чарақлаб турган комсомол қиз эди.

— Агар биз, ернинг доли-гулига келишини кутиб ўтирсак, вақтдан ютқазадиганга ўхшаймиз, ҳаво шундай кетавермас... Ернинг бети сергиб, тобига келиши билан чигит экишга киришувимиз керак. Қарталарда ҳали ҳам нотекис ерлар бор. Аъзоларни паст-баландни текислашга солиб, ерни бороналашга тайёрласак... Шундай қилсак, бир йўла ХТЗ бороналай беради, орқасидан универсал чигит экаверади... Ишни шу хилда ташкил қилмасак кечикамиз.

— Ернинг тағи ҳали салқин. Ақалли 8—9 даража иссиқ бўлганда ҳам бoshқа гап эди.

— Тушуниб турибман, Қундузхон. Агар яқин орада ҳаво очилмай сурункасига ёмғир ёғиб берса нима қиламиз? Кузда ерга сочган ўғит энди асқотади. У ерни остидан иситади... Чигитни қуёшда қизитиб эксак, тупроқ гўраша бўлмаса бас,— деди сўзини маъқуллағиб Хадичахон.— Борона билан ерни шамоллатамизу, экишга киришамиз. Экиб олайликчи, қатқалоқ бўлса, давоси осон. Чигитни ўз ҳолига қўярмидик...

— Қулоғидан тортиб бўлса ҳам чиқазиб оламиз.

— Шундай, аяжон, шундай,— деди Хадичахон юз кўзи шодликдан порлаб.— Мен Эргашвой билан сўзлашиб қўйганман. Тракторим эгарланган, опа, буйруғингизга маҳталман, деди. Қаранглар-а: у мени МТСга директор ҳам қилмоқчи.

— У йигитнинг илмоқсиз гапи йўқ.

— Ҳа, мен ҳам бўш келмадим, директордан илтимос қилсак, буйруғини аямас, десам: «Илгорлар учун буйруқ кузда берилган эди, баҳор эшикни қоқяпти, қанисиз опа?» дейди... Қарасам мени мот қилмоқчи. Куздаги буйруқ чигит экиш тўғрисида эмас эди, опаси жонидан, девор бўлмаса кўчани кўрадиган бўлиб қолибсиз, дедим. «Оббо сиз-эй, пахтага уста бўлдингиз десам, гапга ҳам уста бўп кетибсиз» деб тоза кулдирди.

— Қурмагур, яхши йигит. Ёш тракторчи бўлса ҳам ишни пишиқ, жонкуяр универсалчи Эргашвойни маҳкам ушлашимиз керак. Қўли енгил йигит.

Уч кун ғойиб бўлиб кетган қуёш, кулиб бош кўтарди. Булут ва ёғингарчилик билан ўтган уч кун, каттакичик ҳамманинг кўнглини хира қилди ва бу уч кун, гўё уч ойдек бўлиб кетди. Дарҳақиқат, пахтадан юқори ҳосил етиштиришни мақсад қилиб олган пахтакорлар учун, бу кунларнинг ҳар бир минути соатга, соати кунга, кунга эса ойларга тенг.

Пахтакорлар янги йил ҳосили учун иш бошлар эканлар, рўй бериши эҳтимол бўлган ҳар қандай табиий ҳодиса ва офатларнинг олдини олиш ва унга қарши чоралар кўриш улар учун одат бўлиб қолган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун социалистик фан, техника, барча моддий бойликлар пахтакорларнинг хизматида. Совет ҳукумати, Коммунистик партия социалистик қишлоқ хўжалиги учун барча шароитларни вужудга келтириб бердилар. Шулар туфайли пахтадан юқори ҳосил етиштирган Хадичахон Ахророва сингари илғорлар бизда, қардош Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонда ҳам йил сайин кўпаймоқда ва уларнинг қаторлари ўсмоқда. Илгарилари республикамизда юзцентнерчи звенолар тўғрисида гап борган бўлса, энди эллик-олтмиш центнерчи бригадалар сонини кўпайтириш учун кураш бошланиб кетди. Яқин йиллар ичида эллик-олтмиш центнер учун кураш бригадалардан колхозларга, юзцентнерчилик ҳаракати эса звенодан бригадаларга ўтиши мумкин.

Ленин комсомоли ва Коммунистлар партияси тарбиялаб етиштирган пахтакор қиз Хадичахон ва унинг бригадасидаги ватанпарвар қиз-жувонлар ҳам коммунизм қурувчи миллионлар қаторида табиатнинг инжиқликларига қарши сабот ва матонат билан курашмоқдалар.

* *

*

Жалабек қишлоғида тонг отди. Бу кунги тонгнинг нашъаси кечасидан ҳам сўлимроқ бўлди.

Ғуза ушиб улғайган сари пахтакорнинг руҳидаги шодлик, кўнглидаги қувончни кўрсангиз!

Баҳорнинг дастлабки кунлари. Колхоз қишлоғи ранго-ранг гул-лолаларга ўралиб, яшил либос кийган.

Қалинин номли колхоз қишлоғига ҳавасим келди. Мана колхоз правлениеси ўрнашган қишлоқ. Мен бу

ўрида «қишлоқ» иборасини ишлатдим, уйланиб қолдим. Халқ тушунчасида «қишлоқ» иборасининг ўзига хос шакли ва мазмуни бўларди. Бир вақтлар шаҳар бойлари бирон кишини ерга уриб, камситмоқчи бўлса, «Ҳа, ўша одам, бўлдим, у нима-ю, қишлоқи нима» дер эдилар. Кексалар революциядан бурунги ўзбек қишлоқларидаги кишиларнинг қандай эканлигини билдилар. У вақтларда қишлоқда чала мулла жоҳил бир имому, камбағал бечораларнинг терисини шилишни касб қилиб олган бой ва бойваччалар яхши яшардилар. Камбағаллар эса пушт-пушти билан саводсиз, оғир ва машаққатли ҳаётдан зўр-базўр тирикчилик қилар ва пастқам уйларда ғариб кун кечирардилар. Мен билган ва кўрган кўп қишлоқ ва улардаги меҳнаткаш фуқаро Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ана шундай кун кечирар эди. Калинин номли колхоз қишлоғи ва ундаги кишилар мени мафтун қилди. Коллектив меҳнатда деҳқонлар бадавлат ҳаёт кечирмоқдалар. Меҳнат шон-шараф ишига айланган! Меҳнатга коммунистик муносабат коллектив хўжаликни илдам қадамлар билан ривожлантирмоқда. Бундан бир неча йил бурун миллионер колхоз деган номни фахр билан тилга олардик. Энди бизда миллионер бўлмаган колхозлар қолмаган. Калинин номли колхоз икки миллион сўмдан ортиқ пул ҳаражат қилиб, Маданият саройи қуриб олди. Пахтадан кўп даромад олишлари натижасида колхозчилар ўзларига уч-тўрт хонали маданий, ёруғ уйлар қуриб олишган. Шу колхоз қишлоғининг тунги манзарасини бир кўрсангиз эди! Шу қадар ажибки, кўчаларда, уйларда Ильич чироғлари порлайди. Бу хонадонларнинг қозони газда қайнаб, печкалари газда иситилади. Мактаб, кино, клуб, болалар боғчаси, ясли, ҳаммом, дам олиш уйи, кутубхона, радиоузел, электростанция, омонат касса, магазин колхоз қишлоғини безаган.

Колхоз идораси, баҳаво бог. Колхоз райси Ашуров, ҳосилот советининг райси Ҳасанов, колхоз партия бюросининг секретари Расулов, ҳаммамиз дам олиш уйининг айвонида, қизил гилам ва кўрпачалар тушалган сўрида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

Гап айланиб бригадалар ишига кўчди. Расулов колхоз коммунистларининг авангардлик роли тўғрисида сўзлаб кетди.

— Бригада бошлиқларининг кўпчилиги коммунист. Айниқса бригада бошлиқларидан коммунист Меҳмонбуви Аҳмедова, Хадичахон Орипова, Хадичахон Аҳророва ва Дилбархонлар мусобақада олдинда боришяпти. Улар мусобақадош бригадирларни шошириб қўйишяпти. Аҳророва бригадаси кўпчилик қиз-жувонлар, ёшлар бўлишига қарамай, ғўза парваришида ҳамма бригадалардан олдинда.

— Ҳаракатчан қиз,— деб қўшди ҳосилот совети раиси,— ҳали баъзи бригадаларимиз чигитни тўла ундириб олганларича йўқ. Аҳророва эса ғўза парваришига киришди. Аҳророванинг яна бир ишидан хабарингиз йўқ ҳали,— деди гапида давом этиб ҳосилот советининг раиси.

— Қандай ишидан?— таажжуб билан Ҳасановга қаради Ашуров.

— Қизи тушмагур, жуда пишиқ. Кузда, шудгорга ишлатганидан ташқари яна жуда кўп ўғит ғамлаб қўйган экан.

— Нега хабарим бўлмасин, хабарим бор. Қишда кўриб қўйган маҳаллий ўғитга минерал ўғитни аралаштириб, ғўзасини озиқлантирмоқчи.

— Раис,— деди Ашуровнинг сўзини бўлиб Расулов,— дарҳақиқат хабаримиз борликка бору, лекин бир хатога йўл қўйган эканмиз.

— Қанақа хато экан?— кўнглига қаттиқ олгандек секретарга қаради раис.

— Хабарингиз бор, Аҳророва маҳаллий ўғит ғамлашга киришган вақтда бошқа бригадалар бунга расмиятчилик билан қарадилар. Ғамлаганлар бўлмади эмас, бўлди. Лекин улар ўра қазиб кўммадилар. Биласизки, ўғит кўмилмаса чиримайди, кўмилмаган ўғит ғўзанинг озиқ моддаларидан фойдаланишга тез таясир қилолмайди.— Расулов қўлидаги пиёлани дастурхонга қўйди.— Мана энди бригадирлар эмас, ҳатто ҳар бир колхозчи ҳам минерал ўғит талаб қиляпти. Агар ғўзанинг ҳозирги парваришида минерал ўғитга маҳаллий ўғитни қўшиб берса, ҳосил ўн-ўн беш процент ошар эди. Бу бизнинг катта хатомиз бўпти.

— Ҳозир ҳам кеч эмас, чириган ўғит топилади. Сиз партия аъзоларини йиғиб топшириқ беринг. Тўғри айтасиз, ўзим ҳам кўнглимдан ўтказган эдим. Хатони ту-

латиш, ҳосилни кутариш учун нима ёрдам берса, қилиш керак.

— Кўп бригадалар,— деди ҳосилот,— Аҳророва шиддан ибрат олсалар ёмон бўлмайди. Бўлмағур сабабларни пеш қилиб чигит экишни чўзган баъзи бригадирларнинг энди кўзлари очилгандир. Мана Аҳророванинг дастлабки иш натижаси ўшаларга ўр-нак бўлибгина қолмасдан, хатони тузатишга ҳам хизмат қилиши керак. Ҳозирча ҳам ҳамма учун ибрат-ли иш.

— Нега ҳозирча?— деб сўради Расулов.

— Чунки,— деди ҳосилот ўрнига раис жавоб бе-риб,— иш, ҳаракат бор ерда янгилик ҳам бўлади. Бор-ди-ю, ана шу янгилик умумий ишга ёрдам берса, дар-ҳол амалга ошириш ва оммалаштириш керак. Айниқса, тузанинг дастлабки парвариши даврида бу жуда муҳим. Буни кечиктирмай ҳозирнинг ўзидаёқ амалга ошириш керак.

...Кремль куранти занг урди. Совет халқлари би-лан ҳамнафас бўлган курантнинг товуши бепоён пахта далаларида янграб кетди... Шу он «ёш, қари — ҳамма-нинг диққати жонажон Москвага, Кремлга, Москвада қайнаётган ҳаётга қаратилди.

Москва, Кремль... Кремль курантининг садоси тинчлик симболи бўлиб қолди. Москва овозини иш-тиёқ билан эшитаётган чегарамизнинг нариги томо-нидаги миллион-миллион меҳнаткашлар Москвадан, Совет халқларидан ибрат олиб, урушга қарши тинч-лик учун курашмоқдалар, тинчлик тарафдорлари-нинг пўлат сафларига тизилмоқдалар, уруш оловини ёқувчи бандитларнинг ёвуз ниятларини фош қилмоқда-лар. Бутун дунёдаги тинчлик тарафдорлари, демократия лагерининг курашчилари садоқат ва самимият тўла чин қалбларидан: «Яшасин Москва!» демоқ-далар.

Чойдан кейин яна пахта далаларини кездик. Қол-хоз даласидан баҳра оласан киши. Биз икки ёқасига ларахт ўтқазилган катта янги тош йўлдан боряпмиз. Аҳророва бригадасининг пахта майдони кўриниб қол-ди. Қолхозчи қиз-жувонлар пахта даласининг кенг кучоғида тинч меҳнат қилишмоқда.

Биз зовур ёнига, тут соясига бориб тўхтадик. Уни-версал орқасидан тупроқ ковлаб, ниманидир текшириб

юрган Аҳророва бизни кўриб, тракторчига алланима деди-ю, биз томон келди.

Саломлашганимиздан кейин мен:

— Биз, сизни ишдан қолдирдик,— деб узр сўрадим.

— Иш ҳамма вақт биз билан... Хуш келибсизлар. Колхозчилар ҳозир тушликка, дам олишга чиқишади,— деди Аҳророва қўл соатига қараб.

— Универсал ҳозир нима иш қиляпти?

Аҳророва жавоб бериш ўрнига, қарта этагида нима учундир тўхтаб қолган универсалга қаради, сўнг жавоб берди:

— Ғўзага фосфор беряпти.

— Нега фосфор, азот эмас?— сўрадим мен.

— Чунки ғўза ёш вақтида фосфорни талаб қилади. У ғўза илдизларининг яхши ўсишига ёрдам беради. Бу эса ғўзанинг тез ривожланишига ва кўп ҳосил тўплашига таъсир қилади. Шу вақтда ғўзани фосфор билан озиқлантирмаган колхозчининг ҳолига вой,— деди енгил кулиб Хадичахон.— Ғўзаси кеч пишади, йиғим-теримнинг кечикиб кетишига сабаблардан бири ҳам шу.

— Буни сиз ўз тажрибангиздан олиб гапиряпсизми, ёки...

— Агроном маслаҳати ва тажрибакорлар ишига суяниб ўзим ҳам синов ўтказган эдим. Бултур яхши натижа берди,— деди бир оз бўйинини эгиб Хадичахон,— олти-етти кун олдин шоналаб, саккиз-тўққиз кун олдин гулга кирди. Бунга, албатта, агротехника қондасига амал қилгандагина эришиш мумкин.

Дарҳақиқат Аҳророванинг таърифлари унинг қарталарида мавж уриб ўсган ғўзаларида кўриниб турар эди.

Ошпазнинг қўнғироғи жаранглади. Колхозчилар тушликка чиқа бошладилар. Аҳророва бизни дала шийпонига таклиф қилди.

— Юринглар, меҳмонлар, зериктирмасмиз,— деди кулиб,— бизнинг концертни ҳам бир томоша қилинглар. Ана, шоирларимиз пахтакорларимиз меҳнатидан илҳомланиб ёзган шеърларини ўқияптилар, артистларимиз ялласи дала бўйлаб янграмоқда.

— Мақтаса мақтагудексизлар, ўртоқ Аҳророва,— деди шеригим.

— Мақташга арзигудек ютуқларимиз кўп. Лекин

танқид қилиниши керак бўлган камчиликларимиз ҳам оз эмас.

— Биз худди шу камчиликларнинг овчисимиз-да,— дедим ҳазиломиз блокнотимни очиб, айтавернинг, ёзиб олайлик, деган маънода Аҳроровага қарадим.

— Эшитганингиздан кўра ўз кўзингиз билан кўрагингиз яхши эмасми,— деди бригада шийпониға бизни таклиф қилиб Хадичахон.

* * *

Тушлик овқат еб бўлинган, ошпаз товоқ-қошиқларни йиғиб олиб, колхозчиларнинг олдиға чойнакларда чой келтириб қўйди. Аҳророва шийпон теварагида ўтирган бригада аъзоларининг столға яқинроқ ўтиришларини илтимос қилди. Қолхозчилар стол атрофиға келиб ўтирдилар.

— Ҳой хола, сиз ҳам бери келинг,— деди бошиға як-так ёпиниб бизға орқа ўгириб ўтирган аёлға мурожаат қилиб Аҳророва.

Аёл бир қимирлади-ю аввал қандай ўтирган бўлса ўшандай утираверди. Қолхозчилар: «Ҳой хола, бу ёққа қаранг», «Бошидаги ёпинчиғиға бало бормиди-а», «Одамдай ўтирсангиз-чи» деган нордон сўзлар билан холага тега бошладилар.

— Қачон четдан бирор меҳмон келса, хола шу хилда номер берадиган одат чиқариб қолдилар,— деди Маърифатхон.

— Кўриб олганингиз менми ҳаммангизнинг, сизларнинг мендан бўлак касалларинг йўқми!..

— Қани, узингиз кўрсатиб беринг бўлмаса,— деди холага жавобан Аҳророва,— бригадамизда сиздан бўлак мисол бўладиган қолоқ ким бор? Қозоқовадан сизнинг қаерингиз кам! Эри Совет Армияси хизматида, тўрт боласини боқиб, тарбиялаб, иккинчи звеноға бошчилик қияпти. Бунинг устиға ҳар куни икки норма бажаради. Уч болалик Тожиҳондан ибрат олсангиз бўлмайдими! У ҳар куни икки норма ишлайди. Қундалик нормасини бажармаётган бригадамизда сиздан бўлак ким бор! Гуё кўринишда иш қиласиз, ҳақиқатда бошқаларға иш ортдирасиз, сиз қилган ишни звенонгиз тузатиб чиқмагунча табелчи тан олмайди.

Инсоф ҳам керак-да! Нонни ҳалоллаб ейиш керак. Бу гуноҳларингиз устига танқидни ўзингизга юқтирмаслик касалингизни замласак, биласизми, а, кимга ўхшайсиз!..

— Тошга ёмғир қор қилармиди, гап таъсир қилганда, шунга қиларди,— деди кимдир эшитилар-эшитилмас.

— Йўқ, «гап тўғри бўлса тошни ёради» деган мақол ҳам бор. Мана бу киши Тошкентдан келган меҳмон. Ёзувчи,— деб бригада аъзолари билан таништирди мени ўртоқ Аҳророва,— ҳаммамиз номимиздан илтимос қилардим. Колхозимиз тўғрисида бирон нарсга ёзиш ниятлари бўлса, холамининг ўзбек совет аёлларига мутлақо ёт бўлган мана шу ёввойилик одатларини ибрат учун қаламлари учиди бир туртиб ўтсалар.

Колхозчилар орасидан: «Тўғри, иложи бўлса қаттиқ туртганлари маъқул», «Холамининг терилари қалинга тортиб қолган, анча-мунча туртки қор қилмайди» деган сўзлар ёғила бошлади. Орқадан кимнингдир овози эшитилди.

— Тура қолинг, энди жуда пайти, одам бунчалик қайсар бўлмайди. Уэр суранг, уэр...

Ёнини биз томон бериб тик турган хола бошидаги яктагини олиб секин ерга ташлади, қўли билан оғзибурнини қоплаб нималардир деди, лекин унинг сўзи бошқаларга на эшитилди ва на англашилди. Тўртинчи звено аъзоси бўлса керак, ёшгина бир аёл кулиб турган кўзларини порлатиб:

— Хадичахон, холам уэр сўраяптилар, эшитинглар, ўртоқлар,— деди.

— Хадичахон, мендан ўтибди, тушунмаслик...

— Хола,— деди Аҳророва,— нега мендан уэр сўрайсиз, узрни колхозчилардан сўранг.

— Майли, ахир, колхозчилар ҳам бегонамас, сиз ҳам ўзимизники... Мендан ўтибди. Мунчалигини тушунмабман...

Ерда ётган яктаки кўтариб оларкан, Аҳророва деди:

— Энди тушундингизми, ахир?

— Тушундим, ўргилсин холаңг, тушундим.

— Чинакамига паранжи ташлаганингизга ишонсак бўладими?

— Паранжимни ташлаганим қачонлар эди, бу яктак-ку?

— Паранжи ташлаганингизни ҳаммамиз биламиз. Лекин паранжини ятак билан алмаштирганингизни ҳам ҳаммамиз кўриб турибмиз. Аввалгиси алихўжа бўлган бўлса, эндигиси хўжаали бўпти,— деди колхозчиларни кулдириб Хадичахон,— оти ўчсин паранжининг, мана буларга ўхшаб очилиб-яйраб юрмайсизми? Майли, бўлмаса,— деди Хадичахон қувониб,— ўртоқлар шу бугундан бошлаб холам чинакамига паранжидан қутулдилар, илғор аёлларимиз қаторига қадам қўйдилар, деб ҳаммаларингиз номингиздан у кишини табриклашга рухсат қилингиз.

Аҳророва холага кўл узатар экан, хола Хадичахонни ўз бағрига босди. Холанинг кўзидан унинг елкасига севинч ёшлари томди.

Колхозчилар уни олқишладилар.

ОЛИЯХОН СУЛТОНОВА

I

Трамвай келиб тўхтади. Кутиб турганлар трамвайга чиқа бошлади. Вагон аввалгидек одамлар билан тўлди. Трамвай Тошкент гидростанциясига бориб тўхтади. Ака-сингил — Олияхон билан Абдурахмон Бўзсув бўйлаб техникум томон йўл олдилар.

Беш йилликларимизнинг биринчи қалдирғочларидан бири бўлган Бўзсув гидроэлектростанцияси ишга бошлаган йил эди. Тошкентда ва шаҳар атрофида яшовчи аҳоли Бўзсувнинг зилолдек сувидан қониб тўйган, Бўзсув атрофида қақраб ётган ерлар мириқтириб суғорилган, ишчи-хизматчилар электр нуридан баҳраманд бўлган йилнинг илк баҳори, дам олиш куни эди.

Йигит-қизларимиз ГЭСнинг сулим, соя-салқин соҳилларида сайр этар, биров қайиқда сузса, биров ўз тенгқурлари билан қирғоқ бўйлаб кезар, қари-қартағлар куланкаси қуюқ дарахтлар тагида ҳордиқ чиқазар эдилар.

— Ака, кечикмаган бўлсак яхши эди-я!

— Тезроқ юр,— деди синглиси Олияхонга жавобан Абдурахмон амр қилгандай,— кетиб қолган бўлсалар, «Ўнқўрғон» колхозини ўзимиз билмаймизми?

— Билишга-ку биламиз-а... Кечикиб бораётганимиз яхши бўлмас,— деди ташвишли бир оҳангда Олияхон.

— Булар иш бўлди. Жим юравер, энди...

— Э... ана, бизникилар эмасми?— деди бирдан қий-қириб Олияхон қатор толлар орқасидаги уватда саф тортиб бораётган йигит-қизларни кўрсатиб.

Абдурахмон қўлини пешанаси устига қўйиб, кун чиқишга қаради.

— Ҳа, бизнинг болалар.

— Бизнинг қизлар.

Ўртоқларига етиб олиш учун Абдурахмон билан Олияхон чопиб кетдилар.

Ҳигит-қизларни «Ўнқўрғон» колхозининг аъзоси, пиллачилик звеносининг бошлиғи Робия хола кутиб олди.

— Болаларингиз,— деди биология ўқитувчиси,— бу йил техникумни битиришади. Булар ипак қурти тутишдаги тажрибаларимизга жуда қизиқишади.

— Агар бемалол бўлса, гапириб берсангиз,— деди сўзга аралашиб Олияхон.

Ёши эллик бешлардан ошган хушфеъл, меҳмондўст Робия хола, чинни коса тўла қип-қизил гилосни тоқчадан ола туриб:

— Гап бўлса қочмас... Қани, бу ёққа кроватга чинглар!— деди ёзиқлик дастурхонга косани қўяр экан. Болалар ўқитувчиларига қарадилар.

— Нега овора бўляпсиз, хола,— узр сўрагандек гапирди ўқитувчи.

— Қўй сўйсам арзийдиган меҳмонлар, ўргилай... Қани, бошланг, кроватга чиқсинлар.

Ўқитувчи олдин, сўнг болалар кроватга чиқдилар.

— Холаларинг ўргилсин, қани ўргилай, сиз бошлаб беринг,— деди ўқитувчига мурожаат қилиб Робия хола.— Меванинг олди.

Ўқитувчи косадан бир қўшалоқ гилосни олиб, ўқувчиларга «олинглар» дегандек ишора қилди. Таклиф кутиб турган болалар косага қўл чўздилар.

— Бизни меҳмон қилиб ўзингиз емас экансиз-да, хола,— деди ўрта бўйли, қип-қизил юзли, кўк кўзлари порлаб турган, эндигина ўн етти ёшга кирган техникум ўқувчиси Олияхон.— Холам емасалар биз ҳам емаймиз,— деди йигит-қизларга қараб.

Йигит-қизлар чувуллашиб холани ўраб олишди, зўрлаб унга гилос едиришди.

Робия хола келгуси дам олиш куни уларни ўз боғига таклиф қилди, эртапишар ўриги сув олиб қолгани, қулупнайни фарқ пишиб ётганини айтди. Имтиҳонларини тамомлагач, албатта «Боғ сайилига» чиқишга ваъда бердилар...

— Хола, боғингизга ким қарайди?— сўради Олияхон.

— Чолим, ўргилсин холанг. Ўзим ҳам яхши боғбонман. Мана шу гилос ҳам ўзим қилган пайванднинг ме-

васи. Борсаларинг кўрарсанлар, ўз қўлим билан пайванд қилган шафтолим, олиҳирот, ғайноли, олмаларим мевага кирди. Дунё тургунча турсин совет, бизга ўхшаганларнинг бошини силади. Ҳукумат мана шу гидростанцияни қурди-ю, ҳамманинг уйини электр билан чароғон қилди. Сув чиқмай, фойдасиз ётган ерлар обод бўлди. Қолхоз тузилган йили ҳукуматимиз кўп қатори бизга ҳам ер берганди. Чол билан маслаҳатлашиб, орқамизда ўғил-қизимиз қолмаганга яраша мевалик боғ қолсин деган умид билан боғ қилдик...

Орани қандайдир сукунат босди. Олияхон дастурхонга ташланган гилос данакларини териб, косага сола бошлади.

— Қўй, овора бўлма, ўзим йиғиб оламан, қизим,— деди Робия хола.

— Пашша,— узр сўрагандек деди Олияхон. Уқувчиларнинг кўзлари бир-бирлариникига тўқнашиб олди.

— Янглишмасам, сен шу ердан бўлсанг керак,— қизим,— деди Олияхонга Робия хола.

— Тошкентлик бўламан. Бу киши акам бўладилар,— деди Олияхон Абдурахмонни кўрсатиб.— Балки дадамни танирсиз, у киши ҳам деҳқонлар. Отлари Зокирхўжа.

Робия хола бир оз ўйланиб турди-да, гапирди:

— Ўргилсин холанг, чолим билса ажаб эмас. Ойингиз бақувват юрибдиларми?

Олияхон акасига ялт этиб қаради-ю, жим қола қолди.

Холанинг саволига Абдурахмон жавоб берди:

— Мен синглим Олияхондан икки ёш каттаман. Ойимларни эслай олмайман. Синглим туғилгандан уч кун ўтгач, ойимиз вафот этганлар...

Робия хола бошини чайқади, лаблари пир-пир учди, ўпкаси тўлиб, ўзини тутолмади, ёш тўлган кўзини рўмонининг учи билан артар экан, бирданига жонланиб, деди:

— Илгари, бойлар замонида ота-онаси бўлиб ҳам етимдан баттар хўрланганлар оз эмас эди. Бахтинг бор экан, қизим, совет даврида тугилибсан. Совет ҳукумати сен билан акангни онанг ўрида гул қилиб тарбиялаган, вояга етказган. Ҳукуматга, халққа хизмат қилинглар, кам бўлмайсизлар, камол топасизлар.

Будильник кутилмаган бир вақтда жиринглаб қолди. Робия хола: «Вой ўлмасам гап билан овора бўп қопман,

қуртларимга барг бериш вақти бўпти» — деб йигит-қизларини кулдирди-да, барг тўла саватни қўлтиқлаб, уй эшигини очди. Бу уй қурт боқиш учун махсус солинган бўлиб, баҳаво, тўртта деразадан ёруғ тушиб турар эди. Болалар ёпирилишиб уй ичига қарашди. Сўкчак тўла қуртлар эшикка қараб турар эди. Олияхон олдинга ўтишга ҳаракат қилиб, бўйинини чўза-чўза дер эди:

— Ҳой, қизлар, қуртларнинг талпинишини кўряпсизларми?

Эшикни ўраб олган йигит-қизлар бўйинларини чўзиб ичкарига қарадилар.

— Ҳм... — деди талпинишиб турган қуртларга барг ташлаб хола, — олдиларида барг тугадими, талпинишиб қолишади. Чирқиллашаётганини эшитяпсизларми? — деди.

— Йўқ, эшитмаяпмиз, — деди болаларга хос қизиқиш билан Олияхон.

— Қулоқ сол, қизим, эшитасан, — деди Робия хола ўзи гўё қуртлар билан савол-жавоб қилаётгандек, — Уқувчи акаларинг, опаларинг атайлаб сенларни кўргани келишибди. Сенлар нафс сворасисанлар.

Йигит-қизлар холанинг гапларига тоза кулишди.

— Олдимдан баргни сира аритма дейди, на тунда оғзи тинади ва на кундуз.. Жағи чарчамаганлар! — деди Робия хола эшикни қуршаб олган йигит-қизларга.

Йигит-қизлар холанинг гапларига завқланиб кулишар, хола эса гапини давом қилдирарди.

— Мана опа-акаларингнинг юз-кўзи. Кўнглимдагини айтиб қўя қолай. Сенлар ейишдан чарчамасаларинг, мени едиришдан чарчата олмайсанлар. Уйқудан қолдим, ҳаловатим бузилди, деб шикоят қилмайман. Аммо билиб қўйинглар, менинг дунё-дунё орзу-ҳавасим бор. Ҳар йили юзлаб, минглаб ўғил-қизларим вояга етаяпти. Қиз узатиб, келин туширадиган онаман. Сенлардан талабим шу: қайси биринг айтганимдан кам ипак берар экансан, берган баргларимни баданларингдан ситиб-ситиб оламан. Николай замонасида атлас илоининг оғзида эди. Не-не дўндиқ қизлар бўз кийиб келин бўларди. Атлас билан жужунчани бойларнинг қизлари, бойвачча куёвлар кияр эди. Совет ҳукумати туфайли, — деди Робия хола қуртларга барг ташлаб, — қаранглар-а, қизларим, энди крепдешин расм бўлди. Тўқликда-тўқлик, тўқликдан чиқади шўхлик... — Холанинг ҳикоя-

сидан завқланган йигит-қизлар яна хандон уриб кулишди.

Хола барг солиб бўлиб, будильник стрелкасини яна тўғрилаб қўйди. Қуртларни кўздан кечириб, эшикни ёпди. Қўлидаги соатни тоқчага қўйди. Қиз-йигитлар холани ўраб олдилар, янгича қурт боқиш ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдилар, хола давра ўртасига ўтирдиди-да, секин сўзлай бошлади.

§

Олияхон техникумни битиргандан кейин, олти ойлик таълим-тарбия курсини ҳам тамомлади. 1936 йил сентябрь ойи. Бир группа йигит-қизлар Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги кадрлар бўлими мудирининг кабинетига навбат билан кириб чиқмоқдалар. Қабулхонада навбат кутиб ўтирган қизлардан Зухраҳон:

— Олияхон, сиз Тошкентда қолсангиз керак-а?— деди хаёли паришон бир вазиятда.

— Қизиқ савол берасиз-а, Зухраҳон, Тошкентда қолиш-қолмаслик менинг ихтиёримда эканми?

— Биламан, шундай бўлса ҳам сўраяпман-да, мабодо сизга Термизга борасан дейишса, нима дер эдингиз?

Олияхон жавоб бермади. Зухраҳон берган саволни ўзича қайтариб берди.

— Ахир қизиқсиз-а, Олияхон, мен қандай қилиб Термизга бораман! Ота-онамнинг феъли бошқаларга маълум бўлмаса ҳам сизга...

— Вой Зухраҳон,— деди ўртоғининг сўзини бўлиб Олияхон,— мен комиссия бўлмасам, сиз менга...

Эшик очилиб, Одил Эргашев деган курсант чиқди. Уни қабулхонадаги йигит-қизлар дарҳол қуршаб олишди.

— Мадкаримова ким?— деб чақирди Эргашев.

— Вой, мана мен,— деди Зухраҳон ҳаяжон аралаш.

— Қирар экансиз.

Зухраҳон комиссия олдидан чиққанда кайфи унча чоғ кўринмади. Олияхон унга тегажаклик қилиб.

— Термиз билан қутласак бўладими, ўртоқжон?— деди.

— Суйган ўртоғим! Муродингизга етдингиз. Энди ҳо табрик қилинг, ҳо қилманг,— деди маъюс бир вазиятда Зухраҳон.— Мен ҳам бўш келмадим, комиссия олдига кўндаланг шарт қўйдим: Олияхонни ҳам мен билан бирга юборасизлар, дедим.

— Бу комиссиянинг иши. Иссиғи демасангиз Термиз ёмонми, юборсалар жон деб борар эдим,— деди Олияхон Зухраҳонни юпатиб,— ҳамма ерда ҳам совет болалари. Сиз билан мен энди ўқитувчимиз...

Комиссия Олияхонни чақирди. Лекин у Зухраҳонга ўхшаб узоқ турмади. У чиқиши билан ўртоғига қўл узатди:

— Хайр, Зухраҳон, жимжит бўлиб кетманг. Тез-тез хат ёзиб туринг.

— Вой қаёққа?— деди тоқати-тоқ бўлиб Зухраҳон.

— Фарғонага.

— Вой, қандай мазза-я,— беихтиёр шундай деб юборди Зухраҳон.

— Бувайда районини биласизми?

— Вой, нега билмай, биламан,— деди шошилиб Зухраҳон.

— Билсангиз, шу районнинг Найман қишлоғидаги Пушкин номли мактабга. Хайр, соғ бўлинглар,— деди ўртоқларига қўл бериб Олияхон,— хат ёзинглар... Хайр!

4

Олияхон Найман қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабда дастлаб ўқитувчи, сўнгги йилларда мактаб мудир бўлиб ишлади. Олияхон ўқитувчи сифатидагина эмас, актив жамоатчи сифатида ҳам ўзини тез танитди.

Кунлардан бир кун, Олияхон Султонова қишлоқ советининг қарори билан колхозчиларга пилла уруғи тарқатиш ишига сафарбар қилинди. Шу сабаб бўлди-ю, бутун бир мавсум пилла звеноларига боғланиб, иш олиб борди. Шунда Олияхон «Ўнқўрғон» колхозидаги ипак қурти боқувчи Робия холанинг «Қурт боқувчиси»ни эмас, боқувчиси қуртни кутиб туришини қоида қилиб олингандагина пилла ҳосилига барака киради» деган ҳикматли сўзини такрорлайдиган бўлиб қолди.

Ҳар йили биргалашиб қурт тутиб келган Шарофат

хола бу йил негадир ёлғиз қурт тутадиган бўлибди. Бир кун Олияхон мактабдан қайтган вақтида қайнана-си Шарофат хола бир нарсани кўрпага ўраётганини кўрди.

— Ойи, нимани ўраяпсиз?

— Саватни, қуртни.

— Вой, қуртни нега ўрайсиз, диққинафас бўлиб ўлмайдимиз?

— Зиғирдай нарса диққинафасни билладими, болам.

— Зиғирдай бўлса ҳам жонли-ку.

— Менинг қуртларим ўрганиб қолган, ҳеч нима қилмайди,— деди Шарофат хола.

Олияхон бошқа ҳеч нарса демади. Соатлар кунларни қувиб ўтарди. Ўқиш йилини якунлаш кунлари яқинлаша борган сари, мактаб ишлари ҳам кўпайиб кетди. Олияхон кундузлари кўпинча уйга қайтмай, бутун кунини мактабда ўтказар, бемаҳал қайтган чоғларида қайнана-си ухлаб ётган бўлар эди. Шундай кунларнинг бирида Шарофат хола уй ичида, қўлида жинчироқ тутиб ғивирлаб юрганини кўрди-да, Олияхон эри Абдусаттордан сўради:

— Ойим бемаҳалда уйда нима қилиб юрибдилар?

— Иш чатоқ,— деди бош чайқаб эри.

— Чатоғингиз нимаси?— таажжуб билан эрига тикилди Олияхон.

— Кампирнинг қурти дастага кирмаётганмиш.

— Қурт баргга тўймагандир...

— Қарийб ўттиз етти кундан бери едиради, тўймаган бўлганда баргга қарарди-да,— деди Абдусаттор,— кампирнинг дили сиё... Боя сўкчак тагидан ўнтача ўлик қурт териб чиқди.

— Ойим қуртни шу хилда боқсалар, албатта ўлади-да...

— Секинроқ,— деди Абдусаттор, хотинини огоҳлантиргандек,— эшитиб қолгудек бўлса, бир умр қутулмайсиз... «Найманда менинг қуртимга етадиган қурт йўқ эди, қуртимга кўз тегди», деб ўзи кимдан ўч олишни билмай юрибди.

— Сўкчакка сал кам бир боғ исирик боғлаб қўйган эдилар-ку? Ёмон кўздан сақлаб қололмабди-да,— қулиб гапирди Олияхон.— Мен кампирнинг кўнглига қаттиқ тегиб нима қилдим, деган мулоҳаза билан кўриб-кўрмасликка солиб кетган эдим. Энди гапираман.

— Қўйсангиз-чи, — деди эри, — ўлганининг устига тегган дегандек, нима кераги бор.

— Кераги бор, — деди жиддий оҳангда Олияхон, — агар ойим, ойимга ўхшаш аёллар исирикқа сиғинмай, ёскиликка берилмай, кишининг айтганини қилганда, бундай бўлмас эди. Қурт боқиш, ипакчилик давлат иши. Ойимнинг қурти касал бўлишини бошдан билган эдим. Бу уйда қурт тугул, одам ҳам касал бўлади. Қурт боқиш шундақа бўптими? Қурт тутган одам қуртдек қимирлаб туриши керак. Қурт, боқувчини эмас, қурт боқувчи қуртни пойлаб туриши керак. Қурт уй-қудан тургандан кейин ейман дейди, булар уни қантар ишади. Ойим бўлсалар қурт хоҳлаганда эмас, ўзларининг ҳафсалалари келганда, баъзан кечалари қуртга барг берсалар берадилар, бўлмаса йўқ! Шу хилда қурт боқиб, планни тўлдириб бўлармишми?

— Асли ўзингиз, — деди Абдусаттор кулиб, — қурт агрономи бўлсангиз булар экан, янглишиб ўқитувчи бўлиб қолгансиз-да!

— Йўқ! — деди қатъий қилиб Олияхон. — Ўқитувчи бўлиб янглишганим йўқ. Бу қишлоққа ўқитувчи бўлиб келганимдан бери болалар еттичи синфни тўққиз марта битиришди. Ўқитувчи бўлишимдан пушаймон бўлмайман. Лекин буларга қуртни қандай тутуш кераклигини кўрсатиб бериш ниятим ҳам йўқ эмас.

— Ким қўлингизни ушлабди? Тутинг, кўрсатинг!

— Бу йил вақти ўтди. Келгуси йилда албатта тутаман. Лекин бир шарт билан, — деди кўрсаткич бармогини эрига кўрсатиб Олияхон, — сиз ҳам қарашиб юборасиз.

— Қўлингизни беринг бўлмаса, — деди хотинини эркалаб Абдусаттор, — менинг ҳам бир шартим бор, фойдасини ўртада арра қиласиз.

— Мен ўйин қилиб гапираётганим йўқ, — деди ўзини эридан тортиб Олияхон, — жиддий гапиряпман.

— Фойдани арра қилиш жиддий гап эмас деб ким айтган сизга, — деди кулиб Абдусаттор.

— Фойдага жуда ишқивоз бўлсангиз, — деди Олияхон, — аррасизоқ фойдаси сизники бўла қолсин. Ипак қурти боқишдан асосий мақсадим ўз фойдамни кўзлаш эмас...

— Ҳазиллашяпман, — деди Олияхоннинг елкасига қўлини ташлаб Абдусаттор.

— Қаранг, ойим келяптилар!

Шарофат хола бир чинни косача тўла қуртни кўтариб келинининг хонасига кирди-да, йиғламсираб:

— Болам, қуртимни кўринг, етилиб дастага кираман деб турганда, наҳотки сув бўлиб оқса-я... Ноумид қолгурларнинг кўзи тегди.

Олияхон қайнанаси қўлидаги косани олиб, чироғнинг ёруғига тутиб қаради.

— Ойижон, қуртингизга кўз-мўз теккани йўқ. Ўлишига сабабчи ўзингиз...

— Болам, сиз ҳам ярамга туз сепманг,— деди қалтироқ овоз билан Шарофат хола,— дунёда ўзига-ўзи душманлик қилган одамни кўрганмисиз?

— Айтмовдимми,— секин гапирди Абдусаттор,— сизники маъқул деб қўя қолинг...

— Ҳай болам, сен ҳам гапир,— деди қўлини ўғлига пахса қилиб Шарофат хола,— нега ахир, ўз қуртимни ўзим ўлдирар эканман-а?

— Ойи, сиз келинингизнинг гапига тушунмадингиз... у...

— Ҳа, она бўлиб мен тушунмаган гапга, болам бўлиб сен тушунасан! У эмас, бу эмас, нима деса ҳам хотинимники тўғри денг, деб қўя қол!

— Ана холос...

— Ойижон,— деди хомуш Олияхон,— қуртингизни ўзингиз ўлдирдингиз деб жинни бўлманми? Нега ўзингиз ўлдирар экансиз... Ҳали ҳаммаси ўлгани йўқдир, қани юринг, қуртхонага кирайлик-чи, балки оғримаганларини ўлимдан қутқариш мумкин бўлар...

— Тўғри,— деди хотинининг гапини қувватлаб Абдусаттор ва онасига тасалли бериш мақсадида қўшиб қўйди,— юринглар, кўрайлик... Ойим бечора озмунча меҳнат қилдиларми!

Шарофат холанинг юзидан қайғу излари тарқалиб, кўзларида умид порлагандек бўлди. Она ўғли билан келинини бошлаб қуртхонага кириши билан унинг қўлидаги қора чироқ «лип» этди-да, ўчиб қолди.

— Қораер...— ўзича гудунглади она ва чўнтагини ковлаб гугурт қидира бошлади.

— Югуриб кириб, лампа чироқни олиб чиқа қолмайсизми?— деди эрига Олияхон. Абдусаттор шошилиб бурилди, остонадан ҳатламоқчи бўлган эди, қоқилиб йиқилди.

— Вой, мен ўлай, болам йиқилдими?— саросима бўлиб эшикка қаради она.— Бирон еринг шикаст емадими?

Абдусаттор уй томон чошиб борар экан:

— Йўқ... ҳеч нарса қилгани йўқ... Ҳозир чироқни олиб келаман,— деди.

Қуртхона қоронғи, фақат туйшукдан тушиб турган тулин ой нури хонани хира ёритиб турар эди. Қуртхона ҳавоси бўғиқ, кишининг нафаси қайтар, қандайдир бадбўй ҳид келар эди. Абдусаттор лампа чироқни юқори кўтариб, сўкчакни ёритди. Сўкчак усти, тевараклари кўйлак, камзул, дастурхон, рўмол, чойшап, яна шунга ўхшаш латта-путталар билан ўралиб қўйилган эди. На ўғил ва на келин бирон нарса дейишга журъат қила олар, фақат сўкчак тагига тўкилиб ётган нимжон қуртларни секни қўлига олиб қарар, ғаналар орасида шалпайиб ўлиб ётган қуртларга эру хотин кўз қирларини ташлаб, бош чайқар эдилар.

— Дастангизни очиб кўрсак бўладими?— қайнана-сига мурожаат қилди Олияхон.

— Албатта очини керак,— деди онаси ўрнига жавоб қилиб Абдусаттор,— қурт димиқиб қолибди...

— Бир бу йил ёпибманми, димиқса! Ҳар йил ҳам дастага кириш вақтида қуртни шундай ўраб қўярдим,— деди даста устидаги ёпилган дастурхонни кўтариб Шарофат хола.

Дасталарга чиққан қуртлар, пилла ўраш ўрнига ўриб юрар, якка-ярим ўрганлари ҳам пиллани тешиб яна чиқиб кетган эди.

— Қуртингиз баргга яхши тўймаганга ўхшайди, ойижон... Умуман қуртнинг устини ёпиш ярамайди,— деди мулойимлик билан Олияхон.— Ҳали ҳам бўлса барг солсангиз қандай бўлар экан? Соғи кўп, касалларини териб олишимиз керак.

— Ҳавони қаранг, ҳавони,— деди Абдусаттор.— Нафасим бўғилиб, ўлай деяпману, бундай ҳавода қуртлар қандай қилиб овқат есин...

— Тўғри айтасиз!— маъқуллади Олияхон.— Эшикни очиб, ҳавони янгилаш керак. Сўкчак тор, қурт сиқилиб қолибди, жойини кенгайтириш керак. Шундай қилиб кўрайлик-а, ойижон,— деди ёлборгандек Олияхон.

— Майли, энди бўлар иш бўлди,— деди эшикни очиб Шарофат хола.

— Ҳали кўрасиз, анча пилла оламиз,— деди она-
нинг кўнглини кутариб Олияхон.— Қани, Абдусаттор
ака, сиз ҳам қараб турманг, қўлишгиздаги чироқни сим-
га ила қолишг, даста устига ёпилган нарсаларни олай-
лик...

Ўғли билан келини ёнига Шарофат хола ҳам кир-
ди... Қуртларни ўлимдан қутқариш учун астойдил ку-
раш бошланди...

5

Киров номли колхознинг пиллачилик звеноларида
қуртлар бешинчи ёшининг охирги кунларига яқинлаш-
ган бир вақтда тўсатдан правление мажлиси чақирилиб
қолди. Мажлисга пахта бригадасининг бошлиқлари,
пиллачилик звенолари таклиф қилинган.

Правление мажлисидагилар пилла топшириш плани-
ни бир юз ўттиз икки процент қилиб колхоздаги барча
звенолардан илгари бажарган ва ҳозиргина пилласи-
ни пунктга топшириб келган пиллачилик звеносининг
бошлиғи Мадраҳимованинг ахборотини катта қизиқиш
билан тингладилар. Правление мажлисида қатнашаёт-
ган мактаб мудирин Олияхон Султонованинг диққатини
тортган нарса шу бўлдики, ҳали Киров номли колхоз-
даги барча звеноларнинг қуртлари бешинчи ёшининг
охирги кунларини кечириб турган бир пайтда, Мадра-
ҳимова звеноси пилла ишини тугаллаб, пахта парвари-
ши ишига киришиб кетган эди. Мажлисда музокарага
чиқиб сўзлаган пиллачилик звеносининг бошлиқлари
бошда уруғнинг нотўғри тақсим қилинганлиги, баъзи
звенолар ихтиёрида тут кўп бўлгани ҳолда, қурт уруғи
оз берилганлиги, шунга қарама-қарши ўлароқ бир кўп
звеноларда тут оз бўлиб қуртни тўйдириш қийин бўлиб
қолгани, баъзи бир қуртхоналарнинг мутлоқ номуво-
фиқлиги ва шуларга ўхшаш сабаблар билан қурт етил-
май, пилла ўраш кечикиб кетаётганини сўзлаб, колхоз
правлениясининг қаттиқ танқид қилдилар. Олияхон Сул-
тонова сўзга чиқиб қуртни нотўғри тарбиялаш натижа-
сида ҳосил бой бериб қўйилганлиги тўғрисида гапирди.
У Райшёлк агрономини қаттиқ танқид қилди.

— Мен,— деди сузида давом этиб ўқитувчи Сул-
тонова,— на агроном ва на зоотехникман. Лекин био-

логия ва анатомия фанларидан бир оз хабардор бўлганим учун колхозимизда илак қурти боқаятган пилла веноларининг ишига кўпдан бери қизиқиб юраман... Тўғриси айтишим керакки,— таъкидлаб гапирди Олияхон,— баъзан колхозчи аёл-эркакларимизнинг қурт боқишдаги фидокорона меҳнатларини кўриб шодлансам, баъзи ҳолларни кўриб хафа бўлишга тўғри келади.

— Ўртоқ Султонова, ўша сизни хафа қилган нарсадан гапиринг!

— Ҳозир, ҳозир, ўртоқ раис,— деди изоҳ бериб Олияхон,— бу кунги ўртоқ Мадраҳимовалар муваффақиятидан ҳаммамиз хурсандмиз. Мен Олтинисо опанинг қурт тутишларини бир эмас, бир неча бор бориб кўрганман...

Мадраҳимова луқма ташлаб, ўқитувчининг сўзини бўлди. У яхши маслаҳатлар бериб, пилладан кўп ҳосил олишга сабабчи бўлган Олияхонга миннатдорчилик билдирди ва кўпгина яхши-яхши маслаҳатларини ноилжликдан бажара олмаганлигидан афсусланиб гапирди.

— Яхши маслаҳатларни бажармасликка сизни биров мажбур қилдими?— луқма солди колхоз раиси.

— Биров мажбур қилди деётганим йўқ,— чўчиброқ гапирди Мадраҳимова,— ноилжликдан, иложи бўлмаганликдан бажара олмадик.

Олияхон Султонова раисга мурожаат қилиб, ўша «иложи бўлмаган» нарсани изоҳлаб бермоқчи эканини айтди. Олияхоннинг айтишича, бу «ноилжликка» биргина Мадраҳимовалар айбли эмас. Чунки зоотехника талаб қиладиган кўп шарт-шароитлар қурт тутишнинг бошидаёқ қилинмаганлигидан, вақт ўтиб бориши билан ҳосил ҳам бой берила борган.

Масалан, уй оқланмаган, бошда печка қурилмаган, Султонова ҳамда зоотехник аралашуви билан қурт учинчи уйқуга ётиш вақтига бориб печка қурилган, бу печка ҳам тунука печка бўлган... Печка ёқишига ёқилгану, бир меъёردа иссиқлик сақланмаган, барг беришда ҳам шундай камчиликларга йўл қўйилган.

— Мен демоқчиманки,— ўпка қилгандек гапирди Султонова,— шунча камчиликлар бўлиб ҳам иккала овсин Мадраҳимова ўртоқларнинг қуртлари ҳаммадан олдин пиллага кирди, ҳали тўқсон тўққиз процент зве-

ноларнинг қуртлари бешинчи ёшининг охириг кунларини кечираётган вақтда Мадрахимовалар пиллаларини териб, пунктга олиб бориб топширдилар...

— Планларини бир юз ўттиз икки процент бажардилар ҳам деб қўйинг,— луқма солди кимдир.

— Бу ютуқдан кўз юмиб бўлмайди,— деди Султонова жавобан,— лекин юздан бир звено ҳозирча бундай муваффақиятга эришди, қолган тўқсон тўққиз процент звенолар ҳам Мадрахимова ўртоқларга ўхшаб қурт тарбия қилишлари мумкинми эди?

— Шароит йўқ... Шароит!— орқада ўтирганлардан кимдир луқма солди.

— Шароит бор!— қатъий гапирди Султонова.— Колхоз тузуми бизлар учун ҳамма шароитни вужудга келтириб берди. Лекин баъзан шу шароитдан фойдалана олмаймиз. Агар сиз эскича қурт боқиш шароитидан қутулишимиз қийин бўляпти, зоотехника қондаларига кўникмаяпмиз десангиз, мен сизнинг гапингизга ишонардим,— деди ҳалиги орқада ўтирган кишига жавобан.— Янги усулда қурт боқиш тўғрисида шёлктрест агрономларининг лекцияларини колхозчилар билан бир скамейкада ўтириб мен ҳам кўп мартаба эшитганман. Лекин гап бошқа-ю, иш бошқа экан. Оқланган ва формалин билан дезинфекция қилинган, печка қурилиб иссиқлик ҳарорати йигирма саккиз-йигирма тўққиз даражада бир меъёردа иситиб турилган қуртхоналарда қурт боқаётган звеноларимиз кўпми, бизда? Фан кўрсатмаларига етарли амал қилмаётирмиз, уни турмушга татбиқ қилишда звеноларимиз ишига бевосита ёрдам қилмаётирмиз, уларни ўргатмаётирмиз, куржоклар ташкил қилмаётирмиз... Биз «шароит йўқ» деган гапни ўрганиб олганмиз, ўз айбимизни кўп вақт ана шу бемаъни «шароит» сўзи билан ниқоблаймиз, бор шароитдан фойдаланмаймиз ёки шароитни ўзимиз юзага чиқаришимиз кераклигини тушунмаймиз!

— Тўғри! Тўғри!— деган овозлар эшитилди.

Султонова агробиология ва агротехникага амал қилиб табиатни, ўсимлик табиатини ўзгартираётган пахтакорлар ҳақида сўзлади. Киров номли колхознинг ўзида уч-турт йил ичида пахта ҳосили гектарига тўрт-беш центнердан кўпайтирилганлиги ҳақида гапирди; ғўзани кўпроқ ҳосил беришга мажбур қилаётган, ғўзанинг яшаш шароитига таъсир кўрсатаётган фан кўрсатма-

лари билан бой тажрибаларини ишга солиб гектаридан етмиш-саксон центнерга етказиб пахта ҳосили олаётган ана шу Киров номли колхоз аъзолари ҳар бир қути уруғдан ўттиз беш килограмм пилла олишлари бу ҳосилнинг чўққиси эмас, агроном, зоотехниклар ҳам фан ютуқларини тарғиб қилиш билан кифояланмасдан, уни амалга оширишда ташкилотчи бўлишлари, пиллачилик давлат аҳамиятига эга эканлигини кенг оммага тушунтиришлари, ҳар қути уруғдан ўттиз беш-қирқ килограмм ўрнига олтмиш-етмиш килограммга етказиб пилла кўтаришлари кераклигини айтиб, жойига бориб ўтирди.

— Ўқитувчи хўп яхши гап қилдилару, пиллани ғўзага тенглаштиришлари бир оз ақлга тўғри келмайдиган гап бўлди-да!

— Нега?— сўради раис.

— Нега десангиз, бир туп ғўзада бешта кўрак бўлиши ҳам мумкин, юзта ҳам... Битта ипак қурти уруғидан битта қурт чиқадими ахир?— деди бармоғини раисга кўрсатиб ҳалиги одам. Мажлисдагилар унинг гапига кулишдилар.

— Тўғри, бир туп ғўзада икки юз кўракни ўзим санаганман,— кулишаётганларни тўхташга ундаб гапирди раис,— лекин мана шуниси қизиқ-да, қаранглар-а? Нега бир туп ғўза бешта беради-ю, бошқаси йигирма, эллик... юз... ҳатто икки юз...

— Пахтага қанча ишлов берсангиз, шунчалик яхши бўлаверади.— Раис қўлидаги қўнғироқни жиринглатди-да, деди: — Ипак қурти ҳам ишловни яхши куради. Ўртоқ Султонова жуда тўғри гапирдилар. Қурт агротехникага риоя қилиб яхши боқилса, бўлиқ бўлади, семиз бўлса ипаги кўп бўлади, пилласи катта, оғир бўлади.

Раис Олия Султонованинг фикрини ёқлаб гапирганда, мажлисдагилар қарсак чалдилар. Шундан кейин раис муҳокамани якунлаб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тездан тузатишга чақирди. Райшёлк агрономи билан бирликда бригада бошлиқлари пиллачилик звеноларида рўй берган бу ҳодисани тездан бартараф қилиш учун ортиқча тутларни барги тугай бошлаган звеноларга бириктириб беришни топширди. Раис Мадраҳимова звеносининг ғалабаси пиллачиликнигинга эмас, пахтачиликнинг ҳам олға кетишига таъсир қилажагини айтиб, агар бошқа звенолар ҳам Мадраҳимова эришган ютуққа муяссар бўлганларида, ҳозиргидек кучлар иккига

бўлинемасдан, иккинчи гўза чопиғини ўн кун ичида та-
момлаб олган бўлар эдик, деб афсус билдирди ва Сул-
тонова айтган янги фикрларни келгуси қурт боқиш мав-
сумида албатта ҳисобга олиб ишлашга пиллачилик
звеноларини чақирди.

6

Мажлис тугаб, ҳамма ўз ишга тарқалди. Олияхон
Султонова билан Мадраҳимова йўл-йўлакай гаплашиб
борарди. Султонова пилла қуртини жадал суръатда бо-
қишга ўтиш кераклиги туғрисида гапирди.

— Майли. Қурт боқиш сизни шунчалик қизиқтирар
экан, қурт тутат қолмайсизми? Мусобақалашардик.

— Кунглимдагини топдингиз, опа,— деди Олияхон,—
звеногизга оласизми?

— Сизними? — Олияхоннинг юзига тикилди Мадра-
ҳимова кулиб.— Жон-жон деб оламиз. Бизга янгича
қурт боқишни ўргатар эдингиз... Сиз бизга звено бўлинг,
биз...

— Йўқ, йўқ,— деди Мадраҳимованинг сўзини бўлиб
Олияхон,— звено ўзингиз, мен аъзо...

Мадраҳимова билан Султонова келгуси йилда бир-
галашиб қурт тутишга аҳдлашиб, кимни звено бошлиғи
қилиш масаласини колхоз правлениесига ҳавола қилиш-
га қарор бериб, хайрлашдилар.

7

Февраль қуёшининг илк нурлари ер бетидан қорлар-
ни эритиб девор тагларидан буг кўтарилаётган, офтоб-
рўя жойлар сергиброқ қолган кунларнинг бирида Олия-
хонларникига кириб келаётган Олтиннисо буви билан
Хосият опани Шарофат хола кутиб олди.

— Звено уйдимилар? — саломлашишдан бурун сўра-
ди Олтиннисо буви.

— Ҳа, мунча, мен звено ўрнини босолмайманми? —
деди Шарофат хола ҳазилкашлик қилиб.

— Ҳар кимнинг ўз ўрни бор, Шарофат хола, сиз ал-
батта звеномнинг ўрнини боса олмайсиз-да,— деди са-
лом бериб Хосият опа,— омонмисиз, эсонмисиз, неварал-
лар чопқиллашиб юришибдими?

— Шукур, ўзларингиздан сўрасам. Хайриятки, зевно мажлис тайин қилибди, келибсизлар, наҳотки қиш угиб сояларингизни ҳам кўрсатмасаларинг.

— Шарофат, сенга гина ярашмас экан,— деди Олтиннисо буви,— овсиним бечора ҳам менга ўхшаб уйда бир ўзи, сенинг бўлса келининг бор. Невараларинг олдингда юришибди... Эшигимдан бундай кириб борсанг бўлмайдимми?

— Бўлардику-я, кошки сен айтгандек уй ташвишидан ортиб, кўчага чиқолсам,— кўрпача ёза туриб гапирди Шарофат хола,— келиним бўлса мактабидан ортмайди. Болалари эрта-кеч мен билан бирга. Қани, бу ёққа, кўрпачага.

Меҳмонлар қалин кўрпачада яйраб ўтиришдилар. Шарофат хола дастурхон ёзиб, мева-чева тўла баркашнинг ўртага қўйиши билан ташқаридан: «Она... ҳо она...» деган овоз эшитилди. Бу Олияхоннинг беш ёшга тўлган Сабохон деган қизчаси эди.

— Сабохонми бу, вой, ўргилсин онанг-эй... кела қол кўришайлик... Мен сенга мана бир нарсалар олиб келдим, — чўнтагини ковлай бошлади Олтиннисо буви.

Сабохон печоғлик уялиб елкасини деворга бериб турган бўлмасин, барибир унинг икки кўзи холанинг чўнтагида. Бутун хаёли хола ваъда қилган «бир нарса»да эди.

Олтиннисо буви гулдор қоғозга ўралган конфетнинг қўлида чангаллаб Сабохон томон узатди ва қучоғини очди. Қизча бўйинини эгиб ўнг билагини пешанаси аралаш бошига қўйиб секин юриб келди, холанинг қўлидаги конфетни олиб хотиржам бўлгач, ўзини унинг қучоғига ташлади. Хола қизчанинг пешанасидан ўпди:

— Вой тасаддуқ-эй, Сабохонми бу... Қаранг, ойдек катта қиз бўлиб қолибди-я. Нега бизникига бормайсан?

— Бораман,— оғзида конфет билан беларво жавоб берди Сабохон.

— Қачон борасан?

— Эртага.

— Бизникига ҳам борасанми? — сўради Хосият опа.

— Конфетингиз борми? — тўсатдан сўради Сабохон. Қизчанинг бу сўзига ҳаммалари хахолаб кулишди. Хосият опа эртага ҳолва олиб келишга ваъда бериб, Сабохон билан кўришди ва унинг анордек қип-қизил икки бетидан «чалп-чалп» этиб ўпди, эркалади.

— Боладан ўргилай, боладан... Болалик уй бозор, деб шуни айтадилар-да.

Олтиннисо буви қирқ беш ёшга кирганда икки бола кўрди-ю, бироқ иккаласи ҳам вафот этган эди. Овсини Хосият опа умуман туғмаган. Иккала аёл болани қўлдан-қўлга олиб узоқ эркаладилар, севдилар, бағрилари-га босдилар.

— Ойинг қанилар?

— Ойимлар мактабларида, ўқитяптилар,— Хосият опа қучоғидан чиқиб жавоб берди-да, чопиб ташқарига чиқиб кетди қизча.

— Қўрт боқишининг ҳам илми бор экан,— деб гап бошлади Шарофат хола,— келиним нега мунча қўрт боқиш туғрисида суриштириб қолди десам, ўртоғим билан мусобақа қилмоқчи бўлган экан-да... Ўзи мактабдан чарчаб қайтади, бунинг устига ярим кечагача китоб ўқийди... Қўрт боқиш илми булар эмиш, ўртоқ,— таажубланиб гапирди Шарофат хола.

— Ҳар ишнинг калити илм, билимлик ўнни йиқар, билимсиз бирни деб бекорга айтмаганлар-да! — таъкидлаб деди Олтиннисо буви.

— Ҳадемай ўзи келиб қолади, қўрт боқишни ўртададиган бир тоқча китоб йиққан... Ҳар суратлари борки, кўрсанг оғзинг очилиб қолади.

— Қанақа сурат экан? — қошини чимириб сўради Хосият опа.

— Қўртнинг сурати... Капалакларни айтмайсанми, кўрсанг жони бор дейсан... Қўрт тутишда сендан ўтадигани йўқ... Келиним бўлса, уч ҳафтага етказмай пилла кутарамиз, дейди. Ана ўзи ҳам келиб қолди,— деразадан ҳовлига қаради Шарофат хола,— қолган гапларни ўзидан эшитарсизлар.

Олияхон салом бериб уйга кирди, дафтарларини тоқчага қўйиб, меҳмонлар билан кўришди.

— Звено, ваъдани бизга бериб, ўзингиз қаёқларда турибсиз? — ҳазил қилди Олтиннисо буви. Олияхон терларини артар экан, қўл соатига қараб деди:

— Мен айтган вақтимда етиб келдим.

— Олияхон хафа бўлмайсиз,— узр сўрагандек гапирди Хосият опа,— овсинимиз шунақа, ўзлари бесоатлару, яна соат билан иш қилмоқчи бўлганларига ўлайми!

— Бесоат бўлсалар, бундан кейин соатлик бўладилар,— кулди Олияхон.

— Ана, эшит, овсин! Звеномдан ўргилай, қариганим-да билагимга тилла соат тақтирмасам...

— Вой, кўнглинг тусамай кетсин... Қумуш соат бўлса ҳам бир гапи эди... Соатга қараш учун кўз керак,— деди нон синдира туриб Шарофат хола.

— Кўзимга нима қипти! Кўзим ҳали машъалдек. Ҳаммани ўзингга ўхшатаверма, ўртоқ.

Олияхон гапга аралашди. Тилла соат қочмаслигини, ҳозирча ҳар бир звено аъзосига биттадан «будильник» зарурлигини, жадал суръат билан қурт боқиш мўлжалдаги натижани берса, тилла соатдан ҳам каттароқ мукофотга сазовор бўлишларини тушунтирди. Бу йил звено уч қути ипак қурти уруғи олиши, ҳар бир қути уруғдан планга мувофиқ эллик килограммдан пилла топшириши кераклиги ҳақида гапириб, уялиб қолмаймизми, нима дейсизлар, деган маънода аъзоларнинг юрагига қўл солиб кўрди.

— Уялтирмаймиз, белингизни маҳкам бойлайверинг,— деди Олияхонга далда бериб Мадраҳимова.

— Тўғри, эллик килограмм пиллани ўйнаб-ўйнаб берсак бўлади. Бажариб бўлмайдиган бўлганда, ҳукумат ҳам бизга эллик килограммдан план бермаган бўлар эди. Билмадим, сизлар қандай қарар экансизлар,— деди аъзоларга мурожаат қилиб Султонова,— биз эллик килограммдан беришга шартнома қилаверсагу, ҳар қути уруғдан етмиш килограмм пилла олиш учун кураш бошласак.

— Болам! Нонни катта тишласанг тишлаки, гапни катта гапирма, дейдилар... Одамлар шунча зўр бериб қирқ килограммга етказа олмаганда, биз эллик килограмм пилла берсак ёмон бўлмас. Ваъдани бериб қўйсагу, охирида уялиб қолсак... Ҳар нарсанинг охириини ўйлаш яхши. Мана, яна ўртоғим билади.— Олтиннисо бувига қаради Шарофат хола.

Мадраҳимова кўзларини девордаги соатга тикиб ниманидир ўйлар эди. Ҳеч ким ҳеч нарса демади, орага жимлик чўкди, ниҳоят бу жимликни Олтиннисо бувининг ўзи бузди. У Олияхоннинг фикрини ёқлади, «Осилсанг баланд дорга осил, оёғинг ерга тегмасин» деган мақолни эслатиб, бултур қирқ килограмм пилла берган одамлар, бу йил албатта ундан ошириш учун курашишларини, ўзлари ишлаб турган Киров номли колхознинг бултурги пахта нормаси бу йилга келиб эскириб қола-

ётганини, агар ўтган йил Олияхон айтганча иш тутилганда пилла планини икки юз процент қилиб бажариши эҳтимолдан узоқ эмаслигини, шунинг учун ҳам звено бошлиғи Султонованинг етмиш килограммга етказиб пилла олишига ишонишини очиқ айтди. Султонова Мадраҳимова айтган фикрларни Мичурин таълимотидан мисоллар келтириб тасдиқлади. Мичурин таълимотига амал қилиш натижасида қишлоқ хужалиғи соҳасида жуда катта ўзгаришлар бўлганини тушунтирди. «Табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирганлариди» деҳқонларимиз бир гектар ердан юз центнердан пахта ҳосили етиштириб билмасликлари турган гап эди. Совет олими Мичурин отанинг «Одам аралашган тақдирда, ҳайвон ёки ўсимликнинг ҳар бир шаклини тезроқ ўзгартишга ва ўзгартирганда ҳам киши хоҳлаган томонга қараб ўзгартиришга мажбур этса бўлади» деган гапини содда қилиб тушунтирди.

— Биз ҳам,— деди Олияхон,— ана шу таълимга асосланиб жадал суръат билан қурт боқишни тажриба қилиб кўрамиз, мумкин қадар қурт боқиш муддатини қисқартириш устида курашамиз.

Шу вақтгача жим қулоқ солиб ўтирган Хосият опа бирдан жонланиб:

— Звено, ўргатиш сиздан, бажо келтириш биздан,— деди овсини билан Шарофат холани кўрсатиб.

Олияхон шошиб қолмаслик учун қуртхоналарни ҳозирдан бошлаб тайёрлаш масаласини қўйди. Бир қути уруғ Олтинисо буви ҳовлисида, иккинчиси Хосият опаникида, учинчиси Олияхонларнинг уйида боқиладиган бўлди. Қуртхоналарнинг дезинфекция қилиниб, албатта оқланишини шарт қилиб қўйди. Қуртнинг биринчи ёшида икки квадрат метр жой кифоя қилса-да, бешинчи ёшга етганда олтмиш квадрат метр ҳажмда сўкчак керак бўлишини айтганда, Шарофат хола чўчиб кетди. Хосият опа уйининг торлиғи, ўтган йил қуртлар тикилиб қолганлигини айтди. Олияхон бунинг энг яхши чораси қаватли сўкчак қуриш деган фикрни ўртага ташлади.

— Ҳар қути уруғ қуртига олтмиш квадрат метр сўкчак қурсак, уч қути уруққа озгина ёғоч кетадими? — ташвишланиб гапирди Олтинисо буви.

— Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ сўкчакларга етгундек ёғоч ғамламасак, кейин шошиб қоламиз. Печка қуриш масаласига келганда,— сўзини давом этдириб

гапирди Султонова,— меникида печка бор, ойимнинг уйларига албатта печка қуришимиз, манави эшикка дераза қилишимиз керак бўлади.

Шарофат хола эътироз билдирди:

— Ҳой, келин! Олди ёз, дераза қурилса бас-да, печкасиз ҳам уй ҳаммом бўлиб кетади... Бундан ташқари исрофгарчилик...

— Нега исрофгарчилик бўлар экан? — ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди Олияхон.— Печкасиз уйда қурт боқсак ўйлаган мақсадимизни юзага чиқара олмаймиз. Битта печка учун қанча гишт кетарди? Печка қурмасликнинг сира иложи йўқ,— таъкидлаб деди звено бошлиғи,— нега десангиз, март ойи апрелга, апрель эса майга қараганда салқин бўлади... қуртхонанинг иссиқлиги дастлабки кунларда 28—29 даража бўлиши керак. Апрельда ҳарорат 10 даражадан ҳам ошмаган кунлар эсимда бор. Ҳаво паст келиб экилган чигитлар унмасдан, ҳамманинг дили сиё бўлганини унутдингизми? Шунинг учун қуртхонага печка ёқиб ҳароратни бир меъёردа тутиб туриш энг зарур шароитлардан биридир.— деди Олияхон,— қурт ахир жонли нарсаси...

— Ҳа,— деди Мадраҳимова,— уй совиб кетган чоқларда қурт овқатга қарамай қўяди...

— Тўғри, тўғри. Қарахт бўлиб, иштаҳаси бугилади, яхши овқатланмайди, қурт даври чўзилса ҳам ўзи ўсмайди. Ҳали сиз айтганингиздек,— деди Олияхон,— пилласи ҳам тош босмайди. Ҳосили кам бўлиб, ўттиз-ўттиз беш килограммдан ортиқ пилла кўтармаслик ёки қурт ўлиб нобуд бўлишининг сабабларидан бири ҳам қуртхонага печка ёқилмаслигидадир. Мен раис билан гаплашдим. Эртадан уста келиб печка, дераза қуради, кейин қурт боқиладиган уйлари дезинфекция қилдирамиз. Кейин печкани ёқиб, уйни бир кун маҳкам ёпиб қўйишимиз ҳам керак бўлади. Токи, уйнинг бурчак ва шифтларига уя қўйган ҳар хил бактериялар қирилиб битсин.

— Болам,— деди Шарофат хола келинининг сўзини бўлиб,— мажлисингизни очсангиз оча қолинг, мен қозонимга олов ёқай...

— Мажлисимиз тамом бўлди,— деди кулиб Олияхон,— ошингиз тайёр деб ўтирсам, сиз ҳали...

— Вой, мен мажлисни пойлаб ўтирибман...

— Ўртоқ, ғайрат қил! Звеномиз олган мажбуриятдан

ошириб пилла кўтарсанг, сени Тошкентга, қурултойга юборамиз...

— Юбормаям кўр-чи...

Звено аъзолари Шарофат холанинг сўзига завқлашиб қулишдилар. Хола ош пиширишга чиқиб кетди, суҳбат узоқ давом этди.

8

Колхоз инкубаторида чиқазилган қуртлар звеноларга тарқатилаётган кун зоотехник бошчилигида тузилган актга қўл қўйиб, ўқитувчи Олияхон Султонова ҳам уч қутн қурт уруғи олди, бир қутисини ўзига олиб, қолганини Олтинисо буви билан Хосният опага топширди.

Инкубатордан қуртни олиб келинган қушнинг эртаси Шарофат хола барг солиб бўлиб, ўчоққа ўт ёқди, катта тоғорадаги сутни қозонга ағдариб, ўзи уйга кириб қуртига қаради. Қурт баргга ўрмай ҳамон барг тагида ҳаракатсиз ётарди. Шарофат холанинг юраги орқасига тортиб кетди. Унинг бошига бирдан «печкага тошқумир ёқиб, қуртга ис тегди» деган ўй келди. Ҳовлида ўзидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. У югуриб ҳовлига чиқди-да, «Сабохон... хо... Сабохон» деб қичқира бошлади. Қиз буvisининг чақирлиғига «Ҳув!...» деб жавоб берса ҳам ўйиндан қизганиб келмади, ниҳоят Шарофат холанинг сабри тугаб, неваралари ўйнаб ўтирган ерга чопди.

— Сабохон,— деди ҳовлиқиб Шарофат хола,— югур, ойингни дарров айтиб кел! Бувим чақиряптилар, тез юрар экансиз, дегин.

Сабохон чопди. Ўзи қайтиб келиб, қуртни кўздан кечира бошлади. У ўз-ўзига:

— Ўйнинг иссинга нафасим қисилиб кетяпти-ю, ҳали бу нимжон қурт-ку! Эшикни очиб қўяй-чи... Ис теккан бўлса зора-мора...

Шарофат хола эшик ва деразаларни катта очиб кўрди.

Олияхон ташқари эшикдан ҳовлига кириши билан дарҳол қозонда тошайтган сутга кўзи тушди.

— Сабохон, онанг қаёқдалар? — деб чақирди Олияхон.— Сутни тошириб юборибсизлар-ку.

Қелинининг товушини эшитган қайнана югуриб эшикка чиққан эдики, кўзи зўр бериб ўчоқдаги оловни торгаётган Олияхонга тушди.

— Вой, сут пиширмай улай...— деди саросимага тушиб.

— Булар иш бўпти, чўмич қани, чўмич? — деб қичқирди Олияхон.

— Чўмичми? — деди ҳамон саросималиги босилмаган Шарофат хола.— Саватнинг устида қолдирибман... Эс-ҳушим йўқ...

— Шунга чақирганмидингиз мени? — деди Олияхон қозон атрофига тўкилиб ётган сутни кўрсатиб.

— Қурт билан ҳаёлим қочиб, сут эсимдан чиқиб кетибди,— деди хомуш Шарофат хола.

— Қуртга нима қипти, деразаларни нега очдингиз?— ҳаяжон билан сўради Олияхон.

— Мен очдим, қуртингиз касал, болам.

Олияхон эшик билан деразани ёпиб, сўнг қуртга қаради.

— Ким айтди сизга қуртни касал деб?

— Соғ бўлса, нега баргга ўрмайди?

— Ухлаган қурт баргга ўради деб ким айтган сизга!

— Улар,— деди чўзиб Шарофат хола,— кеча уругдан чиқиб, бу кун ухласа?

— Нега кеча бўлсин, уругдан чиққанига икки кун бўлди,— деди сумкасидаги кичик дафтарчасини очиб қараб Олияхон.

— Биз боққан қуртлар тўрт кун овқат еб, биринчи уйқуга ётарди-ку!

— Биз боққан қуртларимиз тўрт кунлик баргни икки кунда ебди, қандини урсин,— деди қувониб Олияхон,— ойижон, бекордан-бекорга ҳовлиқиб, сутни тошириб юборганингиз қолди. Қуртлар касал эмас, тўйган қўзидек ухлаб ётишини қаранг-а!

— Ё... тавба, тавба,— ёқасини ушлади Шарофат хола,— ўттиз беш йил қурт тутиб, ёшим шунга етиб, икки кун барг еб уйқуга кетган қуртни биринчи кўришим.

— Хайр, ёмон бўптимми, ойижон, ёки ҳалиям ишонмайсизми?

— Ҳали бу қурт бир тери ичида неччи товланиб, неччи ўзгаради. Айтинг, айтинг, охири бахайр бўлсин.

— Охири бахайр бўлмай нима бўларди?

— Нима бўлишини худо билади. Худо билади деб гапиринг, болам,— бир оз аччиғланиб гапирди Шарофат хола.

— Худо биздан ортиқ билмайди, ойижон...

— Шаккоклик қилманг... Бу ҳам худонинг иши, эгам амр қилмаса кишининг оёғига тикан ҳам кирмайди...

— Ойижон,— деди қайнанасининг гапига кула-кула Олияхон,— ишни ўзингиз қилиб қўйиб худодан кўриб ўтирганингизга ҳайронман. Мана буни кўрдингизми,— деди, деворга илб қўйилган термометрни кўрсатиб,— агар биз ҳам печка ёқмай қуртни бошқалардек совуқ уйга қамаб қўйганимизда қуртимиз ҳеч маҳал икки кунда уйқуга кирмаган бўлар эди. Мана градусга қараинг-а, расо 29 да турибди. Ваҳоланки ташқаридаги иссиқлик 15 даражадан ошмайди.

— Қайдан билай, болам, менинг қуртим тўрт кун еб, бешинчи кун ухлар эди.

— Неча кун ухлар эди? — мулоимлик билан сўради Олияхон.

— Икки кун ухлар эди,— жавоб берди Шарофат хола.

— Ойижон, мана кўрасиз, бизнинг қуртимиз икки кунга етар-етмас барг еб, иккинчи уйқуга киради...

— Майли, кўрамиз!

— Сизнинг қуртингиз икки кун ухлаб иккинчи ёшга ўтган бўлса, бизнинг қуртимиз бир кундан хиёл ортиқроқ ухлаб...

— Майли, кўрамиз дедим-ку, кўрамиз! — кулиб гапирди Шарофат хола. Олияхон звено аъзоларининг қуртларидан хабар олгани Мадраҳимоваларникига чиқиб кетди.

9

Звенонинг қуртлари учинчи ёшга ўтиш кунини мўлжаллаб аъзоларининг ишларини кўздан кечириб чиққанида Олияхон қизиқ бир ҳодисага дуч келди. Шу муносабат билан звено аъзоларини дарҳол Олтиннисо буниникига чақириб келди. Мадраҳимованинг оқланган катта уйи. Уй деразали, печкали, ҳавонинг нисбий намлиги ва ҳарорати бундай қараганда муътадил, зоотехника талабларига мувофиқ эди. Ҳаммани таажжубда қолдирган нарса шу бўлдики, сўкчакнинг иккинчи қаватидаги қуртлар уйқудан туриб баргга тирмашиб еб ётган бўлса-да, сўкчакнинг биринчи қаватидаги қуртлар ҳамон уйқуда эди. Бу ҳодисага ҳар ким ўзича баҳо бера бошлади. Шарофат хола бўлса: «Юқоридаги қуртлар

уйқучироқ экан... Қўплашиб қуртнинг юрагини ҳам ёрасизлар... Қўйинглар, безовта қилаверманглар, кечгача уйғониб қолади»,— деб ҳаммани кулдирди. Олияхон, сўкчакнинг пастки қаватидаги қуртларнинг уйқуси кечикиши юқоридан кура пастнинг ҳавоси салқинроқ бўлишида, деб тушунтирди. Шарофат хола келиннинг гапига қаноатланмади шекилли, таажжубланди:

— Печка пастда ёқилса-ю, пастки сўкчак иссиқ бўлмай, юқори иссиқ бўлса...

— Ҳа, юқори иссиқ бўлади, чунки,— деб тушинтира бошлади Олияхон,— иссиқ ҳаво совуқ ҳавога қараганда снгил бўлганидан устида туради.

Султонова даъвосини исботлаш учун, ўзи билан бирга олиб келган термометрни уй ҳавосининг иссиқлик ҳароратини йиғирма тўққиз даражада кўрсатиб, девордаги миҳга осиб қўйилган термометрдан саксон сантиметрча пастроққа осиб қўйди-да, деди:

— Юринглар нариги уйдаги қуртни кўриб турайлик. Қайтиб чиқиб ҳар икки термометр даражасидан фарқни кўриб, сўнг яна ақллашамиз.

Аъзолар розилик билдирдилар, ҳаммалари нариги қуртхонага томон йўл олдилар.

Олтиннисо бувининг иккинчи булак қурти оғилхонага жойлаштирилган эди. Ўтган йили оқланмасдан сўкчак қурилган бу хонани бу йил оқлашдан олдин дезинфекция қилинди. Қурт-қумурсқа ўлсин учун бир кеча-кундуз эшик-тешиги беркитилиб қулфлаб қўйилди. Шифти картон қоғоз билан беркитилди.

— Қуртхонагизнинг нами ҳали баланд,— деди чуқур нафас олар экан Олияхон.

— Биламан, қум солнинг деган эдингиз, қум солдирдим, деворини кўрмайсизми, захи чиқиб ётибди,— ачиғиб гапирди Олтиннисо буви, Олияхон қуртхона полсиз ер бўлганидан деворга зах бериб нам тарқатаётганлигини айтди. Зоотехникадаги энг муҳим нарсанинг бири қуртхона ҳавосининг нисбий намлиги эллик-олтмиш процентдан ортиқ бўлмаслиги шарт, деб таъкидлади ва эллик сантиметр қалинликда яна қуруқ қум солишга маслаҳат берди, ҳар икки соатда ўн-ўн беш минут форточкани очиб, қуртхона ҳавосини янгилаб туриш зарурлигини қаттиқ тайинлади.

— Ҳар қандай ҳашаротлар каби,— деб сўз бошлади Олияхон Султонова,— ипак қуртларининг ҳаёти ҳам

ташқи шароитга боғлиқдир. Қуртнинг тепасида ҳар бир минут, ҳар бир соатда рўй бериб турадиган ҳаётӣй процесслар кўп жиҳатдан ташқи шароитга боғлиқдир. Бизнинг биринчи ютуғимиз қуртхона ҳавосининг температурасини қурт учун мувофиқ ҳолга келтиришимиз бўлди.

— Биринчи-иккинчи ёшда қурт унча шоширмайди,— деди Хосият опа,— бай-бай, кейин шоширганини курсангиз...

Олияхон қурт тутувчиларнинг асосий вазифаси биринчи-иккинчи ёшда қуртни бутун сақлаб қолиш бўлса, учинчи ёшдан бошлаб қуртни бир текисда етиштиришга эътибор бериш деб уқдирди.

— Ташвиш тортганларича бор,— деди унинг гапини қувватлаб Олияхон,— қурт уч ёшга кирдимми, иштаҳаси карнай бўлаверади. Қурт уйқуга киргунча кетини узмай барг едириб туриш билан бирга, баргни эҳтиётлаб сарфлашни унутмаслик керак. Ўтган йили кўп звенолар энг яхши тутларни кесиб, баргни ножўя сарф қилиб қўйиб, қуртнинг бешинчи ёшида барг қидиришга тушдилар, қуртни баргга тўйдира олмадилар. Натижада қуртларга вақтидан бурун даста босишга мажбур бўлиб, ҳосилни бой бериб қўйдилар. Шунинг учун биз, қурт беш ёшга киргунча тутнинг катта шохларини кесмасдан турайлик. Бир қути уруғ учун биринчи ёшда олти килограмм, иккинчи ёшда ун етти килограммдан барг едирган бўлсак, агрономларнинг айтишларига қараганда, уч ёшда эллик етти килограмм барг сарф қилар эмишимиз... Бу ҳали ҳеч гап эмас,— деб уқдирди Олияхон.— Биласизларми, бир қути уруғнинг қурти тўрт ёшда қанча барг еяр экан?

— Қанча?

— Бир юз етмиш килограмм.

— Беш ёшда-чи? — қизиқиб сўради Хосият опа.

— Қам деганда етти юз килограмм.

— Ўҳ-ў-ў...— дейишди звено аъзолари.

— Агар биз қуртимизга бешинчи ёшида тўйгунча барг едира олсак, пилланинг тагида қоламиз.

— Пилла эмас, тилланинг тагида қоламиз денг, звено,— деди ҳаммани кулдириб Олтиннисо буви.

— Шундай қилиб, звено, уч ёшида неча марта барг соламиз? — сўради Хосият опа.

— Бир кеча-кундузда ун икки марта барг берамиз.

— Атиги тўрт марта. Тўрт марта уйқунгни бузсанг

ҳеч гап бўлмас,— Шарофат холага тегажаклик қилди Олтиннисо буви.

— Мен-ку ўрганиб қолганман-а! Уйқуни яхши кўрадиган сен шўрликка қийин...

— Мен сенга ўхшаб ширин уйқумдан сира кечмасман.

— Ҳали сен кечалари қуртга барг солмайман дегин! — таъна қилгандек гапирди Шарофат хола.

— Кечалари қуртимга барг солмас эмишман! Чолим билан қуртдек қимирлаб кеча-кундуз едирмаганимизда, айтарга осон, юз ўттиз икки процент...

— Нега бўлмаса ўзинг...

— Нега-пегаси йўқ, ўртоқ,— деди Шарофат холанинг сўзини бўлиб Олтиннисо,— кундузи қуртни мен боқсам, кечаси поччанг боқади... Мана, звенонинг хабарлари бор, эр-хотин меҳнатни бўлиб олганмиз.

— Шуинисини айтиб қўя қолсанг бўлмасмиди!

— Ўзингдан кўр! У ёғини айтгунча бошимни уриб ёрадиган бўлсанг мен қандай қилай...

Кампирларнинг тортишувидан завқланган Олияхон, кула-кула, уларнинг қўлларидан ушлаб аввалги қуртхонага бошлаб кирди. У девордаги термометрларни олиб, бир-бирига солиштирди, баланддагиси ҳамон йиғирма тўққиз устида бўлса, пастдагиси йиғирма беш даражани кўрсатиб турар эди. Олияхон аъзоларига:— уйда ёқилган печка уйни бир текисда иситолмаслигини, уй қанча исиб, ҳарорат қанча кўтарилмасин, барибир юқоридаги ҳавога нисбатан пастдаги ҳаво совуқроқ бўлиши қонуни эканлигини исботлаб берди. Кекса қурт тутувчилар, илмда ҳикмат кўп, дейишдилар ва ташқи шароитнинг таъсирини ўз тажрибаларида синовдан ўтказиб, қурт тез етилиб пиллага кириш даврининг қисқаришига, қуртхонанинг иссиқ-совуқлиги энг муҳим омиллардан бири эканлигига энди тамом ишонган эдилар.

Олияхон Султонова звеноси ўша йили ҳар бир қути уруғдан олтиш саккиз килограмм етти юз грамдан пилла олиб, Киров номли колхозда рекорд қўйди. Султонованинг муваффақияти шундан иборат бўлдики, бошқа звеноларнинг қуртлари бешинчи ёшга ўтганда, Султонова звеносининг қуртларига даста босилиб, пилла ўрай бошлаган эди. Натижада бу звено ёлғиз колхозда эмас, балки Фаргона областида бошқалардан беш кун илгари пунктга пилла топширди. Султонова звеносининг

бу ғалабаси катта шов-шувларга сабаб булди. Эл оғзига элак тутиб булмас дегандек, бу муваффақиятни табриклаган ва самимий олқишлаган кишилар күп булгандек, шубҳа билан қаровчи шахслар ҳам булди.

Қиш кунларининг бирида Матбуот қишлоқ аҳолиси кино томошасидан қайтар эди. Аёз кеча. Кундузи пой-афзални узиб олай дейдиган ботқоқ ер, кечаси тарашадек қотиб қолган. Кинодан олган таассуротларини гапиришиб бораётган бир тўда аёллар орқасида Шарофат хола жимгина борарди. Гап айланиб Шарофат хола билан унинг келини Олияхон устида тўхтади.

Туданинг ўртасида бораётган бир аёл ҳеч кимга сўз бермас эди. Қимки Олияхоннинг пилладан юқори ҳосил етиштириб қозонган муваффақиятига хайрихоҳлик билдириб сўзласа, ҳалиги пакана аёл дарҳол унинг оғзига гап билан урар эди. Олияхон ўқитувчилик қилаётган Пушкин номидаги етти йиллик мактабни яқиндагина тамомлаб чиққан Эргашой билан пакана аёл қаттиқ тортишиб қолди. Қиз илмий далиллар билан Олияхон Султонованинг муваффақиятини ёқлаб, уни мудофаа қилди. Кичкина бир қизчадан дакки еган ҳалиги аёл Эргашойни талаб берди.

— Сен қиз қози,— деди пишқириб пакана аёл,— нима деб катта хотинларнинг ишига аралашасан.

— Қурт боқиш фақат катта хотинларнинг иши эмас,— деди пакана аёлниң сўзини бўлиб Эргашой.

— Сен ҳали бизлардек қурт боқиб сочинг оқарсин, иннайкейин...

— Қурт боқиш учун соч оқ бўлиши ҳам шарт эмас,— деди яна рақибининг сўзини бўлиб Эргашой.

— Ўттиз йилдан бери қурт тутиб мен қилолмаган ишни, кечагина пилла тутган ўқитувчинг қила қолтимми!

— Сизга ўхшаш одамлар ўттиз йилда қилолмаган ишни Султонова бир йилда қилса ёмонми! — деди киноя билан Эргашой.

— Олияхон кеча пилла тутаётган бўлса, қайнанаси Шарофат кампир кўндан бери тугади,— деб гап қўшди бошқа бир хотин.

— Қўп йилдан бери қурт тутиб келаётган Шарофат кампирни ҳам яхши биламиз. Ҳар йили қурти дастага кирмай, сўкчакдан ириб оқади.

Пакана хотинининг бу гапи Шарофат холанинڭ жон-

жонидан ўтиб кетди. У ортиқ жим туrolмади, орқада бора туриб, гап очди.

— Эчкига қўй кулмас экану...

Кимдир бир аёл:

— Ана, ўлдинг, Шарофат хола! — деди шивирлаб.

— Бултур ишимнинг ўнгидан келмагани бу йил сизга дастмоя бўлиб қолдими! — деди бир оз бўғилиб Шарофат хола.

— Дастмоянгиз нимаси, гапирсам бор гапни гапирибман-да, қуртнингиз сўкчакдан ириб оққанига тонасиизми?

— Тонмайман, — деди қатъий қилиб Шарофат хола. — Лекин бўлган ишни йўққа чиқазиб, иғво қилувчиларга ҳам йўл қўймайман.

— Қўйинг, хафа бўлманг хола, бунга йўрғакда теккан касал бу... Оғзига кучи етмаган киши ҳар нарсани гапираверади...

— Осилма, ҳамма осилса ҳам сен осилма! — деб бақирди пакана аёл. — Гапирсам бор гапни гапирдим...

— Ҳаммамиз ҳам қурт боққанмиз... Аммо ҳеч қайсимиз ҳалигача менинг келинимдек қилиб қурт боққанмиз йўқ. Ана у қизча ҳақ гапни айтди, — деб Эргашойни қувватлади Шарофат хола, — биз ўттиз йил ичида қилолмаган ишимизни келиним йигирма уч кунда қилди. Илгарди радио бормиди?

— Радио яқинда пайдо бўлди-ку, — деб жавоб қилди бир аёл.

— Ўзи пайдо бўлмагандир-ку, бирор киши ўйлаб чиқармаганда радио қандай бўлсин эди. Менинг ўзим ҳам қуртимиз дастага кириб, пилласи тарозига тушгунча келинимнинг иши бундай натижа беришига ишонмаган эдим. Олияхоннинг қурт боқиши бизнинг боқишимизга сираям ўхшамайди. Қурт иссиқ-совуқни фарқ қилар экан, Олияхон қуртхоналарга атайлаб печка қурдирди. Магазин, дорихоналарни қидиртириб манавидек, — бош бармоғини кўрсатди Шарофат хола, — шиша топдириб келиб уйнинг деворига остириб қўйди.

— Ўша шиша ичида симоби бор. Оти термометр, — деб изоҳ берди Эргашой.

— Ҳа, уйнинг иссиқ-совуқлигини кўрсатиб турар экан. Биз шунча йил қурт тутиб бунинг фарқига бориб-мизми, — деб сўзида давом этди Шарофат хола, — зах ва совуқ уйда қурт тутиб бўлмас экан. Қуртнинг касаллар-

га чалиниб дастага кирмай ўлиши шундан бўлар экан. Энди ўйлаб қарасам қуртимнинг ўлишига ўзим сабабчи бўлган эканман. Биз қурт тутиб, унга кечалари барг солармидик. Қайси бирини айтаман сизларга, Олияхон ҳеч ким билмаган, ҳеч ким қилмаган ишларни қилди: Ҳафсаласини қарангларки, яна ухлаб қолсам қуртларим оч қолмасин деб, қўнғироқ чалиб уйғотадиган соатини бошига қўйиб ётди, бир кечада икки-уч марта уйқусини бузиб қуртга барг солди. Қурт қоронғида барг емай чироқ ёруғида барг ейишини кўриб ёқамни ушлабман,— деди аёлларни кулдириб Шарофат хола.— Олияхон ҳар кун қоронғи тушиши билан қуртхонага чироқ ёқадди... Эҳ-ҳе,— деди чўзиб Шарофат хола,— келинини мақта-япти деб ўйламайлар яна, Олияхоннинг ишини бир китоб қилса арзийди...

— Шарофат хола, сиздан бизнинг бир илтимосимиз бор,— деди унинг ёнига ўтиб Шакарнисо опа,— биз ҳаммамиз бир кун бир ерга туплансак, Олияхон ўз тажрибасидан бизларга сузлаб берса, келгуси йил ҳаммамиз Олияхон усулида бир қурт тутиб кўрсак.

Аёллар чувуллашиб илтимос қилишди.

— Мендан сўрасаларингиз-сўрамасаларингиз Олияхоннинг ўзи сизларни йиғиб гаплашмоқчи. Кеча партком Очилбой билан шу тўғрида гаплашиб турган эди. Майли, мендан нима кетди,— деди бир оз мағрурланиб Шарофат хола.— Илтимосларингизни келинимга айтиб қўяман...

10

Апрель ойининг охирлари, кун ботар чоғи. Ёқимли шамол эсмоқда... Баҳор ҳавоси... Найман қишлоғининг кўчаси одатдагидан кўра серқатнов... Ёш қизлар, келин-чаклар, қари-қартанг оналар, оталар ўз майлларича гурунг кўриб Пушкин номли мактаб томон бормоқдалар.

Пушкин номли мактабининг илмий мудир, химия ва биология фанлари ўқитувчиси Олияхон Султонова мактаб айвонида туриб колхозчиларни кутар экан, уларнинг ҳар бири билан кўришар, ўзи синфга бошлаб кирар, жой кўрсатиб ўтиришларини сўрар эди. Соат саккиз бўлар-бўлмас тўртинчи синф қиз-жувон, ёш-қари колхозчилар билан лиқ тўлди. Буларнинг ичида шу йил

етгинчи синфни битирган комсомол Эргашой Эрназаров, бундан икки-уч йил илгари шу мактабни битириб ҳозир колхозда ишлаётган Саъдихон, Қундузхон, Ҳикматой, Турғуной, Абдуғани ва қўп йиллардан бери ипак қурти тутиб колхозда ном чиқариб келган Сожида хола, Салима буви, Шакарнисо буви, Инобиддин Раҳмонов, инкубаторчи агротехник Аҳмаджон Умрзоқов, Шарофатой Эркаева ва олтинчи синф ўқувчиларидан Холиқжон, Ҳалимаҳон ва бошқалар бор эди. Олнихоннинг булар билан учинчи учрашуви бўлиб, аввалги йиғилишларда ўзининг жадал суръатда ипак қурти боқишда ордтирган бой илмий тажрибаларини гапириб бериб, пиллачилик звено аъзолари билан савол-жавоб кечаси ўтказган эди. Қўртнинг ҳаётига хос ташқи шароитни вужудга келтириш принципларини батафсил гапириб, инкубатордан қўрт қабул қилиб олганга қадар нималар қилиш зарурлигини бирма-бир санаб, бу вазифаларни кам-кўстсиз бажаришини звено аъзоларининг зиммасига юклаган эди.

Бугунги йиғилишда Инобиддин Раҳмонов қўртхоналар дезинфекция қилиниб оқланганлиги, гишт печкалар қурилиб ҳар бир звенога етарли тошқўмир ғамланиб қўйилганлиги, ҳар қўти уруғнинг қурти учун олтмиш квадрат метрга етарли сўкчак учун бино, ёғоч, тахта, чироқ ғамланиб қўйилгани тўғрисида ахборот бериб, ҳатто районда термометр топилмаганидан Қўқонга бориб юз дона термометр харид қилиб келганини айтиб, йиғилишдагиларни тоза кулдирди.

Қолхоз инкубаторчиси зоотехник Аҳмаджон Умрзоқов эртаси куни кеч соат олтида йигирмата звено учун олтмиш қўти уруғнинг қурти тайёр бўлиши, ҳамма звено маълум бир соат ичида қўртларни инкубатордан олиб кетишлари зарурлигини қайта-қайта таъкидлаб жойинга бориб ўтирди.

— Қўртни обориш қийин эмас, барғни нима қиламиз, барғни? — деди негадир ҳаяжонланиб ўтирганлардан бири.

Раҳмонов сакраб ўрнидан турди-да, куйиб-пишиб:

— Кечагина опа сизга икки соатча шу тўғрида тушунтиргандилар, — Олнихонни шама қилиб деди, — минг гапирса ҳам ўша гап! Булар бир яшар қўртга ҳам чопқи билан тут кесиб едирмасалар кўнгиллари жойинга тушмайди...

Олияхон Раҳмоновни юпатиб, секин тушунтирди: — Мен кеча кўп тутларни кўриб чиқдим. Илдизда ва танасида бачки барглар чиқиб қолибди, қурт иккинчи ёшга етгунча ана шуларни едириб турса кифоя... Иккинчи ёшга ўтганда,— деб сўзида давом этди Султонова,— яна шу илдиз ва танасидан чиққан бачки новдаларни бирдан бешинчигача бўлган баргларини едиришларингиз керак бўлади. Тепа шохга асло тиг тегиза кўрманглар. Хотирларингизда бўлсин, ҳар вақт қуртга солинадиган баргни олдин қуртхонага олиб кириб қўйиб, бир оз турганидан кейин қуртга солиш керак. Бундан ташқари, қурт бир ухлаб иккинчи ёшга кирганда жойини кенгайтириш билан дарҳол ғанасини янгилаш лозим. Иккинчи ёшнинг охирига бориб сўкчакдаги қуртнинг ўрнини олти квадрат метргача кенгайтирамыз. Шундай қилиб,— деди Олияхон,— ўтган суҳбатимда айтганимдек, биринчи уйқуси пўст ташлаши билан бирга уч кунда, иккинчи ёши ухлаш ва пўст ташлаши билан уч кунда тугалланиб, қурт биринчи, иккинчи ёшни олти куннинг кўзини кўриб ўтказди. Бу ёшларда қуртларимизга кеча-кундуз ҳар икки соатда барг солиб туришимиз керак бўлади. Ўзларингизга маълумки,— деб изоҳлади Олияхон,— биринчи, иккинчи ёшида қурт унча кўп барг емайди, катта ёшларида кўп барг ейди. Биринчи ёшида олти, иккинчи ёшида ўн олти килограммга етказиб барг еган қурт учинчи ёшида эллик етти килограммгача барг ейди...

Суҳбат узоққа чўзилди. Олияхон Султонова бугунги суҳбатини шу билан тамом қиламиз деганда, ўтирганлардан бири қуртнинг кичик ва катта даҳадаги яшаш шароитлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди. Олияхон қуртнинг туртинчи-бешинчи ёши айниқса масъулиятли давр эканлиги, бу тўғрида яна йиғилишиб алоҳида гаплашиб олиш зарурлигини айтиб, бугунги суҳбат шу билан тамом бўлганлигини эълон қилди. Йиғилишдагилар дув ўрниларидан турдилар.

— Ўртоқлар! Утиринглар, ҳали мажлисимиз тамом бўлгани йўқ,— деб бақирди бригадир Инобиддин Раҳмонов.

Ҳамма тақир-туқур қилиб яна жойинга ўтирди. Деворга орқасини бериб ёнма-ён турган ўрта ёшдаги икки аёл нима ҳақдадир талашмоқда эди. Мажлисдагилардан кимдир «Жим!» деб бақирди. Синфда жимлик

ҳукм сурди. Ҳамманинг кўзи тикка турган Раҳмоновга тикилди. У Олияхон Султонованинг янгича қурт боқиш усули ва бу усулнинг ипакчиликнинг ривожлантириш соҳасидаги гоят катта аҳамияти, колхозга келтирадиган бой даромади тўғрисида сўзлаб звено аъзолари астойдил ишга киришишларини, Султонова кўрсатган тадбирларни изчиллик билан амалга оширишларини таъкидлаб, давлат аҳамиятига эга бўлган Султонова усулини ҳамма звенолар ўртасида кенг ёйиш учун бирдан-бир чора ўзаро социалистик мусобақани ривожлантириш эканини ўртага ташлади. Бригадир социалистик мусобақанинг асосий шартлари: қурт боқиш муддатини Султонова эришган ютуққа, яъни йигирма тўрт кунга келтириш учун кураш, қуртнинг биттасини ҳам нобуд қилмасдан, зоотехника қондаларига тўла риоя қилиб, ҳар бир қути уруғдан юз килограммдан пилла ҳосили егиштириш учун курашдан иборат бўлиши, ҳар бир звено шу шартлар асосида социалистик мажбурият олиб, хоҳлаган звеносини мусобақага чақириши мумкинлигини тушунтирди ва қайтиб бориб жойига ўтирди. Мажлисдагилар «ғиқ» этмасдан ўтиравердилар. Ҳамма сукутда эди.

— Ҳа, Эргашой, Турғуной, тезроқ йўталинглар!— деди ўз қўлида етти йиллик мактабни тамомлаганларга меҳрибон кўзларини мулоийм тикиб Олияхон. Қизлар қизариб жим турдилар, шу орада иккала қиз гўё «кўз уриштиргандек» бир-бирларига анчагача қарашиб ҳам турдилар.

— Мумкинми?— қўлини кўтарди Эргашой. Ҳамма унга қаради, ҳатто олдинги парталарда ўтирганлар ҳам қайрилиб Эргашойга қараб ўтиришиб олдилар.

— Сўз звено бошлиғи, комсомол аъзоси ўртоқ Эргашой Эрназаровага!

— Ўртоқлар,— деб секин гап бошлади Эргашой,— мен етти йиллик Пушкин номли мактабни битириб чиққанман. Ҳурматли ўқитувчимиз ўртоқ Султонова менга, мана шу ерда ўтирган Турғуной, Саъдихон, Қундузхон, ўртоқ Қобилова ва бир қанча йигит-қизларга билим бердилар. Биз ҳаммамиз ҳам биология фанини жуда севиб ўқир эдик. Севишимизнинг ҳам сабаби бор. Ҳаммамизнинг ота-онамиз колхозчи... Бунга кўра пахтадан юқори ҳосил олиш ҳам, ипак қурти боқиш учун ҳам биология фанини билиб олиш кераклигини яхши тушу-

нар эдик. Бизларга биология билимидан дарс берган ҳурматли ўқитувчимиз ўртоқ Султонова,— жонланиб гапирди Эргашой,— мана бугун шу биология фанини ўзлари амалда қўлланиб, ипак қурти боқишда катта ўзгариш ясадилар. Биз мактабда олган билимларимизни ишга солиб кўрмоқчимиз, устозимизнинг тажрибаларига суяниб, ўзларини орқа қилиб, қурт тутмоқчимиз. Мен,— деди ўтирганларга секин кўз югуртириб олиб Эргашой Эрназарова,— бригада бошлиғимиз ўртоқ Раҳмонов қўйган социалистик мусобақа шартлари асосида Турғуной Азизовани, Саъдихон Бадалбоевани, Холниса Худойназаровани, Шакарнисо опани, Ҳикматой Қобилова ўртоқларини социалистик мусобақага чақираман.

Комсомол аъзоси Эргашойнинг жасорати мажлисга янада руҳ киритди. Эрназарованинг чақирғини унинг мактабдошлари қизгин қувватладилар, тантанали бир вазиятда звено бошлиқлари социалистик мусобақа шартномасига қўл қўйишга киришар эканлар, Олияхон Султонова ўрнидан турди:

— Ўртоқлар, бир минутга!— деди-да, ҳамманинг диққатини ўзига қаратиб бўлгач, республикамизда йигирма икки кун деганда қуртни пиллага киритиб, ҳар бир қути уруғдан бир юз беш килограмм пилла олгани учун Давлат мукофоти лауреати номига сазовор бўлган бухоролик ўртоқ Ҳурмат Тешаева ҳақида гапирди,— Менинг қуртим,— деди ўртоқ Султонова,— йигирма тўрт кун деганда пилла ўради, звеномиз ҳар қути уруғдан бир юз уч килограмму уч юз граммдан пилла олди. Шунинг учун бу йил мен қурт боқиш муддатини яна ҳам қисқартириш учун курашаман, ўртоқ Тешаева эришган ғалабага бизнинг эришувимиз ва ундан оширувимиз учун ҳамма асослар бор... Мен,— деди Олияхон,— мана шундай шарт билан сизларни социалистик мусобақага чақирар эдим...

Йиғилишдагилар Султонованинг чақирғини қарсак чалиб қабул қилиш билан, устозларининг чақирғига бел боғлаб, уни амалга ошириш учун курашга чоғланганликларини ифодалаган эдилар.

Бригадир Раҳмонов эртага кеч соат олтида ҳамма звено бошлиқлари ўз аъзоларини олиб колхоз инкубаторига боришлари, ҳар бир звено ўзига тегишли қуртни олиб дарҳол тарбиясига киришуви, мусобақа ҳам худди эрта соат олтидан бошлаб ҳаракатга — кучга кирувини

ингилишдагиларнинг хотираларига солгандан кейин, мажлис тугаб, колхозчилар уй-уйларига тарқалишдилар.

11

Мусобақадosh звенолар қуртларини Олияхон кўрсатган йўл билан боқишар, кеча-кундуз тинимсиз меҳнат қилардилар. Бироқ баъзи бир звеноларда ора-сира кутилмаган ҳодисалар ҳам рўй бериб турди. Баҳор серёғир келди, бир кўп қуртхоналардан чакка ўтиб, қуртхона намини меъёрдан ошириб турди, қуртнинг муътадил ривожланишига ёмон таъсир кўрсатди. Баъзи бир звенолар ёрдамчи кучлар етишмаганидан, айниқса катта даҳа ғўза чопиғига тўғри келиб қолиб, қурт энди ейишга кирганда барг кесиб етказолмадилар. Қуртнинг туртинчи ёшида кеча-кундуз ўн мартаба барг солиш шарт бўлгани ҳолда баъзи бир звенолар кундузлар баргни меъёрдагича едириб, кечасига қолган тўрт ўрнига икки, уч марта барг солиш билан кифояланиб қолдилар. Мусобақадosh звеноларнинг қуртлари бир текисда ўсмаслигига яна бир сабаб, ҳар қутти уруғ қурти учун олтинш квадрат метр ҳисобида сўкчаклар қурилган бўлса-да, ҳақиқатда кўп звенода сўкчакларнинг сатҳи торлиги билиниб, қуртлар катта даҳага бориб текилиб қолди, қуртлар эркин озиклана олмадилар. Жой бўлмаганидан сўкчакдаги қуртларни сийракләштиришнинг иложи бўлмади. Бундай аҳвол Эргашой звеносида ҳам бўлди. Лекин у дарҳол олдини олди. Бошланғич синф ўқувчи болаларига каникул бўлиши билан, бўшаган синфларга сўкчак қуриб, дарҳол формалин эритмаси билан дезинфекция қилди, звеносидаги қуртларнинг ярмисини бўшаган синфларга жойлади, Эргашойнинг ойиси Сожида буви, синглиси Унсинхонлар ҳар тўрт соатда барг солиб, қуртларни тўйгунча едириб турдилар.

Олияхон Султонова зиммасидаги вазифа айниқса бу йил оғир ва масъулиятли эди. У ёлғиз ўзи олган мажбурият учунгина эмас, бадки ўз усулининг мусобақадosh звеноларда тўғри татбиқ қилиниши ва йигирмадан ортиқ звенонинг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарилиши ёки бажарилмай қолиши учун ҳам колхозчилар олдида жавобгар деб биларди. Қурт тарбиясининг айна масъулиятли даври бўлган катта даҳа вақтида мактабда имтиҳонга тайёрлик ишлари бошланиб

кетди. Ўртоқ Султонова ўқитувчи сифатида мактабда дарс берса, звено бошлиғи сифатида ўз звено аъзоларининг ишларини ҳар кун кўздан кечириб турар, ўзи эса қайнаси Шарофат хола билан бирликда қурт боқар ва йигирмадан ортиқ мусобақадosh звенолар ишига яқиндан ёрдам берар ва ўз маслаҳатларини аямас эди.

Олияхон Султонова бу йил айниқса қурт тарбиясининг энг кичик майда-чуйдаларига, барг кесиш, тайёрлашдан тортиб қуртга барг солишгача бўлган ишларини ўз контроллиги остига олди. Аввалги йиллар қуртнинг бешинчи ёшида барг етказолмай қолишдан қўрқиб кўпроқ барг ғамланиб қўйилар, натижада сўлиган баргнинг қурт иштаҳа билан емас, бу эса қуртнинг муътадил ривожланишига ёмон таъсир кўрсатганлигини пайқаб қолган эди. Шунинг учун ҳам мусобақадosh звеноларга иложи борича алоҳида баргхона қилишни, баргхона қоронғироқ ва захроқ бўлишини, баргнинг тагига бордон ёки бўйра тўшаб, барг сўлимаслиги учун унинг устини доим ҳўлланган материал билан ёпиб қўйишни ва баргнинг эрталаб ва кечки салқинда кесишни тавсия қилди. Султонова бу йил қуртнинг ёшига қараб барг солиш билан бирга, уйқуга киргунча боқишни давом этдирди, уйқудан тургандан кейин илгаридек дарҳол барг бермади, балки уч, беш соат ўтказиб барг соладиган бўлди. Бунинг сабаби: бу вақт ичида пўст ташлаб улгура олмаган қуртлар пўстини ташлаб оладилар.

Звенонинг қурти бешинчи ёшга ўтиши билан Султонованинг кўзидан уйқу қочди. У қундузлари звено аъзоларининг қуртидан хабар олар, барглари кўздан кечирар эди, ҳар уч соат деганда қуртларга узмасдан барг солиб туришни тайинлар, кечалари барг беришга навбатчилар тайинлаб кўнгли тинчигач, ҳар куни кеч соат еттидан бевосита ўзи тарбия қилаётган қуртга қарар, тонг олдида соат тўртда қуртга барг солиб омонатгина ухлаб оларди. Шунда Шарофат хола:

— Қелин, соат етти бўлди. Турақолинг! Мактабингизга кечикиб қолманг!— дер эди-да, ўзи қуртларга барг сола бошлар эди.

Бешинчи ёш тугалланишига икки кун қолди деганда Шарофат хола одатдагидек келинни уйғотар экан:

— Болам, севинчи беринг, қуртингиз нишона берди, пиллага киряпти...— деди.

Олияхон сакраб ўрнидан турди, қайпанаси олдин, у кейин қўртхонага киришди. Дарҳақиқат уйнинг тўрида, қоронғироқ ерда, ғананинг орасида уч-тўртта қўрт билла ўрай бошлагани маълум бўлди. Султонова қўртларни кўздан кечира туриб гапирди:

— Ойи, ғанани яна бир алмаштиришингиз керак. Қўртингиз бугун, эрта барг ейди ҳали, ғанани алмаштириш вақтида мана бундақа аживақаларни,— ўсмай қолган бир қўртни олиб кўрсатди Олияхон,— териб олишимиз керак.

— Болам, ғана алмаштириш бўлса Абдусаттор билан ўзим амалларман, сиз энди мингбош ғамлашнинг ҳаракатида бўлинг... Балки эртага даста қўйишга тўғри келиб қолар...

— Даста ғамлаймиз... Лекин мана, қаранг, етилган қўрт бундай бўлмайди,— деди бир дона қўртни кунга товлаб кўрсатгани ҳолда Олияхон,— қўрт етилганда танасида кўряписизми, ҳо... анави қора ахлатлар йўқолиб, қўрт танасида кун иуриши кўраверишингиз мумкин бўлади.

— Шундай бўлса ҳам шошиб қолмайлик-да, жон болам... Ниҳоят орада бир кун экан... дастанинг ҳаракатида бўлаверинг,— деди сўкчакдаги майда қўртларни терар экан Шарофат хола.

Олияхон қўртхонадан ҳовлига чиқди, шоша-пиша юз-қўлини ювиб, костюмини елкасига ташлагани ҳолда дарвоза томон йўл олди.

— Ҳай, қаёққа, чой ичмасдан-а!

— Звеноларининг қўртидан хабар олай-чи...

— Болам, ҳеч бўлмаса дам олиш кунини бир тинчсангиз-чи...

— Ўзингиз дастанинг ҳаракатида бўл деяписиз-ку!— кулиб деди Олияхон.— Ҳозир келаман, менга қараб ўтирмайлар, ўғлингизни уйғотинг...

— Болам! Хотинингга қарасанг бўлмайдимиз?— шовқин билан уйқудан уйғонган ўғли Абдусатторга бақириб деди Шарофат хола.— Кимга айтяпсанам демади... Чиқди-кетди... Оч-наҳор, билмадим қачон келади энди?

Олияхон звеноси қўртига даста қўйгандан уч кун кейин Эргашой Эрназарова звеноси қўртига даста қўйди. Унинг орқасидан, ун тўққиз соат кечикиб Турғунсой Азизова звеноси ҳам қўртига даста қўйди. Бошқа звенолар эса бири орқасидан-бири боса борди.

Олияхон Султонованинг новаторлик санъати ўз кучини кўрсатди. Унинг тажрибаси колхоздан колхозга, райондан районга, областдан областларга ёйилди. 1950 йилда Олияхон звеноси уч қути уруғнинг ҳар бир қутисидан бир юз ун уч килограмм тўрт юз граммдан пилла олиб республикада рекорд қўйди. Мичурин таълимотига амал қилиб, фан ютуқларини практика билан бирлаштира билиш натижасида қўрт боқиш муддатини йигирма икки кунга келтирди. Унинг шогирдлари Эргашой Эрназарова, Турғуной Азизова, Саъдихон, Холниса, Ҳикматой ва бошқаларнинг звенолари ҳар бир қути уруғдан бир юз уч килограммдан тўртиб, бир юз беш килограммгача пилла етиштирдилар ва давлатга топширдилар. Совет ҳукумати Олияхон Султонованинг ватанпарварлик, новаторлик фаолиятига юксак баҳо берди. СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан ўртоқ Олияхон Султоновага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. 1951 йил энг муҳим асарлари учун Давлат Мукофоти лауреати берилган кишилар қатори ўртоқ Султоновага ҳам Давлат Мукофоти лауреати унвони берилди. Олияхоннинг шогирдлари Эргашой Эрназарова, Турғуной Азизова каби пиллачилар Меҳнат Қизил байроқ орденлари билан, бошқа пиллачи аёллар эса турли орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Бу олий мукофотдан илҳомланган ватанпарвар Султонова ва унинг шогирдлари 1952 йилда пилладан яна ҳам юқори ҳосил олишга эришдилар. Киров номи колхозда пилла ҳосили эллик олти килограмму саккиз юз граммга етказилди. Султонова звеноси уч қути уруғнинг ҳар бир қутисидан бир юз ун саккиз килограмм етти юз граммдан пилла ҳосили етиштириб, республикада янги рекорд қўйди.

1953 йил.

АХМАДАЛИ ҲЗ БАХТИНИ ҚАНДАИ ТОПДИ

Саккиз йил ўтиб кетди, аммо шу муддат ичида ҳеч ким Аҳмадалининг тўсатдан колхоздан гойиб бўлгани ва яна тўсатдан қайтиб келганини тилга олмади. Ўзи бўлса ҳар замон бир замонда эслаб қўярди. Эс деган нарсга одамзодга хотирлаш учун берилган. Ўша пайтларни эсга олар экан, унинг юзи қизариб кетарди.

Боболар айтганларидек сабабсиз ҳеч нарсга бўлмайдди. Ўзига яқин ўртоқлари баъзи нарсаларни билишарди-ю, аммо гап асосан нимада эканлигини билишмасди. Бунинг асосини Аҳмадалининг тез-тез куйлаб турадиган қўшиғидан қидириш керак: «Муҳаббат бир бало шайдир гирифторм улмаган билмас...»

Нега у ҳар вақт шу қўшиқни куйлагани-куйлаган? Бунга ҳам сабаб бор эди. Аҳмадали севиб қолган қиз ота-оналари билан Сирдарёга кўчиб кетган эди. Аммо тўсатдан кетиб қолгани йўқ. У ерда янги ерларни ўзлаштирадilar. Кўпчилиги у ерга кўчиб боришга розилик билдириб, қишлоқ қуриб, пахта экиб, боғ-роғ барпо қилиш учун борадилар. Аҳмадали ҳам кўп қатори кўчининг машина ёки аравага ортиб Янгйерга кетиши мумкин эди. Аммо бунга бир нарсга етишмасди. У ҳам бўлса арзимас нарсга — севгилиснинг розилиги етишмасди.

Аҳмадали ўз-ўзи билан сирдош эди. У бундай дер эди: «Шу пайтгача Шаъло,— у Шаълонинг севарди,— менга ўз юрак сирини очмади. Унинг зарра бўлса ҳам менга кўнгли бормикин!.. Эҳ, унда-ку, мен ҳар нарсга рози бўлардим-а, кетмонинг елкамга ташлаб ҳайё-ҳув деб Сирдарёни сўроқлаб йўл олардим. Аммо Шаълохон нчимдан топ индамаслардан эди. Табассум қиларди-ю, жим қоларди. Бу табассум замирида нима, бироқ муддао бормикин?.. Қизнинг фақат табассумига ишониб бор-йўғингдан воз кечиб, унинг орқасидан дўшнинг нариги четига кетиб бўлар эканми! Йўқ, Аҳмадали у

даражада ақлини еб қўйганлардан эмас. Сувни кўрмай этик ечиб бўлмайди. Ҳа, ҳўп, агар бу табассум замирида самимий севги бўлса-чи, у вақтда нима бўлади? У ҳолда дарҳол Сирдарёга бориб қаллиқ бўлишга Шаълохондан розилик сўраш керак бўлади. Аммо Аҳмадали бу гапларни дилидан ўтказди-ю, шу заҳоти кўнглини шубҳа қамраб олди. «Ҳа, қўй, мен унга севгимни изҳор қилсаму, у менга қайрилиб боқмаса-чи?» Унда бу дунё Аҳмадали учун қоп-қоронғи зиндон!

— Тугилган қишлоғимга қайтгач, таниш-билишларимга нима дейман? Қаёқдаги паҳмоқ қизлар ҳам бир ишвасига учиб, сўлоқмондек йигит Сирдарёга кетибдида, деб кулишмайдими!..

Ҳа, ҳақиқатда ҳам Аҳмадалининг аҳволи оғир эди: Шаълохонни ҳам унутолмасди, унинг орқасидан бориш-бормаслигини ҳам билмасди. Аммо одам гавҳар қобил, у хоҳласа ҳар қандай ҳолатда ўзига йўл топади. Аҳмадали ҳам йўл топди. У ўзига: «Нега энди бутун қишлоқ менинг севги сиримдан хабардор бўлиши керак экан? Одамлар ҳар нарсани билишлари шарт эканми! Бахтимни топсам дўстларимни тўйга чақирарман, топмасам азалдан пешанам шўр, бахт ёзилмаган экан... ёки акамни кўргани борган эдим,— деб қўя қоларман... Боболар: «Қўл синса енг ичида, бош ёрилса дўппи тагида» деганлар».

Шу ўй-хаёллар билан Аҳмадали туғилган жойи Жиззахдан Сирдарёга бахтини излаб кетди.

Кунлар бир-бирини қувиб ўтарди. Аммо ўтган кунларни ҳисобга оладиган кимса йўқ эди. Ўтган ўтди, ҳамма ўз ташвиши билан овора. Лекин бизлар ҳар ҳолда ҳаққоний одамлармиз, шу сабабдан ошиқнинг бориш-келишини кўпайтирмай тўғриси айтмиз қўямиз. Ҳали ой янги бўлмасданоқ Аҳмадали ўз туғилган қишлоғига қайтиб келди. Қайтди-ю, яна ўша мунгли қўшиғини хиргойи қила бошлади: «Муҳаббат бир бало шайдир гирифтор ўлмаган билмас...» Энди у аввалгидан кўра ғамгинроқ қилиб куйларди ва ҳар байтини куйлар экан, уҳ тортиб қўярди.

Аҳмадали қайтгандан сўнг қўшнилари унинг ҳақида нима ўйлаганлари номаълум. Ҳар ҳолда ажабланиб юрганлар борга ўхшарди. Навбатдаги дам олиш кунида Аҳмадалининг ҳамқури тракторчи Маннон уни уйига меҳмонга таклиф қилганди. Ош баҳона-ю, дастурхон устида дўстидан ҳол-аҳвол сўраб, у ёқ-бу ёқдан гапга

солиб сирдан воқиф бўлмоқчи, шодлигига шодланиб, қайғусига ҳамдард бўлмоқчи эди.

Янги меҳмонга пиёлада чой узатар экан:

— Сирдарёда еб-ичганларинг ўзингники, кўрган-кечганларингдан гапир, дўстим,— деди.

Сафар хотиралари яхши бўлса кўнгилли, аммо Аҳмадалининг саргузашти унча кўнгилли эмасди. Тўғриси, ёмон эди. Шундай бўлса-да, дўстлар сўзи ерда қолгунча душманининг бўйин синсин, деди-да: Кўрган-кечирганларингни гапир дейсизлар. Эҳ, Сирдарё бориб нималарни кўрмадим, у ерлар олтин экан. Қолхозлари илғор, одамлари ажойиб,— уҳ тортиб қўшиб қўйди у:— у ерда ҳатто ўн саккиз яшар қизлар звеноларга бош экан. Биздаги миришкорлар у қизларнинг қўлига сув ҳам қуёлмайди десам ишонаверинглар. Пахта усталари ана ўша ерда экан.

— Эҳ-ҳа...— деди Маннон,— сирдарёликларни ошириб мақтаб юбординг, оғайни. Бизнинг колхозимиз ҳам бирон нарсага арзиса керак... Гарчи бизда ўн саккиз яшар қизлар звенога бош бўлмаса ҳам, бу ерда утирган дўстларнинг орасида ҳурматга сазоворлари бор...

— Ҳа,— деб Манноннинг гапини маъқуллади звено бошлиғи Отамурод.— Биродарим акалари Турсуналини йўқлаб боришдан ҳам кўра, кичик «сингил»чаларини учратгани борганга ўхшайдилар.

— Ўзи таги-тубида йўқ «сингил»чаларини-я, — кулимсираб луқма ташлади Усмон чўпон.

Аҳмадали қизариб-бўзариб:

— Э, мен кўрганимни айтиб бердим, ҳақиқатда ҳам колхоз бой, ўн саккиз яшар қиличдек қизлар звеноларга бош бўлиб, пахтадан юқори ҳосил етиштириб, дунёга доврўқ соляптилар,— деди.

— Ақл ёшда эмас, бошда,— яна луқма ташлаб деди чўпон.

Бухгалтер Ширинбой ўзинча фикр юритарди:

— Гап қизларда эмас,— деди чўзиб,— ёлғиз одам катта ҳўжаликда ҳеч нарса қилолмайди. Бундақа иш манаман деган полвонинг бўлганда ҳам бўй бермайди. Қолхоз бой-бадавлат экан, бу — одамларнинг ҳамжиҳатлигидан, меҳнатсеварлигидан. Тергаб-тежаб иш қилишда бухгалтернинг ҳам роли катта,— деди бармоғини кутариб Ширинбой, ўз касби бухгалтерлиқни улуғлаганчек.— Сирдарёликларнинг муваффақиятлари ёлғиз ун

саккиз яшар қизлар звено бошлиғи бўлганида эмас, ҳисоб-китобнинг яхши йўлга қўйилганидан. Тийинлардан сўм, сўмлардан минг, миллион ҳосил бўлади.

— Сабабсиз ҳеч нарсаси йўқ. Қандақасабаб билан бўлмасин, — деди бухгалтернинг фикрини қувватлаб Аҳмадали, — ҳарқалай колхоз давлат, ҳосилдорликда тенги йўқ экан.

— Эй, — деди қўл силтаб Маннон, — қўшники ҳар вақт шундақа яхши кўринади!

Орадан бир йил ўтди. Аҳмадали ҳам ўз қўшиғини куйлаб юраверди. Аммо унинг савдосини қўшиқ босолмасди, уни босиш учун астойдил меҳнатга берилган эди. Ўша йили звенога бош бўлиб дурустгина ҳосил кўтарди. Ҳар ҳолда тугилиб ўсган колхозда, шу вақтгача Аҳмадалига етказиб ҳосил олганлар бармоқ билан санарли эди. Аммо меҳнатдаги бу омад Аҳмадали дилидаги ҳафтонликни тарқатолмасди.

Қайрағоч барглари тўкилиб, биринчи қор ёғганда бу ошиқзорнинг мунгли қўшиғи гоҳо-гоҳо эшитилиб турди-да, бирданига жимиб қолди. Худди совуқдан хавотирланиб иссиқ иқлимга барвақт учиб кетган лайлакдек зим-ғойиб бўлиб кетди. Аммо кўп вақт ўтмай ой янги бўлиши билан яна ўша эски қўшиғини куйлаб Жиззахда пайдо бўлиб қолди. Фақат бу гал унинг қўшиғи оғир яраланган одамнинг ички дард билан инграшига ўхшар эди.

Ўртоқлари Аҳмадалини бу гал ҳам ошга чақиришди. Бу сафарги меҳмондорчиликни Ширинбой ўз гарданига олганди.

— Қани, бундай гаплашиб ўтиринглар, — деди Ширинбой, — ҳа, Аҳмадали гапни бошла, дўстларингнинг қулоғи сенда.

— Ҳа, еган-ичганинг ўзингники, кўрган-кечирганингдан гапир.

Усмонқулнинг бу гапини меҳмондаги ўртоқлари кулиб қарши олишди.

— Нима ҳам дедим. Ҳамма гап ўзларингга маълум, — деди уялиқираб Аҳмадали, сўнг қўшиб қўйди: — Ҳеч нарсани кўрмаган бўлсам...

— Кўрганинг йўқ!.. Ёки Сирдарё шамоли кўзингни... — деб мийиғида кулиб қўйди Маннон.

— Бўрон қум ҳовучлаб кўзига қум сочганда ҳам дўстимиз у нарсани кўрмаслиги мумкин эмас, — деди кесатиб айёр чўпон.

Ҳамма Аҳмадалининг жавобини кутарди. Қистайверганидан кейин охири бундай деди:

Қизлар...— йигитнинг лаблари титради...— ўн саккиз яшар қизлар у ерда бригада бошлиғи бўлиб ишлаш-япти.

— Эй, тура тур!— унинг гапини бўлди Отамурод,— олдин бориб келганингда ўн саккиз яшар қизлар эди, энди бўлса...

— Энди бўлса...— деб сўзни илиб олди Усмон подачи,— ўн тўққиз ёшдагидан биронтаси юрагидан...

— Йўқ,— деди гапни бўлиб Отамурод,— ўн тўққиз ёшдаги қизлар ҳам қўл қовуштириб утирмас эканлар. Ундай бўлса, йигирмага кирган қизларга қандақа иш қолар экан?

Айёр Усмон бу гал ҳам яна ачитиброқ кесатади.

— Уларни колхозга раис қилиб сайлайдилар, қараб-санки ҳамма ёқ қиз... қараб тур, ҳали чўпонлар ҳам қизлардан бўлади. Бунинг бекорга дайдиб юргани йўқ-да. Ҳеч нарса кўргани йўқ эмиш, ҳа, ичимдан топ, муғамбир.

Усмонқулнинг гапига Аҳмадалидан бошқа ҳамма қотиб-қотиб куларди. Ошиқ ўзини йўқотиб, нуқул— бўлиши мумкин, бўлиши мумкин, ўзи ақлли қиз, сайласа арзийди,— деб гўлдираб эди.

— Қиз-қиз, биронта қиз бунинг жиннин қиб қўйганга ўхшайди,— дер эди Ширинбой ҳовучидаги ошни сиқиб ошашга тайёрлар экан.— Бунинг гапига қаранг-да, Сирдарёда фақат қизлар яшайди. Энди — Фарғона парихона эмас, Сирдарё парихона!.. Қойил-эй, аканг Турсунали қаёқда қолди дейдиган одам йўқ.

— Дарҳақиқат, аканг қалай?

— Билмайман,— елкасини қисиб деди Аҳмадали.

— Наҳотки Сирдарёга бориб туғишган ақангини кўрмай қайтган бўлсанг?! Эй, э... бунинг кўзларини шира босиб қопти.

— Йўқ-йўқ,— деди меҳмонларга кўзини қисиб Усмон,— кўзлари гулдэк очик, аммо юраги йўқ, юрагини бирон жойга қолдириб ё олдириб келганга ўхшайди.

Аҳмадалининг яқин дўсти Маннон ҳаяжонланиб:

— Ундай бўлса ёмон бўпти. Агар юраги ўз қишлоғимизда йўқолганида қидириб кўрардик, балким олган одамни топардик ҳам... Сирдарёда қолдириб келган бўлса бунинг давоси қийин,— дер эди жиддий. У сира кулмас эди.

Меҳмонлар ош устида талаша-талаша меҳмондўст Ширинбойни ва палов пиширган одамни ҳам зўр бериб мақташардилар. Бу кулги, маншат ёлғиз Аҳмадалига татимасди.

— Одам юраксиз яшай олмайди-ку,— деб яна гап ташлади гуё хайрихоҳлик қилган бўлиб Маннон Аҳмадалига кўз қирини ташлаб,— бугун журамнинг томоғидан овқат ўтмади, эрта, бириси кун ҳоли нима кечар экан?.. Чора излашмасак бўлмас, оғайнилар.

— О, дўстим! Овора бўлмай қўя қол, менга ҳеч ким, ҳеч қайсинг ёрдам қилолмайсан,— қақшаб гапирди Аҳмадали.— Қушни қувлаб етиш учун қанот керак! Менда эса у йўқ... Агар сидқидил билан менга ёрдам қилмоқчи бўлсаларинг, рансдан илтимос қилинглар, мен бахтсизини биронта бригадага бошлиқ қилиб қўйсин.

Бу гапни Аҳмадалидан эшитар экан, ҳамманинг қўлидаги оши қўлида, томоғидаги томоғида қола қолди. Ширинбойнинг эса ҳаво йўлига гуруч донаси кетиб қолиб, қаттиқ йўталиб, нафаси ичига тушиб, кўзлари ёшланиб бир ҳолатда бўлиб қолди. У ўзига келар экан, қийналиб:

— Уни қаранглар-а!!! Биратўла рансликни сўраб қўя қолсанг осонроқ кўчарди... келаси йилга бориб бизда ҳам йигирма яшарлар ранс бўлиб қоладиган бўлса, унда яна етолмай юрмагин,— деб қўйди. Аҳмадали айтарга айтди-ю, Ширинбой гапни билан боши эгилиб қолди.

— Майли, пешанам шўр...— деди Аҳмадали, у яна ҳар доим айтиб юрадиган мунгли қўшинини хиргойи қилгиси келиб қолди. Бу гал дутор чертиб айтгиси келди. Аммо дутор йўқлиги ишнинг белига тепди. Ахир, фақат дутор торларигина ошиқнинг кўнглини очиб, севган қалбга жўр бўлишга қобил!..— Аммо кўрасизлар, мен ҳам қанот чиқарарман, мен ҳам албатта учарман, кулманглар, вақти келиб парвоз қилиш менга ҳам насиб бўлар...

Яна бир йил ўтди. Аҳмадали тиниб-тинмади, у жонини жабборга бериб астойдил меҳнат қилди. У районида энг юқори ҳосил етиштиришга бел боғлаган эди. Мана, унинг етиштирган пахтаси хирмонга ҳам тўкилди. Момикдек юмшоқ, қордек оппоқ, тиниқ!

— Ана энди сени бригадага бошлиқ қилиб тайинлашади десалар мен ишонаман,— деди Отамурод.

— Чиндан ҳам қанот чиқарибсан. Қандингги ур, жура!

— Шундай бўлармикин-а?— умидворлик билан мусобақа бошлиги Отамуродга қарар эди Аҳмадали.

— Ишонавер, бўлади!

Ҳамма хурсанд эди, ҳамма Аҳмадалини табрикларди. Аммо унинг ичига чироқ ёқса ёримас, у ўз ғалабаси наштасини сезмагандек... Яна қиш шамоли елиб-елпиниб келиб қолди. Аҳмадали яна бошқа юртга жўнаб кетди.

Бу гал Аҳмадали тез қайтди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай қайтди. У ўз қишлоғига юраги тула қайғу билан кириб келди. Бу айни ҳақиқат эди, мен бу ҳақиқатни китобхонларимдан яшира олмайман. Аҳмадали жуда умидсиз, кўзлари эса аввалгидек ёнмасди. Фақат ух тортарди, пана-пастқам ерларга бориб баъзан кўз ёши тукиб юрагини бўшатарди.

— Ия!— хитоб қилди Маннон Аҳмадалини учратиб кўришар экан,— нега руҳинг суст кўрнанади?.. Ҳа, жўра, сенга нима бўлди?— таажжубланиб юзига тикиларди Маннон.

— О,— деди йигит қалби инграб.

— Биламан-биламан.

— Нимани биласан?— деди ҳушёр тортгандек Аҳмадали.

— Қизлар...

— Ҳа, уни эрга беряптилар.

Маннон чўчиб тушди:

— Ҳа, сен-чи?

— Мен ўзим ҳам ўзимга сен берган саволни бераман... Энди мен нима қилдим, жўра?

— Тўй белгиланганми?

— Ҳозирча йўқ. Лекин куёв...

— Куёв ким экан?— шошилиб сўради Маннон.

— Район агрономи...

— Тушунарли.

— Тушунарли деганинг нима?— зўрга сўради Аҳмадали... Бир оз жим туриб хиргойи қилди:— «Муҳаббат бир бало шайдир гирифтор улмаган билмас...» Э-ҳа, мен ҳаммасини билганман, ҳаммасини тушунганман... Қани отландик. Кечқурун йўлга чиқамиз!

Ҳали Жиззах тоғларига янги қор тушганича йўқ эди. Кеч куз бўлишига қарамай дарахтлар ҳам рангини йўқотмаган. Ёз қушлари иссиқ иқлим сафарига отланмай худди тўй кутгандек Аҳмадали ҳовлиси атрофига тўпланишиб қўшиқ айтгандек сайрашарди.

Тракторчи Маннон, Усмонкул чўпон, звено бошлиғи Отамурод, бухгалтер Ширинбойлар ўзлари билан Аҳмадалини олиб Сирдарё томон йўл олдилар. У ердан энди олти киши бўлиб қайтдилар. Олтинчи киши Аҳмадалининг қаллиғи йигирма ёшлик миришкор пахта устаси Шаълохон эди.

Аҳмадали энди гамгин қўшиғини айтмади. Унинг юрагидаги гам ўрнини аллақачон шодлик эгаллаган, унинг бутун борлиғи баҳордек кулиб қаватига тракторчи Маннонни олиб ҳаммани тўйга таклиф қилиб юрарди.

— Ахир оқибат Аҳмадали ўз бахтини топди,— деди Маннон.

— Фақат бахтини эмас,— ҳар вақтдагидек ўзига хос вазмин гапирарди Ширинбой,— биринчидан, энг муҳими севган қизига уйланди...— бухгалтер бош бармоғини букди,— иккинчидан, чиройда тенги йўқ Шаълохонга уйланди,— у кўрсаткич бармоғини букди.— Учинчидан, ақлли қизга,— учинчи бармоғини букди,— тўртинчидан меҳнатсевар қизга...— гал ён бармоғигача келди.— Бешинчидан...

Ўртоқлари Ширинбойнинг букилмаган ён бармоқчасига тикилиб яна қандай фазилатни қўшишига ҳайрон бўлиб туришарди...

Ахир, бусиз ҳам Аҳмадали чексиз улкан бахтга эга эди. Аммо бахт-саодатларнинг ҳаммаси ҳали ҳисобланганича йўқ экан. Бухгалтер ён бармоғини ҳам букди:

— Ниҳоят, Аҳмадалининг ўзи ҳам меҳнатсеварлигидан ҳамшаҳарлари олдида энг ҳурматли одамлардан бири бўлиб қолди.

Бу гап билан ҳисоблашмасдан бўлмасди, шунинг учун ҳам маъқуллаб ҳамма бошини эгган эди.

Бармоқларини муштумига тугиб Ширинбой гурунги охирида жуда маъноли ширин гап қилди:

— Бахтнинг қайси бири одамзод учун энг улуғ эканлиги маълум эмас.

Ширинбой ўз саволига ўзи жавоб бермай муштумини чўнтагига яширди.

Ўртоқлари унга қараб турар экан, ўз бармоқларини бирин-кетин кўздан кечириб, қайси бирини таплашини билолмасди. Тўғриси, бири-биридан афзал, ҳаммаси ҳам яхши эди. Аммо энг муҳими — қайси бири? Аҳмадали унга ҳам эришган эди.

1963 йил,

ОЛМА ОЛМАДАН УЗОҚҚА ТУШМАЙДИ

Агар қишлоқ уйқуда, ер устида жимжитлик ҳукмрон дейилса, бу гапни тўғри тушуниш керак. Бундан сиз хавотирланманг. Чироғи ўчиб ёруғлик шуъласини йўқотган деразалар ва занжирланган эшиклар сизни янглиш фикрларга солмасин. Шундай пайтларда, албатта кимдир уйғоқ юради. Ошиқ-маъшуқлар тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Уларнинг ўзларига хос тартиб ва табиатлари бор. Шунинг учун уларни ҳисобдан чиқариб турамиз. Чунки улар беозор тинч юришади, дарахтлар панасида, сўлим боғларнинг киши кўзидан холироқ бурчакларида хавфсираб, юраклари ўйнаб хаёлчан, кўзларини бир-бирларига тикиб турган қора-қўнгир сочли қиз, чуст дўппилик йигитни ўткир кўзлар ҳам пайқай олмайди. Улардан бошқа яна ухламайдиганлар ҳам бўлди. Булар колхоз раиси, агроном ёки қандайдир ёзувчи деб ўйларсиз. Йўқ. Колхоз раиси ҳам ўша кечаси қаттиқ уйқуга кетган эди. Юмшоқ пар ёстиқни қучоқлаб агроном ҳам хурракка зўр бермоқда эди. Ишини дўндириб қўйгандан сўнг ҳамма ҳам ухлашга, дам олишга ҳуқуқи бор-да. Одамзод ва жониворларнинг табиатлари шунга мосланган.

Шу кеча ухламаганлардан бири боғбон Исроил ота эди. Ундай десак, куни билан мевазор боғда уриниб чарчаган, ёши қайтиб қолган кекса Исроил отанинг дам олиши бошқаларга қараганда зарурроқ эди. Исроил ота ўз одатига кўра хизматни оёқда юриб ўтказар, тараи кўзлари ҳар қачон жавдираб, теварак-атрофга ва олға қарашга одатланган эди. Исроил ота колхоз боғида ёки сигир туғаётган молхонада эмас, балки идора остонаси олдида эшикни қия очиб мўралаб турарди.

Ичкарида чироқ ёнар ва у ерда қизи Анорхон билан Ражабали деган йигит нима биландир шуғулланиб

ўтиришарди. Ражабали колхознинг отбоқари эди. Анорхон стол олдида ўтириб аллақандай қоғозларни варақлар, йиғит бўлса диққат билан счёт доналарини чиқиллатиб урарди, ниманидир жамлар, ниманидир чиқарарди.

Исроил отани алдаш осон эмас. Эллик ёшни уриб бошидан кўп иссиқ-совуқларни ўтказган одамдан аллақандай қоғозларни варақлаб, счёт суриш билан ҳақиқатни яшириб бўлармиди! Одам эллик ёшга етиб олгач, ҳар нарсани тўғри тушунади, ҳар қандай нарсага ақли етиб оқ билан қорани фарқ қиладиган бўлиб қолади. Ҳатто ўрта ёшида тўғри деб эътиқод қилиб ишониб юрган баъзи гапларни бу ёшга етганда янглиш эканлигини фаҳмлайдиган ҳам бўлиб қолади. Шунинг учун: табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, дер эканлар-да.

Гап нима устида эди?.. Ҳа, одобли ва тегиқурлари нчида камтар, ўта меҳнатсевар Исроил отанинг қизи Анорхон бу чоқ дугоналари қатори уйида мириқиб ухлаб ётиш ўрнига вақт ярим кечадан оғибдики, колхоз правлениесида ўтириб олиб аллақандай қоғозларни титкиларди. Идорага эрини юборар экан, кексайиб қолган Файзинисо хола шундай деб таъкидлади:

— Тоб-тоқатим қолмади, сиз ҳам отасиз, агар қизингиз оёғини тиёлмас экан, ота-онасининг оқ соч-соқолини ҳурмат қилсин. Қишлоқда кимсан Исроил боғбонсиз. Обруй орттириш қийин, йўқотиш ҳеч гап эмас. У дунёга бадном бўлмасдан ўз обруйимиз билан кетайлик.

«Онаси ҳақ» деб ўйларди Исроил ота, эшик тирқишидан муралар экан,— қиз бола қиладиган иши учун қулай фурсат ва жой топишни билиши керак... урф-одат, турмушимиздаги тартиб-қондаларга риоя қилиши керак. Бўлмаса гап-сўз бўлиб қолиши муқаррар. Шу жиҳатдан онасининг куйгани тўғри,— деб лабини тишлаб ўтиради Исроил ота,— эр-хотин шунча йил турмуш кечириб товушимиз кўчага чиқмади. Анорхон кимга ўхшади экан. Онасигами?.. Йўқ. Онаси бечора қўй оғзидан чўп олмаган. Бекорга Файзинисонини мусича-ю беозор демайди-лар-да қишлоқ аҳли. Балким менга ўхшар?»— ҳаяжонланиб ўзига-ўзи савол берди Исроил ота. Аммо шу заҳотиёқ ўз фикрини ўзи рад этди.— Менинг табиатим оғир. Қизи эса худди эчки. Девор-тош демай сакрайди. Йўқ, у менга ўхшамади. Кўзи-чи?.. Ҳа, фақат кўзи ўхшайди,— уялинқираб иқроор бўлди Исроил ота, негадир

қизариб қўшиб қўйди:— Умри узоқ бўлсин. Яхши қиз... чиройли қиз».

Бу гапни кўнглидан ўтказди-ю, дарҳол хаёли уни яна бошқа ёққа бошлаб кетди:— Қизининг чиройли ота-она бошининг эгиб, юзининг ерга қаратмаслиги керак. Чирой урф-одатларимизни бузиб, қон-қариндош, ёр-биродарларини раижитмаслиги керак. Бундай ҳуқуқни Анорхонга ҳеч ким берган эмас!— деди нимадандир хижолат тортгандек Исроил ота.

Исроил ота ўзини босишга уриниб кўрди, бўлмади. Ғазаб отига миниб, эшик балдоғидан ушлаб энди шарақлатиб очишга аҳд қилиб тортганди, ташқари эшик «гич» этиб очилиши унга халақит берди. Ташқари эшикдан қоровул Рустам бобо кириб келганини ҳам ҳатто Исроил ота сезмай қолди.

Қоровул кириши билан вайсай кетди: «Чой олиб келай деб бирров чиққандим... тавба, қарабсан, бошинг айланмай идорада бегона кишилар».

Рустам бобо бир қўлида чойнак, иккинчи қўлида ҳасса, жаҳли чиққанидан ҳассасининг ерга дуқ-дуқ урарди.

Исроил ота шошганидан нима қилишини билмай очган эшигини яна маҳкам ёпиб қўя қолди. Хиёли очик эшикдан тушиб турган ёруғ эшик ёпилиши билан йўқолиб Анорхон ва отбоқар Ражабали сиймоси ҳам ғойиб бўлган эди.

— Нима учун мен бегсна бўлар эканман?— деди қоровулнинг гапи наша қилиб Исроил ота. У овозини баланд қилмай босиқ гапирарди. Чунки қаттиқ гапирса қизи пайқаб, безовталаниши мумкин эди.

— Сизнинг қизингиз!— деди раиғи-қути ўчиб, кўса соқолини қалтиратиб Рустам бобо,— ҳа, бегона деганимга аччиғингиз келмасин... ҳамма тинч уйқуда, қизингиз бўлса... Раис бунақанги ишни ёқтирмайдилар... ҳали ҳам ўша одамга баракалла, чидаб юрганига ҳайронман. Ҳақиқатан ҳам юраги кенг, кўнгилчан одам экан... худо берган кун кечаси бу иккала тирмизак идорада... билмадим, нимани ковлаштиради... Хуллас, ҳамма ерда чироқ ўчади, идорада ҳангама, одамларга на дам беришади ва на уйқу!

Қоровул чойнакни скамейкага қўйиб ўтирди.

— Э... нимасини айтай, буларга нима ҳам деб бўлади... келинг, ўтиринг, чой совимасдан бир пиёла ичинг.

Қани ёнимга кела қолинг,— деди Исроил отага жой кўрсатиб қоровул.

— Раҳмат, бемалол ичаверсинлар,— деди Исроил ота,— мен иссиқ чой ичолмайман. Тишим оғриқ...

Рустам бобонинг гапи богбонга малол келган эди. Қиз Анорхон тўғрисида қоровулдан еган дашномлари отанинг жон-жонидан ўтиб кетган эди. Шунинг учун ҳам бир пиёлада чой ичиш Исроил ота таъбини яна ҳам хира қиларди. Шундай бўлса ҳам у скамейкага ўтириб этигининг қўнжини кутарди, қўли билан соғисини силаб текислаб қўйган бўлди.

— Шундай пайтлар ҳам бўлади,— деб сўз бошлади Исроил ота,— киши ғайри ихтиёрий сабаблар билан уйқу у ёқда турсин, ўз ҳузур-ҳаловатини бузади... Буни тушунмаган одамлар...

— Ҳо,— деди богбоннинг сўзини бўлиб қоровул ҳазиржавобликни қўлдан бермасликка шошилиб,— қари одамнинг ўз тушагидан қари оёқлари ҳайдайди деса ким ишонади, ёшини эса беғам ота-она...

— Сизнинг бу гапларингизни қандай тушунса бўлади,— қоровул оғзидан сўзини юлиб олиб деди Исроил ота жаҳли чиққанини яшира олмай,— бу беғам ота-оналар ким экан ўзи?

Қоровул сўзини бўлмоқчи эди, Исроил ота «тўхтанг!» деб жеркиб ташлаб сўзида давом этди:— Сизча ўз боласига ёмон соғинадиган ота-она ҳам бўлармикин? Ёки қоронғи тунда ўз қизини уйдан қўвлаб юборадиган оналар топилармикин? Рустам бобо шошилмасдан қаҳрабодек кўк чойни пиёлага секки қўйиб, сўнг оғзига оборман эди, иссиқ чой лабини кўйдирди шекилли, юзи аллақандай бўлиб буришиб кетди.

— Унақа оталар топилади,— деди рақибининг жиғига тегиб Рустам бобо.— Қанча истасангиз шунча топилади.

— Мени ҳам ўшалар қаторига қўшяптиларми?

— Бармоқ билан кўрсатиш шарт эканми?— илмоқли жавоб қилди мугамбир қоровул. У яна чойдан ҳўпламоқчи бўлган эди, қоровулнинг гапи тикандек ботган Исроил ота скамейкадан иргиб туриши билан пиёла чайқалиб қайноқ чой Рустам бобонинг оғзига қўюлиб яна кўйдирди. Қоровулнинг кўзлари қинидан чиқаёзди. «Оббо» дегандек гудурлаб оғзидаги чойни пуркаб юборди. Унинг энди жаҳли чиққанди. Рустам бобо нафасини ростлаб олгач:

— Ўзимдан чиқаётганим йўқ. Ҳар ҳолда юзга айтганининг заҳри йўқ, қизингизни раис ёқтирмайдилар, тўғриш, норозилар.

— Ёқтирмайди дедингизми?— сўради Исроил ота.

— Ҳа, шунақа қиз тарбия қилаётган ота-оналарга ҳайронлар...

— Ҳа, давом этинг, сайрамайсизми?— заҳарханда қилиб қоровул юзига тикилди Исроил ота.

— Сайраб қуш эмасман мен... аччиғингиз чиқмасин, дўст шунақа ачитиб гапиради, жаҳл отидан тушиб, бундай танангизга ўйлаб кўринг... Мен дўст бегаразман...

Икки орага яна жимлик чўкди. Ўз қизининг баъзи ҳаракатларини (кўп вақт Анорхон колхоз иши, комсомол топшириғи билан овора бўлиб ўз вақтида уйга қайтмас эди. Улар шундан хафа бўлишарди) ёқтирмай юрган Исроил ота бу чол таъналаридан ранжиган бўлиб кўринса-да, гўё унга ёпишиб олгандек:— Давом этинг! Яна нима гапингиз бўлса тортинмасдан айтаверинг!— дер эди.

— Бировнинг боласи билан нима ишим бор, худога шукур, мана, неваралар кўрдим. Ўз ташвишим ўзимга етиб ортади. Сизники қолибмиди... Аммо меннинг қизим кечалари юрмайди, кишиларни ранжитмайди.

— Балким бу чол ҳақдир,— ўзича ўйлар эди Исроил ота,— қанақа қиз катталарнинг гапини қайтаришга журъат қилади. Яна раисга-я! Ҳар ҳолда раис колхозда энг катта одам. Бу ерда унинг гапини икки қилаётган одам йўқ-ку! Уни халқ сайлаган. Ҳуқуқи чексиз...

— Бошлиқларнинг жигига тегишдан сақланиш керак,— бир эмас, неча марта гапирган эди хотини Файзинисо хола,— комсомолман, деб қизингиз раиснинг баъзи ишларини ковлаштираётганмиш, уни бу йўлдан қайтаринг... Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Қариган чоғимизда тинч юрайлик...

... Анорхон ҳали ёш, гапининг фарқ-сарқига бормай гапиради, бошимизга бало орттирмаса яхши эди бу қақилдоқ! Юрагим аллақандай ғаш... бирон фалокат рўй бермасин яна, тезроқ бора қолинг!..

«Ҳақиқатан ҳам фалокат,— деди хотинининг гапини эслар экан Исроил ота,— фалокат ҳақида бир Файзинисо гапираётгани йўқ. Мана, қари Рустам ҳам ўзининг гапини такрорляпти. Раис норози, раис ёқтир-

майди...» Бўйга етган қизни сақлаб ўтиришининг ўзи номаъқулчилик экан... қайтага Анорхон шу отбоқар билан бўлса ҳам клубга бориб-келиб юргани маъқулга ўхшайди. Идорага келиб, ярим кечада одамларнинг кўзига тикан бўлгандан кўра, яширинча бўлса ҳам Оқсой бўйига боришса бўлмайдими?— деб ўйлар эди ёшлигида хотини Файзинисо билан «ўғринча» учрашган вақтларини эслаб Исроил ота,— ҳар ҳолда ранс билан орани бузишдан кўра севги билан овора бўлиб юриши маъқулроқ...

Тўғрисишни айтганда, отбоқар Ражабали Исроил отанинг кўнглига унча ҳам ўтирмасди. Боғбон бутунлай бошқача кўёвни орзу қиларди. Начора, қизнинг бўйи чўзилиб қолди. Дашномларга тоқати йўқ. Новча, бесўнақайроқ бўлса ҳам Ражабалига рози бўлгиси бор — қизим Анорхонга ёқса бўпти-да,— деб ўзини овунтирди.

— Неварам бўлса,— деб вайсашида давом этарди Рустам бобо пиёлага чой қуяр экан,— тинчгина уйда ўтириб чақалоғига кийим тикипти, қаранг, бишойиндек она бўлишга ҳозирлик кўрапти. Овози эшикка чиқса-чи, бола пақирнинг. Бирон ножўя ҳаракат қилиб бировларни безовта ҳам қилмайди. Қиз бўлса шарм-ҳаёлик бўлсин... Сизининг қизингиз бир оз...

— Ҳа, албатта,— дер эди нима деяётганини ўзи ҳам тушуномасдан Исроил ота, кўз олдига чақалоқча чопонча тикиб ўтирган қизни Анорхонни келтириб.

— Ҳа, шуиниси маъқулга ўхшайди... яхшиси, қора кўзлик думбоққина шўх боласи билан ҳа, ҳа...— деб шивирлар эди ўз-ўзига Исроил ота. Аммо шу заҳотиёқ ўзига келиб,— ўзи нима гап, бунини ўзи киму, панд-насихати қаёққа борарди! Гуё қизим бирон ножўя иш қилиб қўйган... Мен энди Анорхонимни сени неваранг билан тенглаштирайми. Менинг қизим колхозда биринчи сигир соғувчи. Анорхонда бор билим, чаққонлик, жонкуярлик қайси қизнинг ва неварангда бор!.. Анорхонни эсон-омон эгасига топширсам мен ҳам невара кўрарман. Чақалоқча тўн тикиш ҳам иш бўптими. Жажжи кўйлак, камзулча, йўрғақдан тортиб ботинкачагача магазинда тахланиб ётибди. Орзу-ҳавас яхши гап, илло, вақт-соати билан бўлгани яхши. Мен Анорхонимни Рустам бобонинг ўнта қизи, невара, эварасига алишармидим. Ҳа, ҳа,— деди энди овозини барала чиқазиб Исроил ота,— э, мен йўқ демоқчи эдим!

Рустам бобонинг юзида пайдо бўлган табассум дарҳол ўчди. У қошини уюб, қовоқ солиб боғбонга қарар экан:

— Нималар деб алжираяпсиз!— деб қўйди.

— Қизим нима қилаётган бўлса, билиб-ўйлаб қиялпти. Қўпчилик манфаати деб уйқусидан кечиб қоғоз варақлаб, чўт қоқиб ўтирипти!

— Оббо!— деди Рустам бобо кутилмаганда боғбонининг бирданига ўзгариб қолганига ҳайрон бўлиб.

— Агар сизнинг неварангизга ўхшаб бировнинг хатосини қўриб жим ўтиб кетаверса, қандай қилиб ишларимизни яхшилаймиз, колхозимиз хўжалигини кўтара оламиз? Сизча мен сенга тегмай, сен менга! Мана сиз қоровулсиз, колхоз сизга меҳнат куни беради, хўш, қилаётган ишингиз нима ўзи?

— Қоровул,— деди мағрурланиб Рустам бобо.

— Қоровуллик лавозимига ҳақ олаётганингизни биламан. Аммо нимани қўриқлаяпсиз?

— Э-э... идора қоровули нимани қўриқлаши мумкин, нима деяётганингизни тушунаяпсизми ўзингиз?

— Сиз уялмасдан қизимга дашном бердингиз. У бўлса кундузи сигир соғиб, бузоқ боқиб, кечаси дам олиш ўрнига фермадаги ҳаром қўллар ишини текшириб ўтирибди,— деди бўғилиб.— Хўш, фермада ҳам сизга ўхшаш қоровуллар бор эди-ку! Нега улар ўз хизматини ҳалоллик билан бажариб, қинғир қўлларни тутиб бермади?

Қоровул пиёладаги бор чойни ҳўплар экан, ўҳу-ўҳу қилиб йўталиб қолди.

— Ҳа,— деди ғолибона хитоб қилиб Исроил ота,— Нима ҳам дея олардингиз! Мен ҳақман. Мен қизимга доғ юқтиришга йўл қўймайман! Комсомол унга молхона қурилишига ажратилган харажатларни текшириб чиқишни топширган экан, у ўз бурчини адо қиялпти. Ҳақиқий комсомол, ҳалол колхозчининг бурчи нима, тушунасизми!

Нима деб жавоб қилишини билмай довдираб қолган қоровул яна бир-икки йўталиб олди-да:

— Қизишманг, сиз менинг гапимни яхши тушунмадингиз. Мен қизингиздан раис норози деган бўлсам, нега норози экан— буни билиш керакми-йўқми?— деди гапни бошқа томон буриб, қоровул.

— Э-е, нега товланаяпсиз. Раис норози эмиш. Нега

норози бўлади — ёмон кўради, ёмон отликқа чиқаришга уринади. Тўғри танқидин ким ёқтирувдики, раисингиз ёқтирсин. Менинг ўзим ҳам раисингиздан норозиман! — деди бўйин томирлари бармоқдек бўртиб Исроил ота. — Баҳор келиб вақт ўтиб боряпти, кўчатдан дарак йўқ. Машина ёки арава беринг деб кунда жаврайман. Бугун-эрта деб пайсалга солади. Нега?

— Менга нега дағдаға қиласиз, Исроил бой! — деди ўзини ҳимоя қилиш ниятида қоровул. — Сиз богбон, у киши ранс, мен кимман?

— Сиз хомисиз! Сиз тутн қушсиз! — деди ғазаби ошиб богбон. — Хотирингиз жам бўлсин, сизга, гийбатга иш қолдирмайман, мен бу гапимни мажлисда ҳам айтаман. Ишнинг қилса қойиллатсин. Йўқса...

Рустам бобо қўрқиб кетганиданми гапн бўғзида қолиб, ҳанг-манг бўлганича оғзи лапг очилиб серрайганича таёқдек қотиб қолганди.

— Норози эмиш-а! — деб тажанг бўларди Исроил ота. — А-ҳа, шунақа гаплар бор, деиғ ҳали.

— Мен бегараз гапирдим, — деб зорланарди Рустам бобо.

— Колхозчиларнинг ҳаммаси ҳам раисингиздан рози эканми! Сиз нега масаланинг бу томони билан қизиқманингиз бегараз одам бўлсангиз?

Рустам бобонинг юз-кўзидаги аломат пушаймон ва чўчиганидан далолат берарди. Буни сезган Исроил ота бир оз тушди ва гап маромини ўзгартириб:

— Ҳар бир одам каттами-кичикми, амалдорми, фуқароми — азруй инсоф халқ мулкига ачинсин, эгри қўлдан муҳофаза қилсин! Мана, менинг Анорхоним ҳали ёш, энди ўн саккизга тўлди. Колхоз мулки учун жонин ачийди. Шундай бўлмаса мижжа қоқмай, қоғоз титкилаб идорада ўтирармиди! Ранс, албатта ундан норози бўлади-да. Унинг одамлари бўлса қизга ҳалақит беради, — деб бухгалтерияга кириладиган эшикни зич қилиб ёпиб қўйди.

Қоровул бошини тошбақадек ичига тортиб олиб, кўзини қалин оқ қошн тагига яшириб ўтирарди.

— Маталда айтган экан... — деб қоровул сўз бошлаган эди, Исроил ота:

— Матални қўйинг! Бўладиган нарсадан гапиринг! — деб жеркиб берди. Богбон рақибни қаршисида ўзини го-

либ ҳис қиларди. Унинг юзлари ёнарди, кўзлари чиқчайиб, хўмрайиб Рустам бобога қараб-қараб қўйрди.

— Оҳ-ҳо... қизиб кетиб нималар деб қўйдим мен-а,— деди ўзига-ўзи кўнгли ғаш бўлиб Исроил ота. Аммо унинг қони ва табиатидаги жасурлик юрак ғашлигини тездан тарқатиб юборди.— Ҳа, айтаман. Албатта мажлисга чиқиб айтаман. Минбад бу рўдаполар ёшлар оёғига кишан бўлмасинлар!.. Анорхон ҳеч кимдан қўрқмай, рансдан тап тормай унинг ишини текширяпти-ку! Отаси қизидан ибрат олса, бунинг нимаси ёмон экан?

— Матал бор-ку,— хамон ғулдиради Рустам бобо.

— Э, бўлди-да,— дея тескари қаради боғбон,— ҳозир янги маталлардан айтиш керак.

Шу пайт эшик очилиб Анорхон чиқди. У жуда ҳориган кўринарди. Аммо шу ҳорғинликда ҳам унинг уйқусираган хумор кўзлари жуда чиройли ва жозибадор эди. Қизининг кўзларига кўзи тушар экан, дили қувончларга тўлиб фахрланди ва оталик меҳри қалб кўзи билан унга мағрур боқди.

— Дада, бемаҳалда яна келдингизми?.. Яна меннинг ножўя ишимни тақиқлагани келдингизми? — сўради Анорхон.

Исроил ота «ҳа» демоқчи эди. Чунки Файзинисо эрини шу ваздан юборган эди. Отанинг ўзи ҳам ҳатто шубҳада эди. Аммо у «ҳа» дейиш ўрнига:

— Қизим! Жон қизим! Виждонинг нима деса, комсомол ўртоқларинг нимани талаб қилса шунини қил... Мен келган бўлсам, қоронғи кечада қизимга ҳамроҳ бўлиш учун келдим. Ишлайвер, ҳеч ташвишланмай, сидқидил билан ишлайвер.

— Раҳмат, дадажон. Ишимиз тамом бўлди. Уйга қайтсак бўлади.

Анорхон сочларини тузатиб орқасига ташлади ва отбоқар Ражабалига маъсум боқди, у шундай қарадики, Ражабали қизариб бошини ерга эгиб фақат:

— Юринг,— дея олди.

Улар учаласи идорадан чиқиш учун йўл олган эдилар: — Матал бор-ку,— деб учинчи бор ғулдиради Рустам бобо.

— Қандақа матал экан? Айта қолинг, ичингизда қолмасин,— деди охири чидамасдан Исроил ота.

— Олма олмадан узоққа тушмайди!

Исроил ота қизи билан йигитни олдига ўтказиб юборди-да, ўзи Рустам бобо олдига бориб, деди.

— Бу шундайку-я, биродар, аммо олма қуртламасин. Ана шундан эҳтиёт бўлиш керак. Бу гапнинг маъзи ана шунда.

Анорхон билан Ражабали отани кутиб тургандилар. Улар биргалашиб йўл олдилар. Кеча қоронғи, жимжитлик. Ҳамма-ҳамма, бутун борлиқ уйқуда. Ёки кишига шундай туюлармикин?.. Ахир қаердадир ошиқ-маъшуқлар шивирлашиб, висол майидан нўш этишиб тунларини уйғоқ ва бедор ўтказаётган йигит-қизлар йўқмикинлар?

Қоровул Рустам бобо боғбон орқасидан қараб хафалигиданми, пушаймониданми, ҳарқалай, уҳ тортиб, «оббо!..» деганича қолаверди.

1963 йил.

ҚҶЗИ ВА ҚҶНДУЗ

Туркистон ўлкасида Зулфан номли бир бой ўтган. Унинг ер-суви ҳадсиз, қарол, чоракор, хизматкорлари сон-саноқсиз. Шулардан Миродил номли бир киши чўпонлик қиларди. У ўрта бўйли, кулча юзли, қўй кўз, укки қош, эти чарм сингари пишиқ, қотмадан келган, қўл-бармоқлари иргай ёғочидек чайир, қишин-ёзин сержун кўкраги очиқ, елкасидан пиёзи чакмон тушмас, бутун умрини далада қўй боқиш билан ўтказиб келар эди. Чўпоннинг бор давлати ўғли билан қизи бўлиб, булар эгизак эди. Ўғлининг оти Қўзи, қизининг оти Қундуз, онадан бир кунлик етим қолган эдилар. Шунинг учун ҳам Қўзи ва Қундуз қўтондаги қўзилар билан она қўйларни эмиб суякларни қотганди. Қўзибойга қўзи номи берилишининг сабаби ҳам шу эди.

Қиш ўтиб ёз келди, тун ўтиб кун... Ана-мана дегунча ака-сингил ўн беш ёшга кирдилар. Қўзибой дадаси ёнида чўпонлик қила бошлади. Қундузни бўлса бой олиб бориб узумзор боғига қўриқчи қилиб қўйди.

Мана «Жийронқудуқ» деб аталадиган яйлов. Бу яйловда минглаб туя, бия, сигир-бузоқлардан ташқари, Зулфанбойнинг ўттиз қўтонга яқин қўй-эчкиси ўтлайди. Ҳар йили баҳор фаслида қир ва чўллар зумрад кўрпасини ёпинган кезларда бу ўтлоқ бағрига жон киради. Қўйлар қўзилаб, биялар қулунлар, туялар бўталоғларди. Кунлар ўтиши билан баҳор фасли тугаб, чўлдан ранг қайтганда яйловдан файз кетарди. Ана шунда Зулфанбой қўйларини тоққа, тоғ бағридаги кўм-кўк майсазорларга ҳайдатарди. Қуз келиб тоғда совуқ бошланиши билан бой қўйларини яна «Жийронқудуқ» яйловига ҳайдатарди.

Мана олтин куз. Яйлов ем-хашакка кон. Тоғдан эт олиб келган қўйлар яйловда қўзиларди. Йиллар ўтган сари Зулфанбойнинг қўйларига қўй қўшилиб, юзи минг,

минги юз минг бўларди. Шу зайлда унинг давлати ортиб бораверарди.

Ёши эллик бешга кириб, «вой бошим» демаган Миродил бир ҳафтадан бери тоби келишмай боши оғриб, оёқ-қўли қақшаб, ниҳоят бу кун дард енгиб, ётиб қолди. Отанинг касали кун сайин баттар бўлса бўлдики, бери қарамади. Миродил ётиб қолганидан кейин унинг ишини бажариш учун бошқа бир чўпон келган бўлса-да, Қўзибой ўз зиммасидаги қўйларни боқишдан бўшай олмади. Отаси бўлса қоронғи ертўлада эрта-кеч алаҳлаб ўзини ҳар томонга уриб ётарди. Терлама касали билан оғриб ўлаётганлар юртда сон-саноқсиз, бу — биринчи жаҳон урушининг «мева»ларидан бири эди. Уруш 1916 йилга етганда юртда ўлик чиқмаган эшик қолмаган эди деса ёлғончи бўлмас киши. Ҳамма ўзи билан овора бўлиб қолган эди.

Қийин бўлди, Қўзибойга бўлди. Қўзининг бир оёғи қўтондаги қўйларда, бир оёғи отаси ётган ертўлада эди. Қўзибой шаҳарга тушиб бойнинг хизматини қилиб юрган синглиси — Қундузни олиб келиш устида бош қотирди. Соатлар ўтган сари отасининг ҳоли оғирлашаверди. Дадасининг ўрнига келган чўпон билан маслаҳатлашиб, қандай қилиб бўлса ҳам синглиси Қундузни олиб келмоқчи. Қўйларни чўпонга, отасини «худога» топшириб ой чиқишини кутмасданоқ кечаси шаҳарга йўл олди. Тун зим-зиё. Лекин бу қора тушнинг ҳам ўз ошиқлари бўлади. Қундуз кунлари овоз чиқармайдиган қурт-қумурсқалар турли-туман оҳангда чириллаб, чирқиллаб кўшнқ айтишади.

Қўзибой «Қампиртепа»дан ошиб сойга тушганда бўрилар улий бошлади. Қўзи ёнида тинчгина кетаётган ит безовта бўлиб ҳура бошлади. Қўзибой итини хаста отаси ёнида қолдириб келмаганига ўкинди, аламига алам қўшилди. Қўнглининг ғашлиги борган сари ортди, қандайдир бир ваҳима юрагига уя солиб олди: онаминг бошида синган шум тақдирнинг таёғи отамнинг бошида ҳам синмаса яхши эди деган хаёл қайта-қайта қўнглига келарди.

Қўзи билан Қундузнинг онаси бошида синган шум тақдир таёғи қанақа эди?

Қоронғи кеча Қўзига бу машъум воқеани беихтиёр эслатди.

Миродил чўпон қирқ ёшга кирганда Қамбарбаззанг

номли бир тул аёлга уйланади. Ёши қирққа етиб тирноқ кўрмаган чўпон, хотинининг ҳомиладор бўлганини билиб суюнганидан ер-кўкка сиғмади. Эр-хотин бир бўлиб ҳали дунёга келмаган бола учун орзу-ҳавас режасини туздилар. Миродил пайт топиб шаҳар тушмоқчи, бой болалари беланадиган сернақш, ҳашамдор бешик олиб келмоқчи. Қамбарбаззанг бўлса бешикка гаврапўш, чақалоққа қўлбоғ тикмоқчи, қўй сўйиб беш кеча қилиб чоракор ва хўжайиннинг заводида ишлаётган ишчиларни чулга чорлаб зиёфат бермоқчи бўлишди... Ҳадемай Қамбарбаззангнинг ой-куни яқинлашади, лекин Миродил ўз ихтиёри билан шаҳарга туша олмайди. Хўжайиндан розилик олиш ўлимдан қийин... Лекин иш ўнгидан келса ҳеч гап эмас: бир куни Миродил хўжайиндан: «Юзта совлиқни бозор кунига етказасан» деган буйруқ олиб қолади. Энди хўжайиндан жавоб сўраб, оёғига бош уриб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Миродил ўзи бир итни олиб, юзта совлиқ қўйни бозорга ҳайдайди.

Бутун кечаси йўл босиб, чанг ютиб, ҳориб-толиб, юз қўйнинг бирини ҳам йўқотмасдан, эсон-омон қўй бозорига етиб боради. Қўйларни бойнинг одамига топширади.

Қорин тўқининг қорин оч билан нима иши бор деганларидек, бойнинг гумаштаси Миродилнинг тўхтовсиз қўтонга қайтиб кетишини буюради. (Зулфайбой чўпонларига бозорга кириб бирон нарса харид қилишни ман қилиб қўйган, чўпонларга керак бўлган нарсани бирига ун баҳо қўшиб ўзи берар экан). Миродил ҳам «хўп хўжайин, кун ботмасдан қўтонда бўламан» деб ўз билганини қилади. Итини эргаштириб сўроқлаб чит растаси томон йўл олади. У расталарни оралаб уч кулча совун, беш қадоқ майиз, ўн қадоқ гуруч харид қилади. Нархи баландлик қилгани учун на чит, на сурп ололмайди, бўз бозорига ўтиб саккиз қарич бўз, қалами харид қилади. Бўзни туғилажак чақалоққа кўйлакча, қаламини эса бола бешигига гаврапўш, қовузғоқ, қўлбоғ, агар ортгудек бўлса хотинига кўйлак қилиб бермоқчи бўлади.

Миродил чўпон дўппи бозорига ўтиб чақалоққа дўппича харид қилиб, бешик бозорга ўтади.

— Ассалому алайкум, ҳорманг уста, — эшагидан тушибоқ дейди чўпон. Уста гириллатиб йўнаётган ёғочдан кўзини олмасдан бош силкиб алик олади.

Миродил дүкөн олдига күз-күз қилиб териб қўйилган сербўёқ бешиклардан бирини таплаб, савдолашиб ўтирмасдан пулини тўлайди. Бешикни эшакка ортиш керак. Чўпон итнинг бўйнидаги арқонни ечиб олиб бешикни эшакка танғиб боғлайди. Миродил ишини тезроқ битириб чўлга қайтишга шошилиб уста билан хайрлашар экан, ундан тувак бозорини сўрайди. Уста тувакни куллардан топишини айтгач:

— Сумак олдингизми?— деб сўрайди.

— Э, эсим қурсин, хаёлдан кўтарилган экан.

— Қанақа сумак керак?— сўрайди уста.

Чўпон ўйланиб қолади. Уста сўрайди.

— Чақалоқ ўғилми, қизми?

— Қайси бири бўлса беравермайсизми, уста,— ўзини ўнғайсиз ҳис қилиб дейди чўпон.

Зийрак бешикни мийингида кулиб:

— Афтидан бешикни ният қилиб олаётган кўринасиз. Чўпон халқининг тирикчилиги далада қўй билан. Хоҳлаган вақтингизда бозорга тушолмайсиз. Мана олинг, толеингиз билади, ўғил бўлса мана буниси ярар, қиз бўлса мана буниси,— деб иккита сумакни узатади.

Бешикчи туғилажак болага умр тилаб, чўпон билан хайрлашади.

Миродил харидларини эшагига юклаб, Бўрибосарни эргаштириб «Жийронқудуқ»қа — вафодори олдига етиб олиш учун шошилади. У кун бўйи йўл юради. Тун оламини қора пардасига ўраб олади. Ой чиқишига ҳали хийла вақт бор; чўл ваҳимали. Аллақаердан эшитилган бўри улиси жимгина бораётган итнинг тинчлигини бузади. Ит ҳуриб гоҳ олға, гоҳ орқага чопиб, тимирскилаб ер искаб кетади. Миродил:— қайт дейман сенга!— дейиши билан ит гиншиб изига қайтади, чўпон ёнига келиб думини ликиллатиб, жимгина юради.

Ҳадемай, тун келинчаги ой чиқади. Аммо сутдек ойдин кеча Миродилнинг кўнглидаги ғашликни тарқата олмайди. Кўтон энди узоқ эмас. Энди биргина «Камширтепа» қолди. Шу тепаликдан кўтарилса, Зулфанбойнинг яйлови... Юрган дарё, ўтирган бўйра дегандек, Миродил эшагини йўрттира-йўрттира тепаликка ҳам чиқиб олади. Негадир босган қадами орқага кетгандек Миродилнинг йўли унмайди. Ит яна бесаранжом бўлиб қолади. У ҳуриганча қир томонга югуриб кетади. Миродилнинг юрагидаги ғашлик ваҳимага айланади. Миродил эшагининг

сагрисига калтак туширади. Йўртиб бораётган эшак калтак зарбидан чопа бошлайди. Эшак ортидан югуравериб ўпкаси бўғзига тиқилган Миродилнинг қулоғига итларнинг ҳуриши, ниманингдир ғиншигани аранг эшитилади. У бирдан тўхтаб, қўтон томонга қулоқ солади, гўё ит билан бўри олишаётгандек... Чўпоннинг юраги гуп-гуп уриб, қулоғи шанғиллайди.

— Бўрибосар, Бўрибосар!.. Ма, ма, ма!

Бўрибосар йўқ... «Қўтонга бўри дариган бўлса-я!»— кўнглидан ўтказди у. Шу заҳоти ҳомиладор хотини эсига тушиб юраги орқасига тортиб югуради.

Миродил қўтонга етиб борганда икки ит олтига бўри билан олишаётган экан. Миродил ҳай-ҳай солиб калтаги билан бўриларга ташланади. Бўрининг бештаси қочиб, биттаси Бўрибосарнинг остига тушиб қолади. Олти бўри билан олишган Олапар кейинги оёқларини босолмай судралар, ғинширди. Итнинг кейинги оёғини бўрилар чайнаб ташлаганди.

Қўтондаги қўйлар тумтарақай қочган. Чўпон хотинини қидиради... Ҳайҳот, Қамбарбаззангги бўрилар бўғизлаб кетган. У қонига беланиб ётар эди.

Шўрлик чўпон бу огир мусибатдан гангиб қолади. У «Қамбар! Қамбарим!»— деб бақиради. Қамбардан садо чиқмайди. Миродил чўкка тушиб хотинининг елкасидан енгил тутиб, юзини ойга қаратади. Аёлнинг кўзлари юмуқ бўлса-да, нафас олаётгани сезилиб турарди. Миродил хотинидан бирон оғиз сўз эшитгиси келиб ҳарчанд уринса-да, ундан ҳеч қандай садо чиқмайди. Чўпон аёлнинг қонга беланган гавдасини кўтариб ертўла ёнига олиб боради. Кекирдагидан бўри тишлагани кўриниб турарди... Яқин орада ёрдамлашгудек ҳеч кимса йўқ. Қамбарбаззанг ҳушига келмасдан кун чиқиш вақтида кўзи ёради. Жафокаш она Қўзи билан Қундузни дунёга омонат қолдириб, кечга етмасдан ўзи вафот этади...

Қўзибой онасининг ўн беш йил бурун бўлиб ўтган фожиали ўлимини эслаб хаёл сурганича шаҳарга етганини сезмай қолади. Маҳалла кўчаларида якка-ярим одам кўриниб қолганини эътиборга олмаганда, ҳали халқ уйқудан турган эмас. Қўзибой одамларга кўриниш бермасдан пастқам йўллардан юриб синглиси Қундузни учратмоқчи ва отаси тўғрисидаги нохуш хабарни унга ётиғи билан тушунтирмоқчи. Шу мақсадда «Хўжағозгон авлиё» орқали ариқ бўйлаб юриб бойнинг узумзор боғи-

га етиб олади. Боғнинг деворлари баланд. Девор устига шиша синиқлари тизиб қўйилган. Қўзибой ҳарчанд урниб деворга чиқолмайди. У нима қилишини билмай ўзини девор панасига олиб турганда, дарвоза «ғирч» этиб очилади. Қўзибой мўралаб қарайди. Камзулча ёпиниб олган бир аёл секин дарвозадан бошини чиқариб кўчанинг у ёқ-бу ёғига қараб, ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, оёқ учида юриб кўчага чиқади. Дарвозани эҳтиёт билан ёпиб, ўнг томонга чопиб кетади.

Қўзибой бу аёлни синглиси Қундузга ўхшатади-ю, лекин чақиришга ботинолмади. «Қундузга ўхшайди, худди ўзи, каллаи саҳарлаб кимни пойлаб кўчага чиқди экан...»

Кеча шабнамидан семирган муздек кўча тупроғи устида Қундуз чопқиллаб, қушдек учиб борарди. Унинг жажжи оёқ излари худди ўз сояси сингари кенг кўча бўйлаб илашиб борарди. Қундуз сертупроқ кўчадан чопиб бориб ўнг томондаги қинғир, тор кўчага бурилди. У югурганича кўча бошидаги бир табақалик эшик олдига бориб уни зарб билан итаради. Эшик занжир эди. Қундуз уни тақиллата бошлади. Қиз шу қадар ҳолдан тойган эдики, нафаси сиқилиб, кўз ўнги қоронғилашди, боши гир-гир айланди. Тўрва соқол серқош, қирқ беш ёшлардаги киши чиқиб, эшик олдида йиқилиб ётган қизга кўзи тушди. Бу одам шу ҳовли эгаси Мардоннинг акаси Жаббор эди. Қўзибой эшикдан йигирма қадам чамаси нарида, ярим қулаган девор панасида бу ҳодисага ҳайрон бўлиб қараб турган эди.

Жаббор ака Қундузни танирди, энгашиб Қундуздан аҳвол сўради. Қундуз эса дармонсиз қўлини зўрға ҳаракатга келтириб нимадир деди. Жаббор ака шошилиб қизни оёққа турғизди, хавотир билан кўча томонга қарай-қарай, қизни дарвозахонага киритиб эшикни ёпиб олди.

Ҳайкалдек қотиб турган Қўзибойга бирдан жон кирди, эшик томон югурди. Эшикни итарди... занжир... Ўйга толиб эшик олдида тик туриб қолди.

Тор ҳовли. Ҳовли юзида бир тарафи қулаб тушган супа. Супа атрофида Темир, Содиқ, Бўриполвон яна Қундузга нотаъиш икки киши...

— Қочинглар, тезроқ қочинглар! Мингбошилар кел-япти,— деди энтикиб Қундуз.

Асли воқеанинг бошланиши бундай бўлган эди:

Бундан бир ойча бурун Зулфанбой билан ҳамарик бўлган деҳқонлар орасида сув устида гап қочиб, жуда катта жанжал кўтарилган эди. Ҳатто бу жанжалга бойнинг пахта заводи ишчилари ҳам аралашиб кетган эди. Ана шу жанжалнинг бошлиқларидан бири Темир, деҳқон Жаббор ака, Содиқжон ва бошқалар подшо учун хавфли одамлар сифатида сиёсий айб билан уезд ҳокими томонидан қамоққа олинган эдилар. Бу «сиёсий жиноятчилар»дан сир ўғирлаш мақсадида ҳоким Бўриполвон деган ифвогарни қамоққа олади ва жосуслик топшириғи билан бой уни Темирлар ётган қамоқ камерасига киритиб қўйган эди. Кўп ўтмай бу сиёсий «жиноятчилар» бир рус революционерининг ёрдами билан турмадан қочирилади. Шу «қочоқлар» ўртасида ифвогар Бўриполвон ҳам бор эди. Лекин у турмадан чиқиши билан дарҳол Зулфанбойга хабар қилди. Бой мингбошини, мингбоши бса уезд ҳокимини хабардор қилади. Ўз навбатида бу хабар бой хонадонига хотин-қизлар қулоғига етади. Бу воқеадан хабар топган бой хизматкори — бизнинг Қундуз чаён чаққандек типирчилаб қолади ва пайт топиб Жаббор аканикига югуради. Бўриполвоннинг сотқинлигини Темирларга айтиб, мингбошилар келиб қолмасдан тезликда ўзларини панага олишларини айтади, халқ ҳимоячилари Темир, Жаббор, Содиқжонлар тақдири учун куйиб ёнади.

Қундуз Бўриполвонни фош қилади. Сиёсий қочоқлар жосус Бўриполвонни ўша замонок суна ёнида бўғиб ўлдирадилар.

«Меҳнаткашлар иттифоқи» томонидан ҳозирланиб, Жаббор ака тахмонининг девори орасига беркитиб қўйилган милтиқлар «сиёсий қочоқлар»нинг ёмон кунига ярайди. Темирлар қуролланадилар, бойнинг яқин-орадаги чакалакзорига кириб ғойиб бўладилар.

Ёш бўлса-да, катталардек андишага бориб, эшик олдида туриб қолган Қўзибой аввал занжирни босим қоқди. Ҳеч ким чиқавермагач, жаҳли чиқиб, эшикни қаттиқроқ тақиллата бошлади. Лекин бу вақт ҳовли ичкарасида одам насли қолмаган эди. Ҳатто Қундузнинг ўзи ҳам «чўри қиз» эканлигини унутиб, «сиёсий қочоқлар» билан чакалакзор ичига кириб ғойиб бўлган эди.

Бу воқеалардан хабарсиз бўлган Қўзибой ичкаридан ҳеч ким овоз бермагач, дарғазаб бўлди, тармаша-тармаша томга чиқди. Сўнг ҳовлига тушиб уй, ошхона ичларини

қаради; на синглиси Қундузни кўрди, на Жаббор акани! Бу ажойиб ҳодиса Қўзибойни гангитиб қўйди. Шунинг учун ҳам Қўзибой мингбоши бошлиқ полициялар Жаббор ака ҳовлисини қуршаб олганларидан хабарсиз эди...

Чакалакзор томонга милтиқ отилди.

— Ушла, ушла!— деган ола-говур товушлар эшитила бошлади. Қўзибой ирғиб яна томга чиқди, чакалакзорни кузата бошлади. Бир вақт қулоғи тагидан бир нарса «ғиз» этиб ўтиб кетгандек бўлди. Бу палапартиш отилаётган милтиқ ўқи эди. Қўзибой ола-говур товушлар эшитилаётган томонга югурмоқчи бўлиб турганда, бир полиция чакалакзордан бир одамни қувлаб чиқиб қолди. Қарасаки, полиция олдига тушиб қочиб келаётган одам синглиси Қундузни ҳовлига олиб кириб гойиб бўлган Жаббор ака экан...

— Эй... Жаббор билан синглим чакалакзорга ўтган экан... Полиция бундан хабар топган... Қундуз қўлга тушган, анави қаззаб қочиб қолган... Айби бўлмаса Жаббор нима учун қочади-ю, полиция нима учун қувлайди,— деб ўйлади Қўзибой.

Полиция олдида қочиб бораётган Жаббор ака ўзини ўнг томондаги жарликка ташлаб қутулиб кетади. Шу вақтда боғ майдонида жулдур кийимли, қўлларида кетмон, ўроқ, калтак, болта кўтарган ўн-ўн беш чоғли одам пайдо бўлади. Улардан бири гоҳ олға, гоҳ орқага югуриб:

— Оғайнилар! Қўрқманглар!.. Бойдан, мингбошидан, оқ подшодан зулм кўрган бўлсанг келавер! Бойни ур, мингбошини ўлдир!— деб бақирарди.

Жаббор акани қувлаб, уни тутолмаган полиция ўзини оломондан панага олиб том орқасидаги ариққа тушиб пиеди. Полиция майдондан чопишиб ўтаётган оломонга ўқ уза бошлади. У уч марта ўқ узган эди, жулдур чопонли кишилардан иккитаси йиқилиб, майдонда думалаб қолди...

Ҳозирча бу манзаранинг томошабини бўлиб турган Қўзибойнинг кўзи ярқ этиб очилиб кетди.

— Қўйга бўри дориди,— кўнглидан ўтказди Қўзибой.

Полиция ариқ ичига биқиниб олиб ҳамон оломонга ўқ узаётган эди.

Қўзибойнинг қўли ихтиёрсиз қўнжидаги пичоққа узатилди. У пичоқ дастасини маҳкам сиқиб, тиғига бир қараб олди-да, ариқ ичида биқиниб милтиқ ўқлаётган

полицияга энгашиб қаради. Полиция милтиғини оломонга тугрилаган эди. Қўзибой томдан туриб ўзини унинг устига ташлади ва белига миниб олиб эшакка хала суққандек зарб билан чап биқинига пичоқ ура бошлади. Пичоқ учн полициянинг юрагига санчилган бўлса керак, у ҳатто ортиқча қаршилик кўрсатмади, қандай ётиб милтиқ отаётган бўлса, шу ҳолича мукка тушиб ер тишлиб қола қолди.

Бу вақт бог, майдон, Жаббор аканинг ҳовлиси, кўча — ҳаммаёқ оломонга тўлиб-тошиб кетган эди. Одамлар полициячиларни уриб ўлдираб, бозор боши томонга отсуриб кетардилар. Қўзибой полиция жасади ёнида туриб майдондаги ҳаракатни кузатиб ўйланарди. Ер-кўк одамга лик-лик. Аёл, эркак, ёш-қари — ҳамма дарғазаб... Улар оёқлари остида ўлиб ётган мурдаларни четлаб ўтиб, ҳатто очликдан йиқилиб ётган кишиларга қарамасдан олга қараб югуришардилар. Кишиларнинг важоҳатидан қасос ўти гуриллаб ёнаётгандек кўринади. Одамлар оқими минут сайин кўпайиб, кўпириб мингбоши, ҳоким маҳкамаси томон селдек босиб борарди.

Қўзибойнинг кўзига ертўлада ўлим билан олишиб ётган дадаси, хўжайини боғидан қўрқа-писа Жаббор амакиникига чопиб гойиб бўлган синглиси кўриниб кетди. У худди туш кўриб босниқираб уйғонган одамдек қарахт эди.

— Булар нима учун ўлимдан қўрқмайдилар?— деб жанг майдонида ётган жонсиз таналарга қаради Қўзибой. У бир зум ўйланиб турди-да, гўё ҳушёр тортган кишидек ён-верига қараб қўлидаги пичоғига, ундаги ҳали қотмаган қонга тикилиб қолди. Шундан кейин Қўзибой ўзича бир қарорга келгандек чаққон ҳаракат қилиб, пичоғини қўнжига тикди-да, полиция мурдасини бир тепиб ағдариб ташлади. Унинг тагида қолган милтиқни тортиб олди.

— Бу ўлаётган камбағалларнинг дадамдан қаерлари кам!— деб бақирди Қўзибой ўзидан-ўзи... Кейин у, милтиқни биров тортиб олаётгандек, маҳкам ушлаб оломон томонга югуриб кетди.

ҚУШЧИНОР

Ўришбой ота билан эскидан қадрдонмиз. Ота республикамизда биринчи бўлиб колхоз тузганлардан. Бир колхозда узлуксиз ўттиз беш йил раислик қилиш ҳазилакам гап эмас.

Ўришбой ота пенсияга чикибдилар деб эшитганимга анча вақт бўлиб қолганди. Бирров бориб, муборак бўлсин қилиб келаман десам, сира қўлим тегмасди. Бугун поездга чиқаман деб аҳд қилдим. Бир вақт кўрибсизки, райондаман. Юрган дарё, утирган бўйра, деб боболар шуни айтар эканлар-да.

Поезддан тушдим. Такси эгарланган аргумоқдек гижинглаб турибди. Лип этиб чиқдим, утирдим.

— Саломалайкум.

— Салом. Қаёққа?— сўради шофёр.

— Ўришвой отаникига.

— Хўп бўлади,— деди чаққонлик билан машина педалини босиб шофёр.

Кафтдек теп-текис кенг асфальт куча. «Волга» гўё ерда эмас, ҳавода учаётгандек беозор, кишининг жони ҳузур қилади...

Мен ўз ёшлигимни шу ерларда ўйнаб ўтказганман. Болалар билан ҳар кун и эрталаб сигирларимизни ҳайдаб, подага қўшардик. Яна кечга томон пода қайтишини кутиш баҳонасида, кўчани бошимизга кўтариб «чиллак», «тутди-минди», ошнқ, ёнғоқ ўйнаб, варрак учиршардик. Ёз пайтларида бу кўчаларда тупроқ қутуриб тиззага урарди. Қиш азобини асло сўраманг. Аравалар лойга ботиб ётарди. Жонивор отлар аравани тортолмай баджаҳл эгаларидан ноҳақ қамчи еганларини кўп кўрганман. Раҳмдил аравакашлар ҳам бўларди. Улар тўнларини белларига бар уриб, тиззаларига лойга ботиб, гилдирак гупчагига елкаларини қўйиб «ҳа, бўйингдан,

ҳа десанг-чи, жонивор!» деб ҳайқиришади. От жонивор туёқларини ерга тираб, бели букчайиб олға интилар, лойга ботиб қолган ғилдиракни жойидан қўзғатолмасди. Жонивор от қалт-қалт титраб, оғир-оғир нафас олар, лъзойи баданидан тер ёғилиб, гавдасидан ҳаммом ҳовридек буғ кўтариларди.

Қаранг, вақт ўтиши билан бу ерларда ҳамма нарса ўзгариб кетибди. Бу кўчаларда ог-арава сийрак кўринади. Юк машиналари, самосваллар ғиз-ғиз ўтиб турибди. Мен болалик вақтда кўрган қинғир-қийшиқ тор кўчалар барҳам топиб, янги тўғри кўчалар пайдо бўлибди. Авваллари биронта хонадонда деразали уй, тунукали том бўлмасди. Қаранг, бир-бирига туташ янги участкалар, боғ-роғлар. Мен кўрган эски қишлоқдан асар ҳам қолмабди.

— Ўришбой отамни ҳовлиларидан топармикинсиз?— сўради шофёр.

— Уйда бўлмай қаерда бўладилар?

— Ота кўп вақтларини «Қўшчинор»да ўтказсалар керак. «Қўшчинор» орқали ўтақолайлик. У ер жуда хушманзара, дилнигизини, очадиган баҳаво жой. Сўраганини айби йўқ, ўзлари Тошкентданми?

— Ҳа.

— Тошкентингиз хўбам обод бўлибди-да, мулла ака. Бизнинг «Қўшчинор» ҳам чакана эмас. Мана кўрарсиз, как Қисловодск деса бўлади...

«Қўшчинор»га бориб етдик. Шофёр мақтанганича бор экан. Бу ерларда урушдан олдин бир марта бўлгандим. Қиёқзор, паст-баланд бебаҳра ётган ер эди... Ҳашаматли клуб, ёзги кино-театр қад кўтарибди. Атроф мевазор. Сўрига кўтарилган тоқлар чунон ҳосил қилибдики...

Мен таксидан тушганимда сафга тизилган пионерлар дўмбирага оёқ ташлаб, ер тепиниб турарди. Қизил галстук таққан дўмбоқ бир қиз уларга команда бермоқда: бир, икки, уч...

Кўринишидан, бирон тантана борга ўхшарди. Ана Ўришбой ота, аёл-эркак ва бир неча ўспирин қуршовида ниманидир гапириб, ёшларни кулдирмоқда. Жуда ҳам қувноқ, болафёъл одам-да. Отанинг ёши ҳам олтмиш бешдан ошиб қолган. Партия стажи Октябрь инқилоби билан тенг. Серфайз, камтар одам. Бугдой ранг юзига оппоқ соқоли нур тўкиб турибди. Бошида аввалгидек янги чуст дўппи. Сарғиш трико костюм устидан енгил

қора тўн кийиб олган. Оёғида ҳар қачонгидек хиром этик...

Суҳбатларига халал бермай деб ўзимни панага олдим. Ўришбой ота ёшларни бошлаб чиройли пештоқли янги клуб томон юра бошлади. Кўксига юлдузча тақиб олган икки жажжи қизча клуб эшиги олдида узун қизил лента тутиб турарди. Бир кичкина бола Ўришбой отага қайчи узатди. Ота лентани қирқди, қарсақлар бошланди. Ҳамма ичкарига кирди. Мен бу ажойиб ёшлик тўлқинидан четда қолгим келмади. Ичкари кириб панароқ ерда туриб олдим. Шифт ва деворларга шундай нақш берилганки, кўриб кўз тўймайди. Саҳнанинг икки томонида Карл Маркс, Владимир Ильич Ленин портретлари. Вазаларда гуллар. Клуб бирпасда одамга лиқлиқ тўлди. Ота икки қиз, беш йигит билан саҳнага чиқиб, президиумдан жой олди.

Кук костюм кийиб олган, қарчигаидек чаққон, йнгирма ёшлар чамасидаги йигит столга икки қўлини тираб: «Ўртоқлар!»— деди. Унинг қўнғироқдек товуши залдаги говур-гувурни шу онда жим қилди. У салмоқлаб:

— Сўз, колхозимизнинг фахрий раиси, ордени Ўришбой отамларга!— деди.

Залда бир қарсақ кўтарилди-ю, Ўришбой ота минбарга чиқиши билан яна бирдан жимлик чўкди.

— Умрларингдан барака тонкур, болаларим! Менинг гапим қисқа бўлади. Тунов кун гапдан-гап чиқиб колхоз комсорги,— ота кук костюм кийган ҳалиги йигитга ишора қилди,— Ёдгорвойга бир вақтлар бўдиб ўтган воқеани айтиб берган эдим, қолдим балога. Клуб очилиши маросимида мен ёшларни йнғай, сиз ўша воқеани айтиб беринг, деб ҳол-жонимга қўймади.

...Қатта Фарғона капали қурилишида мен Ёдгорвойнинг отаси билан бирга қатнашгандим. Иттифоқо, бир кун Ўзбекистон жумҳуриятимизнинг тўнгич президенти — марҳум Йўлдошвой ака Охунбобоев мени учратиб қолиб: «Ўришбой, юринг, мен сизни бир ўйнатиб келай» деб, машиналарига таклиф қилдилар. Мен отанинг гапларини икки қилмай, машиналарига чиқдим. У киши: «Қўшчинор»да бўлганмисиз?»— деб сўрадилар. Мен «йўқ» деб жавоб қилдим. «Қўшчинор»га келдик, тушамиз», — дедилар. Машинадан тушдик. Дарҳақиқат соя-салқин, ажойиб шинам жой экан. Йўлдош акани

кўриб чойхонадаги одамлар дув оёққа кўтарилди. Ота булса: «Ўтиринглар, сира сизларнинг шу одатларинг қолмади, қолмади-да» деб одамлар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар-да, сўнг чойхоначига мурожаат қилдилар:—Ҳо, бирда келиб кетганимга неча йил бўлди.

Самоварчи шошмасдан, қошини пир-пир учириб:

— Ота, оббоҳолам қовун пишини эди шекилли. Ҳа, ҳа, эсимда, худди мана шу каравотда ўтириб умрбоқи қовун сўйганингиз эсимда. Қаранг, ана-мана дегунча икки йил ўтиб кетибди-я,— деб ёқасини ушлаганди, Йўлдош ака яна савол бердилар:

— Ўша вақтда район ижроқўмингизнинг раиси ким эди?

Чойхонадаги одамлар, жумҳурият оқсоқоли оддий самоварчи билан қилаётган суҳбатини жон-қулоқ билан қизиқиб эшитардилар. Самоварчи узоқ ўйланди, боши қотди, хижолатдан терга тушиб аниқ бир жавоб қилолмади. Шунда Йўлдошвой ака деди:

— Уч йил район ҳукумати бошлиғи бўлиб, бундан икки йил бурун ишдан ҳайдалган киши кимлигини наҳотки хотирлай олмасангиз?

— Эслолмаяпман, ота,— деди узр сўраб самоварчи,— афв этасиз, у кишига сира ишим тушмаган экан...

— Топган баҳонангизни қаранг-а,— деди енгил кулиб Йўлдош ака.— Хўп, майли, ижроқўм раиси кимлигини билмас экансиз, балким манави дарахтлар неча ёшга кирганини биларсиз? — Қўшчинорни кўрсатди ота.

Самоварчига жон киргандек бўлди, у юз-кўзларидаги терларини рўмолига арта-арта чинор томон юриб борди-да, мана бу чинор юз бир йилнинг юзини кўрган, мана буниси, юз йилнинг юзини кўрган, деди.

— Бу чинорларнинг бунча ёшга кирганини сиз қаёқдан била қолдингиз?— мулойим жилмайди Йўлдошвой ака.

— Қаёқдан дейсизми?— бир оз ўйлаб тургач, сўнг дадил жавоб берди:— Бунн фақат мен эмас, ҳамма билади. Мана шу чойхонада ўтирганларнинг ҳаммаси билади. Биласизми, ота.— экскурсовод сингари тушунтира бошлади самоварчи,— бу чинорларни Мухторхон номли бир косиб ўтқазган эди.

— Ана бу ҳикматни қаранглар,— деди чойхўрларга юз ўгириб Йўлдош ака. Биз билан ҳамаср бўлмаган, бундан қарийб юз йил муқаддам дунёдан ўтган косиб Мухторхоннинг номи авлодлардан авлодларга ўтиб, бизга етиб келибди-ю, атиги бундан икки йил бурун районингизга ҳукумат бошлиғи бўлган бир одамнинг номи биронтангизнинг хотирингизда қолмабди! Ажабо, бу иккала одамнинг бирдан-бирини ажратиб турган фазилат нима бўлса экан?— деган эди, самоварчи:— У одам амалга мағрур бўлибди-ю, келажagini уйламабди, униси бўлса иккита чинор ўтқазиб ўзидан ёдгор қолдирибди,— деб дошшмандларча хулоса чиқарганда ҳам-ма мамнун бўлган эди.

Қанал битди, қишлоққа қайтдик. Йўлдошвой ака билан бўлиб ўтган ўша воқеани бир йиғилишда гапириб бердим. Эртаси эшитсам, комсоргларинг — Ёдгорвойнинг дадаси Азимжон ака иккита чинор ниҳол ўтқазибди, деган гап эшитиб қолдим. Шу сабаб бўлди-ю биз бир қанча ёшлар билан бирга мана шу экин зоти битмаган ерга сув чиқариб, обод қилишга отландик. Қапа, чайла тикиб кўчиб келдик. Ўшандан бери бу ер «Қўшчинор» қишлоғи дейиладиган бўлди. Мана ҳозир, қишлоқ дейишга тил бормайди. Бу жойнинг шаҳардан қаери кам? Бир эмас, икки мактаби бор. Соя-салқин боғи, ошхонаси, кино-театри, кутубхонаси, шифохонаси, электростанцияси, гулзори қайси шаҳариникидан қолишади. Ҳозир ҳаммамизнинг уйимизда радио, телевизор бор. Кўчиб келган пайтимизда керосин лампа ҳам етишмасди. Чинор ёнидаги чойхонада ана шу Ёдгорвойнинг дадаси керосин лампа ёқарди. Бунга роса ўттиз беш йил бўлди. Бугун мен беҳад хурсандман. Колхозимизнинг азамат комсомол-ёшларидан тузилган бинокорлик бригадаси шундай катта, ёруғ ва чиройли клубни қуриб битказишди. Қишлоғимиз жамоли янада кўркам бўлди. Яхши одам ана шунақа иш қилади, ерни безайди, обод қилади. Ёдгорвойнинг дадаси чинор ўтказиб ном қолдирган бўлса, сиз — азаматлар қурилишлар билан донг чиқаряпсизлар. Раҳмат сизга, азамат ўғил-қизларим!— дея Ўришвой ота гапини тамомлади. Колхоз комсорғи Ёдгор яна бир хушхабарин айтди:

— Бригадамизга яна бир шарафли иш топширилди. Янги ўқув йилигича икки қаватли ўрта мактаб қуриб



Белорус китобхонлари орасида

битказмоқчимиз. Мана,— деди Ёдгор бир варақ қоғозни кўрсатиб.— Бюро қарори. Бу мактабга «Ўзбекистон комсомоли қирқ ёшда» номини бермоқчимиз.

Мен Ўришбой отани клуб эшиги олдида кутиб олдим. Ота мени кўриши биланоқ таниди: кенг қучоғини очиб, мени бағрига олар экан:— Баҳор ўтади, куз ўтади, кўзимиз йўлингизда... Қайси шамол учирди?— деган гаплар билан мени раис, Ёдгор Азимов ва бошқа ёшлар билан таништира бошлади.

ТУҶСОНБОЙ ОТАНИНГ МАТАЛЛАРИ

«ТуҶсон ота» богида ҳар куни болалар гавжум. Шу кунларда болалар сайилгоҳига айланиб қолган бу бог бундан олти-етти йил бурун шўразор ташландиқ ер эди. Уша йили колхоз бу ташландиқ ернинг бир қисмига етти йиллик мактаб биноси қурди-ю, атрофи шўразор ҳолича қолаверди.

ТуҶсонбой отанинг уч қиз эвараси, олти невараси шу мактабда ўқийди. Ота кечки сменада ўқиётган эвараларини олиб қайтиш учун мактабнинг пештоқи олдига келиб кутиб ўтирар, ўқишдан озод бўлган болаларга эртак айтиб бериб, уларни хурсанд қилиб уйига қайтарди.

ТуҶсонбой отанинг ўзи ҳам баччафеъл одам-да. Сўзлари мулойим, ўзи ёқимтой. Нақ минг йиллик гапларни ҳикоя қилишга устаси фаранг чол, чўпчак ва афанди айтишга тўн кийгизар эди. Шунинг учун ҳам болалар ТуҶсонбой отани кўрган ҳамон: «Жон бобо, афанди айтиб беринг»,— деб чолнинг ҳол-жонига қўймасдилар.

Шундай кунларнинг бирида ТуҶсонбой ота: «Мактаб атрофини обод қилсак, шўразорни боққа айлантирсак, қалай бўлар экан, болаларим»,— деб ўқувчи ёшларга маслаҳат солди. Болалар бўлса: «Агар сиз чўпчак, афанди айтиб бераверсангиз, бизлар ҳам сизнинг айганингизни қилаверамиз»,— деб жавоб қилдилар.

— Шу лафзларингдан қайтмайсизларми?— қувончдан кўзлари жавдираб болаларга мурожаат қилди бобо.

— Қомсомол сўзимиз!

— Пионер сўзимиз!— дея чугурлашиб жавоб қилишди ўқувчи ёшлар.

— Ундай бўлса, болаларим,— деб гап бошлади бобо,— эрта-мерта мактабга йўл олганларингизда, ҳар қайсиларингиз ўзларингиз боп жажжи куракми, кетмонми ола келсаларингиз. Ўқишларинг тамом бўлиши билан мактаб ёнидаги сайҳон ерга тўпланишсак. Тушликни

ўша ерда бамаслаҳат қилиб иш бошласак, қалай бўлади?

— Соз бўлади. Ўқишдан сўнг белқурак, кетмон билан қурулланиб айтган ерингизда ҳозир бўламиз,— деб жавоб қилишди ёшлар.

Тўқсонбой отанинг ўша куни ётиб уйқуси келмади. У яратажак боғини кўз олдига келтирар, ўзинча режа тузар, ўтқазадиган ниҳолларини хиллаб кўрар... «киройи боғ яратганга яраша кўзим юмилгандан сўнг мени эслаб юрадиган бўлсинларда!»— деган ўй-хаёллар билан тонг оттирган эди.

Бобо ўша куни барвақт туриб қўл-бетини ювди. Қампирни тайёрлаган нонуштани эваралари билан бирга баҳам кўриб, сўнг уларни қаватига олиб бор учун мўлжалланган сайҳон томон йўл олди.

Бобо эвараларини мактабга киритиб ўзи сайҳон томон ўтди. Болалар кучи билан бажариладиган юмушларни мўлжаллаб кўрди. Ишларни болалар ёшига қараб чамалаб чиққан бўлди... Бобо ёлғиз мактаб ёнидаги сайҳон ерни эмас, бутун Ўзбекистон тўғрисида, ободонлик кутиб ётган ерлар тўғрисида, шовқин-суронли заводда ишлаётган ишчилар тўғрисида, жазирама офтобда жизғанақ бўлиб моддий бойлик яратаётган колхозчиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун соя-салқин роҳат боғларни кўплаб барпо қилиш тўғрисида ўйлаб кетди... яна шу нарсани ҳам ўйлаб хаёл дарёсига чўмиб кетдики, боғ-роғ яратиш ёлғиз давлат иши бўлмасдан, жамоатчилик иши ҳам эканига кўзи етди.

Ҳар бир колхоз ва совхозда, қишлоқ ва мактабларда қариялар бор. Улар бош-қош бўлсалар дарахт ўтқазиб кукартириш шу қадар оғир юмуш бўлибтими? Чинор, қайрағоч, мирзатерак қандай кўркам дарахт! Менга қолса ҳар бир районнинг ўзида «терақзори», «қайрағочзори», «чинорзори» бўлса, меҳнатни дўндириб дам олишга чапқоқ ишчи, колхозчи, зиёли, кекса ва ёшлар кўнгилларини тусаган «терақзорга», «қайрағочзор» ёки «чинорзорга» бориб маза қилиб ҳордиқ чиқазишсалар — «меҳнат туби роҳат» деган сўзини бир маъноси шу эмасмикин?..

Қўлидан келса-ю, кўз юмиб очгунча Тўқсонбой отам Ўзбекистонни боғ-роғга айлантириб қўйса.

Орзу — яхши гап. Орзусиз яшаш, маъносиз ҳаёт ёки ҳайвоний кун кечириш демакдир.

Бобонинг ўй-хаёли тугамаёқ ёшлар белкурак ва кетмон билан сурон кутаришиб етиб келишдилар.

— Ассалому алайкум, бобожон!

— Ваалайкум ассалом, болаларим.

— Қани, ишни кўрсатинг бизга!

— Ҳозир... ҳозир.. қани бери келинглар, маслаҳатлашиб олайлик-чи. Ишни мана, нимадан бошлаймиз... Қолхозда ҳам звено, бригада деган гап бор. Бу ерда балки бригаданинг ҳожати йўқдир... Ўйлаб кўринглар балки керакдир. Агар ишонч билдирсаларингиз бригадирликни менга топширсаларинг ҳам бўлаверади. Звенолар ўзларингиздан ташкил қилинса... Ҳар бир звенода ун бола бўлса кифоя қилар. Қиз-ўғил болалар аралаш звено тузасизларми, ихтиёрларингиз. Звенога бирикиш, звено сайлаш ҳам ихтиёрларинг. Шунга нима дейсизлар?

— Биз қизлар, алоҳида звено тузамиз,— деб таклиф киритди тўққизинчи синф аълочиси Адолатхон.

— Шу ерда ҳам айирмачилик қияпти,— деб минғирлади Турғун.

— Айирмачилик эмас. Биз қизлар бир звено бўлиб ўғил болаларни мусобақага чақирамиз,— деб жавоб қилди комсомол қиз Адолатхон.

— Бўпти. «Дод» демасаларинг бўлгани,— деб жавоб қайтарди Турғун.

— Кўрамиз, ким «дод» дер экан?— дея чувиллашиб жавоб қилишди қизлар.

Тўқсонбой ота бошлаган иш шу йўсинда амалга оша кетди.

Ер текислаб, ниҳол ўтқазинишда ҳам қизлар звеноси биринчиликни олди. Тўқсонбой ота ўзи ўстирган хилма-хил мева ниҳолларидан шафтоли, ўрик, олма, гилос, олхўри, нок, нашвати, кўксултон, қизил султон, беҳи, шотут, марварид тут, анорларни қизлар участкасига ўтқаздирди. Давлат кўчат боғидан келтирилган кўчатларни ўғил болалар звеноларининг участкаларига ўз қўллари билан ўтқаздирди. Ҳар бир участкадаги дарахт учун жавобгар кишилар тайин қилинди. Ниҳоллар тарбияси учун жавобгар шахслар тайинланганди.

Одамнинг қўли гул, деганларича бор-да. Баҳорда, биринчи бўлиб шафтоли гуллаганда болаларнинг қувонишларини кўрсатингиз эди. Болалар боққа борадиган бўлсалар:

— Эркин, юр, Тўқсонбой отанинг богига борамиз дейишарди. Тўқсонбой ота тиниб-тинчимас одам. Уни бекорчи учратиш жуда қийин эди. Бог иши битди дегунча, болаларни атрофига тўплаб гоҳ ҳикоя, гоҳ афанди, гоҳ саргузашт айтиб уларни хурсанд қилгани қилган. Болаларнинг биронтаси ножўя ҳаракат қилиб қўйгудек бўлса, дарҳол Тўқсонбой отанинг қулоғига бориб етарди. Ота бўлса шу ножўя воқеага мослаб ҳикоя тўқиб, болаларга талқин қилиб берарди. Шундай ҳолларнинг бирида ҳикоя тинглаб ўтирган болалардан бири:

— Эй, вой, Эркин! Тўқсонбой отамнинг ҳикояларидаги бола худди Нурматга ўхшамайдими?— деб юборди.

Тўқсонбой ота бунақа фурсатдан жуда усталик билан фойдаланарди.

— Қани-қани, эшитайлик-чи, Нурмат нима иш қилиб қўйган экан?— деб болаларга мурожаат қилди.

Шунда болалар Нурматнинг кирдикорларини фош қилиб ташладилар. «Нурмат интизомсиз», «Нурмат катталарни ҳурмат қилмайди», «Нурмат девор ва эшикларга хат ёзади», «Нурмат дераза ойнасини синдиради», «Нурмат қўпол», «Нурмат қиз болаларга кун бермайди»...

Шу зайлда Нурмат ва Нурматга ўхшаш тартибсиз ўқувчилар мактабдошлари муҳокамасига тушиб, коллектив турткисини еб, одамлар сафидан чиқиб қоларди.

Тўқсонбой ота болаларни ҳар кун ишда ишлатар эди. Ишларининг сифатини текшириб, топшириқни яхши бажарганларга йигилишда раҳмат айтарди:

— Баракалла, Озодахон қизим. Ҳар бир ишни сидқидил билан қилсанг ўзинг ҳам хурсанд бўласан, бошқаларни ҳам хурсанд қиласан. Илло, ҳеч ким Зокирга ўхшамасин. Қўли ишда-ю, хаёли ўйинда! Иш қилганда ишни, ўқиганда фақат ўқишни ўйлаш керак. Ҳар қайсиси ўз вақтида ярашади.

Ана шундай кунларнинг бирида, ишдан кейин одат бўйича болалар Тўқсонбой отадан афанди айтиб беришини талаб қилдилар.

Чор атрофи кўм-кўк тол билан ўралган соя-салқин ҳовуз бўйи. Скамейкалар қўйиглиқ, унда болалар қалдирғоч сингари тизилишиб олиб Тўқсонбой отанинг афандисини мароқ билан тинглашарди:

«...Афанди қўшни бўлган қишлоқда ер-суви беҳад кўп катта судхўр бой яшар эди,— деб ҳикоя бошлади

Тўқсонбой ота.— Бойнинг корандаларидан бўлмиш Дехқонбой, Эрйигит, Саттор сариқ деган йигитлар йил ўтган сари қарзлари устига қарз замлиниб, бойга арқонсиз боғланиб қолгандилар.

Бу корандаларнинг йил ўн икки ой бошлари меҳнатдан чиқмас, роҳат нима билмас, умрлари бўйдоқликда ўтиб фарзанд тирноғига зор эдилар. Афанди бу жафокаш бечораларнинг ҳолидан хабардор эди, лекин ўзиям камбағал бўлганидан уларга бирон нарсадан қайиша олмас эди. Гоҳо уларни учратиб қолгудек бўлса, ҳол-аҳвол сўраб қўя қоларди.

— Ҳа, Афанди, қалай бўлиб қалай эмас, кумуш бўлиб кумуш эмас. Икки жаҳон оворасимиз! Бутимиздан шамол ўтиб турибди, шунингга ҳам шукур,— деб қўйишарди корандалар.

Куйди-пишди Афанди уларнинг ҳолига ачиниб:

— Эй худо, шу харомтомоқ бойга шунча давлат бериб, камбағалларингни томоша қилиб ўтирибсан-а! Бир чеккаси ўзингда ҳам адолатсизлик бор-да! Наузан билло,— деб ёқасини ушлаб қўярди Афанди».

— Наузан билло дегани нима, бобо?— сўради Назокат номли пионер қиз.

Тўқсонбой ота ўйланиб турди-да, «қайдам...» деб қўйди.

— Бобом афанди айтаётганларида нега халақит берасан!— деб луқма ташлади Назокат.

Нурмат Назокатга хўмрайиб қаради. Назокат чаккасини қашиб ер остидан болаларга қараб олди. Тўқсонбой ота бир оз ўйланиб тургач, яна давом этди:

«...Афанди бой, эшон, домлалардан кулиб, баъзан уларнинг фирибига фириб ишлатар эди. Мугамбир бой амалдор эшонларнинг ўз тузоқларига ўзларини илинтириб, ўзлари қазиган чуқурларга ўзларини йиқитар эди. Кунлардан бир кун Афанди туш кўриб чўчиб уйғонди. Тушида бир нуроний чол Афандининг елкасини силаб:

— Камбағалларга ғамхўрлик қилишдан қайтма. Анави Эрйигит, Саттор сариқ, Дехқонбойларни бойнинг асоратидан озод қилишга ёрдам қил. Сен ўша бойдан уч кун муҳлатга 1000 тилло фойдага пул сўра. Пулни ол-да қаролларга улаш. Улар қарзларидан қутулиб бой қуллигидан озод бўлсинлар. Борди-ю, бой 999 тилло берса ола кўрма. Олгудек бўлсанг мохов бўласан,— деб ўзи ғойиб бўлган экан.

Афанди уйғониб, фурсатни ғанимат биллиб бой ҳузурига югурди. Кўрган тушини бойга баён қилди. Лекин қароллар тўғрисида ҳеч нарса демади. Фойдаси билан уч кунга 1000 тилло қарз бериб туришини сўради.

Бой Афандини масхара қилиб синамоқчи бўлибми:

— 1000 тиллом-ку йўғу, 500 тилло берсам... — деб кулди.

— Йўқ, — деди Афанди жиддий бир оҳангда, — ҳазрат Хизр бир кам минг тилло бўлса ҳам олма, мохов бўласан, деганлар.

— Бунча пул сизга нима учун керак бўлиб қолди? — сўради бой.

— Бу ёғини сизга айта олмайман. Омонатингизни уч кундан сўнг фойдаси билан мендан олаверинг, — жавоб қилди Афанди.

— Афандини синаш учун бой унинг кўзи олдида 999 тиллони санаб берди.

— Бунингиз қанча? — сўради Афанди.

— 999 та. Бир кам минг тилло. Бошқа беролмайман, — деди бой.

Афанди бойдан юзини ўгирди-да, орқасига қарамасдан ҳаллослаб масжидга қараб жўнади.

Бой ҳайрон бўлди. Афандининг бу ишини ўйлаб тағига етолмади. Ниҳоят, унинг орқасидан кузатиб боришга қарор берди.

Афанди тўғри бориб маҳалла масжидига кирди. У гўё бировдан ҳадиксирагандек олазарак бўлиб атрофга қаради. Сўнг секин масжид эшигини очиб ичкарига кирди-да, секингина ёпиб олди.

— Бирон бузуқ нияти бўлмаса бундай бемаҳалда, сўфисиз, домла-имомсиз масжидда Афандининг нима иши бўлсин? — кўча дарвозаси олдида туриб ўзича ўйлади бой. — Балким масжиднинг гилами, жойнамозини ўғирлаш мақсадида юргандир. Тўхта-чи, мен бу бединни гуноҳ устида тутиб олиб бир шарманд сени чиқарай, — деб масжид эшиги ёнига келиб тирқишидан мўралади бой. Қараса, Афанди домла-имом ўтирадиган меҳроб олдида тиз чўкиб юзини қиблага қилиб дермиш:

— Эй худо! Шу муттаҳам бойларингга мени муҳтож қилганингча ё жонимни ол, ёки ҳожатимни ўзинг равон қил? 1000 тилло сенинг қудратинг олдида нима деган нарса? Ўзингдан бўлак мураббим йўқ. Берсанг ҳам сендан сўрайман 1000 тилло, бермасанг ҳам... Бойдан

999 тилло олиб, мохов бўлишга тоб-тоқатим йўқ, эрка-
литимни ҳали ҳам ўзинг кўтарасан. Бойларингдан
минг тилло қарз сўраш, унинг жонига азроил минг
марта чангал солган билан баробар. Ҳа, хотиримдан
чиқаёзибди, гапнинг очиги яхши. Иқрорман. Мен сенинг
бадангман. Мени қайсар қилиб яратган ҳам ўзингсан.
Ўз қудрат қўлинг билан бир сўзлик қилиб яратган бўл-
санг мен нечун гуноҳкор бўлай! Сенга айтадиган бир
шартим десамми, йўқ, илтижом бор, борди-ю, минг мар-
ҳаматингнинг бир хазинаси очилиб, илтижом даргоҳинг-
га қабул бўладиган бўлса, албатта 1000 тилло юбора-
сан. Борди-ю, 1000 тиллодан бир мири кам бўлса ҳам
олмайман.

Бой Афандини бу аҳволда кўриб ҳайрон бўлди, у
ўйлагандек Афанди масжидга ўғирлик учун эмас, худо
билан гаплашгани кирган экан... Бой Афандини узоқ
кузатди. Афанди чалакам-чатти қуръон сураларини
ўқиб, бой умрида эшитмаган ибораларни ишлатиб ху-
дога ёлборарди. Бой кўп кутди, тилладан дарак бўла-
вермади. Шунда бой:— Бу аҳмоқ Афандини бир синаб
кўрайчи,— деб дарҳол ҳамёнидаги 999 тиллони тўйнуқ-
дан иргитиб кўрмоқчи бўлди. Эшик тирқишидан қараса,
Афанди ҳамон «худо билан» гаплашмоқда эди. У ҳар
замон бир замон «йўқ дедим, йўқ! Худо бир, расул бар-
ҳақ бўладиган бўлса, шартим шарт. Мирикам минг бўл-
са ҳам олмайман»,— дер эди.

Бой секин масжид тўйнуғи тагига бориб, ерда тур-
ган нарвонни тиклаб тўйнуқка қўйди. Ўзи нарвонга чи-
қиб, меҳробни мўлжаллаб тилло солинган ҳамёни
иргитди. Ҳамён «тарақ» этиб меҳроб деворига урилиб,
Афандининг бошига келиб тушди. Афанди бир оз ган-
гиб, сўнгра, секин ҳамёнга қўл узатиб кўтарди. Ҳамён
қўргошиндек оғир.

— Ё қудратингдан ўргулай худойим,— дер эди ор-
қа-ўнгига қараб Афанди.

Афандида рўй бераётган ҳолатни нарвон устида ку-
затиб турган бойнинг юраги худди обжувознинг кели-
сидек «дук-дук» урарди.

Афанди ҳамённинг оғзини очиб, қўлини суқди ва бир
чангал тиллони ҳовучлаб кўзига яқин келтириб қаради.
Қаради-ю, кўзларига ишонмади. Чиндан ҳам тилло-
ми-а?— деб шивирлади. Чангалидаги тиллони дон совур-
гандек меҳроб олдига сочди. Тиллалар бир-бирига тегиб

жаранг-журунг қилиб оппоқ жойнамоz устига тўкилди. Афанди оч аридек тиллаларга ташланди ва териб ҳамёнига сола бошлади.

Туйнукдан уни кузатиб турган бойнинг юрагига ваҳима туша бошлади.

— Борди-ю Афанди тиллаи санашни унутиб жўнаб қолса, мен нима қилишим керак бўлади?— деб ўйларди бой.

Афанди бир нарсадан хавотир олгандек эшик томон борган эди, бой шошилиб нарвондан тушиб Афандининг чиқишини пойлаб турди: Афанди масжиддан ташқарига чиқавермагач, бой жонсарак бўлиб яна нарвонга чиқиб ғоз сингари бўйнини чўза-чўза ичкарига қарай бошладди. У Афандининг авзойида қандайдир бир ташвиш кўрди. Афанди ичкарида туриб олиб масжид шипи, туйнуқларига назар ташлар, кимнидир қидирибми, ёки кимдандир хавотир қилаётгандек кўринарди.

— Балки у ташқари чиқмоқчидир, юраги дов бермаётгандир? Ундай бўлса нима учун очиқ турган масжид эшигини ичидан занжирлаб олди?— деб ўйларди бой.

Афанди худди биров тортиб олаётгандек ҳамёнини қўйнига беркитиб, қочишга тайёрланган ҳолда эшик олдида турар эди. Бу аҳвол бойнинг ташвишини баттарроқ оширди. У ўз жонини Афандининг чангалида ҳис қилар, аъзойи баданини қора тер босди, секундлар ўтган сари ўзини лоҳас сеза бошлади. Гўё Афанди бир мушугу, бой бир сичқон...

Мушук одатда қўлга туширган ови — сичқонни дарҳол ўлдирмайди. Шодлигидан кўзлари чақнаб ёнади, сичқонни панжаларида копток қилиб ўйнайди, тўп қилиб ҳавога отади, илиб олиб авайлаб ерга қўяди, соққа қилиб думалатади, қуёндек чоптириб завқланади.

Бой ҳам ана шу мушук қўлига тушган сичқондек эди: на Афандига бир оғиз сўз айтишга журъат қила олар ва на нарвондан туша оларди: Афандига ипсиз боғланиб қолган эди.

Афанди ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келган бўлса керак, яна меҳроб олдига қайтиб борди ва чўкка тушиб ўтирди. У энди меҳробга юзи билан қараб эмас, балким орқасини ўгириб ўтирар эди. Афанди ҳамёндаги тиллаларни этаги барига ағдариб, битта-битта санаб яна ҳамёнига сола бошлади, «бир, икки, уч...»

Мол аччиги, жон аччиги дегандек нарвон устида жонсарак бўлиб ғуножин азобини тортаётган бой:

— Хайрият, санаяпти, Афанди бир сўзлик одам экан,— деди.

Афанди этаги баридаги тиллаларни бир-бир санаб ҳамёнга солиб бўлгач, ўрнидан туриб, меҳроб ва тева-рак атрофни тимирскилаб қарар экан: «Мен 1000 тилло сўраган эдим-ку,— деб юборди. Энди бойнинг аҳволини кўрсангиз! У нарвон устида туриб:

— Эй худо, мен бечоранинг шарманда қилма! Афанди мирикам 1000 бўлса ҳам олмайман, дегани ўзингга аён,— деди.

Афанди қидира-қидира бир тиллани тополмагач, ҳамёни белбогига маҳкам қилиб тугди-да:

— Ношукурлик шайтоннинг иши, Афанди, шукур қил! Ҳазор, ҳазор шукур. 999 тиллони беришга қодир ағам бирини ҳам бериб қолар,— деди.»

— Қойил. Афанди яшасин.

— Афанди бойга алданиб бўпти!

— Бойнинг уйи куйди!— деб чувиллашди болалар.

Тўқсонбой ота ўрнидан туриб хайрлашмоқчи эди, болалар отани ўраб олишди:

— Ҳеч ёққа қўймаймиз, афанди айтиб берасиз!— дейишдилар. Тўқсонбой ота: «Болаларим, афандим одош бўлди,— деса, улар: «Ўҳў... Тўқсонбой отамнинг афандилари бир ой айтсалар ҳам одош бўлмайди», дея отани ҳол-жонига қўймадилар. Болалардан бири:

— Тўқсонбой ота! Бой нарвон устида, Афанди масжид ичида қолавердимиз?— деб сўраган эди.

— Эҳа, ҳали бу ёғини эшитинглар,— деб мийиғида кулди ота.

— Хўп бўлади,— дейишди болалар.

— Энг қизиғини айтиб бермасангиз кетказмаймиз,— болалар ёлвора бошлашди.

— Ҳали ҳам кетмайсизлар. Иш бор. Қизиғи кўп...

Қизиғини эшитмоқчи бўлсаларингиз... Адолатхон, қизим!

— Лаббай, отажон.

— Шу ердамисан?

— Ҳа.

— Раҳмат сизларга, болаларим... Сизлар барпо қилган бу боғга назар ташлаб бир китобий нақл эсимга тушиб кетди. Октябрь инқилобининг учинчи йили —

1920 йиллар эди. Ёши ўтиб қолган менга ўхшаганлар учун шўролар ҳукумати савод чиқарадиган курслар очиб, катта ёшдаги одамларни ўқита бошлади. У пайтларда қоғоз-қалам, китоб йўқ ҳисоб эди. Катта ўғлим Муроджон сизларга ўхшаб янги мактабга кириб ўқий бошлади; унга домласи «Совға» деган китоб берганди. Шу китобдаги бир ҳикоятни ўғлим Муроджон ўқиб бергани эсимда. Менга ўхшаган бир чолнинг ўрик ниҳоли ўтқазаётгани китобга сурати солинган. Сизларга ўхшаш ёш болалар чолни ўраб олиб савол ёғдиришарди:

— Бобо, ҳорманг.

— Бор бўлинглар, болаларим.

— Нима қилаяпсиз?

— Ўрик ниҳоли ўтқазяпман, чироқларим.

— Бобожон,— деб савол беради Турғунбойга ўхшаган сўзамол бир бола,— ўзингиз қариб қопсиз. Қачон ўрик вояга етиб ҳосилга киради-ю, қачон сиз ўригини ейсиз?..

Шунда чол мийиғида кулиб жавоб беради:

— Буталоғим! Тўғри айтдинг, қариб қолдим. Қун ўтган сайин мункайиб боряпман. Ноумид шайтон, болам. Умр кўрсам, нишоолло, олд мевасига оғзим тегар, тегмаса ҳечқиси йўқ. Мен бу ўрикни ўзим учун экаётганим йўқ. Мен дунёдан ўтсам, сизлар бор-ку! Сизларга ўхшаш қора кўзлар бор-ку!— деб жавоб қилган экан.

Шунга ўхшаб уч-тўрт йил ўтар-ўтмай сизлар барпо қилган бу боғда ҳам мева дарахтларингизнинг олди гулга киради. Шўра босиб ётган ер меҳнатларингиз туфайли шира-шарбатзор боққа айланади. Мен «Совға» китобидаги чолнинг ҳикоясини нима учун эсладим? Сизлар билан бу шўразорни боғга айлантиришга киришган чоғимда: «Тўқсонбой отанинг йўлидан гўри яқин бўлиб қолган бўлсаям дунёдан умидини узмайди»,— деган одамлар бўлган эди. Биз барпо қилган боғ гуллаб-яшнамоқда. Улмасам, бу йил сизлар билан бирга мен ҳам биринчи мевасини тотисам керак... Дунёга келган ҳар бир инсон умид, орзу билан яшамоғи, ўзидан бирон эсдалиқ қолдирмоғи керак. Ҳеч бўлмаса бир туп дарахт ўтқазиб кўкартирса, ўлиmidан сўнг одамлар уни эслаб юришади.

Энди болаларим афанди ҳикоясининг давомини биринчисидан ҳам қизиқ. Лекин бундан олдин қиладиган

ишимиз бор. Дарахтлар тагини чопиб юмшатишимиз, сўнг бунга расамади билан ўғит бериб сугормоғимиз керак. Адолатхон, қизим, Эркинжон, Фурқат, Алишер шу ердამисизлар? Звено аъзоларингизни ишга солинглар. Дарахтлар тагини чопиб юмшатишлар. Афандининг давоми ишдан сўнг дам олиш чоғларингда бўлади.

Ёшлар Тўқсонбой отанинг сўзини икки қилмай ишга тушиб кетдилар... Кўпдан қуён қочиб қутулмас. Қиз-йигитчалар ғайрат билан ишлашиб ота кўрсатгандек қилиб дарахтлар тагини чопиб бўлиб, дам олишга утирдилар.

— Ҳорманглар, бўталоқларим!

— Бор бўлинг, бобо.

— Афанди ўша кун... ҳа, ҳикоямиз қасрда тўхтанган эди?— болаларга мурожаат қилди ота.

— 999 ни берган худо бирини ҳам берар деган жойда тўхтатгандингиз,— чуғурлашди ўқувчилар.

— Ҳа, ҳа, Афанди ҳамённи белбоғга туга туриб, 999 ни берган худо бирини ҳам берар дегандаёқ бой нарвондан қулаб тушган эди.

— Мол аччиғи — жон аччиғи. Нарвондан қулаб тушган бой албатта ўлгандир-а, бобо?

— Оббо... афандининг белига тепди-я! Қулоқ солиб ўтирса бўлмасмикни-а?— деб бақирди Нурмат.

— Бой нарвон тагида чўзилиб қолди. Бу вақт Афанди масжиддан чиқиб чойхонага етиб олган эди. Тиловбой, Тўқлибой, Деҳқонбой, Эрйигит деган батраклар бойнинг аравасини ҳайдашиб чойхона олдидан ўтиб борардилар. Афанди уларни имлаб тўхтатди, ариқ лабидаги катта қайрағоч тагига олиб бориб, «қани азаматларим, ўтиринглар-чи, бу ерга»,— деди. Батраклар қадалиб ўтириб олишди.

— Ҳозир гапни чўзадиган пайт эмас. Мен сизларга ер, сув, ҳўкиз, дон берсам, бойнинг батраклигидан чиқасизларми?— сўради Афанди.

Батраклар «ўзи нима гап?» деган маънода бир-бирларига қарашиб олишди.

— Нега алаглаб қолдиларинг?— деб зарда қилди Афанди. Мен сизларнинг хўжайинларингга ўхшаган судхўр эмасманки, фойдага қарз берсам. Еб кетарга ҳар бирингга 100 тадан қизил тилло бераман. Шу 400 тиллога ер, ҳўкиз, дон олиб биргалашиб деҳқончилик

қилсаларнинг сизларнинг ҳам елкаларингизга офтоб те-
гармиди.

Улар орасида ўктамроғи Тилов батрак эди. У Афандига юзланиб:

— Биз сизнинг латифаларингизни эшитганмиз. Илло, сувни кўрмай этик ечмайдиган ҳам бўлиб қолганмиз. Хўжайинимизни лақиллатганингиз етмагандек, энди бизни мазах қияпсизми! Туринглар, кетдик!— ўрнидан туриб этагини қокди Тилов батрак.

Афанди ҳамсини очиб тиллоларни жараңлатиб санар экан:

— Тиловбой! Ундай бўлса сизга жавоб. Ишингиздан қолманг,— деди.

— Илгари ҳазилни кутарардилар Афанди...— деди кўзини тиллодан узолмай Тилов.

— Ўз тенгинг билан ҳазил қил-да, Тилов. Не-не қозию-қуролларни бир чуқишда қочириб келаётган Афанди кимлару, сен билан мен ким! Ўз сўра!— деди Эрийгит.

— Тавба қилдим,— деди ялиниб Тилов.

— Этакни очинг! Мана бу 100 тилло. Ердан топсанг санаб ол, деган машойихлар.

Афанди 100 тиллони жараңлатиб Тиловнинг этагига тўкди.

Тилов ҳаяжонидан безгак хуруж қилган кишидек, қалт-қалт титрарди.

Афанди Тўқлибой, Деҳқонбой, Эрийгитга ҳам 100 тиллодан санаб берди-да:

— Туя кўрдингларми, йўқ!— тўрттала батракка мурожаат қилди.

— Йўқ!— деб жавоб қилишди улар.

— Мен сизларни, сизлар мени кўрганларнинг йўқ! Хўпми?

— Хўп,— дейишди батраklar.

Батраklar тиллоларни белбоққа маҳкам тугиб араваларини ҳайдаб кетдилар. Афанди чойхонага қараб йўл олди. Мақсади — чойхонадаги чойхўрларнинг қулогига бу воқеа етган-етмаганлигини билиш эди. Чойхўрлар Афандини ҳар қачонгидек кутиб олишди. Афанди эса чойхўрларни оғзига қаратиб ҳаммани кулдириб ўтираверди.

Энди болаларим икки калима сўзни бойдан эшитайлик. Вақтики Афанди «999 тиллони берган худо би-

рини ҳам берар-да,— деб олтин тўла ҳамённи белбогига тукканда бой нарвондан қулаб тушган эди. У бир неча вақт нарвон остида ҳушсиз ётди. Сўнг ҳушига келса ҳам ўрнидан туролмади. Кейин зўрга ўрнидан туриб, белини икки қўли билан ушлаб оқсоқлана-оқсоқлана масжид эшигига етиб олди. Қараса, масжидда Афанди тугул арвоҳи ҳам йўқ. Ҳушидан кетишига сал қолган бой:— Афандини ушланглар!— деб дод солди.

Ҳиёл ўтмай масжид оломонга тўлди. Бойнинг ёғ босган семиз гавдасидан тер қўйилиб ҳолсизликдан чўзилиб ётарди.

Домла-имом билан сўфи:

— Ҳой мусулмонлар! Бу ерда маймуи ўйнатилаётгани йўқ-ку! Шамолни тўсманглар!— дея томошабинларни ҳайдаб бари билан зўр бериб бойни елпишарди.

— Тақсир! Афандини топдиринг! Муттаҳам бир ҳамён олтинимни олиб қочди,— деди зўр-базўр кўзини очар экан бой.

Афандини топиб келишга зудлик билан чопарлар юборилди. Уни чойхонадан топишди.

— Менинг бойлик ишим йўқ. Афанди керак бўлса, бойнинг ўзи келар,— деб парвойи фалак у латифасини айтиб, чойхўрларни кулдириб ўтираверди.

Чор-ночор бойни чойхонага олиб борадиган бўлдилар. Сўфи бойни опичлаб чойхонага йўл олди. Кўча тўла халойиқ... Айниқса, болалар сўфининг олдини ўраб юргизгани қўймасди. Имом домла бўлса сўфининг олдига тушиб одамларни «пўшт-пўшт»лаб йўл очиб борарди. Катта чойхона тўла одам. Афанди ҳаммани кулдириб ўтирмоқда. Сўфи бойни тўғри чойхонага олиб кирди. Домла имом ҳамтовоқлари ёрдами билан бойни сўфининг елкасидан олиб кўрпачага ётқиздилар. Чойхўрлар ҳайрон.

— Афанди, қани, Афанди!— деб бақирди бой.

— Қидиртирган одамлари шу ерда, даъволари бўлса айтаверсинлар,— деди домла, Афандининг номини тилга олишдан чўзиб.

— Афанди! Тилломни бер!— деди бой. У ётган еридан туриб ўтирди.

— Тиллонгиз нимаси?— деди бақрайиб Афанди.

Бой бўлса мулойимлик билан:

— Ҳазилни қўйинг, Афанди,— деди.

Афанди бўлса:

— Ҳазил қиладиган касалим йўқ! Кучала еган жойингизга бориб тиришинг!— деган эди, бой ўзини-ўзи уриб, ёқасини йиртиб дод сола бошлади.

— Домла почча! Бой жинни бўлиб қопти, иримини қилиб оёғига кишан солиш керак. 999 тилло аҳмоқнинг оғзида... худо билсин, бойнинг ўзида ҳам бунча тилло бўлмаса керак... бу жиннилик аломати. Кишан топинглар, кишан!— деб батракларни кишанга чоптиради Афанди.

Тўқсонбой ота латифани шундай дўндириб айтар эдики, қулоқларини динг қилиб тинглаётган болалар, баъзан хандон уриб кулишар, баъзан сукут этиб тинглашарди. Айниқса ҳозирги латифада тумшуғидан илинган бойнинг ҳоли жуда кулгили эди.

Тўқсонбой ота қизиқ. Латифанинг айни қизиқ ерида тўхтатиб қўярди.

— Чарчадим болаларим, менга жавоб. Эрта вақтлик туришни ҳам ўйлаш керак. Сизлар ҳам чарчагандир-сизлар.

— Чарчаганимиз йўқ. Афандингиз тамом бўлмади-ку,— дея зорланишарди болалар.

Тўқсонбой ота соқолини бармоқлари билан тараб, хаёл суриб, оғзига тикилишиб турган болаларни бир-бир кўздан кечириб, мулоим жилмайиб:

— Оббо болаларим-эй... сира афандига тўймас экансизларда-а!— дерди.

— Афандини эшитишдан зерикмаймиз,— деб чувуллашарди болалар.

— Шакарнинг ози ширин, болаларим. Эрта бор, индин бор. Бир йил айтсам ҳам афанди латифалари тугамайди. Энди бориб дам олинглар. Ота-оналарингнинг уй юмушларига ёрдамлашинглар. Дарс тайёрлашни ҳам унутманглар, эсларингда бўлсин, эртага мева дарахтларига ўғит бериб, суғорамиз. Ишдан сўнг афанди латифалари эштамиз.

— Бобожон! Турғун ҳам латифа айтишга уста. Рухсат берсангиз Турғундан эшитсак.

— Бекор айтибсан, мен афанди айтишни билмайман,— деб ўрнидан туриб кетди Турғун.

Болалар унинг этагидан тутиб зўрлаб ўтқаздилар. «Айт! Бобом рухсат бердилар-ку»,— дейишдилар.

— Турғунбой, уялма, ўғлим. Афанди айтсанг кўнглинг ёзилади, ўртоқларингни хурсанд қиласан. Кулги — хушчақчақлик саломатлик гарови. Айтақол бўталоғим. Сизлар ҳам ўғил-қизларим, Турғунжон латифасига латифа билан жавоб қилишга ҳаракат қилинглар.

— Турғун бошласин, биз ҳам жавоб қиламиз,—деб луқма ташлади болалардан бири.

— Афанди қизига бир кило гўшт олиб келишни буюрибди,—деб латифа бошлади Турғун.— Қиз гўштни олиб магазинда ишлаб турган отасига топшириб, ўзи мактабига кетибди. Ўша кун қассоб боласини бир кило шоколад олиб келиш учун магазинга югуртирибди. Бола туғри Афанди ишлаб турган магазинга бориб бир кило шоколад сўрабди. Афанди кўрса-ки, бола қассобнинг ўғли... қаллоб қассоб дарҳол ўғли олиб борган шоколадни тортиб кўрса етти юз грамм чиқибди. У югурганича Афандининг олдига келиб ўшқирибди: «Номард! Ундан тўққизини урибсан-ку, инсофинг борми ўзи?» Шунда Афанди мулойимлик билан:

— Болангиз келганда бир килограммлик тошимни тополмай, сиз бериб юборган гўштни посангисига қўйган эдим,—дебди.

Ичак узилди кулги бошланди. Қадим замонда бир бой Афандини уялтирмоқчи бўлиб:

— Мулла Насриддин, нега рўза тутмайсиз, уят эмасми?—дебди.

— Сизга ўхшаган бойлар фақат бир ой рўза тутишади, биз камбағаллар умрбод рўза тутамиз, сизлар уялишингиз керак!—деб жавоб берган экан Афанди.

Турғунжон латифасидан бошланган кулгига Адолатхон айтган латифа кулгиси уланиб кетди. Афанди айтишиб роса кулишиб тарқалишдилар.

Эртаси куни ўқишдан сўнг болалар яна боғнинг истироҳат қисми, ҳовуз бўйига тўпланишдилар. Тўқсонбой ота бошлик ёшлар дарахтларга ўғит бериб, сув қўйдилар. Юмушни бажариб одатдагидек яна латифа эшитиш учун ҳовуз бўйига келиб жой-жойларига ўтириб, Тўқсонбой отани кута бошладилар. Ота бет-қўлини ювиб даврага кириб келганда ёшлар ўринларидан туриб отани кутиб олдилар. Ота: «Қимирламанглар... ўтиринглар!»— дейишига қарамасдан тикка туриб олдилар. Ота ўз ўрнига ўтиргач, ёшлар ҳам чаққон ўтириб олиб отанинг оғзини пойладилар.

— Латифани бошладик бўлмаса: Бой фирибгарликнинг ҳаммасини ишга солиб кўрди. Лекин Афандидан «Тиллоингизни олганман»— деган нидо чиқмади. Ахири бой Афандини қозига чақирадиган бўлди.

Афандининг улфатлари «бой қозига чақиртурса чақирар, лекин сиз бора кўрманг» дейишган эди, Афанди:

— Йўқ, чақиртиргудек бўлса бораман. Лекин жабобгар бўлиб эмас, даъвогар бўлиб. Қараб турсин ҳали бу муттаҳам бой. Батракларнинг қонини зулук бўлиб сўриб семирган этларини сув қилиб оқизмасам, менинг отим Афанди эмас,— дебди.

Уша кунн кечқуруноқ Афандини бой қозига судраб қолади.

— Бой! Мен қари одамман. Дармоним йўқ. Оёқларим қалтирайди. Қозихонага сира ҳам пиёда боролмайман. Хайр, начора, агар биронта от бергудек бўлсангиз миниб боришим мумкин,— деди Афанди.

Бой рози бўлиб самаи отини эгарлатиб берди.

Афанди бойга миннатдорлик билдириб, яна арз бандалик қилди:

— Малол келмаса яна бир илтимос бор. Кимсан Афанди бўлиб, ёшим пайғамбар ёшндан ўтиб, замоннинг зайли, фалакнинг гардиши, яхшининг шарофати, ёмоннинг касофати билан эшон қозига ишим тушибди. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Қозига юр дер экансиз, бош буролмайман. Бироқ андак узрим бор...

— Қандай узр? Отанг темирчимн, бунча чўздинг?— деб тажанг бўлди бой.

— Узрим — андак етишмовчилик,— деб бош эгди Афанди.— Бу илтимосимни рад қилмассиз.

Бойнинг юраги тарс ёрилгудек бўлди.

— Мунча чўздинг, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку!..

— Худо сақласин, азроил келмасдан нега ўлимни оғзингизга оласиз? Мана кўриб турибсиз, не аҳволдаман. Буни ким тўн дея олади? Минг ямоқ, пахтаси пилта-пилта бўлиб осилиб ётибди. Салламни қаранг! Шу ҳам кавуш бўптими?— Афанди чакаги ажралиб кетган кавушини кўрсатди.— Қаранг, доим чакка томиб турган уйга ўхшаб ичи шип-шилта! Шунисига ҳам шукур... Илло, эшон қози ҳазратлари мени бу тўн, бу салла, бу кавуш, бу кепата билан сира ҳам қозихонага киритмаслар. Эй камбағаллик қурсин! Сиздан охирги илтимос: бош-оёқ

сарпо сўрайман, фақат омонат тариқасида... сўнгра ўлимга судранг, бош тортсам Афанди эмасман.

— Яна бошқа, бирон найранг ўйлаб чиқармайсанми?— жаҳли чиқди бойнинг.

— Йўқ.

— Қасам ич бўлмаса!— Жони ҳалқумига келаёзди бойнинг.

— Шу арзимас нарсалар учун номимни қасамхўрга чиқармайман, бой!— Афанди товушини бироз баландроқ кўтарди.— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз! Гап ҳам битта, худо ҳам битта! Биласиз-ку мен бир сўзлик одамман.

Ана шу «бир сўзликман» деган сўз бойнинг дарди устига чипқон бўлди. Ахир ўзи ҳам унинг бир гаплигини синаб кўрай деб қўлга тушган эди-да. «Қўлдан чиқди ҳисоби» бўлиб турган 999 тиллонинг куйида тутқиб ёнаётган бой, Афандининг бу шартини ҳам қабул қилди.

Шундай қилиб, Афанди бош-оёқ янги сарпо билан савлат тўкиб бой билан бирга-бирга отлиқ қозихона томон йўл олди. Қози даъвогар сифатида бойдан, жавобгар сифатида Афандидан сўроқ қилди. Афанди бой билан қозининг ҳамма саволларига қойил қилиб жавоб қайтараверди. Ниҳоят, энг охирида ўзи ҳам бойга битта савол берди:

— Бой! Сиз мендан 999 донга тилло даъво қиляпсиз. Шу тиллоларингизни мен олганимга, сизнинг берганлигингизга гувоҳ кўрсата оласизми?

Афандининг бу саволи бойнинг ҳиқилдоғига гўё суяк бўлиб қадалди. Қўрқувдан тили калмага келмай, гўлдираб қолди.— Бу... гувоҳ... гувоҳим ёлғиз худойимнинг ўзгинаси,— деб жавоб қилди бой.

Шунда Афанди:

— Хўп, бунга ҳам розиман. Одатда ёлғиз кишининг берган гувоҳлиги шарнатда тан олинмайди. Майли мен тан олай. Тақсир, ундай бўлса худони чақиртиринг, бойнинг даъвосини тасдиқлаб берсин.

— Балли Афанди, мот қилди даъвогарни,—деб кулишди ўқувчилар.

Қози Афандининг сўзини шартта бўлди. Ниҳоят, даргазаб бўлиб:

— Қанақа кофир одамсиз! Савлатингиздан мусулмоний комилу, гапингиздан шайтон ҳиди келади! Ана дастору, ана жома!.. Калима қайтаринг, кофир бўлдингиз!

Хел вақт худони ҳам гувоҳликка чақирадиларми! Ҷ қолари ламязал бўлса...

— Тавба қилдим, тақсир, гапингиз тўғри.

Афанди қироат билан калима қайтарди-да:

— Энди, тақсир, худони гувоҳликка чақириб бўлмас экан, нечун бой худодан бошқа гувоҳим йўқ дедилар? Йўқ худони гувоҳ кўрсатиб...

— Йўқ худони гувоҳ кўрсатиб!— деб бақирди қози.— Имонсиз!

— Тақсир, худони йўқ деб ўтирган одам мендан олган тиллосига иқрор бўлармиди?— бой Афандини тилидан илнитирмоқчи бўлди.

Афанди дарҳол:

— Мен йўқ худони деганим, худо йўқ деганим эмас, модомики, худони қозига чақириб бўлмас экан, унинг гувоҳлиги ҳам қабулга ўтмайди деганим. Мен ҳам бундақа гувоҳликни икки дунёда тап ололмайман деганим бўлади, тақсир. Афанди мантиқ йўли билан қозини ҳам мот қилиб қўйди.

Бой ўз даъвосини бошқа бирон далили билан исбот қилишга ожиз эди. Даъвогар суёт бўлса, қози муттаҳам бўлади, деган мақолдан Афанди ысталик билан фойдаланди. Афанди этагини қоқиб ўриндан турди:

— Эй тақсир олам! Бу бойнинг совунига кир ювиб кўрмабсиз! Агар қозипоччам ҳақиқат қилмаганларида бу ҳўл бало мени кафангадо қиларди. Чунки бунинг тузориға илинган ҳар бечора майиб бўлмасдан қолмаган. Бу бой таламаган, зор қақшатмаган одам қишлоғимизда кам қолди. Бунн одам деганининг ўзи одам эмас! Мени синамоқчи бўлиб масжид меҳробига тилло отган эмиш!.. Қандай аҳмоқ ишонади бу лўттибознинг гапига? Қозипоччамни анойн фаҳмлаб, бу найрангин ўйлаб чиқарган-ку, бу каззоб!.. 1000 тилло аҳмоқнинг оғзида! Сиз ҳам эҳтиёт бўлинг, бу бойдан ҳар қандай беандишаликни кўтиш мумкин! Сизни қозихонадан ҳайдаб ўзи қози бўлиб олиши ҳам мумкин. Ҳозир сиздан ҳайиқиб турипти, бўлмаса бошимдаги салламни ҳам меники дейишдан тоймайди.

— Саллани мен берганман-ку!— деди кўзлари хонасидан чиқиб бой.

— Ана айтмадимми? Эғнимдаги тўн, оғғимдаги кавушимни ҳам ўзиники қилиб олмаса яхши эди,— деди Афанди мийиғида кулиб.

— Тақсир, Афанди пайранг ишлатаяпти, зинҳор, зинҳор ишонманг. Аслида кавуш ҳам, чопон ҳам меники!— кўзлари хонасидан чиқиб деди бой.

— Кўрдингизми, тақсир, бу одамнинг қўлидан ҳар нис келади. Худо кўрсатмасин, сизни ишонтира олишига кўзи етса борми, қозихонага миниб келган отни ҳам меники деб туриб оларди бу очкўз бой.

— Ҳа, от меники бўлмай сеникимиди?... Ҳей ўша!...— деб Афандининг ёқасидан бўғиб олди бой.

Мулозимлар: «ҳай-ҳай, сизга нима бўлди бой, Афандига тўхмат қилганингиз етмагандек, бу нимаси энди?» дейишиб, Афандини бой қўлидан зўрға ажратиб отга миндириб қочирдилар. Бир ҳамён олтин, бош-оёқ сарпо, отдан ажраллиш бой учун ўлганнинг устига кўмган бўлди. Бой алаmidан «дод!» солиб ёқа йиртар, ўзини уриб ерга ағанаб ҳаммага кулги, шармандаю-шармисор бўлган эди.

Болалар Тўқсонбой отанинг латифасини завқ билан эшитар эканлар, бойнинг таъзирини берган ва усталлик билан балохўр қозининг қўлидан силлиққина қутулиб кетган Афандига таҳсин ва офаринлар ўқишди. Бир тилло кам экан, деб Афандининг 999 тиллодан воз кечини албатта ақлдан эмаслигини болалар тушунар эди. Ҳақиқатда эса Афанди бойнинг тиллосини эмас, балки батраклар, корандалар пешана теридан тўпланиб, бойнинг ҳамёнига тушган тиллосини бойдан ундириб, батракларга бўлиб берган эди.

Болалар чувиллашиб:

— Бобожон, яна айтинг.

— Янгисини айтиб беринг,— деб илтижо қила бошладилар.

— Шакарни ози ширин, дедим-ку. Бугунча бас. Худонинг куни кўп. Афанди билан маслаҳатлик ишим бор. Давоми эртага,— деб ўрнидан турди Тўқсонбой ота.

ЛУЛИЛАР

— Лўлилардан бошқа ҳам ташвишим бор!— деди стол устидаги қоғозларни кўздан кечира туриб Раҳимахон.— Кунда шу гап. Қачон бўлмасин, шу ғалва билан келасиз. Уддасидан чиқмас экансиз, бошда рози бўлманг эди.

— Бўйнимга оламан. Бу менинг айбим. Бошда юзингиздан ўтолмагандим. Гапингизни икки қилолмагандим.

— Оғир ишга тобим йўқ, денг! Мард киши бундай бўлмайди. Осон ишни қидирмай қўя қолинг!

Раиснинг бу гапи бригадирга шапалоқдан қаттиқроқ ботди. Унинг қони юзига тепиб, бўйни ва чакка томирлари бўртиб чиқди, нафаси қисилди, кўм-кўк кўзларида аччиқ аламининг излари кўринди. У раиснинг: «Осон ишни қидирмай қўя қолинг!» деган таънасига мос гап тополмагач:

— Тавба!— деб қўя қолди.

— Нима тавба! Кимга тавба қиляпсиз? — деди Раҳимахон Исломова бригадирнинг ярасига туз сепиб.

— Лўлилар қийнагани етарди, опа. Энди сиз ҳам қийнайсизми?

— Ўйлаб топган гапингизни қаранг-а.

— Ишонинг, енгил иш қидираётган бўлсам, ишон бўлмай. Майли, истасангиз, мени кетмончи қилиб қўйинг.

— Ҳамма нарсани менинг истагимга боғлаб туришингиз қизиқ! Колхоз деган гап нима ўзи?.. Қаранг-а, эндиликда колхозда кетмончига иш камайиб қолганини пайқаб олибсиз-а! Дуруст, яна енгил иш қидирмаётган эмишлар. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришни истаб қолибсиз-а! Ўлманг шоввоз.

— Майли, сизча кетмон иши енгил бўлиб қолган бўлса, оғирини топиб беринг.

— Менимча, бригадирлик енгил меҳнат бўлмас керак.

— Тўғри,—деб раиснинг гапни маъқуллади бригадир,— ишқилиб лўлилардан қутқазсангиз бўлди.

Раҳимахон секретарни чақирди ва кўздан кечирган қоғозларини тахлаб, унга узатар экан, ариза берганлардан бир аёл билан эркакнинг номини айтиб, уларни кечқурун идорага чақириш тўғрисида топшириқ берди. Секретарь чиқиб кетгач, бригадирга мулоим боқиб:

— Хўш, мени лўлилардан қутқаринг, дедингизми?

— Ҳа.

— Уялмасдан қандай қилиб шу гапни гапирдингиз-а? Бу хом хаёл, уни бошингиздан чиқариб ташланг. Лўлилардан сизни мен қутқазмайман.

— Лўлиларни менга хат-муҳр қилиб топширганмидингиз? Тушунолмай қолдим...

— Тушунишга-ку тушунасиз-а, ортиқча ташвишга тобим йўқ, денг!

— Кузга бориб мендан ташвиш эмас, йигирма икки центнердан пахта талаб қиласиз!

— Янглишманг, йигирма икки центнердан эмас. Ким экан у, йигирма тўртни йигирма иккига тушириб, икки центнердан камайтирган?

— Мен мажбуриятни қўшмасдан айтдим.

— Бунақаси кетмайди!—деди таъкидлаб Раҳимахон.— Ким бўлмасин, мажбурият олар экан, уни бажариши керак! Бир минут ҳам буни унутиш ярамайди.

— Тўғри, бажариш керак. Аммо, бу лўлилар билан мажбурият у ёқда турсин, план бажарилса ҳам катта гап. Боши бошига қовушмайди. Ҳар кун битта-яримтаси кўчади. Жонимга тегди.

— Биламан. Лўлилар билан ишлаш бошқаларга қараганда анча огир. Лекин улар ҳам одам-ку, ахир.

— Одам эмиш-а,—деб чўзиб қўйди бригадир.— Хўп одамларга мени дучор қилган экансиз-да, опа... Жон опа, нима қилсангиз, қандай чора кўрсангиз кўринг, розиман, лекин булардан мени халос қилинг. Бу яхшиликнингизни ўла-ўлгунимча унутмайман...

Раҳимахон ортиқ бир нарса демади, ўрнидан туриб, қабулхона томон йўл олди. Бригадир раиснинг соясидек унинг орқасидан эргашди.

Кўчада, ариқ бўйида машина турарди. Раис шофёрнинг ёнига қулайроқ жойлашиб олди-да, ариқнинг у томонида бўзрайиб турган бригадирга:

— Қани, келмайсизми?— деди хитобомиз.

Бригадир кўприкча қолиб, ариқдан сакраб ўтди-да, ортиқ такаллуф кутмасдан машинага чиқиб ўтирди, раис кузови эшигини чаққон ёпди-да:

— Ҳайданг!— деди.

Шофёр: «Қаёққа ҳайдай?»— деб сўраб ҳам ўтирмади. Правлениедан катта кўчага чиқиши билан машинасини ўнгга бурди-ю, асфальт йўлдан Каттақўрғонга томон ғизиллатиб кетди. Машинадагилар худди аразлашган кишилардек хўмрайишиб, жим борардилар.

Бригадир, гўё ичيني ит тимдалаетгандек, ўзидан ўтаётганини ўзи биларди. Ҳали раисга айтиб улгурмаган бир қоп гапи бор. Ҳозир гапни бошлаб юборай деди-ю, ботина олмади.

«Барибир, раис гапимни инобатга олмайди. Мана, яна ўзи бориб бир кўрсин, гаплашсин. Лулиларга мен бас келолмадим у эпақага келтиролармиди», деб ўйларди бригадир.

Улар анчагача шу алфозда кетишди. Ниҳоят, раис:

— Хўш, бизни қаёққа олиб бормоқчисиз?— деди шофёрга.

— Лулилар бригадасигами ахир?— таажжуб билан раисга қаради шофёр.

— Тузуксиз, сиз ҳам лулиларнинг қайгусини еб юрасиз.

— Ҳа-да. Лулилар ишлаш ўрнига бошқаларга иш орттириб тургандан кейин, қайғурмай бўладими? Уларнинг қилган ишлари машинага кетган бензин кирасига арзиса ҳам гўрга эди!

Бригадир шофёрнинг гапидан руҳланиб:

«Ҳақиқатжон, бормисан!» деб гапга аралашувди, раис унинг дамини кесиб қўйди.

— Совет ҳукумати одамгарчиликдан чиққанларни одам қилиш учун ҳеч нарсани аямайди. Сиз бўлсангиз, бензинни ҳайф кўряпсиз.

— Догланмаган ёғ сувга қўшилармиди, опа!.. Мўлтонни деганингиз ҳам худди шундай гап-да! Авлод-аждо-

ди фол очиб фирибгарлик билан кун кўриб келган мўлтонни колхоз ишига бўйин берармиди!

— Бўйин беради.

— Агар,— деди мийиғида кулиб шофёр,— мўлтонидан меҳнаткаш чиқадиган бўлса, шофёрдан ҳам профессор чиқади.

Қовоғидан қор ёғилиб турган бригадир хохолаб кулиб:

— Улмаиғ, мот бўлдингиз,— деди.

— Сабаб?— сўради шофёр.

— Сабаби шуки, шофёрлардан чиққан профессорлар оз эмас. Қишлоғимиздан чиққан бир профессор Бухорода шофёрлик қиларди. Ҳозир олий мактабда дарс беради. Сизни қарангу, шофёрни мўлтонига тенглаб юрибсиз.

— Бўлса бордир,— деди бир оз бўшашиб шофёр,— бироқ мўлтонидан ҳақиқий колхозчи чиқишига сира ишонмайман.

— Бу бошқа гап,— деди бригадир шофёрнинг гапини маъқуллаб.

— Менимча,— деди жиддий бир оҳангда Раҳимахон,— иккалангиз ҳам ҳақ эмассиз. Вақти келади, сиз мўлтонни, деб масхара қилаётган ана шу лўлилардан ҳам профессор чиқади. Албатта чиқади. Чунки, асрлар мобайнида дарбадар бўлиб юрган бу халққа ҳеч бир давлат ғамхўрлик қилмаган эди. Эндиликда ҳукуматимиз уларга ғамхўрлик қиляпти. Лўли болалари ўқишга, ўзлари меҳнатга жалб этилди-ю, уларнинг ҳаётларида ўзгариш бошланди. Гарчи, улардан баъзилари вақти-вақти билан колхоздан ғойиб бўлиб қолсалар ҳам, барибир, қайтиб келяптилар, қайтиб келганларида ҳам бошқа лўлиларни эргаштириб келишяпти...

Мана, Каттақўрғон, кўчада машина ғизиллаб бормоқда. Бежирим, чиройли шаҳар кўчалари ҳаддан ташқари чанг-тўзон. Йўл ёқасидаги дарахтлар сувга чанқоқ. Жигари хаста кишидек зумрад япроқлари сарғиш, кўркини йўқотган. Шиддат билан олға интилаётган машина кетидан кўтарилаётган чангдан ранжиган йўловчилар ўзларини бир четга олардилар.

Машина шаҳардан чиқиб, поёнсиз дала қучоғига шўнғиб кетди.

Темир йўлнинг нариги томонидаги бўз ер асрлардан бери яйлов сифатида фойдаланиб келинади. Лўлилар колхозга аъзо бўлиб киришга қарор берганларида би-

ринин шарт қилиб қишлоқдан қақасроқ ерни талаб қилган эдилар. Улар осмонни кенг, холи, ғулгуласиз соқин ҳаётни хуш кўрардилар. Пахта учун танланган бу қуриқ ернинг тўрт томони қир—тепаликлардан иборат эди.

— Қирга уйлар қуриб, янги қишлоқ барпо қиламиз, қуриқда кўкартирган кўм-кўк ғўзамизни тепадан томоша қилиб, гаштини сурамиз. Биз, лўлилар ўт-ўланга ўчмиз. Шунини ҳам айтиб қўяйки, биз тайёр ошга баковул бўлмаймиз, ўзимиз ер очиб, пахта экамиз,— деган эди кекса лўли Очил ота.

Очил отанинг айтгани бўлди. Қирда лўлилар қишлоғи бунёдга келди. Ҳар бир оила ҳоли-қудрат уй қуриб олди. Уларга ер-сув, трактор берилди. Улар саёқ, дайди ҳаёт билан видолашдилар. Ўтроқ турмуш бошланиб кетди. Пешана танғилиб, ишга тушилди. Икки-уч йил ичида пахта ҳосили йигирма центнердан ошириб юборилди. Лўлиларнинг чўнтаклари пулга, уйлари ғаллага тўлди, қишлоқларида тўй-томошалар бошланиб кетди. Ўзбекларни тўйга чорлаб, ўзлари ҳам уларнинг тўй-томошаларига боришадиган бўлиб қолди.

Бундай қараганда ҳамма иш жойида кўринган бу бригада аъзолари орасида қўнимсизлик одат ҳукмида эди. Урганган кўнгил ўртанса қўймас, дегандек, лўлиларнинг ҳаммаси ҳам колхознинг қонун-қондасига риоя қилавермасди. Баъзан кун бўйи тер тўкиб, пахта қатор ораларида ишлаб юрган лўлиларнинг баракаси учиб қолар эди. Нимадир кўнгилларига хуш келмай, уч-тўрт-таси тил бириктириб, кечалаб бошлари оққан томонга кетиб қолишарди. Улар тўрт-беш ой дайдиликда юриб яна ҳеч нарса кўрмагандек уч-тўртта эркак-аёл лўлини эргаштириб, тўдаларига келиб қўшилардилар-да, ғайрат билан ишга тушиб кетардилар.

Қўнимсизлик лўлилар бригадасининг бошига битган бир бало бўлса, колхоз раҳбарлари учун донмий бир ташвиш эди...

* * *

Лўлилар бригадаси аъзолари билан ўтказилган ўша кунги суҳбат аччиқ ичакдек чўзилиб кетди.

— Биз лўлимиз, лўли!

— Лўлининг ўз урф-одати бор!

— Ҳафтада бир кун бозорга чиқиб яйрамаган лўли, қанақа лўли бўлсин!— деб чувурлашар эди.

— Колхознинг устави бор. Қим рухсатсиз бирон ёққа кетиб қолса ёки сабабсиз ишга чиқмаса, шундайларнинг меҳнат куни кесилади. Бозорма-бозор, қишлоқ-ма-қишлоқ дайдиб, фол очиб, колхоз номига иснод келтириб юрганларни колхоздан ҳайдаймиз!— деди йиғилишдагиларга писанда қилиб раис.— Колхоз Устави ўзбекка ҳам, лўлига ҳам баб-баравар.

Мажлисда шовқин-сурон кўтарилди. Қим нима деяпти, ҳеч нарса англаб бўлмасди.

Президиумда ўтирган Очил бобо столга суяниб, секин турди. Камалак қоматига икки қўлини тирговуч қилиб раисга юзланди-да:

— Қизим, Раҳимахон қизим! Менга ҳам икки оғиз сўз бер,— деди.

Ғовур-ғувур бирдан тинди.

— Қизим,— деб сўз бошлади Очил бобо,— бу лўлилар ичида сени ҳурмат қилмайдигани йўқ, десам, ёлғончи бўлмасман. Ёшим аллақерга бориб қолди. Тўримдан гўрим яқин. Сен меҳнат куни масаласида жуда тўғри писанда қилдинг. Меҳнатсиз турмуш тузсиз ошдек гап! Биз колхозга киришни хоҳлаб ариза берганимизда, меҳнатни бўйнимизга олиб келган эдик. Лўлилар номидан ўша сўзни яна бир марта такрорлашим мумкин, ўлгуниimizча шу сўзимизда тураимиз.

Хонаси келиб қолди, мен сенга ҳақиқатга яқин бир афсонани сўзлаб бергим келяпти. Шу афсонани айтиб берсам-да, бу ёғини ўзингга ҳавола қилсам. Сўнгра рухсатинг бўлса, мажлисни тугатсак. Гапнинг қисқаси яхши. Бу лўлилар бошингни ачитди. Биздан бошқа ҳам ташвишинг етиб ортади.

— Марҳамат, айтинг, ўтириб олиб айтаверинг,— Раҳимахон чолни суяб ўтқазди.

—... Қадим замонда, бизга номаълум томонда, сулубликда тенги йўқ бир лўли қиз ўтган экан. Қизнинг чўлпон кўзи юракларга ўт ёқаркан, қора қўнғир сочи тақимига уриб, киприклари оқ тўшига соя солиб турганини кўрган ҳар бир йиғит унга банда бўлар экан. Ошнқи беқарорликда Мажнунни йўлда қолдирган йиғитлар қизнинг васлига етолмай, тоғ-тошларга бош олиб кетишаркан. Ана шу лўли қизга бир подшонинг ишқи тушиб қолибди, ҳузур-ҳаловатини йўқотибди. Алқисса, фалак-

нинг гардиши билан лўли қиз подшога кўнгил берибди. Кўнгил берибди-ю, подшога шундай бир шарт ҳам қўнибди: никоҳ маросимида лўлилар одати бўйича подшони қизнинг бўйнига бир тўрва илиши, қиз эса подшонинг оёғига йиқилиб:

— Танамда жоним бор экан, мен сени боқаман, оч қолдирмайман!— деб айтишга розилик сўрабди.

Подшо рози бўлибди. Қирқ кеча-кундуз тўй-томоша бериб, қизни никоҳлаб олибди.

Ҳикоя тингловчилар гўё сеҳрланган эдилар. Ким қайси ҳолатда утирган бўлса, шундайлигича қотиб қолган эди. Очил бобо эти суягига ёпишиб кетган қоражигар тусли қўли билан оқ, чўзиқ соқолини дам-бадам тутамлар, хонасига чўккан нурсиз ўйноқи кўк кўзларини жавдиратиб гап уйнар, ҳар бир сўзи нишонга тегаётганидан завқланиб, ҳикоя қилар эди.

— Сарсон-саргардонликдан ўзга давлати бўлмаган, лекин ўзини ҳамниша эркин ҳис қилган бу лўли қизга подшо саройни фароғат бера олмабди. У гоҳ-гоҳда подшо бўйнига солган олтин тўрвани елкасига илиб, эшикма-эшик санқиб келишни қўмсаркан. Лекин подшоллик салтанати бунга йўл қўймас экан.

Одат бир мараз дейдилар. Ярамас одатни тарк қилиш осон иш эмас. Бунинг учун мардлик керак. Шоҳ сипоҳлари билан шикорга кетган кезларда лўли келин саройнинг ҳар бир тоқчасига биттадан кулча қўйиб чиқаркан-да, сўнгра бўйнига олтин тўрвани илиб, ҳар бир тоқчанинг олдига келиб «хайр» сўраркан, тоқчага ўзи қўйган кулчани олиб, тўрвасига соларкан, шу тахлитда тўрвасини нонга тўлдириб, гўё эрининг ризқини йиғиб, уйига қайтар экан.

Ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам бир кун эмас бир кун ошкор бўлмасдан қолмайди. Кунлардан бир кун подшо қаллиғини тоқчалардан «хайр» сўраб турган вақтда учратибди. Шоҳнинг ғазаби ер-кўкка сиғмабди. Подшо уни зиндонга солиш ёки дорга остиришни ўйлабди.

— Сенга бу даргоҳда нима етишмайди, пасткаш лўли!— деб бақарибди подшо.

— Шоҳим, онам отамга никоҳ қилинганда бўйнига тўрва солиб, отамнинг оёғига йиқилиб, уни боқишга оит ичган экан. Онам бу онтига содиқ қолиб келмоқда. Мен оналарим одатини тарк қилолмадим. Гадолик қилмадим, фақат расмимизни бажо келтирдим. Ҳукмин-

гизга тайёрман, чақиринг жаллодингизни!— деб лўли подшо оёғига йиқилибди.

Шоҳ келинчакнинг қонидан кечибди ва хазинасидан кўнглига ёққан нарсани олиб чиқиб кетишни буюрибди.

Уша куни подшо хафа бўлиб, қаттиқ ухлаб қолибди. Келинчак бир неча чапдаст лўли йигитлар билан тил бириктириб, подшони ухлаб ётган каравоти билан кўтариб, олиб чиқиб кетибди. Бир вақт подшо уйғониб қараса, кенг саҳрода, лўлилар чайласида эмиш, қайлиғи эса чайла ёнида йиғлаб утирган эмиш. Подшо кўзларига ишонмабди. Исми аъзам ўқиб:

— Инсмисан, жинсмисан, кимсан?— дебди.

— Қўрқманг, қайлиғингизман,— дебди лўли ва подшони юпатиш мақсадида тушунтирибди.— Сиз мени саройдан қувлаганингизда «Кўнглингга нима ёқса, олиб кет!»— деган эдингиз. Давлатингиз ичида кўнглимга ёққани фақат сиз эдингиз. Мана, ҳукмингизни бажо келтирдим,— деб қуллуқ қилибди.

Лўлиларга жон кирди. Қарсак чала бошладилар. Уларга қўшилиб Раҳимахон ҳам чапак урди.

— Лўлилар севгиси, аҳди ана шунақа қаттиқ бўлади, қизим. Бу ердаги лўлиларнинг севгиси уша афсонавий лўли қизникидан кам эмас. Ҳимматлари ҳам баланд. Колхозга ишқлари тушмаганда, сен буларни боғлаб ҳам ишлатолмас эдинг. Сендан сўрайдиганлари,— деб сўзида давом этди Очил бобо,— ҳафтада бир кун, ойида тўрт бозор куни лўлиларнинг ихтиёрини ўзларига берсанг бўлгани. Бошқа кунлари булардан иш талаб қилавер.

— Шунга сиз кафил бўласизми?— сўради раис.

— Ўз томонларингиздан мени кафил қиласизларми?— мажлисга мурожаат қилди Очил бобо.

— Кафил қиламиз сизни,— баравар жавоб беришди лўлилар.

Уша суҳбатдан сўнг лўлилар бригадасида биронта ҳам интизомсизлик содир бўлмади. Шу кунларда лўлилар ўзлари етиштирган мўл пахта ҳосилини териб олишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Шонли етти йилликка улар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

1959 йил, август.

ОНАХОНИМИЗ ЭРКАБУВИ

—... Қизингиз бирам бийрон, бирам ширин бўлганки исти қўяверинг. Адам-адам! Адам қачон келадилар деб эсгинаси кетади. Кейинги кунларда қилдан қийиқ топадиган бўлиб қолди. Туриб-туриб ўзидан-ўзи бўтамоқдек бўзлайди. Дар-дунёмизни қоронғи қилади-қўяди.

— Ҳаммасига уруш сабабчи. Гитлер айбдор. Кечир мени, Эркам, ихтиёр ўзимда бўлганда учиб етмасмидим. Ватанимиз фашист-газандаларидан озод қилинмас экан оналарнинг оҳ-зори, гўдакларнинг кўз ёши тинмайди... Мен бу сўзларни шунчаки сенга тасалли бериш учун ёзаётганим йўқ, Эркам. Кўпи кетиб ози қолди. Яна бир оз сабр қиласан, жоним Эркам. Қизчамни бағримга босиб тўйиб-тўйиб ўпарман, никоҳ тўйимиз кундаги ширин-шакар дақиқаларни қайта яна кўрармиз. Вазифа ҳам укалик бўлар. Улар билан уй тузатиб бахтиёр яшармиз. Сабр туби олтин дейдилар. Сабр қил! Сенга соғлиқ, сабр-қаноат тилаб сени жонидан севган Усмонинг.

— Фронтда ёзган хатингизни ўқиб хўб йиғладим. Далада ғўза сугориб юриб ўқидим, қайта-қайта ўқидим, йиғидан ўзимни тиёлмадим. Шунча кўп кўз ёши тўкдимки, назаримда ғўза эгати тўлиб оқди. Хафақонликданми, хатингизни ўқиб қувониб кетганимданми, нима учун йиғлаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Хатингизда «Сабр қил!» дебсиз. Сабр қилмайманми! Сиз фронтга жўнаб кетган кунингизнинг роса учинчи ойида кўзим ёриди. Қизингиз мана, беш ёшга кирапти. Бечора болам, отага зор, танаси бошқа дард билмас, бу ҳақ гап. Лекин она кечираётган изтиробларни, юрак тўла қайғу-аламларини боланинг отаси Сиздан ўзга ким ҳам билади, тушуна олади! Қизингизнинг отини нима қўйсам деб ўйлардим. Биров Ёдгорой қўя қол деса, бошқа

бирова ўриной қўй дер эди. Қизимизга, Сизга бундай отини раво кўрмадим. Нима учун деб сўрарсиз. Сизнинг ўринингизга ҳеч ким ўрин бўла олмайди. Сиз биттасиз. Ёдгорой! Отасидан Ёдгорми?! Йўқ! Йўқ! Мени умидим катта! Кетган келади. Кетмонланган келмайди. Менинг Усмонжоним ойдек болқиб, кундек қалқиб келади. Отаси етиб келгунча менинг Вазифам... Мен қизалоғингизга Вазифа деб ном бердим. Отаси олдидаги бурчимни муқаддас билиб шундай ном бердим. Усмонжон ака! Сизни бир нафас ҳам ёдимдан чиқармаслик учун аҳд қилиб қизчангизга Вазифа номини бердим.

— Раҳмат сенга, жоним Эркам. Аҳд-паймонига содиқ вафодорим Эркам. Сенга ўхшаган оналар бор, мендек оталарга завол бўлмайди. Қасамёд қиламан, оналар ҳурмати, Гитлер қанчалик қайсар, қанчалик баттол ва шафқатсиз бўлмасин, барибир бизни бош эгдира олмайди! Сен у ерда звенога бош бўлсанг, мен бу ерда фронтда бир звено қизил аскарларга бошман. Демак, фронт билан фронт орқаси эти-тирноқ. Тушунаман, звенога бош бўлиб отасиз болага тарбия бериш, боқиш, едириб кийинтириш уруш шаронтида оғир. Шуниси ҳам бизга маълум; вақти келганда ўзларингиз емасдан, кийинмасдан бизга илинасишлар. Сизлар мададкор бўлмаганларингизда биздан кўра ўн барабар кучи кўп бўлган душмanning юзини шарқдан ғарбга ўғирта олармидик. Мана, йиртқич уяси Берлин остонасида-миз. Катта байрамга тайёрланавер, жоним Эркам.

Падар бузрукворимиз Нурхон отамга мена, қуролдош ўртоқларимдан алангали салом.

Сени, жигарпораси — Вазифасини соғинган Усмонжонинг... ҳа, яна бир гап, кечир мени, Эркам. Фараз қилайлик, Вазифа мени тўсатдан кўриб қолса танирми-ди? Насиб бўлса ғойибдан ҳозир бўлгандек эшикдан кириб бориб қолсам, Вазифа—Эркам! Дадажоним келдилар!— деб қучоғимга отилармикин?

«Ғойибдан ҳозир бўлиб эшикдан кириб бориб қолсам»,— дея шивирлади Эркаой, у аланг-жалаг атрофига қаради. Кенг пахтазор, кўм-кўк ғўза тупларида ғуж-ғуж шопа кўсаклар... Шийпонда чой қайнатиб, беланчак тебратиб турган отаси Нурбобога кўзи тушди. Узоқ пайкалда ҳукиз етаклаб қатор ораларини юмшатаётган бола билан аёл Эркаой томон қараб-қараб қўярди. Эркаойнинг хаёлида Усмонжон шу топда гуё эшикдан

кириб келаётгандек...—Вой ўлмасам, мен бу ерда, Ватифа дала шийпониди ухлаб ётибди. Дадаси ростаканига келиб қолган бўлса-я,— деб шивирлади у.

Эркаойининг юраги орзиқиб кетди. У хаёл суриб ниманидир ўйлаб, хўрсиниб уҳ тортди.

— Уруш тугамасдан келолмайди,— деди овоз чиқариб Эркаой.— Усмонжон ориятли йигит, зиммасига олган вазифани сидқидил билан бажариб ҳаммани қойил қилиб келган йигит. Шунча йил колхоз фермасининг доктори бўлиб ишлаб, ўзига гард юқтирмади. Ҳали бу фронт-ку, фашистни енгмасдан қайтмайди,— дея тасалли бериб, ўзини-ўзи овутди. У Усмонжондек йигитнинг жуфти ҳалолли бўлганидан фахрланди. Хатин буклаб чўнтагига солар экан, шукур, соғ-саломат, боши омон бўлса бир кун бўлмаса бир кун кириб келар деб кўйди.

Эркаой кетманини ювиб ўрнидан турди. Суғораётган гўза майдонини назаридан ўтказди. Шийпонга қараб йўл олар экан, эгатлардан сизиб оқаётган сувга, мириқиб ташнаси қонган, қуёшдан пур, ердан озиқ эмиб, сўлғини шохлари жонланиб қадди ростлана бошлаган зумрад гўза тупларига кўзи тушиб, кўнгли ёришиб, баҳри-дини очилиб кетди. Эркаойининг ўз меҳнати самарасидан завқ олиб руҳи кўтарилди. Шийпон томон бурилар экан, қадамини тезлаштирди. У Усмонжондан олган мактубни отаси Нурхон бобога ўқиб бериб хурсанд қилмоқ нияти билан шийпонга йўл олганди.

* * *

Уруш тугади. 9-Май башарият учун унутилмас галаба кунни бўлиб қолди. Гитлер ва гитлеризмни турғатикқан ғолибларнинг олди ўз ватанларига қайта бошлади. Кўчаларда байрам, хонадонларда тўй бошланиб кетди. Шундай тўйга кўпдан бери Нурхон бобо билан Эркаойлар ҳам ҳозирлик кўришарди.

— Эшикдан кириб келиши билан оёғи остига қўй сўясан, қизим! Яхши ният билан қўй боқиб, бўрдоқни қилган эди Нурхон бобо.— Ҳойнаҳой куёвнинг ҳарбий кийимда келар, устига оҳорлик тўн, белига белбоғ, бошига дўппи кийгизарсан!— деб қизига уқтирганди ота. Эркаой Марғилон беқасамидан тўн бичиб, дўппини ўзи

тикиб, бош-оёқ сарпо ҳозирлаб Усмонжон йўлида эртаю-кеч кўзлари нигорон эди.

Кунлар ўтар, Усмонжондан на хат ва на хабар. Сукунат. Оғир, юракларни эзувчи сукунат... Нурхон бобо, Эркаойларнинг бу зориқиш-зориқтиришга тоқатлари бардош берса-да, Вазифани кўндириш қийин бўлди.

— Дилбарнинг дадаси келди. Қани менинг дадам, дадамни топиб берасан!— деб хархаша қиладиган бўлиб қолди Вазифа.

— Йиғлама, оппоғим, даданг келаётганмиш. Сенга совғалар олиб келаётганмиш.

— Қанақа соғва?— кўзларини жавдиратиб сўрарди қизча ярим йиғи ҳолатда.

— Батенкача, қалпоқча, қизил кўйлакча. Ясаниб даданг билан томошага борасан. Артистлар сенга ўйнаб беришади. Қани сен ҳам бир ўйинга тушиб юбор-чи. Даданг келгунча яхшилаб ўйини ўрганиб қўй-чи. Қани-қани?..— Хиргойи қила бошлади, бобой!

Ўйнасин, ёр ўйнасин,
Кўзи хумор ўйнасин.
Дадасини соғинган,
Дили гирён ўйнасин,
Бағри бурён ўйнасин.

Нурхон бобо хиргойи қилиб, қарсак чалар, Вазифа шумшайиб, қовоқ солиб дар-дунёси қоронғи жим туриб, бирданига: «Дада!», «Дадам дейман!» деб йиғлай бошлади.

— Илоҳим сенинг бу йиғинг кулгини бошлаб келсин-да, қизим,— дер эди Нурхон бобо неварасини бағрига босиб.

Шу вақт эшикдан бир неча одам кириб келди. Ота уларнинг истиқболига чиқди. Келганлар орасида эндигина фронтдан қайтган Бобоқул Пардаев ҳам бор. У оёғидап яраланган, панжаси кесиб ташланган, ҳасса таяниб оқсоқланиб кириб келди. Нурхон бобо кўрпача ёзиб уларни айвонга таклиф қилди. Меҳмонлар ташвишли кўринарди. Уларнинг юзларида одатдаги табассумдан асар ҳам қолмаган. Ҳаммасининг кўнгли синиқ кўринарди. Улар жимгина ўтириб одат бўйича юзларига фотиҳа тортишди. Сўнг теварак-атрофга назар ташлаб олишди.



Назир Сафаров ва украин ёзувчиси Николай Ушаков

— Эркаой кўринмайдими?— оёғини авайлаб ўнгарилиб ўтирар экан сўради инвалид Бобоқул.

— Эрка далада. Айни ғўзага ишлов бериш пайти. Пахтакорсиз, ўзингиздан қолар гап йўқ.

— Шундай-шундай, тўғри айтасиз, вақт ғанимат,— деди отанинг гапини маъқуллаб Бобоқул.

— Бу неварами?— Нурхон ота бўйинини қучиб ҳайрон бўзрайиб турган қизчага қараб сўради ўтирганлардан кимдир.

— Ҳа, невара. Усмонжоннинг қизалоғи. Вазифахон,— деди чол неварасининг пешанасидан аста ўпиб.

Даврадагилар ер остидан бир-бирларига маъноли қараб олишди.

Ота қандайдир паришонхотир... У одатдаги «хуш кўрдик» дейиш ўрнига, бир нарса сезгандек «келиндлар!» деб қўя қолди.

— Қани,— деди даврадагилардан бири хаста овоз билан салла ўраган мўсафидга ишора қилиб.

Мўсафид қуръон бошлади. Бошқалар бош эгиб жимиб қолишди.

Нурхон бобо учун кутилмаган воқеа! Отанинг хаёли қочди. Бир зумда кўзлари ичига чўкди. Тўкилиб тушди.

Қуръон тугаб, юзларга фотиҳа тортилди. Бу нохуш аломатдан шошиб қолган Нурхон бобонинг ранги қув учиб, бўзрайганча қотиб қолганди.

— Бандалик, отахон.

— Болагинам... Эл-юрт тиниб-тинчиб, энди елкамизга офтоб текканда!.. Эй шўрлик бошим!..

Отанинг кўзидан маржон-маржон ёш қуйилди. Серажин юзининг жилғачаларида ёш ўрмалади, ўпкаси тўлиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

Вазифа ҳайрон термулар. Ҳозирги манзара унга бутунлай ёт. У ақлини таниб бобоси кўзида ёш кўрмаган. Боладек бўзлаб ҳўнг-ҳўнг йиғлашидан ҳанг-манг эди.

Таъзия билдириб, «қора хат» келтирганлар отага тасалли беришарди:

— Гитлер хонасалот бўлсин!

— Халқ лаънатига гирифтор бўлди, бадбахт!

— Эркаойга оғир бўлди. Усмонжондек йигит онадан кам тугилади. Раҳматлик ундақа-бундақа дўхтирмасди, қачон кўрсанг, колхоз туёғини купайтириш пайида жон куйдирад, тиниб-тинчимас йигит эди.

— Чорамиз қанча, урушдан танаси жароҳатланмаган оила топилармикин?

— Энди тинчлик, тани соғлиқ бўлсин.

— Ҳукуматимиз йўли ҳақ эди, минг қатла шукур, ҳақ ерига қарор топди. Душман зер-забар бўлди!

Таъзия билдириш учун «қора хат» олиб келганлар шу хилдаги сўзлар билан ота дардига малҳам қўймоқчи... Аммо...

«Қора хат»дан маълум бўлишича, Берлин учун бўлган энг сўнгги жангда Усмонжон Ганиев бошидан қаттиқ яраланган. 1945 йилнинг 29 май куни госпиталда вафот этган.

* * *

Эркаой-Усмонжонларнинг ширин-шакар турмушига лаънати Гитлер, уруш раҳна солди. Чорак асрдирки, Эркаой кўз очиб кўргани Усмонжон номини, муҳаббатини пок тутади. Усмонжоннинг қони ҳақи, Ватан учун фидо қилган азиз жони ҳақи, никоҳ кунни берилган муқаддас аҳд-паймон ҳақи у меҳнат билан дўстлашди, довдираб қолмади, элдан ажрамади, яхшилар узатган қўлни маҳкам тутди. Коллектив ҳаёт, ҳалол меҳнатдан ўз бахтини топди.

Хотин кишининг эрга, онлага, фарзандга бўлган меҳр-муҳаббати, Ватанга садоқати, эл-юрт ишига жонкуярлиги Эркаойнинг фаолиятида қуёшдек намоён бўлиб қолди... Эркаой бошига тушган беқиёс мусибат ва уруш шароити қийинчиликлари олдида ўзини йўқотмади. Кўпни кўрган пахтакор, хотамҳиммат қария отаси Нурхон бобонинг меҳрибон бағрида колхозда ишлаб отасиз етимча қизи Вазифани боқди, вояга етказди, ўқитди, билим берди. Пешана тери жамғармасидан эл олдига дастурхон ёзди. Тўй-томоша билан қиз узатиб муродига етди.

Йиллар ўтди. Ёмон кунлари яхши бўлди. Вазифа уч фарзанднинг онаси бўлди. Эркаой эндиликда Манзурахон, Алижон, Анварбекларнинг табаррук буви-лари.

Эрка бувининг суяги меҳнат билан қотди. У қарийб чорак асрдан бери пахта майдонида жавлон уради. Усмонжоннинг дўсти ва қуролдош ўртоғи, Ватан уруши

инвалиди коммунист Бобоқул Пардаев бригадир, Эркабуви эса звенога бош. Бу миришкорлар бошчилигида коллектив меҳнати баракатидан бунёдга келтирилган «оқ олтин» хирмонни бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Уйқусиз тунлар, ҳордиқсиз кунлар, аланга пуркаб турган саратон қуёшида ёниб, куйиб, терга ботиб ғузаларни боқиш, унинг ёни — турли-туман офатлар билан жанг қилиш... Эҳ-е, пахтакор меҳнати буларсиз ҳам оғир ва шарафлидир.

Эркабуви билан эт-тирноқ бўлиб кетган звено аъзолари — моҳир сувчи Араббой Санаев, Ёмғир Тошматов, механизатор Ширмон Қурбоновлар билан тенглашув колхоздаги бошқа звенолар учун шон-шараф, тўғриси, ор-номус иши бўлиб қолди. Эркабуви учун об-ҳаво нуқулайлиги писанд эмас. Гектаридан қирқ беш центнер пахта кўтаришни Эркабуви аллақачонлар расм қилиб қўйган. Комсомол ёшлар бригадасининг бош механизатори Худойқул Файзиев Эркабуви чўққисини мўлжалга олиб пўлат отларини қамчиламоқда. Ёшлар бу эзгу мақсад йўлида озмунча фидокорлик кўрсатмадилар. Утган йили 22 урнига 38 центнердан ҳосил етказишди. Бу шунчаки рақам ўзгариши эмас, балки сифат ўзгариши ҳамдир. Пахтакор меҳнати одамларда янги коммунистик муносабатни, тўқ, маданий оилаларни, техника билан муомала қила биладиган, ундан самарали фойдаланаётган янги бир авлодни вужудга келтираётир.

Сифат ўзгариши рақамларни ҳам ўзгартириб бораверади. 38 га етказиб ҳосил кўтарган комсомол-ёшларнинг яқин орада 45 центнерга етказиб хирмон кўтара олишларига ишонмасдан бўладими? Ҳа, Эркабуви ҳам бирданига бу кунги чўққисига кўтарила олган эмас. Гектаридан ўн-ўн беш центнер ҳосил олган қатор йиллар бўлганди. Мана энди унинг марраси 45-50 центнер бўлиб қолди.

— Пахтакор учун бу ҳали чўққи эмас, — деб таъкидлайди миришкор пахта устаси Эркабуви. Ҳалол меҳнат ҳар вақт одамзодни улуғлаб келган. Бунинг биз мингларнинг бири коммунист ўзбек қизи Эркабуви Норхонова мисолида кўриб турибмиз. Бу олижаноб мард аёл ўз аҳдининг устидан чиқди. Улуғ Ватан уруши қурбонини, вафодор ёри Усмонжон Ғаниевга муносиб ҳайкал қўя олди. Ун икки йил бурун Эрка Норхонова-

га Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Олий Советининг депутаты Раҳимахон Исломов раислик қилиб келаётган Крупская номи колхоз юлдузларидан бири Эркабуви шу кунларда ҳам шу чўққида туриб меҳнат қилмоқда. Унинг шуҳратини дунёга ёйишда сабабкор бўлган пахтакорлик олимаси бўлиб қолмоқда.

1966 йил, сентябрь.



КАРВОНБОШИ МЕЛИҚУЗИ

Биз бир группа ёзувчилар ўтган йилнинг кузагида Наманган областига сафар қилган эдик. Ҳаммамизнинг истагимиз бир хил: улуғ етти йилликнинг ажойиб қаҳрамонлари билан учрашиш. Худди шу мақсадда кўп колхозларда бўлдик. Партия, жамоат ходимлари, ажойиб пахта усталари билан танишдик, суҳбатлашдик.

Поп районидаги Ленин номи колхозга йўл олар эканмиз, ҳамсафарлар ўртасида бошланиб, Мелиқўзи Умурзоқов бригадасида якун топган мунозара ҳали-ҳали эсимда.

Йўлда бизга ҳамроҳ бўлиб олган бир ўртоқ: «Поп райони—пахтанинг кони»,—деди. Менинг ҳамсафар ўртоғим унинг фикрига эътироз билдириб: «Ўзбекистонда пахтанинг кони ёлғиз Поп райони эканми-а? Очган Американгга қойилман-э!» деб юборди. Бу сўз йўловчининг жиғига тегди шекилли, жўн бошланган гап мунозарага айланди кетди.

Гап айланиб, Мелиқўзи Умурзоқовнинг ҳар куни етти тоннага етказиб пахта тераётганига шубҳа билан қараётганлар устида борарди.

— Демак, бир кунда етти тонна пахта териш мумкин эканда? Ақлим бовар қилмайди,— деди ҳалиги йўловчи.

— Нечун?— сўради ҳамроҳим.

— Бир кунда етти тонна пахта териш мумкин экан, нима учун шаҳар аҳолисини теримга сафарбар қиладилар? Номи ҳашарчи. Аммо ҳашарчиларга қилинаётган харажатлар так-такка турмайди. Нима учун бу тўғрида ҳеч ким бош огритмади? Ўзим ҳам ҳайронман.

— Бутун гап шунда-да,— деди босиқлик билан ҳамроҳим,— Ҳозирча Мелиқўзига ўхшаганлар бармоқ билан санарли. Бироқ Мелиқўзининг етти тоннадан пахта тераётганига ишонмаётганлар жуда кўп. Умуман, терим машинасини тириклайин гўрга тиқишга тайёр турган

рансларимиз ҳам оз эмас. Мана шундай беғамлик ҳукмрон бўлган бир шароитда янгиликнинг томир ёйиши жуда қийин. Пахтани қўлда териш билан улар гўё колхозга, давлатга фойда етказмоқчи бўладилар. Қуни кеча биз бўлган колхозда рўй берган воқеа ҳаммамизни газаблантирди. Машина терими учун ажратиб қўйилган пахтани қандайдир номаълум теримчилар териб кетган эмишу, бундан бригадир хабарсиз эмиш. Ким ишонади бу найрангбозликка?

Ҳозиргина йўлда кела туриб Ширмоной деган чевар теримчининг иши билан танишдик. Утган йили у қўл билан ўттиз минг килограмм пахта терган экан. Бу йил ҳам шунча териш ниятида. Хўш, Мелиқўзининг муваффақиятига ишонмасак, ширмонойлар сингари ватанпарварларимизни бу огир меҳнатдан қачон қутқазамиз ахир?! Ўттиз тонна пахтани хирмонга тўкиш учун ҳар куни уч юз-уч юз эллик килограммдан пахта териш керак. Ширмонойга ўхшаганлар терим вақтида дам олиш нима билмайдилар. Баъзи одамлар йигирма-ўттиз тоннага етказиб пахта тераётганларнинг меҳнатларини роҳати-жон деб ўйлайдилар. Қорақалпоғистонлик Ойим Қамолова, Поп районлик Ширмоной Мирсултонова, Бухоролик Ҳамро Назаровга ўхшаган йигит-қизларимизнинг бу ажойиб ҳаракатларига ҳукуматимиз юксак баҳо бермоқда. Лекин бу ҳаддан ташқари огир меҳнат нонложликиннинг ишидир. Пахтакорларимизни огир меҳнатдан—терим машаққатидан қутқазиб учун партия ва ҳукуматимиз озмунича чоралар кўраётirmi? Минг-минглаб чиқарилган шундай машиналарнинг бирида Мелиқўзи етти тоннага етказиб пахта терган экан, бунинг нимасига шубҳа қилиш керак? Биз Мелиқўзи Умурзоқовнинг тажрибаларини синчиклаб ўрганишимиз ва кечиктирмасдан оммалаштиришимиз керак.

Тўғри гап тошни ёради, дегандек, ҳамроҳимнинг ҳақ сўзлари ўжар йўловчининг дамини пасайтириб қўйган эди.

— Ана шу майдон Мелиқўзиники бўлса керак,— деди ҳамроҳлардан кимдир биров суҳбатни бошқа томонга бурмоқчи бўлиб.

Теварак-атрофда оқ пахта денгизи чайқалиб ётарди. Бундан бир ойлар бурун ям-яшил бўлган пахта далалари энди зумрад тусларини йўқотган, бутун водий гўё оппоқ гулга ўралган эди. Бу гул пайкалларидаги лобар

қизлар, азамат йигитлар, меҳнатсевар ота-оналар у чаноқдан бу чаноққа чанг солиб, басма-басга пахта терадилар.

Мана, Мелиқўзи бригадасига етиб ҳам келдик. Қолхоз раиси Аҳмаджон Одилов бизни ўз хўжалиги билан обдон таништирди.

— МТС ишининг қайтадан қурилиши колхоз хўжалигининг тез ривож топишига яхши таъсир кўрсатди,— деди у. — Бир миллион етти юз минг сўмга қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олдик. Техникага ўзимиз хўжайин бўлиб олганимиз учун ундан яхшироқ фойдаландик. Натижада бир минг тўрт юз гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозирданоқ ўттиз центнердан ҳосил кўтардик.

Негадир бу орада Мелиқўзи кўринмас эди. Атрофда эркак-аёл колхозчилар икки букилиб пахта терардилар. Мен ариқ марзаси устига чиқиб, узоқ-узоқларга кўз ташладим. Ҳеч қаерда терим машинаси кўринмасди. Теримчилар денгизда сузиб юрган ўрдаклар сингари пахтазорга ёйилиб кетгандилар.

Раис бир колхозчига ниманидир буюрди-да, сўнг худди қадамни санаб босаётгандек аста-аста юриб, менинг олдимга келди.

— Мелиқўзи Умурзоқовнинг пахтаси ана шу. Ери эллик беш гектар. Қирқ центнердан ҳосил кўтарди. Ҳазилакам юк эмас, тўғрими?— дер эди у,— синамоқ учун сиз шу ютуқ билан уни табриклаб кўринг-а, нима дер экан?

— Нима дейиши мумкин?— сўрадим мен.

— Гаши келади.

— Ўз ютуғидан гаши келса, қизиқ табиати бор экан,— кулдим мен.

— Қизиқ ҳам гапми?— уқтириб гапирарди Одилов,— бўлмаса ютуғидан норози бўлиб гапирган одамни кўрганмисиз?

— Шундай одамлар ҳам борки, борини ошириб, йўғини яширишга уста бўлади. Ўзи мақтанишни яхши кўради-ю, бирон кишидан танқид еб қолгудек бўлса, кек сақлаб, пайт пойлаб юради. Мелиқўзингиз бошқа бир дунё экан. Бундайлар учун ҳосилнинг ўрта миқдори бўлмайди. Улар бугун етган маррам эрта учун орқада қолган босқич деб биладилар. Шунинг учун ҳам Мелиқўзига ўхшаганлар ўз ютуғидан қаноатланмайдилар. Бошқалар кўтарила олмаган чўққиларни эгаллашга ҳаракат қиладилар.

— Мелиқўзи худди сиз таъриф қилганингиздек камтар йиғит,— гап бошлади раис.— Бизда бошқа механик-ҳайдовчилар ҳам бор. Мелиқўзи билан елкама-елка бўлиб ишлаётган Жўра Солнев, Мадали ва Раҳимжон Йўлдошевлар озгина тер тўкмадилар. Икки юз олтмиш икки гектар майдондаги пахтани машинада териб олишимиз керак эди. Лекин икки юз қирқ гектар ернинг пахтасини машинада тера олдик. Қолганини қўл билан теришга тўғри келди. Сабаби, майдон кулоброқ, текис эмасди. Шунинг учун баъзи ерларда ғўза ғовлаб, қисман ер қониқиб сув ҳам ичолмади. Ана, Мелиқўзининг ўзи ҳам келяпти.

Мелиқўзи теримчиларни оралаб ўтиб, уларга ниманидир уқтирди-да, этагидаги пахтани хирмонга тўкиб, биз томон йўл олди. У бирон ножўя иш қилиб уятга қолган кишидек кўзини ердан олмай биз билан саломлашди.

— Келинглар.

— Меҳмонларимиз сиз билан гаплашмоқчилар, қилган ишларингиздан, бригадангизнинг ютуқ ва камчиликларидан гапириб берар экансиз,— деди раис бир бизга, бир Мелиқўзига қараб.

Мелиқўзи мулойим табассум билан нотаниш меҳмонларни бир-бир кўздан кечириб:

— Мақтагулик ишимиз у қадар кўп эмас. Яхшиси камчилклардан гаплашсак дейман. Балки ҳурматли меҳмонларимизнинг саволлари бордир. Бизда ҳали ечилмаган аллақанча тугун-туғунчалар бор. Ёзувчи ўртоқларимизнинг ёрдамлари билан бу чигалларнинг учини топиб олсак, ёмон бўлмас эди.

— Қандай қилиб бир кунда машина билан етти тонна пахта тера олдингиз?

Мелиқўзи ўйланиб турмасдан:

— Пахтани мен эмас, машина терди. Мен фақат уни бошқардим,— деб жавоб берди.— Бизда икки хил терим машинаси бор эди. Ўтган йили мен «СХМ — 48М» машинаси билан пахта тергандим. Бу машина фақат бир эгат пахтани терарди. Бу йил ишлатган машинамиз — «СХМ — 1,2» бир йўла икки эгатдаги пахтани териб олади.

— Демак, бу йилгиси икки баробар ортиқ терар эканда? — дедим мен.

— Кўп теришга кўп теради. Лекин олдинги машина ҳам ёмон эмас. Бу машинани ҳам бошқара билсангиз, бир

ниш кунда эллик теримчининг ишини бемалол бажараверади,—деб изоҳ берди Мелиқўзи,—энди бир кунда етти тоннагача етказиб пахта терилгани масаласига келсак, бунинг сири жуда оддий. Агар механик-ҳайдовчи ўзи ишлатаётган машинанинг тилини, феълини яхшилаб билиб олмаса овора бўлади. Унинг ҳам ўзига яраша инжиқликлари бор-да. Мен теримга тушиш олдидан машинамда олти кун машқ қилдим. Унинг хусусиятларини синчиклаб ўргандим. Иккинчи октябрь кuni теримга тушиб, атиги икки ярим тонна пахта тердим. Шу бир кунлик иш менга номаълум бўлган аллақанча камчиликлар борлигини кўрсатди. Бир кунда икки ярим тонна! Уялганимдан дўстларимнинг кўзларига қараёлмасдим... «Яна шунча оширмасак, ҳаммага мазах бўламиз, шерик» десам, машинамдан: «Айб ўзингда хўжайин. Механик-ҳайдовчи деган бунақа ивирсимайди. Секундлардан минут, минутлардан соат пайдо бўлади. Жадалроқ ишлашга одат қил! Вақтдан унумлироқ фойдалан», деган таъналарни эшитаётгандек бўлдим. Шундан сўнг мен минутлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдим. Иш суръатини тезлаштирдим. Машинамнинг таънаси тўғри бўлиб чиқди. Бир кунда икки ярим тонна пахта ўрнига беш тонна тердим. Шунда беш тоннани-ку тердим, нега энди, бундан ҳам ошириб бўлмас экан, деб ўйланиб қолдим. Яна бир синаб кўрайчи, деб кўнглимга тугиб қўйдим. Кейин йўл қўйган камчиликларимни яна ҳисобга олиб чиқдим. Эртаси кuni терганим етти тоннага етди. Мана, ҳозир биз қолган-қутган пахталаримизни қўлда тераётирмиз,—деди майдондаги теримчиларни кўрсатиб Мелиқўзи.—Бу ерда мутлақо машина айбли эмас. Айб бизда! Колхозимизнинг кўп майдони юқори ҳосил беришга яроқли бўлса-да, пахтасини машина билан теришга яроқсиз. Ер қанчалик текис бўлса, ғўзани парвариш қилиш шунча қулайлашади. Ҳали бизда камчиликлар, хатолар оз эмас.

— Қанақа хато?—сўрадим мен.

— Хато деган, чамамда, қўполроқ эшитилса керак. Майли-да, одатим шунақа, тўғри гап турганда тилёғламалик қилишнинг нима кераги бор? Механизация тарафдори бўлиб, мажлисларда оғиз кўпиртирадиган акамларни мендан кўра яхшироқ биласизлар. Партиямизга раҳмат. Баъзи бир тили бошқа, дили бошқа акамларни ибрат учун бошлаб туртиб қўйди. Буни газетада ўқидик. Бундай раҳбарлар машиналарни сотиб олади-

лар. Лекин ишлаш учун эмас, хўжа кўрсин учун. Газета турткиси ҳарқалай фойда берди. Сводкаларда машина терими проценти кўрсатиладиган бўлиб қолди. «СХМ — 1,2» терим машинасини ёмон деганларнинг ўзлари ёмон.

Шу гап устига тўдадан ажралиб қаёққадир ғойиб бўлган мунозарачи ҳамроҳимиз келиб қолди-да, дарҳол гапга аралашди.

— Афтидан, машинангизга дам бериб, ўзингиз ҳам теримчилар билан пахта тераётган кўринасиз!— деди Мелиқўзига қараб.

— Кечирасиз, меҳмон,— деди Мелиқўзи бир оз ўнғайсизланиб,— тугри, машинамга ҳозир дам бердим. Ёмон ёки ношуд бўлгани учун эмас. Машинамиз ўз вазифасини ҳалоллик билан бажариб қўйди. Ҳозир биз пахтани қўлда тераётган бўлсак, бунинг сабаблари бор. Ана шу сабабларга ёлғиз сизнинг эмас,— деди бармоғи билан йўловчинини кўрсатиб у,— ҳамма колхоз раисларининг, барча ҳамкасабам — тракторчи, механизатор ўртоқларининг, далачилик бригадалари бошлиқларининг диққатларини тортгим келади. Бизнинг колхозимиз гарчи бу йил саккиз юз гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиб, икки томонлама ишлов берган бўлса-да, бу майдондаги пахталарни машинада териб олмоқчи эмасдик. Шунга қарамай, ғўзага икки томондан ишлов бериш колхозимизга катта фойда келтирди. Культивация кетмон ишини қарийб сиқиб чиқазди. Кетмончи хотин-қизларимизни яна бир оғир меҳнатдан бутунилай озод қилиш имкониятини вужудга келтирди. Пахтани машинада муваффақиятли териш учун, аввало, ер текис бўлиши керак. Машина билан пахта теришга бел боғлаган колхоз, албатта тайёргарликни куздан бошлаши керак; иккинчидан, терим машинаси кирадиган майдон эътибор билан танланиши, чигит 50х50 схемаси билан экилиши керак; учинчидан, энг муҳим ва пировардида ҳал қилувчи шарт: ғўзани говлатмасдан, бўйига торттирмасдан тарбиялашдир. Бу мақсадга эришмоқ учун ғўза яганасига жиддий эътибор бериш зарур. Пахтани сувга чўмилтирмай, танаси бақувват, сершоҳ ва сершона бўлишига эришиш керак. Мана шу шартлар мавжуд бўлиб, ҳамма колхоз ва совхозларда терим машинаси талаб қиладиган тадбирлар изчиллик билан амалга оширила борса, секин-аста шаҳар халқини, сунгроқ колхозчиларнинг ўзларини ҳам

теримдан озод қилиш мумкин бўлиб қолади. Албатта, ҳолва деган билан оғиз ширин бўлмайди. Аввало колхоз раҳбарлари, бундан кейин пахтачиликнинг ривожини техникасиз, терим машинасиз мумкин эмаслигини тушуниб олишлари, машинага бўлган ишончсизлик касалидан халос бўлишлари керак.

— Етти тонна пахта дафтарингизга неча меҳнат куни бўлиб ёзилди?— сўрадим мен.

— Ўн тўрт меҳнат куни, — жавоб берди Мелиқўзи.

— Ҳар бир меҳнат кунига неча сўмдан ҳақ олдингиз?

— Ҳозирча йиғирма сўм ҳисобидан аванс бериляпти.

— Демак, кунига икки юз саксон сўмдан тўғри келар экан-да?

— Ҳа, теримда ўн беш кун ишлаб, колхоздан уч минг сўм ҳақ олдим. Гап пулда эмас. Биз келгуси йилда ўз бригадамизда бутун теримни машинада ўтказамиз. Шудгорни еттинчи октябрча тамомлаб, дала ишидан қутуламиз. Улуғ Октябрни хотиржамлик билан байрам қилиш ниятидамиз.

Механик-ҳайдовчи Мелиқўзи Умурзоқов билан бўлган бу суҳбат бир минг тўққиз юз эллик саккизинчи йилнинг йиғирма бешинчи октябрь куни Поп районидаги Ленин номли колхозда бўлиб ўтган эди ва «Наманган ҳақиқати» газетасида «Мелиқўзи» номли очерким босилганди. Мана, орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мелиқўзи нима гап айтган бўлса гапининг устидан чиқди. Бир юз олти гектар ерда юқори ҳосил етиштирди ва ҳар гектаридан эллик икки центнердан ошириб «оқ олтин» кўтарди. Мелиқўзи бригадаси колхозда биринчи бўлиб планини бажарди. У ўтган йили икки юз эллик бир тонна пахта терган эди. Бир минг тўққиз юз олтмишинчи йилда уч юз тонна теришга ваъда берди.

«ХВС — 1,2» терим машинасида ҳар куни ўн тоннага етказиб пахта терган Мелиқўзи Умурзоқов совет техникасининг донгини дунёга ёйди, фидокорона меҳнати туфайли шон-шуҳратли механик-ҳайдовчиларнинг қарвонбосиси бўлиб қолди.

Республикамизда Мелиқўзи, Турсуноилар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

— Мен, — деб ёзади ўзининг бир хатида Мелиқўзи Умурзоқов,— бир минг тўққиз юз олтмишинчи йилда механик-ҳайдовчиларнинг янги отрядини тарбиялаб етиштириш тўғрисидаги Турсуной Охунованинг чақириғини

мамуният билан қабул қиламан ва хотиним Саодат-хонни механик-ҳайдовчи қилиб тайёрлайман.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, коммунист Мелиқўзи Умурзоқов бу ваъдасини ҳам шараф билан бажарди. Пахтани машина билан теришда ҳаммага намуна бўлиб келган Мелиқўзи етти йилликнинг иккинчи йили вазифаларини ҳам ошириб бажаришдек улуғвор ҳаракатда ўрнатқан бўлиб қолишига аминмиз.

Д О Н

I

Елғизоёқ йўлдан қирга томон ўриб чиқаётган бир тўда аёлларни ўз оғзига қаратиб бораётган Маъсумайнинг сўзини кимдир бўлди:

— Улар... Бўлмаган гап... Бугдой уруғи, Одам ота билан бирга беҳишдан чиққан! Сени қара-ю... Бугдой уруғини ўйлаб топиб бўлармиши? Бўлмаса Бекбой сени тозаям лақиллатибди-да...

Хотинлар кулгисидан Оғажон дараси жаранглаб кетди.

— Куладиган гап эмас бу, кулманглар,— деди Маъсумай ўз даъвосини исботлашга уриниб.

— Бекбой буни тоза лақиллатибди,— деди яна бир жувон.

— Йўқ!— деди кескин бир вазиятда Маъсумай.

— Бекбой ёлғон гапирадиган йигит эмас...

— Бекбой ёлғон гапирадиган йигит бўлмаса ҳам, лекин...

— Лекин-пекини йўқ. Одамнинг оғзидан гапини юлиб олманг, бир киши гапини айтиб бўлгунча сабр қилинг.

— Ҳе, алам қилдими?

— Бўлди энди, қани гапини тамом қилсин,— деди жувон,— қулоқ солайлик-чи...

Орага жимлик чўкди. Аёллар гўё «дим-дим» ўйнагандек чурқ этмай қирга қараб юра бошладилар.

— Қочиб кетган эмас. Ғаллаорол райони ўзимизга қўшни, мана шу қирнинг орқасида.

— Хўш, Ғаллаорол райони қўшнимиз эканлигини сенсиз ҳам биламиз, ёки буни ҳам Бекбойдан эшитдингми,— деди Маъсумайнинг жиғига тегиб бир хотин.

— Қўйсангиз-чи! Бас-да энди... Гапга гап қўшаверар экансиз-да!

— Гапиравер Маъсума. Унинг гапига қулоқ солма!

— Ҳой, гапини бўлма энди, сен эшитмасанг — биз эшитамиз.

— Бўпти, гапирмайман.

— Ғаллаорол районида бир рус олими яшар экан. Шу уруғни топиш учун ўн беш йил овора бўлган эмиш. Бу уруғнинг уни сутдек оқ бўлармиш, пони қаймоқ мазасини берар эмиш...

— Ҳой-чи эмиш, хотинлар-чи эмиш, бундан кейин-чи эмиш, еганимиз қаймоқлик патир бўлар эмиш.

Хотинлар хахолаб кулишди.

— Кулаверинглар-чи, эрта туриб яна шу уруғни ўзларингиз экасизлар, ўзларингиз йиғасизлар...

— Маъсума патир ёпади,— деб гап қўшди яна ҳалиги хотини.

— Албатта ёпаман,— деди Маъсума.

Маъсумаойнинг бу гапига хотинлар шундай кулги кўтардиларки, бу кулги Оғажон дарасининг акс-садоси билан қўшилишиб, гўё бир маърака одамлар кулги кўтараётгандек гўмбирлаб кетди.

— Шундай, қизлар! Ана шу буғдой уруғи Бекбойнинг участкасига экилар экан. Агар,— деди Маъсумаой аёлларга гап уқдириб,— бу уруғ экиладиган ер тобига етказиб ҳайдалса, агроном билан кенгашиб иш кўрилса, уруғ ўз вақтида экилса, талаб қилинган ўтоғи ўтказилиб, бегона ўтнинг илдизи қуритилса, ҳар бир дондан 25 поя, ҳар бошоқдан 40 дон олса бўлар эмиш.

— Шу гапга ишонасизларми? — деб савол берди тингловчи аёлларга, ҳалиги ишонмаётган хотини.

— Бу илми ғойиб... Ҳозирча бир нарсга дейиш қийин. Лекин дунёда пайдо бўлаётган ҳамма нарсга илм орқасида юзага чиқаётганига қараганда, албатта ишонса бўлади,— деди Турди хола.

— Тўғри,— деб тасдиқлашди бошқа аёллар.

— Яхши ният, ярим давлат, опа, ажаб эмаски ўша олимнинг орқасидан катта ҳосил етиштириб пахтакорларга ўхшаб бизнинг ҳам ҳамма ёққа донғимиз кетса.

— Ҳа-я,— деди Турди холанинг ниятига неклик тилаб Норбуви.— Сидқидил билан меҳнат қилган киши қуруқ қолмайди албатта.

1947 йилнинг 21 март кунини ўртоқ Малин агрегати билан бир вақтда, «Иттифоқ» колхозининг барча аъзолари далага чиқдилар. Баҳори экиш ишини бошлаб юборди-

лар. Селекциячи И. М. Юданов ижод қилган «Ватан» юмли янги нав бугдой уруғи экилаётган Бекбой Мажидов бригадасининг участкасидаги дала иши айниқса намунали ташкил қилинди.

Колхоз правлениеси уруғлик экилаётган Мажидов участкасига агроном Прагерни биркитиб қўйди. «Ватан» уруғи биринчи маротаба республикамизнинг тоғлик райониغا экилиб тажриба қилинмоқда эди. Мажидов бригадасининг барча аъзолари Малин агрегати билан бир маромда ҳаракат қилиб, кечалари машъала нурида ер бағрини тилар ва дон экар эдилар.

Ер ҳайдаш, дон экишни юқори сифат билан ўтказиш туғрисида тажрибакор тракторчи Ширимов билан шартлашган тракторчи 17 яшар Тўра Қомилов зиммасига олган вазифани шу қадар қойил қилиб бажардики, ҳатто унинг донги «Сойхон» тоғларининг баланд чуққиларидан ўтиб юзлаб тракторчи ҳамкасбларининг қулоғига етди.

Малинагрегати кеча-кундуз ер ҳайдади. Маъсумаой звеносининг аъзолари от-улов юролмайдиган ёлғизоёқ тоғ йўлини тиндалаб уч километр узоқликдаги «Оғажон» булоғидан кечалари мишжа қоқмасдан тракторларга сув ташир эдилар. Ҳасанов звеносининг аъзолари агроном Прагер раҳбарлигида уруғларини дорилаб экишга етказиб турган бўлса, бригаданинг бошқа аъзолари машъал чироғлар нурида кун ботгандан кун чиққанча дала ишининг муваффақияти учун фидокорлик билан тер тўкардилар.

3

Орадан кўп вақт ўтмади. Янги нав уруғ униб чиқди. Оғажоннинг сой ва қирларига зангор гилам тўшалди. Сойхон водийсининг иқлими «Ватан» уругининг ижодчиси Юданов ўйлагандан ҳам ортиқ бўлиб чиқди. «Ватан»ни эркалаб эсаётган Оғажоннинг майин, оромбахш шабадаси, «Ватан» мижозига ёқиб тушганидан, соат ва кунлар ўтиши билан авж олиб, бўйига бўй қўшилмоқда эди.

Янги нав бугдой қаришга етганда биринчи ўтоқ бошланадиган бўлди. Агроном Прагер бригада аъзоларини тўплаб, ўтоқни қандай ўтказиш ҳақида тушунтириш ўтказди, амалий равишда ўтоқ қилиб кўрсатди. Биринчи ўтоқ бошланди.

Тунларни қувлаб кунлар ўтди. Май ойи келиб етди. Май қуёши хамирдек жўпчиб ётган тупроққа нур сепиб «Ватан»ни қитиқлай бошлади. «Ватан» иккинчи даврга кирди, бўйга тортиб, поя чиқарди. Иккинчи ўтоқ бошланди.

Колхоз раиси билан агроном Прагер буғдойзорни оралаб «Ватан»ни кўздан кечирав ва хотира дафтарини варақлаб раисга ниманидир уқдирар эди. Бригадир Бекбой келиб буларнинг суҳбатига гап қўшди.

— Анна опа,— деди у қўлидаги уч дона буғдой пояни Прагерга узатиб,— бунинг фарқини кўрдингизми?

Прагер яна хотира дафтарчасини варақлади-да, олдинма-кейин экилган буғдойларнинг ўсишидаги фарқни кўрсатиб берди.

— Агар биз,— деди бригадир Бекбой Прагер қўлидаги бўғинсиз ва бир-икки бўғинли пояларни олиб,— донни уч кун илгари сочиб улгурганимизда, ажойиб иш қилган булар эканмиз-да...

4

«Ватан» бошоқ чиқариб хамирга кирганда учинчи ўтоқ ўтказилди. Қуёш кун сайин қизита бошлади. Ҳавонинг ёғмай қолишидан ғаллакорларнинг юраги така-пука бўлиб, ҳамманинг кўзи осмонга тикилган эди. Ҳавода пайдо бўлган қора булутлар осмон гумбазида сайр этар, баҳрасиз сояларини экинлар устига ташлаб, кўк юзидан бир зумда гойиб бўлар эди.

Звено бошлиғи Маъсумаой, Авлиёқул, Турди, Чўлибек, Алиқул акалар ғалла участкасини айланиб чиқиб, тепа бағрида тик туриб участкани кўздан кечираётган колхоз раҳбарларининг ёнига бордилар.

— Беҳудага дилларингни сиёҳ қиласизлар,— деб тасалли берди колхозчиларга Прагер зангори денгиздек тўлқинланиб турган буғдой пайкалига қўлини узатиб:— «Ватан» уруғи иссиқда бардош берадиган кўринади. Яна ўн кун ёмғир ёғмаган вақтда ҳам «Ватан» ўзини олдирмайди.

Прагер бу сўзни айтиши билан колхозчи аёлларнинг қўршовида қолди. Колхоз аёллари уни ўраб олиб, гапга сөлишарди.

Кутилмаган бир вақтда Нурота тоғлари тепасида момақалдиروқ гумбурлади.

— Яшин! Яшин тушди, Маъсумаой опа! — деб қичқирди Ойимбиби деган пионер қизча.

— Қўрқма қизим, бахтинг кулди, ёмғир ёгадиган бўлди,— деди Маъсумаой севинчиши ичига сигдира олмасдан.

Бир зумда осмонни қора булут қоплаб олди. Осмон гумбази гуё қора парда билан қопланди. Момақалди роқ ваҳимали довулини қоқиб, гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда чақмоқ чақар эди. Бугдойзорни эса, ёмғир савалай бошлади. Пана жой бўлмаганидан ёмғирда ивиган колхозчилар, «Ивисак-ивибмиз-да, бу ёмғирнинг ҳар бир томчиси тиллага татиб кетди-ку» деб қувона-қувона қишлоққа қайтдилар.

5

Бекбой Мажидов ўз бригадаси аъзолари билан birlikда бугун одатдагидан кўра барвақт далага чиқди. Улар кетидан изма-из етиб келган раис ва агроном бригада аъзолари билан саломлашдилар. Маъсумаойни пана лаб турган пионер қизча қизил галстугини шовиллиб тузатди-да, олдинга чиқди, ун қўлини баланд кўтариб:

— Доим тайёр! — деди.

— Яша қизим,— деди раис Ойимбибини эркалаб.

Ойимбиби чап қўлини нимагадир орқасига яшириб тик турар эди. Бу раисга қизиқ туюлди.

— Чап қўлингда нима не бор, қизим?

— Ҳеч нарсa.

Раис қайрилиб қараб деди:

— Бу кимнинг ўроғи?

Ойимбиби лола сингари қип-қизариб жим тура берди. Бригадир Бекбой гапга аралашди.

— Ҳали хабарингиз йўқмиди, раис,— деди у Ойимбибининг қўлидаги жажжигина янги ўроқчани олиб.— Ўроқ ясатиб беринг, мен ҳам бугдой ўраман, деб жопи-ҳолимага қўйдими, бу қизча?

— Ўроқча бунчалик меҳр қўйсанг, ўқишинг нима бўлади, қизим?— деди раис.

— Ўқиш бошлангунча бугдойни ўриб тамоm қиямиз-да,— деди Ойимбиби худди ўроғи қўлидан кетадигандек қўлини бригадир қўлидаги ўроқчага узатиб.

— Ундай бўлса тузук,— деди раис қизнинг бошини силаб,— яна чарчаб қолиб, ўқишдан кейинда қолма!

— Уроқ ўрса ҳам чарчар экан-да, киши!

— Ахир ҳали сен катта киши бўлганинг йўқ-да. Ёши етмай, иш битмас, дейдилар.

— Катталардан қолишмасам бўптими?

— Йўқ. Катталарча иш қилолмайсан. Башарти қилолганингда ҳам биз рухсат бермаймиз. Чунки ҳали ёшсан...

Раиснинг «Катталарча иш қилолмайсан!» деган гапи Ойимбибига қаттиқ тегди. У юзини четга буриб бошини эгди, чап қўлини ерга тираб олиб жажжи ўроқчаси билан ер чиза бошлади. Маъсумаой Ойимбибига қайрилиб қаради, унинг ҳолатидан таъсирланиб пастки лабини тишлади, бошини чайқади ва пионер қизни кузатиб турган колхозчи хотин-қизларга имо қилиб раисга кўзини қисди:

— Раис, сизнинг хабарингиз йўқ. Ойимбиби биз билан мусобақалашмоқчи.

— Хайр, бутунлай хабарсиз эканман-ку?

— Ҳа... Биз айтмасак сиз қаёқдан биласиз ахир. Энди рухсат бермасангиз бўлмайди.

Ҳазилнинг чинга айланиб боришидан ташвишланган раис, «Қўполлик қилиб қўйдим чамаси» деган мулоҳазани кўнгилдан ўтказди.

— Майли, Ойимбиби мусобақалашингга рози бўлса, мен ҳам рози,— деди.

Раиснинг «қўполлигидан» тўнини тескари кийиб чапга қараб ўтирган Ойимбиби шошиб-пишиб юзини Маъсумаойга ўгирди. Колхозчилар уни кузатиб тураётди. Ойимбиби колхозчиларга қаради. Қўпчиликнинг ҳаёси босган бўлса керак, у қора кўзларини ерга қадаб:

— Майли! Мусобақалашаман,— деди.

Раис Ойимбибининг олдига бориб, унинг қўлидан ушлаб турғизди:

— Мен, ҳаммаларингнинг гувоҳликларингизда мусобақага бир қўй тикаман. Шарти шуки: бир бошоқ ҳам ерга тушмаслиги керак. Қўй кундалик нормани 250 процент қилиб бажарганники. Нормани бажаришга келганда, ўроқчи хоҳласин бир соатда бажарсин, хоҳласин кун чиққандан кун ботгангача бажарсин. Бу томони ишловчининг ихтиёрида. Ишни ҳисобга олиш бригадир, табелчи ва турт звено бошлиқларига топширилади. Билмаган-

лар билиб олишлари керакки, биз бугдойни атайлаб машина билан урмаётганимизга сабаб, бу бугдой янги уруғ. Бунинг бир бошоғи эмас, бир донаси ҳам nobуд бўлмаслиги керак.

Раиснинг рухсати билан бригада аъзолари бир кишидек ўринларидан турдилар. Булар ичида Ойимбибининг жажжи ўроқчиси ярқираб кўринар эди.

Жиззах районининг Сойхон қишлоқ советидаги «Иттифоқ» уруғчилик колхозида Бекбой Мажидов бригадирлик қилаётган участканинг 80 гектар ерига, Давлат селекция станциясининг Милютин бўлимининг мудири ўртоқ Юданов ижод қилган «Ватан» уруғидан экилган эди.

Биринчи марта тоғлик районга экиб тажриба қилинган «Ватан» уруғи ажойиб самаралар берди. Ҳалигача баҳорикорлик районларда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган энг юқори ҳосил олишга эришилди.

Колхоз раисининг: «Ҳали катталар ишини бажаришга ёшлик қиласан»,— деган сузига ори келиб катталар билан кўп ўришга баҳслашган 14 яшар пионер қиз Ойимбиби, опалари Маъсумаой, Турди, Марзияхонлар билан бир қаторда туриб ўроқ ўрди. «Ватан» уруғининг ҳар бир донасида 875 дона бугдой егиштирган 25 пояни кичик позик қўллари билан тутамлаб поянинг тубига ўроқ солганда, унинг жажжи ўроқчасининг жараанглаган овоз мусобақадoshi Маъсума опасини шошилтирар эди.

У 0,08 гектар ернинг бугдойини ўриш ўрнига 0,21 гектар ернинг бугдойини ўриб, кундалик нормани 250 процент қилиб бажарди. Раис томонидан қўйилган шартларни бажариб, пионер қизча Ойимбиби мусобақа ғолиби бўлди.

Жиззах. 1947 йил.

ҚУРБОНАЛИ ПОЛВОН

Қурбоналининг кўчи ортилган арава бостирманинг олдига келиб тўхтади. Бир ярим яшар қизини бағрига босиб арава устида утирган Зебинисо:

— Кимсан, етдикми, а? — деб эри Қурбонали полвондан сўради.

Қурбонали аравадан сакраб тушиб, қўлини хотинига томон узатди.

— Қизингни менга бер... Вой бўй, тезроқ қимирласанг-чи!

— Хаҳ, мунча қистов?

— Бўл, туша қол.

Дадасига талпиниб турган Қимсанни Зебинисо эрига узатди-да, ўзи араванинг устида тикка туриб, ҳанг-манг бўлиб тўрт томонга қарай бошлади.

— Оббо хамири ачимаган-эй, туша қолмайсанми энди?

— Тушмайман.

— Тушмайсан, нега?

— Бу қиёқзорда менинг итим адашган эмас. Қаерга олиб келдингиз мени ахир, ваҳиманинг уяси-ку бу.

— Валдирамасанг-чи, Қимсан, кел туша қол, ваҳиманинг уяси деганинг нимаси, ер бор, сув бор. Яна сенга нима керак?

— Ер-сув бор эмиш... Ер-сув бошқа ерда йўқми?

— Бошқа жойларда ҳам ер-сув бор. Лекин бу ерни ҳам обод қилиш керак-да!

— Боринг, сиз қолаверинг.

— Сен-чи?

— Мен кетаман.

Қурбонали полвон араванинг устидаги шолчани ўнг қўли билан тортиб олиб ерга солди ва қизи Қимсанхонни шолча устига ўтқазди. Ўзи арава устидан қозон, чойдиш, кўрпа-ёстиқ, усти яланғоч бешик ва қуроқ дастурхонга ўралган бир тугунчасини олиб ерга қўйди.

— Ҳозирча бу қиёқзор сенинг кўзингга ваҳиманинг уяси бўлиб кўриняпти,— деди Қурбонали ўзининг кўркам ва йўғон гавдасини хотини томон эгиб,— лекин кўрарсан — орадан сал вақт ўтмай бу ерлар шундай обод бўлсинки... Қиёқларни йўқотамиз, пахта кўкартирамиз, уй соламиз, боғ қиламиз... Кела қол, қўлингни бер менга, хотин!

Зебинисо юмшади ва қўлини эрига узатди.

* * *

Қурбонали совхозга кўчиб келган йилининг учинчи кундаёқ пахта экиш учун икки гектар қиёқ босиб ётган зах ерни янгидан очишга киришди. Бундан хабар топган баъзи одамлар: «Бола тушмагур охирини ўйламади, қадамни катта ташлаб қўйди. Икки гектар қиёқ босган ер амакиси бўлмайди. Кўрарсан, баҳорга етмай қочиб кетади бу гўжа полвон» деб ундан кулар эдилар.

Бу таъна-тазарруқларни эшитаётган Қурбонали полвон кўзини кўр, қулоғини қар қилди. У ўз сўзининг устидан чиқишдан бўлак ҳеч нарсани ўйламади. Гарчи трактор Қурбонали учун ажратилган қиёқзор ернинг остини устига ағдариб ташлаган бўлса ҳам, трактордан кейин ҳам йил бўйига ўн кетмончига етарли иш топилар эди. Бутун бошлик бир совхоздан Қурбонали полвон ўзига ярадли кетмон тона олмади. У, мен чопадиган кетмон энг камида бир пуд тупроқни ағдариши шарт, деганда, атрофдагилар уни мазаҳ қилиб кулишди. Лекин совхоз директори янги кетмон ясатиб бериш учун Қурбонали полвонга ваъда берди. Ғайри табиий бўлиб кўринган бу ҳодисадан таъсирланган баъзи кишилар Қурбонали полвоннинг бу ҳаракатини: «Иш ёқмаснинг баҳонаси бу» деб, чекка-чеккада туриб уни эрмак қила бошладилар.

* * *

Март ойи. Кеча ойдин, аёз. Қош қорайганда Қурбонали билан хотини трактор ағдариб кетган ер тепасига чиқиб бориб, ер атрофига таноб тортиб, қозіқ қоқдилар. Ер захкаш, зовур қазимай туриб бу ернинг захини аритиб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам ойдин ва аёз кечада

Қурбонали полвон зовур қазнишга киришди. Оддий кишилар кўзига баҳайбат бўлиб кўринган Қурбонали полвоннинг кетмони, кенг яғринининг икки томонига бир жуфт одам бемалол ўлтириши мумкин бўлган кўркем ва салобатли Қурбонали полвоннинг йўғон қўлларида жуда енгил ишлаётгани табиий кўринар эди. У бир кечанинг ўзида зовурни қазиб тугатди. Тонг бўзара бошлаганда, хотини билан уйига қайтиб кетдилар.

Эртаси куни ер ёқасидан ўтган кишилар очилган ер атрофида бир метрдан чуқур қилиб қазилган зовур пайдо бўлганини кўриб ҳайрон бўлдилар. Ёқаларини ушладилар.

Ана-мана дегунча баҳор ўтиб, куз келди. Жўжалар саналди. Ўша йилда бир гектар ерни икки киши ишлашиб, ўрта ҳисобда 3,5 центнердан пахта олган бўлсалар, Қурбонали полвоннинг бир ўзи икки гектар қиёқзор ерни янгидан очиб, ҳар гектар ердан 13 центнердан пахта олган эди.

* * *

Зебинисо эри Қурбоналининг далага чиқиб кетишга шошиляётганини сизди-да:

— Кимсан, қани бу ерга ўтиринг-чи,— деди.

Эри товуш чиқармасдан чўкка тушди.

— Мана, шукур. Кимсан энди кичик эмас, 15 га кирди,— деб сўз бошлади Зебинисо.— Укалари ёнингизга киргунича, майли, Кимсан сизнинг ёнингизда бўлсин. Абдурахим билан Абдукарим дастёр бўлиб қолишди. Акаси мактабга борганда укаси Хайринисога қараб турар. Кимсанхон сизнинг звенонгизда ишламоқчи экан; майли ишласин.

— Майли,— деб қатъий жавоб берди Қурбонали полвон қизига қараб.— Лекин, қизим, звенодаги дугоналаринг 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишга сўз берганлар.

— Майли, мен ҳам ваъда бераман. Укам Хайринисонинг пойқадами хайрли бўлиб, бу йил 50 центнер ўрнига 60 центнердан пахта етиштирсак,— деди кулиб Кимсанхон.

— Майли, ҳосил меҳнат билан вужудга келади. Пахта меҳнатни севади. Меҳнатингни аямасанг, унумга

унум, ҳосилга ҳосил қўшила беради,— деди Қурбонали полвон.

Қимсанхон отасининг таклифи билан ўрнидан турди. Қурбонали полвон кўркем ва баҳайбат гавдасини икки букиб уй эшигидан чиқди ва қизи билан ғалтак сургани далага йўл олди.

Уйқу ва ҳаловатнинг баҳридан кечиб, ҳар бир гектар ердан 70 минг туп ғўзани хатосиз ундириб олиш — Қурбонали полвон звеносида одат ҳукмига кириб қолди. Ҳар бир туп ғўза 25 дан 50 га етказиб гул очиб, жуда кўп кўрак тугди.

Гитлерчи фашистлар қудратли Совет Армияси томонидан тор-мор қилинган зафарли 1945 йилда, Қурбонали полвон бошлиқ звено ҳам меҳнат фронтида катта ғалаба қозонди. 10 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 67 ярим центнердан пахта олиб, душман устидан ғалаба қозонган қаҳрамонларга муносиб совға қилди.

Фашист босқинчилар халқ хўжалигига тенгсиз зиён-заҳмат етказдилар. Уруш оқибатида вужудга келган жароҳатларни тез орада даволаб олиш тўғрисидаги доно Коммунистик партиямизнинг чақириги, Қурбонали полвон бошлиқ звено аъзоларини янгидан-янги ғалабаларга эришиш учун курашга илҳомлантирди. Ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиш натижасида 1946 йилда ҳам Қурбонали полвон бошлиқ звено 10 гектар ерга чигит экиб, унинг ҳар бир гектаридан 68,5 центнердан ҳосил етиштиришга муяссар бўлди.

* * *

1947 йилда Қурбонали полвон звеноси 7 гектар ерга чигит экиди. Баҳорда об-ҳаво ноқулай келишига қарамасдан, бу звенодаги кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасида пахтадан яна мўл ҳосил етиштирилди.

Пахталар оппоқ очилиб, айни терим пайтига етганда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ҳисобга олиш давлат инспектори келиб, Қурбонали полвон звеносида етиштирилган пахта ҳосилини текшира бошлади. Давлат мажбурияти юзасидан Қурбонали полвон звеноси ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта топшириши керак эди. Лекин давлат инспектори звенонинг 3 гектар еридан камида 85 центнердан, 4 гектар еридан эса камида 65 центнердан ҳосил олиш мумкин эканлигини аниқлади.

Ҳосилга ҳосил қўшиш устида меҳнат қилиб катта ютуққа эришгани учун, эллик центнерчи ўртоқ Исматуллаев бригадасининг звено бошлиғи Қурбонали Эрматов «Меҳнат Қизил байроқ» ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан тақдирланди. Совхоз дирекцияси она-болалик бир гавмуш сигир билан, звено аъзолари Шарофатхон Холбоева, Маролхон Арслонқулова, Кимёхон Исматуллаева ва Тошбой Йўлдошев ўртоқларни биттадан қўй ва бошқа қимматбаҳо нарсалар билан мукофотлади.

* * *

Бундан 15 йил бурун «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозига кўчиб келган Қурбонали полвоннинг ўтмиши ва ҳозирги иши ана шундай. Лекин Қурбоналининг у кунлари орқада қолиб кетди. У бир ярим яшар қизи Кимсанхондан, бир бешик ва қора қозондан ўзга давлатга эга эмас эди. Қиёқзордан чўчиб: «Бу қиёқзорда менинг итим адашган эмас, мени қаерга олиб келдингиз, кетаман» деб арава устида туриб олган Зебинисо ҳозир етти боланинг онаси бўлди. Бир ярим яшар Кимсанхон етти йиллик мактабни битирди. Отаси билан бирга ишлаб пахта устаси бўлиб олди. Кимсанхоннинг укалари эса мактабда ўқиб таълим олмоқдалар.

Зебинисо совхозда эри билан бирга ҳалол меҳнат қилди. Меҳнат роҳатга айланди. Янги боғдаги мева дарахтлари ҳосилга кирди, бостирмада икки гавмуш сигир кавш қайтариб ётмоқда, унинг қўй-эчкилари ҳам бор.

Қурбонали полвон оиласи пахта ва меҳнат орқасидан бахт топди. Илгари қолоқ ва қашшоқ бўлган бу оила маданиятли ва давлатманд оилага айланди.

*«Ўзбекистон беш йиллиги» совхози,
1949 йил.*

СУЛТОН БЎЗЧИНИНГ НЕВАРАЛАРИ

I

Султон бўзчининг хотини Ойша бибиши тўлғоқ тутиб ётганда кўча эшигини биров қоқди. Хотири паришон Султон бўзчи камон сингари эгилган қаддини икки қўл ёрдами билан тиклаб, базўр ўрнидан турди. У уйда дард тутиб ётган хотинидан кўнгил узолмай кўча эшигини очди.

— Нега ишни олиб чиқмадингиз?

— Ассалому алайкум... Келинг. Қодирхўжа... Қани ичкарига.

— Шошиб турибман. Эрта бозор. Қаламини олиб чиқинг. Қўл билан бериб, оёқ билан югуриш яхшими!

— Заифамизнинг оёғи огирлашиб, бу ҳафта иш чиқаза олмай қолдим.

— Бўнак олаётганингизда бундай гаплар бўлгани йўқ эди-ку?

— Насиб бўлса, бу ҳафта тўқиб бераман.

— Ҳе, йўқ! Ҳозир иложини қиласиз. Бўнакчининг пули ургочи бўлади... Биласизми, бир сўм бир ҳафтада неча танга туғади?

— Ургочи пул ишлатиб кўрган эмасман.

— Олтита ишга пул олгансиз. Эрта ҳафта еттита қилиб берасиз.

— Инсоф қилинг.

— Ҳа, ҳали ҳам инсоф қилдим, — деди йўл олиб Қодирхўжа. — Мендан бўлак бўнакчининг қўлига тушганингизда, бирини икки қилиб оларди.

Султон бўзчи эс-ҳушидан ажралиб йўлакка етганда, ичкаридан чақалоқнинг чинқириви эшитилди.

II

Кексайганда ўғил кўрган Султон бўзчи қизиқ одат чиқариб қолди. Ўзи қоронғу уйда иш тўқиб ўтирарди-юз

— Кампир, ҳу кампир, Саксонбойни олиб келинг, бир оз ўйнашайлик, болапақир зерикиб қолгандир, — деб қичқирарди.

Гулсум кампир эса:

— Ҳой куёв, сизга бир гап бўлдим, зиғирдек бола зерикишни қаёқдан билсин, ҳали?— дерди.

Султон бўзчи ипи тугаган найчани олиб саватчага ташлади. Энг охирги ипли найчани мокига солиб, саватчани кампирга узатди.

— Ушланг, нега зиғирдек дейсиз, Саксон полвон денг. Менга дарров найча тўғрилаб беринглар... Саксон полвонга бориб айтнинг, кўп уйқучи бўлмасинлар, зерикканларида бизни йўқлаб чиқиб турсинлар.

Гулсум кампир Султон бўзчининг гапидан завқланиб кула-кула найча солинган саватчани унинг қўлидан олди.

— Саксон полвон чиқавериб ҳали сизни зериктирар ҳам... Эсингиздами, тонг отса Қодирхўжа қаламисини қистаб келади.

— Ҳа, эсимда, олтита қалами урнига еттига қалами талаб қилди. Майли, неварангиз Саксонбойнинг бош-кундан садақа. Қандай қиламиз... Нокаст экан...

— Қарз билан жонни бериб қутулмасдан бўладими, куёв,— деди Гулсум кампир, чолнинг жадал билан отилаётган мокисига мароқ билан кўз тикиб.

Султон бўзчи шу бир ҳафта ичида кеча-кундуз дўкондан чиқмай иш тўқиди деса бўлади. Чолнинг руҳи-еўлғин, кўзлари ич-ичига кириб кетган эди. Чолдаги бу ўзгаришдан ташвиш тортган Гулсум кампир:

— Қарздорлик қурсин, куёв, уриниб қолибсиз... Озгина дам олсангиз-чи,— деди.

Чол жавоб бермади. У икки букилган гавдасини куч билан қимирлатар ва зўр бериб моки отар эди.

Гулсум кампир саватчага найча тўлдириб қайтиб чиққанда куёви Султон бўзчини икки қўли икки ёнига оспилган ва ўзи муккаси билан дўконга ётиб қолган ҳолатда кўрди. Гулсум кампир олдин, чол шўрлик чарчади, уйқу ғалаба қилибди-да, деган хаёлини кўнглидан ўтказди. У яна шубҳаланди.

— А... Тавба... бу қанақа уйқу бўлди? Ҳой куёв, ухлагингизми? А... Ухлаганга ўхшамайсиз-ку...

Гулсум кампир уни уйғотмоқчи бўлиб кўп уринди. Лекин уйғота олмади. Султон бўзчи бунакчи Қодирхўжа-

нинг гапини эшитишдан ор қилиб, кеча-кундиз иш тўқиди. У яна яримта қаламини тўқиб тугатганда, қарзини узган бўлар эди. Лекин у тугата олмади. Олтмиш беш йиллик қадрдон дастгоҳига бош қўйиб абадий уйқуга кетган эди.

III

Султон бўзчининг ўғли Муҳаммаджоннинг толеи паст кетди. Отасининг вафотидан бир оз кейин онаси Ойшабиби ҳам вафот топди. Муҳаммаджон доя бувиси Гулсум кампир тарбиясида қолди. Ҳали етти ёшга тўлмаган Муҳаммаджоннинг зийрак ва тиришқоқлиги, доя бувиси Гулсум кампирда янги бир ҳавас уйғотди. Муҳаммаджонни мактабга берди.

Муҳаммаджон шу йил ичида етти йил мобайнида ўқитган бой болаларининг баъзиларидан ўзиб кетди. Етимча, назар-ногирон Муҳаммаджон оғизга тушиб, пешқадамлар қаторига кириб қолди. Бу эса бой болаларининг аламига алам қўшди. Аламзада бойваччалар Муҳаммаджонни турткилар, камбағаллигини таъна қилар, бўлар-бўлмасга домлага чақиб, урдирар эдилар.

Муҳаммаджон берилган сабоқларни тез ўзлаштириб, янги сабоқ олиш учун тиришиб ўқир эди. Бу эса «Қуруқ сўз қулоққа ёмас» қабилида домлага ёқмас эди. Кунлардан бир кун Муҳаммаджон янги сабоққа кўчадиган бўлганда домласи:

— Бас! Иззатинг битди, доя бувингга бориб айт! Агар озодлик келтирмасанг янги сабоққа тушмайсан!— деди.

Бу ерда ҳам омад эшиги Муҳаммаджон учун ёпилиб қолди. Доя бувиси Гулсум кампир кўпдан бери касал эди. У ким кўринганга: «Айлансин онанг... кўпдан бери силлам қуриб юрибди... Кўкрагимда муштумдек бир нарсаяқори чиқиб, пастга тушади... Нафасим сиқилади» деб ҳасрат қилар, ўз дардига нажот сўрар эди.

Муҳаммаджон уйга қайтганда, Гулсум кампир чалқанча тушиб бурчакда ётар эди. Кажрафтор фалак Муҳаммаджонга кулиб боқмади... Унинг ягона ғамхўри ва ғамгузори Гулсум кампирнинг меҳрибон кўзлари энди нурсиз... Муҳаммаджон Гулсум кампирнинг жонсиз гавдасини қучиб фарёд қилди... Йиғлади. Лекин бувиси эшитмади, нурсиз кўзларини бақрайтирганича шифтга

тикилиб ёта берди... Ягона ғамхўридан ажраган Муҳаммаджон кўчада қолди.

IV

Улуғ Октябрь ўзгариши Муҳаммаджонга ўхшаганларнинг жонларига ора кирди. Йигирма ёшга қадар ҳаёт излаб тополмаган, билим излаб боши тошга теккан Муҳаммаджон тамом бошқа бир дунёда, одамлар нима орзу қилсалар, орзуларига етишадиган янги бир дунёда яшаётганини ҳис қилди. Маърифат ва билимга муштоқ бу йигит нураб кетган эски дунёдан кўрган жафоларини хотирлаб, ўтмишга лаънатлар айтар эди. У совет мактабига кириб ўқиб саводини чиқарди. Сўнг Тошкентдаги Покровский номидаги рабфакка кириб ўқиди.

1920 йил маҳалла-кўйдагиларнинг ташаббуси ва бош қўшуви билан Бекач номли қизга уйланиб олди. Ойкуни тўлиб, бир қиз кўришди. Қизга қайнанаси Рисолат хола Маъсуда деб ном берди. Ойлар йилларни қувлаб ўтди. Маъсуда вояга ета борди. Дадаси Покровский номидаги рабфакни битириб, Тошкент шаҳар Ленин районидаги 40-мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Маъсудахон мактаб остонасини босиб ўтмасданоқ саводини чиқариб олди. У ҳали ёши бешга тўлмаган вақтда дадаси кечалари дарс тайёрлашга ўтириши биланоқ унинг пинжигга кириб олар, дафтарларини титкилар, ўқиш китобини варақлар, ҳарфларини ҳарфларга улар ва сўзлар тузар эди.

Шу зайлда Маъсудахон бошланғич таълимини дадасидан олди. Қизи 6-синфда ўқиб юрган кунларнинг бирида Муҳаммаджон хотини Бекачойга маслаҳат солди:

— Қизингнинг зеҳни баланд, синфда бунинг олдида тушадиган бола кам. Умри бекор ўтмасин. Билмадим, сен қандай қарайсан, Маъсудани Ўрта Осиё Давлат университетиининг рабфагига берсак деган фикрдаман.

Янги ўқиш йили бошланиши билан Маъсудахон Ўрта Осиё Давлат университетиининг рабфагига кириб ўқий бошлади. Рабфакни аъло баҳо билан битиргандан кейин университетнинг физика-математика факультетига кириш ҳаракатига тушди.

... Имтиҳон навбати кутиб ўтирган йигитлар кабинет олдида турар эдилар. Жуссаси кичик, паст бўйли, пешанаси кенг, қалин сочи бир қадар ҳурпайган, бурнининг

қаншари пастроқ келган ўн тўрт ёшлар чамасидаги бир қиз йигитлардан анча нарида деворга суяниб ёлғиз ўзи тик турар эди.

— Анави қизча ҳам имтиҳонга кирмоқчими?— деб ҳазиломиз савол берди, жингалак сочли новча бир ўзбек йигит ёнидаги шеригига.

— Ҳа, университетга кирмоқчи.

— Ие, жуда ёш-ку? Ўқишнинг уддасидан чиқа олармикан?

— Секинроқ гапир, эшитиб қолади,— деди крахмалланган **оқ** ёқага ҳаво ранг галстук тақиб олган қора фуражкали йигитча жингалак сочли шеригига танбеҳ бериб,— биласанми у ким?

— Йўқ.

— Рабфакни аъло баҳо билан битирган Маъсудахон Султонова деган қиз шу бўлади-да.

— Ҳа... уни қара-я. Шу кунгача пайқамабман-да.

— Ҳа, пайқамаган бўлсанг, пайқаб ол. Орқада қолиб юрма!

— Шунақа ўткир қиз де?

— Ие, ўткир ҳам гапми!

Озғин юзида сепкил доғлар бор ўн тўққиз ёшлар чамасидаги бир йигит имтиҳон бериб чиқди. Йигитлар уни ўртага олдилар.

— Ўтдингми?

— Нималарни сўради?

— Қабул қилишдимми?

Йигитча тартибсиз равишда берилаётган бу саволларга парво қилмай, кимнидир қидирар эди. У ниҳоят қичқириб:

— Ўртоқ Султонова! Султонова ким?— деди.

— Лаббай, мен.

— Султонова сиз бўласизми?— таажжубланиб қизга қаради сепкил юзли ҳалиги йигит.

— Мен.

— Сиз кирар экансиз.

Маъсудахон ерга тикилганича йигитлар орасини ёриб ўтиб, ичкарига кириб борди:

— Мумкинми?

— Марҳамат, Ўртоқ Султонова. Қайси факультетга кирмоқчисиз?— қизиқсиниб савол берди комиссия аъзоларидан бири.

— Химияни яхши кўраман. Химфакка кирсам дейман.

— Математикани ёмон кўрасизми?

— Йўқ, у ҳам яхши.

Комиссия раиси ўртоқ Саримсоқов дарҳол гапга аралашди:

— Ўртоқ Султонова математикага жуда омил. Раб-фагимизда якка-ягона.

— Математикага омил бўлсалар, мана ҳозир очди қиламиз-да.

Саримсоқов синов низомини ишга солиб, Маъсудахонга саволлар бера бошлади. Ўз табиати билан камтар бу қизча ёши етиб, ақли тўлган катталарга хос жиддият билан саволларга жавоб бериб, масалаларни жуда чаққонлик билан еча бошлади. Комиссия аъзолари ниманидир шивирлашиб сўзлашдилар.

— Бизга химиклар ҳам жуда-жуда зарур. Демак сизда химик бўлишдан кўра, математик бўлиш учун маҳорат кучли,— деди комиссия раиси.

V

Маъсудахон Султонова физика-математика факультетининг учинчи курсини битирган вақтда Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди.

Сафар жабдуғини елкасига осиб олган 40-мактаб ўқитувчиси Муҳаммаджон Султонов уй ичида болаларни билан хайрлашиб ҳовли юзига чиққанда, ташқари эшикдан қизи Маъсудахон кириб келди.

— Ана, опанг келди,— деди Муҳаммаджон, этагига тармашган болаларнинг бир-бир бошини силаб.

— Салом.

— Ваалайкум ассалом. Кел, қизим.

— Сиз ҳам кетяпсизми, дада?

— Ҳа, қизим, ўзим бориб, лаънати фашистларнинг адабини бериб қайтмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

— Менга рухсат бермаяптилар. Бўлмаса мен ҳам фронтга борар эдим,— деб тасалли бергандек бўлди укаларига, қизни.

— Ҳимматингга балли, қизим, сен ўқишингни давом этдириб, укаларингга бош бўлиб турсанг кифоя. Сенинг зиммангга, укаларингга оталик қилиш тушди. Курашимизга қўшган ҳиссанг шу бўлади.

— Ташвишланманг, дадажон, укаларимдан хотиржам бўлинг.

Рисолат кампир куёвининг этагига ёпишиб олган неваларларини ажратиб олишга киришди.

— Ҳай, Маъсума, укаларингни ёш десам, сен улардан ошиб тушдинг-а? Опангининг гапини эшитдингми? Дадангини ўйнаб-кулиб жўнатайлик... Ой бориб омон келсин.

Қатта онанинг ўгити болаларни бўшаштирди, Бекач хола Маҳфузахонни, Рисолат кампир Воҳиджонни, Маъсудахон синглиси Машҳурани Муҳаммаджоннинг этагидан ажратиб олдилар. Шу болаларнинг бахтини, эркини ҳимоя қилиш учун ота Ватан уруши fronti-га жўнаб кетди.

VI

Ҳарбий госпиталь ҳамшираси мактуб кўтариб палатага кирди. У ердагиларнинг ҳаммаси оғир ярадорлар бўлиб, жангчи Раҳматуллиндан бўлак ҳеч ким ҳали ўрнидан қўзгала олмас эди.

— Хат кимга? Фамилиясини ўқинг!—деди Раҳматуллин.

— Хатми? Хат Муҳаммаджон Султоновга.

— Ҳа, ана петсэрчи ўзбек... душман танкининг кушандаси... Уни ҳозиргина операциядан олиб келишди Менга беринг, рухсати билан ўқиб бераман.

Муҳаммаджон Султоновнинг ижозати билан Раҳматуллин, конвертни очиб мактубни ўқиб эшиттирди.

— Маъсудахон киминг бўлади, ошна?—деб савол берди Раҳматуллин.

— Қизим,— зўрға жавоб бера олди Муҳаммаджон.— Физик-математик... олима қиз.

Маъсудахоннинг мактубидан маълум бўлишича, у физика-математика факультетини аъло баҳо билан битириб, шу университетнинг аспирантурасига кириб олган. Мактубдан яна шу маълум бўлдики, эри фронтга жўнаш олдида Бекач хола қорнида қолган гумонаси—еттинчи боласини туққан. Қизчага Феруза деб от қўйганлар. Маъсудахон, оилаларида дунёга келган бу меҳмоннинг пойқадами шарофатли бўлиб, Сталинградда немис-фашистларнинг тор-мор қилиниши билан дадасини табриклаган.

Қизи Маъсудахоннинг сермазмун мактубидан таъсирланган Муҳаммаджон Султонов, Раҳматуллинга ташаккур изҳор қилди-да, ўзига-ўзи деди:

— Аттанг, душманни яхшилаб калтаклайдиган вақт етганда чап қўлимдан ажралганим чакки бўлди-ла.

VII

Ватанимиз осмонидаги балолар даф қилинди, халқимиз бошидаги мусибат кўтарилди. Муҳаммаджон Султонов ҳам оиласига қайтиб келди. Бу, шубҳасиз, Маъсудахон Султонованинг аспирантурани аъло баҳо билан тамомлашига катта имкон берди.

Маъсудахон Султонова 1947 йилдан бери университетнинг физика-математика факультетида математикадан дарс беради. Шу йиллар мобайнида бу факультетни жуда кўп йигит-қиз битириб чиқдилар.

— Лекин баъзан ўрта мактабни битирган ўзбек қизларидан бир қисми,— дейди куйиниб Маъсудахон,— олий мактабларга кирмасдан уйда қолиб кетадилар. Бундай қизларнинг истиқболи учун юраги ачийдиганлар ҳар бир киши учун ташвиш тортмаслиги асло мумкин эмас. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетида бу масалага жиддий эътибор бериб, қабул ишлари бошланиши билан университет ўқитувчи ва аспирантларидан бир группа аёлларни доцент Амнна Абдурасулова, доцент Насиҳат Тешабоева, аспирант Усмонова ва бошқа ўртоқларини республикамизнинг узоқ районларига командировка қилди. Тошкентнинг Октябрь районидаги ўнинчи синфни битираётган қизлар билан мен ҳам суҳбат қилдим. Мана шу қизнинг суҳбат, жонли муносабат бизга кўп нарсани ўргатди. Ҳар қайси қизнинг юрагида дунё-дунё орзулар... Бири доктор бўлмоқчи, бири селекционер, бири геолог ва ҳоказо. Бироқ баъзи бир қизларнинг орзуларига кимдир, нимадир монелик қилади. Ҳамма гап ана шу «ноаниқ» нарсада! Биз бу «ноаниқ»ликка аниқлик киргиздик. Қизлар ўз орзулари йўлига кириб кетдилар. Ҳамма ўз орзуси билан ёнар эди. Бироқ, бу «ёнаётган»лар ичида негадир физика-математика «учқуни» кўринмади. Бу ҳол мени қаттиқ ташвишга солди,— деб жилмайди Маъсудахон.— Мен ҳам ёрилдим, қизларнинг жон-қолларига қўймадим. Сўрадим, суринштирдим, охири топдим. Биз билан суҳбат қилаётган қизлар орасида математика фанидан беш баҳо билан ўқиётганлар ўнларча. Ўша йили САГУга икки юздан ортиқ ўзбек қизлари қабул қилинди,— деди мамнуният билан Маъсудахон.

Маъсудахон Султонова 1947 йилда «Марков занжирлари учун қайтарма логарифма» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади. Маъсудахон Султонова фаннинг бу довоига ҳам муваффақият билан кўтарилди.

VIII

Капиталистик дунё зўр бериб янги урушга тайёрлаётган бир вақтда, демократик оламга етакчилик қилаётган бизнинг мамлакатимизда тинч меҳнат, осойишта ҳаёт барқ уриб гулламоқда. Совет кишиси, совет оиласи янги мазмун касб этмоқда. Бунга очеркимизнинг қаҳрамони Маъсудахон Султонова яшаётган оила яққол мисол бўла олади. Маъсудахоннинг синглиси Маъсумахон отаси Муҳаммаджон ўқитувчилик қилган 40-мактабда тил-адабиётдан дарс бериб, кечки Пединститутнинг 4-курсида ўқимоқда. Маъсуданинг иккинчи синглиси Машкурахон Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетини аъло баҳо билан тамомлаб Москвадаги Шарқшунослик институтининг аспирантурасида ўқимоқда. Маъсудахоннинг укаси Воҳиджон ҳозир Ўрта Осиё Давлат университетининг физика-математика факультетида, синглиси Раъно биология факультетида ўқимоқдалар. Яна бошқа бир синглиси Маҳфузахон келгуси йилга ўзинчи синфни битиради. Оиланинг кенжатоғи Феруза ҳозир бошланғич мактабда ўқиш билан бир вақтда, темир йўл Маданият саройидаги музика мактабда ҳам таълим олмоқда.

«Қизил тонг» фабрикасининг собиқ ишчиси Бекач Султонова ва совет ўқитувчиси Муҳаммаджон Султоновлар оиласидаги бахт совет оилаларининг ҳаммасига хос. Чунки бизда бахт эшиги бировга очик, бировга ёпиқ эмас. Бизда бахтни инсоннинг ўзи яратади, тақдирини ўзи шарафга ўрайди. Партия ва ҳукумат бунинг учун бутун шароитни яратиб қўйибди. Бунга Тошкент Ленин сайлов округидан СССР Олий Советига депутат қилиб сайланган Маъсудахон Султонованинг, унинг укаларининг — Султон бўзчи невараларининг порлоқ йўли мисол бўла олади.

Тошкент, 1954 йил

ХУРРИЯТ ҚУРБОНЛАРИ

ФАРОҒАТ

Самарқанд. Миш тўққиз юз йигирма еттинчи йил. Март ойининг охириг кунлари. Самарқанд хиёбонларида баҳор нафаси эсиб қолган. Машҳур янги растанинг чойхона, ошхоналарида одам гавжум. Янги рагани кесиб ўтадиган катта тош йўлнинг иккала қанотидаги тахта супалар одам билан лиқ-лиқ. Вокзал, янги шаҳардан эски шаҳарга, эски шаҳардан вокзал ва янги шаҳарга йўловчилар тинимсиз қатнайди. Изма-из гиз-гиз ўтиб турган извошлар гўё пойга қилишаётгандек. Турна қатор арава карвонлар, қулоғи динг ҳанги эшаклар дўпири, извош оти бўйнига тақилган қўнгироқ маржонлари овозидан қулоқлар қоматга келади.

Лаззатли таомлар пазандаси — қашқарлик охунларнинг овқат турларига сифат бериб мақташлари тўқ кишининг ҳам иштаҳасини карнай қилади.

— Бўғга пишган манти! Сихга тортилган кабоб! Лағмонхўрга лағмон... Эмди мойини қўйдим, отам!— деб ўз хўрандаларини чорлайди, бузоқдек бўрдоқи қўйни думбаси билан бутунисича пишириб, супрадек мис баркашга қўйиб олиб кўз-кўз қилаётган пазандадар «Барра кабоб, еганга савоб!» деб ўз хўрандаларининг қорнини тўйдириб, пулини олиб қолиш ғамида жоврашади.

Ана шу шовқин-суронли кунда янги раганин охири, Регистоннинг рўпарасидаги клуб ёнбошида ажиб сирли бир учрашув содир бўлди:

— Орқангиздан бунча ҳам югуртирмасангиз, яхши қиз!

— Шафоат опа, сизми?— таажжубланиб сўради Фароғат.

— Ҳа, мен.

— Нима бўлди сизга, нега яна бу рўдапога ўралдингиз?

— Сен сўрама, мен айтмай, синглим.

— Нега сўрамас эканман! Нима мақсадда паранжингизни ўтга ёндирдингизу, нега яна бошингизга олдингиз?

— Бунинг қиссаси узун, Фароғатим... Паранжини ташладиму, қолди бошим балога! — хўрсиниб гапирди Шафоатой.

— Қим у бошингизни балога қолдирган? — қизиқиб сўради қиз.

— Юр-чи, бу ер кўча, клубга кирайлик, ҳаммасини айтиб бераман.

Хотин-қизлар тўгараги шу клубда ўтказиларди, ҳали жамоат жам бўлганича йўқ.

— Илтимос, сен фақат мен бахти қародан кулма, Фароғат. Таъналар тошидан юрагим безиллайди... Гуё мен, Қулба маҳалла хотин-қизларини бузаётиман! Эримнинг, қавм-қариндошларимнинг ор-номусларини ер билан яксон қилаётганимман паранжимни ўтга ташлаб 8-март куни.

— Гапирса гапирар! Ифво, таъналардан қўрққан аёл паранжи ташламайди, ундай аёл озодликка чиқа олмайди. Қўрқманг, паранжини улоқтиринг! Ёнсин бу зулмат пардаси!

— Бу паранжининг эгаси бор, Фароғатим. Йўқотиб ҳам кўрай-чи, нақ теримга сомон тикади қайнонам билан эрим!

— Мен сиз бўлсам, бундай эр билан бир кун ҳам турмасдим!

— Эй Фароғат, Фароғат! — деди оғир хўрсиниб Шафоатой. — Юрак ярамни янгиламасанг бўларди. У ёғини сўрасанг, Мирсолининг муздек бағрига отганларида она сутим ҳиди огзимдан кетмаган ун икки яшар қизча эдим. Йиллар ўтди, икки фарзанд кўрдим. Лекин оналик бахтидан ҳам худойим мен шўрликин бенасиб қилди... Эр қилиб ундан бирон оғиз илиқ сўз эшитмаганимга яраша, ўз онам, опаларим юрак зоримни тингласалар эди. Улардан эшитадиган гапим: — Эрдан чиқиб яна эрга тега-сан-да! Бошқа эрни орзу қилмай қўя қол! Ҳамма эркак ҳам бир гўр. Қиз бўлиб туғилибсанми, тақдирингга тан бер-да! — дейишади. Ўз жон-жигарларим мени ҳимоя қилишдан бош тортганларидан кейин, мен ожизанинг додини ким эшитади, Фароғат!

— Ҳукумат эшитади! Суд эшитади! — деди аллақан-

дай ишонч билан Фароғат.— Сиз энди ожиза эмас, озов аёл бўлишингиз керак, опажон!

— Айтишга осон...

— Хотин хўрлаш замони ўтган. Шўро ҳукуматининг қонуни бор, аёл билан эркекнинг ҳуқуқи бир бўлди. Илгари хотин-қизнинг свози уйдан кўчага чиқмасди. Ёшсиз, Шафоатой опа, ўн гулингиздан бир гулингиз очилгани йўқ ҳали, мунча ҳам умидсиз бўлмайди-да, киши. Паранжини улоқтиринг. Эрингиз у-бу дейдиган бўлса, менга келинг, акам фирқа аъзоси, Марказий женотделга, Шодиеванинг олдига эргаштириб боради... Кўчада қолмайсиз, ўқийсиз. Пиллакашлик фабрикаси сизга, менга ўхшаган қиз-жувонлар учун очилган. Унга кириб олсангиз нонингизни ёғ билан ейсиз. Билишимча, Мирсоли билан кунингиз тонг отмайди, бахтингиз кулмайди. Эс борида этак ёпиш маъқул эмасмикин?..

Қуш тилини қуш билади деганларидек, Шафоатой узоқ хаёлга чўмиб Фароғатойнинг ўғитларини тингларди. Ўйларди, ўйларди, сира ўйига етмасди...

Энди ўн саккиз баҳорнинг юзини кўрган Фароғатой бошқа бир шаронгда тарбия олиб камол топди. Фароғатойнинг акаси Эшонқул Ражабов йигирманчи йилдаёқ фирқага ўтган. Ўт юракли чекист Эшонқул номини эшитганда синфий душманлар бўри сингари тишларини қайрашарди.

— Коммунист ҳар бир ишда оммага намуна бўлмоғи керак. Раҳнамолик ўйинчоқ эмас. Ўз манфаатидан кечмаган, халқ манфаати учун курашмаган, керак бўлиб қолса Ленин йўлини амалга ошириш учун жонини фидо қилишга тайёр турмаган одам коммунист бўлолмайди! Бундай коммунистнинг орқасидан ҳеч қачон меҳнаткаш эргашмайди! Устоз Ленин фақат сўзда эмас, амалий ишлари билан намуна бўлгани учун ҳам ишчи-деҳқон унинг кетидан эргашди, чақириқларига «Лаббай!» деб жавоб қилди. Биз доҳий васиятларини кўз қорачигимиздек сақлаймиз! Унга гард юқтирмаймиз! Сабот-матонат билан васиятларини амалга ошириб ижтимоий жамият — коммунизм қураимиз!— дер эди митингларда путқ сўзлар экан Эшонқул Ражабов.

Фароғатой оташ қалб коммунист ака қўлида тарбияланган қиз. У кўча-кўйда учраб турадиган ола кўзлар таъқибидан чўчиб авваллари мактабга паранжи ёпиниб борарди. Лекин акаси ёпиниб юришни қатъий ман қил-

гандан сўнг, паранжи ўрнига бошига камзулча ташлаб юрадиган бўлди. Эшонқул бундан хабар топиб камзулча ёпинишни ҳам ман қилганида:

— Ҳамма қизлар паранжи ёпиниб борганда синглингга осон тутма-да, ўғлим. Фирқа бўлсанг ҳаммани баробар қил, фақат синглинг билан онангга кучинг етмасинда!—деб эди онаси Фароғатнинг ёнини олиб.

Шунда Эшонқул:

— Сиз яхшилаб тушуниб олинг, биби, юриш-туришда, тўгаракларга иштирок қилишда, мажлисларга қатнашишда, ўқишда, хулқ-одобда намуна бўлмоғимиз керак. Совет ҳукуматининг мақсад-маромларини ўзимиз, бутун оила аъзоларимиз билан билиб олиб, сўнг бошқаларга тушунтиришимиз керак. Зўрлик билан эмас, сабр-тоқат билан тушунтириш, шахсий ибрат кўрсатиш йўли билан бошқаларга намуна бўлишимиз керак, бибижон!—дер эди.

Шу-шу, Фароғатой юзи очик мактабга қатнайдиган бўлди. Ҳали тўқсон беш процент қиз-жувонлар уйдан кучага эркин-очик чиқишга одатланмаган кезларда бўйга етиб зеболанган ўн саккиз яшар Фароғат куча-қўйда очик юз билан юришини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а.

Тўгаракка ўн бешдан ортиқ қиз-жувонлар йиғилишди. Фароғат улар билан суҳбат ўтказди. Сўнг хотин-қизлар тарқалдилар.

Фароғат хонадаги бўйи тенги катта ойнага ўзини солиб тутамга сиғмас қоп-қора сочини бошига чамбарак қилиб ўради. Бодом қовоғи, ҳақиқ дудоқлари устидаги мармар терларни батис рўмолчаси билан авайлаб артди. Қулча юзи ширмойдек қизариб, чўлпон кўзлари устида қора қоши, киприк ва мужғони ажиб бир жозиба касб этди.

Шафоатой ҳам Фароғат ёнига келиб ўзини ойнага солди. У кўз-қошини силади, пешанасига тушган юпқа ажин юзини силаб хўрсинди.

— Ғунча эдим, очилмасдан сўлдим. Қар девор орасида кун юзини кўрмай, сояда гул юзим заъфарон бўлди, Фароғатой.

— Бекор айтибсиз, ҳали бир қизча ҳуснингиз бор, опа.

— Юпатмоқчисан, раҳмат, синглим,— деди гоҳ ойнадаги Фароғатнинг шаклига, гоҳ ўзига тикилиб Шафоат.—

Туф-Туф, ёмон кўздан сақласин. Гулсан, тоғда очилган бегубор гулнинг ўзгинасисан, синглим Фароғатой. Эҳтиёт бўл гул ўғриларидаң!..

— Қани... мунча мақтаб юбордингиз, опа,— деди ойнага ўзини солиб, рўмол ва сочларини тузатар экан Фароғат.

Сутдек оқ крепдишини кўйлак, камалак ранг духоба камзул, ним пушти ранг ғир-ғир доқи ипак рўмол Фароғатнинг келишган бежирим қоматига жуда-жуда ярашган эди. Ногоҳ унга кўзи тушиб қолган ҳар бир одамнинг юраги «жиз» этмасдан иложи йўқ эди. Бу муболаға эмас, албатта.

— Кетдикми, опа?— сумкасини қўлига олиб Шафоатга ўғирилди Фароғат.

— Мен ҳалигача клуб аъзолик билетини олганим йўқ. Мудир ҳозир келар экан, олиб кетсам бўларди.

— Майли. Мен бора қолай бўлмаса,— деди Фароғатой.

Улар хайрлашдилар.

Шафоатой паранжисини бошига олиб, ўзини яна ойнага солди. Негадир ўзи ўзига хунук кўриниб кетди. Бундан икки ҳафта бурун Самарқанд аёллари биринчи мартаба байнал халқ хотин-қизлар куни 8-Мартни байрам қилганларида Регистон саҳнида куйдирилган ҳисобсиз шойи, духоба, бахмал, пар-паша паранжилар гулханининг ловиллаган алангаси кўз олдига келди. Сон-саноксиз тумонат қиз-жувоилар байроқ кўтаришиб, кўчалар, тўлиб-тошиб Регистон майдони томон оқарди. Минбарда турган республика президенти Йўлдош Охунбобоев, унинг ўринбосари Жаҳон Обидова, Қосимхўжа Султонхўжаев, Ўзбекистон Коммунист большевиклар фирқаси Марказий Комитетининг Саркотиби Акмал Икромов, Марказком хотин-қизлар шубасининг мудирини Тожихон Шодиевалар кўз олдидан ўтди.

— Яшасин ўзбек хотин-қизларининг озодлиги!

— Йўқолсин зулмат, жаҳолат, қуллик қуроли бўлган паранжи-чачвон!

— Яшасин, 8-Март!

— Ур-рей!

— Ур-рей!

Шафоат ойнадаги ўз шаклига қараб Регистон тантанасини эслади... Негадир ўзидан-ўзи жиркангандек пешанаси тиришди, ажинига ажинлар қўшилиб, чўлпон кўзи хиралашиб кетгандек бўлди.

«Йуқ!— деди кимгадир норозилик билдириб,— дўст бўлиб душман ишнин қилган кишига қандай қарар экан, аёллар! Паранжи куйдириб, кулини совурган опа-сингилларим, мушфиқ оналарнинг юзларига қайси кўз билан қарайман!.. «Йуқол, юзи қора! Гумдон бўл!»— деб лаънатламасмикин мени улар?!— Шафоат зарда билан бошидаги паранжини олиб ерга урди.— Қани эшигимиз олдигача паранжи-чачвонсиз очик бораё-чи, ким нима дер экан. Таваккал, эрим кўrsa кўрар! Уrsa урар!.. Пешанамда нима бўлса кўрарман! Бўлар иш бўлди! Паранжи ташлаб озод бўлганим учун хотин қилмаса қилмас! Эрсиз утсам утарман! Бебалар озми бу вафосиз дунёда...»

Клуб мудири кўринди. Шафоат унинг орқасидан идорага кириб клуб аъзолик билетини олди.

Шафоатойнинг кўнгли ғаш. Лекин дил тугёни устулик қилди. Паранжи-чачвонини сочиққа тугиб боши очик ҳолда кўчага чиқди. Кўча жимжит. «Фароғатнинг айтганларини қиламан. Бошимга паранжи олмасликка қасам ичаман. Фароғатга айтиб кўрай, мени Тожиҳон опамнинг идораларига олиб борсин. Ғам-аламларимни айтиб бир юрагимни бўшатай. Уқийман... эрим ҳайдагудек бўлса, фабрикага кириб ишлайман... Кўчада қолдирмас мени улар...»

Ана шундай ширин, айни вақтда ваҳимали хаёллар билан тор кўчада юриб бораётган Шафоат қонига беланиб ётган Фароғатга дуч келди. Жувон бир зум ўзини йўқотиб қотиб қолди. У «дод!» демоқчи бўлди, лекин овози чиқмади. Клубга чопди!.. «Фароғат! Фароғат, ёрдам қилинглар!.. Бу ёққа, бу ёққа!» деб қичқирди. Яна изига чопди, қонга беланиб ётган Фароғатга ўзини ташлади...

Паранжилик, паранжисиз қиз-жувонлар югуришиб келишди...

— Қотил ким экан?

— Қотил қочганга ўхшайди.

— Топиш керак! Сангбўрон қилиб ўлдирамиз у номардни, қидиринглар, биродарлар.

— Жони бор, тез ёрдам керак. Янги растага чопинг, извош тутиб дўхтурхонага етказиш керак! Тез-тез! Чаққон бўлинг!

Шафоат дуч келган кишига телбаларча ўзини ташлаб фарёд чекарди. Ўлимга яратилмаган эди-да, Фароғат!.. «Қанисан, қаёққа гумдон бўлдинг номард!.. Тутиб беринг

у жаллодни, кўзларини ўйиб олай, мен!» деб қичқирарди у.

Йиғламаган одам қолмаганди.

— Қиз экан, хўпам етилган экан.

— Қиз бўлганда ҳам ҳурилиқо экан.

— Жони омон қолса минг яшарди бечора қиз.

— Қотил топилармиди-я!

Одамларнинг кўзларида ёш. Этак-этак тупроқ келтириб Фароғатнинг қутлуғ қони тўкилган ерга сепишарди.

ШАФОАТ

Комсомол қиз Фароғатойга суиқасд бўлиб Шафоатой эридан балога қолди. Икки гапнинг бирида «Қозонга яқин юрсанг қораси юқар! Бузуққа эргашиб бузилдинг!»— дер эди хотинига таъна қилиб Мирсоли.

— Гўринг нурга тўлғир Фароғат сиз ўйлаганча эмае, у пок, бокира қиз эди.

— Фариштадан покيني топган экансан!— деди заҳарханда қилиб Мирсоли.

— Қўйинг, ўтинаман, ёлбориб сўрайман сиздан, бегуноҳ ўлдирилган маъсумани маломат қилманг, гўрида ҳам тинчлик бермайсизларми озодлик қурбонига!

— Озодлик-озодлик!— деб тишини қайради Мирсоли,— баҳона топилди сенга ўхшаш шармандаларга!

— Оғзингизга қараб гапиринг.

— Бас, тилинг кесилгур! Гап шу: яна қайтариб айтман сенга! Остона ҳатлаб кўчага чиқадиган бўлсанг, ўз жавобинг ўзинг билан!

— Агар жуда жонингизга теккан бўлсам, мени бадном қилмасдан жавобимни бера қолинг?..

— Ҳа-а!..— деди қутуриб Мирсоли,— мана энди билдим, ўз тилингдан илиндинг, бузуқ! Мақсадингни билардим, озодлик — паранжи ташлаш баҳона, калта дум комсомоллардан ўйнаш қидириб юрганингни аллақачон сезган эдим?

— Уялинг бундай тухматларни қилишдан ўз жуфти ҳалолнингизга!

— Гап шу: мени жуфти ҳалолим бўладиган бўлсанг, номаҳрам эркакларнинг юзини кўрмайсан! Йўқса, Фароғатнинг куни бошингга тушади!

Шафоат ортиқ гапиролмади, гапирмоқчи эди-ю, унинг томоғига муштумдек бир нарса келиб тиқилди. Нафаси бўғилиб кўзидан мунчоқ-мунчоқ ёш тома бошлади. У кўз ёши тўкишдан ор қилибми, бошини тиззасига қўйиб юзини яширди.

— Йиғлаб қўрқитмоқчимисан мени! Сенинг дастингдан маҳаллада юриқсиз бўлдим. Таъна тошидан бошимни кўтаролмай қолдим. Мирсоли эркак эмас, белида белбоғи бор йигитнинг хотини бундақа бўлмайди дейишяпти!

— Ким экан ўша белида белбоғи бор эркак?— кўзларидан ўт чақнаб сўради Шафоатой.

— Ҳо, кимлигини ҳам билиб олмоқчилар, ҳали!.. Эрим менга кун бермаяпти деб айтишдан ҳам тоймассиз, ҳали?!

— Хотирашгиз жам бўлсин, ҳеч кимга ҳеч нарса айтмоқчи эмасман. Эр-хотин уриши дока рўмол қуриши. Инсофга келиб қоларсиз деган умиддаман. Лекин иккимиз орамизга инзо солувчиларни билиб олмагунимча қўймайман. Мени ёмон отлиқ қилмоқчи бўлган ифвогар, ёғ унсурларни топмагунимча тишчимамайман!

— Улар битта эмас, бутун Қулба¹, бутун Самарқанддаги уммати Муҳаммад лаънаглаяпти сен билан мени.

— Гуноҳим нима экан менинг?.. Паранжини бир мен ташлаганим йўқ-ку, ахир.

— 8-Март куни паранжи ташлаганларнинг ҳаммаси қайта бошдан паранжига кириб олди. Қулбада паранжисиз боши очик шарманда сендан бўлак ким бор, қани айт-чи?

Шафоат жим қолди. У нимадир айтмоқчи, лекин Мирсоли бидирлаб унга имкон бермасди:

— Фароғатни дафн қилиш куни мотам митингида сўзлаган гапинг эсингдами?

— Эсимда, нима сўзлаган бўлсам эсимда, уммати Муҳаммадга ёқмаган ишим, сўзим ўша бўладиган бўлса бундан сўнг ҳам ўша сўзимни такрор-такрор айтишга тайёрман. Озодлик қурбони Фароғатнинг қонли жасади устига эгилган қизил байроқлар қуршовида тунов куни

¹ Қулба Шафоат яшаган маҳалла бўлиб, ҳозирги номи Инқилобдир.

сўзлаган бўлсам, бундан кейин бутун уммати Муҳаммадлар эшитсин учун Улугбек мадрасасининг минораси пештоқига чиқиб наъра тортаман. Домла-имомлар макрига учганлар ҳам эшитсин! Фароғатнинг гупоҳи паранжисиз мактабга қатнаб, таълим-тарбия билим юртида ўқиши ёки муаллима бўлишими?.. Комсомолга ўтишими? Тўрт девор орқасида кун юзини кўрмай заъфарон бўлиб ётган қизларни мактабга даъват қилишими? Фароғатой юз-кўзидан шарм-ҳаё ёғиб турган одобли-ахлоқли қиз эди. У шу қадар чиройли эдики, вужуди нур ва гулдан яратилганини бу қизнинг деб ҳанг-манг бўларди уни кўрганлар. Қалби пок, ўзи пок, жаҳонга бергусиз оқила қиз эди Фароғат. Ана шундай маъсума қизларингизни хоинларча ўлдирди қандайдир номард! Қотил биттами, бир нечтами шу кунгача номаълум қолиб келяпти бизга. Балки шу ерда бизнинг ичимизда тулки йиғиси қилиб тургандир! Лекин ҳой, кўрқоқ номард қотил! Чучварани хом санабсан! Қиғир иш қирқ йилдан сўнг ҳам очилади. Сен муртадлар муртади Фароғатнинг қотилини қарғайман! Бутун ўзбек хотин-қизлари номидан, жанозага йиғилган дўстлар номидан лаънатлар айтаман Фароғатнинг қотили, озодлик душманига! Қиз болага, бўлажак онага қўл кўтарган одамни одам деб бўлмайди. Одам эмас, икки оёқли махлуқ шундай қабиҳ жинойтини қилишга ботина олади. Фароғат бизлар учун қурбон бўлди, Фароғат паранжи ёпинмагани учун, комсомолга аъзо бўлиб, техникумда ўқигани учун, тенгдошларини ўқишга, озод яшашга даъват қилгани учун қурбон бўлди. Эндигина ўн саккиз баҳор юзини кўрган, ўн гулдан ҳали бир гули ҳам очилмаган шундай Фароғатимиздан бизни жудо қилди душманларимиз! Биз тобутнинг устида қасамёд қилиб айтамизки, комсомолнинг жанговар қизи, биз сенинг орзуларингни юзага чиқариш учун курашамиз... Алвидо... алвидо...

— Фароғатнинг орзулари юзага чиқмаётганидан ҳафаман дегин?— бошини ўнг елкасига эгиб хотинига савол берди Мирсоли.

— Ҳа. Қисқа қилди гапини Шафоат.

— Ҳали Улугбек минорасига чиқиб наъра тортиш ниятим ҳам бор дегин!

— Орзуларига етолмай ёш кетди шўрлик Фароғат.

— Сен ҳам ёш жонингга раҳм қилсанг буларди...

эринг Мирсолининг касби нима экаплигини биласан-ку, ахир!

— Биламан. Касбингиз қассоб. Қўй сўясиз, мол сўясиз, от сўясиз.

— Одам сўйишга мажбур қилма дейман мени!— қалтираб деди Мирсоли.

— Сўйинг, пичоғингиз қонсираб турган бўлса, сўйинг! Уз жуфти ҳалолим эримдан бузуқ номини эшитиб тирик юрганимдан кўра ўлганим яхши. Бу бевафо дунёдан ҳур кетган Фароғат ёнига борганим минг марта яхши!

— Шайтон, лаиннинг васвасасига учма! Бу хатарли йўлдан ўзингни тий! Остона ҳатлаб кўчага чиқмасликка сўз бер! Мени эрим десанг, йигитлик шаънимни булғатмайин десанг, сўз бер!

— Йигитлик, эрлик шаънингизга доғ теккизгудек бўлсам, майли хоҳ қўйинг, хоҳ сўйинг. Лекин уйда бекор ўтирмайман. Фабрикага кириб ишлайман.

— Оч-яланғоч қолдирдимми сени?

— Йўқ. Тўқман. Фақат ҳайвон қорин учун яшайди. Мен шўро ҳукумати берган ҳуқуқдан фойдаланмоқчиман. Тенг яшамоқчиман. Уқиб-ишламоқчиман.

— Ёунақаси кетмайди! Биласанми, маҳалладагилар сени ким деяптилар?

— Ким деб атаса атайверсин!

— Шафоат эмас, касофат деб атаглар лаънати Мирсолининг хотинини деяётган бўласалар-чи!— асабий вазиятда бақариб юборди эри.

— Маҳалладаги бирон оила мендан озор чеккан эмас. Паранжи ташлаб, қиз-жувонларнинг озод бўлишига давват қилишни гуноҳ деб билмайман!— деди жиддий бир оҳангда Шафоатой.— Сиз ёт унсурларнинг чилдирмасига ўйнаяпсиз.

— Ёт унсур деганларнинг кимлар ўзи?

— Кимлигини мендан кўра ўзингиз яхши биласиз.

— Йўқ, айтиб берасан!

— Мен уларнинг ўз оғзиларидан эшитганимда айтиб берардим.

Мирсоли қўнжидан пичоғини чиқариб:

— Астағфирулло,— деб яна пичоғини қайтариб қинига солди, айвон устинида осиглиқ турган тўнини олиб елкасига ташлади. «Астағфирулло! Астағфирулло!»— деганича ўзини кўча дарвозасига уриб кўздан ғойиб бўлди.

Шафоат айтганини қилди. Самарқанд пиллакашлик «Хужум» фабрикасига ишчи бўлиб кирди. Комсомол сафига ўтди. Саводсизликини битириш курсида ўқиб савод чиқарди. Мирсоли дўқ урди, пулиса қилди. Шафоатни ўз раъйига сололмади. Кунларнинг бирида Шафоат ишдан кечикиб қайтди. Эри уни ҳақорат қилиб қарши олди.

— Кимнинг қўйнидан чиқиб келяпсан?

— Комсомол ячейкаси мажлисида эдим. Ишонмасангиз бориб сўранг.

— Комсомолга чиндан ўтганмисан?

— Ўтмаган бўлсам ўтдим дермидим. Ўз эримни алдаб ўлибманми.

— Ҳа, ўз эрингни-я?..— деди чўзиб Мирсоли.— Қани билетингни кўрсат-чи.

— Ишонмайсиз-а, мана,— комсомол билетини эрига чўзиб деди Шафоат.

Мирсоли билетни ўчоқда ловиллаб турган ўтга улоқтирди.

— Комсомолни йиғиштир! Ярим кечагача йўлингни пойлаб ўтирадиган аҳмоқ йўқ. Сан кимни лақиллатмоқчисан?

Шафоат ҳарчанд ҳаракат қилиб сўлоқмондек Мирсоли пайжасидан чиқолмади. Аччиқ-аччиқ кўз ёши тукиб йиғлади. Комсомол билети эмас, гўё Шафоатнинг ўзи ўтда ёниб кул бўлгандек эди...

— Эшит! Бу сир ҳовлидан кўчага чиқар экан, бу ёгини ўзинг тушуниб олавер?! Сени шайтон йўлдан оздирапти. Сени дўзах азобидан қутқариб, савобга дохил бўлмоқчиман. Тушундингми?

Шафоат жим ўтираверди.

— Сендан сўраяпман, мақсадимни тушундингми?

Шафоат яна индамади.

— Сендан сўраяпман!— деди этиги билан тепиб Мирсоли, Шафоат муккасидан йиқилди.

Шафоат ўша кеча боши янчилган илондек тўлғаниб чиқди. Ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмасди. Комсомол ячейкасига бориб айтса, оқибати фожиа билан тугашидан чўчиди. «Яхшиё, эримнинг акасига борай, у ахир фирқа аъзоси-ку!.. Нима маслаҳат берса ўшанга қараб иш қилай...»

Тонг отди. Мирсоли нонушта қилмасдан барвақт кўчага чиқиб кетди. Шафоат Мирсолининг акаси Миродилникига йўл олди. Воқеани унга бир-бир баён қилди. Миродил бош чайқаб укасини койиган бўлди-да:

— Шафоат, эсли-ақлли аёлсан. Бу расвогарчилиқни ҳозирча сир тутганинг маъқул. Ўйлашиб, бир маслаҳатини кўрармиз. Шу билан тиниб-тинчиб кетсаларинг, комсомол билети масаласи бир гап бўлар. Уйингга бор, ҳеч нарса бўлмагандек юравер. Зинҳор-зинҳор бирон одамни яқин кўриб сир айтма! Бу ёғини ўзим ҳал қиламан. Қараб турсин ҳали у аблаҳ!..

Шафоат уйига қайтди. Эртасига Миродил келиб укаси Мирсолини койиди. «Шафоатдек хотинни топиб бўлсан! Бошқа комсомол бўлганда тўғри бориб ячейкасига айтар эди...»

— Айтиб ҳам кўрсин-чи! — дўқ урди Мирсоли. — Бир жоним бўлса тикиб қўйганман шу хотин йўлига!

— Бас қил! Агар бундан кейин хотинингга қўл чўзар экансан, бошингда ўзим бўламан.

— Бўлмаса меининг ҳам шартимга қулоқ солинг, ака. Шу бугундан бошлаб келинингиз фабрикага бормайди.

— Хайр, бормаса-бормас. Кўрармиз, — деди ўрнидан туриб Мирсоли. Сўнг Шафоатни четга чақириб, «комсомол билетини йўқотдим, деб қўя қол. Янги билет ёзиб беришади. Эринг билан алоқангни яхшилашга ҳаракат қилавер...» деди.

Шафоат фабрикага йўл олар экан, шуларни ўйлаб борарди: «Комсомол билетини ўтда ёндирган, эрта-кеч бошимда мушт ўйнатган эр — эр бўлиб қаёққа борди-ю, мен унга хотин бўлиб нима роҳат кўрдим?.. Яхшиси, эл-халқ ўртасида гапни кўпайтириб юрмай, характеримиз тўғри келмади, бизни ажратиб қўйинглар, деб судга ариза бераман. Бу ёғи нима бўлса кўравераман...»

1928 йил 6 декабрь кўни суд ҳукми билан эр-хотин никоҳи бекор қилинди. Шафоат Мирсолининг ҳовлисида чиқиб кетди. Лекин Шафоатнинг бу қароридан на кекса опаси — Рухсатбиби ва на опаси — Биби Ражаблар хурсанд бўлишди. Улар «Қайси эр хотин урмапти» деб Мирсолига хайрихоҳлик билдирдилар. Ичкари асоратидан ўзбек хотин қизларининг ёрқин ҳаётга чиқиши ана шу хилдаги қарама-қаршилиқларга дуч келарди. Эскилик тарафдорлари бўлган мулла-шонлар ҳар хил игволар тарқатиб, аёлларни ичкари-

дан чиқармасликка уринар, турли туман макр ишлатиб ҳужумни барбод қилишга ҳаракат қилардилар.

Комсомол аъзоси Шарифа Азизова турмушга чиқадиган бўлиб, тўйнинг ташкилий ишларини ўз қўлларини олишни сўраб комсомол косиб ёшлар ячейкасига мурожаат қилди. Ячейка бу хусусда махсус қарор қабул қилди.

Қизил тўй эндигина расм бўла бошлаган чоқ. Комсомол қиз Шарифахоннинг тўй дастурхони тўкин. Комсомол қиз-йигитлар ясан-тусан, гул-гул очилиб тўйга аллақандай файз киритганлар. Келин билан куёв никоҳ ўқитишдан бош тортиб, ЗАГС вакилини таклиф қилганлар. Никоҳ маросими тантанали вазиятда ўтказилди. Икки ёшга бахтли ҳаёт тилаб табрикладилар. Зулмат пардаси — паранжи тарафдорлари бўлмиш озодлик душманларига шафқатсиз кураш олиб бориш зарурияти тўғрисида ҳам тўйда анча-мунча сўзлар бўлди. Шафоатойимиз эскиликни қаргаб, янгиликни мақтаб қўшиқ айтди, лапар айтиб ўйинга тушди. Бир пайт кимдир келиб уни имлади. Ўзини панага олиб турган собиқ эри Мирсоли қўлига пичоқ ушлаб турган ҳолда унга кўринади. Шафоат додлаб изига қочади. Унинг орқасидан комсомол йигитлар қувлаб кетишади...

(Айнан)

Эски шаҳар 5-қитъа халқ судига.

Самарқанд эски шаҳар, Хужа аҳрор қитъа, Қулба гузари фуқароси Шафоат Искандарова томонидан.

Ариза

Берурман ушбу аризани шул тўғридаким, ман хотин-қизлар озодлиги муносабати билан паранжимни ташлаб озодликка чиққан эдим. Яқинда 1929 йил 11 февраль ойида 8-пчи косиб ёшлар ячейкасининг аъзоси Шарифа Азизова қизил тўй қилган эди. Шу қизил тўйда концерт бўлиб мен оёқ ўйинига тушдим. Бир замон биров ташқарига чақирди. Чиқиб қарасам, эримнинг қўлида пичоқ. Менга ваҳшийларча ҳужум қилмоқчи бўлди. Мен қочиб уй ичига кирдим. Унинг ҳаракатини бир неча комсомоллар кўрган эди. Тўрақулова, Қамарова, Самад Носировлар. Бундан бурун ҳам мени ўлдирмоқчи бўл-

ганиий кўргандилар. Шунинг учун Сизлардан илтимос қилиб сўраб қолардимки, шундай ифлос кишиларнинг чорасини кўрсаларинг.

Илтимос ила ариза берувчи

Шафоат Искандарова

11. II. 29 йил.

Шафоат шикоятгидан хабар топган Мирсоли оёғи куйган товукдек югуриб, маҳалладаги маслакдошларини ишга солади. Суд ранси ҳам маслакдошлар фикрига қўшилиб, Шафоатнинг шикоятини оқибатсиз қолдиради.

Саккизинчи март байнал халқ хотин-қизлар кунини Шафоатой учинчи йил байрам қиларди. Фабрикага паранжи ёпиниб бориб, паранжи ёпиниб қайтадиган ҳамкасб опа-сингиллари энди зулмат чодирини бутунлай улоқтирган, улар Самарқанд кучаларини лолазорга айлантириб, яшил байроқлар кўтаришиб, «Фабрикажон» қўшигини айтиб, намоёишга чиқдилар.

Фабрикажон фабрика,
Жонга дармон фабрика.
Фабрика қизларини,
Первой гулок уйготар,
Гулиорахон, бўйлариингдан гулёр.
Фабриканинг йулидан,
Румолча топиб олдим,
Топиб олди деманглар,
Меҳнатга сотиб олдим.
Гулиорахон бўйлариингдан гулёр.

Шафоатой «Хужум» фабрикаси хотин-қизлари колоннаси олдида байроқдор бўлиб бормоқда. У жуш уриб тўлқинлашиб, қайнаб-тошиб қўшиқ айтади. Унинг қўнғироқдек овози озодликка, меҳнат-муҳаббатга чорларди. Шафоатнинг қўшиқлари Самарқанд самосини ларзага келтирарди.

Озодлик душманлари карахт бўлган илон сингари муюлишларда бўзрайишиб, лаб-лунжлари осилиб, ўтиб бораётган гулихандон озод қиз-жувонларни кузатишарди. «Ҳаф, саними!» дея янишиб, озодлик фаришталаридан кимларнидир танлашиб кўз остига олишарди.

Қулба сув сепгандек жимжит. Малик қайни синглиси Шафоатнинг йулини пойламоқда. Фабрика гулок беришига саноқли минутлар қолган. Қуёш қизариб ботмоқда... Ғира-шира пайт, Осмонда қора булутлар сузар, гўё

улар қувлашаётгандек. Ёруглик кўршапалак мижозига зид бўлгандек, маслакдошлар қоронги тушиши билан Мирсолиникига тупланишди.

* * *

Шафоат йўқолиб қолди. Қидириш, суроқлаш бошланди. Кунлар ўтиб, Шафоатдан дарак йўқ. Искандар қизи (Шафоатнинг ҳамшираси) онаси Рухсат биби билан маъмурий идорага бориб маълум қилди. «Гумонимиз эридан...» деб туриб олишди. Мирсоли тергов қилинди, «Суд ҳукми билан ажралиб кетганимга анча вақт бўлди» деб ўзига сира сув юқтирмади у. Шафоатнинг аризаси асос қилиниб олиб Мирсоли қамоққа олинди.

Шафоат Тошкентда ўқиб юрган экан, Мирсоли бечора тўхмат билан қамалиб ётибди деган шов-шув тарқалди. Орадан сал ўтмай, «Бибижон! Мендан хавотир олманг, соғ-саломат Тошкентда ўқиб юрибман, тезда пул юбораман» деб хат ёзибди Шафоат.

Онанинг қувончи дунёга сиғмади. Югурганча қизиникига борди. Аммо онанинг қувончи узоқ чўзилмади.

Шафоатни тикка турғизиб кўмишган экан, номардлар. Бўйнида сиртмоқ, бўғиб ўлдирилган.

— Шунақа биродарларим! Инқилоб қурбонсиз бўлмайди. Шафоатой ҳам беҳудага қурбон бўлмаган. Биз унинг таржимаи аҳволидан яққол кўриб турибмиз. Шафоат қайта тирилмайди, лекин асрлардан бери заҳар-заққум ютиб ётган минг-минг ўзбек хотин-қизларини зулматдан қуёш бағрига олиб чиқиш учун унутилмас хизмат қилиб кетди. Фароғат билан Шафоат ҳам ўз йўлида инқилобчилар эди, инқилоб йўлида кураш қурбони бўлдилар.

Мана орадан яқин қирқ йил ўтди. Биз бундан кейин ҳам Фароғат, Шафоатларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Шундай жасур қизларимиз билан фахрланамиз.

Мен Шафоат қурбон бўлган Қулба маҳалласида бўлдим.

— Маҳалламизнинг отини энди Қулба эмас, Инқилоб номи билан ўзгартирдик. Чунки пилла фабрикасининг ишчиси, жасур комсомол қизимиз Шафоатой Искандарова инқилобий вазифани бажаришда қурбон бўлган эди.

Самарқанд район партия комитетининг секратари ўртоқ Раҳматиллаев бизни Шафоатой ўсган Қулбайи поён қишлоқ советига бошлаб борди. «Комсомол» номли колхоз активлари билан қизгин суҳбатлашдик.

— Шафоатой униб-ўсган қишлоқдаги «Комсомол» колхози бугун — 9 октябрда бутун хўжалик планини шараф билан бажарди,— деб ҳикоя қилади колхоз раиси Раббимқул Истамов.

— Қишлоқ советимиздаги 2358 хўжаликда 12280 жон яшайди. 3750 колхозчидан 2103 таси хотин-қизлар, булар колхозда ишлашади, ўқитувчилик қилади, бошланғич, ўрта мактаб ва институтларда ўқишади, шифокорлик қилишади. Озодлик қурбони ҳамқишлоғимиз Шафоатхонлар эскиликка қарши кураш олиб бормаганида бу бахтиёр кунлар қаёқда эди,— деди қишлоқ совети раиси Сарвар опа Абдуллаева.

Ҳа, бу ҳақ гап. Бу шонли эллик йилга осонликча етиб келмадик. Курашдик. Қурбонлар бердик. Меҳнат билан зафарлар қучдик.

Инқилобимиз қурбонларига абадий шон-шарафлар бўлсин!

1967 йил, октябрь.

ЭЪЗОЗХОН

I

Эъзозхон колхоз идорасида ҳисоб-китоб билан шуғулланиб ўтирган кечаларининг бирида эшик тирқишидан биров мўраллади. Мўраладигу, ичкари киришга ботинолмади, бухгалтерия иши билан боши қотиб ўтирган қизга халақит бергиси келмади. «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада» деганларича бор-да. Она шўрлик қизим қайда қолди деб уйида нечта Эъзоз тугди экан?

Хона ичидаги жимлик ваҳимаси одамни ютгудек. Деворга осиб қўйилган соатнинг «чиқ-чиқ»и эшик орқасида кутиб ўтирган Исроил отага гўё: «Қизингнинг ишига халақит берма! Эшитяпсанми!.. Чиқ, чиқ!» дегандек туюлар эди. Отанинг ортиқ сабри чидамади. Эшикни очиб ичкарига кирди. Эъзозхон бу кутилмаган учрашувдан шошиб қолиб: «Вой, дадажон!» деб ўзини отасининг қучоғига отди.

Энди ўн тўққиз ёшга кирган бу қизининг пешанаси кенг, ўсиқ қоши қоғоғи билан туташган, қуралай кўз, ўрта бўй, озғингина эди. Эъзозхон отасининг бўйнига осилиб олиб, унинг соқол-мўйлов босган юзидан ўпарди.

Исроил ота ақлини танигандан бери қора меҳнатда катта бўлган собиқ батрак эмасми, шунинг учун у ҳали бақувват эди. Гарчи уруш машаққатлари билан Исроил отанинг эти қочиб, анча озган бўлса-да, қуюқ қора қоши, тийрак кўзи, мош-гуруч кўркем соқоли жуда ўзига ярашган эди.

Эъзозхон отасидан узр сўраб, стол устидаги қогоздафтарларини шоша-пиша йиғиштирди-да, ўз иши, колхоз аҳволи тўғрисида отасига гапира кетди. Айни вақтда колхоз правлениесининг секретари билан бош бухгалтери армия хизматига чақирилгани, бу иккала вазифа ўша кунгача бош табелчи бўлиб ишлаб келган ўзига юклангани ва яна бу вазифалар устига колхоз комсо-

мол ташкилотининг секретари бўлиб ишлаётганини сўзлаб берди. Ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ёш қиз учун бунча вазифа, албатта енгил эмас эди. Шундай бўлса-да, Исроил ота:— Ҳаммасига уруш сабаб бўлди, қизим,— деб Эъзозхонни юпатди.

— Эр бошига иш тушса этик билан сув кечар, от бошига иш тушса сўлиқ билан сув ичар!.. Хабаринг бор, уруш бошлаган фашистлар сал вақт ичида чақмоқдек учиб Москва оstonасига келиб қолди. Гитлер уруш бошламаганда биз урушармидик. Мана уч йил бўлди, урушнинг охири ҳали ҳам кўринмайди. Ҳозирги кунда душман билан жанг қилаётганлар кимлар?.. Тинчлик вақтининг бухгалтерлари, котиблари, ўқитувчилари, ишчилари, колхозчилар-да, қизим. Фронт учун зарур эканки, булар армияга чақирилганлар-да. Бўлмаса ҳукуматимиз ҳам биладди, колхозда иш кўп. Мана шунинг учун сен қиз бошинг билан уч-тўрт кишининг вазифасини бажаришинг керак бўлибди. Мана отаңни олиб кўр: мен қаёқда-ю, Фарҳод қурилиши қаёқда!.. Менга ўхшаган минг-минглаб чоллар қариган чоғларида Фарҳод бўлиб тоғ қулатмоқдалар. Электр станция қуриш керак эмиш. Фашистлар босиб олган шаҳарларимиздаги завод-фабрикаларни бу ерга кўчириб келибдилар, уларни юргизиш учун электр кучи етарли эмас. Ҳукумат ана шу қувватни Сирдарёнинг сувидан олмоқчи. Буни илми ҳикмат деса бўлади. Эҳ-ҳе... Фарҳодда бўлаётган ишнинг поёнига етиш қийин. Юз минг одам ишлайпти десам, лоф бўлмас. Одам деганинг мўри-малаҳ. Бу ошхоналар, бу нонвойхоналар, бу театру артистлар, асти қўявер. Бировлар тош кўтариб дарёга тўкади. Ҳар бир область ўзига алоҳида. Бу участка Самарқандники бўлса, унинг нариги томони Наманганники, область область билан, район район билан, колхоз колхоз билан мусобақаланган. Ким ўзди, ким орқада қолди, ҳар кун радио айтиб туради. Бир вақтда иш бошлаб бир вақтда ишдан чиқамиз. Бир соат ишлаб, сўнг дам берилади. Бошлиқнинг қўлида соат.

«Дам оламиз!» деб қичқирса ҳамма бир одамдек ишдан тўхтайдди. Шунда биров чой ичади, биров тамаки чекади, хуллас, шу ўн минут ичида ким нима хоҳласа қилади-да... Ўн минут нима! Кўз очиб юмгунча ўтиб кетади.

«Оғайнилар иш бошладик!» деб бошлиқ яна қичқиради. Ҳамма бир кишидек ишга ёпишиб олади. Утган

куни туш эди: ишга қаттиқ берилиб кетган эканман, биров «Ошна, ҳорманг!» деб қолса бўладими. Ким экан шу пайтда мени ошна деган, деб бундай бошимни кўтариб қарасам, тепада Йўлдош ака туриптилар.

— Қайси Йўлдош ака?— деб сўради Эъзозхон.

— Ўзимизнинг Марказ Ижроқўм Йўлдош ака Охунбобоев-чи. Шошиб қолганимдан «бор бўлинг» дейишни ҳам унутибман. Катта одам. Ҳукумат-а!

— Салобатлари босипти-да сизни, дада,— деди мийиғида кулиб Эъзозхон.

— Қайдам... Атрофингдагилар тинмай ишлаб турганда, ишни тўхтатиб сўрашга истиола қилдим.

— Кўзимга иссиқ кўрнпяпсиз, ошнам, қаерли бўласиз?— деб яна сўз қотди Йўлдош ака. Мен бўлсам ишдан бошимни кўтармасдан:

— Майгирдан бўламан. Майгирни эшитганмисиз?— деб сўрадим.

— Ие, Избосканнинг Майгириданми? Нега билмай, ошнам. Майгир шолисини машҳур қилган батраклардан бири бўла туриб, Майгирни билмасам уят-ку, демасинми Йўлдош ака, шунда аҳволимни кўрсанг эди қизим,— деб бошини чайқаб қўйди Исроил ота,— бир ёқдан иш, иккинчи ёқдан, ўзинг айтгандек, Йўлдош аканинг салобати, тер қуйилиб келяпти.

Охунбобоев тепадан каналга тушиб, олдимга келди-да:

— Қани, ошнам, терлаб кетибсиз, бир оз дамингизни олинг, мен ҳам бир терлайин-чи,— деб қўлимдан кетмонни олди. У чарм тупини ечиб тахлаб бир четга қўйди-да, кетмонни қўлида салмоқлаб, «Ҳа, дуруст, қадимги батраклар кетмонидан экан» деб бирпас менга тикилиб турди-да:

— Сиз Аҳмадали бойга қарол юрмаганмидингиз?— деб сўради.

Чиндан ҳам Йўлдош ака билан ошна чиқиб қолдик.

Йўлдош ака худди рақибига човут қилиш учун ҳозир турган йўлбарс сингари икки оёғини ерга қадаб, қулочкашлаб кетмонни урганда, ер палахса-палахса бўлиб кўчар эди. У қўли ишда бўлса ҳам, савол орқасидан савол бераверди. Охири Аҳмадали бой қандай қилиб мени отамдан етти сўмга сотиб олганини билиб олди. Йўлдош ака бирпасда талай тупроқни қазиб

қўйди. Муддаодагидек терлаб ҳам олди. Ён-веримдагиларнинг кўзи бизда. Хижолат тортишимни билсанг ёди.

— Сиз энди дамингизни олинг. Мен ишлаб туриб ҳам гапириб беравераман,— десам, Йўлдош ака:

— Ошнам, келинг энди сазамни синдирманг, иккада батрак ҳеч ким йўғида бир ҳасратлашиб олайлик!— деб яна етти сўмга сотилишимнинг тарихини айтиб беришимни сўради.

...Исроил отанинг Аҳмад бойга сотилиш воқеаси кеч кузда бўлиб ўтган экан. Булар отадаи тўрт оғайни қолганлар. Исроил ота ўша вақтда 15 ёшда бўлиб, икки кичик укаси бўлган. Акаси Исроилдан уч-тўрт ёш катта бўлса-да, ношудроқ экан. Исроилнинг отасининг исми Мамарасул бўлиб, бир ўзи уч-тўрт қарол ишини бажариб юрганидан, кейинчалик номига «полвон» лақаби тиркалиб, Мамарасул полвон бўлиб кетган. Мамарасул полвон ёши қайтиб, чўкиб, оғир ишга ярамай қолганда, болалари жуда ёш экан. Жўжабирдек жон. Олтита нонхўр бир кишининг қўлига қарам. Топши-тутиш йўқ. Ётиб еганга тоғ чидамас. Сергайрат ёш Исроил, бойларнинг эшагини миниб, даласидан ўтин-чўп, дондунини ташиб, шу орада машоқ териб, сомон, ўтин олиб келиб, рўзгорга фойдаси тегиб тураркан. Аҳмадали бой Мамарасул полвонининг оғир аҳволидан огоҳ бўлиб, Исроилни ўзига сўратади. Шунда Мамарасул полвон ўз танасида уйлаб:— Бой эшигида умр бўйи ишлаб мен нима барака топдим, болаларим нима топарди!.. Ке қўй, қул ўлмас, ризқни камимас... Оҳ-воҳ билан бир кунимиз ўтар-да,— деб бойга рўйхуш бермаса ҳам, ёмон — ёмон-да. Гадойдан хайр сўраб ундирадиган Аҳмад бой қаттиқ туриб олибди.

— Ҳа, у айтган ишини қиладиган одам эди,— деб қўйди қопга тупроқ сола туриб Йўлдош ака.

— Ўғлингизни бир йил ишлатаман. Мана сизга етти сўм. Нақд тўлайман. Насияга тобим йўқ. Мендақа зар харид бойни топиб бўлсангиз. Мен баъзи бойларга ўхшаб битини ўлдириб, қонини ялаганлардан эмасман,— депти Аҳмадалибой. Хуллас, бой Мамарасул полвонни ҳоли жонига қўймапти. Етти сўмни Мамарасул полвоннинг қўлига тутқазибди. Ота бечора ҳеч бўлмаса «ўғлимдан сўраб кўрай» деб чунон ёлворибди, бой кўнмапти. «Сиз билан биз бир парса деганимиздан кейин

ўғил нима дер эди, омин оллоҳу акбар!»— деб бул олибди. У юриб бора туриб:— Ҳой Мамарасул! Фотиҳа, муҳри худо-я!— деб худони ҳам ўртага солибди.

Мамарасул ота бу воқеани шу кунгёқ хотининг айтган бўлса-да, ўғлига айтишга ботина олмаган. У айвонда турган бир қоп маккажўхорини тегирмон қилиш учун олиб бормоқчи бўлиб кўтарганда ерга йиқилган. Хотини югурганча келиб қараса қўл-оёғи шалвираб, тилдан қолган ҳолда чўзилиб ётар экан. Шу кун хуфтонга етмай Мамарасул полвон дунёдан ўтади. Бойнинг етти сўми унинг жанозасига яратилади. Ота вафотининг еттинчи кунда Аҳмад бой қаролларидан бирини юбориб Исроилни сўратади. 15 ёшлик Исроилнинг Аҳмад бойга сотилиши ва унинг батраклик ҳаёти шу тариқа бошланади. Фақат ер ислоҳоти туфайли Исроил Аҳмад бой асоратидан озод бўлади ва бойнинг ери, суви, от-улови мусодара қилинади, батраклар бирлашиб артель тузадилар. Ана ўша кундан бери Аҳмад бойнинг собиқ батраклари — Суяроқул ота, Исроил ота, буларнинг ака-ука, қиз-ўғиллари колхозда ишлаб, коллектив ҳўжаликни мустаҳкамлаш ишида жонбозлик қилиб келар эканлар.

— Уруш ишнинг белига тепди, бўлмаса турмушимиз гуллаётган эди,— деди Исроил ота.

— Турмуш яна гуллайди, ошнам. Ғалаба кунларимиз яқинлашиб қолди. Ўзимиз анча-мунча уриниб хийла толиққан бўлсак ҳам, ҳали бунақа нечта гитлерни енгилшга кучимиз етади. Бунга ишонинг, ошнам!— деган экан Охунбобоев. Шунда Исроил ота:

— Ишонганимиз қандайки, ошнам, ўзига ишонмаган халқ уруш вақтида Фарҳодда ГЭС қурурмиди,— деб берган жавоби ҳали-ҳали унинг хотиридан чиқмас эмиш...

II

Эъзозхон 1941 йилда тўлиқсиз ўрта мактабни битирди. 14 ёшида Ленин комсомоли сафига кирди. Мактабда ўқиб юрган кезларида колхоз комсомол ташкилотининг ишига фаол қатнашди. Эъзозхон ўз одати бўйича мактабдан қайтгач, шоша-пиша дарсини тайёрлаб далага чопар ва уйга жуда кеч қайтарди. Бундан Файзи ҳоланинг фиғони фалакка чиқиб:

— Мен сени далада туққанмидим, сен ҳам одамларнинг қизига ухшаб дастёру беминнат бўлсанг, нима қилади,— деб қўярди.

Шунда Исроил ота хотинига: «Болани дала ишидан совутма. Қиздир, ўғилдир ёшликда меҳнатга бўйин қўйса, улғайганда хор бўлмайди» дерди. Файзи хола ҳамон ўз сўзида қаттиқ туриб: «Ёшдир, қаридир бир ишнинг бошини тутса яхши-да! Кўпга югурган оздан қуруқ қолади. Ё ўқиши бўлмай, ё колхоз, икки жаҳон овораси бўлиб қолмасин!» дерди. Исроил ота хотинининг бу фикрига қўшилолмас эди. «Ҳой, сен нима деяпсан, бир кишига қирқ ҳунар оз. Кўп ўқиб, тўп ўқиб мактаб битирса-ю меҳнатга ўқувсиз бўлиб етишса, қиздир-йигитдир ундан ёмон нарсаси бўлмайди. Сен билан мени колхоз тўйдирди. Ўзознинг ҳам ёшликда колхоз ишига аралашавергани маъқул, ақли кириб ўзини тутиб олганда бу унга асқатади» дерди.

Болалари тарбияси учун ота-она тортган бу ташвишлар ёш Ўзозхонга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Мактабдошлари орасида унинг фаолияти борган сари кенгайиб, ёлғиз мактаб ёки колхоз ёшлари орасида эмас, балки катталар орасида ҳам сезила бошлади. Ўзозхон ҳали мактабда ўқиб юрган чоғларида колхоз комсомол ёшлари уни ўз ташкилотларига секретарь қилиб сайладилар. Шу йўсинда Ўзозхон мактабдан колхоз ишига аралашди кетди...

Кўп ўтмай Избоскан район партия ва комсомол комитетлари ташаббуси билан кўп минг кишилиқ митинг ўтказилиб, эллик центнерчилар ҳаракатини кенгайтириш тўғрисида мурожаат қабул қилинди. Ана шу митингда Ўзозхон Исроилова сўзга чиқиб, колхозда гвардиячи комсомол ёшлар бригадаси ташкил қилиб, ҳар бир гектар ердан 50 центнердан пахта ештириш учун колхоз ёшлари номидан ваъда берган эди.

Митинг мурожаатини муҳокама қилиш учун колхоз комсомол ёшларининг мажлиси чақирилди. Ёшлар Суярқул отадан маслаҳат олиб иш қилишни, агар упасани ҳам бригада ишларига тортишни жуда истардилар. Чунки Суярқул отанинг ёши улўғ, тажрибаси катта, пахта сирини эзиб ичиб юборган миришкор, қўли гул, кекса колхозчи эди. Ёшлар баъзан бирон ишда камчилиқка йўл қўйиб ёки хато қилиб қўлганларида, Суяр-

кул ота: «ҳа, минг қилганда ҳам ёш ёш-да. Еши етмай, иши битмас», деб қўярди.

Шунинг учун ҳам ёшлар Суярқул отани бугунги мажлисга таклиф қилдилар. Суярқул ота ўз одати бўйича шошилмасдан сўзлай бошлади:

— Ёъозхон сизларга орқа қилиб юрт олдида сўз берипти, бунинг устидан чиқиш керак, албатта. Ўз гапига эга бўлмаган одамни одам демаса бўлади. Қизим Ёъозхон! Ўйлайманки, бу қора кўз дугоналаринг, шердил ўртоқларинг сени ҳам, ўзларини ҳам уятга қолдирмаслар. Лекин Суярқул отанинг фикрига ҳамма ёшлар ҳам қўшилавермасди. Бунинг сабаби бор эди. Рост-да ахир, колхозда битта ҳам трактор бўлмаса, бунинг устига мавжуд от-улов, буқа-ҳўкизлар ҳам помидга бор бўлиб, озиб-тўзиб кетган, зўрга юришарди. Ем ўрнига хашак кавшаган от, кунжара, тертга тўймаган ҳўкиз ер ёришга, мола босишга ярайди дейсизми?! Уруш ҳамма ишнинг белига тепди. Колхозни елкаларинда кўтариб келган азаматларнинг кўпчилиги фронтда, колхоз ишига асқатиб турган ўспиринлардан яна ўн киши ўтган ҳафта армия хизматига кетди. Душманимиз тезроқ енгилсин, деган ҳар бир жон — ёшми-қаримми ишлаши керак, — деб гапида давом этди Суярқул ота, — армияга ёрдам бериши керак!.. Колхозимиз бино бўлиб ҳалигача бир гектар ердан эллик центнер пахта олган эмас. Ҳозирги ҳолимиз билан урушгача бўлган ҳолимизни таққослаб қаралса, ер билан осмонча фарқ кўриш мумкин. Лекин шунга қарамасдан, барчага ибрат бўлгудек улкан ишга бел боғлабсизлар, виждонин бор катта-кичик — ҳамма сизларга ёр бўлиши, қўллаб-қувватлаши керак!

— Қандай қилиб шу қадар катта ваъданинг устидан чиқа оламиз? — қўққисдан савол ташлади мажлисдаги ёшлардан бири.

Суярқул ота:

— Бу ўзларингга боғлиқ! — деб гапида давом этди: — Ёъозхон қизим, шу гапим қулогингда бўлсин: шолিপоядан сен тугул, бободехқон ҳам 50 центнердан пахта ололмайди. Шолিপоя ачима ер бўлади. Шунинг учун шолипоянгишни бедапояга алмаштиришга маслаҳат берардим.

— Одобсизлик бўлса ҳам сўзингизни бўламан, — деди ўрнидан ирғиб туриб Ёъозхон. — Менинг такли-

фим шу:— Гвардиячи комсомол ёшлар бригадасига ер танлаш ишини Суярқул отамга топширилишига қаршилар йўқми, ўртоқлар?

Бу таклифни мажлис аҳли қарсақлар билан қабул қилди.

Ниҳоят мажлис звено бошлиқлари сайлашга киришди. Суярқул ота Қорабоев, Роҳатой Ҳамраева, Доношхон Тожибоева, Робияхон Эгамовалар звено бошлиқлари қилиб сайланди. Гвардиячи комсомол ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб Эъзозхон Исроиловани сайланди.

Шу билан мажлис тарқалди.

III

Гвардиячи комсомол ёшлар бригадаси қиши билан тинмай ишлади. Ер шўрини ювиш учун балчиққа ботиб зовур тозалади. Бригада аъзоларидан баъзи бирлари «ҳеч бўлмаса қор ёғиб турганда дам олсак бўларди» деганларида, Эъзозхон: «ўйлаб гапириш керак. Гвардиячи қизил аскарларимиз фронтда об-ҳавога қараб жанг қилаётганлари йўқ-ку! Улар Россиянинг қаҳратон қишида, бўрон ва изгириларида жанг қилмоқдалар. Қизил аскарларимиз кеча билан кундузни фарқ қилмайдилар. Уйқу, тиним нима билмай, гитлерчиларни боплаб урмоқдалар. Душманни Ғарбга томон қувиб бормоқдалар. Шундай бир вақтда биз қордан қўрқиб сандалга кириб оладиган бўлсак, гвардиячи номини олиб нима қилардик! Йўқ, бундай қилишга бизнинг ҳақимиз йўқ. Гвардиячилар сингарни қийинчиликларни енгмасак, гвардиячи номини оқлай олмаймиз. Мамлакатимиз олдида Ватанга берган сўзимизнинг устидан чиқолмай, Суярқул отам айтганларидек, бебурд бўлиб қоламиз! Кўчамизда бўладиган зафар байрами кунлари яқинлашмоқда. Биз бу улуг байрам—ғалаба кунига муносиб совға тайёрлашимиз керак. Бу муқаддас йўлда биз на иссиқдан ва на совуқдан қўрқамиз!—Қор-ёмгирдан чекинамиз!» деб бригада аъзоларини руҳлантирар, уларга далда берар, меҳнатда шахсан ўзи ибрат кўрсатарди.

Суярқул ота колхозчиларнинг бир умумий мажлисида:—Чигит тикиладиган ер қишдан семириб чиқса, ёз фаслида гўзалар толиқмайди,—деб айтган эди. Бу

маслаҳат Эъзозхонга жуда ёқиб тушди. Ерни семиртириш куздан бошланади. Шунинг учун Эъзозхон бригада ерларидаги гўзапояларни, эгалари қачон йиғиб олар экан, деб қараб ўтирмади. Ўз бригада аъзоларини сифарбар қилиб, ерни гўзапоялардан тозалади. Йиқилиб ётган деворлар, эски тупроқлар, хонадонлардан йиғилиб қолган гўнглари ташитди. Ерни текислатиб, шудгорлашни бошлаб юборди.

Кунлардан бир кун учинчи звенонинг бир аъзоси:

— Эъзозхон беш панжасини оғзига тиққан қиз экан, ерга озмунча гўн тўктирмади, энди совуқ кунда ҳаммани қийнаб ахлат ғамлаганига бало бормиди? Ёзда ҳукумат берадиган маданий ўғитни нима қилади?—деган экан, кимдир оқизмай-томизмай бу гапни Эъзозхоннинг кулогига етказибди.

Шунда Эъзозхон:

— Оталарнинг бир мақолини асло эсдан чиқармайлик: «Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши», «Сергилалов бемаза бўлмайди»,— деб ҳаммани кулдирган эди.

Гвардиячи комсомол ёшлар эллик центнер учун кураш бошлаган йилларда аҳвол кўп жиҳатдан оғир эди. Бир томонда уруш, вайронагарчилик, ярим оч-ярим ялангочлик колхоз бўлса, етти қоққан кунжутдек... Бригадаларнинг бирида от-улов бўлса, бирида йўқ, ерни техника кучи билан ишлаш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Биргина универсал икки колхозга хизмат қиларди. Бироқ бу «универсал» ҳам ёшнинг яшаб, ошини ошаб қўйган кўп «инвалид»лардан бири эди. Бир гектар ер ҳайдаб қўйгудек бўлса, баъзи бир кун дам олиб турарди. Ўз-ўзидан маълумки, деҳқончилик ишининг барча оғирлиги одамлар устига тушганди. Булар ҳам яна шу ўспирин йиғитча ва қизчалар эди. Колхоздаги ҳар бир катта-кичик жон ҳисобда, ўтган баҳор армияга чақириб учун ёшлик қилган йиғитчалар, бу баҳоргача ёши тўлиб армияга кетиб қолишарди. Аксига олгандек гвардиячи ёшлар бригадаси рўйхатидаги ўспиринлардан бир нечаси минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг баҳори яқинлашганда ёши тўлиб, армияга кетиб қолди. Эллик олти гектар ерга пахта экиш учун камида эллик нафар ўспирин керак эди. Эъзозхон бригада аъзолари сонини тўлдириш учун у эшикдан кириб бу эшикдан чиқар, кетмон эмас, теша кўтаришнинг уддасидан чиқа оладиган қизми, ўғилми

— ким бўлмасин бригада ишига тортишга ҳаракат қиларди.

Мана Эъзозхоннинг синфдошлари бир гала қизлар. Булар куйиб-ёниб бригада ишини олга суриш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Иш чигит экишга етганда аҳвол жуда оғирлашди. Ҳаво гоҳ ёғиб, гоҳ очилиб турарди. Эллик олти гектар ерга чигитни қўл билан экиш керак. Муддат эса—сапоқли. Бир томонда ер ҳайдалиб жўяк тортилмоқда, жўяк тайёр бўлиши биланоқ асаларидек тармашиб чигит экадилар.

Гвардиячи ёшлар ўша минг тўққиз юз қирқ тўрттинчи йилнинг қиш ва ёзини кўзлари тўйиб уйқу, таналари мириқиб ором олмасдан ўтказган эдилар дейилса, муболаға бўлмайди. Чумоли сингари тиришиб ер тимдалаб қатқалоқ билан курашдилар. Худди олтин йўқотган кишидек ғўза пайкалларида тимирскиланиб, унмай қолган чигит уяларини топиб олиб қайта экардилар. Суяркул ота ёнига Эъзозхонни олиб, униб чиққан ғўзалар соғ-посоғини кўздан кечирав экан: «Болам, ҳосилни гектар бермайди, кўчат беради. 50 центнер ҳосил олиш учун кам деганда ҳар гектарда юз-юз ўн минг ўртасида кўчат бўлиши шарт» дерди. Отанинг бу талабинини ўринлатиш учун бригаданинг барча аъзолари апрель, май ойи мобайнида пайкалма-пайкал кезиб, чиқмай қолган ёки касал кўчатлар уясини топиб чигит экардилар, ернинг баландроқ жойида нам қочиш натижасида тезда чиқмаётган ғўзаларнинг қулоғидан тортиб, тупроқ бағридан сугургандек ундириб оладилар. Кечалари ғўза сугориб кундузлари чопиқ қиладилар. Ғўзаларга шарбат суви оқизишдан сира-сира зерикмасдилар. Уруш вақтининг қийинчиликларининг мардона енгиб, мисли кўрилмаган ғалабага эришдилар. 56 гектар ернинг ҳар гектарида қирқ саккиз ярим центнердан оқ олтин ундириб, Андижон областида биринчилиكنи олгандилар.

Ёшларнинг бу ташаббуси пахтакорларни руҳлантириб юборган эди.

Андижон область, Избоскан районидаги Эъзозхон Исроилова бошчилигидаги гвардиячи комсомол ёшлар бригадасининг бу ажойиб ватанпарварлик ҳаракати ҳар жиҳатдан ибратли эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Ленинчи комсомол ёшлар марказий комитетининг буюрси ўз мажлисида бригаданинг ишлари тўғрисида

Исроилованинг докладини эшитган ва бу прогрессив ҳаракат тажрибаларини намуна сифатида ёшлар орасига ёйиш учун қарор қабул қилган эди.

Қирқ саккиз ярим центнер... Ваъдага бир ярим центнер етмади! Мана бу «етмади» сўзи Эъзозхонга тинчлик бермас, виждонини азоблар эди. Район ташкилотлари уни ҳол-жонига қўймасдан колхоз правлениеси раисига муовин бўлиб ишлашга ундай бошладилар. Эъзозхон эса ўз бригадасидан ажралишни сира истамасди. Лекин бу жасур қизнинг хоҳиши билан ҳисоблашмадилар. У қилиб-бу қилиб Эъзозхонни колхоз раисига муовин қилдилар. Эъзозхон бу ерда ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифани ёмон бажармади. Лекин бу ўринда у гвардиячи комсомол ёшлар бригадасида ишлагандек қулоч ёзолмади. Кўпга югурган оздан қуруқ қолар дегандек, унинг кўп вақти бригададан бригадага, райкомдан МТСга, мажлисдан мажлисга юриш билан ўтарди. Орадан бир йил шу йўсинда ўтиб кетди. Йигиртерим тугаб, даромад тақсими бошланиши билан Эъзозхон колхознинг умумий йиғилишига расмий ариза билан мурожаат қилди... Муовинлик вазифасидан озод қилиб, яна ёшлар бригадасига қайтаришларини сўради. Мажлис Эъзозхонни муовинликдан бўшатиш билан бригадага қайтариш эмас, раисликка кўтаришни таклиф қилди. Шунда Суяرقул ота:

— Жон биродарларим, бола фақирни қийнаманглар. Ёши етмай иши битмас, ҳали сизлар уйлаган нарасага озгина вақт бор. Эъзозхонни ихтиёрига қўйиб берайлик, ҳосилни 50 центнерга етказмагунча кўнгли жойига тушмайди!— деганда, мажлис Эъзозхоннинг яна бир йил бригадир бўлиб ишлашига розилик билдирди.

Шундай қилиб, Эъзозхон тарқала бошлаган гвардиячи комсомол ёшлар бригадасини тиклади. Унинг бригадасида ҳар бир туп ғўзада кўрак ўн икки донадан ўн етти донагача етказилди. Уша йили умуман куз яхши келган бўлса-да, октябрь ўрталарида тушган совуқ ғўзага шикаст етказди. Ҳосилга кириши керак бўлган кўракларни совуқ урди. Маълум миқдорда ҳосил йўқолди. Колхозда ёшлар ҳаракатининг кўп хайрихоҳлари қатори буларнинг рақиблари ҳам топиларди. Натижада ёшлардан кулганларнинг ўзлари кулги бўлиб қолдилар. Уша йили Эъзозхон бригадаси эллик тўрт гектар ер-

нинг ҳар гектарида қирқ тўққиз центнердан ҳосил йиғиб олиб, давлат омборига топширган эди. Шунга қарамай, Эъзозхон ўз тенгқурлари орасида ваъдани бажаролмадим, деб йиғлаб юборди.

Буни кўрган Суярқул отанинг ҳам юраги эзилиб кетди, лекин илиқ сўзлар айтиб, Эъзозхонни юпатишга ҳаракат қилиб:

— Майли, қизим, бу йил элликка етказолмаган бўлсак, келгуси йил етказармиз. Уруш шароитида бу даража катта ютуққа эга бўлиш таҳсинга лойиқдир. Уруш ҳам тамом бўлар, азаматларимиз фронтлардан қайтар, халқимиз яна тинч ҳаёт изига тушиб олар, ана унда эллик эмас, ундан ҳам ошириб оқ олтин олармиз. Ҳосилнинг чегараси бўлмайди—деди.

Отанинг далдаси ёшларга қанот бўлди. Эъзозхон сизил тортди. Чеҳраси очилиб, хижолатдан қутулгандек бўлди. Унинг қалбидан оташин сўзлар отилиб чиқа бошлади. Ватанга берган ваъдамизни бажармас эканмиз, билиб кўйинг, отажон,—деди Суярқул отага қараб Эъзозхон,—биз ёшлар сизга тинчлик бермаймиз, ўзимиз ҳам тинчимаймиз.

— Гап шуми, бўпти, оппоқ қизим,—деди Эъзозхоннинг сочини силаб Суярқул ота.—Эллик центнер учун бошлаган курашимизни давом эттирганимиз бўлсин. Болаларим давом эттираммизми?

— Давом эттираммиз!—деб жўр бўлиб қайтаришди ёшлар.

— Раҳмат, отажон,—деди Суярқул отани қучоқлаб Эъзозхон.

Азамат гвардиячи ёшлар яна ҳиммат камарларини белларига боғлаб гектарида эллик центнер ҳосил олиш учун курашни давом эттирдилар ва ўша йили бу катта мақсадга эришдилар. Ҳукуматимиз бригада аъзоларини орден ва медаллар билан мукофотлади. Эъзозхон Исроилова бўлса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди.

Эъзозхон Исроилова эндиликда колхозга раис бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг бой тажрибаси, ватапарварлик руҳи, тўғри қўллиги ишига барака, обрўйига обрў қўшмоқда. 1958 йилнинг 4 июнь кун Иъзозхон раислик қилаётган «Коммунизм» колхозининг ғўзаларини дўл уриб кетди. Қолхозчилар учун бу катта фожиа эди. Лекин табиат офати «Коммунизм» аъзоларининг прода-

ларини буколмади. Улар кеча-кундуз меҳнат қилиб, кузда тукин ҳосил олдилар. Давлат пахта плаппи бажардилар.

У кунлар ўтиб кетди. Эндиликда коммунизм қуриш тарихида янги бир давр бошланди. Бу даврнинг ҳар бир кунини ҳозирданоқ тарихий воқеалар билан бойимоқда ва коммунистик меҳнатнинг янги тип қаҳрамонларинини яратмоқда. Партиямиз қарорлари халқимизни жуда улугвор вазифаларни бажаришга отлантирди. Улар битмас-туганмас ижодий меҳнат самараларидан мамнуни бўлганлари ҳолда чўққилардан чўққиларга парвоз қилмоқдалар. Маррага тезроқ етиш, мақсадга тезроқ эришиш йўллариини қидириб, уни топмоқдалар. Етти йилга мўлжалланган план муддатини қисқартириб, «ким ўзарга» баҳслашмоқдалар, бир-бирларини социалистик мусобақага чақирмоқдалар.

Етти йиллик план нақадар улкан ва миқёси жиҳатдан оламшумул бўлмасин, бу планни етти йилда эмас, тўрт йилда бажариш учун аҳд-паймонлашмоқдалар. Бу жуда улуг ва олиҳимматлар ҳаракатидир, партиямиз таҳсинига лойиқ ватанпарварликдир.

Бу тарихий ҳаракатнинг ташаббускорларидан бири бўлмиш Андижон областининг Ленин район меҳнаткашлари ўзбек юрти пахтакорларининг биринчи қалдирғочлари бўдилар. Ленинчилар пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш етти йиллик планда белгиланган даражага тўрт йилда эришмоқчилар. Пахтаинг ялпи ҳосилини 1962 йилда 40500 тоннага етказишга қарор бериб мардлик намунасини кўрсатдилар. Бу фақат мардлик ишигина бўлмасдан, коммунизмга етиш босқичининг янги аломатларидан биридир. Бу босқичда кишилар ўзга бир хислат касб этмоқдалар. Бу жуда ибратли ташаббусдир. Ленинчиларнинг бу ватанпарварлик ҳаракатлари ҳозирданоқ бутун Ўзбекистонга ёйилмоқда. Яна шуниси ҳам шубҳасизки, ленинчилар олган бу мажбуриятларини албатта шараф билан бажарадилар, коммунизм қурувчилар тарихининг олтин саҳифаларидан ўзлари учун муносиб ўрин эгаллайдилар.

Мен яқинда Фарғона водийсида бўлдим. Колхоз қурилиши ветеранлари билан учрашдим. Суҳбатлашдим. Уларнинг қилган ва қилаётган ишлари ҳар жиҳатдан ибратлидир. Уларнинг босиб ўтган йўллари ажойиб

қиссаларга бой. Яқин ўтмишда, бундан ўттиз-қирқ йил бурун муштумзўр сиртмоғида бўлган мана шу батраклар бу кун мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари, фаровон ва барқарор ҳаётимизнинг соҳибкорлари бўлиб қолдилар. Уларнинг ўғил-қизлари социалистик давлатимизнинг арбоблари—партия ва жамоат ходимлари, фан кандидатлари, колхоз раислари, инженер ва ирригаторлари, селекционер ва агрономлари, доктор ва ўқитувчилари, механизатор ва далачилик бригадирлари, конструктор ва ёзувчилар, rassom ва халқ артистлари, қаҳрамон оналари, меҳнат қаҳрамонлари, Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, ўқув юртларининг аълочилари, академиклари, студентлари, Ленин мукофотининг лауреатлари... эҳ-ҳе... таърифни дунёга сизмас ишларимиз, ютуқларимиз бор. Булар ҳақида ҳали қанчадан-қанча романлар, қиссалар, драмалар ёзилиши керак. Эъзозхонлар, Суярқул оталар бизда оз эмаслар. Булар бажарган ишлар, коммунизм етти йиллигининг биринчи баҳорида кўрсатаётган қаҳрамонликлари оламшумулдир.

Бизнинг Эъзозхон ҳам бундан ўн беш йил бурунги Эъзозхон эмас. У республикамиздаги донгдор колхоз раисларининг бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты. Эъзозхон Исроилова, Суярқул оталар ўзларининг бой ҳаётини тажрибаларини ишга солиб, XXI съезд қарорларини амалга ошириш учун, етти йилга мўлжалланган пахта планини тўрт йилда бажармоқ учун меҳнат қилаётган Ленин район пахтакорлари билан ким ўзарга, андижонликларининг пўлат сафларида туриб, тинчлик, халқ фаровонлиги учун курашмоқдалар.

ОЛТИН ОЛМА, ОЛҚИШ ОЛ!

— Отамни бошлаб боринг. Куни кеча магазинда кўрган эдим. «Рекорд»дан бўлса керак. Хайр, отахон, омон бўлинг. Кампирингизга мендан салом айтинг.

— Қуллуқ, қизим. Умрингиз узоқ, мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин,— деди мўйсафид ўнг қўлини кўкрагига қўйиб.

Йигит билан мўйсафид магазинга, Хадичахон билан Александр Иванович вокзал томон кетдилар.

Баҳор ойининг боши эди. Мирзатерак шохларидаги кучала аллақачон тўкилиб, барглари кўм-кўк бўлиб қолган. Пўстлогн қаттиқ қайрагоч ҳам ўша йили барвақт уйғонган. Унинг шохларида саргардон қилинган тангасимон гуллар ел қанотида учиб юрарди.

Хадичахон билан Александр Иванович машинада қалин дарахтли вокзал хиёбонидан ўтиб, янги шаҳар орқали ҳозир ҳам эски шаҳар деб аталиб келинаётган бозорбоши томон йўл олдилар. Мана, улар дарё кўпригидан ўтиб, Тошлоққа яқинлашиб бормоқдалар. Вокзалдан янги шаҳаргача чўзилган кўчалар четида яшиаб ётган яшил дарахтлар сафи сийраклашиб қолди. Дарё кўпригидан эски шаҳарга чўзилган тўрт километрлик йўл ёқасидаги ёшини яшаган яккам-дуккам кекса дарахтларни ҳисобга олмаганда, шипшийдам даладек. Вокзал, янги шаҳар кўчаларида жилваси киши кўнглига қувонч бағишлаб турган баҳор нафаси бу ерда сезилмайди. Ёзнинг иссиқ, айниқса, саратон кунларида бу серқатнов катта кўчанинг чапги булут сингари ҳавога кўтарилади-да, анчагача қимир этмай туриб қолади.

— Эсимни танибманки, ҳар куни шу йўлдан қатнайман. Йиллар ўтяпти-ю, бирорта дарахт ўтқазилиб, кўкартирилмаяпти,— деди Хадичахон ташвишланиб.

— Мен бўлсам, бу йўлда ўттиз йилдан бери қатнайман, лекин ҳар йил баҳорда, кузда шу катта йўлнинг икки ёқасига ниҳоллар ўтқазаётганларини кўраман.

— Қани, ўша ниҳоллар?— деди ҳамроҳига қараб Хадичахон.

— Бу саволни нега менга берасиз? Ҳар йили ҳам мамлакатда кўкаламзорлаштириш кампанияси ўтказилади. Бу масала маҳаллий совет сессияларида муҳокама қилинади. Шундайми?

— Шундай!

— Депутатсиз. Сиз ҳам шу сессияларга қатнашасиз, тўғрими?.. Ана кўрдингизми, Хадича Назаровна, «Қани, ўша ниҳоллар?» деб менга берган саволингизни сессияда доклад қилган кишига беришингиз керак. Ўйлаб қаранг-а, давлатимиз ҳар йил мамлакатни кўкаламзорлаштириш учун миллион сўмлаб сармоя ажратади. Ниҳолчилик хўжаликларида неча ўнлаб олимларимиз сочларини оқартириб илмий ишлар олиб борадилар. Боғбонлар ҳар бир ниҳолни кўз қорачиғидек ардоқлаб кўкартирадилар. Ҳар йили шу ниҳоллардан мингларчаси катта йўл ёқасига ўтқазилади, фожиа шундаки, дарахтлар ўтқазилади-ю, унутилади. Ўтган-кетган йўловчи тўғри келган ниҳолни синдириб эшагига хала қилади. Ҳеч ким назорат қилмагани учун ниҳоллар саратонга етмаёқ қуриб қолади. Кўрдингизми, ҳар йили шу аҳвол. Қанча маблағ, қанча меҳнат зое кетади. Ҳеч ким ҳеч кимдан талаб қилмагани учун бу ишга муттасадди бўлган киши жавобгар ҳам бўлмайди.

Бу таъналар Хадичахонга қаттиқ таъсир қилмасдан қолмас эди. У депутат сифатида бу ишга ҳам жавобгар эканлигини чуқур ҳис қилгани учун ҳам «гапларингиз тўғри» деб қўя қолди. Машина катта йўл ёқасидаги кенг майдон олдига бориб тўхтади.

— Александр Иванович! Ростини айтинг, мана шу култепа сизнинг ҳам гашингизни келтирадими?

— Гашимни келтириши ҳам гапми,— деди Александр Иванович ажин босган юзини буриштириб,— ишонинг-ишонманг Хадича Назаровна, шу култепани кўрганимда тўрт энлик этимдан тушаман.

Хадичахон ялт этиб Александр Ивановичга қаради. Дарҳақиқат, бу одамнинг гавдасида ортиқча эт йўқ. У турнадек новча, қарчиғайдек чаққон, ёш боладек мулойим, етмишга кирган озғин бир чол эди.

— Сўзларингизга ишонаман, Александр Иванович. Шунинг учун ҳам мен сизни бу ерга бошлаб келдим. Қимирлаб юрган ҳар бир одамнинг жамиятда ўз иши,

ўз ўрни бор. Биров чигит экиб пахта етиштиради, биров дон экиб юртни нонга сероб қилади, биров иморат қуради, ёзувчи—китоб, рассом—рассм, ҳайкалтарош—ҳайкал ёдгор қилиб қолдиради. Хўш, сиз билан мен нима қолдириб кетамиз бу дунёга?

— Яхши ном, ҳалол яшаш...

Хадичахон чолнинг сўзини бўлди:

— Яхши ном қолдириш яхши гап, лекин халқ эсига олиб туриши учун биз ҳам бирон ёдгорлик қолдириб кетишимиз керакми-йўқми?

— Керак, ўзидан нишон қолдирмаган одамнинг номи тез унутилади. Бу масалада сизни жуда ҳам бахтли деса бўлади, Хадича Назаровна.

Хадичахон ўнг қўлини кўкрагига қўйиб, «меними-а?» дегандек чолга тикилиб қолди.

— Билишимча, Хадича Назаровна, сиз онадан ёлғиз қиз эдингиз, шундайми?

— Сиз мени шунинг учун бахтли деб ўйлайсизми?

Александр Иванович Хадичахоннинг таржимаи ҳолига онд бир нарсани айтмоқчи эди-ю, лекин гапни бошқа томонга буриб:

— Пайчиларимиз сизнинг ишингиздан хурсанд,— деб қўйди.

— Жуда ҳам мақтаб юбордингиз!

— Мен эмас, одамлар мақташяпти. Улар икки гапнинг бирида Хадичахоннинг отасига раҳмат дейишади.

Хадичахоннинг юраги орзиқиб келди. У «Отанинг оти ўчсин!» деб айтгиси келди-ю, ўзини тутиб қолди. Она бахтини ўғирлаган ота халқ раҳматига эмас, лаънатига лойиқ. Не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган она қорнидаги бола олти ойлик бўлганда кўчага ҳайдаб чиқарган одамни ота деб бўладими? Йўқ, йўқ! Ота номига иснод келтириб, оналаримизни хўрлайдиган бундай оталар бир умр тирноқ бетини кўрмасдан ўтсинлар. Кўзларидан ёш ўрнига қон оқсин, дунёдан йиғлаб ўтсинлар! Агар мен халқимнинг берган тузини озгина бўлса-да, оқлаган эканман, улар ўз раҳматларини мени боқиб катта қилган онамга, мени тарбиялаган партиямга бағишласинлар, дегиси келарди.

— Етти боланинг онаси бўлдингиз,— бу сиз учун бахтгина эмас, шон-шуҳрат ҳам,— деди у Хадичахоннинг кўкрагини безатиб турган «Оналик шуҳрати» медалига кўз қирини ташлаб,— ўғил-қизларингиз сизнинг

келажагингиз, қолдирадиган ёдгорингиз эмасми? Мен сизни бахтли дейишимнинг боиси ҳам шу эди, қизим.

Хадичахон Александр Ивановичнинг юзига меҳр билан боқар экан, беғубор кўм-кўк кўзларида ёш кўрди. Бу меҳрибон ота қалбига сиғмаган қувончнинг кўзда акс этган садоси эди.

Хадичахон Александр Ивановични эски шаҳарга бирга олиб келишдан мақсади нима эканлигини айтиб берди.

— Бу култепани боғ қилишни жуда яхши ўйлабсиз. Дарҳақиқат, бир минг тўққиз юз ўн олтинчи йил кўз-голониини шафқатсиз бостирган золим оқ подшо ёвузлигининг нишонаси бўлган бу култепа ўрнида боғ барпо қилиш жуда савоб иш. Ана қараинг: қарийб юз гектарга яқин. Шукур, эндиликда халқ тўқ. Техника етарли. Астойдил ташаббус кўрсатгудек одам бўлса, халқнинг ўзи ҳам ҳашар билан бир-икки йилда қўрғон ичини боққа айлантириб юборади. Фақат халққа бош бўлиш, уни ишга сола билиш керак!

— Агар, мана бу майдонини боғ қилиб, анави ерга павильон қурсак,— деди Хадичахон, гўё текис ернинг қаерига қанақа бино қуриш тўғрисида маслаҳат сўраган кишиларга жавоб бераётгандек,— жуда чиройли жой бўлади. Ҳо, ана у ерга намунали ошхона учун яна битта бино қурсак деб ўйлайман. Гап тайёр озуқани пала-партиш пишириб сотишу, планни тўлдиришдагина эмас. Гап шу озуқалардан турли-туман лаззатли таомлар пишира билишда. Энди лаззатли таомлар бўлса-ю, хўрандаларни ўтқазиш учун чиройли, озода биноингиз, гулдор чойнак, зарҳал пиёла, коса-лаганларингиз бўлмаса, оппоқ пахтадек дастурхонлар столларни безаб турмаса, сира ҳам бўлмайди. Умуман, хўрандаларнинг иштаҳасини очишга нима ёрдам берса, биз шуни муҳайё қилсак... Партия, ҳукумат, халқ биздан шуни талаб қилмоқда.

* * *

Одамзоднинг қўли гул деганларича бор-да. Қирқ йилдан бери култепа бўлиб ётган майдоннинг гир атрофига девор олинди. Каттагина мевазор боғ барпо қилинди. Боғ ичидаги кўркам ёзлик павильон—чойхона ва ошхона, янги магазин бинолари эски шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди. Боғнинг муюлишига катта қишлоқ ошхона

ва шарқ томонига нонвойхона қурилди. Бу эски шаҳар халқини оби нон билан таъмин қилиш учун қурилган биринчи нонвойхона эди...

Мана, боғдаги дарахтлар гуллаб, олди ҳосилга ҳам кирди. Тол беор бўлади. Нами қочмаган ерга суқдингиз, бўлди, кўкаради кетади. Яқингача шу янги боғнинг рўпараси ҳам очиқ майдон эди. Кағта ҳовуз қазилиб, атрофига тол повдалари суқилганди. Икки-уч йил ичида Жиззахнинг эски шаҳарида яна бир соя-салқин жой пайдо бўлди. Бозор-ўчар билан келган колхозчилар ёз кунлари бу толзорга кириб, сомса ёки кабоб еб, бир чойнак кўк чой ичмай кетмайдилар. «Зимистон кўрмаган булбул баҳорнинг қадрини билмас» дегандек саратонда Жиззах офтобинини емаган одам, соя-салқин қадрига етмайди. Кўм-кўк зилол суви қалқиб турган ҳовуз бўйида, қип-қизил гилам тўшалган чорпоя устида, айниқса, саратонда бирпас ором олиб, чойхўрлик қилишнинг нимасини айтасиз. Қарилик гаштини сураётганлардан иккита пенсионер толзорда савлат тўкиб, суҳбат қуриб ўтирарди.

— Сиз, бу аёлгинанинг онасини билсангиз керак-а, Каримбой,— деди мўйсафид улфатига.— Бешқувурдаги бозорчада пакана, сариқ бир аёл бўларди. Бир қўлида эмизикли гўдаги, бир қўлида сават ушлаб, қишини-ёзини нон сотиб ўтирарди.

— Тахминан қайси йилларда эди бу,— деб сўради Каримбой ака.

— Чамамда, ҳали ер ислоҳоти бўлганча йўқ эди... Ҳа, қозига чоракор бўлиб юрган йилларимда экан-да. Ушанга қанча йил бўлдийкин?

— Талай йил бўлди. Ер ислоҳоти бўлиб, батракларга ер берилганига ўттиз йилдан ошиб қолди. Ҳўш, ҳўш, шундай қилиб, магазинларнинг каттаси ўша нонвой аёлнинг қизиники эканми?— деб сўради Каримбой ака.

— Ҳа, мана, энди эсимга келди. Нонвой аёлнинг оти Позик опа эди. Нозикнинг асли Боғдондан бўлиб, эри билан чиқишолмай, Жиззахга келиб қолган эди. Мусофир юртида эркак киши ҳар қаерга сиғиб кетаверади. Илло, аёл кишига қийин. Бечора аёл оғир оёқ ҳолда бировларнинг эшигини супуриб, кирини ювиб, шу Хадичани туғди. Не машаққатлар билан катта қилиб, энди боланинг нафи тегадиган бўлганда дунёдан ўтди. Ҳа-

дичани ҳукумат ўз тарбиясига олди, ўқитиб одам қилди. Ана шу Хадича ҳозир Жиззах магазинларининг каттаси. Анави бог, анави ошхона, чойхоналар ҳам шу аёлнинг ғайрати билан қурилди-да.

— Бахтли аёл экан. Кўпнинг дуосини оляпти, кўкарсин,— деб қўйди Қаримбой ака.— Бизнинг колхозда ҳам магазин қурилган эди. Одамлар оғзидан мой томиб мақтайвергандан кейин, қани, бир бориб кўрай, деб ҳафсала қилдим. Дарҳақиқат, мақтаганларича бор экан. Магазинда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор. Сотувчилари ёш-ёш қизлар. Магазинга кирган одамни қуруқ чиқармайди, барака топкурлар. «Отажон, сизга нима керак?.. Опажон сиз боп нарса бор» дейишиб, кишини шундай ийдирадиларки, асти қўяверинг, бўлмаса, бирон нарса харид қилиш хаёлимда ҳам йўқ эди. Бир банорас матони кўз-кўз қилиб мақтай кетди. Нақ гулидан кўз узолмайди киши. Шалдираган ипак, ялтирайди. «Отажон, ёшликнинг охири, қариликнинг боши, шундан бир тўн киядигансиз», деб туриб олди. Ўзи ҳам кўп хушмуомала, ёқимтой қиз экан, умрингдан барака топгур. Ҳар қандай харидорни гап билан эритади. Мен ҳам ўйлаб турмадим-да, кел, қизим, бир кийимлик ўлчай қол, сазанг сингунча шайтоннинг бўйни узилсин, дедим-да, пенсия пулимдан икки юз эллик сўмни шартта санаб бердим.

— Яхши қилибсиз, Қаримбой, илгариги замонда банорасни бойлар киярди, сиз билан бизга ўхшаганларнинг йиртиқ тўни янги бўлмай дунёдан ўтардик. Давр келганда сур бегим, давримиз келганда еб-ичиб, кийганимиз, давр-даврон сурганимиз ганимат,— деди улфатининг харидидан мамнуи бўлиб мўйсафид.— Мен, Қаримбой сизга кампирим билан бўлган қизиқ бир ҳангомани гапириб берсам бўлар экан.

— Кампирлар ҳангомаси қизиқ бўлади, шундан гапиринг!— деди Қаримбой ака самоварчи келтириб қўйган чойнакни олдига тортиб.

— Ҳа, қаймоқлашяпсизларми, отахонлар, яшаворинглар,— деб қўйди самоварчи.

— Ўша куни уйга борсам, қаранг-а, Қаримбой, нақ кампиримнинг дамига ош пишади. Арпангизни хом ўриб қўйдимми, хотинжон десам, нима деди денг?

— Хўш, хўш?— деди қулогини динг қилиб Қаримбой ака.

— Одамларнинг эрлари бирам эпчилки, керак бўлса, осмондаги ойни узиб олади. Озиб-ёзиб магазинимизга дилхузур келибди. Биз шундан ҳам қуруқ қолибмиз,— деб нақ мени олиб бориб, олиб келса бўладими?

— Бўлади,— деди Қаримбой ака қаҳ-қаҳ урар экан, улфатининг тиззасига шапатилаб.— Кампирингизнинг ҳафсаласи қаримаган экан, барака топгур! Ҳа, хўп деяверинг!

— Мен магазин қоровули бўлмасам, дилхузур келганини туш билайми, ке, қўй, кампир онанг афтини кўриш учун бир парча ойна топмай дунёдан ўтганда, сен ойнаи жаҳонга қарамасанг-қарамабсан-да, деб ҳазил қиларманми, қолдим балога.

— Онамнинг камбағаллигини юзимга солаверманг! Онам замони ўзи билан бирга кўмилган! Менинг замоним бошқа. Меҳнат қилиб топган пулимни гўримга олиб кетмайман. Қурбим етгандан кейин, бухгалтернинг хотинидан нима кам! Боринг, қаердан бўлса ҳам дилхузур топиб келинг! Удирки, дилхузурсиз келсангиз, яқинимга йўламанг, деса бўладими.

— Кампир тушмагур нозик ердан ушлабди-ку, а? Йўлатмаса қийин бўлади сизга,— деб қотиб-қотиб кулди Қаримбой ака.

— Нима қилай, кампиримнинг кўнгли нозик, нонлож магазинчи қизимга бориб йўлиқдим. «Ойнаи жаҳоннинг ишқибозлари кўп-да, отажон. Энди бир йўли бор, мушкулнингизни осон қилсалар, ўша Хадича опамлар қилдилар. Ўша кишига бориб учрайсиз. Биронта магазинда қолган бўлса, топтириб берадилар», деб менга йўл кўрсатди.

— Бордингизми?— деб сўради Қаримбой ака энтикиб.

— Бордим. Бўлган ҳангомани айтиб бердим. Битта дилхузур топиб бермасангиз, кампир нари, биз бери бўладиган бўлиб турибмиз, қизим, дедим. Барака топкур, гапга тушуна қолди. Бир йиғитни ёнимга қўшиб, магазинга юборди. Хуллас, ойнаи жаҳонни ундириб, кампирнинг кўнглини олдим. Икки йилдан бери ҳовлимиз театрхона, кул ботмасдан қўшниларининг болалари бизникида, ярим кечагача чугурчиқдек чуғуллашиб ойнаи жаҳонни томоша қилишади.

— Ойнаи жаҳоннинг маркази Ётим тоғ устида дейишадилар, шу гап ростми?— деб сўради Қаримбой ака.

— Йўқ, ойинаи жаҳоннинг маркази Тошкентда. Жиззах тоғи устидагиси ярим станция деб аталармиш. Бу стайцияни «Москва» колхози қурган. Қадимгиларнинг бир одам кўприк солиб, минг одам ўтади, деган гапи бор. «Москва» колхозининг раиси Ҳамроқул, барака топкур, дуруст чиқди. Тоғ устидаги станция унинг ғайрати, колхознинг пули билан қурилди-ю, мана, қанча одам баҳраманд бўляпти. Бизнинг кампир бўлса, ҳар кунни дуо қилгани-қилган. Олтин олма, дуо ол, деб шуни айтадилар-да!

Иккала чол ўша кунни узоқ суҳбатлашдилар. Уларнинг кўп гаплари савдо ходимлари ва уларнинг ишлари тўғрисида бўлди. Эрта баҳордан то пахта йиғим-терими тамом бўлгунча район матлубот жамиятининг сайёр магазин ва ошхоналари колхозма-колхоз юриб, лаззатли шўрва, сомса, оппоқ нонлар билан пахтакорларни хурсанд қилишларини, сайёр магазин-машиналарда энг керакли молларни олиб бориб, дала шийпонларида савдо қилишларини хўпам мақташди. Райондаги кўпгина магазинларда хотин-қизлар хизмат қилаётганидан бу икки мўйсафид жуда мамнун кўринарди.

— Эркакдир, аёлдир, ўз жинсидан кўпроқ тортишга ҳаракат қилар экан. Райондаги магазинларининг каттаси аёл бўлганидан магазинчиларнинг ҳам кўпчилиги аёллардан,— деб қўйди Қаримбой ака.

— Эркакка қараганда аёл киши андишалироқ бўлади. Бошқа идораларда ҳам аёллардан раҳбарлар кўпроқ бўлса, ёмон бўлмас эди,— деди шериги,— умрида эшиги олдига супурги урмай ёки ҳовлисида бир туп дарахт кўкартирмасдан ўтаётган кишилар ҳам бор. Савлатидан ўзга фазилати йўқ бу хилдаги кишиларни амалдорлар орасидан ҳам топиш мумкин. Жиззахдаги кооператив инқилоб билан тенг. Мана, орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Хадичахондан аввал ишлаган раҳбарлар ҳар йили ўн тупдан дарахт кўкартириб, биттадан жой обод қилганларида Жиззах жаннатга айланарди. Лекин улар орасида Хадичахон ёки «Москва» колхозининг раиси Ҳамроқул Носировдек иш тутаётганлари кам-да. Ҳозир райондаги ҳамма колхозда янги магазинлар бор. Булар кимнинг ғайрати билан қурилади? Шу аёлни.

Сиз Тошкент йўли ёқасида қурилган ошхонани кўргандирсиз. Толлар соясида бир дам ўтирсангиз, жонин-

гиз киради. Рўпарангизда Ленин ҳайкали. У сиз билан гаплашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб тургандек. Пишиқ гиштдан хўпам келиштириб ошхона қуришибди-да. Суриштираман, бу ҳам Хадичахоннинг иши экан. Хабарингиз борми-йўқми, ошхона орқасидаги колхоз ери шаҳар бўлиб кетибди. Чунонам янги иморатлар тушибдики, суриштираман, бу биноларда уй ишлаб чиқарадиган завод ишчилари турар экан, Тошкент йўли ёқасидаги ерга уй ишлаб чиқарадиган завод қурилаётган эмиш. Бундан кейин гувала қуйиб, уста ёллаб, лойга ботиб юрмайсиз. Ерни машина ҳайдаса, пахтани терса, бугдойни трактор экиб, машина йиғса, нонингиз нонвойхонада, ошингиз ошхонада пишса, яна сизга нима керак?

— Тинчлик керак, уруш бўлмаса, ёруғ дунё жаннат бўлади-қолади.

— Тинчлик ҳам бўлади. Ҳукуматимизнинг бутун фикри-зикри шунда. Партия ва ҳукуматимиз тинчлик тарафдорларига суяниб иш қияпти. Халққа суяниб иш қилган кишини Афлотун ҳам йиқита олмайди. Хўш, вақт ҳам кетиб қолибди. Кампиримнинг кўзи йўлимдадир. Қани, турдик бўлмаса,— деди қўлини фотиҳага очиб мўйсафид.

— Тинчлик, хотиржамлик бўлсин!

Чоллар ўринларидан туриб, йўл олар эканлар, чойхоначи:

— Хуш кўрдик, отахонлар, соғинтирмасдан тез-тез келиб туринглар,— деб хайрлашди.

* * *

Хадичахон Назарова раис бўлиб ишлаётган Жиззах район матлубот жамияти коммунизм етти йиллиги биринчи йил планини муддатидан олдин бажарди. Александр Иванович қарилик пенсиясига чиқиши муносабати билан яқинда правлениенинг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Ўртоқ Домисловскийнинг узоқ йиллар мобайнида ҳалол меҳнат қилганини тақдирлаб, жамият правлениеси унинг фамилияси ёзилган қўл соат ва телевизор билан мукофотлади.

Халқ учун ҳалол меҳнат қилган ҳар бир одам бизда иззат-ҳурмат топади. Халқ! «Олтин олма, олқиш ол!» деб бекор айтмаган.

1959 йил, ноябрь

УЧТЕПА ҚАҲРАМОНЛАРИ

Шиғил кўсакларини кўтара олмасдан, бир-бирига суянишиб, шохлари қалашиб ётган ғўзалар кўк-ракка уради. Эгатлар орасида оёқ босгундек жой йўқ. Биз ер бағирлаб ётиб қолган ғўза шохларини кўтариб, кўсакларни санадик. Бир тупда йигирма, ўттизлаб кўсак...

Куни билан меҳнат қилиб, туннинг шифобахш шабадасида мириқиб ухлаган колхозчи йигит-қизлар полизда тарс-турс ёрилаётган амирий, шакарпалак, оқуруғ қовунларнинг товуши билан уйғонадилар. Эрта баҳорда узоқ-яқинда пайдар-пай сайрашаётган беданалар овозини тинглаш нақадар завқли!

— Ана, журангизнинг ўзлари ҳам келяпти,— деди колхоз раиси биз томон келаётган кишини кўрсатиб.

— Отабобо аками?— деб сўрадим.

— Ҳа, сизни бир кўришда таний олармикан?— деб менга қаради район газетасининг редактори Юсуп Йўлдошев.

— Қайдам, у киши билан сургунда ўтказган вақтларимиз кечагидай эсимда.

— Кечагидек деганингизга ҳам қирқ йилдан ошиқ вақт ўтгандир?— деб тикилди менга раис.

— Ҳа. Минг тўққиз юз ўн олтинчи йил қўзғолони вақтида Отабобо билан мен саккиз-ўн яшар болалар эдик. Мана шу гулистонга айлантирилаётган саҳро оқ подшонинг сургун жойи бўлган. Оқ подшо истибдодига бўйин эгмаган Жиззах халқи минг тўққиз юз ўн олтинчи йилда мана шу чўлга сургун қилинганди.

Биз пахта майдонидан чиқиб шийпон олдига борган эдик, Отабобо ака етиб келди. У биз билан кўришди ва жой ҳозирлаш учун шийпон томон йўл олди.

— Сизни танимади,— деди мийиғида кулиб раис.

— Отабобо ака! Қаёққа шошиляпсиз! Бу ёққа келинг!— деди раис. Отабобо орқасига қайтар экан, бирон пожуя ҳаракат қилиб қўйдимми, деган тарзда ҳадиксераб раис «танбеҳини» кутиб турарди. Раис бўлса, айтадиган гапини тез айта қолмади. Мен бўлсам, ичимни еб ошиқардим, қучоқлашиб кўришгим келарди.

— Назиржон ака, жўрам-жўрам, деб оғзингиздан бол томади, жўрангизнинг аҳволлари бу!— деди, жиддий бир оҳангда раис.

Отабобо ҳайрат билан менга қараб қолди. У кўзларини тез-тез юмиб-очар, ниманидир хотирлашга ҳаракат қиларди. Ниҳоят:

— Хўб, саломат бормисиз?.. Э, э... ўзимизнинг мулла Назирқул-ку! Келинг жўра!— деб қучоқ очди.

Мен ҳамқишлоқ жўрам Отабобо Охунов билан қучоқлашиб кўришдим.

— Танимадингиз-а, Отабобо ака!

— Раис бобо,— деди бир оз хижолат тортган бўлиб жўрам,— мулла Назирқул билан «Учтепа» чўлини охурча қилганларданмиз. Ҳо анави «Тўкирсой»да ўша вақтда ҳам қамиш ўсарди,— у қўлини ғарб томонга чўзиб, шабадада тўлқинланиб турган қиёқзорни кўрсатди.— Эсингизда бўлса керак. Чўлга ҳайдалиб келганимизнинг эртасига бутун оломон «Тўкирсой»га тармашган эди.

— Эсдан чиқариб бўладими у қушларни! Саратоннинг айни исган қушлари эди. Ўп-яланғоч жазирама чўлда қуёш одам болаларини бодроқдек қовураб эди. «Тўкирсой» қамиши кўзголончиларининг жопларига ора кирганди. Чўлга сургун қилинишимизнинг иккинчи куниеқ одамлар қамишдан чайла қуриб олгандилар.

— Дадаларимизнинг орқасидан гирди-каналак бўлиб, қўлларимизни қамиш кесиб, бармоқларимиз тилим-тилим бўлгани эсингиздами?— деб йўгон муштини ёзиб, дағал бармоқларига қаради Отабобо.

— Эсимда бор, қапа қуриш учун қамиш ўриш керак эди. Одамларда на ўроқ бор эди ва на пичоқ. Дадам билан акам Мансур ҳам қамишни қўллари билан синдириб боғлар эканлар, панжалари қизил қонга белашиб, бармоқларини анча вақтгача боғлаб юрганлари эсимда!

— Биз болалар билан кун бўйи машоқ териш, қўй

қийи тўплар эдик,— деб гапни бўлди Отабобо.— Нонимиз ҳам, ошимиз ҳам қўғирмоч эди. Ҳа, бир кун қўй қийи талашиб, болалар билан муштлашганимиз ёднингиздами?

— Ҳа... Эсласангиз юрагингиз орқага тортиб кетади.

— Қани жўра, энди ўзларингиз ҳорманглар!

— Бор бўлинг. Хўб келибсиз-да, жўра.

— «Учтепа» чўлида сизларнинг қилаётган ишларингиз билан танишмоқчилар. Айтиб-айтиб бering!— деди раис шийпон томон йўл бошлаб.

— Қани, чой-пой ичайлик, гап бўлса қочмас. Шунча йилдан бери энди кўришибмиз, жўра, ўша ўзингиз кўрган чўлни обод қиламиз, деб раис бобом билан уриниб ётибмиз. Мана кўрган пахталарингиз ўрнини кузда очган эдик. Ғўзамизнинг шашти ёмон эмас.

— Қанчадан пахта бермоқчисизлар?— деб сўрадим.

— Мўлжалимиз — ўттиз.

Раис бригадирнинг сўзини бўлиб:

— Ўтган йили жўрангиз бошлиқ бригада аъзолари «Тош уй» массивидаги гумайзордан тўқсон гектар ер очиб, чигит эккан эдилар. Ҳосили чакки бўлмади. Гектаридан ўттиз беш центнердан «оқ олтин» ундириб, давлатга сотдилар. Отабобо ака янги ердан мазахўрак бўлиб қолдилар. Ўттиз беш центнердан ҳосил берган янги ерни тўққизинчи бригадага бериб, кузда яна янги ер очдилар. Мана шу кўриниб турган пахтанинг чегараси ҳў ўша тепа тагигача боради,— деди ва кўзи билан бригада ерининг чегарасини кўрсатди.

— Янги очган ерингиз неча гектар?— сўрадим.

— Икки юз,— қисқа жавоб берди жўрам.

— Тўқсон гектар янги ердан ўттиз беш центнердан ҳосил етиштирганлари учун бригада аъзоларига, энг биринчи галда, Отабобо акамларга каттақон раҳматини айтганмиз. Бу йил икки юз гектар ер очиб, ҳалол меҳнат қилишяпти. Бунинг учун ҳам каттақон раҳмат. Бироқ ўтган йили шунча ҳосил ололган миришкор Отабобо акам, нега бу йил ўттиздан берар эканлар?— деди раис бир менга, бир бригадирга қараб.

Отабобо Охунов кулимсираб, жим турар эди. Жўрамдан бир оғиз гап олиш қанчалик маҳол эканлигини секин тушуниб олдим. У ҳамон жавобсиз кулимсираб турар эди. Раис қайтариб сўрагандан кейин, деди:

— Утган йили еримиз тўқсон гектар эди. Бу йил икки юз. Тўқсон гектар ерни ҳам ҳозирги одамимиз билан экиб, йиғиб олган эдик. Икки юз гектар ерни ҳам.

Раис Отабобо аканинг сўзини бўлиб:

— Техникани ҳисобга оласизми?— деди.

— Техникани ҳам одам ишлатади!— деди мулойимлик билан бригадир. — Илгари ҳам техника бор эди, лекин ундан фойдаланишни билмас эдик. Энди бўлса, одамларимиз ишнинг кўзини билиб олди. «Қетмонсиз юқори ҳосил олиб бўлмайди» деган гапга қулоқ солмай қўйдилар. Квадрат ҳосилни оширибгина қўймай, одамлар меҳнатини ҳам анча енгиллаштирди. Ўттиздан ёки ўттиз бешдан олиш масаласига келганда, ғўзамиз биронта шона ёки гулини ташлагудек бўлса, ўша куни томоғимиздан овқат ўтмайди. Мўл ҳосил олишимизнинг сири ғўзалар билан ҳамдард бўла олишимизда. Қанча ғамхўрлик қилсангиз, бу жонивор ҳам шунча иявераркан. Қолхозчилар ҳам тушликка чиқдилар. Яхшиси, суҳбатни ана шулар билан қилсангиз, негаки, чўлнинг гулистон қилаётганлар шулар.

Шийпонга бордик. Уч бўлмадан иборат катта бионинг бир хонаси келинчаклар уйидек саранжом. Пулат каравотларда юмшоқ кўрпалар.

Оппоқ чойшаб, парқу ёстиқлар билан ораста қилиб қўйилган эди. Ҳарир матолардан тикилган ранг-баранг қизлар кўйлаги хона деворида осиблик турар эди.

Қизлар хонасида махсус шкаф. Бунда дори-дармонлар ва сотувчисиз магазин моллари сақланади. Бу магазинда йигит-қизлар учун энг зарур нарсалар муҳайё.

Иккинчи хона йигитлар ётоғи бўлиб, пулат каравотларга юмшоқ кўрпа-ёстиқ ва чойшаблар ёзилган.

Учинчи хона овқатланиш учун жиҳозланган бўлиб, ҳар хил плакатлар, шиорлар, махсус столга газета, бадий адабиёт ва радиоприёмник қўйилган эди. Шийпоннинг икки қанотида махсус «душ» бор. Қолхозчи қиз-йигитлар ишдан қайтишлари биланоқ, дарҳол ювишиб, кийим-кечакларини алмаштириб оладилар.

Пахтакорлар учун бериладиган концерт бошланди. Шийпон қолхозчи қиз-йигитлар билан тўлди. Қаранг-а, бригада аъзоларининг ҳаммаси қирчиллама йигитлар, тўлин ойдек қизлар.

Даврамизда ўтирган бош бухгалтер гап отди.

— Қўриқ очиб, шу қадар мўл ҳосил етиштирган бригада қизларидан ҳар қанча айлансанг арзийди.

Қолхозчиларга овқат тортиб турган Қумри қиз дарҳол жавоб қайтарди:

— Фақат қизларни эмас, йигитларни ҳам денг! Орифжон ака, Пулатжон акамлар ҳам Баҳринисо, Мастонойлардан кам тер тўкканлари йўқ!

Йигитлар чувиллашиб:

— Яша, Қумрихон!— дейишди.

Биқиниб ош ичиб ўтирган йигит:

— Қумрихоннинг шунисига борман-да!— деган эди, йигитлардан бири деди:

— Ҳа, дўст. Яшавор, йигитларнинг султони.

Қумри қизнинг қочириги бежиз эмасдек кўринди, шунинг учун Отабобо акадан секин сўрадим:

— Ўзи нима гап?..

— Қумри қиз номларини атаган қизларнинг яқинда тўйлари бўлади. Йигитлари ҳам шу ерда,— деди бригадир уларни секин менга кўрсатиб.

— Қумринисо, фурсатдан фойдаланиб, меҳмонларни тўйга таклиф қила қолмайсанми?— деди Охунов менга кўзини қисиб.

— Қизиқсиз-а, амаки! Тўй Орифжон акам билан Икромжон акамларники бўлсин-да, улар таклиф қилмасдан, мен таклиф қилайми?

Бу гап Баҳринисо, Мастоной, Мукаррамхонларга ҳам тааллуқли эди. Йигитлар Орифжон ва Икромжонларни қарсак чалиб табрикладилар. Шунда бўлажак келинлар уялганларидан яширингани жой тополмадилар.

Қумринисо йигит-қизларга эрмак бўлгудек гап топиб, даврага жон киритиб турарди.

Мен Қумри қизнинг ҳаёти билан қизиқсиниб, бригадир жўрамдан сўрадим. Жўрамнинг гапига қараганда, Қумрининг отаси Тошмат шу бригаданинг аъзоси бўлиб, Улуғ Ватан уруши фронтига жўнаган вақтда Қумри саккиз кунлик чақалоқ экан. Отаси Ватан уруши фронтида ҳалок бўлгандан кейин, 1944 йилда Қумрининг ойиси ҳам вафот этибди. Қумрини бригада ўз тарбиясига олиб, ўқитиб-тарбия қилибди. Қумри Ленин комсомоли сафига кирибди.

— Ўзи қарчиғайдек чаққон, ақлли қиз,— деди расис,— қўлидан келмайдиган иш йўқ. Пазанда десангиз

ҳам шу, чевар десангиз ҳам шу. Дугонаси Маърифат шеър тўқийди ва қўшиқ қилиб айтади.

— Қумрисиз қизлар базми ҳам қизимайди,— деб қўйди бригадир.— Умрингни бергур, жуда шўх, қувноқ.

Қумрихоннинг тенгқурлари, опа-сингиллари бир-бирларидан чиройли, сўлим ва дилбар. Анорхон, Тухфахон, Муҳаррамхон, Кароматхон, Ҳикоятхонлар «Учтепа» чулининг ҳусни жамоли.

1959

ЗУЛАЙҲО

Зулайҳо ўн саккиз ёшга кирганда илк муҳаббатнинг ёлқинига дуч келди. Бу муҳаббат қишлоқда донг чиқарган навқирон Ризожоннинг муҳаббати эди. Қора мағиз, бодом қовоқ, қўнғир сочлари белига тушган, барно, учирма қарчиғайдек Зулайҳоннинг севгиси ҳам Ризожоннинг қалбидан ўрин олди. Бир-бирини севган, ишқи пок муҳаббати ҳур бу иккала ёш аҳд-паймон билан бир ёстиққа бош қўйиб, бахтиёр ва осуда ҳаёт кечира бошладилар. Бу қирқинчи йил эди. Аммо кўпларнинг ёстиғини қуритган касофат уруш Зулайҳоларнинг ҳам ҳаётини заҳарлади, уни кўз очиб кўрган, севган Ризожонидан жудо қилди. Ризо қирқ биринчи йили Улуг Ватан урушига кетди. Қирқ тўртинчи йили Зулайҳо Ризонинг Ватан учун қаҳрамонларча жанг қилиб ҳалок бўлгани ҳақида қора хат олди.

Ризо қайтмас бўлиб кетди, аммо Зулайҳоннинг қалбидан унинг ҳеч қачон сўнмайдиган, ҳарчоқ ҳалол меҳнат ва зафарга ундайдиган муҳаббати қолди.

Халқ ичида ҳар қандай ғам-гуссани меҳнат енгади, деган гап бор. Зулайҳо ҳам ўз бошига тушган оғир мушбатни меҳнат билан енгишга ҳаракат қилди.

Қирқ учинчи йил звено бошлиғи бўлиб сурункасига ўн уч йил ишлади ва ҳар йили ўрта ҳисоб билан гектаридан ўттиз беш-қирқ центнердан пахта олди.

Кўпдан бери Зулайҳо ишига разм солиб келаётган Раҳимахон бу тadbиркор, ғайратли, уddaбурон аёлни звенодан бригада раҳбарлигига кўтаришни ўйлаб юрарди. Кўнлардан бир кун Раҳимахон шу мақсадда Зулайҳо звено бошлиғи бўлиб ишлаётган Шодиев бригадасига келди. Бригада аъзоларини йиғиб, суҳбатлашди:

— Расул ака!— бригада бошлиғи Шодиевга мурожаат қилди Раҳимахон.— Тажрибангиз катта, бригадангизнинг ишлари ҳам чакки эмас. Аммо сиз туғилиб ўсган Қўнғирот қишлоғида ишимиз чукиб боряпти. Ўша бри-

гадага ўтиб, уни бир кўтариб берсангиз, қалай бўларкин?

Шодиев пича ўйланди-да, сўнг раисдан сўради:

— Хўш, мен Қўнғиротга ўтсам, ўрнимга ким бригадир бўлади?

Раҳимахон қисқа жавоб қилди:

— Зулайҳо!

Бу кутилмаган гапдан аввал ҳамма бригада аъзолари шошиб қолди, сўнг ҳамма бараварига сўзлай бошлади.

— Эй, қизиқ бўлди-ю,— деди зардаси қайнаб бригадир.— Зулайҳони Зулайҳо қилиб юрган биз, уни кўтаравериб елкам яғир бўлган! Эй, бўлмайди, эплаялмайди!

Узоқбой ота энсаси қотиб мингиллади:

— Эркаклардан бўлгани маъқул бўларди, аёл киши қалай бўларкин!

Очил тезобнинг эса фигони фалакка чиқди, томдан тараша тушгандай бақирди:

— Тўғри, от тепкисини от кўтаради. Бизга урса ҳам, сўкса ҳам эркак киши бўлгани маъқул. Аёл кишининг сўзи бизга қаттиқ ботади. Эркак бўп туриб аёлга бўйин эголмаймиз-да, Жўра!

Раҳимахон бу гапларни «қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит!» қабилида бўлаётганини, бу аччиқ гаплар фақат Зулайҳобагина эмас, ўзига ҳам қаратилганини пайқаса ҳам, шу топда бу ҳақда жавоб айтишни лозим кўрмади. Орага жимлик чўкди. Раҳимахон Зулайҳодан сўради:

— Сиз нима дейсиз, Зулайҳо?

Эркакларнинг бу хуружидан гангиб қолган Зулайҳо:

— Рост, мен эполмасам керак,— деб жавоб қилди.

— Вой, нега ундақа дейсиз?— деди Зулайҳонинг дугоналаридан ўттиз-ўттиз беш центнердан пахта олиб келаётган звено бошлиғи Бодомхон Ҳасанова,— унайверинг, эплaysиз.

Усмон ота ҳам Бодомхоннинг гапини маъқуллаб, эркакларни койиди. Аммо эркаклар бўш келмади. Оқибат маслаҳат пишмади, тарқалишдилар.

Зулайҳо мажлисда «йўқ» дейишга деди-ю, аммо кейинчалик ўзига алам қилди. Нега у раиснинг сўзини иккита қилди? Нега эркакларнинг ножўя таъналарига боплаб жавоб бермади? Бу ўй уйига етгунча миясини

кемириб келди. Уйга кириши биланоқ, мажлисда бўлган гапларни онаси Асал холага бир-бир айтиб берди. Асал хола бу гапларни эшитиб жуда афсусланди ва қизини койиб кетди:

— Ажабтовур сўзамол эдинг-ку, қизим, нега бошлаб туриб жавоб қилмадинг! Уларнинг таъна-тазарруқлари фақат сенгагина эмас, у ёғини ўйласам, Раҳимахонга ҳам бориб тегар экан! Раҳимахон яхши ният билан бир корхайр иш қилмоқчи бўпти-ю, сизлар уни якка қолдирибсизлар. Қўш қаноти билан учиб, қўйруғи билан қўнади, деган гап бор. Ахир сизлар унга қанот бўлишларингиз керак-ку... Хўш, Расул бригад нима учун сени кўтариб елкасини яғир қилибди? Йўқ, сирасини айтганда, у сизларни эмас, сизлар уни елкаларингда кўтариб юрибсизлар. Агар, сен, Бодомхонлар бўлмасаларинг, Расул бригаднинг ҳолига вой эди. Йўқ, қизим, эрталабоқ идорага бор, раисга хўп деб жавоб қил!.. Ке, қўй, хафа бума, овқатингни е, кун бўйи ишлаб чарчагансан, болам, дамнингни ол, ухла.

Аммо ўша кунн Зулайхоннинг томоғидан овқат ўтмади, ҳар хил ўй-хаёл, режалар билан кечани уйқусиз ўтказди. Тўрғай сайрамасдан саҳарни эрта олиб, раиснинг олдига борди.

— Туни билан ўйладим, кеча мен хато қилибман. Кечирасиз. Кўндим, бригадирликни олиб беринг... Мен ўша елкамни яғир қилдинг деган бригадир билан бир мусобақалашиб кўрай!

Шундай қилиб Шодиев у участкага. Зулайҳо бу участкага бригадир бўлиб, мусобақалашдилар. Шодиев бошлиқ, Узоқбой чол, Очил тезоб «рақиб»ларнинг зўрлигини пилла тайёрлаш вақтидаёқ билишди. Зулайҳолар биринчи йилиёқ пландаги ҳар қути уруғдан 45 килограмм пилла ўрнига, 50 килограммдан пилла топшириб планни ортиғи билан бажаргани ҳолда, Шодиевлар зўрбазўр планни бажариб, ютқиздилар. Шу бригада звеносида ишлаётган комсомол аъзоси Умидахон икки ярим қути уруғнинг ҳар қутисидан 75 килограммдан пилла етиштирди.

Пахтадан юқори ҳосил олишда ҳам қўйил қилишди. Ҳосилни йилдан-йилга ошириб боришди. Осмони фалакда юрган, отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган Очил тезоблар аёлларнинг ишига тан бериб, уларга тишининг оқини кўрсатиб илжаядиган, мулойим гаплашадиган бў-

либ қолишди. Ҳатто баъзи эркаклар Зулайҳонга кўнгил арз этадиган бўлишди, ҳатто совчи қўйиш ҳаёлларига ҳам боришди. Лекин Ватан учун қурбон бўлган Ризожоннинг муҳаббати ҳамон Зулайҳоннинг қалбида гуллаб ётганини пайқашган «ошиқ»лар унга бориб дард изҳор қилишдан ҳайиқишди, рад қилишнинг билишиб, унга рубару бўлолмадилар ва ёпиқлик қозон ёпиқлик дегандек, ўз муддаоларини яшириб тил тишлагапларича қолавердилар.

Ҳа, Зулайҳоннинг бошида бошқа ҳавас ва бошқа ҳаёллар кезар эди. У пасос келтириб, анҳордан сув чиқариб, ерига ер қўшди. 1962 йилда пландаги 54 килограмм ўрнига, 70 килограммдан пилла топширди ва об-ҳаво оғир келишига қарамай, 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштирди.

1963 йилда яна ҳам ҳосилни юқори кўтаришга бел боғлаб, 50 гектар ердан 50 центнердан пахта олишга аҳдпаймон қилдилар. Эрта баҳордан бошлаб ҳамма иш ўз маромида борди. Зулайҳолар вақтида ерга чигит ташлаб, вақтида ундириб олдилар.

Аммо май ойидаги дўл Зулайҳоларнинг ғўзаларини ҳам пайҳон қилиб кетди. Ишни неча бор қайтадан бошлашга тўғри келди. Баъзи одамларда шу аҳволда кузга бориб 50 центнердан пахта кўтариш мумкин бўлармикин, деган шубҳа туғилди. Зулайҳода эса тарикча ҳам шубҳа йўқ эди. У бутун куч ва имкониятни сафарбар қилиб, кеч униб чиққан ғўзаларни тез фурсатда етиштириб олишга ва кузга бориб албатта 50 центнердан ҳосил бериш мумкинлигига ишонар эди.

Ҳа, Зулайҳо табиатнинг пайраңларидан қўрқиб чекинмади, заррача бўлса ҳам ваъдасидан қайтмади. У область пахтакорлар кенгашида сўзга чиқиб, ўз ваъдасини такрор қилди. «50 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил берамиз ва бошқаларни мусобақага чақирамиз», деди. Шунда Зулайҳоннинг ишларидан хабардор бўлган баъзи одамлар унга яна шубҳа билан қарадилар. Ўзбекистондан Туркменистонга берган ўзаро текшириш делегацияси сафида қатнашган Зулайҳо Ҳамидова ўшун ердаги катта бир йиғилишда сўзга чиқиб, яна ўз ваъдасини такрорлади ва туркменистонлик пахтакор дугоналарини мусобақага чақирди.

— Ҳа, ўртоқларни огоҳлантиришим керак. Бизда бу йил баҳор оғир келди. Ғўзаларимизни дўл урди,

қайта-қайта чигит экдик, ахир 23 майга келибгина экишни тугалладик. Мана, шу кеч экилиб, кеч униб чиққан ғузалардан 50 центнердан пахта топширмоқчимиз.

— Бу аёлнинг эси жойидами,— деб сўради Ўзбекистондан борган вакиллардан бири ҳамроҳига қараб. Ҳамроҳи кулиб жавоб берди.

— Йўлга чиққан чоғимизда соғ эди... Ҳа, сиз ҳам Зулайҳонинг сўзига шубҳа қиляпсиз чамаси, ишонмасангиз пахтасини бориб кўринг, Зулайҳо уйлаб гапирадиган, ўз сўзининг устидан чиқадиған аёл.

Вакил ҳамроҳини сўзига ҳам ишонмади. Ўзбекистонга қайтгач, Крупская номли колхозга бориб, Зулайҳонинг ғузаларини кўздан кечирди ва ушгандагина бу аёлнинг эси жойида эканлигига қойил қолди, кузда эллик эмас, балким ошириб пахта кутаришига ишонч ҳосил қилиб қайтди.

Зулайҳо ҳозир сўзининг устидан чиқиш учун курашмоқда.

1963 й. ноябрь.

ЗУЛАЙҲОНИНГ ЯНГИ ПАРВОЗИ

Бировнинг йўлини пойлашдан ёмони йўқ. Момо ўчоқ боши билан кўча дарвоза оралигида бўзчининг моксидек қатнайвериб эси кетди. Бир бугун эмас, ҳар куни аҳвол шу. Момонинг ёши аллақерга бориб қолган, ёлғиз уйда ғивирлаб юриб толиқади, кута-кута охири каравотга чўзилди. У ёлғизликдан кўра ҳам сўнги кунларда Раҳимахон опа тўғрисида кўп ўйлар, унинг жушқин ва тинимсиз ҳаётини кузатиб борар экан, сўққа бошли ёлғиз менинг қисматим эмас-ку, деб ўзига ўзи тасалли берарди.

Дарвоза қўнғироғи жиринглади.

— Ана, қизим келди,— деди каравотдан оғир кўтарилиб Момо. Унинг ўнг оёғи увишиб қолган эди. Турмоқчи бўлиб ҳарчанд ҳаракат қилса-да, оёғини босолмади. Қўнғироқ тинимсиз жирингларди.

— Ҳозир...— деб овоз берди ва ўзига-ўзи:— келиб-келиб шу вақтда ҳам увишадими, бу зорманда.— У оёғини зўр бериб уқаларди.

Момо аввал эмаклаб, сўнг девор ушлаб зўрга оёққа турди-да, «ҳозир, ҳозир» деганча, шоша-пиша оқсоқлана-оқсоқлана жавраб бориб эшикни очди.

— Ҳа, тинчликми, бахайр,— дея ташвишли бир оҳангда Момонинг бошидан оёғигача қараб чиқди Раҳимахон опа.

— Тинчлик, қизим... оёғим увишиб қолувди... ёзилди.

— Хайрият, ош ўтар омон бўлса бас, — деди кулакула Раҳимахон опа. — Момо, бирои нарса тайёрлаганмисиз?

— Ҳа, ҳозир ошнинг гуручинни соламан.

Опа орқасига ўгирилиб шофёрга мурожаат қилди: «Шермамат, яна бир илтимос, сиз ҳам жуда чарчадингиз, агар малол олмасангиз Зулайҳо Ҳамидовани олиб келсангиз. Сўнг бориб дам олинг, хўпми?»

Шермамат «бажону дил» дегандек бошини қичирлатди-ю, «Волга»сини йўрғалатиб кетди.

Айвон олдида опани қарши олган Момо:— Қизим, меҳмон-пеҳмонингиз борми,— деб сўради.

— Меҳмон бор, пеҳмон йўқ,— деди кулиб опа. —Гуручни бир пиёла зиёдроқ солсангиз ортиқчалик қилмас.

Раҳимахон айвонга кириб ечина бошлади. Унинг уст-боши, юз-кўзини чанг босган, хийла ҳориган бўлса-да, ўзини тетик тутарди (Опа ўз одатига кўра ҳеч кимга тани носоғлиги, ҳоригани тўғрисида шикоят қилишни хуш кўрмайди). У оёғидаги сариқ хиром этигини қийналиб ечди (Сибирда, сургунда юрган чоқларида оёғини совуқ олиб, операция қилинган эди). Енгил чувак кийди. Сўнг юз-қўлини ювишга тутинди. Оппоқ сочиққа артиниб уйга кирди, кийимини алмаштириб, оҳорлик атлас кўйлагини кийиб олди, ҳеч нарсага қарамасдан «будильник»ни бураб, каравотга чўзилди, дивордаги соатга қараб олиб кўзини юмди-ю, тезда уйқуга кетди.

Шермамат Зулайҳони олиб келиб ўзи қайтиб кетди. Зулайҳо ҳовли ўртасида бир оз хаёл суриб туриб қолди.

— Шундай бемаҳалда опанинг менга қанақа ишлари бор экан,— деб ўйларди. У секин-оҳиста қадам ташлаб айвон орқали коридорга кирди, чап томондаги уйга бош суқиб, «опа ичкари уйда экан», деб ўзича шивирлаб, ўрта хонага бош суқди. Опа диванда ухлаб ётарди. «Куни билан елиб-югуриб чарчаган, боёқиш,— деди ўзига-ўзи Зулайҳо.— Майли, дам олсинлар».

Оёқ учида юриб ташқари чиқди. Ўчоқ бошига, Момо томонга йўл олди. Момодан опа нима учун чақирганини сўради, у ҳеч нарсадан хабарсизлигини айтиб, ҳар куни азонда чиқиб кетиб бевақт қайтиши, на юришида, на туришида ҳаловат борлиги, бошқа рансларга ўхшаб қалин-қаттиққина эмаслиги, бунақа бағайрат, боҳиммат аёлни ёши шу ерга етиб кўрмаганлиги, худой таоло минг эркакнинг ғайратини йигиб шу аёлгинага бергани, бўлмаса кичкинагина жасадда шунча куч-қувват, шу қадар ғайрат, шижоат борлигига қойил қолиб, мақтаб-мақтаб:— Зулайҳо қизим, опани ақл булогни деса бўлади,— деди ўчоқдаги чўғни олдига тортиб.— Жойи келиб биров билан масала талашадиган бўлса,

мана-ман деган энг билагон деҳқончилик илмида мулло булган агрономни ҳам оғзини очирмай қўяди.

— Опа тўғрисида ҳарна десангиз ҳам ёлғони йуқ, Момо... Лекин мени нима учун чақирдилар, ҳайронман...

— Ҳайрон бўлмай қўя қолинг, жон қизим. Опангиз ёлғиз... У ҳам одамлардек бирпас дардлашиб ўтиргиси келади. Сиз унинг юрагига яқин кишисиз... Одам захрини одам кутаради, ўргулай...

— Шундай бўлса яхшику-я... Момо, оловини пасай-тирасизми, ошингиз тагига олмасин,— яна ташвишланиб косовни қўлига олди Зулайҳо ва Момонинг рухсати билан ўчоқда икки бўлак ёниб турган ўтинни қолдириб, чўгини тортиб олди.

— Ошга аччиқ-чучук ҳам керак бўлар, памидор-момидорингиз борми, Момо?

— Помидорим бору, момидорим йуқ-да, қоқиндиқ,— деди мийингида кулиб Момо.

— Ундай бўлса момидорингиз у ёққа, памидорни чўзинг бу ёққа,— деди шутқоринлик қилиб Зулайҳо.

Икки ёрти бир бутун бўлишиб иштаҳанинг элчиси қулинг ўргилсин аччиқ-чучукни ҳам тайёрлашди улар. Ошни дамлаб айвонга кирувдиларки, «Будильник» узоқ жиринглади... «Будильник» опани «қуш уйқуси»дан уйғотди. Сабри тоқ Зулайҳо, «опам уйғондилар, чамаси борсам бўлар», деб Момо жавобини кутмасдан уй томон йўл олди.

— Салом, опажон... Чақиртирган экансиз, хизмат?

— Қочиб қутулаётган хизмат борми? Аввал таом, баъдоз калом, дейдилар. Шундай эмасми, Момо?— деди Раҳимахон опа айвонда кўринган кампирга мурожаат қилиб.

— Ош тайёр. Суза қолай бўлмаса,— деди жавондаги гулдор чинни лагани олиб Момо.

Жажжи гулдор чинни лаганчага палов сузиб келинди. Ош тановул қилинишдан буруноқ унинг хушбўй ҳиди иштаҳаларни карнай қилиб юборганди. Бири опа, бири туғишган опа-сингиллардек иноқ учала аёл олинг-олинг қилишиб иштаҳа билан ош ейишдилар. Палов орқасидан қулинг ўргилсин қаҳрабодек кўк чой шундай пором келадик... чанқаб ичилган чой кишига ором беради. Айниқса кўк чой ҳориган танага шундай ором бағишлайдики, шу йўсунда давом этган чойхўр-

лик гуруннга файз қўшиб, гапни-гапга улашиб, чақ-чақлашиб утиравердилар.

— Таомни едик,— деди сўзни бошқа томонга буриб Зулайҳо.

— Ош бўлсин,— деб жавоб қилди Раҳимахон опа.

— Чойдан бўлса қондик, раҳмат Момо. Опа, сиз ҳам хўб чарчагансиз. Вақт ҳам кетиб қолди. Хизмат бўлса айтсангиз, мен кета қолсам.

— Ҳеч ёққа бормайсан,— деди қатъий оҳангда опа.

— Қампиримнинг феъллари ўзингизга аён. Ҳойна-ҳой, ухламасдан йўлимга кўз тикиб ўтирибтилар.

— Асал опам меникида экаклигининг биладиларми? Гап тамом. Ҳангомалашиб ётамиз. Гап бор.

— Қанақа гап?— қизиқиб сўради Зулайҳо.

Опа гапни бошлади.

— Бир ҳафта бўлди, чорва масаласида бутун правление аъзолари билан бошимиз қотди. Келиб-келиб бугун узил-кесил ҳал қилинди. Колхоз ўз қўйларини совхозга топширадиган бўлди. Ҳукуматнинг бу тадбири ёмон бўлмади. Энди ҳамма гап чорва совхозларини яхшилаб ташкил қила билишда. Иш кўзини биладиган жонкуяр раҳбар кадрларсиз чорва тараққий этмайди. Хўп, майли, гап шундаки, чорва ташвишидан қутулдик. Энди чорва тўғрисида совхоздагилар бош қотирар. Бизнинг ишимиз, ташвишимиз, ўзимизга етиб ортади. Ҳар қалай ем-хашак тайёрла, жуп қирқ! Қочиринш, қўзилатиш кампаниясига тайёرمىсан! Тери тайёрлаш, топшириш планинг қалай! Ҳаммадан ҳам намгарчилик кам бўлган йилларда юрагининг ҳовучлаб юришни ўйласам, бошимга оғриқ кирди!.. Ахир, чорва ем-хашак билан чорвада!.. Ҳар қалай ҳукумат бу ташвишлардан бизни озод қилиб яхши иш қилди. Биздан пахтани талаб қилаверсин! Энди на хаёлимиз ва на кучимиз иккига бўлимайди. Фақат чорвани топшириш билан бизга кичик бир ташвиш ортди, холос.

— У яна қанақа ташвиш бўлди, опа?

— Зулайҳожон, синглим,— деб моҳр кўзларини ҳамсуҳбатига тикди Раҳимахон опа. — Ишсиз қолган чўпонлар ва уларнинг оила аъзолари тўғрисидаги ташвишни айтмоқчиман. Уларга иш топиб бериш керак.

— Колхозда нима кўп, иш кўп. Жуда бўлмаганда, бригадаларга тақсимлаб юборинг. Ўйлайманки...

— Йўқ,— деди опа Зулайҳонинг гапини бўлиб. — Бу ўйинг тўғри эмас. Бригадаларда одам старли.

Колхоз ҳисобида бўлган ҳар бир ишга яроқли одам етадди иш билан таъмин қилинмоғи керак. Ҳар бир киши маълум миқдорда моддий бойлик яратиб бериши, колхоз бойлигига ўз ҳиссасини қўшиш билан ўз шахсий турмушини ҳам яхшилаб, фаровонлигини ошира бориши керак.

Зулайҳо гапиришга гапирди-ю, берган маслаҳати опага ёқмаганини сезиб нам тортди... Зулайҳо, раиси билан қарийб йигирма йилдан бери ишлашади. Шу йиллар мобайнида опа ташаббуси билан колхозда бошланиб элга, давлатга, манфаат етказиб келаётган ишларнинг сон-саногига етиб бўлмайди, бундан қойил қолмаган киши ҳам йўқ. У одампарвар, олижаноб аёл, катта-кичикнинг онаси. Ахир оилада ўн боланинг онаси бўлган аёл кўп вақт ўз нури дийдасининг отини янглишиб, Эркинни Ўктам, Ерқинни Саодатлаб чақириб қолади-ку! Раҳимахон опа — оқила бу она шу қадар улкан рўзгордаги каттадан-кичикни беш бармоғидек билади, уларнинг ҳар қайсисининг ўзига қараб муомала қилади, ҳаммаси билан тил топади. Зулайҳо шулар тўғрисида хаёл сурди...

— Опа яна бир нарса ўйлаб чиқарганга ўхшайди, ажабо, у ўйлаган нарса нима бўлса экан? Тезроқ ёрила қолса эди, — деб юраги сиқила бошлади Зулайҳонинг.

Опа чойни ҳўплаб бўшатгач, пиёлани Зулайҳога узатди-да, шошилмасдан босим сўз бошлади.

— Мен, чўпонлардан алоҳида бригада ташкил қилиш фикридаман.

— Қанақа бригада? — шошилиб сўради Зулайҳо.

— Пахтачилик бригадаси, — кескин жавоб қилди Раҳима опа.

— Пахтачилик бригадаси? — таажжубланиб такрор савол берди Зулайҳо.

— Ҳа, нега бу қадар таажжубландинг?

— Тушунолмадим, — деди чўпакдан пиёлага чой қуя туриб Зулайҳо, — алоҳида бригада, яна пахтачилик бригадаси? Айтганингизча бор, ёмғирдан қутулиб қорга тутилар экансиз. Қараб туринг, ҳали бу чўпонлар бригадаси лўлилар бригадасининг ташвишидан кўра зўрроқ ташвиш бўлади сизга.

— Нега, нега, нега лўлилар билан чўпонларни бунча ерга уриб юбординг сан?

— Ҳеч ерга ураётганим йўқ, бор гапни, бўладиган

гапни айтяпман сизга. Умри бино бўлиб туёқ изини қувиб юрган чўпон Сизнинг пахтагизни қаёқдан билсин! Ўзингиз айтганингиздек, бригадада қимирлаган жоннинг елкасида план, центнер-центнерлар бўлади. Кузга бориб унинг меҳнатининг натижаси тарозига тушади, умрида эгат ораламаган, кетмон тутмаган чўпонлардан буни талаб қилиб бўладими?

— Тўғри. Аммо одам қилган ишни одам қилади. Ма-на, сени ўзинг ким эдинг?.. Ҳозир мамлакатга танилган миришкор пахта устаси. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор... Хўш, сен пахтакорликни Асал бувимнинг қорнидан ўрганиб тушганмидинг?

Яна орага жимлик чўкди. Зулайҳо бу гал узоқ жим қолди, гўё бу икки аёл бир-бирининг оғзини пойлашгандек... «Чўпонлардан бригада тузса тузар, бунинг менга нима оғир-енгиллиги бор? Алоҳида бригада тузмоқчи... Хўш, бу бригадага ерни қаёқдан олади? Сувни қаёқдан олади? Бу ер Ёзёвон чўли эмас-ку, ахир, бу ерни Каттақўрғон дейдилар. Ўзлаштирилиши лозим бўлган ерлар бизнинг колхозда ўзлаштирилиб бўлинган! Хўш опа, буни ўйлаб кўрдимикин?

— Опа, менга қаранг!— деди жонланиб Зулайҳо,— алоҳида бригада тузаман дейсиз, хўш ерни қаёқдан оласиз?

— Ер топамиз. Кириш канали ён бағридаги тепаликларни ер қилса бўлмасмикин?

— Эшагидан тушови қимматга тушади-ку!.. Бундан ташқари, у ер бўлиб нима фойда етказар эди!

— У шундай ер бўлсинки, одам экса кўкарсин...

— Хўш, у тоғдек-тоғдек тепаликларни қулатиб ер ҳам қилдингиз. Сувни қаердан оласиз?

— Каттақўрғон ҳовузига кириш каналидан.

— Э-ҳе, кириш канали бизнинг ердан қарийб юз метр пастда, ундан қандай сув чиқсин.

— Сен ер-сувнинг ташвишини тортма! Буни менга қўйиб бер. Қандай қиламан, бу менинг ишим. Одамлар ойга учиб ҳаракатида юрганда шу ҳам иш бўптими? Сен менга бошқа бир масала тўғрисида «хўп» десанг бўлгани. Айтаверайми?

— Айтаверинг.

— Хўп дейсанми?

— Вой опа, қизиқсиз-а, нима айтишингизни билмасдан қандай қилиб хўп дейман?

— Борди-ю, чўпонлар бригадасига ўзингни бошлиқ қилсак, нима дер эдинг?

— Нима дедингиз?— деди чўзиб Зулайҳо. Ўзи учун кутилмаган бу таклифдан ҳанг-манг бўлиб қолган бу аёл нима дейишини билмай, тошдек қотиб қолди. Она бирон ишга бел боғлар экан, етти ўлчаб бир кесишини Зулайҳо яхши биларди-да.

«Ана холос... Опанинг узундан-узоқ даромади тагида бунақа гаплар бор экан-ку... йўқ, ўлсам ҳам чўпонларга бошлиқ бўлмасман. Йиғирма йиллик тоат-ибодатимни бир пул қилиб-а?... «Сарой», «қиёт» қабиласидаги бу чўпонлар зотига кимнинг иши тушган бўлса, ўша билади. Жанжални пулга сотиб оладиган «сарой»ликлар кўчасига кириб итим адашибдим!»

— Хўш, Зулайҳо, нега нафасинг ичингга тушиб кетди?...

— Йўқ, опагон, илтимос, бу хаёлни бошингиздан чиқазинг, мен чўпонлар билан ишлай олмайман.

— Ҳа, сенинг бу қўшиғингни биринчи маротаба эшиттаётганим йўқ. Эсингдами, устозинг Шодиевни Қўнғиротга бригадир қилиб, унинг ўрнига сени тайинлаймиз деганимизда, эркаклар менга бўйсунармиди, эплай олмайман, деб орага тушган аёлларни хижолат қилган эдинг... Ўшанда ҳам чуқур ўйламасдан бош тортиб, сўнг пушаймон еганинг, эртаси яна мени қидириб топиб:— Опагон, кеча беҳуда гап қилган эканман. Нима бўлсам бўларман, мени ахир ёлғиз ташлаб қўймасан, эркаклар хўбам мендан кулишдилар, бунга ўзим сабаб бўлдим, орият учун ишлаганим бўлсин,— деб бригадирлигини сўраб олганингни унутдингми?

— Эсимда,— деди мулоим жилмайиб Зулайҳо.

— Ёмон ишламадинг. Ўн йил ичида ҳосилни йиғирма тўрт центнердан қирқ етти центнерга кўтардинг. Хукумат ҳам сенга хизмат кўрсатган пахтакор ушвонини бекорга бермади. Бунга жавобан яна биронта янги, теша тегмаган иш қилиб, бошқаларни қойил қолдиришинг керакми, йўқми?..

Зулайҳо ниманидир ўйлар, опанинг бетига қарамай дастурхон четини ўйшаб ўтирарди.

— Хўш, нега мунча ўйладиңг?

— Ўйламасдан бўладими, опагон?— деди бўйинини эгиб мунгли бир оҳангда Зулайҳо.— Менинг бригадам ҳосилни қирқ етти центнерга кўтарган экан, бунинг ўзи

бўлган эмас-да, ахир. Бутун умрида эгат ораламаган чўпон ва чўпонбаччалар билан, туянинг ўркачидек паст-баланд янтоқ — оқ қурайзор ерга чигит экиб қанча ҳосил олардим? Нима, мен биронталарингизга бироқ ёмонлик қилдимми? Жон опа, мени қийнаманг. Ахир уч йилдан бери гектаридан 48 — 47 центнердан пахта ҳосили олиб келаётган еримни, унинг бригадирлигини кимга ишониб топширомоқчисиз? Қайси бир одам ўринимга бригадир бўлиб, эллик гектар ердан эллик центнердан пахта беришига кўзингиз етади?

— Топилиб қолар, умуман мажлисга қўйиб кўрамиз, — қисқа жавоб берди опа.

Яна орага жимлик чўкди. Ҳар иккала аёл узоқ вақт яна бир-бирларининг оғизларини пойлашди. Икки ўртада пиёла икки марта қўлдан-қўлга бориб келди, ҳамон жимлик. Опа девор соатига қараб, сўнг ўз қўл соатига кўз қирини ташлади. Зулайҳо ҳам бошини кўтариб деворга қаради. Соат иккидан ўзиб кетган эди. Зулайҳо қатъий бир қарорга келгандек: бир шартим бор, деди.

— Айт шартингни, — деди жонланиб Раҳимахон опа.

— Шартим шуки, умум мажлис чақирасиз. Ҳозирги масаланингизни мажлисга соласиз. Бригадирлиқни бўйнига оладиган марди майдон борми? — деб мажлисга мурожаат қиласиз. Шунда «Лаббай» деб чиқадиган марди майдон топилса хўп-хўп, агар топилмаса мен сизни уялтирмайман. Таваккал қилиб, Қўнғирот тарихини шунда яна бир марта такрорлайман. Шунга розимисиз?

— Розиман, қўлингни бер бу ёққа! — деди Зулайҳо томон қўлини чўзиб Раҳимахон опа.

Зулайҳо мулойим жилмайдди. Уйқусизликдан қисилиб гузаллик касб этган кўзини катта очиб магрур бир қиёфада опанинг қўлини маҳкам қисди.

Шу ҳангоманинг бўлиб ўтганига ярим йил ҳам вақт ўтган эмас. Тоғдек тепаликлар қулатилиб, эллик гектар ер ўзлаштирилди. Қарийб икки юз метр узунликда қувур ўтказилиб, юз метр чуқурликдан тепаликка сув чиқазилди. Зар сочар Зарафшоннинг ҳаётбахш суви цемент ариқда шариллаб оқиб, янги ернинг «оқ олтин»ига дур бағишламоқда.

Умум мажлисда марди майдон бўлиб қолган бизнинг Зулайҳо ўз ерини, бригада аъзоларини дугонаси Хоним Ҳайитовага топшириб, ҳосилни қирқ етти центнердан пастга туширмасликка ундан сўз олди, коммунист меха-

низатор Суннат Тоштемиров билан миришкор мироб Эгамберди Сидиқовни ўзи билан бирга олиб янги ерга, чўпонлардан тузилган бригадага ўтди. Қаловини топса қор ёнади деган гап бор. Раҳима опа Исмоилованинг синалган шогирдларидан бири Зулайҳо ана шунақа қаловини биладиганлардан. Коммунист Зулайҳо наинки «сарой»лик ва «қиёт»лик чўпонлар билан тил топди, қисқа вақт ичида уларга пахтани тарбия қилиш, нима қилса тупроқ ҳимматини оширади, ҳозирча ана шунга эришди. Муҳтарам китобхоним! Мен бу ўринда баландпарвоз гап қилмадим. Бу айни ҳақиқатни кечагина ўз кўзим билан кўриб қайтдим. Хоним Ҳайитованинг ҳам, Расул Шодиевни ҳам, Хайринисо Муродовани ҳам, Қумри Қаюмовани ҳам, қолаверса бу ҳикоянинг бош қаҳрамони Зулайҳо Ҳамидова пайкалидаги ғўзаларни кўриб кўнглим қувониб қайтдим.

Март Пленуми қарорларидан руҳланган Крупская колхозининг миришкор пахтакорлари бор бўлсин, егалари бол бўлсин, бахт-саодат ҳамишаликка ёр бўлсин.

1965 йил, июнь.

ФАРҒОНА ЛАВҲАЛАРИ

Езёвон чули. Бу чулга хужумни Йўлдош ота Охунбобоев бошлаб берган эди. Чулда бунёд этилган район ҳамда колхозга Охунбобоев номи берилишининг боиси ҳам шунда. Шу кунларда бу колхозга агроном Абдуллажон Латипов раислик қилади. 1880 гектар ерда пахта етиштирилди, ҳосили чакки эмас. Гектаридан 28 центнердан.

...Йўлдош ота Охунбобоев «Қўшчи союзи»га бош бўлган йилда бир неча камбағал деҳқонни бу ерга бошлаб келганларида уларнинг орасида Камол Сайфидинов ҳам бор эди. У чоғларда Камол тоғни урса талқон қиладиган даражада кучга тўлган порғил йигит эди. У кетмон билан ер очди. Исфара сойидан сув келтиришда жонбозлик кўрсатди. Қақраб ётган ерга жон киритиб, уни одамзотга фойда етказишга ўргатди. Бригадага бош бўлди, ҳосилотлик қилди. Йиллар ўтган сайин улғая борди. Кетмон-омоч ўрнини машина эгаллади. Камол амаки эса Камол бобо бўлиб қолди. Қиз-ўғиллар оналарининг қўлидан ишини олдилар. Ниҳоят, «Камол бобо, энди кексалик нашъу намосини сурунг» дейишди. Камол бобо бу ҳурматга қуллуқ қилди-ю, аммо балиқ сув билан тирик-да. Камол бобо учун меҳнатсиз кун кечириш амри маҳол бўлиб кўринди. Бобо бекорчиликдан на уйга, на кўчага сизмай қолди.

Механизаторлар курсини битирган 9 та комсомол қиз бирлашиб, ёшлар бригадаси тузармиш, деган гапни эшитди. Ерни ўзлари ҳайдаб, чигитни ўзлари экармиш.

Бу гапни эшитди-ю, Камол бобонинг юрагига ўт тушди. Илло, менга ўхшаган бир бободехқон ҳеч қачон ортиқчалик қилмас деб ўйлади у. Суриштира-суриштира комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Адолат эканлигини билди.

«Адолат ақлли, тадбирли, 8 қизга бош бўлиш ҳазил

гап эмас. Умрларидан барака топсин бу қизлар. Энди тортиниб ўтиришнинг ўрни йўқ. Бораман, дилбар қизларим, мени ҳам бригадаларингга қўшиб олинглар, дейман» хаёлидан ўтказди ота.

Адолат Камол бобо илтимосини қизлар муҳокамасига қўйганида, Малоҳатхон:

— Майли, қари билганни пари билмас...— деб ҳамманинг дилидагини айтди. Шу-шу Камол бобо бригаданинг маслаҳатгўйи бўлиб қолди.

60 гектар майдонда қизлар мўл ҳосил етиштирдилар. Отанинг хомчўтига қараганда, бригада гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтаради. Биз бригада даласини айланиб кўрдик. Ҳосил беҳад мўл. Адолатхон Қурбонова, Роқияхон Абдуназаровалар ҳар кун хирмонга барака киритмоқдалар.

Сира-сира ҳормангиз, пахтазор маликалари. Бахт-толе ҳамиша ёр бўлсин сизларга. Тасанно сизга, муҳтарам Камол бобо!

Абдураззоқ ота бошлиқ бригада аъзолари билан учрашишимиз, айниқса кўнгилли бўлди. 64 баҳорини кўрган бу қария нималарни кўрмаган дейсиз! Аммо пахтазорда жавлон уришини кўрганлар уни шунча ёшга кирган деб ўйламайди. Назаримизда, у кексаликка чап бериб, йил сайин кучига-куч, ҳимматига-ҳиммат қўшиб бораётгандай.

Отаси Икром билан бир вақтда колхозга кирган Абдураззоқ йигитлик умрини коллектив хўжалик раванқига бағишлади. У кетмон чонди, сув тутди, арава минди, звено ва бригадага бошчилик қилди. Хўжалиkning энг юқори лавозими — раисликка ҳам кўтарилди. Қасрда ва қандай вазифада бўлмасин, ҳамма вақт коллектив манфаатини кўзлаб ишлади, катта-кичик ўртасида ҳурмат қозонди.

Абдураззоқ ака колхозда ҳосилот совети раиси бўлиб ишлаб юрган кезларда бир печа майда хўжалик бирлашадиган бўлиб қолди. Шунда у:— Яхшиси, энди ўз ихтиёримга қўйиб беришлар, ҳукуматимиз Ёзёвон чулини обод қилишга чақиряпти. Тайёр ошни сузиб ейиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади, лекин унга масаллик топиб, пишириб, эл кўнглини олиш жўн эмас. Мен чўлга бораман. Юрагида ўти борлар бўлса, юрсин,— деди.

Аҳмадали Ваҳобов, Маматқул Қўлматов, Абдуллажон Холматов, Тўхтасин Саидов, Болтабой Ортиқов, Рў-

зимат Бойматовлар унга эрганидилар. Аёллар ҳам ортда қолишмади. Аммо трактор вақтида келавермади. Бундан ташвишланган Абдураззоқ ота:— Оғайнилар, биз чулга хўжакўрсин. учун келганимиз йўқ. Вақтини бой берган ютқизади. Трактор келгунча, хўкиз, у ҳам бўлмаса кетмон. Ер очилмаса иш битмайди. Қани ишга,— деди.

1959 йилда ертўла ва капаларда яшаб 40 гектар ер очиб, 11 центнердан ҳосил кўтардилар. 1960 йилда очилган қўриқ 60 гектарга, ҳосили эса 17 центнерга етди. Лекин бу ҳосил чулқуварларни қаноатлантирмасди. Чул ҳукмрони — шамол ҳосилнинг заволи эди. Чигит тикилиб, униб чиқиши билан бошланадиган шамол, каламуш каби тупроқ кавлаб, мурғак ғўзаларга қирон соларди. Бу офатга бирдан-бир чора — ихота дарахтлар ўтқазиш бўлди. 60 гектар ер атрофига тут, жийда, тол дарахтлари ўтқазилди. Дарахтлар бўй бериши билан шамолинг бели синди. Кўчатлар гуркираб мавж урди. 1966 йилга бориб ҳосил 38 центнерга, 1967 йилда 47, 1968 йилда эса 51,7 центнерга етди.

Тожимамат Мазокиров раислик қилаётган «Искра» колхозида Абдураззоқ ота бригадасининг олдига тушадиган бригадалар бўлмаганидек, айни бир хил шароитда чигит экса ҳам судралиб келаётган бригадалар ҳам бор эди. Шундай бригада еридан 30 гектарлик майдон Абдураззоқ отага олиб берилди.

Мана бу йил Абдураззоқ ота 18 октябрь кунёқ 80 гектар майдондан 30 центнердан «оқ олтин» ундириб, планини қойил қилиб ортиғи билан бажарди.

Ҳисоб-китоб билан иш кўришини одат қилиб олган Абдураззоқ ота:

— Бу йил ҳам ҳосилимиз 50 дан кам бўлмайди,— деб ишонч билдирди.

«Искра» колхозининг азаматлари 960 гектар майдонда мул ҳосил етиштирдилар. Давлатга 25 центнердан пахта сотишни зиммаларига олган бу марду майдонлар бугун-эрта плани бажаришлари муқаррар.

Фарғона областининг яна қатор районларидаги колхоз, совхозларда бўлдим. Партия, совет, колхоз ва совхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, колхозчилар, совхоз ишчилари ва ҳашарчилари билан учрашдик. Ҳаммининг фикри хаёли пахтада.

«Октябрь 40 йиллиги» совхози ишчилари 3700 гектар

майдонга чигит экиб, мўл ҳосил етиштиришди. Бу совхозга Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Неъматжон Аҳмедов бошчилик қилади. Планда ҳосилнинг 40 проценти машиналарда йиғиб олиш мўлжалланган. 11 йилдан бери бригадага бошчилик қилиб келаётган коммунист Толибжон Мадраҳимов 85 гектар ердан 24 центнердан пахта йиғиб олиб, аллақачон планини тўлдириб қўйибди.

Шу совхоз даласида хашарчи студентлар билан учрашув бўлди. Фарғона пединститути биология-химия факультетининг студентлари тер тукиб ишлаб, мўл-кўл пахта термоқдалар. Совхознинг кўчма Қизил байроғи шу азаматлар қўлида. Теримдаги яхши кўрсаткичлар учун қимматбаҳо мукофот олган қиз ва йигитлар талайгина.

Учрашувимиз мушоирага айланиб кетди.

«Бешариқ» совхозига ўтдик. Совхозда қилинган ва қилинадиган ишлардан беҳад мамнун бўлдик. Колхоз ва совхозда 24 йил бригадирлик қилган ветеран Мели Ўринбоевнинг фарзанди, шу кунларда «Бешариқ» совхозида директорлик қилаётган Йигитали ҳам бизга жуда маъқул бўлди. Ҳали у ёш бўлишига қарамай, катта хўжаликка оқиллик билан бошчилик қилмоқда.

Ақл ёшда эмас, бошда деб бекор айтмаганлар. Йигитали совхозга директор бўлиб келганда ҳосил ўртача 23,5 центнер эди. Ҳозир эса 27 га етди.

24 баҳорни кўрган механик ҳайдовчи Ҳикматой Мамажонова «Ўзбекистон» машинасида 130 тоннадан ошириб пахта терди. Назиржон Низомов бошлиқ бригада ҳам 150 гектар ердан 25 центнердан ҳосил олиб планни ошириб бажарди. Яна гектар бошига 8 центнердан пахта бериб, ҳосилдорликни 33 центнерга етказмоқчи.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи шулар қўлида. 1968 хўжалик йили кўрсаткичлари учун совхоз 70 минг 250 сўм пул мукофоти олишга сазовор бўлган эди.

Бу йил ҳам об-ҳаво ноқулай келишига қарамасдан, дўстларимиз мўл ҳосил етиштиришди.

Фарғона саёҳатидан катта таассурот билан қайтдик. Ҳали айтмоқчи бўлган гапларимиз, ўртага ташлайдиган фикрларимиз бор.

1969 йил, октябрь.

ОТАХОН

Наманган вилоятида Бураматут қишлоғи бўларди. Шу қишлоқда туғилиб ўсган Вали бойлар подасини боқиб кун кўрарди. Умрининг ярмини яшаб, соч-соқолига қиров тушганда сўққа боши икки бўлди. Кечикиб бўлсада, уйланди-ю оила лаззатига қонмади. Кўз очиб кўрган ёри пешанасига сиғмай, бир ўғил қолдириб абадийликка видолашди. Абдуқодир на она алласини эшитди, на сутига тўйди ва на меҳрига ёлчиди. Онаси этим бўлиб қолаверди.

Ёридан қолган ёдгорини ота, она бўлиб аллалади, бағрига босиб ухлатди, гоҳ опичлаб, гоҳ бўйнига миндириб пёда бёқди. Чархпалак бетиним айланар, баҳор ёзни, ёз кузни, куз эса қишни алмаштириб, ой, йиллар ўтиб борарди. Аммо Вали подачининг баҳори, ёзи тугаб, энди умр кузи ўтарди.

Абдуқодирнинг бўлса парвойи фалак. Дунёни сув босса тўпиғига чиқмасди. Бузоқ-қўзичоқлар билан ўйнашиб улғая борарди. Сут-қатиқ дегандек, ҳартугул ота-боланинг қатирмага қоринлари тўқ эди. Чўл ҳавоси, қуёш тафтида Абдуқодир бўйга тортиб, бўз ернинг бўз йигити бўлди қолди. Суяги бузуқ бўлса ҳам хушбичим, қадқомати келишган бу йигит иссиқ-совуқни ҳам писанд қилмасди. Қишнинг изғирин кун-тунларини юпун кийимбош билан ўтказар, ҳатто бир-икки қорни яланг оёқ чориқсиз ўтказиб юборган пайтлари кўп бўларди. Хуллас, Абдуқодир отасининг ажабтовур дастёри бўлиб қолганди.

Саратон гармсели, айниқса чўлда омонсиз бўлади. Томири ердан узилган дарахт сингари кишини сўлितिб, калтаклагандек гангитиб, лоҳас қилиб қўяр эди. Ёқимсиз елиб турган гармсел кун қоқ тепага минганда олов сочиб, дов-дарахт, ўт-ўланларни қовжиратиб ер-кўкни темирдек қиздира бошлаган чоғда жон-жониворлар ин-

инларига уриб кетарди. Қуёшнинг дошқозонида фақат ота-бола подалари билан қолиб, ўз ёғларига ўзлари қовирилишар эди. Фақат куз фасллари дон-дунлар йиғиб олишган кезларидагина туш чоғида молларни суғориш учун Шўркўлга келган чоғда ота қуш уйқуси қилиб мизғиб оларди.

Абдуқодир балиқ овлашни хуш кўрарди. У дам олиш ўрнига Шўркўлга қармоқ ташлаб, ови барор олган кунлари кичик қозончасини «сепоя» ўчоғига осиб, балиқ қовурарди. Қатирма пишириб, чўян обдастада сув қайнатиб, чой дамлаб, дастурхон тахт бўлганда отани уйғотиб овқатланиб олардилар.

Абдуқодир балогатга етиб қолди. Бўйига бўй, ақлига ақл кучига куч қўшилиб, кенг дала унга торлик қила бошлади. Энди, у ҳам ўйнаб-кулгиси келади... Лекин... Қандай қилиб?.. Баъзан ўйлаб-ўйлаб юраги сиқилади, ҳайё-хув деб боши оққан томонга кетгиси ҳам келади. Аммо кексайиб қолган сўққабош отани ўйлаб ҳовридан тушарди.

Абдуқодир учун мол боқишдан ўзга юмуш йўқ эди. Октябрь инқилоби бўлиб, бечоралар кўкрагига энди офтоб текканда, босмачилар бош кўтарди, қишлоқларни талаб, уйларга ўт қўйди. Эл ҳаловати бузилган ўша нотинч кунларнинг бирида Абдуқодир киндик қони томиган ерни ташлаб бош олиб кетди.

Эрта баҳор. Ёқимли майин шамол эсарди. Ҳавонинг илқ нафаси ҳоврида қорлар эриб, ердан бут кўтарилар, кўм-кўк майсалар қуёшга бўй чўзиб, қир-адирларга табнат зумрад чойшабини тушаб ташлаган эди.

Абдуқодир йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, охир-оқибат «Боёвут» деган осмони кенг бир жойга етди. Кенг майдон, дала тўла деҳқон қўртдек қимирлаб, от-ҳўкиз билан ер ҳайдашар, кетмончилар қўлочкашлаб ер чопганларида кетмон қуёш нурида ойнадай ярқираб шуъла таратарди. Узоқдан аллақандай нотаниш тариллаган овоз эшитилади. Абдуқодир қизиқиб ўша томон йўл олади. Ўзи томон тобора яқинлашиб келаётган машинага кўзи тушади. У дудхонасидан тутун чиқариб, ер бағрини ёриб, тупроқни ёнбошга ағдариб келарди. Абдуқодир: «Ўт-омоч» чиқибди, деб эшитган эдим. Шу экан-да, ўша машина», деб кўнглидан ўтказди.

Бу ҳодиса «Боёвут» совхозида рўй берган эди. Абдуқодир кетмончилар олдига бориб, «ҳорманг — бор бў-

линг» қилишди. Суриштириб билса, кетмои чопаётганлар ҳам турли районлардан иш қидириб келган йигитлар экан. Абдуқодир ўзини босиб олди, гапдан-гап чиқариб бу пахтакор хўжалиkning паст-баланди билан танишиб олди.

— Меҳнатдан қочмасангиз, тўнни ечинг, қаватимизга тушинг, ака,— деди тожикча талаффуз билан бир йигит.

— Меҳнатдан қочиролмайсиз!— деб жавоб берди Абдуқодир. Нон-ош, ётоқ тайёр бўлса, ишчи қанча кўп бажарсанг, шунча кўп ҳақ тўласа. Меҳнаткашининг жаннати шу ер экан-ку, деб ўйлади йигит. Хўжалиkning ана шу шарт-шароитлари бизнинг йигитга ёқиб кетди. Бундан ташқари, у ўз кучига ишонарди, ҳар қандай манаман деган йигит билан баҳслашиб ишлашга қодир.

Шу-шу бўлди-ю, «Боёвут» совхозида қолиб кетди. Ер ҳайдаб чигит экди, ўтоқ қилиб, сув тутди. Чўпон эди, пахтакор бўлди. Йиллар ўтарди. Ёвуз душманларнинг қуролли мудохаласи борган сари авж олиб, ёш шўролар ҳукуматининг кўз очилишга қўймасди. Улуғ Ленин ва коммунистлар партияси бошчилигида зулм кишиларини парчалаб, зуравонлар тахт-бахтинини қулатган ишчи-деҳқон бўш келмасди. Душман тўнга кукрагини қалқон қилиб жанг қиларди. Яна қулликка тушмаслик, эрк-озодликни сақлаб қолиш учун не-не эрлар жондан кечмади. Ҳисобсиз қурбонларимиз ҳисобига ҳақиқат, адолат танитана қилди. Зада бўлган қушлар сингари босмачилар зулмидан қишлоқларини тарк этиб кетган деҳқонлар яна ўз уйларига қайтиб чироқларини ёқдилар. Ана шулар қатори бизнинг Абдуқодир ҳам она қишлоғига қайтди. Задарё районидаги пахта пунктига ишга кирди. У пайтларда техника йўқ, белида фил кучи бор йигитлар пунктка қабул қилиниб скирдага қанор кўтариб, чиқиб тушиш билан кучи синаларди. Ҳа, пунктда ёши ерга тегмаган паҳлавон йигитлар ишлашарди. Лекин иш унумдорлигини оширишда Абдуқодирнинг олдига тушадиганлар бу ерда ҳам йўқ эди. Бошқалар қанор орқалаб скирдага бир чиқиб тушгунча, Абдуқодир икки бор чиқиб тушарди. У юриб эмас, югуриб ишларди, чарчаш нималигини билмасди.

Задарё массивида ер ўзлаштириш бошланиб у ерга кўнгилли деҳқонлар даъват қилинарди. Қушларнинг бирида Абдуқодирга таниш бўлган қушчи қишлоқлик Иброҳимжон Ҳайдаров пунктга келиб ишчилар билан

суҳбат ўтказди. У Задарё массивидан ер очиб пахта, шоли экиш ниятида эканлиги, ҳукумат уни қўллаб-қувватлаётгани, шу мақсадда янги ер очиб деҳқончилик қилишга иштиёқи бор кишиларни қидириб юрганини, шартларига рози бўлганларга бир сигир, минг сўм пул, 300 килограммдан ғалла беражагини айтди.

Иброҳимжон ака ўз сўзининг устидан чиқди. Задарё массивига чиқиб қапа тикканларга ҳукуматдан сигир, пул, буғдой олиб берди. Очеркимиз қаҳрамони қавати-га беш йигитни олиб, қўриқ очди. У пайтларда асосий қурол кетмон эди. Қўш юрмайдиган ерларни, қиёқзорни кетмон билан очдилар. Шоли экиб, чигит тикишди. Гектаридан ўн етти центнер пахта у вақтларда юқори ҳосил саналарди. Шолидан барака топмадилар. Ёввойи чўчқалар шוליپояни тумшуқлари билан пайҳон қилиб кетарди. Ётиш-туришлари қапа, ертўла. Ёқишга ўтин-чўп топилмасди. Юлғунқамиш ёқиб, тирикчилик қилинарди. Пахта пунктидаги сўққабошлик ташвиши бу ерда ошиб-тошиб кетди, турмуш ўз жиловини тутқизмади. Абдуқодир билан ён қўшни капаликлардан баъзи бировлари хайр-маъзурни насия қилиб, номаълум томонга қочиб ҳам қолишди. Уят ўлимдан қаттиқ. Абдуқодир бундай шармандаликни бўйнига оладиганлардан эмас. Сигирни ғунажин туғиб, гарчи эгасининг оғзи оқариб қолган бўлса-да, оғримаган бошига олтин исирға бўлди. Сўққабоши билан Абдуқодир дала иши билан бўлсинми, сигирбузоққа қарасинми, бунинг устига бўлажак қайлиғининг онаси, бўлажак қайнона Шаҳринисо хола:— Кўзимнинг тиригида омонатларини ола қолсалар бўларди, куёв. Мева ҳам пишганда ширин. Қиз бола ҳам шундай. Қапада ким яшамабди!— деб куёвини жони ҳолига қўймасди. Абдуқодир билан Сағдинисонинг никоҳ тўйлари кеч кузда бўлиб, келин қапага туширилди.

Йиллар ўтиши билан янги ерлар очилиб, колхоз йирик-лаша борди. Шунда бу колхозда Лим Мен Тик раис, Абдуқодир бригада бошлиқларидан бири эди. Абдуқодир бригадасининг эккан чигити тезда унавермади. Раис чигит суви беришга буйруқ берди. Бригадир сув берсам бор чигит чирийди. Қўйиб беринг, ўзим ундириб оламан, деб туриб олди. Раис тезоброқ эди. Гап бригадани бўшатиб қўйишгача бориб етди. Абдуқодир ҳам бир сўзликда, бўшасам-бўшайман деб уйига бориб ётиб олди. Бундан хабар топган райком секретари Содикжон Расулов

дарҳол ишдан қувилган бригадирнинг уйига одам юборди. Келавермагач, ўзи бориб суҳбат қилди. Абдуқодир «Бекка етгунча белинг синар экан-да... Бировдан шикоят қилган йигит эмасман, лекин ўртоқ Расулов! Бошингиздаги ташвиш оз эмас, меники ортиқча бўлди сизга. Уэр, сиз биз учун фақат ўртоқ Содиқжон Расулов эмас, партия раҳбарисиз. Майли, сиз хоҳлабсиз, раис хоҳламаса ҳам ишга чиқаман. Тўғри айтасиз, колхоз меники ҳам эмас, раисники ҳам. Жамоатники», деди-да, жомакорини кийиб, кетмонини елкага ташлаб секретарь орқасидан йўл олди.

Омадни қаранг, ўша йили бригада ўттиз уч центнердан ҳосил кўтариб, халқ хўжалик кўргазмасига қатнашиш шарафига эришди. Москвага биринчи бориши эди.

— Ленин мавзолейини зиёрат қилармикинман?— деб орзу қилардим. Ана шу орзуимга эришдим,— деди мамнун бўлиб Абдуқодир ота.

Сағдинисонинг қадами қутлуғ келди. Қелин ҳам тиниб-тинчимас чиқди. Куёв билан ёнма-ён меҳнат қилди. Бригада ҳосили эллик беш центнерга етди. Орадан кўп ўтмай колхозчилар пахта устаси Абдуқодир Валиевни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар. У халқ ишончини оқлади. Ҳосилдорликни олтмиш тўрт центнерга етказиб, «Гигант» колхознинг шуҳратига шуҳрат қўшди. Ҳукуматимиз Абдуқодир Валиевнинг меҳнатига юксак баҳо берди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди.

— Йигитлик қаймоғини халқнинг бахт-саодати, пахта мустақиллигимиз учун курашга бағишлаган навқирон бўз йигит, бугун эса Абдуқодир ота, пири бадавлат мўйсафид муҳтарам отахон эзгу меҳнатларининг роҳатини кўрмоқдалар. Отанинг қобил шогирдлари Фотимахон Маҳмудова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, бригада бошлиғи Тожибой Тошбоев ва буларга ўхшаган ўнларча шогирдлар «Гигант» колхозининг шуҳратига-шуҳрат қўшмоқдалар.

Собиржон Бадалов раислик қилаётган «Гигант» колхози—Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одилов раислик қилаётган машҳур колхоз билан мусобақадош «Гигант» колхози, бу йил гектаридан ўттиз уч центнерга етказиб пахта хирмони кўтаради.

Кўркам шаҳарчага айланиб кетган «Гигант» ҳақида ва моддий бойлик яратиб келаётган заковатли олтин

қўллар тўғрисида айтиладиган гап, қилинадиган ҳикоятлар ҳали кўп. Кечаги қиёқзорда қапа тикиб, чивинга ем бўлиб бебаҳра ерларни сонга солган, тош-тупроқдан олтин ундириб тоғ-тоғ пахта хирмонлари яратган, ҳокимиятимиз қудратига қудрат қўшган, Ўзбекистон шуҳратини дунёга таратган Абдуқодир ота Валиевга ўхшаган ҳурматли ветеранларимиз ҳар қачон, ҳар қаерда иззат-ҳурматда! Халқ саломатлигини сақлаш тўғрисидаги давлат ғамхўрлигининг биринчи ёрдами, эътибори ана шу отахон, бувижонларимизга қаратилган. Ярим асрдан кўпроқ умрларини меҳнатда, сув кечиб зовур қазиб, зах қапада кун кўриб, саломатлигини йўқотган муътабар чол-кампи́рларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ҳали шамшод қомати эгилмаган, шавқ-завқи сўнмаган, хушфеъл, хушчақчақ нуроний Абдуқодир ота ҳамон бод касалига тутқич бермай ёшларга бош-қош бўлиб юрибдилар.

1970 йил, декабрь.

ЧУЛ ЛОЧИНИ

Саттор Усмонов ёш болани етаклагандек Ёқубжоннинг қўлидан ушлаб, бош инженер Губиннинг кабинети-га бошлаб кирди:

— Владимир Петрович! Марҳамат, танишинг!

— Ёқубжон салом бериб, ўзини танитди.

— Жуда соз, жуда соз, ўртоқ Раҳмонқулов. Марҳамат, ўтиринглар!— стул кўрсатди бош инженер.— Қаранг-а, биз зориқиб кутган йигитча шу киши денг...

— Ҳа, қари келса ошга, ёш келса ишга. Ёқубжоннинг эти сизники, суяги бизники,— деди Саттор Усмонов.

— Эти дедингизми?— Ёқубжонга разм солиб, Усмоновга қараб қўйди Губин.— Менга атаган этингиз кўринмайди-ку йигитчанинг суягида?..

Бош инженер айтганидек, Ёқубжоннинг турган-битгани пай. Бунинг устига жуссаси чоғ, унга ҳеч ким йигирма тўрт ёш бермас эди. Агар у бўйинга қизил галстук тақиб олганда пионер вожатийси, комсомол йигитча дейиш мумкин эди.

Ёқубжон ўзини яширишга жой тополмай, қирғиз қовоқ кўзлари жовдираб ўтирарди. У шу кунгача ўзининг озгинлигидан беҳабарлиги, ҳеч ким ундан бу купгидек кулмагани, ҳали синалмаган икки бошлиқ ўртасида аскияомиз сўзлар бўлиб, уни эрмак қилаётгандек сезилиб, ноқулай вазиятга тушиб қолган эди.

— Институтнинг қайси факультетини битиргансиз?

— Инженер-механиклар тайёрлаш факультетини, Владимир Петрович,— жавоб қилди Ёқубжон.

— Жуда соз, жуда соз...

— Демак, биргалашиб ишлаймиз... Мен бош инженер, сиз ёрдамчи. Вазифалар оғир. Шундай эмасми, Саттор Усмонович?

Совхоз директори ҳар икки инженернинг ишларига муваффақият тилаб, кабинетдан чиқди.

Ёқубжон Раҳмонқулов бош инженер ёрдамчиси лаво-
зимда ҳаммаси бўлиб бир мавсумгина ишлади. Бироқ
бир мавсумлик иш унга катта тажриба мактаби бўлди.
Институтда олган назарий билимининг уфқи кенгайиб,
қисқа вақт ичида ўз касбининг омилкори бўлиб олди.
Саттор Усмоновдан ташкилотчиликни, Владимир Губин-
дан техниканинг яшириниб ётган сирларини билиб, уни
одамлар амрига бўйсундириш, ундан унумли фойдала-
ниш йўлларини ўрганиб олди. Бунга осонликча эришгани
йўқ, албатта. Янги ер шўрини борингки, яламаса ҳам
ялагандек шўридан аритар, билим, ақл-заковатини ишга
солиб, ўз иродасини жиловлаб олиб, янги ернинг асов
аёзлари, чивинлари озорига бардош бериб, кечани кун-
дузга улаб ҳалол меҳнат қилади.

Минг тўққиз юз олтмиш бешинчи хўжалик йили ул-
кан ғалабалар билан якунланди. Йил ўтган сари янги ер
янги совхозларга «ҳомиладор» бўлиб қоларди. Таваллуд
топиш олдида турган «Комсомол» совхози шундайлар-
дан эди.

Ҳар қандай янги рўзгорнинг ҳам ўзига яраша янги
ташвишлари бўлади. Ҳамма гап рўзгор бошчисиди. Иш-
нинг бошдан пухта ташкил қилиниши раҳбар кадрни
танлай билишга ҳам боғлиқ. Бундай кадрлар янги ерда,
меҳнат жараёнида куплаб етишмоқда. Олтинчи совхоз
ҳам хилма-хил мутахассис кадрлар мактаби бўлиб қолган
эди. Шу совхозда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келаёт-
ган Аҳмаджон Қулибеков янги совхозга директор, Ёқуб-
жон Раҳмонқулов эса бош инженер қилиб тайинланди.

Деҳқон учун фурсат ғанимат. Фурсат бой берилдими,
ишнинг кейин кетиши турган гап. Янги рўзгорнинг икка-
ла янги раҳбари совхоз учун ажратилган ер бошига қа-
раб йўл олдилар. Олтмиш олтинчи йилнинг январь ойи.
Қаҳратон қиш. Пайкаллар қор кўрпаси билан қопланган.
Ер қиш уйқусида. Сукунат. Ҳаёт шарпаси кўринмайди.
Фақат қор босиб қолган лоток ариқлар, якка-ягона қизил
уй зим-зиё чўлда қўриқчидек қаққайиб турар эди.

Иккала бошлиқ қорни тиззага урадиган қизил вагон
томига чиқиб, атрофни кузата бошладилар. Оппоқ қор
киши кўзини қамиштиради. Аҳмаджон сутдек оппоқ қор
нуридан ёшланган кўзини рўмолчаси билан артар экан,
Ёқубжонга юзланиб деди:

— Барака топкур, ер тузувчи ташкилотлар турли-ту-
ман техникаларни ишга солиб, майдонни кафтдек текис-

лабдилар. Тракторчилар тупроқни сурмадек қилиб шуд-
гор қилганлари турган гап. Ер тахт. У қор тагида ҳамир-
дек кўпчиб ётибди. Лоток ариқни ўйлаб топганга раҳмат,
ариқ қазини, тозалаш ташвишидан ҳам озодмиз. Бир-
бир ярим ойлар орасида бу қорлар ҳам эриб, пўлатга
сув бергандек тупроққа жон киритади. Заводларимиз
ҳаракатда, ишчи синфи омон бўлсин, техника деганинг
эгарланган улоқчи отдек гижинглаб, бонг уриб да-
лангизга кириб келавермасин!.. Ушанда ер ҳам уйғониб
ғулу кўтаради, бағридаги бегона ўтлар типирчилаб, кун
кўзини кўришга ошиқади... ундан, ернинг юраги сиқи-
лади, албатта. Чунки у бино бўлиб умрида ҳазрати чи-
гитни биринчи бор иссиқ бағрига олиб, эркаламоқчи,
вақтида ҳазрати чигитни ер бағрига узатмасак, туп-
роқнинг феъли айнийди. Демак, чигитни ўз вақтида
экиш, кўкартириш, меҳмоннинг таъбирига мос озиқ-овқат
билан сийлаб туриш, культивация, ўтоқ дегандек. Эҳ-
ҳей, 2500 гектарлик дастурхонни безатиш учун озмунча
масаллиқ, ташвиш керак бўладими?.. Ана-мана дегу-
нингизча, кўрибсизки, жўжалар саналадиган олтин куз
ҳам етиб келибди.

— Биладан, нима демоқчи эканлигингизни,— дирек-
тор сўзини бўлди бош инженер.

— Нима, айтинг билсангиз!

— Одам керак. Одамлар керак!

— Тўғри, одамлар керак, Аммо ҳар қандай одам ҳам
иш беролмайди, бизга. Чўл шароити, янги ер пахтаси-
нинг талаблари ўзгача,— дейди Ёқубжонга синовчан кўз
билан қарар экан юрагига қўл солиб Аҳмаджон.

Уртага ташланган бу жумбоқ нақадар мушкул экан-
лигини бош инженер дарҳол пайқайди. Муаммо қанчалик
оғир ва мушкул бўлмасин, уни ечиш, ҳал қилиш лозим.
Бусиз иш бошлаш қуруқ қошиқ огиз йиртар қабилидаги
гапнинг ўзгинаси. Бир вақтлар,— деди тараққиётимиз-
нинг босиб ўтган маълум бир босқинчини эслаб Ёқуб-
жон,— партиямиз ҳамма нарсани техника ҳал қилади
деган шиорни майдонга ташлаганда, коммунизм қуриш
учун истак ва қўл кучини ўзи кифоя қилмайди, ҳар та-
рафлама ривожлантирилган фансиз, қудратли, муъжиза-
кор техникасиз совет ҳокимияти, социализм тузуми яшай
олмайди, деган даъват билан майдонга чиққан эди. Уша
вақтда бармоқ билан санарли ибтидоий трактор, аксари
омоч, кетмон билан тирикчилик қилар эдик...

Партиямиз шiori амалга оширилиши натижаида; энди биз турли-туман қудратли техника эгаси бўлиб қолдигу, аммо...— дея ўйланиб қолди Ёқубжон.— Аммо шу техникани одамсиз ҳаракатга келтириб кўринг-чи? Тўғри айтасиз, иккимизнинг ўйимиз бир ердан чиқиб қолди. Ҳа, ер-сувдан ризқ-рўз ўтказадиган ҳар бир деҳқон техникани эгаллаб олмас экан, у қанотсиз қушдек гап. Мен истардимки, совхозларимизнинг ҳар бир ишчиси, хизматчиси тўғри келган машинани ишлата биладиган механизатор бўлмоғи керак. Ана шунда, биз ер юзида энг кўп маҳсулот етиштира оладиган маданий деҳқон бўлиб қоламиз.

— Қани ўша сиз айтган қанотли қушлардан ҳозир юз наргина бўлса эди.

— Юз парини бирдан топиш қийин бўлар. Аммо биз ўз ҳаракатимизда шунга интиломимиз керак. Бир вақтлар, Турсуной, Шоймардон Қудратов, Мамажон Дадажонов, Жавод Кўчиевлар бармоқ билан саноқли эди. Эндilikда ўттиз минг машина республикамиз далаларида пахта термоқда. Яна бир нарсага эътибор берайлик-чи,— деб терим машиналарининг иш унуми тўғрисида сўз очди Ёқубжон.— Масалан, ҳозирги мавжуд машиналаримиз билан кўпи билан икки миллион тоннага етказиб пахта терамиз. Ваҳоланки, ҳар бир машинада юз тоннадан терилганда ҳам уч ярим миллион тонна пахта терган бўларди. Демак, машиналар кучидан тўла фойдалана олмаётимиз.

Икки ҳамқилиш одам қидиришдан бошлашга қарор бериб, бири Ёўка райониға, бири эса Зомин райониға қараб йўл олишди.

«Комсомол» совхозининг таваллуди шу хилда бошланган эди. Зоғ учмас зим-зиё саҳродаги якка-ягона қизил вагон ёниға биринчилардан бўлиб тракторчи Маматқул Ҳайдаров чодир тикиб, хотини, икки боласи билан кўчиб келган эди. Директор, бош илженерларининг ётиш-туриши ҳам шу қизил вагонда эди. Қисқа вақт ичида буларға янги кишилар қўшила бошлади. Сафар Раззоқов, Эргаш Қозибеков, Ҳазрат Пирматов сингари тракторчилар янги чодирлар тикиб, кўч-кўрони билан чўлга келишди. Орадан кўп ўтмай, трактор курсини битирган элликка яқин ёшлар ҳам уларнинг сафига қўшилишди.

Мана, орадан тўрт йил ўтди. Ўша кезларда зим-зиё бўлган бу саҳрода, энди шинамгина шаҳарча барпо этил-

ди. «Комсомоллар шаҳарчаси»нинг ўзига ярашиқ қиёфаси бор. Тўла-тўқис жиҳозланган замонавий поликлиника, клуб, қироатхона, қишки, ёзги кинотеатр, болалар боғчаси, мактаб, магазин дегандек барчаси муҳайё. Шаҳарча электрлашган, кўча ва хонадонларда водопровод, радио, телевизор, ошхоналарда газ.

Яна шуниси қувонарлики, 620 хўжалик учун қурилган янги замонавий уйларнинг 450 таси бир қаватли бўлиб, деҳқон учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Мевазор томорқа боғларини кўриб ҳавасингиз келади.

«Комсомол» совхози таваллуд топган пайтда 2500 гектар ерга чигит экиб иш бошлаган бўлса, ҳозир 6000 гектар ерга чигит экади. Ҳар бир гектар ернинг ҳосили 192 центнерга етказилди. «Комсомол» совхози турли касбдаги мутахассис кадрлар тайёрлаш учун мактаб ҳам бўлиб қолди. Янги ерлар ўзлаштирилиши ҳисобига янгидан очилаётган совхозларга, айни шу совхозда ишлаб малака ортирган экономист, бўлим бошлиқлари, инженер, инженер ёрдамчилари, механик-ҳайдовчи сингари ишбилармон кадрлар ҳам учирма қилиниб турилганини ҳисобга олсак, социалистик хўжаликнинг анвойи фазилатлари шундоққина кўзга ташланиб туради.

Йиллар тез ўтиб бормоқда. Тугилиш, улғайиш, яратиш, янгидан-янги марраларга парвоз қилиб, уни эгаллаш, мавжуд ва йўқдан бор қилинаётган бойликларни, фан забот этаётган ҳикмат ва мўъжизаларнинг ҳамма-ҳаммасини жамият аъзолари саодати учун хизмат қилдириш, бу — ақл-идрок, заковатимиз бўлмиш партия-мизнинг асл муддао ва программасидир.

Ёқубжон Қуруқсойдан учирма қилинганда атиги ўн етти ёшлик ўспирини йигитча эди. У босиб ўтган йўлларга ҳаёлан бир назар ташлаб кўринг! Неча юзлаб тенгдошлари, ака-ва-оталари билан қўлни-қўлга беришиб, ақл-заковатни ишга солиб озмунча хайрли иш қилмадими бу йигитча. У ўттиз баҳор юзини кўраётган шу кунларда, коммунист сифатида яна бир оғир, ҳа, ўтириб қолган катта бир хўжаликка бош-қош бўлишни топширди унга партия ташкилоти.

«Правда» номидаги 7-совхозга директор бўлиш анча мушча эпчил ходимга оғирлик қиладиган юк. Бу совхоз саккиз ёшини яшаб ҳам тенгқурлари орасида хўжалик йилини ёруғ юз билан яқунлаган чоқлари сийрак. 1969 хўжалик йилида ҳам пахта планини бажаролмади,

тани у ёқда турсин, давлатга бир миллион ўттиз беш минг сўм зарар етказди.

Коммунист-инженер Ёқубжон Раҳмонқулов хўжаликка директор бўлиб келди. 1970 йилнинг январь ойидан иш бошлади. Ҳаммаси бўлиб бу совхозда тўққиз ой ишлапти холос. 5700 гектар ерга чигит тикилиши керак. Аммо бу ерда ҳам ишчи кучи муаммо эди. Одам керак. Одам бўлганда ҳам бўлимларга бошчилик қила оладиган: биринчи галда механик-ҳайдовчилар топиш керак. Механик-ҳайдовчи қидириб топиш — у билан гаплашиш, тил топиш керак. Ўтириб қолган хўжалик аҳволини келадиган кишилардан сир тутиб ҳам бўлмайди. Бу гал энди Ёқубжон бош инженер сифатида эмас, совхоз директори сифатида одамлар қидира бошлади. Одамлар топиб келишга совхоз жонкуярларини сафарбар қилди. Ўзи яна киндик қони томган Зомин райониға йўл олди. Зомин галла ва чорва райони бўлгани учун ҳам у ерда ишчи масаласи муаммо эмас. Ёқубжон «Зомин» совхозидagi таниш-билишлар билан сўзлашиб тил топди.

Ёқубжон хўжалик йили вазифаларини бажаришга киришдан олдин, мавжуд имкониятларни хомчўт қилиб кўрди. Бир гектар ерга 10—12 киши тўғри келади. Демак, техникадан унумли фойдаланиш йўлини кўзлаш керак. Совхоз жонкуярларини тўплаб, етмишинчи йил вазифаларини муҳокама қилдилар. Бу ўринда партия, касаба союз ташкилотларининг вазифалари аниқланиб, ҳал қилувчи участкаларга партия аъзолари бирктирилди.

Техника ва ишчилар кучидан тўғри фойдаланмасдан туриб, унумдорликни кўтариш асло мумкин эмаслигини ўз тажрибасидаги мисоллар билан ишчи-хизматчиларга тушунтирди. Бу совхозга ҳам ҳар йили ўт юлиш, ўтоқ, пахта теришга хашарчилар жалб қилинган. Энди четдан хашарчи жалб қилмасдан, ўз кучлари билан барча ишларни бажариш вазифасини коллектив олдиға қатъий қилиб қўйди. Бу вазифаларни изчиллик билан бажардилар. Совхоз бўйича давлатга 8260 тонна пахта бериш керак. Аммо «Правдачи»лар жон куйдириб меҳнат қилдилар. Барча аҳд-паймонларини бирин-кетин бажариб, совхоз тарихида мисли кўрилмаган ҳосил етиштирдилар. Эндиликда пландаги 8260 тонна пахтани машинада териб давлатга ўн бир минг тонна пахта топширмоқчилар. Йиғим-теримни 15 октябрда бажариб, бир миллион сўм фойда олишни кўзлаб турибдилар.

1970 йил, октябрь.

РАҲМОНАЛИ УҚИНМАСА БУЛАДИ

Орадан саккиз йил ўтиб кетди, шу йиллар мобайнида ҳеч ким Раҳмоналига, колхоздан нега кетувдингу, яна нима деб қайтиб келдинг, демади, аммо, ўша иши эсига тушса хижолатдан ҳали-ҳали иситмаси чиқади.

Раҳмоналининг Жиззахдан Сирдарёга кетиб қолишининг сабаблари йўқ эмас, албатта. Бу сабабларнинг баъзиси Раҳмоналининг дўстларига маълум бўлса-да, энг муҳими ўзидан бошқага сир эди.

У гоҳо ҳикоя қилади:

«Муҳаббат бир бало шайдир, гирифтор бўлмаган билмас». Шоир бу шеърини менинг ҳақимда ёзгандек, муҳаббат ўтида мен куйиб, мен ёндим. Ўзгалар парвойи фалак...»

Раҳмонали севган қиз бундан икки йил бурун онаоналари билан Сирдарёга кўчиб кетган эди. Шу-шу оромини йўқотди, ўзини қўйишга жой тополмади. Нима қилса телба кўнгил таскин топади? У ана шуни ўйлар экан, чуқур хаёлга чўмди:

«Шаҳринисо шу кунгача менга юрагини очиб гапирган эмас. Балки менга ўхшаб, кимга ёрилишни билмай юргандир. Кошки эди, шундай бўлса-я... Нима қилай? Сирдарёга жўнаб қолайми? Йўқ. Йўқ. Умид билан борганимда розилик берса-ку, хўп-хўп. Борди-ю, севгимни рад қилса, ким деган одам бўламан?! Унда бу дунёнинг кенглиги менинг учун бир писта пўчоқ. Модомикки, шу кенг дунё мени ўзига сиғдиролмас экан, у вақтда кимнинг юзи билан яна қишлоғимга қайтиб келаман?.. Энг яхшиси, овоза қилмаганим дуруст. Сирдарёга бориш учун бирор бошқа баҳона топилиб қолар. «Қўл синса, енг ичида-ю, бош ёрилса, дўппи тагида. Шуниси маъқул...»

Раҳмонали баҳона топиш учун кўп бош қотирди...

«Сирдарёга бориб, акамни кўриб қайтаман, десам-чи?»

..Ха, айтмоқчи, унинг Сирдарёга кучиб кетганига талай йил бўлди.

Борди-ю, бахтим кулиб, қиз билан гапимиз пишиб, иш бориб туйга айланса-чи? Унда нима қиламан? Чунтак бўш! Қолхоздан тегадиган пул туйга бўладими, қизнинг кийим-кечагига? Туёғингизни шиқиллатиб қолинг-э, деса-я. Йўқ-йўқ, бу ўйим хато. Яхшиси, ҳеч кимга сездирмасдан чиқай-да, кетай. Сўнгра нима бўлади?.. Йўқ, Раҳмонали, йигит моли ерда. Дадил бўл!..»

Раҳмонали сафарга чиққан бир минг туққиз юз эллик биринчи йили Жданов номли колхозда аҳвол ана шундай оғир эди.

Шаҳринисога кўнгил бериб, Раҳмонали янглишмабди. У Раҳмонали билан учрашар экан, баъзи бир қизлар сингари йигитнинг йўлига қарамади, ҳушёр қиз йигит юрагини пайқади ва унинг кўнглини кутаришга ҳаракат қилди:

— Ҳечқиси йўқ... Қўй бир тери ичида неча озиб, неча семиради. Тан-жонни соғ одамга мол-дунё топилади. Иккиланиб утирманг, бизнинг колхозга киринг, биргалашиб ишлаймиз. Шундай қилсангиз, дадамлар олдида меннинг ҳам юзим ёруғ бўлади. Сиз рози бўлсангиз, кузга бориб тўйимиз бўлсин...

* * *

Халқнинг бир мақоли бор: «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, ер қиладиган ҳам хотин». Шаҳринисо ана шундай қиз чиқиб қолди. У Раҳмоналига ўз қалбини очди ва унга ғамхўрлик кўрсатди. Биргалашиб ҳалол меҳнат қилишди. Шаҳринисонинг вафоси Раҳмоналига куч берди, истиқбол эшикларини очиб юборди. Раҳмонали колхозга эмас, МТСга ишга кирди. Куз бўлиб, жўжалар саналганда, Раҳмонали ишлаб топган пулини бундоғ хомчўт қилиб кўрса, туйга етиб, ортиб ҳам қолар экан.

Шаҳринисо сўзининг устидан чиқди. У етишмайди, бу етишмайди, деб утирмади. Йиғим-терим тугаши биланоқ, туй-томошани бошлаб юборишди, Раҳмонали гўё бир олтин узук бўлса, Шаҳринисо шу узук кўзига тушган дур бўлди, йигит-қиз ширин-шакар турмуш кечира бошладилар.

Қаранг, ана-мана дегунча орадан беш йил ўтиб кетиб-

ди. Раҳмоналининг бир боши икки бўлиб, Шаҳринисо фарзанд кўрди. Туғилиб ўсган ери, колхозни, тенгқурлари тез-тез Раҳмоналининг эсига тушадиган бўлиб қолди. Ҳисобини тополса, она қишлоғига қанот бораб учгиси бор. Аммо ҳамқишлоқлари олдида ўзини айбдордек ҳис қиларди. У ҳеч кимдан сўроқсиз колхоздан чиқиб кетганига ҳамон кўнглининг бир чеккаси хира. У Шаҳринисога кўнгил бериб, унинг висолида ёнмаганда, бундай ишни асло қилмаган булар эди. Ахир шундай кўнлар бўлдики, Раҳмоналининг на қўли ишга борди ва на оғзи ошга.

«Интизомсизлик қилдинг, деб мени гуноҳкор қилсалар, пешанамдан кўрдим,— деб уйлар эди Раҳмонали.— Ахир бундан беш йил бурун колхоздан бир ўзим кетган бўлсам, ҳозир ўзимдан кўпайиб қайтмаман-ку! У колхоздан кетибману, МТСда ишлабман. Бунинг нимаси гуноҳ?»

Раҳмонали илгари пахтакор-деҳқон бўлса, энди яхши тракторчи.

Раҳмонали Сирдарёдаги колхозлардан кўп нарсани ўрганди. «У ердаги илғор колхозларда қўлланилаётган йўл-йўриқ,— деб ўзича уйланар эди Раҳмонали,— Жданов колхозида ҳам қўлланилганда, муртимизни болта кеса олмасдику-я! Сирдарёдаги илғор колхозлар бир меҳнат учун ўттиз сўмга етказиб ҳақ тўлаяпти. Шолни, сабзавотдан тегадиган ҳақ бунга кирмайди. Бизнинг раис фақат «план» дейди-ю, бошқа нарсани ўйламайди. Жойи келиб қолса, «план» деб, бир сўмлик нарсага ўн сўм харажат қилишдан ҳам тоймайди. Баъзан эса, шахсий обрў деб бир чақалик аҳамияти бўлмаган ишларга жамоат сармоясини ҳаёсизларча сочаверади. Баъзан пахтадан келган даромад харажатни қоплай олмаслигига сабаб ҳам шу бўлса керак. Бизнинг раисимиз шу илғор колхозларнинг биронтасига келиб, бир йилгина ишлаб кетса, ёмон бўлмас эди. Шунда ҳам раҳбарлик вазифасида эмас, оддий колхозчи, жуда бўлмаса, звено бошлиғи бўлиб. Ана шунда у, кетмончи, тракторчининг меҳнати нима, чинакам жонкуяр раис қандай булиши кераклигини балки фаҳмлаб олган бўлармиди!»

Ўз колхозига бориб ишлаш иштиёқи Раҳмоналига сира тинчлик бермасди. Қандай баҳона топса, МТС жавоб бераркин? Бироқ МТС директори осонликча ён бермаслигини Раҳмонали яхши тушунарди.

«Ҳа, ука! Биздан нима ёмонлик кўрдингиз? Бизга келганингизда ўттиз икки тишингиздан бўлак нимангиз бор эди! Мана энди, ўнта тракторчининг орасида энг илғори ким деб сўраганларга, ҳў ана, ўша серташвиш жиззахлик, деб сизни кўрсатиб турган бўлсак... Ҳар қадамнингизда червонжон қошларини қоқиб, чимирилиб, чўнтагингизга тушиб турса! Айтинг-чи, сизга яна нима етишмай қолди? Ахир биз ҳам қадрингизга етиб, кафтимизда кўтариб юрибмиз-ку» деса, нима дейман?» Шу мулоҳазалар билан Раҳмонали МТС директориға ҳеч рўпара келолмасдан юрар эди.

Раҳмоналининг бунда ҳам иши ўнгидан келди, партия ва ҳукумат МТСлар ишини қайтадан қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Қишлоқ хўжалик машиналари колхозларга сотилди, механизаторлар колхозлар ихтиёриға ўтди.

Раҳмонали билан Шаҳринисо Жиззахга кўчиб кетдилар. Раҳмонали қишлоғиға қайтиб бориб, ўз кўзига ишонмади. Наҳотки беш йил ичида Жданов номли колхоз қишлоғи шунча ўзгариб кетса?

...Ҳамма ёқда қурилиш, эски кўчалардан ному ишон қолмабди. Қинғир-қийшиқ тор кўчалар ўрнида кенг, катта тош йўллар... Йўл ёқаларида шинам янги уйлар саф тортган. Водопровод жўмрагидан муздек зиллол сув оқиб турибди. Янги колхоз қишлоғиға янги урф, маданий ҳаёт кирган, кишиларнинг турмуши бутунлай янгиича.

Раҳмонали қайтиб борганда отасидан қолган ўша япасқи чордевор нураш олдида турарди. Ота қўшилари аллақачон янги участка қуриб кириб олишибди. Томорқаларидаги турли-туман ниҳолларнинг олди шигил мева қилибди.

Қишлоқда юз берган бу ўзгаришлардан Раҳмонали қувонди. Лекин янги қишлоқ ҳусниға доғ бўлиб турган япасқи уйиға кўзи тушар экан, у ич-ичидан зил кетар, ўкинар, ўз-ўзидан нам тортар эди.

Раҳмонали кўчиб борган куннинг иккинчи ҳафтаси эди. Колхоз тракторчиси Маннон Солиев Раҳмоналини хотини Шаҳринисо билан меҳмонға чақирди. Бусиз ҳам у ҳар кун меҳмонда.

Раҳмонали Маннон Солиевникида бўлган меҳмондорчиликда ҳамқишлоқ, ҳамқурлари бирға бўлди.

— Еган-ичганинг ўзингники, кўрган-кечирганингдан

гапир, оғайни,— деди мезбон Маннон Солиев ҳамкасабаси Раҳмоналига чой узата туриб.

Раҳмонали ўзи ишлаган МТС ва хотини аъзо бўлган колхоз ишини оғзидан мой томиб мақтай кетди. Бу мақташлар ўз колхозининг жонкуяри бўлган Маннонга малол келгандек бўлиб, Раҳмоналининг сўзини бўлди:

— Ке, қўй, кўп мақтайверма! Эндиликда бизнинг колхоз ҳам сен мақтаётган колхозлардан қолишмайди. Сен борингдаги раиснинг паттасини қўлига бериб юборганимизга бу йил роса тўрт йил бўлди. Ҳозирги раис ёшроқ бўлса ҳам зуваласи пишиқ. Ишни дўндирапти.

— Колхоз қурилишининг отахони Урдуш Муқимовнинг куртагини еган раиснинг пишиқ бўлмай, сен пишиқ бўлармидинг!— орага гап қўшди кимдир.

— Ҳарқалай,— деди сўзида давом этиб Маннон,— барака топкур раисимиз ёш бўлса ҳам ишнинг кўзини биладиган чиқиб қолди.

— Ақл ёшда эмас, бошда!— луқма ташлади ҳамқинш-лоқларидан бири.

— Тўғри айтасан, агар ақли расо бўлмаганда, тез фурсатда колхоз бунчалик кўтарилиб кетмас эди.

— Лекин, шуниси ҳам борки,— деб гапга аралашди Маннон,— колхозни бир раиснинг ўзи кўтарди, дейиш хато. Колхозни колхозчилар кўтарди, тўғри, раиснинг ҳам хизмати бор, албатта, у колхоз тийинини тергаб-тежаб, бамаслаҳат сарфлаяпти, колхоз активларига суяниб иш қиляпти. Бригадир, звеноларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаяпти.

Қишлоқ ичидаги парча-пурча ерларга пахта экиб, колхоз озмунча зарар кўриб келармиди? Бутун иш кетмонда бажариларди. Натижада, эшагидан тушови қимматга тушарди. Бу ишдан на давлат ва на колхозчилар фойда кўрарди.

— Бу тўғрида колхозчилар озмунча жаврамадилар!— деди даврадагилардан кимдир гап қўшиб.

— Тўғри, танқид қилиб, қувғинга учраганлар ҳам бўлган эди,— деб сўзида давом этди Маннон,— ҳарқалай танқид қилиб «калтак» еган бўлса-да, танқид ўз кучини кўрсатди. Партия ёрдамга келди. «Сиркаси сув кўтармаётган»ларнинг танобини тортиб қўйди. Колхоз ўнглана бошлади.

Парча-парча ерлар ўз замонасида сўқа, омочга мос эди. Қудратли трактор учун ҳозир кенг майдон, яхлит

қарталар керак. Чўлни пахтазорга айлантириб, зиён қилганимиз йўқ! Шу баҳона билан озмунча янги ерни узлаштириб олмадик! Колхоз ерининг адоғи «оч дала» га, Мирзачўлга етиб борди. Мана шу чоралар пахта таннархини камайтириб, даромадни ошириб юборди!

— Манам худди шуни айтмоқчи эдим-да! Раҳмонали кўкка кўтариб мақтаётган колхоз билан мусобақалашсак, қурбимиз етадими, йўқми? Шуни менга очиқ қилиб айтинглари-чи, оғайнилар!— деди меҳмонларга виқор билан Маннон.

— Қурбимиз етганда қандай!— дейишди даврадагилар.

— Бўлмаса, гап шу, оғайнилар,— деди Раҳмонали,— колхоз билан колхоз мусобақалашар экан, бу колхознинг иши. Мен, икки тракторчи бир беллашиб кўрсак, деган фикрдаман.

— Жуда соз,— деди Маннон.

— Қўлингни бер!— деди Раҳмонали.

Икки тракторчи самимий қўл сиқишдилар.

* * *

Раҳмонали бу ерда ҳам пешқадам механизаторлардан бири, бирга ўсган дўсти — тракторчи Маннон билан мусобақадош. У қишлоққа энди қайтиб — меҳмондорчиликда юрганда икки орада бошланган мусобақа мана, уч йилдан бери давом этмоқда, йил ўтган сайин янги марраларни эгалламоқда.

Маннон билан Раҳмонали ҳамон беллашмоқда. Раҳмонали эндиликда тракторчигина эмас, у трактор-далачилик комплекс бригадасининг бошлиғи. Унинг бригадаси эккан чигит йигирма иккинчи апрелдаёқ уйиб чиққан эди. У ғўзанинг эни ва бўйига ишлов бериб, яшил квадратларни гуркиратмоқда.

Колхоз идорасида Раҳмонали билан Шаҳринисонинг муҳаббат қиссаси, Маннон тракторчи билан Раҳмонали ўртасида давом этаётган мусобақа ҳақида қизнинг суҳбат борарди. Шу аснода стол устидаги газеталардан бирини олиб, қатини очдим. Кенг дала. Саялка тиркалган икки универсалъ икки қартага чигит экяпти. Бир киши тракторлар изига саялкалардан чигитнинг бир маромда тушишига разм солиб турибди. Самарқанд об-

ласть, «Ленин йўли» гаветасида босилган бу расм тагида: «Жиззах» районидаги Жданов номли колхознинг ўртоқ Раҳмонали Турсунов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари чигитни юқори сифат билан экмоқда», деб ёзилган.

Мен, правление раисига қарадим. У менинг савол назаримдан таажжублангандай кулимсираб деди:

— Уни шу кунларда кўрсангиз. Яна ҳам серташвиш бўлиб кетган, иложини топса, ҳар соатда гўзанинг бўйини ўстириб, шохларига шох, шонасига шона қўшса.

— Шаҳринисо-чи?— сўрадим мен.

— У ҳам шу бригадада. Хурсандчиликда ҳам, меҳнатда ҳам иккаласи бирга.

Раҳмонали бошлиқ трактор-далачилик бригадаси саксон икки гектар ерга чигит экди. Илгари, механизаторлар МТС ихтиёрида бўлганларида уларнинг хўжайинлари иккита бўларди, у ер ҳайдарди, культивация қиларди-ю, ҳосилга жавобгар эмасди. У маҳалда ҳосил кам бўлса ҳам, механизаторнинг нони бутун эди. Энди эса мутлақо бошқа! Раҳмонали асли деҳқон эмасми, бир туп гўза ўлса ёки культивация қилаётганида битта кўсак узилса, унинг юраги узилгандай бўларди. Энди ҳосил яхши бўлмаса, механизатор зарар кўради. Чунки, энди у колхозчи.

Раҳмонали катта, яхлит майдонда яшил квадратлар гуркиратибди: гўзалари шахмат тахтасига териб қўйилгандай, қаёғидан қараманг, кўриб баҳри дилингиз очилади.

Майдонда универсаль икки ёқлама юриб турибди: культиваторлар кетидан ҳимарилиб, эгатиинг икки бағрига ёнбошлаб қолаётган қорамтир нам тупроқ шона олган ям-яшил гўзаларга мадор, куч-қувват бағишларди.

Раҳмоналининг кўзи культиваторлар изида: бирор тупини юлиб, эзиб кетмадимикин?.. Кейин унинг ўткир излари шу катта майдонни, ер бетини қоплаб турган шу яшил гиламни қамради: гўё шу беҳисоб гўзаларнинг ҳар бирини бир-бир ардоқларди.

Бригадир билан суҳбатлашдик. Унинг соғлиғини, бола-чақаларини сўрадим.

— Униб-ўсишяпмиз, раҳмат,— деди у, бармоғи билан мўйловининг учини бураб.

Маннон Солиев билан икки орадаги мусобақанинг натижасини сўрадим.

— Мусобақамизми?— деди у мулойим табассум билан.— Беллашиб ётибмиз. Натижаси ҳам чакки эмас. Маннон ўтган йили оиласи билан қирқ тўрт минг сўм даромад қилди. Бир оиланинг ишлаб топгани шунча бўлса, камми? Кам эмас.

— Ўзингизники-чи?

Раҳмонали аниғини айтгиси келмадими, камтарлик қилдими, ҳарқалай, жилмайиб деди:

— Ҳа, Шаҳринисо билан менинг топганим ҳам уникдан кам эмас... Ҳозирча бизнинг ғўзамиз олдингилардан бири,— деди гапни бошқа ёққа буриб.— Жўжани кузда санаймиз-да...

Ҳа, Раҳмонали камтарлик қилди. У даромадини аниқ айтмаса ҳам қилган иш маълум. Унинг бригадасида ғўза бир текисда униб, ўсиб турибди. Культивация вақтида бошланди. Кузнинг ғами шу кунларда ҳал қилинмоқда. Пахтани машинада теришга мослаб ишламоқдалар.

Раҳмонали Турсуновнинг бу кунги ишидан мамнун бўлган ҳамқишлоқлари унинг бир вақтлар ҳеч кимга индамай жўнаб қолганини аллақачон эсларидан чиқариб юборганлар.

Раҳмонали ўкинмаса бўлади. У ўзини ишда кўрсатди, одамларнинг ҳурматига сазовор бўлди, топган даромадидан ота мероси — япасқи захкаш, қоронғи кулба ўрнига кўркам, ёруғ уй солиб олди.

... Пахта йиғим-теримининг натижаси мени қизиқтирди. Колхоз раисининг менга берган маълумотича, Раҳмонали бошлиқ бригада ўттиз уч центнердан «оқ олтин» кўтарибди. Бу Раҳмонали бошлиқ бригада аъзоларининг етти йиллигимизга қўшган муносиб совғасидир.

РАҲМОНАЛИ БЕҲУДАГА УКСИТИЛДИ

Утган йили, июлнинг йигирма бешинчи куни бўлса керак, Раҳмонали бригадасида кўнгилсиз бир ҳодиса рўй берди. Звено бошлиғи Мўмин Сафаров ғўза суғорарди. Ариқда керагидан ортиқ сув бўлгани учун эгатлардан тошиб, ғўза томирларини ковлаб, қулатиб борарди. Сувчи ёлғиз эди. Шошганда лаббай топилмас, деганларидек, сувчи шошиб қолган эди. Сувнинг ярмисини ён ариққа очиб юборди. Сувчи учун энг муҳим иш — ғўзани бостириб суғоришдан сақланиш.

Нима бўлди-ю далани айланиб юрган раиснинг йўли шу томонга тушиб қолди. Ён ариққа ташланган сув кўчага оқиб ётганини кўрди-ю, жонни ҳалқумига тикилди. Шундай бўлиши ҳам табиий эди. Ўша кунларда сувнинг қадр-қиммати Жиззах пахтакорлари учун одамнинг қони қадрига тенг эди. Раис нима сабабдан сув кўчага оқиб ётгани тўғрисида тафсилот эшитиб ўтиришни ҳам хоҳламади, биринчи жазо тариқасида звенони навбатдаги сувдан маҳрум қилиб, сувини бошқа бригадага ағдартирди.

Аслида бу участканинг ери шўр бўлиб, бошда чигит чала унган, ривожининг эса мазаси йўқ эди. Бунинг устига айни ҳосилга ҳосил қўшиш учун кураш бошланган бир вақтда аъзоларнинг иккинчи марта қурт боқиш билан банд бўлишлари ишнинг белига тепиб турарди. Ғўзага ишлов беришга одам етишмас, сувдан маҳрум қилинган ғўзаларнинг таги тарашадек қотиб, культивация қилишнинг ҳам иложи бўлмасдан қолганди. Натижада ғўзалар шона ва ёш кўракларини тўка бошладилар. Раиснинг «оқилона» кўрган бу тадбири худди бургага ўчакишиб кўрпасини куйдирган одам аҳволига ўхшаб кетарди.

Ана шу ташвишли кунларнинг бирида серзарда раисга ногаҳон хабар етди:

— Юқоридан вакиллар келиши кутилмоқда... тегишли кишилар хабардор қилинсинлар! Дала ва бригадаларда тартиб ва интизом ўрнатилсин!..

Эси борида этагини ёпишга шошилган раис ғўзага берган «жазо» чорасини дарҳол ўзгартириб, «Шўрбозор»да қовжираб ётган ғўзага шошилиш равишида сув қўйишга фармон берди. Ҳайит ўтгандан сўнг қўйилган бу хина фақат хўжа кўрсин учун қилинган эди. Чанқоқликдан сулиб, сарғайиб қолган ғўза ўзига келмасдан, юқоридан вакил келиб қолди. Аяган кўзга хас тушар! Вакилнинг эътибори ранги рўйи сарғайиб, ҳасратидан чанг чиқиб турган ғўзаларга тушиб тутақиб кетди. Ҳазабини ҳеч ерга сиғдирилмади, бунга унинг минг бор ҳақи ҳам бор эди. Гуноҳкорлар қидирилди, раис айбни бригадирга тўнкаб туриб олди. Бригадирга қаттиқ жазо бериладиган бўлди. Шошилиш чора кўрилиб, ишдан ҳайдалди.

«Шўрбозор» участкасида орқаворатдан ҳукм чиқарилган пайтда Раҳмонали иккинчи маротаба қўрт тутаётган аъзолари ташвиши билан овора эди. Баҳорги биринчи қўрт тутишда ҳамма барглар кесилиб қўртга едирилган, иккинчи марта тутилаётган қўртга емиш топиб беролмасдан бригада бениҳоя қийналмоқда эди. Раҳмонали бўлса, пилла плани учун шахсан жавобгар бўлганидан, универсалини шогирдига топшириб, қўрт ташвиши билан қишлоққа чопса, далага етолмасди, далага чиққанда, ғўза ишига ўрналиб қолиб, бўзчининг мокисидек икки ўртада саргардон бўлиб юрганини раиснинг ўзи жуда яхши билар эди. Шуларга қарамасдан Раҳмонали «Шўрбозор»да рўй берган камчилик учун жавобгарликдан бош товламади ва тез орада йўл қўйилган хатони тузатишга сўз берди. Ўжар раис тутган еридан кесадиганлардан эди, коммунист бригадир Раҳмоналининг самимий эътирофи, қолаверса ялиниб-ёлворишлари бир чақага ҳам арзимади.

Бу колхоз тарихида Раҳмонали Турсуновнинг трактор-далачилик бригадаси биринчи қалдирғоч эди. Шунга қарамасдан раис бу бригадага даррандаларча муносабатда бўлди. Бригада бошида турган механизаторни ишдан ҳайдаб нима ютади экан, бундай раҳбарлар одатда ўзига тегадиган зарбани четлаб ўтишга жуда моҳир бўладилар, жамият учун аҳамияти жуда буюк бўлган ҳар қандай нарсани қўрбон қилишга тайёр турадилар. Агар шундай бўлмаганда қўл меҳнатини машиналаштиришга

қаратилган комплеке механизациялашган бригадалар республикамизда ажойиб мўъжизалар яратиб бераётгани, бу янги прогрессив ҳаракатни тобора ривожлантириш учун партиямиз кўраётган чоралардан кўз юмиб, унга путур етказишга журъат қила олармиди!

Республикамизда комплекс механизациялашган бригадаларнинг сони кўпая борган сари меҳнат унумдорлиги ошмоқда, колхозчилар оғир ишлардан бўшаб, турмушларида маданий ва фаровонлик равнақ топтомоқда, борган сари оддий далачилик бригадалари ўрнини трактор-далачилик бригадалари эгалламоқда. Шу кунгача оддий бригадирлар кўп тажрибага эга бўлишларига қарамасдан, улар бригада аъзолари ўртасида фақат бош ва ройкорчигина эдилар. Трактор-далачилик бригадаси бригадирининг афзаллиги шундаки, бунда у фақат ройкорчигина эмас, балки у тракторчининг ҳам, «универсал»чининг ҳам вазифасини ўзи бажаради. Ерни ўзи шудгор қилиб, чигитни ўзи экади, ўзи культивация қилиб, бора-бора пахтасини машина билан ўзи териб, колхозчиларни энг оғир пахта териш меҳнатида ҳам озод қилади.

Раҳмонали ҳам худди шу инъят, шу мўлжал билан иш бошлаган эди. 82 гектар ерни ўзи ҳайдаб, ўзи чигит экиб, культивацияни ўзи қилиб, яшил квадратлар яратган эди. Яшил квадратлар шигил кўрак ҳосил қилиб «оқ олтин»га айланган бир чоқда, арзлмаган бир баҳона билан Раҳмонали сингари жонкуяр коммунист-механизаторнинг бригадирликдан четлатилиши ёлғиз унга эмас, «Жданов» колхозининг барча аъзоларига ҳам алам қилди!

Тўрт йил муттасил колхозчиларнинг оғирини енгиллатишда Раҳмонали билан бирга жон чекиб, жон тортган ДТ-24 машинасини тортиб олиб, уни қуrolсизлантириб, ўз умрини тугатган кетмонини унинг қўлига тутқаздилар.

Бригада ишини табелчи Қўшоқ Қаримовга топширар экан, у:

— Раҳмон ака! Инсоф билан айтганда, меҳнатни сиз қилдингиз. Менинг тайёрга айёр бўлишим уят, колхозчилар айтмайдиларми: «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир!»— деб. Пахта бўлса пишиб қолди. Ҳали ҳам бўлса раисга бир учралса булар экан, жаҳл устида бўлиб кетган иш эди, балким инсофга келиб қолгандир...

— Орага сиёсат суқилди. Ғишт қолипдан кўтарилди, энди фойдасиз,— деди Раҳмонали.— Вақт келар, ҳақ жойига қарор топар. Сиздан бир илтимосим бор. Қуртдан бўшаган аъзоларнинг пайига тушсангиз, охириги чеканкани тезроқ тамом қилсангиз, шу ой одамларни бўшаштирмасдан ишлай олсангиз марра сизники, гектар бошига уч-тўрт центнердан ҳосилни оширишингиз аниқ гап. Борди-ю, аъзоларингиз тўй-тўйлаб кетиб қолгудек бўлса, ҳозирги бор ҳосилдан ҳам ажраласиз.

— Ўзингиз ахир шу ерда бўларсиз?— қандайдир бир ўнғайсизлик билан сўради Қаримов.

— Мен эртадан бошлаб «Шўрбозор» участкасида бўламан. Ўша ерда ётиб олиб ишлаб, ғўзани тузатиш учун курашаман. Агар мен керак бўлиб қолсам ўша ердан топасиз.

Куз келиб, жўжалар саналди. Раҳмонали ҳайдаб, экиб, Раҳмонали бошчилигида кўкартирилган 82 гектар ердаги яшил квадратлар 31 ярим центнердан ҳосил берди. Ҳалол меҳнат Раҳмоналини оқлади. Раҳмонали бу давр ичида трактор ҳайдашдан бошқа ҳамма ишни қилди: сув тутди, пахти териб (қўл билан албатта!), пахта қоплади. Арава ҳайдади. Иморат қурди. У диркий коллективдан ажралмади. Зар қадрини заргар биледи, деганларича бор-да. Гарчи чилангар раис олтинқўл Раҳмоналининг қадрига етмаган бўлса-да, колхозда уни қадрлайдиганлар оз эмас эди, албатта.

Яқинда мен Раҳмонали хизмат қилаётган бригадада бўлиб, унинг ишлари билан танишдим. Бригада аъзолари ва бригадир билан суҳбатлашдим. Бу суҳбатда колхоз раиси Йўлдош Тошпўлатов, механизация бўйича раис муовини Шоназар ва Раҳмонали Турсуновнинг ўзи ҳам бор эди. Холмат Ғафуров бошчилик қилаётган бу бригада 100 гектар ерга пахта эккан. Об-ҳаво шароити оғир келишига қарамасдан, бригада «универсал»чиси — олтинқўл Раҳмонали яшил квадратларни шу қадар аниқ кесганки, қараб кўзингиз тўймайди. У кундалик культивация нормаси 6—7 гектар бўлишига қарамасдан, ҳар кун ғўзанинг бўйи ва энига ишлов бериб, 9—10 гектар ғўзани сифатли культивация қилмоқда. Икки гапнинг бирида колхозчилар: «Қўлинг дард кўрмагур олтинқўл йигит экан», дейишиб олқишлайдилар.

Бригада бошлиғи Холмат Ғафуровнинг Раҳмонали-

дан миннатдор бўлиб суҳбатда айтган гаплари жуда ибратлидир.

— «Қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман», деган бир гап бор. Афсуски, бизнинг эски раисимиз Раҳмоналининг қадрига етмади. Лекин меҳнатсевар Раҳмоналини ишдан совитолмади. Мана унинг 100 гектар ерга квадрат-уялаб эккан гўзаси,— деди қўлини ям-яшил гуркираб ётган гўза пайкалига чўзиб Холмат ака.—1958 йилда ҳам Раҳмонали менинг бригадамда ишлаган эди. Ушанда ҳам 100 гектар ерга чигит экиб, 32 центнердан пахта топширган эдик. 1959 йилда Раҳмонали трактор-далачилик бригадаси ташкил қилиб мендан кетиб қолганда, тўғриси айтсам, мен гўё ўзимни қўл-оёқсиз сеза бошладим. Сабаб? Сабаби шуки, Раҳмонали ўрнига келган «универсал» на унинг ишини қила олди ва на ўрнини боса олди. Куз келиб, галвир сувдан кўтарилганда 26,5 центнердан пахта йиғиб олдик. Бир йилнинг ўзида бригадамиз гектаридан 5,5 центнердан пахта йўқотди. Техника бўлса-ю, уни керагича ишлата билмаса бекор экан.

— Шунинг учун раис қувлаб юборган Раҳмоналини яна қаватингизга олган экансиз-да?— кимдир суҳбатдагилардан бири луқма берди.

— Ростини айтайми?

— Рост гап турганда ёлгон кимга керак,— деди мулойим кулиб Тошпўлатов.

— Гапнинг тўғриси, агар Раҳмонали келмаганда бу йил бригадирлик вазифасидан воз кечмоқчи эдим.

— Раҳмоналисиз бригадирликни эплай олмай қолдим деб қўя қолмайсизми?

— Гапнинг эркаги яхши, раис ота,— деди дадилланиб Холмат ака.— Инсоф билан айтганда, Раҳмоналига ўхшаган механизатор бор бригадада менга ўхшаган техникадан саводсиз ройкорчи бригадирнинг ҳожати йўқ экан! Ўзларингиз ўйлаб кўринглар-а, ерни Раҳмонали ҳайдаса, чигитни ўзи экиб, культивацияни ўзи қилса, менга ўхшаган бригадирларга нима иш қолади? Ройкорчиликми? Ўйлаб кўриш керак.

— Комплекс механизациялашган бригадани ҳар қандай ерда ҳам тузиб бўлмайди,— сўзга аралашди Раҳмонали. Ҳозир биз экиб юрган чорвоқ ичидаги парча-буруш ерларда комплекс механизациялашган бригада тўғри келмайди. Ер яхлит, текис бўлса машина равон иш-

лайди. Пахтакорлигимизнинг истиқболи механизацияга боғлиқ. Биз пахтани машина билан териб олишга ўтмасдан туриб тўла маънодаги пахтачиликни ривожлантира олмаймиз.

— Тўғри, — деди Раҳмонали фикрига қўшилиб Холмат ака, — бизнинг колхозда яхлит ерлар оз эмас. Аммо комплекслашган бригада ҳозиргача йўқ!

— Бу йил эсон-омон йигим-теримни ўтказиб олайлик, албатта комплекс механизациялашган бригада ташкил қиламиз, — деди бригадирга тасанно бериб колхоз механизатори Шоназаров.

— Агар шу ваъда юзага чиқадиган бўлса...

— Нега юзага чиқмас экан? — Холмат аканинг сўзини бўлиб сўради раис.

— Чунки кўп ваъдалар амалга ошмасдан қолаверади! — қатъий жавоб берди Холмат ака.

— Қани олдин мажбуриятингизни бажараверинг-чи! Куз келаверсин, бир гап бўлар.

— Мажбуриятни бажарамиз, раис ота. Шундайми, Раҳмонали? — сўради бригадир.

— Сўзсиз бажарамиз! — қатъий қилиб айтди Раҳмонали.

— Лекин бир шарт билан, — сўз қўшди Холмат ака, — Раҳмонали бригадасини тиклайдиган бўлсангиз, мени унга ёрдамчи қилиб берасиз!... Нега ажабланасизлар, ўртоқлар? Бундай хулосага келишим учун менинг асосларим бор.

— Эшитайлик-чи, қани-қани, асосларингизни гапиринг... қизиқ, — деб қўйди раис.

— 1958 йилда ҳам худди мана шу карталарга Раҳмонали билан пахта эккан эдик. Баҳорда дўл ёғиб ғўзамизни ола-чалпак қилиб уриб кетди. Нобуд бўлган кўчатлар ўрнига чигит экиб ундириб олдик. Табиий, кейин экилган ғўза олдингига қараганда суст ривожланди. Ғўза чуқур культивация талаб қиларди. Культивация чуқур олингудек бўлса, дуварак нимжон ғўзалар тупроққа кумилиб нобуд бўлар эди. Раҳбарлар культивацияни юзaroқ олиш тарафдори эдилар. Раҳмонали бўлса, бизга 10 процент пахта берадиган ғўза муҳимми, 90 процент пахта берадиган ғўза муҳимми, деган мантиқни маҳкам тутиб олди. Бошқаларнинг дод-войига қарамасдан ўз билганини қилди, ғўзани чуқур культивация қила бошлади. Нимжон ғўзалар тупроққа куми-

либ қоларди. Биз нимжон ғузаларни тупроқ тағидан қул билан очиб олишимизга қарамасдан раҳбарлар хафа бўлишган эди. Шу жанжал устида область мусобақадонимиз Пастдарғам район ижроқўмининг раис муовини ўртоқ Тангриев ҳам бор эди. У ҳам «универсал»чи Раҳмонали ишини маъқул топмади. Натижада Раҳмонали иши брак қилиниб, жазо тариқасида унга ҳақ тўланмади. Аммо Раҳмонали ҳақ бўлиб чиқди. Чуқур культивация ҳосилни оширишга ёрдам қилди. Уша йили планимиз 120 процент, мажбуриятимиз эса ошириб бажарилган эди. Шунинг акси улароқ, 1959 йилда Раҳмоналисиёз ишлаб мен бошлиқ бригада 26,5 центнердан ҳосил олиб, ўтган йилга қаратанда гектар бошига 5,5 центнердан пахта йўқотди. Бунинг сабабини мен техникадан Раҳмонали сингари унумли фойдалана олмаганимизнинг оқибати деб биламан. Худди шу йил Раҳмонали экиб, ҳосилга киритиб берган Раҳмонали бригадаси 82 гектар ердан 31 ярим центнердан пахта олди.

Республикамиз совхоз-колхозларида механизатор ташаббускорларнинг ихлолари зўр меҳр-муҳаббат билан ардоқланиб кўкартириляётган бир чоғда, бизнинг колхозимизда Раҳмоналидек механизаторнинг қўллаб-қувватланмаганлиги барча колхозчиларнинг дилларини огритди, — деди тутатиб Холмат ака.

— Энди ўтган гапга салават, — деди мунозарага айланиб бораётган суҳбатнинг дамини кесиб колхоз раиси Йўлдош Тошпўлатов. — Бу йилги бошлаган ишларингизни окирнга етказинглар. Ҳозирча колхоз Раҳмонали учун бир дона «ХВС—1, 2» терим машинаси сотиб олиб беради. Яхши майдон ҳам ажратиб берайлик. Марди майдон, қани Раҳмонали хамир учидан патир, бир иш кўрсатсин, кўрайлик-чи.

— Раҳмат раис ота, — деди жилмайиб Раҳмонали. — Одам қилган ишни одам қилади, қани машинани олиб беринг-чи, хизматдан қочган номард?

Мен уларга Турсуной Охунова, Мелиқўзи Умрзоқовнинг тажрибаларини ҳикоя қилиб бердим. Яқинда яна Турсуной бригадасида бўлган эдим. Бу қаҳрамон аёл эндиликда фақат механик ҳайдовчигина эмас, балки комплекс механизациялашган бригаданинг бошлиғи ҳамдир.

У, еттинчи синфни тутатган ўн чоғлиқ ёш қизларни қаватиға олиб 100 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиди. Турсуной бригадасида киши бошига қарийб ўн гектар-

дан ер тўғри келади. Сизларда бўлса киши бошига бир гектардан ҳам тўғри келмайди. Фарқи жуда катта.

Шонли қаҳрамонимиз Турсуной Охунова КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун жонбозлик қилмоқда.

Кўриниб турибдики, Раҳмонали ташаббуси колхозда бўғилган. Оз меҳнат сарф қилиб техникадан тўғри фойдаланиш йўли билан кўп ҳосил олишга бел боғлаган Раҳмоналини беҳудага ўқситганлар. Коммунистик партиямиз илғор ғоя ҳаракати тарафдори бўлганларни ҳар қачон, ҳар қандай шароитда қўллаб-қувватлаб келяпти. Бунга камоли қаттиқ ишонган Раҳмонали бу гал ҳам ўқсимаса бўлади.

Жиззах. Июнь.

«А В Л И Е Л А Р»

Эски шаҳар билан янги шаҳар оралиғида қатнайди-ган автобус станциясида йўловчилар гавжум. Ҳамманинг кўзи йўлда... Ана автобуснинг қораси ҳам кўринди. Парвозга кўтарилаётган самолётдек одамлар ўша томон интилишиб қолди. Уларнинг бирдан-бир муроди қандай қилиб бўлса-да, автобусга чиқиб олиш! Тўрт машинага етиб ортгудек йўловчилар шайланиб турибди. Ноумид шайтон, қочган ҳам худо, деди, қувлаган ҳам... Автобус ҳали тўхтаганича ҳам йўқ эди, эркак-аёл, ёш-қари дув кўтарилиб ким ўзарга машинага қараб чопишди. Зўрлик, беандишалик ана шу ерда иш берди. Автобусдагилар ерга тушолмайди, ердагилар автобусга чиқолмайди!.. Қиёмату аросат; ит эгасини танимайди. Гирдобга тушиб қолган пуфакдек сур-сур билан, бир вақт қарасам, елкамда бировнинг хуржунин, машинага чиқиб қолибман.

— Хуржуннинг эгаси ким?— дея қичқирдим.

Биров-бировнинг гапини эшитса-чи. Қаранг, йўловчиларнинг дод-войига қарамай, машина юрди-кетди. Хуржун елкамда қолаверди. Одамлар бу аҳволдан шикоят қила бошладилар.

— Гражданлар! Марсдан тушган бўлсаларингиз ҳам ўзларингизни босинглар!.. Ҳой, хуржун кўтарган амаки, хафа бўлмайсиз, жиззахчилик, эски шаҳарга эсон-омон етиб олиб бирпас кутсангиз, олам гулистон, хуржунни эгаси сизни топиб олади. Бир марта ташишкачилик қилибсиз-қилибсиз-да...

Ҳаммасидан ҳам кондукторнинг бу гапи ошиб тушди. Одамлар кулишарди.

— Кулманглар, ҳой, иззайи мўмин ҳаром, — дерди кимдир.

Мен бўлсам ўзимни яширгани жой тополмасдим...

— Автобуснинг сонини кўпайтирса асакаси кетарми-

кин-а) — деди бўғилиб ўрта ёшдаги бир одам. Унинг юз-кўзидан тер қуйиларди.

— Биродари киром, сабр қилсанг, гурадан ҳолво йишар. Қанот арзон,— деб тасалли берар эди бошқа бир йўловчи.

— Москва ҳам бирданига қурилмаган, ахир! — дейди мулойим жилмайиб чипта шляпа кийиб, сариқ портфель кутарган семиз одам. Унинг икки бети анордек қип-қизил, гўё қон томиб тургандек...

— Мусулмончилик — астачилик, демоқчисиз-да, мулла ака, парво қилманг, буларнинг ўзи шунақа, ношукурлар йўқ. деб ўйлайсизми!.. Тушунмайман, агар шу автобус ҳам бўлмаганда нима қилар экан, бу ношукур! — деб ҳалиги «ношукур»га хўпам дашном берди жиккак бир йўловчи.

Элнинг оғзига элак тутиб бўлмас экан. Машинани садагаси кетай, ана шунақа паст-баланд гаплар эшитиб, хаш-паш дегунча эски шаҳарга ҳам ётиб қопмиз. Ҳали автобус остановкага етмасданоқ пассажирлар бесаранжом бўлиб қолишди. Утирганлар уринларидан туриб тикка турганларни итаришиб эшик томон интилишарди.

— Ҳай, ҳай, қандақа бесабр одамларсиз! Ёв қувла-ялгани йўқ-ку! Ёки машинага ўт кетдими, нима балол! Автобус тўхтасин, тушарсизлар,— деб жаврарди ҳалиги жиккак одам.

Биров-бировнинг гапини эшитмас эди. Бир амаллаб машинадан тушиб олдим. Бу дардисар хуржунни нима қилсам экан, деб турган эдим, бир саллалик чол рупарамга келиб хуржунга қўл узатиб:

— Раҳмат, мулла уғлим, сизни овора қилдилар. Хафа бўлмайсиз, жиззахчилик,— деб хуржунни олиб, елкага солиб кетди-ворди...

II

Уч киши олдинма-кетин чойхонага кириб бордик. Чойхона ичи зах. Ҳавоси оғир эди.

— Хуржунни эгасига топшириб, енгил ошиб олдингиз, қани бўлмаса энди танишиб қўйайлик-чи, отим Юсуфжон,— деди бир менга, бир шляпалик кишига қўлини чузиб.— Хуржуннинг эгаси ким?— деб шунича бақирдингиз, чол машинада экан, чўрқ этмади-я... Хайр, жиззахчилик, хафа бўлмай қўя қолинг. Ҳали-ку, бу хуржун,

кондуктор ҳар исмида автобусдан бир чўнтак, бир чўнтак тугма териб олар экан. Мен машинани кўнайтирсин десам мулла ака, Москва ҳам бирдан қурилганмас, дедилар. Мен сиз билан согласин эмас, — деб қўйди самоварчи келтириб қўйган чойни қайтара туриб Юсуфжон, — Мен, мулла акамни танийман.

— Қаердан танийсиз? — мулойим жилмайди шляпалик киши.

— Лекторсиз. Кунини кеча колхозда лекциянгизни эшитган эдим.

— Қалай, маъқул бўлдимиз? — сўради лектор.

— Тўғриси айтилайми?

— Тўғриси турганда ёлғон гап кимга керак, — суҳбатга аралашдим мен.

— Ҳа... — деди чўзиб Юсуфжон, — тўғри гап ҳар кимга ҳам ёқавермайди... Мулла акамни лекциялари шахсан менга ёқмади.

Юсуфжоннинг гапи лекторга ёқмади шекилли, унинг узиқ қошлари чимирилиб, бетига қони тепиб, икки қулоғи шолғомдек қизариб кетди.

— Шахсан сизга ёқмаган бўлса, тушунабсиз. Илмий атеизм нима? Тушунабсизми ўзингиз? — бир оз овозини кўтариб, асабияти кўзгаброқ савол берди лектор. Юсуфжон бало экан, атеизм нима, деган саволга қойил қилиб жавоб берди. Лектор мамнун бўлганидан оғзининг танаби қочиб: «Бинойидек тушунибсизу, раҳмат дейиш ўрнига маъқул бўлмади» деганингиз қизиқ бўлди! — деди.

— Маъқул бўлмаслигининг сабаби бор, — изоҳ бера бошлади Юсуфжон, — лекциянгизнинг тиши йўқ. Газетада босилиб, радиода гапирилавериш сийқаси чиқиб кетган гаплар. Лекциянгиз маҳаллий шароитга жиндак боғланган бўлса ҳам майли эди. Дин, зарарли урф-одатларга қарши хатга қараб тезис ўқишингиз билан залдан хуррак эшитила бошлади. Лекциянгиз бир ярим соатдан мулроққа чўзилди-ю, бизнинг колхоз ҳаётидан барчага ибрат бўладиган биронта — на яхши ва на ёмон мисол келтирдингиз. Ўз касбининг устаси бўлган лектор конспектни кабинетда ўтириб эмас, одамлар орасида юриб, кўриб, ўрганиб, ҳаётини мисолларга суяниб, айтиш, зарур бўлган мақсадни ўқиб эмас, тўлқинланиб гапириб бермоғи керак. Бундай лекциянинг таъсири, тарбиявий кучи катта бўлади. Мана, сиз лекция ўқиган колхозлардан иккита мисол келтирай.

— Қани-қани, эшитайлик-чи, қанақа мисол экан?— деб қўйди пиёлани қўлида ўйнатиб лектор.

— Хўп майли, майдаларини тилга олмай қўя қолай, олайлик, «Москва» колхозини.

— Донгдор колхоз, — таъкидлаб қўйди лектор.

— Ҳа, ўлманг, мулла ака, Иттифоқимизга донги таралган шу колхознинг бир эмас, тўртта ўрта мактаби бор. Олий, ўрта маълумотга эга бўлган зиёлиларнинг кони бўлган шу жойда ҳам ҳатто бидъат бемалол туб қўйиб палак ёймоқда! Гаров ўйнашиб қайси кўчасига кирманг, рўпарангизда «авлиё», кетмон дастадек бир ёғочга латта-путта боғланган, тўртта гуваладан қилинган қўлбола хона-хонақача, инс-жинсларга чўзма-чалпак, жума-оқшомлари қатор-қатор «жинчироқлар», бу «авлиё»ларга сиғинувчилар сони кўпайса кўпаяптики, ка-маймаяпти!.. Ёшлар заҳарланыпти. Ҳаммадан ҳам шунисига ачинаман!— дер эди ёниб Юсуфжон, — ўқувчи қиз-ўғил болалар мактабга ўтиш-кетишда «авлиё» олдида бир тўхтаб фотиҳа ўқишни одат қилиб олибдилар. Шу колхозда яшайдиган эшонча деган «азайимхон» ҳангомасини эшитгандирсиз. Унинг ихлосмандлари бу томони Хавасдан тортиб, бу томони Каттақўрғондан кети узилмай келиб туради. Қиладиган каромати «куф-суф». Нодон кишиларнинг кўр-кўрона сиғинишларига кўйиб кетаман!

Жданов номли колхозимизда Қалапдархона деган жойимиз бор. Кейинги уч-тўрт йил ичида кўчанинг икки бетида шинам участкалар қурилди. Бунинг кўрган ҳар қандай кишининг кўнгли қувонади. Бироқ шу катта йўл ўртасида киши дилини сиёҳ қиладиган бир «авлиё» дарахт муқаддас бўлиб қолмоқда. Кўчага шағал тўкилиб асфальт қилинадиган бўлди. Аммо бу касофат «авлиё»дан қутулишнинг иложи бўлмади. «Инс-жинс»лар макони бу дарахтга қўл текизиб бўлмас эмиш... Кимки бу назаркарда дарахтга ёмон кўз билан қараса, ўша заҳоти оғзи қийшайиб, тилдан қолармиш, қўл-оёқсиз, шол бўлармиш. Шу кунгача кимнингки оғзи қийшайиб, қўл-оёғи шол бўлиб қолган бўлса, «азиз авлиё»ларга шаккоклик қилганидан эмиш... Ана шу пропаганданинг таъсири билан ҳатто рус бульдозерчи ҳам тутни қўпориб ташлашга журъат қилолмай, «авлиё»ни ёплаб ўтди. Мактаб директори Қарим Олимов, илмий мудир Мамасоат Ҳасанов, бир неча ўнлаб ўқитувчи, комсомол, партия аъзола-

ри бидъатнинг бу тантанавор ғалабасига лоқайд қарашиб томошабин бўлиб келмоқдалар.

Бир коса асални истеъмолга яроқсиз қилиш учун бир томчи заҳар кифоя!.. Қумри пари, Хурсанд пари, Эшончага ўхшаш доғули ҳаромхўрлар ҳеч кимдан тап тортмай, беиболик билан қолоқ одамларни алдаб ошкора бидъат уруғини урчитиб келмоқдалар. Сиз ахир, — деди уқдириб Юсуфжон, — Коммунизм ғоясини пропаганда қилувчи трибун бўлишингиз, қолоқ одамларни зарарли урф-одат таъсиридан қутқозишда бизга ёрдам кўрсатмоғингиз зарур. Юртимизда бор «авлиё»ларни синф сифатида тугатишга, «авлиё» орқасидан меҳнатсиз кун кўрувчиларни фойдали иш билан шуғулланишларига кўмаклашувингиз керак. Дуруст, сиз менга «бу ишларни ҳам мен қиладиган бўлсам, район маданият бўлиминингизнинг бошлиғи Латофатхон Ҳидировага, идеология фронтининг бошқа ходимларига нима иш қолади?— деб савол беришингиз мумкин.

— Шундай саволга қачондан бери сиздан жавоб кутиб ўтирибман, — деди Юсуфжоннинг сўзини илиб олиб лектор.

Юсуфжон бу гал ҳам шошиб қолмади. Қойил қилиб жавоб қайтарди:

— Шамнинг қиммат бўлиши сўқир одам учун аҳамиятсиз, деган мақол бор. Сиз донишманд одамсиз. Менинг ақлим етмаган нарсага сизнинг ақлингиз етади, деб ўйлайман. Сўзи билан ишида фарқ бўлган одамни сира аяманг. Тирик-ўлик «авлиё»ларга мурасасиз бўлинг!

МУНДАРИЖА

Қиссалар

Узоқни кўзлаган қиз	7
Алқисса	7
У ким?	14
Заҳматкаш қўллар	16
Ойла	30
Меҳнат	34
Биринчи учрашув	41
Ашурмат Бакиров	45
Йўл	57
Икром Жалилов	65
Сулгонжон	73
Ҳиндистонда	83
Ташвишли куз	88
Улкан даврада	94
Ҳисоблашмасдан иложи йўқ	102
Олтиншинчи йил	106
Саодатнинг қиссаси	116
Юлдуз	140

Ҳикоялар

Олтиной	159
Хадича Аҳророва	175
Олияхон Султонова	188
Аҳмадали ўз бахтини қандай топди	225
Олма олмадан узоққа тушмайди	233
Қўзи ва Қўндуз	243
Қўшчинор	252
Тўқсонбой отанинг маталлари	258
Лулилар	277
Онахонимиз Эркабуви	285

Очерклар

Карвонбоши Мелиқўзи	295
Дон	303
Қўрбонали полвон	310
Султон бўзчининг неваралари	315
Ҳуррият қўрбонлари	324

Фарогат	324
Шафоат	330
Эъзозхон	: 340
Олтин олма, олқинш ол	354
Учтепа қаҳрамонлари	363
Зулайхо : : ?	369
Зулайхонинг янги парвози	374
Фаргона лавҳалари	383
Отахон	: 387
Чул лочини	393
Раҳмонали укинмаса бўлади	399
Раҳмонали беҳудага ўкситилди	407
«Авлиёлар»	415

На узбекском языке

Назир Сафаров

Собрания соч. в 4-х томах, том II
ПОВЕСТИ, РАССКАЗЫ, ОЧЕРКИ

Редактор М. Раҳмон
Рассом Д. Яковлев
Расмлар редактори Н. Холиқов
Техн. редактор Т. Смирнова
Қорректор Р. Содикбекова

Босмахонага берилди 27/1-1975 й. Босишга рухсат этилди 5/XI-1975 й. Формати $84 \times 108^{1/8}$. Босма л. 13,25. Шартли босма л. 22,26. Нашр л. 23,0+0,16 (вкл). Тиражи 10000. Га-фур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома № 125-74

Ўзбекистон ~~Министрлар Шўъраси~~ нашриётлар, поли-графия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлаг Комитети-нинг Тошкент Полиграфкомбинатида №1 қозоғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1975 йил. Заказ № 281. Баҳоси 96 т.

Сафаров Н.

Асарлар. 4 томлик. 2-инчи т. Т., Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1975.

2-инчи т. Қиссалар, ҳикоялар, очерклар. 1975. 424 б.

Халқ ёзувчиси Назир Сафаровнинг тўрт томлик асарларининг иккинчи
томига пахта, пилла ва чорвадан мўл ҳосил етиштирган ва шу меҳнатлари
туфайли Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлган
қишлоқ хўжалиги илғорлари ҳақидаги қисса, ҳикоя ва асарлари кирган.

Сафаров Н. Собрание сочинений. В 4-х т. Т. 2.
Повести, рассказы, очерки.

